

4430/1035
УЗМ

А
В
Ш
Т
У
Р
И
Н
Е
Т

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ



- Умумий масалалар
- Фонетика
- Лексикология
- Грамматика
- Адабиёт назарияси
- Халқ оғзаки ижоди
- Мумтоз адабиёт
- XX аср адабиёти



4435 (045)
434



Ҳалимжон Юсуфий, Толибжон Рўзибоев,
Тилаволди Жўрасв.

ЎЗБЕК ТИЛИ В А АДАБИЁТИ

Олий ўқув юртиларига кирувчилар учун
махсус қўлланма

Қайта ишланган ва тўлдирилган нашири



“ФАРҒОНА” нашриёти

Ушбу қўлланманинг чоп этилиши ва абитуриентларимиз қўлига стиб боришида бош-қош бўлган, хайрли ишда бизга бе-
ғараз ёрдам кўрсатган бағдодлик Ислоҳ ака Қундузовга муал-
лифлар ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдира-
дилар.

Масъул муҳаррир: **Ҳ. ҚЎЗИЕВ,**
филология фанлари номзоди.

ТАҚРИЗЧИЛАР

А. НУРМОҢОВ,
Андижон Давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

С. МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори.

О. АКБАРОВ,
филология фанлари номзоди.

Х. ЮСУФИЙ, Т. РЎЗИБОВЕВ, Т. ЖЎРАЕВ.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ Олий ўқув юртиларига
кирувчилар учун махсус қўлланма. Қайта ишланган
ва тўлдирилган нашри.

“ФАРҒОНА” нашриёти, 2001 йил. — 210 б.

“ФАРҒОНА” нашриёти, 2001-йил.

АЗИЗ АБИТУРИЕНТ!

Олдингида катта мақсад — оллий ёки ўрта махсус ўқув юртига ўқишга кириш, келажакда республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилувчи етук мутахассис бўлиб етишиш мақсади турибди. Орзу, мақсад эзгу нарса, албатта, аммо унга эришиш учун, аввало, ҳар томонлама билимдон, замонавий фанларни пухта ўзлаштирган бўлишингиз, ўз дунёқарашингизни кенг айгиришингиз лозим. Ривожланиб бораётган жамиятимизнинг етук кишиси бўлиш учун ўз она тилингизни ҳам пухта ўзлаштирган бўлишингиз, фикригизни ҳам оғзаки, ҳам ёзма равишда саводли, равои, аниқ баён эта олишингиз керак бўлади.

Республикамизнинг барча оллий ва ўрта махсус ўқув юртига кириш учун она тили ва адабиётдан имтиҳонлар кўйилишининг боиси ҳам шунда. Бу ишда, имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўришингизда, кўлингиздаги ушбу қўланма катта ёрдамчи ва маслаҳатчи бўлиб қолади, деб умид қиламиз. У 1995 йил “МАЪРИФАТ” газетасида ҳамда 1996-2001 йилларда нашр этилган “АХБОРОТНОМА”лардаги саволлар ва шу саволлардан келиб чиқадиган дастур асосида ёзилган. Қўланмани тайёрлашда “Ўзбек тили грамматикаси” I-II томлар (муаллифлар жамоаси, “Фан” нашр., Тошк., 1976 й.), “Ўзбек тили” (М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, “Ўрта ва оллий мактаб” нашр. Тошкент, 1962 й.), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, “Ўқитувчи” нашр., Тошк., 1975 й.), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (А. Фуломов, М. Асқарова, “Ўқитувчи” нашр., Тошк., 1987 й.) “Ўзбек адабиёти тарихи” (муаллифлар жамоаси, “Фан” нашр., Тошк., 1978 й. I-IV томлар), Н. Малласев, В. Абдуллаев, А. Қаюмовларнинг адабиёт тарихи бўйича нашр этилган асарлари, “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати” (Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқов, “Ўқитувчи” нашр., Тошк., 1983 й.), ўзбек тили ва адабиётдан ўрта умумтаълим мактаблари учун чиқарилган дарслик ва дастурлардан фойдаланилди.

Имтиҳон тест саволларига тўлиқ ва тўғри жавоб қайтариш учун нималарни билишингиз, асосий эътиборни нималарга қаратишингиз кераклигини қўланмадан билиб olasiz. Унда ўз билимигизни синаб кўришингиз ва мустаҳкамлашингиз учун тест саволлари ҳамда уларга калитлар илова қилинган. Бу тест саволлари билимигизни фақат синаш учун эмас, уни тўлдиришга ҳам хизмат қилади.

Катта мақсад йўлида Сизга омад ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Қўланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги телефонлар орқали маълум қилишингизни сўраймиз: 25-73-61, 27-06-06

Муаллифлар

руҳи шу оилага киради. Бу гуруҳга 24 тил: турк, ўзбек, қирғиз, қozoқ, туркман, қорақалпоқ, озарбайжон, уйғур, татар, қрим-татар, бошқирд, гагауз, ёқут, чуваш, қўмиқ, қорачой, қабардин-бол-қар, шор ва бошқа тиллар мансуб.

Ўзбек тилининг тараққиёт илдиари узоқ асрларга бориб тақалади. Тилишуносларимиз бу тилни XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакл-ланган деб ҳисоблайдилар. Бунга қадар аجدодларимиз қадимги туркий тилда гаплашганлар. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билим” (“Саодатга йўловчи билим”) асари қадимги туркий тилда ёзилган илк бадиий асардир.

Ўзбек тилишунослиги ҳам худди шу XI асрдан бошлаб майдонга келган. Унинг асосчиси тахминан 1028-1030 йилларда Баласогунда дунёга келган Маҳмуд ибн-ул Ҳусайн ибн Муҳаммад-ил Кошғарийдир. М. Кошғарий ўзининг “Жавоҳир ун-наҳв фи луғатит турк” (“Турк тили синтаксиси қоидалари”) ва “Девону луғатит турк” (“Туркий сўзлар луғати”) асарларида қадимий тилимизнинг луғат бойлиги, грамматик хусусиятлари ҳақида қимматли фикрларни баён этади. 1074-1075 йилларда ёзилган “Девону луғатит турк” асарида олим 6 мишдан зиёдроқ туркий сўзларнинг луғавий маъносини арабча изоҳлаб беради ҳамда туркийлар қўллайдиган ёзув, от ва феълларнинг грамматик хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтиради.

XI асрда яшаган машҳур ватаандошимиз, хоразмлик тилишунос олим Абулқосим Маҳмуд Замахшарий (1075-1141) ҳам тилишунослик тараққиётига беқийс ҳисса қўшган. Олим араб тилида тилишуносликка оид 50 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида олимнинг 1137 йилда хоразмшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффархонга бағишлаб ёзган “Муқаддимат ул-адаб” (“Адабнинг бошланғичи”) асари алоҳида аҳамиятга эгадир.

XIV асрга келиб, эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. Унинг тараққиётини, айниқса, Алишер Навоийсиз тасаввур этиб бўлмайди. А. Навоий туркий (ўзбек) тилининг бутун латофати, беқийс гўзаллигини, аввало, ўз асарларида яққол кўрсатиб берди. А. Навоий тилишунос олим сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) асарида форсий ва туркий тилларни чоғиштириб, туркий тилининг ҳар томонлама бой тил эканлигини, форсий тилдан қолишмаслигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбек тили асрлар давомида жамиятимиз ҳаёти билан боғлиқ ҳолда сайқаллашиб борди. Бу жараён XIX асрда Муқимий, Фурқат, Завқий, XX асрда эса А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Қодирий, Ф. Фулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, Миртемир сингари ўнлаб адиблар ижоди билан узвий боғлиқдир.

XX аср ўрталарига келиб, ўзбек тилшунослиги ҳам фақат сифатида тараққий этди. Бу соҳада Муҳаммадкаримов, Е. Д. Поливанов, А. Боровков, Ф. Камолов, А. Гуломов, Ф. Абдурахмонов, М. Асқарова, У. Турсунов, Ш. Раҳматуллаев ва бошқа бир қатор тилшуносларимизнинг ҳиссалари каттадир.

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганига қадар яқин 130 йил давомида булок аждоқларимиз сўзлаган бой ва гўзал тилимиз камситилиб келинди, шўролар даврида бу тил шунчаки маиний — рўзгор тилига айланди-қолди.

ЎЗУВЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН

Инсоният ўз тарихи мобайнида жуда кўп ўзувлардан фойдаланиб келган. Дастлабки ибтидоий қабилалар пиктографик ўзув (расм — ўзув)дан фойдаланган бўлсалар, бугунги кунда жаҳонда ўзувнинг мукамал шакли ҳисобланган 220 хил фонографик (товуш асосидаги) ўзув қўлланилмоқда. Улар орасида энг кўп тарқалгани лотин ўзуви бўлиб, дунё халқларининг 30 фоизидан кўпроғи ана шу ўзувни ишлатади.

Бизнинг қадимий аждоқларимиз рун (руник), сўел ўзувларидан фойдаланганлар. XIX асрнинг охирида Сибирнинг Энасой (Енисей) ва Урхун (Мўғулистон) дарёлари бўйларидан V-VIII асрларга тааллуқли қабр тошларига битилган Куд Тигин, Билга Қоон, Тўнқоққўқ ёд ордикларини топилган эди. 1893 йили даниялик олим В. Томсон ҳамда рус академиги В. В. Радловлар уларни ўқинишга муваффақ бўлдилар.

Араблар ислоҳосидан сўнг VIII асрдан то 1929 йилга қадар халқимиз араб ўзувидан фойдаланиб келди. X-XV асрларда Марказий Осиёда араб ўзуви билан бир қаторда уйғур ўзуви ҳам қўлланилган.

1929 йилдан 1940 йилга қадар лотин ўзуви, 1940 йилдан ҳозирга қадар рус (Кирилл) ўзуви ишлатилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилнинг 2-3 сентябрида бўлиб ўтган Олий Кенгаши йиғилишида лотин ўзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Лотин алифбосига ўтиш 2005 йилда тўла тугалланиши кўзда тутилган.

1995 йил 7 майда эса Олий Мажлиснинг “Янги ўзбек алифбосига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарорга кўра янги алифбода аввалги 31 ҳарф ўрнига 26 ҳарф ва 3 та ҳарф бирикмаси белгиланди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Нутқ товушлари қайси бўлимда ўрганилади?
А) морфологияда В) фонетикада
С) офографияда Д) орфоэпияда
Е) лексикологияда
2. Этимология тилнинг қайси соҳаси ҳақида баҳс юритади?
А) Нутқ товушларини ўрганади?
В) Сўз туркумларини ўрганади.
С) Сўзларнинг келиб чиқишини ўргатади.
Д) Тилнинг лугат таркибини ўргатади.
Е) Лугатларнинг тузилишини ўргатади.
3. Орфоэпия...
А) тўғри ёзиш қоидаларини ўргатади.
В) тилиш белгиларини тўғри қўллаш қоидаларини ўргатади.
С) адабий талаффуз қоидаларини ўргатади
Д) тилнинг грамматик қурилиши ҳақида баҳс юритади
Е) сўзнинг таркибий қисмларини ўргатади
4. Лугатларнинг тузилишини ўргатувчи бўлим...
А) лексикология В) этимология
С) фразеология Д) семасиология
Е) лексикография
5. Фразеология нимани ўрганади?
А) жой номларининг келиб чиқишини
- В) кўчма маъноли турғун сўз бирикмалари — ибораларни
С) тилнинг лугат таркибини текширади
Д) сўзларнинг келиб чиқишини
Е) халқ шеваларини
6. Нутқда тил воситаларини тўғри танлаш ва қўллаш ҳақидаги бўлим...
А) стилистика (услубшунослик)
В) семасиология
С) топонимика
Д) лексикография
Е) лексикология
7. Тилиш белгиларини тўғри қўллаш қоидалари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?
А) стилистика В) орфография
С) орфоэпия Д) пунктуация
Е) этимология
8. Жамият тараққий этиши билан кўпроқ тилнинг...
А) товуш томонида ўзгариш юз беради
В) грамматик қурилишида ўзгариш юз беради
С) ўзак, негиз, қўшимчалар таркибида ўзгариш юз беради
Д) сўзнинг маъно томонида ўзгариш юз беради
Е) лугат таркибида ўзгариш юз беради

9. Ўзбек тили...

- A) Ҳинд-Европа тиллар оиласининг эрон тиллари гуруҳига мансуб.
B) Туркий тиллар оиласининг уйғур тиллари гуруҳига мансуб.
C) Олтой тиллари оиласининг ўғуз тиллари гуруҳига мансуб.
D) Олтой тиллари оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансуб.
E) Туркий тиллар оиласининг олтой тиллари гуруҳига мансуб.

10. XI асрга қадар бизнинг аждодларимиз қайси тилда гаплаганлар?

- A) ўғуз тилида
B) араб тилида
C) уйғур тилида
D) қадимги сўғд тилида
E) қадимги туркий тилда

11. XI асрда туркий (ўзбек) тили...

- A) адабий тил сифатида шакллана бошлади.
B) мустақил тил сифатида шакллана бошлади.
C) миллий тил сифатида шакллана бошлади.
D) қипчоқ ва қарлұқ адабий тили сифатида шакллана бошлади.
E) шева тили сифатида шакллана бошлади.

12. Қадимги туркий тилда ёзилган илк бадий асар (дoston)-ни аниқлап:

- A) А. Фирдавсий. "Шоҳнома"
B) Н. Рабғузий. "Қисаси Рабғузий"
C) Хоразмий. "Муҳаббатнома"

D) Юсуф Хос Ҳожиб. "Қутадғу били"

E) А. Югнакий. "Ҳибат ул-ҳақойиқ"

13. Эски ўзбек адабий тили қайси асрда шакллана бошлаган эди?

- A) XIV аср
B) XI аср
C) IX-X асрлар
D) XV-XVI асрлар
E) XIX асрлар

14. "Жавоҳир ул-наҳв фи луғатит турк" асари қайси олим қаламига мансуб?

- A) Абулқосим Замахшарий
B) Алишер Навоий
C) Абулқосим Фирдавсий
D) Маҳмуд Қошғарий
E) Юсуф Хос Ҳожиб

15. "Муқаддимат ул-адаб" асарининг муаллифи ким?

- A) Абулқосим Замахшарий
B) Абулқосим Фирдавсий
C) Алишер Навоий
D) Юсуф Хос Ҳожиб
E) Маҳмуд Қошғарий

16. Аждодларимиз фойдаланган рун (руник) ёзувлари қайси ёдгорликларда сақланиб қолган?

- A) Сополштепадан топишган кўзачаларда.
B) Зарафшон воҳасидан топишган будда ҳайкалчаларида.

С) Зардуштийларнинг "Авесто" китобида.

Д) Самарқанддан топишган қумуш тангаларда.

Е) Ўрхун-Енисей дарёси бўйлари-дан топишган қабр тошларида.

17. Ўрхун-Энасой ёзувлари-бу...

А) оромий ёзуви ҳисобланади.

В) "Қутағду билиг" асари ҳисобланади.

С) Кул Тигин, Билга Қоон, Туноқуқ битиглари ҳисобланади.

Д) "Девону лугатит турк" асари ҳисобланади.

Е) "Ҳибагул-ҳақойиқ" асари ҳисобланади.

18. Марказий Осиё халқлари араб ёзувидан фойдаланган давр қайси жавобда тўғри қайд этилган?

А) XI асрдан 1940 йилга қадар

В) XIV асрдан 1926 йилга қадар

С) XV асрдан 1926 йилга қадар

Д) VIII асрдан 1929 йилга қадар

Е) V-VIII асрлар

19. X-XV асрларда халқимиз араб ёзуви билан бир қаторда яна қайси ёзувни қўллаган?

А) сўғд ёзувини В) уйғур ёзувини

С) лотин ёзувини Д) рун ёзувини

Е) хоразм ёзувини

20. 1995 йил 6-7 майда...

А) "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

В) "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

С) "Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" тасдиқланди.

Д) Ўзбек тилига "Давлат тили" мақоми берилди.

Е) А ва Д жавоблар

21. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида неча ҳарф ва ҳарфий бирикма мавжуд?

А) 28 та ҳарф, 1 та ҳарф бирикмаси.

В) 26 та ҳарф ва 3 та ҳарф бирикмаси.

С) 31 ҳарф ва 1 та ҳарф бирикмаси.

Д) 32 ҳарф ва 1 та тутуқ белгиси.

Е) Тўғри жавоб йўқ.

ФОНЕТИКА

Нималарни билишингиз керак?

- нутқ товушлари нима ва улар қандай ҳосил бўлади?
- нутқ аъзоларига нималар киради?
- унли ва ундов товушлар қандай ҳосил бўлади?
- сонор, жарангли ва жарангсиз ундовлар;
- бўгин ва унинг аҳамияти, очик ва ётиқ бўгинлар;
- ургу ва унинг нутқдаги аҳамияти;
- алфавит, асосий орфографик қоидалар: фонетик, морфологик ва шаклий ёзув.

НУТҚ ТОВУШЛАРИ

ФОНЕТИКА (грекча “фоно” — товуш) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилнинг товуш томонини, яъни нутқ товушларини ўрганади. Бу бўлимда биз нутқ аъзоларимиз фаолияти, бўгин ва ургу ҳақида ҳам маълумот оламиз.

Тилимиздаги барча сўзлар нутқ товушларидан ташкил топган. Сўзлар асосида эса гап тузилади. Нутқимиз ана шу гаплар воситасида шаклланади. Демак, нутқ товушлари ишон нутқининг энг биринчи зарурий элементидир, улар маъно ажратини учун хизмат қилади. Шу жиҳати билан нутқ товушлари табиатдаги барча физик товушлардан фарқланади.

Нутқ товушларини нутқ аъзоларимиз ҳосил қилади. Ўпка, бир жуфт бронх, кекирдак, товуш пайчалари, тил, кичик тил, танглай, тиш ва лаблар, дастки жағ, бурун бўшлиғи нутқ аъзоларимиз ҳисобланади. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида, айниқса, товуш пайчалари, тил ва лаблар фаол иштирок этади.

Нутқ товушлари ўпкадан чиққан ҳаво оқимининг бўғинда жойлашган товуш пайчаларини тебратишидан ҳосил бўлади. Улар овоз ва шовқиндан иборатдир. Шунга кўра нутқ товушлари икки хил: унли ва ундов товушларга бўлинади.

Унли товушлар соф овоз (ун) дан иборат бўлиб, уларнинг ҳосил бўлишида ўпкадан чиққан ҳаво оқими оғиз бўғинида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Ўзбек тилида олтига унли товуш: а, и, о, у, ў, э мавжуд. Унлилар куйидагича таснифланади:

Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра (тилнинг кўтарилиши ва оғизнинг очилиш даражаси)	Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Лабларнинг иштирокига кўра
	олд қатор	орқа қатор	
Юқори (тор) унлилар	и	у	Лабланмаган Лабланган
Ўрта (ўрта кенг) унли	э	ў	Лабланмаган Лабланган
Қуйи (кенг) унлилар	а	о	Лабланмаган Лабланган

Унлиларнинг айрим хусусиятлари:

- и унлиси талаффузда кўпинча қисқаради. Бу ҳол, айниқса, иккита жарангсиз ундош орасида янада яққол кўзга ташланади: тип - ти, қип - қи, кичик - кчк каби. Шунингдек, и аслида олд қатор унли бўлса-да, қ, г, х ундошларидан кейин келганда орқа қатор унли сифатида талаффуз қилинади. М.: қириқди - қыриқди, оғиз - оғыз, хисбон - хысбон каби. Баъзан икки ундош орасида қисқа и талаффуз қилиш ҳолатлари ҳам учрайди, аммо ёзилмайди. М.: ақл, нақш, ваҳм, зулм, метр каби. Айрим ҳолларда и ёзилиши сўз маъносининг ўзгаришига олиб келади: аср (100 йил) - асир (банди), асл (ҳақиқий) - асил (тоза) каби. и унлиси а ва о унлиларидан олдин келса, талаффузда битта й орттириш ҳолати ҳам учраб туради: шоир - шойир, майшат - майишат каби.

- у унлиси ҳам талаффузда қисқариш хусусиятига эга: узум - узм, тугун - туғи каби. Бундай хусусият бошқа унлилар учун ҳос эмас.

- э унлиси жонли тилда кўпинча и тарзида талаффуз қилинади: меҳмон - миҳмон, телефон - тилифон каби, аммо сўз бошида келганда бу ҳолат йўқ: этик, эрка, эртак каби. Э унлиси ундошлар орасида келса е ҳарфи билан ёзилади: кел, кеча, бекор, бемор, бешик каби.

- а унлиси ҳам икки хил талаффузга эга. М.: катта, марказ, ака, барака каби сўзларда олд қатор, лекин қ, г, х ундошларидан кейин келса: қаҳрамон, халқ, галаба каби орқа қатор унли сифатида талаффуз қилинади. Шунингдек, а унлиси баъзи ўринларда о, и, ў тарзида ҳам талаффуз қилинади: баҳо - боҳо, савол - совол; мутолаа - мутолиа, муассаса - мауссиса, равшан - рўвшан каби.

- о унлиси ўзлашган сўзларда ўрни билан и, а, ў тарзида талаффуз қилиниши мумкин. М.: ток(эл. токи) - тўк, компания - кампания, директор - директир каби. Ўзбек тилидаги сўзларда о унлисининг а ланиши кузатилмайди: она, очик, тор, бодом каби.

- ў униси қ, г, х ундошларидан кейин қаттиқ, к, г, ч ундошларидан кейин эса нисбатан юмшоқроқ талаффузга эга. М.: қўрқоқ, гўра, хўрак; кўл, гўл, чўл каби.

Ундош товушларнинг ҳосил бўлишида ўпкадан чиққан ҳаво оқими овоз бўлишида айрим тўсиқларга учраб чиқади. Ўзбек тилида 25 та ундош товуш мавжуд, улар ёзувда қуйидаги 23 та ҳарф орқали ифодаланади: б, в, г, д, ж, з, й, қ, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ. Иккита товушга, журнал, жюри сўзларидаги сирғалувчи ж ҳамда занг, тонг сўзларидаги нг товушларига алоҳида ҳарф йўқ.

Ундош товушлар қуйидагича тасниф этилади (турларга бўлинади):

Ҳосил бўлиш ўрнига кўри	Ҳосил бўлиш усулига кўра						Овоз ва шовқин (ун пайчалари) ишт. кўри	
	Портловчилар	Сирғалувчилар	Титроқ	Ен	Қориниқ	Бурун товушлари		
лаб ундош	лаб-лаб	б	в (ўзб. сўз.)				м	жарангли
	лаб-лаб	п						жарангсиз
	лаб-лаб		в (ол. сўз.)					жарангли
тил ундош	тил-тил	д	з, ж	р	л	ж (дз)	п	жарангли
	один тил	т	с, ш			ч, ц		жарангсиз
	ўрта тил		й					жарангли
	саёз тил ора	г					п	жарангли
	чўп тил ора	к						жарангсиз
	орин	қ	х					жарангсиз
бўна ундош		ҳ						жарангсиз

1. Овоз ва шовқин иштирокига кўра:

а) жарангли: б в г д ж з й л м н п р (14 та);

б) жарангсиз: п ф к т ш ч с х қ ц ҳ. (11 та).

Жарангли ундошларни ҳосил қилишда овоз (ун) пайчалари иштирок этади ва овоз шовқинга нисбатан кучли бўлади, жарангсиз ундошлар эса фақат шовқиндан ҳосил бўлади. Жаранглилардан л, м, н, п, й р ларни талаффуз қилишда овоз иштироки шовқинга қараганда анча кучлилиги учун улар сонор (лот. "овоз") товушлар деб юритилади. Сонор ундошлар талаффузида ун пайчалари фаол иштирок этади.

2. Ҳосил бўлиш усулига кўра:

а) портловчи: б п д т к қ ж ч;

б) сирғалувчи: в ф з ш **ж** й г х ҳ;

д) қоришиқ: дж ч ц .

г) портловчи-сирғалувчи (сонорлар): м н н г л р;

1. Портловчи товушлар (б, п, д, т, г, к, қ) талаффузида нутқ органлари бир-бирига жиқлашади ва ҳаво оқими уларни ёриб, портлаб чиқади;

2. Сирғалувчи ундонлар (в, ф, з, с, ж, ш, й, ғ, х, ҳ) талаффузида нутқ органлари бир-бирига яқинлашади ва ҳаво оқими шу органларга ишқаланиб чиқади;

3. Қоришиқ ундонлар (ч, дж, ц) талаффузида тилнинг олдинги қисми милкка тақалади, оғиз бўшлиғига қелган ҳаво асосан сирғалиб чиқади.

Сонорлар (овозилар) ҳам навбатида ён товуш, титроқ товуш, бурун товушларга бўлинади.

а) ён товушлар (л) талаффузида тилнинг учи милкка тегиб, ҳаво оқими унинг икки ёнидан сирғалиб чиқади;

б) бурун товушлари (м, н, нг) талаффузида ҳаво оқими бурун бўшлиғидан чиқади;

в) титроқ товуш (р) талаффузида ҳаво оқими таъсири билан тил учи титрайди.

3. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра:

1. Лаб ундонлари:

а) лаб-лаб: б н м в (ўзбекча сўзларда сув, қовун);

б) лаб-тиш: ф в (олимпта сўзларда вагон, вазир).

2. Тил ундонлари:

а) тил олди: д т ж дж ч ц ш з с н л р;

б) тил ўрта: й;

в) сасиз тил орқа: г к н г;

г) чуқур тил орқа: қ ғ х.

3. Бўғиз ундони: ҳ.

БҮҒИН

Бир ҳаво зарби билан айгиладиган бир ёки бир неча товушлар йиғиндиси бўгин дейилади. Сўзда неча унли товуш бўлса, бўгин ҳам шунча бўлади. Демак, бўгинлар сони ундонлар миқдори билан эмас (улар бўгинда қатнашмаслиги ҳам, битта ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин), балки унлилар сони билан белгиланади.

Хўш, бўгинларнинг қандай аҳамияти бор?

Биринчидан, ёзувда бир сатрга сикмай қолган сўз бўгин кўчириш қондаси асосида кейинги йўлга кўчирилади, иккинчидан, биринчи синф ўқувчилариши ёзиш ва ўқинишга ўргатиш бўгин асосида амалга оширилади, учинчидан, шеърятда бармоқ вази талабига кўра, мисраларда бўгинлар миқдорининг тенлиги ҳисобга олинади.

Бўгинлар унли ёки ундощ билан туганишга қараб, икки хил: очик ва ёниқ бўлади. Бўгин унли товуш билан тугаса, очик бўгин, ундощ товуш билан тугаса, ёниқ бўгин ҳисобланади.

Масалан, ма-ла-ка-ли, та-ла-ба, ва-зи-фа сўзларидаги барча бўгинлар очик, мак-таб-дош, типч-лик, бог-бош сўзларидаги ҳамма бўгинлар ёниқ бўгинлардан иборатдир.

Ёзувда бир сатрга сикмай қолган сўзлар қуйидаги қондалар асосида кейинги йўлга кўчирилади:

а) сўз бошидаги бир ҳарфдан иборат бўгин ёниқ ўзи олдинги сатрда ҳам қолдирилмайди, кейинги йўлга ҳам кўчирилмайди: а-бадий эмас, аба-дий, э-шикдан эмас, эшик-дан ёки мудофа-а эмас, мудо-фаа;

б) бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар “и” биргаликда кўчирилади: син-гил эмас, си-нгил, кўн-гил эмас, кў-нгил;

в) айириш (ъ) ва юмпатиш (ь) белгилари ажратилмайди, олдинги йўлда қолдирилади: аль-бом, таъ-сир;

г) қисқартма сўзлар, шунингдек, кўн ҳадли рақамлар сатрдан сатрга кўчирилмайди: АҚШ, ТошМИ, БМТ, 1999 XXXV том;

д) атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: Наврўз - 99 (фестивал) “Ўқитувчи - 98” (кўрик - танлов) “Боинг - 767” (самолёт)

Ўзбек тилида учрайдиган бўгинлар тури.

Бўгин тури	Мисоллар
1 унли.	о-на, и-до-ра, у, э-тик, а-ка, ў-рик, му-то-ла-а.
1 унли ва 1 ундощ.	ин-кор, да-ла, бу, ик-ки, ил-ғор, ма-ҳо-рат, ал-ла
1 унли ва 2 ундощ.	меҳ-нат, азм, қаш-шоқ, донг-дор, ақл, асл, аср
1 унли ва 3 ундощ.	вақт, да-рахт, стол, бахт, сабр, вази, гул-барг
1 унли ва 4 ундощ.	спорт, грамм, транс-порт

УРҒУ

Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига қараганда кучлироқ оҳанг билан айтилиши сўз урғуси дейилади. Урғу тушган бўғин урғули бўғин деб аталади.

Ўзбек тилидаги сўзларда урғу асосан охириги бўғиндаги ушлига тушади. Сўзга қўшимча қўнилиши билан урғу ҳам кейинги бўғинга кўчиб ўтаверади: пахта, пахтакор, пахтакорлар...

Тилимизда урғу охириги бўғинга тушмайдиган сўзлар ҳам мавжуд.

Масалан: биринчи бўғинда: ҳамма, барча, бари, кимдир (олмонлар); доим, ҳозир, асло (равишлар); ҳатто, гарчи, аммо, лекин (ёрдамчи сўзлар); иккинчи бўғинда: албатта, афсуски (модал сўзлар) кабилар.

Шунингдек, тилда урғу олмайдиган грамматик воситалар ҳам мавжуд:

1. Юктамалар: -у, ю-, -да, -ку, -ми, -чи, -гина;
2. Равиш ясовчи -ча қўшимчаси.
3. Ўхшатиш маъносидagi -дек, -дай қўшимчалари.
4. Кесимлик қўшимчалари: -дир, -ман, -сан, -миз, -сиз.
5. Фельнинг бўлишсизлик қўшимчаси: -ма.

Тилимизга бошқа тиллардан ўтган олинма сўзларда урғу турли бўғинларда бўлиши мумкин. Бундай урғу эркин урғу ҳисобланади.

Баъзи сўзлар урғусининг ўрнини алмаштирсак, уларнинг луғавий маънолари ҳам ўзгаради: атлас (урғу иккинчи бўғинда) - материал, атлас (урғу биринчи бўғинда) - хариталар альбоми, олма (урғу иккинчи бўғинда) - мева, олма (урғу биринчи бўғинда) - буйруқ феъли (Бировнинг китобини сўрамай олма), янги (урғу иккинчи бўғинда) - сифат (янги кўйлак), янги (урғу биринчи бўғинда) - равиш (янги келди - ҳозиргина келди).

Сўз урғуси сўзнинг бирор бўғинига тушади. Бундан таъқари, бўғинга эмас, гадаги бирор сўз (гап бўлаги)нинг ўзига тушадиган маъно (логик) урғуси ҳам мавжуд.

Гадаги бирор бўлакнинг (сўзнинг) бошқаларига нисбатан алоҳида таъкид (овоз) билан айтилиши маъно урғуси деб аталади. Маъно урғуси, одатда, кесимдан аввал жойлашган бўлакка тушади.

Биз кеча ўқитувчимиз билан театрга бордик.
Кеча ўқитувчимиз билан театрга биз бордик.
Биз кеча театрга ўқитувчимиз билан бордик.
Биз ўқитувчимиз билан театрга кеча бордик.

ЁЗУВ ВА ИМЛО

Ҳар бир товушни ифодалаш учун қўлланиладиган махсус шакли ҳарф дейилади. Ҳарфларнинг маълум бир тартибда жойлашуви эса алфавит (алифбо) деб аталади. Рус (Кирилл) графикасига асосланган ҳозирги алфавитимизда 33 та ҳарф, иккита белги (ъ ва ь белгилари) мавжуд. Уларнинг жойлашуви қуйидагича:

Аа (а), Бб (бе), Вв (ве), Гг (ге), Дд (де), Ее (е), Ёё (ё), Жж (же), Зз (зе), Ии (и), Йй (йи), Кк (ка), Лл (эл), Мм (эм), Нн (эн), Оо (о), Пп (пе), Рр (эр), Сс (эс), Тт (те), Уу (у), Фф (эф), Хх (ха), Цц (це), Чч (че), Шш (ша), Ъъ (айириш белгиси), Ьь (юмшатиш белгиси), Ээ (э), Юю (ю), Яя (я), Ўў (ў), Ққ (қе), Ғғ (ге), Ҳҳ (хе)

ИМЛО ҚОИДАЛАРИ

Тилда сўзлар (ўзак, негиз, қўшимчалар, бош ҳарфлар) маълум бир қоида асосида ёзилади. Бу қоидалар мажмуаси орфографик (гр. "орфо" - тўғри, "графо" - ёзаман) тамойиллар (принциплар) деб аталади. Орфографик қоидалар тилшунос мутахассислар томонидан тузилиб, жамоатчилик маъқуллашга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади ва Президент томонидан тасдиқланади.

Орфография (имло) тамойиллари (қоидалари) қуйидагилардан иборат.

Фонетик тамойил (принцип). Сўз ўзаги, негизи, қўшимчаларини фақат эшитиш асосидаги ёзув:

а) жўналиш келишиги қўшимчаси -га к, г товуши билан тугаган сўзларга -ка тарзида, қ, ғ товуши билан тугаган сўзларга -қа тарзида қўйилади, шундай ўқилади ва ёзилади: эртаққа, билаққа, барққа, ўртоққа, боққа ва ҳ.к. (бирок айрим олинма сўзлар — педагогга, Оренбургга, митингга сўзлари бундан мустасно);

б) шаҳар, кўнгил, сингил, оғиз, бурун, бағир каби сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, иккинчи бўғиндаги а, и, у товушлари тушириб айтилади ва шундай ёзилади: шаҳри, кўнглим, синглинг, оғзи, бурним, бағри;

в) ёш, от, сон, онг каби сўзларга феъл ясовчи -а, -ла қўшимчалари қўшилганда, ё товуши яга, о товуши ага айланади ва шундай ёзилади яша, ата, сана, англа;

г) икки, олти, етти каби сонларга жамловчи сон ҳосил қилувчи -ов, -ала, -овлон қўшимчалари қўшилганда, охири бўғиндаги и товуши тушириб айтилади ва шундай ёзилади: икков, олтов, еттов, иккала;

17
INV. N: 78
78

д) а ёки я товушлари билан тутаган сўзларга қ ва в қўшимчалари қўшилса, ўзақдаги а товуши о га айланади ва шундай ёзилади: сўра-сўроқ, бўя-бўёқ, тапла-ташлов, сайла-сайлов, сана-саноқ;

Морфологик тамойил. Сўз ўзаги, негизи ва қўшимчаларни эшитиш асосида эмас, грамматик қонун-қоидалар асосида ёзиш демакдир.

а) ўтган замон феъли қўшимчаси -ди талаффузда -ти шаклида ай-тилса-да, морфологик қоидага мувофиқ айтти, кетти эмас, айтди, кет-ди тарзида ёзилади; ёки айтишти, ўқитти эмас, айтибди, ўқибди тар-зида ёзилиши лозим.

б) -истон (ўрин-жой отини ясовчи), -инчи (тартиб сон), -иб (ра-вишдош), -ин, ил (феъл нисбатлари) қўшимчалар негизида у товуши бўлган феълларга қўшилганда, -у (ю) товушларига мойил айтилади: гулустон, кулуб, туғулди, учунчи. Бироқ қўшимчалар шакли айнан сақланади ва гулистон, кулиб, туғилди, учинчи тарзида ёзилади.

в) қўшма ва жуфт сўзлар, ҳар вақт каби равиш, юм-юмалоқ, сан-сарик, кўм-кўк каби сифатлар ҳам морфологик қоида бўйича ёзи-лади.

Шаклий тамойил. Бу қоидага мувофиқ рус ва бошқа тиллардан олинган сўзлар ўша тилда қандай ёзилса, биз ҳам шу тарзда ёзамиз: тра-лейбус эмас, троллейбус, пракурор эмас, прокурор, трактор эмас, трактор ва ҳ.к.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Фонетика нимани ўрганади? бўлишиги
А) Сўз туркумларини
Б) Тилнинг лугат таркибини
В) Нутқ товушларини
Д) Сўзларни тўғри ёзиш қоидаларини
Е) Адабий талаффуз қоидаларини
2. Нутқ аъзолари қайси жавоб-да тўғри кўрсатилган?
А) Тил, кичик тил, тиш, жиғар, пастки жағ
Б) ўпка, буйрак, трахея, товуш пай-чалари,
С) ўпка, тил, тиш, бурун бўшлиғи, товуш пайчалари
Д) тил, кичик тил, юрак, бурун
3. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қайси нутқ аъзоларимиз фаол иштирок этади?
А) пастки жағ, ўпка, бўғиз, тил
Б) тил, ун пайчалари, бурун бўшлиғи
С) лаб, тиш, товуш пайчалари
Д) товуш пайчалари, тил, лаблар
Е) Нутқ товушларининг ҳосил бўли-шида барча нутқ аъзоларимиз фаол иштирок этади.

4. Ушли товушларнинг ҳосил бўлиш жараёни қайси жавобда тўғри изоҳланган?

А) Ўнқадан чиққан ҳаво оқими оғиз бўшлиғида айрим тўсиқларга учраб чиқади.

В) Ўнқадан чиқаётган ҳаво оқими тўсиқларга учраши ҳам, баъзи ҳолларда учрамаслиги ҳам мумкин.

С) Ўнқадан чиқаётган ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўсиқларга учрамайди.

Д) Ўнқадан чиқаётган ҳаво оқими бурун бўшлиғидан ўтади.

Е) Ўнқадан чиқаётган ҳаво оқими тишлар орасидан сирғалиб чиқади.

5. Фақат ушли товушлар қаторини тошинг:

А) а, и, нг, у, э

В) а, и, о, у, ў, э

С) а, и, о, у, у, э, ю, я, ё, с

Д) а, и, о, у, ю, э

Е) я, ю, ё, и, а, л, у

6. Қайси ушли товушлар фақат шовқиндан иборат бўлади?

А) я, ю, ё, с В) а, и, о, у

С) у, у, э, я Д) В ва С жавоблари

Е) Бундай ушлилар йўқ.

7. Қайси ҳукм (фикр) хато?

А) Нутқ товушларини ҳосил қилишда товуш пайчалари, тил ва лаблар фаол қатнашади.

В) Жарангсиз ундошлар овоз ва шовқиндан иборат бўлади.

С) Ушлилар жарангли ва жарангсиз бўлади.

Д) Сонор товушларда овозга нис-

батан шовқин кўпроқ бўлади.

Е) С ва Д жавоблари

8. Лабланган ушлилар қаторини аниқланг:

А) фақат а, о, у В) фақат а, и

С) у, ў, о

Д) барча ушлилар

Е) а, и, э ушлилари

9. Товуш пайчалари иштирокига кўра ундошлар турини аниқланг.

А) жарангли ва жарангсиз ундошлар

В) сонор ва титроқ товушлар

С) лаб-лаб ва лаб-тиш ундошлари

Д) портловчи ва сирғалувчи ундошлар

Е) бўғиз ва бурун товушлари

10. Жарангли ундошлар...

А) фақат товушнинг ўзидан иборат.

В) фақат овоздан иборат.

С) овоз ва шовқиндан иборат.

Д) фақат бўғизда ҳосил бўлади

Е) фақат бурун бўшлиғида ҳосил бўлади

11. Фақат жарангсиз ундошлар қатнашган сўзлар қаторини тошинг:

А) даромад, жамоат, хушёр

В) муҳаббат, вафо, садоқат

С) тахта, соат, сукут, тоат

Д) тош, шикоят, китоб, мулк

Е) тиловат, шижоат, жасорат

12. қ, ғ, х ундошлари...

А) чуқур тил орқасида ҳосил бўлади

В) тил олдида ҳосил бўлади

- С) бўғизда ҳосил бўлади
D) бурун бўшлиғида ҳосил бўлади
E) Тўғри жавоб йўқ.

13. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра
в ва ф ундoshiлари...

- A) лаб-лаб ундoshiлари
B) лаб-тип ундoshiлари
C) бурун товушлари
D) бўғиз товушлари
E) тил олд ундoshiлари

14. С, ш, ж (журнал) ундoshiла-
ри ҳосил бўлиш усулига
кўра...

- A) жарангли B) жарангсиз
C) титроқ D) сирғалувчи
E) портловчи

15. X ундoshiга тўғри тавсиф
берилган жавобни аниқланг.

- A) чуқур тил орқа, сирғалувчи, жа-
рангсиз
B) бўғиз товуши, сирғалувчи, жа-
рангсиз
C) чуқур тил орқа, сирғалувчи, жа-
рангли
D) чуқур тил орқа, портловчи, жа-
рангсиз
E) тил орқа, портловчи, жарангли

16. Ён товушни топинг:

- A) м B) л C) с D) з E) р

17. Портловчи ундoshiлар қай-
си қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) б, п, м, г, д, з, с
B) б, п, д, т, к, г, ч
C) з, й, г, д, ф, л, м
D) в, г, д, т, ф, к, л

E) ф, х, к, г, д, с, ч

18. Ҳосил бўлиш усулига кўра
“р” ундoshi...

- A) титроқ товуш
B) ён товуш
C) сирғалувчи товуш
D) портловчи товуш
E) портловчи-сирғалувчи товуш

19. Қайси қатордаги сўзларда
айириш (ъ) белгиси туширилса,
сўз маъноси ўзгаради?

- A) таъсир, меъёр, меъмор,
B) таъбат, таъна, суръат, даъво
C) меърож, маълум, журъат,
D) ваъда, саъва, шеър, таъриф
E) қалъа, маъно, таъмир, оълон

20. Қайси қатордаги сўзларда
товуш кам, ҳарф кўп?

- A) кенг, жанг, тонг, харсанг
B) инсонга, менга, нонга
C) сингил, кўнгилчанг
D) оҳанг, конгресс, янграмоқ
E) А ва С

21. Қайси қатордаги сўзлар-
нинг ёзилиши ва талаффузида
фарқ сезилиб туради?

- A) йигитча, отдан, тузсиз
B) атлас, бирла, зарур
C) кетди, айтди, ютди
D) оқшом, тақсимот, оқсил
E) барча жавоблардаги сўзларда

22. Қайси қатордаги сўзларда
“а” товуши “о”га мойилроқ та-
лаффуз этилади?

- A) барака, бахмал, баҳо

- В) ваҳима, варақа, самолёт
- С) баҳор, савол, савоб
- Д) одам, иморат, дафтар
- Е) вазифа, тарона, баҳодир

23. Бўғин...

- А) гапдаги бирор бўлакнинг бош-қасига нисбатан алоҳида таъкидланиб айтилишидир
- В) бир ҳаво зарби билан айтиладиган бир ёки бир неча говушлар йиғиндисидир
- С) сўздаги бир хил унлиларнинг келишидир
- Д) сўздаги унлиларнинг алоҳида оҳанг (интонация) билан айтилишидир
- Е) Барча жавоблар тўғри.

24. Қайси қаторда бўғинга хос хусусият нотўғри изоҳланган?

- А) бўғин унли говуш билаң тугаса, очиқ бўғин ҳисобланади
- В) сўзда бўғинлар сони унли говушлар миқдори билан аниқланади
- С) бўғинда ундош говуш бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин
- Д) бўғин ундош билан тугаса, ёпиқ бўғин ҳисобланади
- Е) сўзда қанча ундош говуш бўлса, бўғин ҳам шунча бўлади

25. Фақат очиқ бўғиндан иборат бўлган сўзлар қаторини тоңинг.

- А) вафоли, барақа, маҳорат
- В) самара, тарона, аҳоли
- С) тамаки, малака, шижоат
- Д) садо, адолат, даҳо
- Е) Жамила, Азиза, Сабоҳат

26. Фақат ёпиқ бўғинли сўзларни тоңинг

- А) илгари, баҳодир, тафаккур
- В) башорат, хушбахт, такрор
- С) анҳор, денгиз, қасида
- Д) сингил, кўнгил, инграмоқ
- Е) давлат, бармоқ, дурбин

27. Сўздаги бўғинлардан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ оҳанг (интонация) билан айтилиши...

- А) сўз урғусидир.
- В) маъно урғусидир.
- С) логик урғудир.
- Д) гап урғусидир.
- Е) жумла урғусидир.

28. “Сиз бизга опасиз”, “Она-сиз яшамоқ азобдир, азоб” жумлаларидаги “опасиз” сўзларининг ур-ғулари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А) 1 ва 2 - бўғинларга тушади
- В) 2 ва 3 - бўғинларга тушади
- С) 3 ва 2 - бўғинларга тушади
- Д) 1 ва 3 бўғинларга тушади
- Е) Ҳар иккисида ҳам 3 - бўғинга тушади

29. “Мумкинми?” сўзида урғу қайси бўғинга тушади?

- А) 1-бўғинга
- В) 2-бўғинга
- С) 3-бўғинга
- Д) Гап таркибида билинади.
- Е) С ва Д жавоблар тўғри.

30. Қайси қатордаги сўзлар урғусини охириги бўғинга кўчир-

гапимизда, сўз маъноси ҳам ўзгаради?

- A) маҳорат, такаллуф, таассурот
- B) тамадди, мумкинми, ўтиринг
- C) сурма, турма, физик, балки
- D) асло, ҳамма, барча, бари
- E) ўқувчимиз, ёзувчимиз, битирувчимиз

31. Қайси қаторда сўзлар ургуси охири бўғинга тушмайди?

- A) афсуски, албатта, мудир
- B) кафолат, жамият, фуқаро
- C) асло, кимдир, мардларча
- D) сен-чи, айтдим-ку, қаҳрамонларча
- E) C ва D

32. Қайси грамматик шакллар урғу олмайди?

- A) эркалан отини ясовчи -гина кўшимчаси
- B) -ча, -дек, -дай равиш ясовчи кўшимчалар
- C) -гина, -чи, -ми юктамалари
- D) феъл шакллари кўшимчалари
- E) B ва C

33. Қайси қатордаги сўзлар ургуси кўчса, сўз маъноси ҳам ўзгаради?

- A) онамиз, онасиз, ясама
- B) сурма, қайнатма, сузма
- C) тугма, бола-ла, вафодор
- D) учирма, димлама, кўчирма
- E) A, B ва D жавоблари

34. Маъно ургуси...

- A) гапдаги бирор бўлакнинг алоҳида таъкид билан айтилишидир

B) сўздаги бирор бўғиннинг бошқасига нисбатан кучлироқ оҳанг билан айтилишидир

C) бир ҳаво зарби билан айтилидиган бир ёки бир неча товушлар йиғиндисидир

D) гапдаги бир хил уншларнинг уйғунлашиб келишидир

E) Тўғри жавоб йўқ.

35. Маъно ургуси кўпинча гапнинг қайси бўлаги олдидаги сўзга тушади?

- A) кесим олдидаги сўзга
- B) эга олдидаги сўзга
- C) аниқловчи олдидаги сўзга
- D) тўлдирувчи олдидаги сўзга
- E) қатъий бир ўрни йўқ

36. Туристлар саёҳатга барвақт жўнаб кетдилар.

Ушбу гапдаги маъно ургуси тушадиган сўз қайси қаторда берилган?

- A) туристлар B) барвақт
- C) саёҳатга D) жўнаб
- E) кетдилар

37. Қайси қатордаги сўзлар алфавит тартибида жойлаштирилган?

- A) балогат, вафодор, йироқ, гулшан
- B) фароғат, шуҳрат, чироқ
- C) енгил, ёқут, нажот, малоҳат
- D) лағиф, муаммо, нафосат, ер
- E) эркин, юмуш, яшил, азоб,

38. Алфавит тартиби қайси қаторда бузилган?

- A) г, д, з, ж, ё
- B) и, й, к, л, м

- С) м, н, о, с, у
- Д) г, д, с, ё, й
- Е) с, ё, ж, з, и

39. Қайси қаторда бўгин кўчириш қондаси бузилган?

- А) сама-ра, маҳсу-лот, мат-баа
- В) а-ҳоли, мудофа-а, син-гил
- С) та-ъсир, ал-ъбом, топ-ги
- Д) инсон-га, кў-нғид, маъ-лум
- Е) В ва С

40. Морфологик тамойилда ёзилган сўзларни белгиланг.

- А) англамоқ, яшамоқ, санамоқ
- В) директор, стул, стол, трамвай
- С) юм - юмалоқ, қайтди, ювинди (фезл)
- Д) баркка, Петербурита, булоққа

Е) туққун, учқун, икков, олтовлон

41. “Садоқат” сўзининг фонетик таҳлили қайси қаторда берилган?

- А) “садоқат” -с, д, қ, т - ундон товушлар; а, о - унли товушлар; уч бўғинли, ургу охири бўғинга тушган
- В) олинма сўз, арабча, бир маъноли, услубий бўёқдор
- Д) фақат ўзакнинг ўзидан иборат, от туркумига мансуб, мавҳум от, бош келишида
- С) с, д, қ, т - ундон товуш, а, о - унли товуш, олинма сўз, бир маъноли
- Е) гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлар вазифасида келиши мумкин.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Нималарни билишингиз керак?

- тилнинг лугат таркиби ва унинг бойиб бориш манбалари;
- ўзбек адабий тили ва халқ шевалари: қарлук, қинчок, ўғуз лаҳжалари.

- халқ шеваларининг адабий тилдан фарқи;
- касб-ҳунарга оид сўзлар;
- эскирган ва янги сўзлар;
- атамалар ва жаргонлар;
- сўзларнинг шакл ва маъно муносабатида кўра турлари, уларнинг ўзига хос лексик хусусиятлари;
- кўп маъноли сўзлар, сўзнинг ўз ва кўчма маънода қўлланилиши, сўз маъносининг кўчиш йўллари;
- ибора ва тасвирий ифода.

ТИЛНИНГ ЛУГАТ ТАРКИБИ

Лексикология (гр. “лексикос” - сўз) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг лугат таркибини текширади. Тилнинг лугат таркиби тилдаги барча сўзларнинг мажмуидир. Давр ўтиши билан тилнинг лугат таркиби мунтазам бойиб боради. Бу жараён икки хил йўл билан амалга ошади:

1. Ички манбалар асосида.
2. Ташқи манбалар асосида.

Ички манба дейилганда, икки нарса тушунилади:

а) адабий тилга халқ шеваларидан сўз олиш. Масалан, дугона, дўши, арчимоқ, буви, шоти каби сўзлар аслида шевага хос сўзлар бўлиб, бу сўзлар ҳозир адабий тилда ҳам қўлланилади.

б) тилимиздаги мавжуд бўлган сўзлардан ясовчи қўшимчалар ёки сўзларни сўзларга қўшиб янги сўзлар ясаш. Масалан биргина ёз сўзидан бир неча сўзлар ясаш мумкин: ёзиқ, (гуноҳ), ёзувчи, ёзувчилик ёки “қўл” ва “қоп” сўзларини бир-бирига қўшсак, учинчи сўз “қўлқоп” сўзи ҳосил бўлади. Кўрдингизки, тилимизнинг лугат таркиби бир неча сўз ҳисобида бойиши.

Ташқи манба дейилганда эса, тилимизга қардош бўлмаган ўзга тиллардан, масалан, араб, форс - тожик, рус ва бошқа тиллардан сўз олишни тушунамик. Тилимизнинг лугат таркибида бундай сўзлар талайгина: ишқ, муҳаббат, китоб, мактаб, шаҳар, ҳижрон, алам, илм, таассурот, меҳр (арабча), пешона, гул, дил, саргарош, дитор,

рубоб, обрў, чорва, мезбон, жомадон (форс - тожик), шкаф, ручка, туфли, самовар, самолёт, пальто (русча) ва бошқалар.

Бундай сўзлар олинма ёки ўзлашган сўзлар дейилади.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ

Тилимизнинг лугат таркибини тарихий, ижтимоий-диалектал жиҳатдан бир неча қатламлар: адабий ва адабий бўлмаган (шевага хос сўзлар, касб - ҳунарга оид сўзлар, жаргонлар), атамалар, (терминлар), эскирган ва янги сўзлар, ўзлашган (олинма сўзлар) таъкил этди.

Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум бир грамматик қоидаларга бўйсундирилган шакли адабий тил деб аталади. Ёзувчилар, олимлар, жамоат арбоблари, зиёлилар адабий тилга ишлов берадилар, уни сиёиклаштирадилар. Адабий тил ёзма ва оғзаки шаклларга эга. Давлат идоралари, оммавий - ахборот воситалари (радио телевидение, газета, журнал) ўқув юртлири, илмий - маданий муассасалардаги барча ишлар адабий тилда юритилади.

ШЕВАГА ХОС СЎЗЛАР

Маълум ҳудуддагина қўлланилиб, фақат шу ерда яшовчи кишиларга тушунарли бўлган сўзлар шевага хос сўзлар деб аталади. Бир тушунчанинг ўзи турли маҳаллий шеваларда турлича ифодаланади. Масалан, "бузоқ" (Фарғона), "ўжак" (Хоразм), "инак" (Сурхондарё) ёки "нарвон" (Тошкент), "шоти" (Фарғона), "запги" (Хоразм) сўзлари аслида бир предметни ифодалайди.

Бир - бирига яқин бўлган шевалар йиғиндиси лаҳжа деб аталади. Ўзбек тили шевалари қарлуқ, қиғчоқ ва ўғуз лаҳжаларидан иборат. Қарлуқ лаҳжаси асосан шаҳар шевалари, масалан, Фарғона, Тошкент шеваларини ўз ичига олади. Ўзбек адабий тилига ана шу шевалар асос бўлган. Адабий тилимиз фонетик жиҳатдан Тошкент, морфологик жиҳатдан эса Фарғона шевасига асосланган. Қарлуқ лаҳжасига кирувчи шеваларга "а" унлисини "о" тарзида талаффуз этиш (ока, котта, Боҳодир, Ақром), қаратқич келишиги қўшимчаси ўрнида тушум келишиги қўшимчасини қўллаш, ҳозирги замон феъли -ян ўрнида -ут, -вот, -он қўшимчаларини қўллаш каби хусусиятлар хос.

Қишқоқ лаҳжасида сўзлашувчилар республикамизнинг барча вилоятларида учрайди. Бу лаҳжаларга қўширот, лақай, қишқоқ, хитой, кенагас, юз, қирқ, минг ва бошқа шевалар киради. Қишқоқ лаҳжасининг ўзига хос хусусиятларидан энг муҳими “й” товушини “ж” тарзида талаффуз этилишидир. Масалан, йўл - “жўл”, йўқ - “жўқ”, ёғ - “жов”, ёзаётир - “жазватир”, ўқиётир - “ўқижатир” ва ҳ.к.

Ўгуз лаҳжасига Хоразм шевалари киради. Бу лаҳжага кирувчи шеваларда унли товушлар баъзан чўзиб талаффуз қилинади: а-а-диш-гиз, не-е-ра... шунингдек, айрим жараи сиз ундошлар жараишли тарзда талаффуз этилади: даш - тош, гўз - кўз, дил - тил, гал - кел ва ҳ.к.

Шевага хос сўзлар фақат оғзаки шаклга эга бўлиб, у адабий тилдан фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан фарқ қилади. Адабий тил лугат таркибининг бойиб боришида шевага хос сўзлар ички манба ҳисобланади. Адабий тилнинг мавқеи, таъсири кучайиб борагани сари, шевага хос сўзларнинг қўланиш доираси заифлашиб боради.

Шевага хос сўзлар асосан сўзлашув ва бадий услубларда қўлланилади.

КАСБ-ҲУНАРГА ОИД СЎЗЛАР

Жамиятимиз ҳаётида касблар хилма-хил. Ҳар бир касб эгалари умумхалқ сўзларидан ташқари, ўз касбларига оид сўзларни қўллайдилар. Масалан, кулоллар нутқида доғчил (ёғоч асбоб), бандак, боғич, дасмол (хом идишнинг текислашда ишлатиладиган асбоблар), махсилўз косиблар нутқида эса ширач коса, елим, қолин, чарм резгиси ишакчилар нутқида найчакаш, пиллакаш, барғчи (найчага инак ўровчи), мошпора (инак ўрайдиган ёғоч асбоб) каби сўзлар кўн қўлланилади. Бундай сўзлар касб - ҳунарга оид сўзлар ёки профессионализмлар деб аталади.

Жамият тараққий этиб бораётган бу унги кунда фан, техника билан боғлиқ бўлган янги сўзлар касб-ҳунар сўзлари қатламига кўпроқ кириб бормоқда. Масалан, тиббиёт ходимлари-врачлар нутқида электрокардиатор, рентген, скальпель, фонендоскоп, лазер аппарати ва бошқа сўзлар кўн қўлланилади.

АТАМАЛАР (ТЕРМИН, ИСТИЛОҲ)

Фан, техника, адабиёт, санъатта оид бир маъноли сўзлар атама-лар деб аталади. Бир фан ёки ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган атамалар йиғиндиси терминология дейилади. Атамаларнинг асосий қисмини чет тиллардан, хусусан, лотин, япон тилларидан кирган сўзлар талкил этади. Ҳар бир соҳанинг ўз атамаси бўлади: Математика соҳаси-да куб, квадрат, теңлама, лимит, синус, тангенс, полярдум сон, интеграл каби атамалар қўлланилса, тилшунослик соҳасида морфо-логия, синтаксис, лингвистика, эга, кесим, аниқловчи, қўшма ган; физика соҳасида эса атом, оптика, газ, механика, кучлавин, қаршилик ва шу каби бошқа атамалар ишлатилади. Айрим атамалар икки соҳадá ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, атом, молекула, нейтрон, протон атамалари ҳам физика, ҳам химия соҳасида, ёки мор-фология атамаси ҳам тилшунослик, ҳам тиббиётда қўлланилади. Ата-малар асосан илмий услубда қўлланилади.

ЭСКИРИБ ҚОЛГАН СЎЗЛАР

Давр ўтиши билан ҳаётимиз, тупунчаларимиз ўзгариб боради. Бун-дан юз йил аввалги мингбоши, паранжи, омон, чорик, мўнди, мир-шаб, канизак каби предмет ва тупунчаларнинг ўзи бугунги кунда мут-лақо мавжуд эмас. Уларни ифодаловчи сўзларни фақат баъдий ёки тари-хий китоблардагина учратамиз.

Бугунги кунда ишлатилмай, истемолдан чиқиб кетган сўзлар эс-кирган сўзлар дейилади.

Эскирган сўзлар икки хил бўлади:

а) тарихий сўзлар - бугунги кунда мавжуд бўлмаган нарса ва тупунчаларнинг эскириб қолган номларидир: мингбоши, канизак, зиндон, қул, жаллод, саҳҳоф, баззоз, мўнди, паранжи, малай, халфа, элликбоши, чорик, чоракор, сарроф ва бошқалар

б) архаик сўзлар (архаизмлар) бугунги кунда мавжуд бўлган нарса ва тупунчаларнинг эскириб қолган номларидир: илик - қўл, ду-доқ - лаб, битик - китоб, очун - дунё, будун - халқ, кисва - кий-им, жайб - ёқа, шатрапж - шахмат, фирқа - партия ва ҳ.к.

ЯНГИ СЎЗЛАР (НЕОЛОГИЗМЛАР)

Жамият тараққий этиб, фан-техника ривожланиб боргани сайин кундалик турмушимизга янги-янги предмет ва тушунчалар кириб келади. Табиийки, тилимизнинг лугат таркиби ҳам уларни ифодаловчи сўзлар ҳисобига бойиб боради. Янги сўзлар дастлаб кам қўлланувчи (пассив) сўзлар ҳисобланса ҳам, вақт ўтиши билан улар ўзининг янгилик хусусиятини йў-қотиб, тилимизнинг лугат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Масалан, радио, телефон, телевизор, автобус, троллейбус каби сўзлар ҳозир янги сўз ҳисобланмайди. Бугунги кунда биз қўлаётган компьютер, пейжер, менежер, лизинг, маркетинг, брокер, роботехника, психоробика, нейрохирургия, аудитор, лицензия каби сўзлар неологизмлар ҳисобланади. Вақт ўтиб, бу сўзлар ҳам ўзларининг янгилик бўёғини йўқотиб, ўз ўринларини бошқа янги сўзларга бўшатиб беради.

ЖАРГОНЛАР

Аҳолининг маълум бир қатламлари, масалан, савдогар, гало, ўғри, отарчи ўз ниятларини халқдан яширини мақсадида ўзлари учунгина тушунарли бўлган сўз ва ибораларни қўллаб келганлар. Натижада, умумхалқ тилидан фарқ қилувчи “яширин” сўзлар (диалектлар) пайдо бўлган. Бундай сўзлар жаргонлар деб аталади ва уларнинг пайдо бўлиши тилда салбий ҳодиса ҳисобланади. Масалан, ўғрилар “хиттола” (ўғирла), “бедапа” (тўппонча), “якан” (пул), “пахан” (ўғрибоши), “мент” (милиционер), савдогарлар “қайчи” (ревизор), “соққа” (пул), “эллик олти” (ипак), “инхай” (чой), отарчилар “гилигили” (тўй), “муллажиринг” (пул) каби сўзларни қўллайдилар. Олдий халқ бу сўзларнинг маъносини тушунмайди.

СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўзнинг шакли, ташқи кўриниши унинг ёзилиши ва айтилиши ҳисобланса, бирор предмет, тушунча, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат кабиларни ифодалани унинг лугавий маъносидир. Айрим сўзларнинг шакли бир хил, ammo маънолари ҳар хил ёки аксинча, шакли ҳар хил, маънолари эса бир хил, ёки бўлмаса, маънолари буткул бир - бирига қарама - қарши

бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра сўзлар ўзаро омоним, синоним, антоним бўлади.

ОМОНИМЛАР

Шакли (айтилиши ва ёзилиши) бир хил, маънолари буткул бошқа-бошқа сўзлар омонимлар (гр. "хомос" -бир хил "онома" - ном) деб аталади. Масалан; Далада от кишади. Чақалоққа от қўйилди. Тўпни менга от. Ҳар учала гапда қўлланган от сўзлари шаклан бир хил бўлса-да, улар бир шаклга эга бўлган мутлақо бошқа-бошқа сўзлардир. Биринчи гапдаги "от" сўзи уй ҳайвони, иккинчиси исм, учинчиси эса буйруқ феъл маъносини англатмоқди.

Шоир Камийнинг шундай сатрлари бор:

Уним йўқ, буним йўқ, уйимда уним йўқ,
Ишимда унум йўқ, айтишга уним йўқ.

Бу мисралардаги "уним" сўзлари омонимлардир: биринчиси у нарса маъносиди, иккинчиси ун, учинчиси эса овоз маъносиди қўлланилган. Бундай омонимлар лексик омонимлар дейилади. шим, тор, яра, сон, юз сон, том, ток, уч, қирқ, қир, соч, боғ, сир, тур, ёш каби сўзлар лексик омонимларга мисол бўла олади.

Омонимлар бир сўз туркуми доирасида ҳам, бир неча сўз туркуми доирасида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Уйга ўт кетди. Далада ўт кўкарди. Бу гапларда от ва от туркумлари (олов ва майса) ўзаро омонимликни ҳосил қилган.

Тезроқ бу ёққа ўт жумласидаги ўт сўзи феъл ҳисобланади. Энди от билан феъл ўзаро омоним бўлмоқда. Ёки Янада юксакроқ уч! Уч карра уч — тўққиз. Бу гапларда уч (феъл билан сон) ўзаро омоним бўлипти.

Фақат бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлган омонимларга грамматик шаклар (қўшимчалар) қўлланган чоғимизда ҳам, улар ўзаро омонимликни сақлаб қолади. Масалан: Бу унингни ўзинг ноҳ қилиб е. Унингни ўчир! гапларидаги "ун" сўзига эгалик -нинг ва тушум келишиги -ни қўшимчалари қўшилганда ҳам, омонимлик йўқолмайди.

Ўзбек тилида сўзларгина эмас, қўшимчалар ҳам ўзаро омоним бўлиши мумкин. Феълнинг бўлишсизлик шакли -ма қўшимчаси билан сифат ва от ясовчи -ма қўшимчалари омонимликни ҳосил қилади: (сувни) қай-

натма (фезл) қайнатма (шўрва). сочма, сузма, тугма, сурма, мослама, бурама сўзларидаги -ма қўшимчалари, ёки ўроқ, қўрқоқ сўзларидаги -оқ қўшимчалари, теки, кечки сўзларидаги -ки қўшимчалари ҳам ўзаро омонимлардир. Чунки уларнинг бири от, иккинчиси эса сифат ясамоқда. Қўшимчалар омонимияси грамматик омонимия деб юритилади.

Айрим иборалар ҳам ўзаро омоним бўлиши мумкин. Масалан, Рустам синфини бошига кўтаради ва Рустам онасини бошига кўтаради иборалари бири тўполон қилади, иккинчиси ҳурмат қилади маъноларини ифодалаб, омонимликни ҳосил қилди. Иборалар омонимияси фразеологик омонимия деб юритилади.

Омонимлар шеъриятда (гуёқ жанрида) тажнис яратишга хизмат қилади.

ПАРОНИМЛАР

Паронимлар ҳам омонимларнинг бир кўриниши бўлиб, талаффузи (айтилиши) бир хил, ammo ёзилиши ва маънолари ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан, аср ва асир, афзал - абзал, шеър - шер, адиб - адип, азм - азим, қалъа - қала, амир - амр, адил - адл, бот - бод, ёт - ёд каби сўзлар талаффузида бир хил айтилса-да, ёзилишида фарқ қилади, маънолари ҳам буткул бошқа-бошқа сўзлардир.

Паронимлар кўпинча сўзларни орфоэник қоидаларга риоя қилмасдан талаффуз қилинишидан ҳам пайдо бўлади.

Йўлга ёндаш анҳор шовиллаб оқар эди. Ушбу гапдаги ёндаш сўзи аслида ёндош тарзида ёзилиши лозим эди. Шу боис у паронимга айланиб қолган.

Паронимларни маъит - масжид, шабада - шаббода, гадо - гадой, подшо - поиншо каби дублетлардан фарқлаш керак. Улар ёзилиши жиҳатидан ўзаро фарқланиб турса-да, маънолари бир хил бўлган сўзлардир.

СИНОНИМЛАР

Шакли (айтилиши ва ёзилиши) ҳар хил, маънолари бир хил ёки бир - бирига яқин бўлган сўзлар синоним (гр. "синонимон" - бир помли) сўзлар деб аталади. Масалан, тилшунослик, лингвистика ёки ёрдамлашди, кўмаклашди, қарашди сўзлари шаклан ҳар хил бўлса-

лар-да, мазмунан битта нарса-тушунчани ифодалайди. Синонимлар маъно нозиклиги, бўёги билан бир-биридан фарқ қилиб туриши мумкин. Табассум қилди, тиржайди ёки чехра, жамол, турқ, башара сўзлари бир тушунчани ифодаласа ҳам, улар ўз бўёқлари (ижобий ёки салбий) билан ажралиб туради. Бундай синонимлар маъновий синонимлар дейилади. Шунингдек, тилимизда яна бошқа-бошқа услубларда қўлланилиши билан фарқ қилиб турувчи инсон, одам, башар каби синонимлар мавжуд бўлиб, улар услубий синонимлар деб юритилади. Атамалар орасида вужудга келган адиб, ижодкор, ёзувчи каби синонимларни бири-бири ўрнида бемалол қўллаш мумкин, шунинг учун улар тўлиқ синонимлар ҳисобланади. Баъзан бир гапда бир неча сўз бир маъно доирасида ишлатилиши мумкин: Нега керак эди, шу чирой, шу ўт? Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмақ. (Х. Олимжон.) Бунда чирой, ўт, ёниқ юлдуз сўзлари шу гап доирасида гўзаллик маъносидан синонимик муносабатга киришмоқда. Бундай синонимлар шартли синонимлар деб юритилади.

Бир маъно атрофига тўшанган сўзлар синонимик қатор деб номланади.

Ҳар бир синонимик қаторда битта бетараф (нейтрал) сўз бўлади. Масалан чиройли, гўзал, барно, сулув, кўркам, дилбар, хушрўй, зебо каби синонимик қаторда "чиройли" сўзи бетараф ҳисобланади. Бундай сўзлар доминанта ёки асосий (бош сўз) деб ҳам юритилади.

Катта, улкан, азим, гигант, йирик каби синонимлар қаторида эса катта сўзи бош сўзdir.

Бош сўз синонимик қатордаги бошқа сўзлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланиб туради:

- а) шу қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кўпроқ қўлланади;
- б) турли белги - хусусиятларга нисбатан бетараф ҳисобланади;
- в) барча услубларда қўллана олади;
- г) ҳозирги адабий тилга мансуб бўлади.

Битта сўзнинг ўзи бир неча синонимик қаторда қатнаша олади.

1. Айтди, гапирди, сўзлади;

2. Айтди, (тўйга айтди маъносидан) таклиф қилди, чорлади, даъват этди;

3. Айтди (қўшиқ айтди маъносидан) кўйлади, ижро этди.

Ўзбек тилидаги олпига мустақил сўз туркумидан бештаси: от, сифат, олмош, феъл, равишлар, шунингдек, ёрдамчи сўз туркумлари ўзаро синоним бўлиши мумкин. Омонимларнинг бир сўз туркуми доирасида ҳам, бир неча сўз туркуми доирасида ҳосил бўлишини юқорида қайд этган эдик. Синонимлар эса (антоним ва кўп маъноли сўзлар ҳам) фақат бир сўз туркуми доирасидагина ҳосил бўлади, яъни от билан феъл, ёки

сифат билан феъл ўзаро синоним бўла олмайди. Қуйидаги тестга эътибор берингиз.

Берилган сўзларнинг қайси бири синонимик қаторга мансуб эмас?

- А) пушаймон В) аттанг С) афсусланмоқ
Д) таассуф Е) надомат

Тўғри жавоб “афсусланмоқ” бўлади, чунки жавобларнинг тўрттаси (а, в, д, е) от шаклида, биттаси эса (с) феълнинг ҳаракат номи шаклида берилган.

Луғавий синонимлардан тапқари грамматик шакллар (қўшимчалар) ҳам ўзаро синоним бўлиши мумкин. Масалан, ба, -бо, -ли, -дор қўшимчалари шаклан ҳар хил бўлса-да, улар бир хил маънога эга бўлган сўзларни ясайди: бамаза, мазали, бомаза, мазадор ёки ноўрин, ўринсиз сўзларидаги но, бо - қўшимчалари ҳам синоним қўшимчалар ҳисобланади. Бундай синонимлар грамматик синонимлар дейилади: укамга олдим, укам учун олдим, китобдан ўқидим, китобни ўқидим каби маънодош грамматик шакллар ҳам борки, улар синтактик синонимлар деб аталади.

Бундан тапқари иборалар ҳам ўзаро синоним бўлиши мумкин. Масалан, дўнписини осмонга олди, оғзи қулоғига етди, оғзининг таъофи қочди ёки тегирмонга тушса бутун чиқадиган йиғит, юлдузни бенарвон урадиган йиғит, ё бўлмаса, аравани қуруқ олиб қочмоқ, кўзга чўп суқмоқ, қўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ иборалари ҳам ўзаро синонимлар ҳисобланади. Улар тилшуносликда фразеологик синонимия номи билан юритилади.

Турли тиллардан ўзлашган олинма сўзлар (“республика” - лотинча, “жумҳурият” - арабча, “лексикос” - грекча, “лугат” - арабча) ҳам бир-бирига синоним бўлиши мумкин. Шунингдек, бир ўзакли сўзлар ҳам синонимлик ҳосил қила олади. Масалан, одобли - беодоб, мазали - мазасиз, ўринсиз - ноўрин каби сўзларнинг ўзаги битта бўлиб, улар грамматик шакллар - қўшимчалар ёрдамида синонимга айланган.

АНТОНИМЛАР

Маънолари буткул бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлар антонимлар дейилади. Масалан, оқ-қора, паст-баланд, аччиқ-чучук, дўст-душман ва б.

Антонимлар кўпинча жуфт ҳолда қўлланилади. Олгита мустақил сўз туркумидан тўртгаси от, сифат, феъл ва равишлар ўзаро антоним бўлиши мумкин. Антонимликни ҳосил қилиш хусусияти, айниқса, сифатларда кучлидир.

Масалан, катта - кичик, яхши - ёмон, аччиқ - чучук, оқ - қора, эгри - тўғри (сифат ва сифат). Тилимизда лугавий (сўз) антонимлардан тапқари кўшимча (морфологик) антонимлар мавжуд: мазали - мазасиз, бемаъни - бамаъни сўзларидаги -ли, -сиз ҳамда бе, -ба - кўшимчалари ўзаро антоним кўшимчалардир.

Айрим иборалар ҳам ўзаро антоним бўлиши мумкин. Масалан, ерга урса, кўкка санчиди (шўх), қўй оғзидан қўп олмаган (ювош) ёки тўнини тескари кийиб олди (аччиқланди) ва попути пасайиб қолди, ҳовуридан тушди (аччиғи пасайди) Бундай антонимлар фразеологик антоним деб аталади.

Антонимлар шеърийда тазод (антитеза) ҳосил қилинда қўлланилади.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон...

Эркин Воҳидов газалидан олишган бу мисрада яхши-ёмон, аччиқ-ширин, ҳақиқат-ёлғон антонимлари тазод ҳосил қилган.

КўП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР (ПОЛИСЕМАНТИК СЎЗЛАР)

Сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши

Тилимизда шундай сўзлар учрайдики, улар бир эмас, бир неча маъноларни ифодалайди. Бундай сўзлар тилшунослиқда кўп маъноли сўзлар (полисемантик сўзлар) деб аталади. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” (1981й)да биргина “йўл” сўзининг 16 хил маъноси берилган: Йўл. 1. Кишилар ёки транспорт қатнайдиغان узун ер бўлаги. 2. Йўналиш. 3. Масофа. 4. Усул ва ҳ.к. Ёки “пахта” сўзи “тола” (момик) маъносидан тапқари қуйидаги маъноларни ҳам ифодалашни мумкин: пахта эқдик (чиғит), пахтани суғор (гўза).

Кўп маъноли сўзларни омонимлардан фарқлаш керак. Омонимлар шакдан бир хил бўлсалар-да, мазмунан мутлақо бошқа-бошқа сўзлардир: ўт- олов, ўт-майса. Кўп маъноли сўзлар эса қанча маъно ифодаламасин, уларнинг маънолари ўртасида ўзаро ички боғлиқлик бўлади: чигит, гўза ва тола бир-бирига боғлиқ эмасми? Ёки қуйидаги гаплардаги “чет” сўзини олиб кўрайлик. Яқинда чет элдан қайтдик. Дала четида бир оздам олдик.

Четга мов чиқариш кўнаймоқда. Ҳар учала гапда ҳам “чет” сўзи бир маънавий бирликни (бирор нарсанинг ёки жойнинг чегараси) таъкиф этмоқда.

Айрим сўзлар ўз маъносидан ташқари кўчма маъноларда ҳам қўлланилиши мумкин. Бу қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

1. **Метафора.** (гр. “кўчирма”). Баъзи предметлар ўзларининг ташқи кўринишлари ёки хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига ўхшаб кетади, натижада бирининг номи ўрнида иккинчисининг номи қўлланилаверади. Эътибор беришга: одамнинг тиши ва арранинг тиши, одамнинг кўзи ва узукнинг кўзи, деразанинг кўзи, кўйлакнинг ёқаси, дарёнинг ёқаси. Булар ташқи кўриниши билан бир-бирига ўхшаб кетади. Шунинг учун бирининг номи ўрнида бошқасининг номи қўлланилаверади.

2. **Метонимия.** (гр. қайта номлаш). Айрим предмет ва тушунчалар вақт ё бўлмаса, макон (жой) жиҳатидан бир-бирлари билан маънавий боғлиқ бўлади. Масалан, Самоварга чиқиб келдим деган гапдан, нега кутубхона ёки музейни тушунмаймиз. Чунки самовар музейда ёки кутубхонада эмас, чойхонада бўлади. Шунинг учун “самовар” дейилганда, чойхона тушунилади. Ёки Навоийни ўқидим деганда китобни, Рафаэлни томоша қилдим деганда эса бирор расм (картина) ни тушунамиз, чунки Навоий ва китоб, Рафаэл ва расм бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. Бир пиёла ичинг деганда эса, айнан пиёланинг ўзини эмас, ичидати чой ёки сувни аглаймиз, чунки пиёла ва чой жой жиҳатидан бир-бирига боғлиқ.

3. **Синекдоха.** (гр. “бирга агламоқ”). Баъзан предметнинг бир қисмини айтиб, уни бутунча, ёки бутунини айтиб, унинг бир қисмини аглаймиз. Бундай кўчиш синекдоха ҳисобланади. Масалан, қўлимни кесиб олдим деганда, бутун қўлни эмас, унинг бир қисмини, фарз қилайлик, бармоқни тушунамиз. тирноққа зор ўтди дейилганда эса, тирноқнинг ўзини (қисмини) эмас, балки бутунни - фарзанд (инсон)ни кўз олдимида келтирамиз. Ёки бўлмаса эшикка ўтайлик деганда - уйни, тубқлар сони кўнаймоқда деганда чорва молларини тушунамиз.

4. **Вазифадошлик.** (функциядошлик). Айрим предметлар бир-бирларига ўхшамасалар-да, уларнинг вазифалари бир хил бўлиши мумкин. Натижада бирининг номи ўрнида иккинчисиники ишлатилаверади. Масалан, “ўқ” дейилганда, аввало, камоннинг ўқи тушунилади. Айнан шу “ўқ” сўзи замбарак ёки милтиқ ўқиға нисбатан ҳам қўлланилаверади. Нега? Чунки уларнинг вазифаси бир хил: тирик жонзотни йўқотиш.

Хўш, сўзнинг ўз ва кўчма маънолари дейилганда, нима тушунилади? Бунинг учун иккита гапни мисол қилиб олайлик: Кўйлак ёқаси жуда чиройли чиқибди. Чол дарё ёқасида балиқ овларди.

Энди биринчи гапдаги “ёқа” сўзини гап таркибидан ажратиб олайлик. Уни ёлғиз ҳолда қўллаганимизда, табиийки, кўз ўнгимизда дарё эмас, кийимнинг ёқаси гавдаланади. Бу сўз ўз маъносида, яъни кийим ёқаси маъносида қўлланилганлиги билиб оламиз.

Демак, сўзнинг путқ таркибидан ташқарида ифодаловчи маъноси унинг ўз (бош) маъноси ҳисобланар экан. Иккинчи гапдаги “ёқа” сўзининг маъноси шу гап таркибидagi бошқа сўзлар, масалан, дарё сўзи орқали ойдинлашади: дарёнинг ёқаси бўлмаслигини ҳамма билади. Демак, сўзнинг путқ таркибидagi бошқа сўзлар ёрдамида аниқланиладиган маъноси унинг кўчма маъноси ҳисобланар экан.

ИБОРА

Маълумки, сўзлар грамматик ва маъно жиҳатдан ўзаро бирикиб, сўз бирикмаларини, сўз бирикмалари, эса гапларни ташкил этади. Сўз бирикмаси камида иккита сўзнинг ўзаро бирикувидир. Бу сўзлар икки хил: эркин ва турғун бирикиши мумкин. Масалан “темир” ва “каравот” сўзларини қўшиб ишлатсак ҳам, алоҳида, ёлғиз ҳолда қўлласак ҳам бўлаверади. Агар уларни қўшиб ишлатсак, темирдан қилинган каравотни, ёлғиз ҳолда қўлласак, темир ва каравотни тушунамиз. Лекин “темир иттизом” бирикмасидagi сўзларни ёлғиз ҳолда қўлласак, биз кўзлаган маъно бузилади, бу бирикма яхлит ҳолда, биргаликда битта маънони: мустаҳкам тартиб-қоида маъносини беради. Ёки иллонинг ёғини ялаган бирикмасини олиб кўрайлик. Ундаги учта сўз (илоп, ёғ, яламоқ)ни ажратиб юборсак, биз кўзлаган “айёр” маъноси чиқмайди. Демак, бу бирикмалар турғун бирикмалар ҳисобланади. Кўчма маънода қўлланиладиган бундай турғун бирикмалар ибора ёки фразеологик бирикмалар деб аталади. Улар тилшуносликнинг фразеология бўлимида ўрганилади.

Ибораларнинг маъноси, одатда, бир сўзга тенг келади: капалагини учиб кетди — кўрқди, тена сочи тикка бўлди — аччиқланди ва ҳ.к.

Иборалар барча гап бўлаклари вазифасида кела олади, лекин улар таркибидagi сўзлар алоҳида-алоҳида гап бўлаги эмас, ҳаммаси биргаликда битта гап бўлаги ҳисобланади. Унинг оёқ олиши бизга ёқмади гапидagi: “оёқ олиши” ибораси биргаликда эга вазифасида келяпти.

Иборалар асосан сўзлашув ва бадиий услубларда қўлланилади.

ТАСВИРИЙ ИФОДА

Маълумки, ҳар бир предмет ўз номига эга. Биз ўқийдиган ўқув куроли — китоб, фаслларнинг энг ёқимлиси баҳор номи билан аталади. Аммо биз бу предметларни ўз номидан ташқари бошқача, тасвириаб ифодалашга ҳам одатланганмиз, китоб — билим манбаи, баҳор — фасллар келинчаги, пахта — оқ олтин, газ — зангори олов ва ҳ.к. Бундай сўзлар тасвирий ифода деб аталади. Тасвирий ифоданинг маъноси ҳам ибора сингари бир сўзга тенг келади. Тасвирий ифодалар кўпроқ, сифат ва от сўз туркумларига мансуб бўлади. Тасвирий ифодалар асосан бадий услубда қўлланилиб, улар фикрни равшан, образли ифодалашга хизмат қилади. Баъзан икки предметга битта тасвирий ифода (ақл гимнастикаси — математика, шахмат) ёки битта предметга иккита тасвирий ифода қўлланилиши (зангори экран, ойнаи жаҳон — телевизор) мумкин.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲҚАМЛАНГ

1. Лексикология тилшуносликнинг қайси соҳаси ҳақида баҳс юритади?

- A) сўз таркиби ва гап бўлаклари ҳақида
- B) Сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида
- C) тилнинг луғат таркиби ҳақида
- D) тилнинг товуш томони ҳақида
- E) сўзларни тўғри ёзиш қоидалари ҳақида

2. Тилдаги барча сўзлар йиғиндиси...

- A) шевага хос сўзлардир.
- B) умумхалқ ишлатадиган сўзлардир.
- C) янги сўзлардир.
- D) эскирган сўзлардир.
- E) тилнинг луғат таркибидир.

3. Жамият, фан-техника, ма-

даният тараққий этиб боргани сари кўпроқ тилнинг...

- A) луғат таркибида ўзгариш юз беради.
- B) сўз таркибида ўзгариш юз беради.
- C) товушларда ўзгариш юз беради.
- D) гапларнинг синтактик қурилишида ўзгариш юз беради.
- E) қўшимчаларда ўзгариш юз беради.

4. Тилнинг луғавий бирлиги нима?

- A) қўшимча ва сўзлар
- B) гап бўлаклари ва сўз бирикмалари
- C) сўз (ибора, атама)
- D) фақат иборалар
- E) фақат атамалар

5. Тилнинг луғат таркиби асосан қандай йўллар билан бойиб боради?

- А) сўз маъносининг ўзгариб, кенгайиб бориши билан
 В) қардон бўлмаган бошқа тиллардан сўз олиш билан
 С) халқ шеваларидан адабий тилга сўз олиш билан
 Д) тилдаги мавжуд бўлган сўзлардан янги сўзлар ясаш билан
 Е) В, С ва Д жавоблар тўғри

6. Адабий тилга халқ шеваларидан сўз олиш қандай жараён?

- А) ташқи В) ички
 С) ички ва ташқи
 Д) адабий тилга халқ шеваларидан сўз ўтмайди
 Е) Тўғри жавоб берилмаган.

7. Қандай сўзлар олишма сўзлар деб аталади?

- А) халқ шеваларидан ўтган сўзлар
 В) эскирган сўзлар
 С) янги пайдо бўлган сўзлар
 Д) тилимизга қардон бўлмаган бошқа тиллардан ўтган сўзлар
 Е) ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалган сўзлар

8. “а” ундисининг “о” тарзида талаффуз этиш (Акром, ока, бо-ҳодир) асосан қайси лаҳжага хос?

- А) фақат қарлуқ лаҳжасига
 В) фақат қипчоқ лаҳжасига
 С) фақат ўғуз лаҳжасига
 Д) барча лаҳжаларга хос
 Е) ҳеч қайси лаҳжага хос эмас

9. “й” ундошини “ж” тарзида

талаффуз этиш асосан қайси лаҳжаларга хос?

- А) қарлуқ лаҳжасига
 В) қипчоқ лаҳжасига
 С) ўғуз лаҳжасига
 Д) бундай хусусият фақат қирғиз ва қозоқларга хос
 Е) Тўғри жавоб берилмаган.

10. “гўмма”, “инак”, “нарвон”, “занги” каби сўзлар луғатимизнинг қайси қисмини ташкил этади?

- А) эскирган сўзлар В) янги сўзлар
 С) шевага хос сўзлар
 Д) кўчма маъноли Е) жаргонлар

11. Тарихий сўзлар қаторини тошинг.

- А) ёрғучоқ, ясовул, канизак, тахт
 В) дудоқ, ўмиз, котиб, муҳр
 С) гулгун, улус, фирқа
 Д) сиймо, битик, мил, ёвуқ
 Е) шатранж, жумҳурият, шуаро

12. Бугунги кунда мавжуд бўлган нарса-тушунчаларнинг эскириб қолган номлари...

- А) тарихий сўзлар В) архаизмлар
 С) вулгар сўзлар Д) жаргонлар
 Е) кўчма маъноли сўзлар

13. Қайси қатордаги сўз маъноси потўғри изоҳланган?

- А) менежер — профессионал ёлланма бошқарувчи
 В) бизнес — фойда олишга қаратилган иш
 С) валюта — бирор мамлакат пул бирлиги

Д) инфляция — қолоз пул қадрсизланиши

Е) Барча жавоблар тўғри.

14. Адабий тилининг фақат оғзаки шакли учун хос бўлган меъёрлар қайси қатордаги жавобда ифодаланган?

А) лугавий ва грамматик меъёр

В) орфоэпик меъёр

С) пунктуацион меъёр

Д) орфографик меъёр

Е) услубий меъёр

15. Лаҳжа - бу...

А) маълум шеванинг кичик қисми

В) умумхалқ тилининг кўриниши

С) шева сўзининг синоними

Д) фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган шевалар йиғиндиси

Е) Барча жавоблар тўғри.

16. Дудоқ, ўмиз, мил, битик, ёвуқ сўзлари ишлатилишига кўра қандай сўзлар ҳисобланади?

А) жаргоншар

В) шевага хос сўзлар

С) тарихий сўзлар

Д) архаик сўзлар

Е) атамалар

17. Аспак, бандак, боғич, доғчи каби сўзлар ишлатилишига кўра қандай сўзлар?

А) ҳажирган сўзлар

В) касб-ҳунарга оид сўзлар

С) шевага хос сўзлар

Д) тарихий сўзлар

Е) жаргоншар

18. Жаргон сўзлар - бу...

А) аҳолининг маълум бир қатлами гина қўлайдиган ва маъноси уларга тушунарли бўлган сўзлар

В) маълум бир ҳудуддагина қўлланилиб, маъноси уларга тушунарли бўлган сўзлар

С) умумхалқ ишлатадиган сўзлар

Д) бугунги кунда истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар

Е) А ва В

19. Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас, Жайхун аро Ахтари саъди ҳилол ичра кезар гардун аро.
(А.Навоий)

Ушбу гадаги “заврақ” сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри берилган?

А) байроқ

В) сайёра

С) дунё

Д) бино

Е) қайиқ

20. Тилимизга араб тилидан ўзлашган сўзлар қаторини аниқланг.

А) гардун, очун, булун, дудоқ

В) менг, пенона, ишқ, ўзак

С) камол, талаба, суръат

Д) шатранж, соҳиб, ўғил, мактуб

Е) камтар, обрў, чорва, бахт

21. Ўзбек тилига форс-тожик тилидан кирган сўзлар қайси жавобда тўлиқ берилган?

- A) олам, чарх, фалак, мактуб
- B) гул, дил, жон, рубоб
- C) ишқ, муҳаббат, ғам, алам
- D) севи, вафо, садоқат
- E) базоз, саҳҳоф, дуррож

22. Сўзлар шакл ва маъно му-
посабатига кўра...

- A) певага хос сўзлар ва жаргонлар
- B) омоним, синоним, антонимлар
- C) касб-хунари а оид сўзлар ва ата-
малар
- D) пароним, антоним, пева сўзла-
ри
- E) адабий ва ноадабий қатламлар-
га бўлинади.

23. Икки ёки ундан ортиқ
сўзнинг шакл жиҳатидан бир-
ликни ҳосил қилиши...

- A) омонимлар дейилади.
- B) синонимлар дейилади.
- C) антонимлар дейилади.
- D) атамалар дейилади.
- E) Тўғри жавоб йўқ.

24. Омоним сўзлар қаторини то-
нинг.

- A) азим-азм, аҳил-аҳд, ювиди-ювун-
ди
- B) келди-кетди, оқ-қора, дўст-душ-
ман
- C) от, ўт, олма, боғ, чоп, торт, ёз
- D) гўзал, чиройли, сулув, барно
- E) китоб, дафтар, мактаб, бино

25. Фразеологик birlikлардан
қайси бири омонимлик хусуси-
ятига эга?

- A) капалаги учиб кетмоқ

- B) кўзи косасидан чиқиб кетмоқ
- C) аравани қуруқ олиб қочмоқ
- D) кўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ
- E) сўз бермоқ

26. Қайси қатордаги “туш”
сўзига грамматик шакл (қў-
шимча) қўшилса ҳам, ўз омо-
нимлик хусусиятини сақлаб
қолади?

1. Эсимда, ўшанда туш чоғи эди,
пешили.
 2. Ширин туш кўриб ётиш, ойижон.
 3. Тезроқ пастга туш, қаргажон.
- A) 2 ва 3 B) 1 ва 2 C) 1,2,3
 - D) 1 ва 3 E) сақламайди.

27. Қуйидаги омоним сўзлар-
дан қайси бири шахс-сон қў-
шимчаларини қабул қилиши
мумкин?

- A) ёз (фасл) B) ёз (қанот ёз)
- C) ёз (дастурхон ёз)
- D) A ва D
- E) B ва C

28: Қайси ҳукм нотўғри?

- A) Бир сўз туркуми доирасида ўза-
ро омоним бўлган сўзларга грам-
матик шакллар қўшилганда ҳам
омонимлик хусусияти сақланиб
қолади.
- B) Бир неча сўз туркуми доирасида
ўзаро омоним бўлган сўзларга
грамматик шакллар қўшилганда
ҳам омонимлик хусусияти сақлана-
ди.
- C) Омонимлар бир сўз туркуми до-
ирасида ҳам, бир неча сўз туркуми
доирасида ҳосил бўлиши мумкин.

Д) Ұзақлош сўзлар ҳам ўзаро синоним бўла олади.

Е) Қўшимчалар ҳам кўч маъноли бўлиши мумкин.

29. Пароним сўзлар берилган қаторни тонинг.

- А) бадгар-баттар, масжид-мачит
- В) гадо-гадой, ҳайқирмоқ-айқирмоқ
- С) шабада-шаббода, подшо-подшоҳ
- Д) азим-азм, амир-амр, асил-асл
- Е) аср-асир, ювинди - ювуңди, оч - ўч

30. Бир тушунча доирасидаги турли маъно қирраларини ифодаловчи сўзлар...

- А) омонимлар дейилади.
- В) синонимлар дейилади.
- С) антонимлар дейилади.
- Д) кўч маъноли сўзлар дейилади.
- Е) кўчма маъноли сўзлар дейилади.

31. "Ёт" сўзицинг синоними қайси қаторда берилган?

- А) бегона В) хотира С) ухла
- Д) А ва С Е) А, В, С

32. Сўз туркумларидан қайсилари ўзаро синоним бўлиши мумкин?

- А) барча сўз туркумлари
- В) фақат от, сифат ва феъллар
- С) от, сифат, олмош, феъл, равиш, боеловчи, кўмакчи, юклама
- Д) фақат от ва сифат
- Е) фақат от, сифат, олмош, равиш

33. Синоним отлар қаторини тонинг.

- А) тез, чаққон, илдам

В) гўзал, зебо, барно, хушрўй

С) кун, офтоб, қуёш

Д) ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, қарашмоқ

Е) Синоним отлар берилмаган.

34. Услужий бетараф (асосий сўз) қайси жавобда берилган?

- А) ўлка
- В) юрт
- С) дийёр
- Д) ватап
- Е) она-замин

35. Маъновий синонимлар қаторини белгиланг:

- А) тез, илдам, чаққон, аста, секин
- В) додламоқ, йиғламоқ, ўқирмоқ, инграмоқ
- С) табассум қилмоқ, ханда қилмоқ, ҳирингламоқ
- Д) ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, қарашмоқ
- Е) В ва С

36. Айбли-айбдор, серсавлат-басавлат сўзларидаги қўшимчаларни қандай номлаш мумкин?

- А) синоним қўшимчалар
- В) омоним қўшимчалар
- С) антоним қўшимчалар
- Д) кўч маъноли қўшимчалар
- Е) бир маъноли қўшимчалар

37. Синоним иборалар берилган қаторни аниқланг.

- А) йиғламоқ, оби дийда қилмоқ, кўзига ёш олмақ

- В) капалаги учиб кетмоқ, ўтакаси ёришмоқ
 С) аравани қуруқ олиб қочмоқ, кўзига чўп суқмоқ
 D) кўйинини пучёнроққа тўлдирмоқ, алдамоқ
 E) В ва С

38. Мактабга борди-мактаб томон борди каби синонимларни қандай синонимлар деб атаёмиз?
 A) луговий синонимлар
 B) услубий синонимлар
 C) маъновий синонимлар
 D) грамматик синонимлар
 E) синонимлар ҳисоблабмайди

39. Камбағал сўзнинг антоними билан синоним бўла оладиган иборани топинг.
 A) кўзи оч
 B) пазари тўқ
 C) кўли очик
 D) бели бақувват
 E) камхарж

40. Антонимлар кўпроқ қайси сўз туркумларидан ҳосил бўлади?
 A) фақат феълдан
 B) сифатдан
 C) сондан
 D) отдан
 E) равиш ва олмошдан

41. Қайси сўз туркумлари ўзаро антоним бўла олмайди?
 A) от
 B) сифат

- С) сон
 D) олмош
 E) С ва D

42. Қайси фикр хато?
 A) омонимлар бир ёки бир неча сўз туркуми доирасида ҳосил бўлади
 B) синонимлар бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлади
 C) антонимлар бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлади
 D) омоним ва антонимлар бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлади
 E) кўп маъноли сўзлар орасида ички боғлиқлик бўлади.

43. Антонимик birlikларнинг қайси бирида салбий сўз бор?
 A) кетмоқ-ташриф бутормоқ
 B) ақили-беақл
 C) ориқ-семиз
 D) чиройли-тасқара
 E) тез-аста

44. Қандай сўзлар бадий адабиётда тажнис ва тазод яратиш учун хизмат қилади?
 A) синоним ва антонимлар
 B) кўп маъноли ва кўчма маъноли сўзлар
 C) иборалар ва жаргонлар
 D) омоним ва антонимлар
 E) шевага хос сўзлар ва антонимлар

45. Қайси қатордаги қўшимчалар ўзаро антоним бўла олади?
 A) -ча, -чак, чоқ, -чиқ
 B) -ли, -сиз, бе-ба-
 C) -шинг, -ни, -да, -дан

- D) -ги, -ли, -ки, -қи
E) Қўшимчалар антоним бўла олмайди.

46. Бир маъноли сўзлар қайси жавобда тўғри берилган?

- A) беҳи, комбайн, эчки
B) дум, ер, йўл
C) тош, йўл, кўтармоқ
D) позик, юз, чет
E) ич, бош, қўш

47. Қозимбек оғир табиатли йигит эди.

Ушбу гаптаги табиат сўзининг маъноси қайси жавобда кўрсатилган?

- A) кайфият
B) дид
C) характер
D) одат
E) тўғри жавоб йўқ

48. Кўчма маънодаги сўз қайси қаторда берилган?

- A) Мардлингингизга бутун шаҳар қойил қолди.
B) Зафар уйига чарчаб қайтди.
C) Баҳорда тоғ этаклари янада гўзал бўлади.
D) Бу ишга у анча аввал ҳавас қўйган эди.
E) Муроджон дўстини тўйга таклиф этди.

49. Араванинг ўқи ярим йўлда синиб қолса бўладими.

Ушбу гаптаги кўчма маънода қўлланган сўзни топинг.

- A) арава

- B) ўқи
C) ярим
D) йўл
E) Кўчма маъноли сўз қўлланмаган.

50. Машшоқ дуторнинг қулоғини бураб туриб, мунгли бир куй бошлаб юборди.

Ушбу гаптаги остига чизилган сўз маъноси қайси йўл билан кўчган?

- A) метафора
B) метонимия
C) синекдоха
D) вазифадонлик
E) ўз маъносида қўлланган

51. Қомил кўлини кесиб олди.

Ушбу гаптаги остига чизилган сўз маъноси қайси йўл билан кўчган?

- A) метафора
B) метонимия
C) синекдоха
D) вазифадонлик
E) кўчма маъноли сўз эмас

52. Қайси қаторда “қўрқмоқ” сўзининг синоними ибора орқали ифодаланган?

- A) Раззоқ сўфи тўнини тескари кийиб олди.
B) Мингбошининг қовоғидан қор ёғар эди.
C) Тена сочи тикка бўлиб, отаси кириб келди.
D) Қаримнинг шу пайтда юрагига қил сиймасди.

Е) Раззоқ сўфини кўриб, ҳаммаини
каналага учиб кетди.

53. Ибора қатнашган гап қай-
си қаторда берилган?

А) Камшир ин йиғираётиб, калава-
синиш учини йўқотиб қўйди.

В) Уч кун ўтиб, Уроғали қайтиб келди.

С) Сиз инга аралашсангиз, кала-
вамнинг учини йўқотиб қўяман.

Д) Бечора чолнинг зўрға кўтариб
келаётган тарвузи қўлтигидан ту-
шиб кетди.

Е) Ҳеч қайси гапда ибора қўллан-
маган.

54. Иборалар асосан қайси ус-
лубларда ишлатилади?

А) фақат бадий услубда

В) фақат сўзлашув услубда

С) публицистик услубда

Д) сўзлашув ва бадий услубларда

Е) Барча услубларда қўлланиши
мумкин.

55. Саҳро кемаси.

Ушбу тасвирий ифоданинг
маъноси қайси жавобда берилган?

А) карвон

В) ракета

С) бўғалоқ

Д) топбақа

Е) туя

56. Қайси қаторда тасвирий
ифода тўлиқ берилган?

А) ақл гимнастикаси, дунё томи,
дала маликаси

В) зангори кема, пўлат этак, заҳмат-
каш ота

С) меҳнат нафақаси, мушфиқ она,
оқолтин

Д) лочин йиғит, йиғирув цехи, бахт
бешиги

Е) мўйқалам соҳиби, чарм қўлқоп
устаси, ақли бола

57. Тилшуносликка оид атама-
лар қаторини тошинг.

А) интеграл, лимит, куб, квадрат

В) морфология, синтаксис, қўшма
гап

С) рентген, қолип, ширин, укол

Д) атом, нейтрон, протон, кучланиш

Е) феодализм, сипф, инқилоб, жамият

58. Илм-фан, техника, адаби-
ёт ва санъатга оид бир
маъноли сўзлар...

А) кўп маъноли сўзлар дейилади.

В) кўчма маъноли сўзлар дейилади.

С) ибора дейилади.

Д) атамалар дейилади.

Е) жаргонлар дейилади.

МОРФОЛОГИЯ

Нималарни билишингиз керак?

- грамматика ва унинг таркибий қисмлари;
- сўзнинг лугавий ва грамматик маънолари;
- морфема, уларнинг турлари, ўзак, негиз;
- қўшимчалар ва уларнинг турлари;
- туб ва ясама сўзлар;
- содда ва мураккаб сўзлар.

ГРАММАТИКАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Грамматика сўз ва гап қурилиши, гапда сўзларнинг ўзгариши ва ўзаро бирикиши ҳақидаги фандир. У икки қисмдан иборат:

- а) морфология: сўзнинг грамматик хусусиятлари, сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши, сўз ясаш қоидалари, сўз туркумларини текширади;
- в) синтаксис: гапнинг грамматик хусусиятлари, гап қурилиши ва унинг турларини ўрганади.

Морфологияда сўз, унинг у ёки бу шакллари таҳлил этилса, синтаксисда ана шу сўзлар воситасида таркиб топган гап, унинг тузилиши ва турлари, гапларни ташкил этувчи сўз бирикмалари ҳақида баҳс юрилади.

Сўзларни биз лексикология бўлимида ҳам ўрганган эдик. Бироқ лексикология сўзнинг лугавий (лексик) маъносини текширишини унутмаслигимиз керак. Грамматикада эса сўзнинг грамматик маъноси ўрганилади.

Хўш, сўзнинг лугавий ва грамматик маъноси дейилганда, нимани тушуниш керак?

“Китобларни ўқидим” гапини олиб кўрайлик. Биринчи сўз ўқув қуролини, иккинчиси эса ҳаракатни ифодалайди. Ҳар икки сўз маълум бир тушунча, маънони англатяпти. Бу уларнинг лугавий маънолари ҳисобланади. Худди шу сўзлар лугавий маъно билан бир қаторда бошқа маънони ҳам англатмоқда: биринчи сўзда кўшиқ (бир печа китоб), тушум келишиги шаклидаги маъно, иккинчи сўзда эса ўтган замон (-ди) феъли, биринчи шахс, бирлик (-м), майл (аниқ), бўлишлилик

(ҳаракат бажарилган) каби маънолар ҳам англашилмоқда, гапда кесим вазифасида келган. Бу маънолар сўзнинг грамматик маъноси ҳисобланади.

Демак, сўзларнинг луғавий маъноси лексикологияда, грамматик маъноси эса грамматикада ўрганилади.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ МОРФЕМА

Морфема сўзнинг энг кичик бўлинмас қисмидир. Масалан, тўқимачиликни сўзини олиб кўрайлик. Уни маъноли қисмларга бўлиб чиқсак, бу сўз беп қисмдан (тўқи-ма-чи-лик-ни) иборат эканлигини билиб оламиз. Бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида морфема ҳисобланади, чунки уларни энди бошқа қисмларга бўла олмаимиз.

Морфема икки хил: ўзак морфема ва аффикс (қўшимча) морфема бўлади: “тўқи-ма-чи-лик-ни” сўзидаги биринчи морфема “тўқи” сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа маъноли бўлақларга бўлинмайди, мустақил ҳолда луғавий маъно ифодамайди. Шу боис уни ўзак морфема деб атаймиз. Кейинги қисмлар: -ма, -чи, -лик, -ни қўшимча морфемалар ҳисобланади, улар ёлғиз ҳолда маъно ифодаламайди, аммо ўзакка қўшилиб, унинг маъносини ўзгартиради ва грамматик вазифа бажаради.

Демак, ўзак ва қўшимчалар сўзнинг маъноли қисмларидир.

Сўзларни морфемаларга ажратишда хато қилмаслик керак. Чунки айрим қўшимчалар ўзакка қўшилганда, бир-биридан ажралмасликка мураккаб қўшимчага айланиб қолиши мумкин. Масалан, “одамгарчилик” сўзи “одамгар-чи-лик” тарзида морфемаларга ажратилмайди. Шунингдек, “пишиқчилик” сўзидаги “-чилик”, “саломлаш” сўзидаги -лаш морфема сифатида мураккаб қўшимчаларга айланган: “одамгар”, “одамгарчи” ёки “пишиқчи”, “саломла” дейилмайди.

Яна шунинг унутмаслик керакки, юқорида тилга олинган “-чилик” қўшимчаси “терим” сўзига қўшилса, унда бу морфемаларни алоҳида -чи, -лик тарзида ажратиш мумкин бўлади: тер-им-чи-лик. Энди бу қўшимчалар содда қўшимчалар дейилади.

Қуйидаги тестга диққат қилинг:

Мураккаб қўшимчали сўзлар қайси қаторда берилган?

А) сувоқчилик, ишлан

- В) ёгингарчилик, лойгарчилик
- С) теримчилик, созлаш
- Д) мўлчилик, хайрлаш
- Е) В ва Д

Тўғри жавоб, албатта, Е ҳисобланади, чунки ёгингар”, “ёгингарчи”, “лойгар”, “лойгарчи”, “мўлчи”, “хайрла” дейилмайди, улардаги -гарчилик, -чилик, -лаш қўшимчалари мураккаб қўшимчалар ҳисобланиб, алоҳида морфемаларга ажратилмайди.

Тилимизда шундай сўзлар учрайдики, улар бир вақтлар маъноли қисмларга ажратилган. Масалан, ичак (ич-ак), бошоқ (бош-оқ), қишлоқ (қип-ла-қ), қоровул (қара-овул), юрак (юр-ак) ва ҳ.к. Бугунги кунда бу сўзлар алоҳида морфемаларга ажратилмайди, улар яхлит бир ўзакка айланиб қолган.

ЎЗАК, ПЕГИЗ

“Пахтакорларга” сўзини “пахта-кор-лар-га” тарзида морфемаларга ажратиб чиқсак, бу сўз аслида “пахта” сўздан ясалганлиги маълум бўлади қолади. Энди уни (“пахта” сўзини) бошқа маъноли қисмларга ажратиб бўлмайди. Ана шу, сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа маъноли бўлакларга бўлинмайдиган қисм ўзак деб аталади.

Ўзак сўзда албатта иштирок этадиган, лугавий маъно ифодаладиган морфемадир. Сўз ўзакдан бошланади, унга қўшимчалар қўшилиб, сўзни грамматик жиҳатдан шакллантиради: иш-чи-лар-имиз-дан-микин

Бир ўзакдан ясалган сўзлар ўзакдош сўзлар ҳисобланади: гулдон, гулзор, гулшан, гулистон, гулчи, гулдор, гулша ва ҳ.к.

Ўзакка сўз ясовчи қўшимчалар қўшилишидан пегиз ҳосил бўлади: меҳнаткаш, ишчи сўзлари меҳнат ва иш ўзақларида ясалган пегизлардир.

ҚЎШИМЧАЛАР

Сўз ясаш ва сўз ўзгартириш учун хизмат қилувчи, ўзак мазмунига турли маънолар қўшадиган ёрдамчи морфемалар қўшимча ёки аффикс (гр. “аффикус” боғланган) дейилади.

Кўшимчалар ҳеч вақт мустақил ҳолда қўлланилмайди, улар ўзакка қўшилгандагина бирор лугавий ва грамматик маъно аниқлигига хизмат қилади. Бироқ сўзга қўшимча қўпиш билан аниқлиқдиган маъно ўзак аниқланган маъно билан албатта боғлиқ бўлади. Масалан, “гул” сўзига -дон қўшимчаси қўшилганда, мева солинадиган идиш (ваза) эмас, гул солинадиган идиш (ваза) аниқланади.

Кўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра уч хил бўлади.

1. Сўз ясовчи қўшимчалар.

Ўзакка қўпилиб, шу ўзак маъноси билан боғлиқ бўлган янги лугавий маъноли сўз ясашга хизмат қилувчи қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади. Сўз ясовчи қўшимчалар бир сўз туркумидан шу туркумга ҳос сўзларни ҳам (отдан от) ёки бошқа туркумга ҳос сўзларни ҳам ясаши мумкин: боғ - боғбон, иш - ишчи (отдан от), иш - ишчан, гул - гулли (отдан сифат) кўрқ - кўрқоқ (фезлдан сифат), оқ - оқла (сифатдан фезл), мард - мардона (сифатдан равиш) ва ҳ.к.

Сўз ясовчи қўшимчалар қўлланиш доирасига кўра унумли, кам унум ва унумсиз қўшимчаларга бўлинади.

Бугунги кунда жуда кўп сўзларни ясашга хизмат қилувчи ясовчи қўшимчалар унумли ясовчилар дейилади: -чи, -ла, -лик, -ли, -ма, -ги каби унумли қўшимчалардан юзлаб сўзларни ясаш мумкин: ўқувчи, ёзувчи, қурувчи, ишла, созла, дўстлик, озодлик, гулли, маза-ли, сузма, сочма, кузги, баҳорги ва ҳ.к.

Кам унум ясовчи қўшимчалар сўз ясашда унчалик фаол қатнашмайдиган қўшимчалардир. Жумладан: -қ, -оқ (ўроқ, сўроқ, тароқ), -каш (меҳнаткаш, аравакаш), -гич, -кич, -қич, -гич (совутгич, кўрсатгич, тортқич, сўргич), -им (терим, ўрим), -гин, -қин (сўлгин, озгин, тўл-қин) кам унум қўшимчалардир.

Бугунги кунда сўз ясамайдиган қўшимчалар унумсиз ясовчилар ҳисобланади. Бундай қўшимчаларга -гоқ, -луқ, -чил, -агон, -дақ (тойгоқ, тузлуқ, дардчил, билагон, югурдақ) қўшимчаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2. Шакл ясовчи қўшимчалар (сўз шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар).

Бу қўшимчалар янги сўз ясамайди, сўзга ҳир хил қўшимча маънолар киритади, ҳолос. Қўшимчаларнинг бу тури барча сўз туркумларида учрайди.

а) отларда: -лар (кўшлик) китоблар, уйлар -ча (кичрайтириш оти): уйча, китобча, қизча, -чак, -чоқ, -лоқ (-алоқ) -гина, -қина, -кина (эркалаш отлари): қизалоқ, болагина, келинчак.

б) сопларда: -та, -тача, -ларча, -ов, -ала, -тадан, -нчи, -инчи (соп-

ларнинг турларини ҳосил қилувчи) ўнта, юзгача, мишларча, икков, уча-
ла, гўртинчи

в) сифатда: -роқ (даража ҳосил қилувчи) яхшироқ, каттароқ
(-имтир, -мтир, -иш, -иш, оқимтир, кўкимтир).

г) феълда: -ди, -яш, -моқда, -моқчи (замон) келди, ёзмоқда; -л, -ил,
-п, -иш, -тир, -дир, -гиз, -киз, -газ, -каз, -сат, -иш (нисбат) ювин, берилди,
кийинтир, кулдир, юргиз, кўрсат, ўтказ, теринди; -р, -ар, -жак, -мас (си-
фатдон) оқар, айтмас, келажак; -б, -иб, -а, -й, -гач, -кач, -гунча, -кунча,
-кунча (равиндон) бақириб, кула - кула, ишлай - ишлай, отгач, келгун-
ча; -моқ, -в (-ув) -иш-иш (ҳаракат номи) ўқиш, ёмоқ, айтиш

д) равин: -роқ (даража) баландроқ, тезроқ

3. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар.

Бу қўшимчалар сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади,
синтактик вазифа бажаради. Оғлардаги эгалик (-м, -им, -ни, -иш, -и, -си,
-имиз, -ингиз), келишик (ниш, -ни, -га, -да, -дан) ва феълдаги шахс-сон
(-м, -ш, -к, -ингиз) қўшимчалари сўз ўзгартирувчи қўшимчалар ҳисобла-
нади.

Қўшимчаларнинг ўзи а хос хусусиятларидан бири уларнинг луга-
вий бирликлар сингари шакл ва маъно муносабатига кўра омоним, (-ча
равин ясовчи — ўзбекча, эскича ҳамда отнинг кичрайтириш эркалаш
шаклини ясовчи — отча, уйча, ўғилча;) синоним, (-ли, бо- ақлли,
боақл), антоним, (-ли, -сиз — одобли, одобсиз) турларга бўлиниши
ҳамда кўпмаъноли (феъл ясовчи -ла - ишла, оқла, сизла, ухла, тарақла;
сифат ясовчи: -ли - ёғли қўл, ёғли палов; от ясовчи: -чи, -чилик - ишчи,
суюнчи, деҳқончилик, ўртоқчилик каби) бўла олишидир. Қўшимчалар-
нинг бу хусусиятлари уларнинг барча турлари орасида учрайди.

ТУБ ВА ЯСАМА СЎЗЛАР

Таркибида сўз ўзгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар
бўлишидан қатъий назар, сўз ясовчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар
туб сўзлар дейилади: қалам, уй, дарахт, онам, мактабга, кўча-
лар, қизча ва ҳ.к.

Бу сўзларга сўз ўзгартирувчи (эгалик, келишик) ёки шакл ҳосил
қилувчи қўшимчалар қўшсак ҳам, улар туб сўзигича қолаверади: қала-
мим, қаламинг, қаламлар, қаламча. Чунки бунда янги лугавий
маънога эга бўлган сўз ясалмагани, биз барибир ўша қаламни - ёзув қуро-
лини тушунаверамиз. “Қалам” сўзига ясовчи -каш ёки -дон қўшимчала-
рини қўшиб кўрайлик-чи: қаламкаш, қаламдон. Энди аввалги, қалам-

ни эмас, балки ёзувчи (нахс)ни ва қалам сақланадиган қутини тушунамиз. Кўришиб турибдики, аввалги маъно билан боғлиқ бўлган янги сўзлар ясалди.

Демак, туб сўзга ясовчи қўшимчалар қўшилишидан ҳосил бўлган сўзлар ясама сўзлар деб аталади.

Ўзбек тилида сўзлар асосан икки хил усул билан ясалади.

1. Сўзнинг ўзак-негизига сўз ясовчи қўшимчалар қўшиб сўз ясаш (морфологик усул). Морфологик усул ўзбек тилида сўз ясашнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади: иш-чи, пахта-қор, бош-ла, су-пур-га, кўн-ил-чан, синф-дон, кўрқ-оқ, тиш-ик, мард-она ва ҳ.к. каби сўзлар шу усулда ясалган.

2. Сўзларни сўзларга қўшиб янги сўз ясаш (синтактик усул). Синтактик усул билан қўшма, жуфт ва такрор сўзлар ясалади: гулхайри, ҳаво ранг, катта - кичик, келди-кетди, оқ-қора, қон-қон, катта-катта ва бошқалар.

Ўзбек тилидаги олтига сўз туркумидан иккитаси: сон ва олмош морфологик усулда ясалмайди.

СЎЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КўРА ТУРЛАРИ

Сўзлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади.

I. Содда сўзлар.

Фақат бир ўзакдан иборат бўлган сўзлар содда сўзлар дейилади. Туб сўзлар ҳам (китоб, китобим, китоблар), морфологик усул билан ясалган сўзлар ҳам (китобхон) содда сўзлар ҳисобланади, негаки уларнинг ўзга битта бўлади.

II. Мураккаб сўзлар.

Мураккаб сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзакдан иборат бўлади. қўшма, жуфт ва такрор сўзлар мураккаб сўзлардир.

1. Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзакнинг бирикишидан ҳосил бўлган ва бир умумий тушунчани ифода қиладиган сўзлардир. Қўшма сўзларнинг таркиби бир хил сўз туркумидан ёки бир неча туркумга оид сўзлардан иборат бўлиши мумкин: кўзойпак (от+от) совуққон (сифат + от), Олтиариқ (сон+от), ҳозиржавоб (равш +от).

Қўшма сўзлар қўшиб ёки ажратиб ёзилади.

2. Жуфт сўзлар маъно жиҳатидан бир-бирига мос келиб, жамлик, умумийлик маъноларини ифодаловчи сўзлардир. Жуфт сўзларнинг ҳар икки қисми ҳам бир сўз туркумига мансуб бўлади: ака-ука, оқ-қора, бир-икки, келди-кетди, аста-секин.

Жуфт сўзлар қуйидаги сўзлардан ташкил топади:

а) бир-бирига яқин маъноли сўзлардан: ака-ука, ота-она;

б) синоним сўзлардан: бахт-саодат, куч-қувват;

в) антоним сўзлардан: аччиқ-чучук, катта-кичик;

г) ҳар икки қисми ҳам маъно билдирадиган сўзлардан: чол-кам-пир, ўғил-қиз, оқ-қора;

д) биринчи қисми маъноли ва иккинчи қисми маъно билдирмайдиган сўзлардан: темир-терсак, кийим-кечак каби;

е) ҳар икки қисми ҳам мустақил ҳолда луғавий маъно билдирмайдиган сўзлардан: гиди-биди, икир-чикир ва бошқалар.

Жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади. Агар улар орасида боғловчи вазифасида келган -у, -ю юктамалари қўлланган бўлса, чизиқча қўйилмайди: қўю қўзи, меҳру муҳаббат, бахту саодат.

3. Такрорий сўзлар бир сўзнинг қўшалок қўлланилишидан ҳосил бўлади. Улар кўшлик (тўйга ким-ким келди?), давомийлик (ишлай-ишлай чарчадик) каби маъноларни аниқлатади. Бироқ шунини унутмаслик керакки, истаган сўзни икки марта келтириш билан такрор сўз ҳосил бўлавермайди. Такрор сўзлар бир хил шаклда бўлиши лозим: тошдан тошга, уйма уй сўзлари такрорий сўз ҳисобланмайди, чунки улар бир хил шаклда эмас, ёзувда улар орасига чизиқча қўйилмайди. Нутқда маънони кучайтириш мақсадида бир сўзнинг кетма-кет келтирилиши ҳам такрор сўз ҳисобланмайди, ёзувда улар орасига вергул қўйилади: Яхши, яхши, улуғ иш қилибсиз.

Такрор сўзларнинг иккинчи қисмидаги айрим товушлар ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. пон-пон, чой-пой, йиғи-сиғи ва ҳ.к.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ.

1. Морфология нимага ўрганади?

- А) сўзнинг грамматик хусусиятлари, уларнинг тузилишини
- В) сўз ясаш қоидаларини
- С) сўз туркумларини
- Д) сўз бирикмаларини
- Е) А, В, С

2. Сўзнинг луғавий маъноси деганда, нима тушунилади?

- А) сўз аниқланган асосий маъно

- В) кўчма маъноси
- С) грамматик шакли
- Д) синтактик вазифаси
- Е) тўғри жавоб йўқ.

3. Шаҳримизда гўзал бинолар кўп.

Ушбугадаги гўзал сўзининг грамматик маъноси қайси қаторда ифодаланган?

- А) предмет белгиси
- В) сифат

- С) аниқловчи
 D) А ва В
 E) В ва С жавобларда

4. Гул ва дафтар сўзларининг луғавий (лексик) ҳамда грамматик маъноларини аниқланг.

1. Гул, дафтар сўзлари предмет ҳақидаги умумий тушунчани ифодалайди;
 2. Гул, дафтар сўзлари от сўз туркумига мансуб;
 3. Гул - ўсимликнинг бир тури, дафтар - ёзув қуроли;

4. Гул, дафтар бош келишикда, бирликда.

- A) луғавий маъноси -1,3; грамматик маъноси -2,4
 B) луғавий маъноси -2,4; грамматик маъноси-1,3
 C) луғавий маъноси -1,4; грамматик маъноси -2,3
 D) луғавий маъноси -2,3; грамматик маъноси-3,4
 E) луғавий маъноси -1; грамматик маъноси фақат 2

5. Ўктам дала томон жўнади. Ушбу гапдаги томон сўзининг грамматик маъноси қайси жавобда тўғри берилган?

- A) ёрдамчи сўз, кўмакчи, ҳаракат йўналишини ифодалайди
 B) равиш, ўрин равиши, ҳаракат йўналишини ифодалайди
 C) феъл, равишдош, ҳаракат йўналишини ифодалайди
 D) юклама, маънони кучайтирмоқда

E) от, предмет йўналган томонни ифодалайди

6. Морфема...

- A) морфологик кўрсаткичлардир
 B) сўз бўғинларидан биридир
 C) сўзнинг бўлинимас энг кичик қисми
 D) грамматик маъно ҳосил қилувчи қўшимча
 E) фақат сўзнинг ўзагидир

7. Ўзак ва қўшимчалар...

- A) сўзнинг маъноли қисмлари
 B) ўзак маъноли қисм, қўшимчалар негиз қисм
 C) ўзак ва қўшимчалар сўзнинг туб маъносини билдирувчи қисмлари
 D) ўзак ва қўшимчалар сўзнинг негизи
 E) Тўғри жавоб йўқ.

8. Қайси қатордаги сўзлар морфемаларга (маъноли қисмларга) тўғри ажратилган?

- A) балиқ-чи, оз-чи-лик, уста-чи-лик
 B) дой-гарчилик, узум-чилик, қаҳат-чилик
 C) тайёр-гар-чи-лик, тер-имчи-лик
 D) ипсон-парвар-лик, оз-чилик, галла-чи-лик
 E) ёзув-чилик, ўртоқ-чи-лик

9. Қайси қатордаги сўз бугунги кунда морфемаларга ажралмайди?

- A) тўшак
 B) юмшоқ
 C) кўрқоқ
 D) ютуқ
 E) юрак

10. Қайси қатордаги сўзлар морфемаларга ажралади?

- A) ичак, хўрак
- B) юрак, бошоқ
- C) қишлоқ, қоровул
- D) курак, элак
- E) тапқари, ичкари

11. Узумчиликни сўзи таркибидаги сўз ясовчи қўшимчалар кўрсатилган қаторни аниқланг.

- A) -чи, -лик
- B) -чилик
- C) -чи, -лик, -ли
- D) -чи
- E) -чи, -ликни

12. Қайси сўз таркибида учта сўз ясовчи қўшимча мавжуд?

- A) этикдўз
- B) ишларимиз
- C) теримчилик
- D) қўлчилик
- E) озчилик

13. Кувноқ, яша сўзларининг ўзагини тоинг.

- A) кувноқ, яша
- B) кувна, ёш
- C) кувноқ, ёш
- D) кувна, яша
- E) кув, ёш

14. Ўзакдош сўзларни аниқланг.

- A) бошла, бошқа, бошлиқ
- B) кулгу, кулдон, кулба
- C) номард, номус, нокас
- D) сурма, сурнай, сурғун

E) ипша, ипчи, ипчан

15. Эгалик қўшимчалари қўшилганда, ўзакда ўзгарин бўладиган сўзлар қаторини аниқланг.

- A) курак, этак, юрак, истак, парк
- B) бармоқ, қармоқ, томоқ, сўроқ
- C) завқ, кулоқ, қишлоқ, ўртоқ
- D) ўрик, терак, кўсак, идрок
- E) иштиёқ, уфқ, ўқ, завқ

16. От-ата, ёш-яша, бағир-бағри, бурун-бури каби ўзак ва қўшимчаларнинг қўшилишида товуш ўзгаришларининг қайси турлари вужудга келган?

- A) товуш алмашиши
- B) товуш тушиши
- C) товуш алмашиши ва тушиши
- D) товуш алмашиши ва орртирилиши
- E) товуш тушиши, алмашиши, орртирилиши

17. Қайси қатордаги отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғиндаги уши тушиб қолади?

- A) этик, билак
- B) ўртоқ, сўроқ
- C) терак, юрак
- D) қаймоқ, томоқ
- E) кўнғил, ўғил

18. Қўшимчалар вазифасига кўра қандай турларга бўлинади?

- A) сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи
- B) олд қўшимчалар, сўнг қўшимчалар

- C) содда ва мураккаб қўшимчалар
- D) сўз ясовчи, шакл ясовчи, сўз ўзгартирувчи
- E) эгалик ва келишик қўшимчалари

19. Феъллардаги шахс-сон қўшимчалари қўшимчаларнинг қайси турига мансуб?

- A) сўз ўзгартирувчи
- B) сўз ясовчи
- C) шакл ясовчи
- D) эгалик қўшимчалари
- E) олд қўшимчалар

20. Қайси сўзда -чилик қўшимчаси иккига ажраледи?

- A) озчилик
- B) катгачилик
- C) теримчилик
- D) ошпачилик
- E) маҳаллийчилик

21. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар...

- A) эгалик ва келишик қўшимчалари
- B) эгалик, келишик, шахс-сон
- C) замон, майл, нисбат қўшимчалари
- D) янги дугавий маъно ҳосил қилувчи қўшимчалар
- E) олд ва сўнг қўшимчалар

22. Самолётсозликнинг сўзидаги фақат сўз ясовчи қўшимчалар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) -соз, -лик
- B) -соз, -лик, -нинг

- C) -соз
- D) -лик
- E) -лик, -нинг

23. Қайси қаторда сўз ясовчи қўшимчалар берилган?

- A) -пи, -нинг, -га, -да
- B) -чи, -дош, -ди, -ян
- C) -к, -ак, -ма, -уқ, -гич
- D) -ли, -ла, -паз, -та, -тача, -роқ
- E) Ясовчи қўшимчалар берилмаган.

24. Фақат ясама сўзлар берилган қаторни топинг.

- A) гушлар, китобим, илгич, синфдош
- B) тинчлик, супурги, меҳнатқаш, бсор
- C) тилшунос, вафодор, тиниқ, мактабга
- D) қирғич, кулги, кулдон, кулба, сургун
- E) тинчилик, тиндирмоқ, симоб, синдир

25. Ясама сўз қаторини топинг.

- A) қаламча
- B) қаламнинг
- C) қаламим
- D) қаламдон
- E) қаламлар

26. Қандай сўзлар туб сўзлар дейилади?

- A) таркибида сўз ўзгартирувчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар
- B) таркибида шакл ясовчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар
- C) таркибида сўз ясовчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар

D) олд кўшимчаси бўлган сўзлар
E) эгаллик ва келишик кўшимчаси бўлмаган сўзлар

27. Қайси қаторда туб сўз берилган?

- A) қувна
- B) қувноқ
- C) қувонч
- D) қувлик
- E) Туб сўз берилмаган.

28. Қайси қаторда янги сўз ясалмаган?

- A) терим
- B) теримчи
- C) теримчилик
- D) теримчилар E) тердик

29. Ясама сўз қаторини аниқланг.

- A) тара
- B) тарамоқ
- C) тароқ
- D) тароқчи
- E) C ва D

30. Қўшимчалар қўшиб ясалган сўзларни белгиланг.

- A) уйга, китобдан, китобхон, китоблар
- B) беҳабар, хабарсиз, хабарқаш, хабардор
- C) қаймоқ, ўрикзор, пахтакор, мукофот
- D) бегубор, губорсиз, бемаҳал, маҳалла
- E) тинчлик, нотинч, тиниқ, тиндирмоқ

31. Қайси қаторда синтактик усул билан ясалган сўз берилган?

- A) шифокор
- B) ваташарвар
- C) меҳнатсевар
- D) кутубхона
- E) кутубхоначи

32. “Жафоқаш халқимиз ўз бошидан исларни кечирмади!” Ушбу гаптаги ясама сўз қайси туркумдан ясалган?

- A) отдан сифат
- B) отдан от
- C) отдан феъл
- D) олмондан от
- E) Ясама сўз йўқ.

33. Қўшимчаларсиз ясалган сўзлар қаторини тонинг.

- A) одамгарчилик, инсонларварлик
- B) меҳнатсевар, томорқа
- C) туртки, чиқим
- D) оромбахш, инсондўст
- E) B ва D

34. Сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида қайси туркумга оид сўзларни ясаш мумкин?

- A) от, сифат, сон, олмон, феъл
- B) от, сифат, сон, феъл равини
- C) от, сифат, сон, олмон, феъл равини
- D) от, сифат, сон, феъл, боғловчи, юклама
- E) от, сифат, феъл, равини

35. Қўшма, жуфт, такрорий сўзлардан қайси бирининг тар-

киби икки хил сўз туркумига оид сўзлардан тузилиши мумкин?

- A) кўшма сўзларнинг
- B) жуфт ва такрор сўзларнинг
- C) фақат жуфт сўзларнинг
- D) фақат такрор сўзларнинг
- E) A, B, C, D

36. Қайси қатордаги сўзлар орасига чизиқча нотўғри қўйилган?

- A) Меҳр-муҳаббат инсонни кўкартиради.
- B) Сават-сават луччаки шафтолилар кўзни қувонтиради.
- C) Тапқаридан милтиқларнинг пақнақ овози эшитиларди.
- D) Ёшларимизнинг бахт-саодатини истаймиз.
- E) Олисдан қўйу-қўзилар маъраши қулоққа чалинарди.

37. Қўшма сўзлар берилган қаторни аниқланг.

- A) маккажўхори, кечқурун
- B) меҳнатқаш, бедапоя
- C) олмазор, кўксултон
- D) бақатерак, садарайҳон
- E) қимматбаҳо, соатсоз

38. Қандай сўзлар тузилишига кўра содда сўз ҳисобланади?

- A) туб сўзлар
- B) морфологик усулда ясалган сўзлар
- C) таркибида ясовчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар
- D) синтактик усулда ясалган сўзлар
- E) A ва B жавоблар

39. Ҳар иккала қисми ҳам мустақил қўллана олмайдиган сўзлар қаторини тошинг.

- A) чол-кампир, пон-пон, чой-пой, гивир-гивир
- B) икир-чикир, ғасир-ғусур, вағир-ғувур
- C) алғов-далғов, қақир-қуқир, ғала-ғовур
- D) вағ-вуг, тиқ-тиқ, дон-дун, темир-терсақ
- E) B ва C

40. Такрор сўзлар қандай маъноларни ифодалайди?

- A) давомийлик
- B) кўшиқ
- C) таъкид
- D) кучайтириш
- E) A ва B, C

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

- сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қайси хусусиятлари ҳисобга олинади?
- мустақил сўз туркумлари ёрдамчи сўз туркумлари дан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

Сўзлар умумий лексик ва грамматик маъно ҳамда вазифалари а кўра маълум туркумларга бўлинади. Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- луғавий ва грамматик маънолари;
- айрим морфологик хусусиятлари;
- синтактик вазифалари.

Шунга кўра ўзбек тилида сўзлар қуйидаги туркумларга ажратила-
ди

1. Мустақил сўз туркумлари:

1. От 2. Сифат 3. Сон 4. Олмош 5. Фсъл 6. Равиш

II. Ёрдамчи сўз туркумлари:

1. Кўмакчи 2. Боғловчи 3. Юклама

III. Ундов сўзлар IV. Тақлид сўзлар V. Модал сўзлар

Мустақил сўзлар маълум бир луғавий маънони ифодалайди. Ма-
салан, гул деганимизда, ўсимликнинг бир турини, қизил деганда, ран-
ни, белгга деганда миқдорни, келди деганда эса ҳаракатни тушунамиз.

Мустақил сўзлар бирор гап бўлаги вазифасида келади.

Ёрдамчи сўзлар эса ёлғиз ҳолда ҳеч қандай луғавий маъно ифода-
ламайди, гапда ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини бажармайди. Улар
мустақил сўзлар, содда гапларни бир-бирига боғлаш ҳамда сўзларга қў-
шимча маъно юклаш учун хизмат қилади.

ОТ

Нималарни билишингиз керак?

- отнинг грамматик белгилари ва синтактик вазифаси;
- отнинг маъно турлари;
- отнинг бирлик ва кўпликда қўлланиши;
- отларда эғалик, турланиш, ясалниш.

Предметлик тушунчасини англатувчи мустақил сўзлар от деб ата-

лади. Отлар тирик мавжудотлар (инсон, ота, амаки, қуш, чумоли, дельфин) теварак-атрофимизни қуршаб турган предметлар (уй, дарахт, машина, от, тош, дала, ўрмон) табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар (инқилоб, тўй, байрам, бўрон, ёмғир, zilзила) шу билан бирга, мавҳум тушунчаларнинг (бахт, толеъ, инш. севги, қураш, шодлик, ғам) номларини ифодалайди. Отлар ўзига хос грамматик белгилар (категориялар) га эга: атоқли ва турдош, аниқ ва мавҳум, жамловчи ва якка бўлади, турланади, бирлик ва кўпликда қўлланади, эғалик қўшимчаларини олади.

Отлар гапда барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

ОТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

1. Атоқли ва турдош отлар.

Бир турдаги предметлардан бирини айириб кўрсатадиган отлар атоқли отлар дейилади. Атоқли отлар айрим шахс ёки предметларнинг махсус ўзига қўйилган номидир. Кишиларнинг исм-фамилияси, адабий тахаллуслар, географик номлар, планета ва сайёраларнинг номлари, газета, журнал, бадиий ва илмий асарлар, корхона, муассасалар номлари, давлат мукофотлари ва фахрий унвонлари, тарихий саналар атоқли отлар ҳисобланади. Бир турдаги предметларнинг умумий номлари эса турдош отлардир. Отга хос сўзларнинг асосий қисмини турдош отлар ташкил этади. Масалан, шаҳар, дарё, қизлар, китоблар турдош отлар ҳисобланса, уларнинг бирини алоҳида номлаш билан атоқли от ҳосил бўлади: Тошкент, Амударё, Нарғиза, "Навоий" романи.

Баъзан атоқли от турдош отга айланиши (реитген, ампер, ҳосиятхон) ёки аксинча, турдош от атоқли отга айланиши мумкин (Нарғис, Бўрон, Қумри, Теша).

2. Аниқ ва мавҳум отлар.

Борлиқдаги мавжуд предметларни аниқлаш отлар аниқ отлар ҳисобланади: ер, сув, дарахт, дарё, олма, вон, пиёла, кийик ва ҳ.к.

Мавҳум тушунчани, белгини аниқлаш отлар мавҳум отлар дейилади: бахт севинч, қувонч, шодлик, тинчлик, қураш, туйғу, кулги, инсизлик, мустақиллик ва ҳ.к.

3. Якка ва жамловчи отлар.

Бирлик шаклда бир турдаги предметларнинг биттасини ифодалаш

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

- сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қайси хусусиятлари ҳисобга олинади?
- мустақил сўз туркумлари ёрдамчи сўз туркумлари дан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

Сўзлар умумий лексик ва грамматик маъно ҳамда вазифаларига кўра маълум туркумларга бўлинади. Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- луғавий ва грамматик маънолари;
- айрим морфологик хусусиятлари;
- синтактик вазифалари.

Шунга кўра ўзбек тилида сўзлар қуйидаги туркумларга ажратилди

I. Мустақил сўз туркумлари:

1. От 2. Сифат 3. Сон 4. Олмош 5. Феъл 6. Равиш

II. Ёрдамчи сўз туркумлари:

1. Кўмакчи 2. Боғловчи 3. Юклама

III. Ундов сўзлар IV. Тақлид сўзлар V. Модал сўзлар

Мустақил сўзлар маълум бир луғавий маънони ифодалайди. Масалан, гул деганимизда, ўсимликнинг бир турини, қизил деганда, рағзини, бепга деганда миқдорни, келди деганда эса ҳаракатни тушунамиз.

Мустақил сўзлар бирор гап бўлаги вазифасида келади.

Ёрдамчи сўзлар эса ёлғиз ҳолда ҳеч қандай луғавий маъно ифодаламайди, гапда ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини бажармайди. Улар мустақил сўзлар, содда гапларни бир-бирига боғлаш ҳамда сўзларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.

ОТ

Нималарни билишингиз керак?

- отнинг грамматик белгилари ва синтактик вазифаси;
- отнинг маъно турлари;
- отнинг бирлик ва кўпликда қўлланиши;
- отларда эғалик, турланиш, ясаллиш.

Предметлик тушунчасини англатувчи мустақил сўзлар от деб ата-

лади. Отлар тирик мавжудотлар (инсон, ота, амаки, куш, чумоли, дельфин) тсварақ-атрофимизни қуршаб турган предметлар (уй, дарахт, машина, от, тош, дала, ўрмон) табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар (инқилоб, тўй, байрам, бўрон, ёмғир, зилзила) шу билан бирга, мавҳум тушунчаларнинг (бахт, толей, ишқ, севги, кураш, шодлик, гам) номларини ифодалайди. Отлар ўзига хос грамматик белгилар (категориялар) га эга: атоқли ва турдош, аниқ ва мавҳум, жамловчи ва якка бўлади, турланади, birlik ва кўшликда қўлланади, эгаллик қўшимчаларини олади.

Отлар ганда барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

ОТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

1. Атоқли ва турдош отлар.

Бир турдаги предметлардан бирини айириб кўрсатадиган отлар атоқли отлар дейилади. Атоқли отлар айрим шахс ёки предметларнинг махсус ўзига қўйилган номидир. Кишиларнинг исм-фамилияси, адабий тахаллуслар, географик номлар, планета ва сайёраларнинг номлари, газета, журнал, бадиий ва илмий асарлар, корхона, муассасалар номлари, давлат мукофотлари ва фахрий унвонлари, тарихий саналар атоқли отлар ҳисобланади. Бир турдаги предметларнинг умумий номлари эса турдош отлардир. Отга хос сўзларнинг асосий қисмини турдош отлар ташкил этади. Масалан, шаҳар, дарё, қизлар, китоблар турдош отлар ҳисобланса, уларнинг бирини алоҳида номлаш билан атоқли от ҳосил бўлади: Тошкент, Амударё, Нарғиза, "Навоний" романи.

Баъзан атоқли от турдош отга айланиши (реитген, ампер, хосиятхон) ёки аксинча, турдош от атоқли отга айланиши мумкин (Наргис, Бўрон, Қумри, Теша).

2. Аниқ ва мавҳум отлар.

Борлиқдаги мавжуд предметларни аниқлашган отлар аниқ отлар ҳисобланади: ер, сув, дарахт, дарё, одма, вон, пиёла, кийик ва ҳ.к.

Мавҳум тушунчани, белгини аниқлашувчи отлар мавҳум отлар дейилади: бахт севинч, қувонч, шодлик, тинчлик, кураш, туйғу, кулги, ишсизлик, мустақиллик ва ҳ.к.

3. Якка ва жамловчи отлар.

Birlik шаклда бир турдаги предметларнинг биттасини ифодалаш

мумкин бўлган отлар якка отлардир: китоб, қалам, дарахт, журнал, одам, нон каби.

Бир турдаги предметларнинг тўдасини, жамини англатувчи отлар эса жамловчи отлар ҳисобланади: халқ, армия, тўда, аҳоли, гуруҳ каби.

ОТЛАРНИНГ БИРЛИК ВА КЎПЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Отлар кўшлик ва бирлик сонда қўлланилади. Сон категорияси отлардаги доимий категория ҳисобланади. Отларда бирлик ўзининг маънос кўрсаткичи — кўшимчасига эга эмас. Масалан: китоб - бирликда, китоблар - кўшликда.

Қуйидаги отлар фақат бирликда қўлланилади:

а) мавҳум отлар: бахт, ишқ, орзу, алам, дийдор, муҳаббат, савхават

б) атоқли отлар: Топкент, Фарғона, Акмал Икромов, Навоий

в) саналмайдиған предметларни англатувчи отлар: сув, туз, шакар, нефть, сут, цемент, тупроқ, ун, ёғ

г) инсоннинг жуфт органлари: кўз, қўл, оёқ, қош, қулоқ

д) танҳо предметлар: Қуёш, Ер, Ой, Марс, Зухра

Отларда кўшлик маъноси асосан уч хил йўл билан ифодаланади:

1. Лексик йўл билан. Бунда кўшлик маъноси жамловчи, тўда отлар ёрдамида англанади: халқ, гуруҳ, тўда, пода, сурув, оломон каби.

2. Морфологик йўл билан. Грамматик кўшлик -лар қўшимчаси билан ифодаланади: уйлар, гуллар, китоблар, болалар каби.

Кўпликни ифодаловчи -лар қўшимчаси кўшлик маъносидан таққари яна қуйидаги маъноларни ифодалайди:

- ҳурмат маъноси: ойимлар, дадамлар (изоҳ: ҳурмат маъноси ифодаланганда, -лар қўшимчасидан аввал эғалик қўшимчаларидан бири бўлиши шарт: Масалан: оналар эмас-онамлар, дадалар эмас - дадамлар);

- пичинг, кесатиқ маъноси: Ўзларини соя-салқинга олибдилар-да;

- нарсанинг тури маъноси: тузлар, ёғлар, унлар, кислоталар;

- маънони кучайтиради: Топкентларни кўриб қайтдим, бошларим оғриб кетди;

- ноаниқлик маъносини ифодалайди: Кечқурунлари бўш бўламан.

Кўшлик кўшимчаси мавҳум отга кўшилганда, услубий вазифани бажаради (бадий ва сўзлашув услубларида): Аламлар абасдур, гамлар ўткинчи.

3. Синтактик йўл билан. Махсус миқдор билдирадиган сўзлар ва сонларни келтириш билан ифодаланади: бешта китоб, анча китоб, миш - миш дўкон, қатор-қатор дарахт, бир неча бола)

ОТЛАРДА ЭГАЛИК

Предметнинг уч шахедан бирига қарашлигини ифодаловчи кўшимчалар эгалик кўшимчалари дейилади.

Эгалик кўшимчалари нутқдаги уч шахедан бирига тегишли бўлиб, бирлик ва кўшлик сонларда қўлланилишига кўра билинади. Негизини сўнги товуши ушли ва ундош бўлишига қараб, улар икки хил бўлади:

	Бирликда		Кўпликда	
	ушли	ундош	ушли	ундош
I. шахс	онам	китобим	онамиз	китобимиз
II. шахс	онанг	китобинг	онангиз	китобингиз
III. шахс	онаси	китоби	онаси	китоби

Отга эгалик кўшимчалари кўшилганда:

а) айрим сўзларнинг иккинчи бўғинидаги ушлилар (а, и, у) тушиб қолади: шаҳар-шаҳри, огиз-огзи, ўғил-ўғли, сингил-сингил, кўнғил-кўнғил, бағир-бағри, бурун-буруни каби.

б) ўзак охиридаги к товуши г товушига айланади: этак-этаги, биллак-биллаги, юрак-юраги.

в) ўзак охиридаги қ товуши г товушига айланади: сўроқ-сўроғи, ўртоқ-ўртоғи, байроқ-байроғи ва ҳ.к

Бироқ айрим сўзларда бу ҳодиса кузатилмайди: идроки, иштироки, нарки, иштиёқи, уфқи, завқи, ҳуқуқи каби.

Айрим ҳолларда эгалик маъноси белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин: бизнинг ҳовли, бизнинг маҳалла каби.

III шахс эгалик кўшимчаси бирлик ва кўшлик учун бир хил

ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ

Отларнинг келишик қўшимчаларини олиб ўзгариши турланиш деб аталади. Келишик қўшимчалари турловчи қўшимчалар дейилади, улар сўз ўзгартувчи қўшимчалар турига киради. Ўзбек тилида отлардан таиқари олмошлар ва отлашган сўзлар ҳам турланиши мумкин. Отларда келишик категорияси ҳам доимий ҳисобланади.

Ўзбек тилида олтига келишик мавжуд:

Келишиклар	Қўшимчаси	Сўроғи	Синтактик вазифаси
1. Бош келишик	-	Ким? нима? қаер?	Эга
2. Қаратқич келишиги	-нинг	Кимнинг? ниманинг?	Аниқловчи
3. Тушум келишиги	-ни	Кимни? нимани? қаерни?	Воситасиз тўлдирувчи
4. Жуналиш келишиги	-га	Кимга? нимага? қаерга?	Воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли
5. Ўрин пайт келишиги	-да	Кимда? нимада? қаерда? қачон?	Воситали тўлдирувчи, ўрин, пайт ҳоллари
6. Чиқиб келишиги	-дан	Кимдан? нимадан? қаердан? қачондан?	Воситали тўлдирувчи, ўрин ҳоли, пайт ҳоли

Келишик қўшимчалари сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади.

Бош келишик бошқа келишиклар учун асос шакли ҳисобланади. Унинг махсус кўрсаткичи йўқ. Бош келишикдаги от ганда асосан эга вазифасини бажаради.

Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишикдаги отдан аниқланилган предметга қарашли эканлигини билдиради.

Қаратқич келишигидаги от доимо от билан боғланади: укамнинг дўсти, ноининг қадри, шунингдек, бу келишик отни отлашган сўзлар ва ҳаракат номига ҳам боғлаши мумкин: боламнинг ўқиши, бузоқнинг югургани каби.

Қаратқич келишиги икки шаклда — белгили ва белгисиз қўлланилади: шаҳарнинг кўчалари — шаҳар кўчалари. Қаратқич ва қаралмиш орасида бирор сўз келса, у албатта белгили қўлланилади: дарахтнинг балаид шохлари. Қаратқич ва қаралмиш орасида ҳеч қандай сўз келмаса, белгисиз қўлланиши ҳам мумкин: дарахт шохлари. Шунингдек, бадиий адабиётда қаратқич келишиги қўшимчаси баъзан қисқарган шаклда (Ким билмайди онасин қадри?) ёки -им тарзида қўлланиши мумкин: Ўзбекистон - ватаним маним!

Тушум келишиги оғдан анлашилган иш-ҳаракатни ўзига ол-
гашигини ифодалайди. У ҳар вақт от билан феълни боғлайди. Тушум
келишиги ҳам қаратқич келишиги каби белгили ва белгисиз, бадий
адабиётда эса қисқарган шаклда қўлланиши мумкин: китоб ўқидим -
китобни ўқидим, варақлаймиз ҳаёт дафтарин. Тушум келишиги-
даги от турдош от бўлса, у белгисиз қўлланиши мумкин: чой ичдим,
шеър ўқидим. Агар тушум келишигидаги сўз атоқли от бўлса, у албат-
та белгили қўлланилади: Топкентларни айланиб қайтдим. Карим-
ни учратдим каби.

Жўналиш келишиги иш-ҳаракат йўналган предметни аниқла-
ди. Жўналиш келишиги қўшимчаси ўзи қўшилаётган сўз охиридаги то-
вушга қараб -ка, -қа шаклларига эга бўлади: охири к ва г товуши билан
тулаган сўзларга -ка (бидакка, юракка, баркка) ва қ ҳамда к товуш-
лари билан битган сўзларга -қа шаклида (уфққа, ўроққа, боққа,
тоққа) қўшилади. Мумтоз адабиётда -га, -а, -на шакллари ҳам учрай-
ди: инсонга, одама, жамолина.

Жўналиш келишиги баъзан тушум, ўриш-пайт, чиқиш келишиклари
вазифасида ҳам келиши мумкин: Нима делдингиз, гапингизни (га) ту-
шунмадим. Бугун уйда (га) тўшланамиз. У бир сўз айтишдан (га) чўчир
эди.

Ўриш-пайт келишиги иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, пайти,
ҳолати, воситаси, мақсади каби маъноларни ифодалайди: Уйда (ўриш)
ҳеч ким йўқ эди. Қишлоққа тонгда (пайт) жўнадик. У куйинан ҳолда
(ҳолат) гапирарди. Пахтачи машинада (восита) тердик. Биз ўқини ния-
тида (мақсад) келганмиз. Ўриш-пайт келишиги қўшимчаси баъзан ту-
шум, жўналиш ва чиқиш келишиги қўшимчаси билан синонимик мупоса-
батга киришади: далами кезди — далада кезди; йилгилишга қатнашди —
йилгилишда қатнашди; радиодан гапирди — радиода гапирди сингари.

Чиқиш келишиги иш-ҳаракатнинг чиқиш нуқтасини ҳамда во-
сита, пайт, сабаб, қиссалаш, бутуннинг бир қисми маъноларини билдира-
ди: У ичкаридан (ҳаракатнинг чиқиш нуқтаси) югуриб чиқди. Бу
хабарни радиодан (восита), эшитдик. Биз болалиқдан (пайт) қалин
дўстмиз. Уялганидан (сабаб) қизариб кетди. Сиз аввалгидан (қиссалаш)
анча бардамсиз. У чойдан (бутуннинг бир қисми) хўшлади.

Мумтоз адабиётда чиқиш келишигининг -диш, -тин шакллари ҳам
учрайди: Инсонни тил айлади жудо ҳайвоңдин,

Билки, гуҳари шарифоқ йўқ ондин. (А) Навоий)

ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Отлар асосан икки усулда; морфологик ва синтактик усулларда ясалади.

Морфологик усулда от ясаш:

Қуйидаги қўшимчалар морфологик усулда от ясайди:

1. Шаҳс отини ясовчи қўшимчалар

-чи (ишчи, ўқитувчи), -кор (пахтакор, ғаллакор); -дон (синфдон, ватандон); -каш (меҳнаткаш, заҳматкаш); -шунос (тилшунос, ҳуқуқшунос); -бон (боғбон, нигоҳбон); -соз (соатсоз, аравасоз); -паз (ошпаз, сомсапаз); -дўз (этикдўз, ғиламдўз); хон (журналхон, китобхон) ва бошқалар.

2. Нарса-қурол отини ясовчи қўшимчалар.

-к (-ик, -ук)-қ (-уқ, -иқ) (элак, курак, кўрик, ютуқ, чақиріқ); -оқ (ўроқ, қочоқ, кучоқ); -ки, -ги, -қи, -ғи (суғурғи, чертки, кулғи, чоңқи, чалғи, чошғу); -кич, -ғич, -қич (ўчирғич, чизғич, кўреткич, тугкич); -м, -им, -ум (билим, кирим, тўшам, ўрам, ошам, упум); -ма (тортма, бостирма); -инди (қиринди, чиқинди), -илдоқ (шақилдоқ).

3. Ўрин-жой отини ясовчи қўшимчалар.

-лоқ, -лов, -зор, -истон (ўтлоқ, қумлоқ, яйлов, Ўзбекистон, гулистон)

4. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар.

-лик, чилик, -гарчилик (дўстлик, мустақиллик, мўлчилик, одамгарчилик); изм (реализм, дарвинизм).

Эркалаш ва кичрайтириш отлари

Отларда ясовчи қўшимчалардан ташқари эркалаш ва кичрайтириш отларини ҳосил қилувчи қўшимчалар ҳам мавжуд. Улар шакл ясовчи қўшимчалар турига мансуб:

-ча: китобча, қизча, юлдузча, уйча

-чак, -чоқ: келинчак, қўзичоқ, тойчоқ

-лоқ, -алоқ: бўғалоқ, қизалоқ

-гина (кина, -қина): болагина, қизгина, билаккина

-жоп, -хон, -бой (-вой): Каримжон, Салимажон, Далабой, Қўзивой

Синтактик усулда от ясаш

Синтактик усул билан қўшма ва жуфт отлар ҳосил қилинади.

Қўшма отлар

Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган ва бир предметни англатувчи отлар қўшма отлар ҳисобланади. Қўшма от-

лар таркиби бир сўз туркумидан ҳам, бир неча сўз туркумидан ҳам иборат бўлиши мумкин: кўзойнак, қўлқон каби сўзларнинг ҳар икки қисм ҳам отдан ташкил топган, учбурчак, бешариқ сўзлари сон ва отдан, уртўқмоқ сўзи эса феъл ва отдан таркиб топган.

Қўшма отлар қўшиб ва ажратиб ёзилади.

Қуйидаги қўшма отлар қўшиб ёзилади:

а) бир умумий тушунча, предметни ифодаловчи ва бир урғу билан айтиладиган қўшма отлар: тошбақа, отқулоқ, қўзиқорин ва ҳ.к;

в) иккинчи қисми сифатдошнинг -ар қўшимчаси билан тугаган қўшма отлар: ўринбосар, отбоқар, бешиктебратар, кунгабоқар, отчонар ва ҳ.к

в) иккинчи қисми турдош от бўлган географик номни билдирувчи қўшма отлар: Олтиариқ, Сирдарё, Қувасой, Куйганёр, Қўрғонтепа

Қуйидаги қўшма отлар ажратиб ёзилади:

а) иккинчи қисми с,ё,ю ҳарфлари билан бошланувчи қўшма отлар: эшак сми, ер ёнғоқ, қозон ювғич .

б) иккинчи қисми атоқли от бўлган географик номни билдирувчи қўшма отлар: Қуйи Чирчиқ, Жанубий Африка, Шимолий Кавказ

ЖУФТ ОТЛАР

Икки сўзнинг грамматик тенг бўлишидан ясалган ва бир умумий тушунчани ифодалайдиган отлар жуфт отлар дейилади. Жуфт отларнинг ҳар бир қисми алоҳида урғу билан айтилади, улар грамматик жиҳатдан тенг бўлади, қўшимчалар ҳаминша кейинги қисмга қўшилади: ота-оамиз, ака-укалар, она-сингилнинг

Жуфт отлар қуйидагича ҳосил бўлади:

а) бир-бирига яқин маъноли отлардан: ота-она, она-сингил, чол-камшир, қозон-товоқ

б) синоним сўзлардан: куч-қувват, меҳр-муҳаббат, бахт-саодат

в) антоним сўзлардан: кул-тун, дўст-душман

Жуфт отларнинг ҳар икки қисми ҳам мустақил ҳолда қўлланиши мумкин: чол-камшир, бой-камбағал, ўғил-қиз

Айрим жуфт отларнинг иккинчи қисми мустақил маънога эга бўлмаслиги ва ёлғиз ҳолда қўлланмаслиги мумкин: темир-терсак, кийим-кечак.

Айрим жуфт отларнинг иккала қисми ҳам мустақил маънога эга

бўлмаслиги ва ёлғиз ҳолда қўлланмаслиги мумкин: гала-говур, ивир-сивир.

Жуфт отлар чизиқча билан ёзилади. Агар улар орасида боғловчи вазифасидаги -у, -ю тоқламалари келса, улар орасида чизиқча қўлланмайди: кўю кўзи, меҳру муҳаббат, бахту саодат.

ҚИСҚАРТМА ОТЛАР

Нутқда ихчамликка эришни мақсадида айрим сўз бирикмалари қис-қартириб ишлатилади. Бу ҳодиса фақат отларга хос бўлиб, у тилшу-носликда аббревиатура деб аталади.

Қисқартма отлар қуйидагича ясалади:

а) бир бутун ҳолда қўлланадиган отларнинг биринчи товушлари-дан олинади: ХХР (Хитой Халқ Республикаси), БМТ (Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти), АҚШ (Америка Қўшма Штатлари), ГЭС (Гидро-электрстанция), ГФР (Германия Федератив Республикаси) ва ҳ.к.

б) биринчи сўзнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг эса биринчи товуши олинади: ТошМИ (Тошкент медицина институти), ЎзР (Ўзбеки-стон Республикаси), ФарДУ (Фарғона Давлат университети);

в) сўзларнинг бош қисмларидан тузилади: Тошунивермаг, Тош-трам, универсам;

г) бош қисм ва бутун сўздан тузилади: автопойга, телерадио-компания.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Сўзларни туркумларга аж-ратишда...

А) лугавий маънолари ҳисобга оли-нади.

В) фонетик хусусияти ҳисобга оли-нади.

С) лугавий маънолари ва морфоло-гик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Д) синтактик вазифалари ҳисобга олинади.

Е) С ва Д

2. Мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг фарқи тўғри кўрсатилган жавобни белгиланг?

А) мустақил сўзлар ҳам лугавий, ҳам грамматик маънога, ёрдамчи сўзлар эса фақат грамматик маънога эга бўлади

В) мустақил ва ёрдамчи сўзлар гап бўлаги вазифасида кела олади

С) мустақил сўзлар синтактик вазифа бажара олади, ёрдамчи сўзлар эса бажара олмайди.

D) мустақил сўзлар ёрдамчи сўзлардан фақат грамматик шакли билан фарқ қилади

E) A ва C жавоблари

3. Гап бўлаги вазифасида келадиган сўз туркумларини аниқланг.

A) от, сифат, кўмакчи, равиш, феъл

B) боғловчи, юклама, ундов ва тақлид сўзлар

C) от, сифат, сон, олмош, юклама

D) феъл, равиш, сон, олмош

E) кўмакчи, от, сифат, олмош, равиш

4. Қайси хусусият барча сўз туркумларига хос?

A) луғавий маънога эгалик

B) грамматик маънога эгалик

C) синтактик вазифа бажариш

D) ҳам луғавий, ҳам грамматик маънога эгалик, синтактик вазифа бажариш

E) Тўғри жавоб йўқ.

5. Қайси сўзлар луғавий маънога эга бўлади?

A) фақат мустақил сўзлар

B) мустақил ва ёрдамчи сўзлар

C) мустақил сўзлар, ундов ва тақлид сўзлар

D) тилдаги барча сўзлар

E) ундов ва тақлид сўзлар

6. Қайси хусусият барча сўз туркумларига хос эмас?

A) луғавий маънога эгалик

B) грамматик маънога эгалик

C) грамматик шаклга эгалик

D) грамматик вазифага эгалик

E) A ва B

7. От сўз туркумига хос грамматик кўрсаткичлар қайси қаторда тўғри берилган?

A) турланиш, даража, нисбат, тусланиш

B) бўлишлик, ўтимлилик, нисбат, замон

C) эгалик, турланиш, аниқ ва мавҳум, атоқли ва турдош

D) турланиш, тусланиш, санок, даража-миқдор, тартиб

E) яқка ва жамловчи, атоқли ва турдош, турланиш, майл

8. Фақат мавҳум отлар берилган қаторни аниқланг.

A) бино, осмон, ер, зилзила

B) илқилоб, байрам, ун, сув

C) нефть газ, тўнроқ, баҳор

D) севги, қувонч, бахт, овозлик

E) гўзаллик, муҳаббат, машина, шодлик, тўй

9. Жамловчи отлар берилган қаторни топинг.

A) дафтар, дарахт, уй

B) гуруҳ, аҳоли, армия

C) бола, қалам, китоб

D) гул, майса, дераза

E) чумоли, кийик, тўй

10. Кўшик қўшимчаси чама, тахмин маъноларини ифодалаган гапни топинг.

A) Олисдан кўзга чалинаётган тулхан шуълалари унга умид бағишлади.

В) Аямларнинг ишхонаси мактабимизнинг шундай ёрида жойлашган.

С) Оёқларим зирқираб оғрир эди.

Д) Ёзда Тошкентларни айланиб келдик.

Е) Тушлари бемор кўзига уйку илинмас эди.

11. Қайси қаторда кўплик маъноси қўшимчасиз ифодаланган?

А) Бир гала қуш ҳовли юзини тутган эди.

В) Дастурхонга қўйилган иссиқ нонлар кўзни қувонтиради.

С) Майдонга минглаб одам тўшланганди.

Д) Гул келтирдим сизга бир қучоқ.

Е) А, С, D.

12. Фақат бирликда қўлланилган отлар қаторини аниқланг.

А) журнал, газета, сув

В) нон, туз гул

С) дала, сут, китоб, газ

Д) ун, шакар, гуруч

Е) машина, дераза, копток

13. -лар қўшимчаси қайси гапда нарсанинг турини ифодаламоқда?

А) Далалар бўм-бўш.

В) Кўнгиллар яйрайди ҳур истиқлолдан.

С) Саъбат мени Тошкентларга олиб кетди.

Д) Кислоталар, тузлар химиянинг анорганик қисмида ўрганилади.

Е) Анвойи гуллардан гулдаста ясалдик.

14. III шахс бирликдаги эгалик қўшимчасини олган отларни кўрсатинг.

А) дўстим, онам

В) отаси, акаси

С) китобларингиз, уйшари

Д) ватанинг, юрти

Е) мутақиллигимиз, истиқлолимиз

15. Қайси қатордаги сўзга эгалик қўшимчаси қўшилганда, қтовуши е товушига айланмайди?

А) ўртоқ, байрам В) сўроқ, қаймоқ

С) завқ, иштиёқ Д) бармоқ, тирноқ

Е) қуймоқ, сўқмоқ

16. Қайси қатордаги сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, товуш тушини юз беради?

А) кўрик, шаҳар В) машина, майдон

С) бурун, оғиз Д) соч, қош

Е) китоб, дафтар

17. Нуқталар ўрнига қайси келишиқ қўшимчасини қўйиш мумкин?

Она-бола нонушта қилаётганлари... гузар тараф... Абдулла... овози келди.

А) жўналиш, ўрин-пайт, қаратқич

В) жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш

С) чиқиш, ўрин-пайт, қаратқич

Д) ўрин-пайт, чиқиш, қаратқич

Е) қаратқич, ўрин-пайт, чиқиш

18. Қайси сўз туркумлари турланади?

- A) фақат от
- B) от ва олмош
- C) от, олмош ва отланган сўзлар
- D) от, олмош, сон, сифат
- E) от, тақлид ва ундов сўзлар

19. Қайси гапда жўналиш келишиги ўрнида ўрин-пайт келишиги қўлланган?

- A) Баҳодир укаси билан уйда қолди.
- B) Ҳамма мактаб олдида тўшланди.
- C) Ҳаётда нималар кечмайди бондан.
- D) Ўзингда йўқ, оламда йўқ.
- E) Қишлоқда битта чойхона бор.

20. Жўналиш келишиги қўшимчаси ўрнида чиқиш келишиги қўшимчаси қўлланган гапни танинг.

- A) Бу ишлардан ҳали сизнинг хабарингиз йўқ.
- B) У уяланидан юзини четга бурди.
- C) Комила бошидан ўтганларни гапириб беришдан уялди.
- D) Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога.
- E) Бошдаги олмалардан териб чиқдик.

21. Келишик қўшимчаларининг вазифаси нимадан иборат?

- A) сўзларни бир-бирига боғлайди
- B) сўзларга маъно юклайди
- C) янги сўз ясайди

- D) сўз шаклини ўзгартиради
- E) сўзни таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади

22. Келишик қўшимчалари вазифасига кўра...

- A) сўз ясовчи қўшимча
- B) сўз ўзгартирувчи қўшимча
- C) шакл ясовчи қўшимча
- D) тусловчи қўшимча
- E) тўғри жавоб йўқ

23. Қаратқич келишиги...

- A) от билан феълни боғлайди
- B) барча сўз туркумларини бир-бирига боғлайди
- C) фақат от билан равишни боғлайди
- D) фақат от билан отни боғлайди
- E) от билан олмошни боғлайди

24. Қайси келишик фақат от билан феълни боғлайди?

- A) тушум келишиги
- B) қаратқич келишиги
- C) жўналиш келишиги
- D) чиқиш келишиги
- E) ўрин-пайт келишиги

25. Қайси келишиклар белгисиз қўлланиши мумкин?

- A) тушум ва ўрин-пайт келишиклари
- B) жўналиш ва чиқиш келишиклари
- C) қаратқич ва тушум келишиклари
- D) ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари
- E) бош ва қаратқич келишиклари

26. Турганинг билан боғлиқ то-

вуп ўзгариши бўладиган сўзлар қаторини кўрсатинг.

- А) мактаб, кўча
- В) этак, биллак
- С) чироқ, бўғалоқ
- Д) ишлов, имтиҳон
- Е) В ва С

27. Қуйидаги гапларнинг қайси бирида қаратқич келишигининг қисқарган шакли қўлланган?

- А) Варақлаймиз ҳаёт дафтарин.
- В) Инсон ҳаётин ҳар саҳифаси кашфиётга безанар шаксиз.
- С) Чалшар уриб туллаган боғин, Ўнар эдим ватан тупроғин.
- Д) Бахт созини чалганги келдик.
- Е) Яхши ошин сйди, ёмон бошини.

28. Қайси қатордаги гапта қарат-қич келишигини белгисиз қўллаш мумкин?

- А) Онанинг кўзларида ёш милтиллади.
- В) Мактабнинг катта ҳовлиси байрамдагидай безатилган эди.
- С) Дарахларнинг шохида қушлар сайрайди.
- Д) Абдулла Ориновнинг шеърляти янги бир олам.
- Е) А, С, Д

29. Қайси гапта жўналиш келишиги қўшимчаси ўрнида ўрин-пайт келишиги қўшимчасини қўллаш мумкин.

- А) У онасига бир кийимлик атлас совға қилди.
- В) Меҳмонларга ош сузилди.

С) Бугун мактаб ҳовлисига тўпшанамиз.

- Д) Инсонларга қанот бўл, болам.
- Е) Асрорқул яна чойхонага қайтди.

30. Жўналиш келишиги қўшимчаси ўрнида чиқиш келишиги қўшимчасини қўллаш мумкин бўлган гапни аниқланг.

- А) Лола кўнглидаги сирини айтишга чўчирди.
- В) Сора қишлоққа қайтишга аҳд қилди.
- С) Нодира акасига кўринмасликка ҳаракат қилиб юрди, бўлмади.
- Д) Сизга айтар гапим бор, синглим.
- Е) Эрталаб Тошкентга жўнаймиз.

31. Шахс отини ясовчи қўшимчалар берилган қаторни топинг.

- А) -гар, -кор, -к, -ак, -шунос, -паз
- В) -чи, -кор, -бон, -гар, -дўз
- С) -дор, -дош, -ли, -ла, -вачча, -боз
- Д) -хон, -гар, -паз, -дўз, -ма
- Е) -шунос, -хон, -дўз, -гич, -вачча

32. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар қаторини кўрсатинг.

- А) -к, -ак, -ги, -кич, -дор, -ма
- В) -дўз, паз, -шунос, -дўз, -кор
- С) -лик, -чилик, -гарчилик, -изм
- Д) -лоқ, зор, -истон, -хона
- Е) -каш, -дош, -паз, -зор

33. -лик мавҳум от ясовчи қўшимчаси қайси сўзлардан от ясай олмайди?

- А) отдан

- В) сифатдан
- С) сондан
- Д) равишдан
- Е) кўмакчи

34. Ясама отлар қаторини аниқланг.

- А) қаламқаш, ўрикзор, мактабга, ватаним
- В) синфдош, ошпичок, кўкламзор, бедапоя
- С) қаламча, китобхон, журналист, ба-ҳорда
- Д) укамга, онамиз, озодлик, хуррият
- Е) ясама от берилмаган.

35. Ўрин-жой отлари берилган қаторни кўрсатинг.

- А) ўрикзор, гулистон, тошпоқ, мевазор
- В) гулшан, боғдор, ўймакор, Ўзбекистон
- С) дўқондор, бостирма, торгма, ботлоқ
- Д) қумлоқ, ботқоқ, пистирма, кўклам
- Е) В ва Д жавоблари

36. Маънолари бир-бирига яқин бўлган сўзлардан ясалган жуфт отларни кўрсатинг.

- А) меҳр-муҳаббат, куч-қувват
- В) ота-она, бой-камбағал, чол-кампир
- С) она-сингил, қозон-товоқ, наст-ба-ланд
- Д) қўй-қўзи, оқ-қора, яхши-ёмон, ор-номус
- Е) ака-ука, ота-она, она-сингил

37. Қўшма отлар қаторини топинг.

- А) ватанпарвар
- В) пифобахш
- С) кунгабоқар
- Д) тезорар
- Е) С ва Д жавоблари

38. Қайси қатордаги қўшма отлар хато ёзилган?

- А) бедапоя, отқулоқ, кўзойнак
- В) фотоаппарат, киномеханик, топбақа
- С) от чопар, карнай гул, сада райхон
- Д) томорқа, бақатерак, калтакесак
- Е) сувилон, Топболта, Турсунпўлат

39. Яқинлик маъносини ифодаловчи қўшимчани кўрсатинг.

- А) -чи
- В) -кор
- С) -дош
- Д) -дор
- Е) -хон

40. Фёздан ясалган отлар қаторини кўрсатинг.

- А) китобхон, яхшилик, озодлик
- В) бостирма, сузма, чертки, безак
- С) омонлик, тўғрилик, гўзаллик,
- Д) қаламқаш, дардчил, кўнчилиқан,
- Е) пистазор, тошпоқ, гулистон.

41. Сифатдан ясалган отлар қайси қаторда берилган?

- А) бебаҳо, чиройли, озода, меҳрибон

В) хумдон, китобхон, қўрқоқ, помусли

С) гўзаллик, эзулик, яхшилик

Д) кўркам, сулув, барно, бебаҳо

Е) чидамли, ориятли, тотли, уятчан

42. Мураккаб отларнинг қайси бири икки хил сўз туркумидан ташкил топиши мумкин?

А) қўшма ва жуфт отлар

В) фақат қўшма отлар

С) фақат жуфт отлар

Д) жуфт ва такрор отлар

Е) қўшма, жуфт ва такрор отлар

43. Жуфт отлар қандай сўзлардан тузилиши мумкин?

А) маънолари яқин сўзлардан

В) синоним ва антоним сўзлардан

С) кўчма маъноли сўзлардан

Д) кўп маъноли сўзлардан

Е) А ва В

44. Қисқартма сўзлар ясаш қайси сўз туркумларига хос?

А) барча сўз туркумларига

В) от, сифат, феъл туркумларига

С) фақат отга

Д) фақат сифатга

Е) фақат феълга

45. Ҳар икки қисми мустақил ҳолда қўлланмайдиган жуфт отларни кўрсатинг.

А) чол-камшир, ота-она, ўғил-қиз

В) ака-ука, дўст-душман, кул-тун

С) ер-осмон, бахт-саодат, нон-туз

Д) чой-пой, кийим-кечак, ёш-яланг

Е) икир-чикир, гивир-сивир, васир-висир

46. Жуфт отларнинг қисмлари...

А) от ва отлардан ташкил топади.

В) феъл ва феъллардан ташкил топади.

С) сифат ва сифатлардан ташкил топади.

Д) равиш ва равишлардан ташкил топади.

Е) А, В, С, Д

47. Қисқартма отлар қандай тузилади?

А) ҳар бир сўзнинг бош ҳарфларидан

В) биринчи сўзнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг бош ҳарфларидан

С) ҳар бир сўзнинг бош қисмларидан

Д) биринчи сўзнинг бош ҳарфи, кейинги сўзларнинг бош қисмларидан

Е) А, В, С

48. Кичрайтириш отларини ясовчи қўшимчалар қўшилган сўзларни тошинг?

А) янгича, эскича

В) новча, ўзбекча

С) ўзича

Д) уйча, кўзача

Е) кўча, дўконча

49. Эркалаш отлари берилган қаторни кўрсатинг.

А) Барнохон, журналхон

В) Эркинхон, маймулхон

С) қизгина, шугина

Д) болагинам, онажоним

Е) Бозорбой, каттача

50. Отнинг синтактик вазифалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) эга ва кесим

В) барча гап бўлаклари

С) фақат эга, кесим ва тўлдирувчи

Д) фақат кесим, аниқловчи, ҳол

Е) фақат ҳол

СИФАТ

Нималарни билишигиз керак?

сифат предметларнинг қандай белгиларини билдиради?

сифат ва равишлар қайси жиҳатлари билан ўхшайдилар ва фарқ қиладилар?

сифат даражалари

озайтирма ва кучайтирма сифатлар

сифатларнинг отлашуви

Сифат предметнинг белгисини билдиради ва қандай? қанақа? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Сифатлар гапда асосан аниқловчи вазифасини бажаради. Олган тақдирда эса, от бажарган барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

Сифат равишга ўхшаб кетади, чунки равиш ҳам белгини билдиради, равиш ҳам даражага эга (оддий, орттирма, қийсий). Уларнинг фарқи шундаки, сифат предметнинг белгисини билдирса, равиш ҳаракатнинг белгисини билдиради баланд бино, (сифат) яёв кезмоқ (равиш). Баъзан сифатлар ҳам ҳаракатнинг белгисини англатиши мумкин: яхши ўқимоқ, чиройли ёзмоқ каби.

Сифатлар предметнинг қуйидаги белгиларини билдиради:

- ранг-тус (қизил, оқ, қора, қўнгир)

- маза- таъм (ширин, аччиқ, нордон);

- шакл - ҳажм (катта, кичик, юмалоқ, эгри)

- хил-хусусият (камтар, хушфеъл, ёлғончи, ростгўй, мақтанчоқ)

СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Предмет белгиларининг ортиқ-камлиги жиҳатидан фарқланиши сифат даражалари дейилади. Сифатларда уч хил даража мавжуд:

1. Оддий даража. Бир предметдаги белги бошқа предметдаги

айнан шу белгига қиёсланмаса, оддий даража ҳисобланади: қизил олма, яхши бола, катта бино.

2. Қиёсий даража. Бир предметдаги белгининг бошқа предметдаги айван шундай белгидан ортиқроқ ёки камроқлигини билдиради: яхшироқ, каттароқ, кичикроқ, ширинроқ.

Қиёсий даража асосан морфологик йўл билан, яъни -роқ қўшимчиси билан ҳосил қилинади.

3. Ортгирма даража предметдаги белгининг бошқа предметдаги айнан шу белгидан ортиқ эканлигини ифодалайди. Ортгирма даража ўзбек тилида асосан синтактик усул билан энг, жулда, ниҳоятда, гоаятда, ҳаммадан каби сўзлар воситасида ҳосил қилинади: энг катта, ниҳоятда сулув, гоаят мазали.

ОЗАЙТИРМА ВА КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР

Предметлардаги белги одатдагидан камлиги ёки ортиқлиги жиҳатидан ҳам фарқланади.

Белгининг меъёридан камлиги, озлигини ифодалаган сифатлар озойтирма сифатлар дейилади. Озойтирма сифатлар -мтир, -имтир, -ини қўшимчалари ҳамда ним, оч сўзлари ёрдамида ясалади: кўкимтир, қорамтир, кўкиш, сарғиш, ним пушти, оч яшил каби.

Кучайтирма сифатлар белгининг меъёридан ортиқлигини, кўпчилигини билдиради. Кучайтирма сифатлар морфологик йўл билан, (ям-яшил, кўм-кўк, қоп-қора) ҳамда лексик йўл билан анча, жиққа, гирт, тим каби сўзлар воситасида (анча озғин, жиққа ҳўл, тим кўк) шупингдек, фонетик йўл билан (балаанд, харооб, каатта) ҳосил қилинади, фонетик усул фақат оғзаки нутққагина хос, ёзувда улар ифодаланмайди.

СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Қуйидаги қўшимчалар морфологик усулда сифат ясайди:

а) отдан сифат ясовчи қўшимчалар: -ли (мазали, ақли), -сиз (дардсиз, тузсиз), -чан (кўнгилчан, ишчан), -чил (дардчил, эпчил), -симон (шишасимон, тухумсимон), бе-, ба-, сер-, бо-, по- (бемаъни, бамаъни, серсавлат, беодоб, ноўрин);

б) феълдан сифат ясовчи қўшимчалар: -к, -ик, -ук, -уқ (илиқ, чанқоқ, тиниқ, порлоқ, етик, юмуқ, сузук, бузук), -қоқ, -гоқ (уришқоқ, тиришқоқ, тойгоқ, ботқоқ), -ғин, -ғун (озғин, сўлғин, уйғун, юлғун), -кир, -ғир, -қур, -кир, -ғир (кескир, олғир, учқур,

топқир, сезгир), -ма (ёзма, бурама, айланма);

в) тақлид сўздан сифат ясовчи кўшимча: -илдоқ (дўрилдоқ, чийилдоқ, ликилдоқ).

Синтактик йўл билан кўшма ва жуфт сифатлар ясалади.

Кўшма сифатлар қуйидагича ясалади:

а) от ва отдан (бодом қовоқ, кўй кўз, ҳаво ранг). Бундай кўшма сифатлар ажратиб ёзилади.

б) от ва сифат ёки сифат ва отдан (совуққон, хупмуомала, қимматбаҳо, муштумзўр, софдил, олижаноб).

в) от ва -ар кўшимчали сифатдонг ва аро сўзлари ёрдамида (эрксевар, халқаро):

г) сифат ва сифатдан (олачинор, қорақизил).

Жуфт сифатлар предметнинг бир умумий белгисини ифодалайди ва икки сифатнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлади: оқ-қора, аччиқ-чучук, қинғир-қийшиқ. Жуфт сифатлар синоним сўزلардан (оч-ялағоч, эгри-бугри, қинғир-қийшиқ) ва антоним сўزلардан (аччиқ-чучук, оқ-қора, катта-кичик) ясалади.

СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

Одатда сифатловчи сифатланмиш билан бирга қўлланилади. Катта бола бирикмасида катта сифатловчи бўлса, бола сифатланмиш ҳисобланади. Агар сифатланмиш гапта қўлланилмаса, унинг вазифаси сифатловчига ўтади: катта болалар-катталар, яхши одамлар-яхшилар.

Сифатлар отлашса, отга хос барча хусусиятларга эга бўлади: отга хос ҳамма синтактик вазифаларда кела олади, отга хос эгалик, келишиқ, кўшлиқ кўшимчаларини қабул қила олади: Яхшилар кўнайсин гагида яхшилар — эга, кўшлиқда ёки Яхшининг юзи жаннатдур гагида яхшининг — қаратқич аниқловчи, қаратқич келишигида.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲҚАМЛАНГ

1. Фақат предметнинг хил-хусусиятини билдирган сифатлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) мукаммал, хушфеъл, тўғри, қинғир

В) катта, йирик, буюк, улкан, тигант

С) сулув, чиройли, гўзал, барно, ён

Д) камтар, сахий, хушхулқ, олижаноб

Е) бебаҳо, жасур, кўрқоқ, ширин

2. Сифат туркумига оид сўзлар қаторини аниқланг.

- A) тузоқ, тароқ, қўрқоқ, синиқ
- B) тарқоқ, тиниқ, синиқ, бузуқ
- C) курак, тувак, элак, суяк
- D) меҳрибон, вафодор, толь
- E) бемаврид, беқадр, пиллакор

3. Садоқатли, маршарча, йиғ-лоқи сўзлари қайси туркумга хос.

- A) сифат
- B) сифат, от
- C) равиш, от
- D) сифат, равиш
- E) фақат равиш

4. Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку...

Сифатни тошинг.

- A) муҳаббатнинг
- B) саройи
- C) кенг
- D) билмай
- E) йўлни

5. Сифатлар гапта асосан қайси гап бўлаги вазифасида келиши мумкин.

- A) эга
- B) кесим
- C) тўлдирувчи
- D) аниқловчи
- E) ҳол

6. Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон...

Ушбу гаптаги кесим бўлиб келган сифатларни тошинг.

- A) яхшидир, ёмон

B) яхшидир, аччиқ, ёмон

C) яхшидир

D) ёмон

E) Ушбу гапта сифатлар кесим вазифасида келган эмас.

7. Оддий даражадаги сифатни аниқланг.

- A) хушфезл, гўзал, ошпоқ
- B) кўркам, сулув, барпо, очиқ
- C) кўм-кўк, ям-яшил, сап-сарик
- D) кагтароқ, пиринроқ, гўзалроқ
- E) ғирт жинпи, жиққа ҳўл, оч яшил

8. Ортгирма даражадаги сифат қайси қаторда берилган.

- A) бебаҳо, сўлгин, энг кўркам
- B) яп-янги, ошпоқ, кўкимтир
- C) энг гўзал, ғоятда чиройли
- D) сарғимтир, кўкиш, ям-яшил
- E) қизғимтир, сап-сарик

9. Қайси қаторда оғайтирма сифатлар берилган?

- A) ғоят позик, жуда баланд, энг гўзал
- B) ним пушти, оч кўк, сарғимтир
- C) тин-тиниқ, юм-юмалоқ, сап-сарик
- D) жиққа ҳўл, ғирт дапгаса, ҳаммадан кучли
- E) Оғайтирма сифат берилмаган.

10. Кучайтирма сифат берилган қаторни тошинг.

- A) қорамтир, қизғин, сарғин
- B) қоп-қора, кўм-кўк, тим-қора
- C) ниҳоятда гўзал, ақшироқ
- D) ним пушти, оч сарик, дум-думалоқ

Е) ғоят гүзал, ниҳоятда балаңд, катта

11. Морфологик усул билан ясалган сифатлар қаторини топинг.

- А) кўм-кўк, ям-яшил, сап-сариқ
- В) жиққа ҳўл, тим қора, ғоят ақлли
- С) тилиқ, қўрқоқ, буюк, қудратли
- Д) кўркам, очкўз, сахий, бахтли
- Е) ақлли, шишасимон, чанқоқ

12. Феълдан ясалган сифатлар қайси қаторда берилган.

- А) сезгир, учқур, тонқир, туйғун
- В) тухумсимоң, ақлли, чиройли
- С) бадавлат, серсув, боодоб
- Д) порлюқ, ботқоқ, бўталоқ
- Е) А ва Д

13. Отдан ясалган сифатларни топинг.

- А) дардсиз, уришқоқ, куюнчак
- В) одобли, юмуқ, басавлат, чиройли
- С) номаълум, сўлғин, туйғун
- Д) тузсиз, мазали, бадавлат, ақлли
- Е) Отдан ясалган сифат берилмаган.

14. Қайси қўшма сифатлар ажратиб ёзилади?

- А) от ва сифатдан ясалган қўшма сифатлар
- В) от ва отдан ясалган қўшма сифатлар
- С) сифат ва отдан ясалган қўшма сифатлар
- Д) иккинчи қисми -ар қўшимчали сўз бўлган қўшма сифатлар
- Е) иккинчи қисми -аро сўзи бўлган қўшма сифатлар

15. Хато ёзилган жуфт сифатларни топинг.

- А) каттаю-кичик
- В) аччиқ-чучук
- С) балаңд-наст
- Д) яхши-ёмоң
- Е) тўкин-сочин

16. Феълдан сифат ясовчи қўшимчалар берилган қаторни топинг.

- А) -ма, -қоқ, -ғоқ, -гир, -гин
- В) -қ, -иқ, -уқ, -кир, -қур
- С) ба-, бо-, сер-, но-
- Д) -ли, -сиз, -симоң, -чан
- Е) А ва В

17. Халқнаравар, ҳаётбахш сифатлари тузилишига кўра қандай номланади?

- А) солда
- В) қўшма
- С) туб
- Д) ясама
- Е) писбий

18. Сифат+от кўринишидаги қўшма сифатни топинг.

- А) камқувват
- В) ҳозиржавоб
- С) хушфеъл
- Д) бодомқовоқ
- Е) ҳаворанг

19. Равиш+феъл бирикувидан ташкил топган қўшма сифатни топинг.

- А) отчопар
- В) тезюрар
- С) молбоқар

- D) кунгабоқар
E) кўй кўз

20. От ва отдан ясалган кўшма сифатлар қандай ёзилади?

- A) ажратиб
B) кўшиб
C) чизиқча билан
D) -у, -ю, юкламаси билан боғланса кўшиб
E) Тўғри жавоб йўқ.

21. Қайси қатордаги кўшма сифатлар нотўғри ёзилган?

- A) совуққон, камгап, сержаҳл
B) кўнимиллатли, софдил, шерюрак
C) тивчлик севар, олижаноб, муштум зўр
D) тошбағир, яланг оёқ, эрксевар
E) тўқ қизил, оч пушти, тим қора

22. Отланган сифатлар қандай кўшимчани қабул қилмайди?

- A) кўшлик
B) эгалик
C) келишпик
D) сўз ясовчи
E) Барча кўшимчаларни қабул қилади.

23. Отланган сифат қатнашган гаини тонинг.

- A) Буюк инсонлар минг йиллар ўтгач ҳам яшайверадилар.
B) Улуғлар қаторида бўлсанг, ўзингни бошқача сезаркансан.
C) Менга ўша Омонимни кўй,
Менга ўша ёмонимни кўй.
D) Дардан одамлар сафида бўл, болам.

- E) В ва С

24. Қайси гадаги сифат отланмаган?

- A) Ёмоннинг яхниси бўлгунча, яхнининг ёмони бўл.
B) Улуғлар сўзига қулоқ сол.
C) Гўзал инсонларнинг гашири гўзал бўлиши керак.
D) Гўзаллик қора кўзларда эмас.
E) С ва D

25. Қайси гадаги сифат отлашиши мумкин?

- A) Азиз асримизнинг азиз ошлари Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
B) Муҳаббат ул эски нарса, аммо ҳар бир юракни ёнгорта.
C) Улуғ одамлар асрлар оша яшайверадилар.
D) Сен барибир муқаддасан, аёл!
E) А ва С

26. Сифатнинг ортгирма ва озайтirma даражалари қандай воситалар ёрдамида ҳосил қилинади?

- A) фақат морфологик восита ёрдамида
B) морфологик ва лексик восита ёрдамида
C) фонетик восита ёрдамида
D) семантик восита ёрдамида
A) B, C, D

27. Саватдаги олмалар қипқизил, жуда ширин эди.

- Ушбу гадаги сифатлар даражаси ва уларни ҳосил қилган воситаларни аниқланг.

- А) озайтирма даража, морфологик ва лексик восита
- В) орттирма даража, морфологик ва лексик восита
- С) озайтирма даража, фонетик ва лексик восита
- Д) орттирма даража, фонетик ва лексик восита
- Е) орттирма даража, лексик восита

СОН

Нималарни билишингиз керак?

- сон ва унинг грамматик хусусиятлари
- соннинг маъно жиҳатидан турлари
- соннинг отлашуви
- ҳисоб сўзлар

Предметнинг миқдори, саноги, тартибининг ва соннинг номини ифодалайдиган сўзлар сон деб аталади. Сонлар қанча? неча? нечанчи? сўроқларидан бирига жавоб бўлади ва гапда барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

Сон асосан отга боғланади. Сон бошқа сўз туркумларидан ясалмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланиладиган 23 та губ сонлар мавжуд:

бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард, триллион.

Сонлар сўз ва рақамлар билан ифодаланади. Рақамлар икки хил: араб 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 (ҳозир биз кўп қўллаётган рақамлар) ва рим рақамлари (I, II, III, IV, V, X).

Барча сонлар орасида БИР сони алоҳида грамматик хусусиятлари билан ажралиб туради. У қуйидаги маъноларни ифодалашни мумкин:

а) гумон, ноаниқлик маъносини (Ташқарида сизни бир киши кутиб турибди);

б) маънони кучайтириш учун хизмат қилади (Бир ваҳима қиласизки, жон-поним чиқиб кетай деди-я);

в) маънони таъкидлаш учун хизмат қилади (Бугун бир қор ёғди, бир қор ёғди.)

г) айирув юкламаси ўрнида келади: (Йиғилиш а бир сен қатнашма-динг.)

д) айирув боғловчиси ўрнида келади: (Бир шамол эсади, бир ёмғир ёғади.)

е) такрор ҳолда қўлланиб, иш-ҳаракатнинг қайтарзда бажарилиши-ни билдиради: (Хоналарни бир-бир кўздан кечирди.)

ж) гумон олмоши маъносини билдиради: (Бир хил талабалар вази-фани бажармай келади.)

СОШНИНГ ТУРЛАРИ

Сошлар маъносига кўра аввал икки турга бўлинади:

I. Санок (миқдор) сошлар.

II. Тартиб сошлар.

Санок сошларнинг ўзи қуйидаги турларга бўлинади:

1) Дона сошлар. Бир турдаги предметларнинг доналаб саналади-ган умумий миқдорини англатади. Дона сошлар -та қўшимчаси орқали ҳосил қилинади: ўнта дафтар, бешта китоб.

Изоҳ: кишиларга нисбатан одатда -та қўшимчаси қўлланилмайди; унинг ўрнига нафар сўзи ишлатилади: ўн нафар бола.

2. Чама сошлар. Предметнинг тахминий миқдорини англатади. У шундай ясалади: а) -тача, -ларча, -лаб, -лар қўшимчалари ёрдами-да (ўнтача бола, юзларча киши, минглаб одам); б) икки сонли ёнма-ён келтириш билан (мен келганимда, соат уч-тўрт эди).

3. Жамловчи сошлар. Предмет миқдорини бирлаштириш, жам-лаш каби маъноларни ифодалайди ва -ов, -овлон, -ала қўшимчалари билан ҳосил қилинади (бешов, бешовлон, учала). Бу қўшимчалар уш-товуш билан тугаган сошларга қўшилганда, негиздаги охириги ушги ту-шиб қолади (икков, еттов, олтов, иккала).

4. Тақсим сошлар. Предметларнинг тақсимланиш миқдорини билдиради ва -тадан қўшимчаси орқали ҳосил қилинади (Кампир бола-ларга учтадан олма берди).

5. Каср сошлар. Бутуннинг бўлагини, улушини англатади. Каср сошлар икки соннинг чиқиш келишиги шакли орқали бирикишидан (ўндан бир, учдан икки) ҳосил бўлади. Ярим, чорак, нимчорак сўзлари ҳам каср сонли англатади.

6. Аралаш сошлар. Бутун ва каср соннинг қўшилишидан ҳосил бўлади: уч ярим, бир бутун ўндан беш каби.

II. Тартиб сошлар. Предметнинг жойлашиш тартибини, санок-даги ўрнини билдиради. Улар негизга -нчи, -инчи қўшимчаларини қў-

пиш орқали ҳосил қилинади. (биринчи синф, иккинчи қават). Тартиб сонлар рақам орқали ифодаланса, қўшимчалар ўрнига чизиқча (дефис) қўйилади 1-синф, 2-қават каби. Йил, ой, кунлар тартиб рақами билан ифодаланганда (1999 йил, 12 октябр), чизиқча қўйилмайди. Рим рақамидан сўнг ҳам чизиқча ишлатилмайди (XXI аср, X том), Тартиб сонлардан сўнг нуқта қўйилса, ундан кейинги сўз бош ҳарф билан ёзилади (1. Боб 3. Таъкилий масала), агар ярим қавс қўйилса, кичик ҳарф билан ёзилади ва охирига нуқтали вергул қўйилади (1) меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик);

СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

Сонлар ҳам сифат каби отлашиши мумкин. Улар отлашган тақдирда отга ҳос барча хусусиятларга эга бўлади: отга ҳос барча синтактик вазифаларни бажаради, отга ҳос эғалик, келишик, кўшик қўшимчаларини қабул қилади. Масалан, учови (-и), учовлари (-лар) учовига (-га). Улар анча гаплашиб олишгач, бири қишлоқ томонга, иккинчиси шаҳарга қараб кетди.

Сонлар асосан аниқловчи вазифасини бажаради, отланган тақдирда эса отга ҳос бошқа бўлақлар вазифасида келиши ҳам мумкин.

ҲИСОБ СЎЗЛАР (НУМЕРАТИВЛАР)

Баъзан сон билан от орасида махсус санок сўзлар (нумеративлар) қўлланилади: бир боғ ниёз, бир қучоқ гул, ўн кино ун, юз километр йўл, ўн метр чит, бир хўшам чой, бир товоқ ош, бир қадам йўл ва ҳ.к.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Қайси атама сонга ҳос эмас?

- A) ясама
- B) қўшма
- C) жуфт
- D) тартиб
- E) санок

2. Сонларни қайси сўз туркумларидан ясаш мумкин?

- A) фақат сонлардан
- B) от ва сифатдан

- C) феъдан
- D) ҳаракат номидан
- E) сонлар ясалмайди

3. Қайси гапда араб рақамлари ишлатилган?

- A) Маҳмуд Қошғарий XI асрда яшаган.
- B) Сен бировга бирни берсанг, бошқа сенга мингни беради.
- C) 1999 йил аёллар йили деб эълон қилинди.

Д) Иккинчи қаватга кўтарилсангиз, бизникига чиққан бўласиз.

Е) Араб рақамлари қўлланмаган.

4. Сонларга хос атамалар қайси жавобда тўғри берилган?

А) эгалик, келишдик, сон, турланиш

В) тусланиш, замон, нисбат, майл

С) сон, атоқли, турдон, даража

Д) санок, чама, тартиб, дона сонлар

Е) сонларга хос атамалар йўқ

5. Сонлар гапда кўпроқ қайси гап бўлаги бўлиб келиши мумкин?

А) аниқловчи

В) ундалма

С) фақат кесим

Д) фақат тўлдирувчи

Е) фақат ҳол

6. Қайси гапда сон кесим бўлиб келган?

А) Ўзи битта, қулоғи тўртта.

В) Биринчи синф ўқувчилари кириб келишди.

С) Биз иккинчи қаватда яшаймиз.

Д) Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарайлик.

Е) Мингларча одамлар тўпланган эди.

7. -ов, -ала қўшимчалари қўшилса, қайси сонлар ўзагидаги товуш тушади?

А) бир, икки

В) уч, тўрт

С) икки, етти

Д) беш, олти

Е) ўн, йигирма

8. Дона сонлар берилган қаторни тоянг?

А) Ҳовлида юзларча одам тўпланган эди.

В) Юзта сизу биздан битта жизу биз яхши.

С) Укам бу йил ўн биринчиси битиради.

Д) Икковимиз бир бўлиб, ишга киришдик.

Е) Битта-биттадан кириг.

9. Жамловчи сонларни ҳосил қилувчи қўшимчалар қайси жавобда тўғри берилган?

А) -та, тадан, -ала

В) -ов, -нчи, -инчи

С) -тача, -ларча, -лар

Д) -та, -овлон, -ала

Е) -ов, -ала, -овлон

10. Чама сонлар берилган гап қайси жавобда?

А) XI асрда яшаб ўтган буюк тилишунос олим Абулқосим Замаҳшарий араб тилига оид элликдан ортиқ асар ёзди.

В) Йигилишга юз нафар одам тўланди

С) Бирга-бирга сайр этайлик.

Д) Икковининг мақсади битта эди.

Е) Чама сон берилмаган.

11. Қайси қаторда тақсим сон ҳосил қилувчи қўшимча берилган?

А) -ов, -ала

В) -та

С) овлон, -ала

Д) -тача, -ларча

Е) -тадан

12. Чама сон қўлланган гаини кўрсатинг?

- А) Орадан минг-минг йиллар ўтса ҳамки, буюклар яшайверади.
- В) Уч-тўрт киши бир бўлсангиз, битта шафтолига кучингиз етмайди.
- С) Ҳовлида биров юрибди.
- Д) Олговлон бир бўлиб, шерга ҳамла қилишибди.
- Е) А ва В

13. Қайси қатордаги гаинда тартиб сон берилган?

- А) Учинчи куни Норбой ҳам қайтиб келди.
- В) Учта хотин бир бўлиб қолса, бозор бошланади
- С) Вақт анчага борган, тўйда бешолтига кишигина қолди.
- Д) Уларнинг бешови ҳам тенга теб-ранмаслардан эди.
- Е) Тартиб сон берилмаган.

14. Сонларнинг маъносига кўра турларини ҳосил қилувчи қўшимчалар қандай номланади?

- А) сўз ясовчи қўшимчалар
- В) шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар
- С) сўз ўзгарувчи қўшимчалар
- Д) боғловчи қўшимчалар
- Е) нисбат қўшимчалари

15. Қайси қатордаги сонларнинг ёзилишида хато мавжуд?
А) 20-йиллар адабиётида А. Қодирийнинг ўрни катта.

В) 1989-йилнинг 21-октябрида ўзбек тилига “Давлат тили” мақоми берилди.

- С) “Қисаси Рабғузий” асари 72 боб.
- Д) Биз мана шу уйнинг 10-қаватида яшаймиз.
- Е) А ва В

16. Қайси қатордаги сон отлашган.

- А) У биринчи қаторда савлат тўкиб ўтирибди.
- В) Ҳакимбек биринчилар қатори етиб келди.
- С) Йигирма олтинчи отилмасин!
- Д) А, В, С
- Е) В, С

17. Бутушнинг улушини билдирувчи сонлар...

- А) тартиб сон
- В) санок сон
- С) каср сон
- Д) тақсим сон
- Е) жамловчи сон

18. Саксон, тўқсон сонлари тарихан қандай шаклланган?

- А) бир сондан
- В) икки сондан
- С) фақат саксон бир сондан
- Д) фақат тўқсон икки сондан
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

19. Отлашмаган сон берилган қаторни аниқланг:

- А) Бири малай, бири нонга зор.
- В) Учови тўнланса, гийбат бошланади.
- С) Тўртинчи, жавоб қайтаринг.

- D) Иккиси бирга ўқийди.
E) Барча жавобларда отлашган.

20. Қайси гапта бир сони ноаниқликни ифодалаган?

- A) Бошимга бир оғриқ кирдики...
B) Бир киши ариқ қазийди, минг киши сувини ичади.
C) Сизга бир дунё саволларим бор.
D) Сизни бир киши сўраб келган эди.
E) Бир оғиз совуқ сўз одамни ўлдириши мумкин.

21. Каклигим бир сайради, бир сайради-ей...

Ушбу гапта бир сўзи қапдай маънони ифодалаяпти?

- A) миқдорни
B) тартибни
C) бутуннинг улушини
D) ноаниқликни
E) маънони кучайтирган

ОЛМОШ

Нималарни билишингиз керак?

- олмош ва унинг гаптаги синтактик вазифаси;
- олмошнинг турлари.

От, сифат, сон ўрнида қўлланувчи сўзлар олмош деб аталади. Комила одобли қиз. У биз билан ўқийди. Бундай қизлар синфимизда кўп. Иккинчи гаптаги у сўзи биринчи гаптаги от — Комила ўрнида қўлланилган, учинчи гаптаги бундай сўзи эса биринчи гаптаги сифат — одобли ўрнида ишлатилган. Синфимизда ўттиз нафар ўқувчи ўқийди. Собирларнинг синфида ҳам шунча бола бор. Иккинчи гаптаги шунча олмоши эса биринчи гаптаги сон — ўттизга ўрнида қўлланилган.

Олмошлар гапта отга хос барча синтактик вазифаларни бажариши мумкин. Олмошлар ҳам сон каби бопқа сўз туркумларидан ясалмайди.

ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНОСИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Ўзбек тилида олмошларнинг етти тури мавжуд.

Кишилик олмоши. Шахсни кўрсатувчи олмошлар кишилик олмошлари дейилади. Кишилик олмошлари нутқдаги сўзловчани (мен, биз), тип-ловчини (сен, сиз), ўзга шахсларни (у, улар) билдирувчи сўзлардан иборатдир.

Биринчи шахс — мен олмоши ўрнида баъзан (бадий услубда) камина мумтоз адабиётда эса фақир, бапта сўзлари қўлланилади.

Мен, сен олмошлари қаратқич ва тушум келишиги билан турланганда, битта н тушиб қолади: менинг, сенинг, мени, сени.

Кишилик олмошларининг биринчи ва иккинчи шахслари инсонга нисбатан қўлланилади, III шахс эса барча предметларга нисбатан ҳам қўлланилавериши мумкин: У (китоб) анча мазмушли эди.

Кўрсатиш олмоши. Предметларни кўрсатиш учун хизмат қиладди: бу, шу, у, ўша, ана, мана, ушбу (мумтоз адабиётда бул, ул, шул шаклида учрайди). Кўрсатиш олмошлари жўналиш, ўрин-пайт, чиқин келишиклари билан турланганда, битта н товуши орттирилади: унга, ундан, унда.

Сўроқ олмошлари. Предмет, белги, миқдор ҳақида ҳамда предметнинг кимга, нимага қарашли эканлиги ҳақида сўроқни англатувчи олмошлар сўроқ олмошлари ҳисобланади: ким, нима? предмет ҳақида, қандай, қанақа, не? белги ҳақида, қанча? неча? олмошлари эса миқдор ҳақидаги сўроқни англатади.

Олмошнинг гаптаги вазифаси, синтактик вазифаси, унинг турлари, унинг маъносига кўра турлари.

Сўроқ олмошлари ёрдамида сўроқ гаплар тузилади: Ким сизни ранжитди?

Белгилаш олмоши. Предмет ёки унинг бирор белгисини жамлаш, ажратиш орқали умумлаштириб кўрсатувчи олмошлар белгилаш олмоши деб аталади. Белгилаш олмошлари:

а) предмет ёки белгини бутун сифатида жамлаб, тўдалаб белгилайди: ҳамма, бари, барча, бутун, жами, ялпи;

б) тўданинг, жамликнинг бир қисмини белгилайди: баъзи, айрим;

в) умумни яқка орқали белгилайди? ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар бир.

Белгилаш олмошлари асосан сўроқ олмошига ҳар сўзини қўниш орқали ҳосил қилинади.

Бўлишсизлик олмошлари. Бўлишсизлик олмошлари инкор, мутлақо мавжуд эмаслик маъносини ифодалайди, улар сўроқ олмошига ҳеч сўзини қўниш орқали ҳосил қилинади: ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч бир, ҳеч нарса.

Гумон олмошлари. Аслида мавжуд бўлган, ammo номаълум бўлган нарса, белгини аниқлашчи олмошлардир. Гумон олмошлари:

а) сўроқ олмошига алла сўзини қўниш орқали ҳосил қилинади: аллаким, алланима;

б) сўроқ олмошига -дир қўшимчасини қўниш орқали ҳосил қилинади: кимдир, нимадир, қайсидир;

в) бир, қайси, баъзи, айрим, бироқ, биров, бирор сўзлари ҳам гумон маъносини аниқлатади.

Олмошлар яқка ҳолда (мен, сен, у, ким), жуфт (у-бу, сиз-биз, мен-сен) ва такрор ҳолда ишлатилиши мумкин (шу-шу, ким-ким, нима-нима). Демак, кишилик ва кўрсатиш олмошлари жуфт ҳолда қўлланилиши мумкин экан.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Қайси ҳукм (фикр) хато?

А) От, сифат, сон ўрнида қўлланувчи ва отга хос бўлган барча грамматик хусусиятларга эга бўлган сўзлар олмошдир.

В) Айрим сўз туркумларидан морфологик ёки синтактик йўл билан ясаллиши мумкин.

С) Олмошлар ясовчи қўшимчалар-

ни қабул қилиб, феълга айланиши мумкин.

Д) Олмошлар алоҳида луғавий маънони ифодаламайди.

Е) А, С, D жавоблар хато.

2. Олмош гапта...

А) фақат эга ва кесим вазифасида келиши мумкин.

- В) ушдалма вазифасида келиши мумкин.
 С) фақат иккинчи даражали бўлақлар вазифасида келиши мумкин.
 Д) барча гап бўлақлари вазифасида келиши мумкин.
 Е) кириш сўз вазифасида келиши мумкин.

3. Олмошлар гапта...

- А) от туркумига хос бўлган эгалик ёки келишиқ қўшимчаларини қабул қилиши мумкин.
 В) сифатга хос даража қўшимчаларини олиши мумкин.
 С) сонга хос -та, -тача, -ларча қўшимчаларини олиши мумкин.
 Д) феълга хос тусловчи қўшимчаларини олиши мумкин.
 Е) Барча жавоблар нотўғри.

4. Бизнинг уйимиз тўрт хонали. Сизники ҳам шунчами?

Ушбу гаптаги шунчами олмоши қайси сўз туркуми ўрнида қўлланилган?

- А) от
 В) сифат
 С) сон
 Д) феъл
 Е) равиш

5. Келажакни яратувчи сизларсиз.

Ушбу гаптаги олмошнинг синтактик вазифаси қайси қаторда тўғри берилган?

- А) эга
 В) кесим
 С) тўлдирувчи

- Д) аниқловчи
 Е) ҳол

6. Олмошлар қайси ҳолатда сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилиши мумкин?

- А) от ўрнида қўлланилганда
 В) сифат ўрнида қўлланилганда
 С) сон ўрнида қўлланилганда
 Д) от ва сифат ўрнида қўлланилганда
 Е) сўз ўзгартувчи қўшимчаларни умуман қабул қилмайди.

7. Содда кишилик олмошлари қайси қатордаги гапта мавжуд?

- А) Юзга сизу биздан битга жизу биз яҳши.
 В) Булар сиз эккан дарахтлар
 С) Кимда савол бор?
 Д) Салимахон шу-шу қишлоққа қайт-мади.
 Е) Ўзингиз ким бўласиз, қасрда япайсиз?

8. Қайси олмошлар қаратқич ва тушум келишиклари билан турланганда, битта н товуши тушиб қолади

- А) кўрсатиш
 В) ўлик
 С) белгилаш
 Д) бўлишсизлик
 Е) кишилик

9. Қайси олмошлар жўналиш, ўрин-найт, чиқиш келишиги билан турланганда, н товуши қўшилади?

- А) кўрсатиш
- В) ўзлик
- С) белгилаш
- Д) бўлишсизлик
- Е) кишилик

10. Қайси олмош турланганда, эгалик қўшимчасининг қўлланиши шарт?

- А) ўзлик олмоши
- В) кишилик олмоши
- С) кўрсатиш олмоши
- Е) гумон олмоши
- Д) белгилаш олмоши

11. Қайси олмошлар жамлаш, умумлаштириш маъноларини ифодалайди?

- А) кимдир, нимадир, биров, аллаким
- В) ҳамма, бари, барча, бутун, яши
- С) ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қайси
- Д) ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир
- Е) мен, сен, у, сиз, биз

12. Қайси гада биринчи шахс бирлик маъноси ифодаланган?

- А) Алда мени, алдагани ўзим яхши.
- В) Бировнинг айбини бировга эмас, ўзига айт.
- С) Камина маслаҳатингизга мухтожман.
- Д) Сиз, қадрдошларни сарафроз эгали келдик.
- Е) А, С, D

13. Қайси олмош II шахс маъносини ифодалаган?

- А) Бу чўлларни улар ўзлари обод қилишган.

В) Ўзларини соя-салқинга олибдилар-да.

С) Фақир ўша кунлар Ҳиротда эдим.

Д) Фақат ўзим балогардонинг бўлай, онажон!

Е) А ва D

14. Ҳолинг не кечди деб сўрамадингиз ҳам.

Ушбу гада олмошнинг қайси тури қатнашган.

- А) гумон олмоши
- В) сўроқ олмоши
- С) кишилик олмоши
- Д) ўзлик олмоши
- Е) олмош қатнашмаган

15. Қайси қатордаги сўз олмош туркумига мансуб эмас?

- А) аллаким
- В) алланима
- С) аллақандай
- Д) аллапарса
- Е) алламаҳал

16. Сизни пастда кимдир кутяпти.

Ушбу гада олмошнинг қайси турлари қатнашган?

- А) кишилик ва сўроқ олмошлари
- В) ўзлик ва гумон олмошлари
- С) кўрсатиш ва белгилаш олмошлари
- Д) кишилик ва гумон олмошлари
- Е) кўрсатиш ва сўроқ олмошлари

17. Қайси сўзлар турланиши мумкин?

- А) фақат от туркуми
- В) от, олмошлар

- С) от, олмош ва оғлашган сўзлар
 D) фақат олмошлар
 E) фақат оғлашган сўзлар

- A) олмош ҳосил қилинган
 B) феъл ҳосил қилинган
 C) равиш ҳосил қилинган
 D) ҳаракат номи ҳосил қилинган
 E) Олмошдан бошқа сўз ясалмайдди.

18. Ўзингдан каттани сенсирама.
 Ушбу гапдаги олмошдан қайси сўз туркуми ҳосил қилинган?

ФЕЪЛ

Нималарни билишингиз керак?

- феъл ва унинг грамматик белгилари;
- бўлишли ва бўлишсиз феъллар;
- ўтимли ва ўтимсиз феъллар;
- феъл нисбатлари;
- феъл майллари ва замонлари;
- феълларнинг тусланиши; тўлиқсиз феъллар;
- феълларнинг хосланган шакллари: сифатдош, равишдош, ҳаракат номлари;
- феълларнинг ясадиши: феъл ясовчи қўшимчалар;
- қўшма феъллар ва кўмакчи феълли сўз қўшилмалари.

Феъллар предметнинг ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи мустақил сўзлардир. Улар ўзига хос грамматик белгилар (категориялар)га: бўлишлилик ва бўлишсизлик, ўтимлилик ва ўтимсизлик, нисбат, майл, замон каби морфологик хусусиятларга, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи сингари хосланган шаклларга эга. Феъллар туслапади, гапда асосан кесим вазифасини бажаради.

БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАР

Бажарилган, бажарилаётган ва бажариладиган иш-ҳаракатни билдирувчи феъллар бўлишли феъллар дейилади. Бўлишлилик маъносини кўрсатувчи маҳсус грамматик шакл йўқ: ёзди, ёзган эди, ёзганти, ёзмоқчи...

Бажарилмаган, бажарилмаётган, бажарилмайдиган иш-ҳаракатни ифодаловчи феъллар бўлишсиз феъллар деб аталади.

Ўзбек тилида бўлишсизлик маъноси қуйидагича ифодаланади:

а) бўлишли феълга -ма қўшимчасини қўшиш орқали (ёзмади, ёзмапти, ёзмайди);

б) йўқ, эмас сўзлари орқали: ёгани йўқ, ёган эмас;

в) на сўзи ёрдамида: на ёзди, на ўқиди;

д) феълни такрорлаш ёки унга юклама қўшиш ёрдамида: ёзаман-а, ёзаман, ёзиб бўлман.

Изоҳ: қўшма феълнинг ҳар иккала қисмига -ма бўлишсизлик қўшимчаси қўшилса, бўлишсиз феъл бўлишли феълга айланади: ёзмай қўйма, айтмай қўйма

ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

Ҳаракатнинг бирор предметга ўтганлигини билдирадиган феъллар ўтимли феъл дейилади. Ўтимли феъллар, одатда, тушум келишигида отлар билан боғланади: пахтаги терди, ўтинчи ёрди (биринчи гапда ҳаракат пахтага, иккинчисида ўтинга ўтишти).

Ўтимли феълга боғланган сўзларда тушум келишигининг қўшимчаси -ни қўлланилмаслиги ҳам мумкин: пахта терди, ўтин ёрди.

Агар ҳаракат предметга қисман ўтга бўлса, бунда феъл чиқин келишигидаги от билан бирикади: нонлардан татиб кўрдим, гуллардан тердик.

Бирор предметга бевосита ўтмайдиган, бажарувчининг ўзида қоладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар ўтимсиз феъллар дейилади. Ўтимсиз феъллар тушум келишигидаги отларни бошқариб келолмайди: Биз театрга бордик. Насиба ювди.

Ўтимли феъллар ўтимсиз феълга айланиши мумкин: ювди-ювди, берди-берилди, кўрди-кўринди; Ўтимсиз феъллардан ҳам ўтимли феъл ҳосил бўлиши мумкин: кулди-кулдирди, терди-тердирди.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

Иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси ўртасидаги муносабатнинг ифодаланиши феъл нисбатлари дейилади.

Феъл нисбатларини ясовчи қўшимчалар сўз шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар ҳисобланади, чунки улар феълнинг маъносини тамоман ўзгартирмай, унга қўшимча маъно қўшади, холос.

Феълларда бешта нисбат мавжуд:

1. Аниқ нисбат. Аниқ нисбатдаги феъл ҳаракатнинг эга томони-

дан бажарилганлигини билдиради: Насиба шеър ёзди. Онам заводда ишлайди. Ҳар иккала гапда ҳам ҳаракат эга томонидан (Насиба, онам) бажарилган. Аниқ нисбатнинг махсус грамматик кўрсаткичи (қўшимчаси) йўқ.

2. Ўзлик нисбати. Ўзлик нисбатдаги феъл ҳаракатнинг бирор предмети бўлмай, бажарувчининг ўзида қолганлигини билдиради.

Ўзлик нисбати қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади:

а) феъл негизига -и, -ин, ва -л, -ил қўшимчаларини қўшиб орқали: Вазира ювишди, тарашиди, кийишди. Навоий сеҳрли садоларга берилди.

б) -лаш қўшимчаси орқали: Биз ўз Ватанимиз билан фахрланамиз.

г) -н қўшимчаси орқали: Насиба истамайгина сўрашди.

3. Мажҳул нисбат. Мажҳул нисбатдаги феълда ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлади. Бу нисбатдаги феъллар ҳам -и, -ин, -л, -ил қўшимчалари орқали ясалади: Қизиқарли доклад тингланди. Қишлоқ марказига кўркам бинолар қурилди.

Ўзлик ва мажҳул нисбатларини бир-биридан фарқлаш керак: Масалан; Рустам эрқаланиб дадасининг елкасига осилди. Қишга сақландиган узумлар шиша осилди.

Биринчи гапдаги осилди феълида ҳаракат Рустамнинг ўзида қолганлигини аниқлаб турибмиз, ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам маълум, яъни Рустам. Иккинчи гапдаги осилди феълида эса ҳаракат ким томонидан бажарилганлиги, яъни узумни шиша ким осганлиги маълум эмас.

4. Биргалик нисбати. Феълнинг биргалик нисбатида иш-ҳаракат бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилганлиги аниқлашади. Бу нисбатдаги феъллар -иш, -иш қўшимчалари ва феъл ясовчи мураккаб қўшимча -лаш ёрдамида ясалади: Болалар кўшиқ айтишди. Улар дўстлашди.

5. Орттирма нисбат. Феълнинг ортторма нисбатида иш-ҳаракат бирор бошқа восита орқали бажарилганлиги аниқлашади.

Орттирма нисбат қуйидаги қўшимчалар орқали ҳосил қилинади?

-т, -сат: ўқит, кўрсат, қурит

-дир -тир: ёздир, кулдир, айттир, чўктир

-газ, -каз, -қаз, -киз, -қиз, -ғиз: кўргаз, кирғиз, турғиз, юрғаз, кетқиз, ўтқиз, тутқиз

-ар -ир -из: чиқар, қайтар, битир, учир, оқиз, томиз.

Бир феълга иккита ортторма нисбат қўшимчаси қўшилиши мумкин (бошқа нисбатларда бу ҳодиса кузатилмади): Тўйга айттиргизди. Ўзини духтурга кўрсаттирди.

Бир феълнинг ўзига бир йўла бир неча нисбат қўшимчалари кетма-

кет қўшилиши мумкин. Бунда феълнинг қайси нисбатда эканлиги охириги нисбат қўшимчасига қараб аниқланади: ювингиришди, кийгиздирилди бу феълларнинг биринчиси бири алик, иккинчиси эса мажхул нисбатда.

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

Феъл майллари деганда, иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабати, яъни иш-ҳаракатнинг бажарилиши ва бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлган маъно туншулинади. Ҳаракат бажарилган ёки бажарилмаган бўлиши ёки шу ҳаракатни бажаришга даъват, истак, илтимос, буйруқ, бир иш-ҳаракатнинг юзасига чиқиши учун бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракат аниқлашилиши мумкин. Шунга кўра феъл майллари уч хил бўлади:

АНИҚ МАЙЛ (ХАБАР МАЙЛИ)

Иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида аниқ бажарилиши ё бажарилмаслигини билдиради. Аниқлик майли ҳар уч замон маъносини ифодалайди.

1. Ўтган замон иш-ҳаракатнинг нутқ вазиятидан аввал бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини билдиради. Ўтган замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

а) узоқ ўтган замон иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан анча илгари бажарилганлигини ифодалайди. Узоқ ўтган замон феъли сифатдошнинг -ган қўшимчаси орқали ҳосил қилинади: ўқиганмиз, ўқиган эди.

б) яқин ўтган замон иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан бир оз аввалроқ, сўзловчининг кўз ўнгида аниқ бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини ифодалайди ва -ди қўшимчаси ёрдамида ясалди: ўқидим, келди, айтди;

в) ўтган замон давом феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал давом этиб турган иш-ҳаракатни аниқлатади ва сифатдошнинг -р, -ар қўшимчалари ҳамда тўлиқсиз эди феълни келтириш билан ҳосил қилинади: борар эди, ўқир эди;

г) ўтган замон ҳикоя феъли кутилмаганда, қисқа вақт орасида нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилган иш-ҳаракатни билдиради. Ўтган замон ҳикоя феъллари равишдошнинг -б, -иб қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади: ўқибман, айтибсан;

д) ўтган замон мақсад феъли нутқ сўзланиб турган пайдан аввал бажарилиши ёки бажарилмаслиги мақсад қилиб қўйилган, аммо амалга олмаган иш-ҳаракатни англатади ва -моқчи, -диган қўшимчалари ҳамда эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил қилинади: бормоқчи эди, айтмоқчи эмас эдим, борадиган эдим.

2. Ҳозирги замон феъли иш - ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган бир пайдан бажарилаётганлиги ёки бажарилмаётганлигини ифодалайди. Ҳозирги замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

а) ҳозирги - келаси замон феъли нутқ сўзланиб турган пайдан ва ундан кейин юз берадиган иш-ҳаракатни билдиради ва -а, -й қўшимчалари орқали ҳосил қилинади: ўқийман, ёзасан. Кечқурунлари ишдан чарчаб қайтаман. Ҳозирги келаси замон феъли ўтган замон шаклида ҳам берилиши мумкин: Ҳозир қоронғида қаерга бордигу, нима ҳам қилдик (ҳозир қоронғида қаёққа борамиз, нима ҳам қиламиз);

б) ҳозирги замон давом феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайдан аниқ давом этиб турганини англатади ва -ян, моқда, -ётир қўшимчалари билан ясалади: ўқияман, ёзмоқда, келаётир. -ян қўшимчаси фақат ҳозирги замон давом феълигина эмас, келаси ва ўтган замон маъноларини ҳам ифодалаши мумкин: Бугун 64-поезд билан Бухорога жўнаб кетяпман (келаси замон). Бир кун қарасам, деразани бузаман деб, болга кўтариб келяпти (ўтган замон).

Ҳозирги-келаси замоннинг -а, -й қўшимчалари публицистик услубда (газета - журнал репортажларида) ўтган замон маъносини беради: Мусобақа голиби минбарга кўтарилади (қарсақлар). Мустақил Ўзбекистоннинг мадҳияси янграйди.

3. Келаси замон феъллари иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиради. Келаси замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

а) келаси замон мақсад феъли нутқ сўзланиб турган пайдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб қўйилган иш-ҳаракатни ифодалайди ва -моқчи, -диган қўшимчалари ёрдамида ясалади: ўқимоқчиман, ёзадиганман;

б) келаси замон гумон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслиги тахмин қилинганлигини билдиради ва -р(-ар) қўшимчалари билан ҳосил қилинади: айтирман, келарсан.

БУЙРУҚ-ИСТАК МАЙЛИ

Буйруқ - истак майлидаги феъл иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақидаги илтимос, истак, маслаҳат, даъват каби маъноларни ифодалайди. Буйруқ-истак майлидаги феъллар қуйидагича тусланади:

Шаҳс	Бирликда	Қўшимчалари	Кўпликда	Қўшимчалари
I шахс	айтай(-ин), ишлай(-ин)	ай-й(-ин)	айтайлик, ишлайлик	-айлик-
II шахс	айт(-гин), ишла(-гин)айтинг, ишланг (хурмат маъноси)	...(-гин)	айтинг(лар), ишланг(лар)	-нг -инг(лар)
III шахс	айтсин, ишласин	-син	айтишсин(лар), ишлашсин(лар)	(-д, -ин)-син (лар)

ШАРТ МАЙЛИ

Шарт майлидаги феъллар бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ундан аввал бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракатни аниқлатади. Шарт майли -са қўшимчаси билан ҳосил қилинади: Олим бўлсанг, олам сеники, Собир келса, Тошкентга жўнаймиз.

Шарт майлидаги феъл қўшимчаси -са ҳам сўзи билан бирга келса, воқеа-ҳодисанинг юзага чиқишига тўсиқ бўла олмаган ҳаракат маъносини ифодалайди: Ёмғир пақирлаб қуйиб турган бўлса ҳам, Сапжар Маҳбубани кутар эди.

Шарт майлидаги феъл қўшимчаси керак сўзи билан келганда фарз маъноси (Бугун ёмғир ёрса керак), наҳотки сўзи билан бирга қўлланганда, эса ҳайратланиш маъносини (Наҳотки уч кун буруп кўрган йигит сиз бўлсангиз), эди сўзи билан келса, истак, хоҳиш, орзу маънолари (Қани, шу пайт муздек сув бўлса эди.) аниқланади.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШИ

Ҳаракат, одатда, сўзловчи, типловчи ва ўзга томонидан бирликда ва кўпликда бажарилиши мумкин. Бу ҳолат шахс ва сонларда ифодланади. Уйга қайтдим гапида ҳаракат биринчи шахс томонидан, бирликда бажарилган ёки Қишлоқдан қайтиб келишди гапида ҳаракат учинчи шахс, (ўзгалар) томонидан кўпликда бажарилганлиги аниқлашмоқда. Нега индамайсан гапида эса ҳаракат иккинчи шахс (сен) томо-

нидан бажарил аплиги билиниб турибди. Демак, феъллар шахс-сонда ўзгариб туриши мумкин экан.

Феълларнинг шахс-сонда ўзгариши тусланиш дейилади. Шахс-сон қўшимчалари тусловчи қўшимчалар ҳисобланади. турланиш от, олмош ва отланган сўзларга ҳослигини юқорида кўриб ўтган эдик, тусланиш эса фақат феълларга ҳосдир.

Қуйидаги тестга эътибор беринг:

Қайси қатордаги сўзга тусловчи қўшимча қўшилиши мумкин?

- A) ўт (ўт-ўлан) B) ўт (олов) C) ўт (феъл)
D) A ва D E) A, B, C

Тўтри жавоб албатта, C бўлади. Чунки тусловчилар ҳеч вақт отларга қўшилмайди.

Тусланиш қуйидаги шаклга эга бўлади:

Шахс	Бирликда	Кўпликда
I шахс	бордим, боряпман, борай	бордик, боряпмиз, борайлик
II шахс	бординг, боряпсан, боргин	бордингиз, боряпсиз, борингиз
III шахс	борди, боряпти, борсин	боришди, боришяпти, боришсин

ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛЛАР

Тўлиқсиз феъллар барча мустақил сўз туркумларига қўшилиб, турли маъноларни ифодалайди. Тўлиқсиз феъллар мустақил ҳолда қўлланилмайди, улар отга (акам экан) сонга (бешта эди), олмошга (сен экансан), сифатга (қизил эмиш), равишга (анча экан) қўпилади. Тўлиқсиз феъллар сонда феълларга қўшилса, (ёзган эмиш кўрган эмиш) қўшма феъллар ҳосил бўлади. Тўлиқсиз феъллар қисқарган ҳолда ишлатилганда, ўзи боғланган сўзга қўшиб ёзилади (борар эди - борарди, борар эмиш - борармиш).

Тўлиқсиз феъллар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

- а) ҳаракатнинг бажарилмай қолганиги: Вақтида келинг эди;
б) ҳаракатнинг давом эттирилиши: Кутиб туринг экан;
в) истак маъносини: Қани энди ойижоним тирилиб келса эди;
г) ҳикоя маъносини: Турсунбой қишлоғимизга кечагина келиб эди.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ХОСЛАНГАН ШАКЛЛАРИ

Биз юқорида сифат ва соҳларнинг отга айланиши ва отнинг вазифасини бажариши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтган эдик. Феъллар ҳам ўз вазифасидан ташқари сифат, равиш ва отларга яқинлашиши мумкин. Бундай шакллар феълнинг хосланган-вазифадон (функционал) шакллари де-йилади. Улар қуйидагилар:

СИФАТДОН

Сифатдон феълнинг сифатга томон силжиган шакли бўлиб, қандай? қайси? сўроқларидан бирига жавоб бўлиб, гапда сифат каби аниқловчи вазифасини бажаради. Бироқ у айнан сифат эмас, чунки унда ҳам белги, ҳам ҳаракат маънолари англашилади: гўзал қиз — югураётган қиз. Биринчи бирикмага гўзал сўзи сифат, чунки у предмет белгисини ифодалаяпти, иккинчи гапдаги югураётган сўзида эса белгидан ташқари ҳаракат маъноси ҳам англашилмоқда, шунинг учун у сифатдон ҳисобланади.

Сифатдонлар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади:

- р(-ар), мас (айтар гапни айт, айтмас гапдан қайт),
- ган, -кан, қан, ётган, -диган (ўқиган бола, сигир соққан қиз, чигит эккан деҳқон, тез кетаётган машина, тез югурадиган бола);
- жак (келажак авлод),
- увчи (пахта терувчи қиз).

Сифатдонлар ҳам сифат каби отлашиши мумкин: Чумчуқдан кўрққан (киши) тариқ эмас.

Сифатдонлар отлашганда, от каби қўшиқ, эгалик қўшимчаларини қабул қилади, турланади: Менга ўша ёмонимни қўй.

Сифатдонларда ҳам феъл каби замонлар мавжуд.

- а) ўтган замон сифатдоши: -ган(-кан, -қан) кечиккан ўқувчи;
- б) ҳозирги замон сифатдоши: -ётган, -увчи: йўлда кетаётган машина, тез югурувчи бола;
- в) келаси замон сифатдоши: -р, -ар, -диган: баланд учадиган самолёт, тез учар самолёт.

РАВИНДОШ

Равиндошлар феълнинг равишга томон силжиган шаклидир, улар иш-ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда асосан ҳол вазифасини бажаради.

Равиндошлар қуйидаги қўшимчалари ёрдамида ясалади:

-а, -й, -б, -иб қўшимчалари билан ҳолат маъносини ифодаловчи равиндош ҳосил бўлади: кулиб ганирди, кула-кула ўлаёздик, йиглай-йиглай чарчади. (Равиндош қўшимчаларидан -а, -й қўшимчалари кўпинча, -б, -иб қўшимчалари эса баъзан такрор ҳолда (бориб-бориб, излаб-излаб) қўлланилади ва шахс-сон қўшимчалари билан тусланади;

-гач, -қач, -гунча, -қунча, қунча қўшимчалари ёрдамида пайт маъносини билдирувчи равиндошлар ясалади: тонг отгач, тун оққач, чигит эққач, тонг отгунча, тун оққунча;

- гани, -қани, -кани қўшимчалари ёрдамида мақсад маъноларини аниқловчи равиндошлар ҳосил қилинади: Даламни кўрганни касалхонага бордим. Санобар сиз ир соққани кетди. Пайт ва мақсад равиндошлари тусланмайди.

ҲАРАКАТ НОМИ

Ҳаракатнинг номини яна билдириб, замон ва шахс-сонни кўрсатмайдиган феъл шакли ҳаракат номи дейилади. Ҳаракат номи отга яқин туради, бироқ у предметнинг эмас, ҳаракатнинг номини билдиради, от каби турланади, эгалик ва кўплик қўшимчаларини қабул қилади: ўқинларим яхши, ўқинга кетди

Ҳаракат номи ҳам гапда отга хос барча гап бўлаклари вазифасини бажара олади.

Ҳаракат номи қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади: -ш, -иш, -моқ, -в (-ув) ўқини, ўқимоқ, ўқув

Ҳаракат номининг ҳар учала шакли ҳам феълнинг бўлишси элик шакли -ма қўшимчасини қабул қилмайди.

Луғатларда феъл туркумига оид сўзлар -моқ қўшимчали ҳаракат номи шаклида берилади.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Феъллар от, сифат, олмош ва равишлардан ҳосил қилиниши мумкин, бироқ феълларнинг ўзидан қўшимчалар қўшиб феъл ясаб бўлмайди. Қуйидаги қўшимчалар морфологик усул билан феъллар ясайди:

- ла: ишла, оқла, созла, гулла (бу қўшимча энг унумли қўшимча ҳисобланади);

-а (-ай): сана, яша, соғай, кенгай, торай;

-сира: уйқусира, бегонасира, сенсира;

-са: сувса;

-ик (-иқ): кечик, йўлиқ, бирик, ҳайиқ;

-р (-ар): қизар, кўкар;

-и: бойи, чапти, тинчи;

-лан, -лаш (фахрлан, ёрдамлаш).

Синтактик усул билан қўшма ва жуфт феъллар ҳосил қилинади.

ҚЎШМА ФЕЪЛЛАР

Қўшма феъллар таркиби жиҳатидан икки хил бўлади:

1. Феъл бўлмаган сўзлар ва феълларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган қўшма феъллар: қўл қўйди, имзо чекди, оҳ урди, назар солди, ёд олди, ҳимоя қилди ва ҳ.к.

2. Феъл ва феълдан ҳосил бўлган қўшма феъллар: сотиб олди, айтиб келди, олиб тушди, қайтиб келди ва ҳ.к.

Қўшма феълларни кўмакчи феълли сўз қўшилмаларидан фарқлаш керак. Қўшма феълларнинг ҳар икки қисми ҳам ўз луғавий маъносида иштиатилса, кўмакчи феълли сўз қўшилмаларида иккинчи қисм ўз маъносида қўлланилмаган бўлади: ўқиб чиқди бирикмасида чиқди сўзи бирор жойдан чиқиш маъносини билдирмайди, ёки қийналиб қолди бирикмасида қолди феълли ўз луғавий маъносини, яъни бирор жойда қолиш маъносини аниқлатмайди.

Қўшма феълларда икки феъл бир-бирига қўшилиб, янги луғавий маънога эга бўлган бошқа бир сўз ясайди, кўмакчи феълли қўшилмаларда аввалги маъно сақланади. Масалан сотиб олди бирикмасидаги сотиш ва олиш маъноларини ифодаловчи икки сўз бирикиб, янги маънони: харид қилиш маъносини аниқловчи янги сўз ясайпти. Санобархон тўдакени юпатиш мақсадида қўлига олиб кўрди гапидаги олиб кўрди бирикмасида аввалги маъно яъни олиш маъноси сақланиб қолган, холос, кўрди сўзи эса ўз маъносида, яъни кўриш маъносида қўлланилмаган.

Кўмакчи феълли қўшилмалар икки қисмдан: етакчи ва кўмакчи қисмлардан ташкил топади. Етакчи қисм ҳар вақт аввал, кўмакчи қисм кейин келади. Кўмакчи феъл етакчи феъл маъносига турлича қўшимча маънолар беради: ёза бошлади (ҳаракат эндигина бошланган), инглаб ётибди (ҳаракат давом этмоқда), ўқиб юрди (ҳаракат давом этган), ўқиб чиқди (ҳаракат тугалланган), ўқиб берди, (ҳаракат бирор бошқа восита орқали бажарилган), йиқилиб кетди (ҳаракат тасодифан бажарилган), йиқила ёзди (ҳаракат бажарилмай қолган) ва ҳ.к.

Ўзбек тилида ўттиздан ортиқ кўмакчи феъллар мавжудки, улар тилнинг лугат таркибини бойитишда муҳим омил ҳисобланади: юр, тур, кет, ўтир, кел, бер, қол, ет, юбор, таппа ва ҳ.к. Бироқ пугқда фақат кўмакчи бўлиб келадиган феъллар йўқ. Масалан, тур феълли айтиб турди қўшиммасида кўмакчи феъл ҳисобланса (чунки бу гапда тур сўзи ўз маъносини йўқотган), Собир ўрнидан турди гапида эса турди сўзи мустақил феъл ҳисобланади, чунки у ўз маъносида қўлланилмоқда.

Кўмакчи феъл етакчи феълга асосан равишдошнинг -б, -иб, -а, -й қўшимчалари орқали, ҳамда жуфт ҳолда бирикади: ўқиб берди, айта олди, куйлай билди, айтди-қўйди, ёзди-олди.

Етакчи-кўмакчи феълли қўшилмаларга -ма бўлишсизлик қўшимчаси уч хил усулда қўшилади:

- а) етакчи феълга: ёзмай тур
- б) кўмакчи феълга: айта кўрма
- в) ҳар иккаласига: келмай қолма

ЖУФТ ФЕЪЛЛАР

Жуфт феъллар замон ва шахс жиҳатидан бир хил шаклга эга бўлган феълларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Жуфт феъллар чизиқча билан ёзилади: ётди-олди, айтди-қўйди, ёзаман-оламан, айтасан-қўясан каби. Агар жуфт феъллар орасида боғловчи вазифасидаги -у, -ю юктамалари қўлланилган бўлса, у ҳолда чизиқча юктамадан аввал қўйилади: айтди-ю қўйди, борди-ю келди. Жуфт феълларда ҳам биринчи қисм асосий маънони ифодалайди ва етакчи феъл ҳисобланади, иккинчи қисм эса ўз маъносини йўқотган бўлади: айтди-қўйди (ҳеч нарсани қўйган эмас), ёзди-олди (ҳеч нарсани олган эмас), шунингдек айрим жуфт феъллар такрорий ҳаракатни англатади: борди-келди, ўтирди-турди каби. Бундай ҳолда унинг ҳар иккала қисми ҳам маъно англатади: Муроджон ўзини қўярга жой тополмай борди-келди, ўтирди-турди, аммо барибир чидашга тўғри келди.

Шахе-сон, замон қўшимчалари ҳар доим иккинчи қисмга, кўмакчи феълга қўшилади: ёзиб турдим, айтиб берди, жуфт феълларда ҳар иккала қисмга қўшилади: ёздик-олдик, айтдинг-қўйдинг.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИШГ ВА МУСТАҲҚАМЛАНГ

1. Қайси қатордаги атамалар феъл туркумига хос?
А) бўлишли ва бўлишсизлик, ўтимли ва ўтимсизлик, эгалик
В) турланиш, тусланиш, майл, нисбат, замон
С) даража, нисбат, бўлишли ва бўлишсизлик, турланиш
D) майл, тусланиш, нисбат, замон, бўлишлилик ва бўлишсизлик
E) саноқ, тартиб, даража, нисбат, майл, замон
2. Қайси қатордаги атамалар барча мустақил туркумларига хос?
А) солда, қўшма
В) келишик, эгалик
С) нисбат, майл
D) туб, ясама
E) тартиб, миқдор
3. Феъллар асосан қайси гап бўлаги вазифасини бажаради?
А) эга
В) кесим
С) тўлдирувчи
D) аниқловчи
E) ҳол
4. Баҳор келди сени сўроқлаб. Ушбу гапдаги феълнинг синтактик вазифаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) эга
В) кесим
С) тўлдирувчи
D) аниқловчи
E) ҳол
5. Қайси қаторда бўлишлилик маъноси ифодаланган?
А) айтиб кетма
В) айтмай кетма
С) айтма кетмай
D) айтма кетма
E) айтмай кет
6. Қайси қаторда бўлишсизлик маъноси ифодаланган?
А) Кампир қишлоғига қайтиб кетди.
В) Бораман-а, бораман, бориб бўлман.
С) Сизга бир савол бермоқчи эдим.
D) Ҳали тонг отганича йўқ.
E) В ва D
7. Ўтимли феъл қайси гапда қўлланилган?
А) Болалар муздай сувда маза қилиб чўмилишди.
В) Далалар онноқ қорга кўмилиди
С) Байрамдай безанди қирлар, адирлар
D) Аъзам қурт еган тишини суғуриб олди.
E) Ўтимли феъл қагналмаган.

8. Ўтимсиз феъл берилган қаторни аниқланг.

- A) Мена Пушкин бир жаҳону, мена Байрон бир жаҳон.
- B) Комила байрамдагидай кийинди.
- C) Пахтакорларимиз ҳосилни барвақт йиғиб олишди.
- D) Акам бу йил университетни тугатди.
- E) Энди сизни ким деб атайдик?

9. Ўтимли феъллар берилган қаторни тоинг.

- A) юзларини артди
- B) поиндан олин
- C) аринди
- D) ювинди
- E) A ва B

10. Ўтимли феъллар асосан қайси келишқдаги сўзлар билан бирикади?

- A) қаратқич
- B) тушум
- C) жўналиш
- D) ўрин-пайт
- E) B ва D

11. Ўтимсиз феълларни ҳосил қилувчи қўшимчалар берилган қаторни кўрсатинг.

- A) -ш, -иш, -тир, -каз
- B) -ла, -ай, -а, -и
- C) -н, -иш, -л, -ил
- D) -гиз, -киз, -сат, -т
- E) -л, -ил, -дир, -гиз

12. Феъл нисбатлари...

- A) Феълларнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.

B) Феълларнинг келишқ қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.

C) Феълларнинг замон қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.

D) Феълларнинг эгаллик қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.

E) Иш-ҳаракат ва унинг бажарувчиси ўртасидаги муносабатнинг ифодаланишидир.

13. Феъл нисбатлари қайси жавобда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?

- A) ўзлик, аниқ, орттирма нисбатлар
- B) ўзлик, мажҳул, аниқ, биргалик ва орттирма нисбатлар
- C) аниқ, ўзлик, бўлишлик, бўлишсизлик нисбатлари
- D) шарт, истак, ўзлик, орттирма нисбатлар
- E) ўғимшлик, ўғимсизлик, аниқ, истак, биргалик нисбатлари

14. Аниқ нисбатдаги феъл қайси қатордаги гапда қатнашган?

- A) Гапда инқилобни биз қилдик аввал.
- B) Элчибек ювинди, қиринди, сўнг бир нимани унутгандай узоқ ўйланди.
- C) Абдулла кўрпача устига чўзилди.
- D) Бинонинг кенг ва оғир эшиги очилди.
- E) Доклад учун Зиёдахонга сўз берилди.

15. Мажҳул нисбатдаги феъл қатнашган гапни аниқланг.

- А) У эркаланиб онасининг елкаси-га осилди.
 В) Қаттол ўғри дорга осилди.
 С) Маҳмуд турникка осилди.
 Д) Узумлар шипга осилди.
 Е) В ва Д
16. Ўзлик нисбатидаги феъл қайси қатордаги гапда қатнашган?
 А) Қил-қизил қоп чечаклар тердим.
 В) Кўзолди қоронғилашиб, аста йиқилди.
 С) Айвон яқинидаги ўчоққа ўт қаланди.
 Д) Дилмурод уни қўлтиғидан кўтариб, ўрнидан турғизди.
 Е) Гулнор ва Унсин самимият билан кучоқлашишди.
17. Орттирма нисбат қайси қатордаги гапда ишлатилган?
 А) Кампир ҳаммаи кулдиравериб, ўлдириди.
 В) Ўтган йили отаси мана шу данғишама ҳовлини сув текинга соттириб юборди.
 С) Собир дўстини қутқазиб қолди.
 Д) Ўтирганлар муаммони кўриб чиқишди.
 Е) А, В, С
18. Қайси қатордаги феълга бир йўла иккита нисбат қўшилган?
 А) Аҳмаджон полковникни чақиртирди.
 В) Бойшум болани бозорга чоғтирди.
 С) Чол мактубни Хайринисога ўқиттирди.
 Д) Кампир беморнинг оғзига сув томизди.
 Е) Бу ерилар бизга ўтмишни эслатади.
19. Ўқиттиришди феълда нечта нисбат қўшимчаси мавжуд?
 А) 1 та
 В) 2 та
 С) 3 та
 Д) 4 та
 Е) нисбат қўшимчаси қўшилмаган
20. Тинчлангирди феълдаги нисбат қўшимчалари қайси қаторда тартиб билан кўрсатилган?
 А) ўзлик, орттирма
 В) ўзлик, мажхул, орттирма
 С) мажхул, ўзлик, орттирма
 Д) ўзлик, орттирма, мажхул
 Е) фақат мажхул нисбат
21. Безангиринди феъли қайси нисбат шаклида берилган?
 А) ўзлик
 В) биргалик
 С) орттирма
 Д) мажхул
 Е) аниқ
22. Мажхул нисбатдаги феъл қатнашган гапни аниқланг.
 А) Сизнинг матонатингиз туфайли бу ишлар вақтида қилишди.
 В) Мажлис бир оз кечиктирилди.
 С) Навоий сеҳрли садоларга берилди.
 Д) Қишлоқда катта боғ барно этилди.
 Е) А, В, Д

23. Биргалик нисбати берилган гапни топинг.

- A) Кўн ухланг зарарли.
- B) Ҳашарчилар бугун далада ухлашди.
- C) Ой эндигина тўлишган эди.
- D) Урушнинг оғир кунларида халқимиз бир бурда понини етимларга бўлашиб берган эди.
- E) Анвар машинага зўрға илашиб олди.

24. Феъл майллари қайси қаторда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?

- A) аниқ, буйруқ ва истак майллари
- B) аниқ, шарт ва ўзлик майллари
- C) шарт, биргалик ва буйруқ-истак майллари
- D) аниқ, буйруқ-истак ва шарт майллари
- E) ўзлик, биргалик ва шарт майллари

25. Қайси қатордаги гапда буйруқ-истак майлидаги феъл иштирок этган?

- A) Олим бўлсанг, олам сеники.
- B) Биз мустақиллигимиз йўлида ошга бораётимиз.
- C) Мабодо келмасанг, нима бўлади?
- D) Ўчоққа ўт қаланг, қизим.
- E) Буйруқ-истак майлидаги феълдан гап қатнашмаган.

26. Аниқ майлдаги феъл қатнашган гапни топинг.

- A) Ҳаялламай, тезроқ қайт, болам.
- B) Агар ҳаёт алдаса сени, сен ноумид бўлма ҳеч қачон.

C) Акрам бу йил ўн биринчини туғатади.

- D) Холамга айтинг, бугун қишлоққа етиб борсинлар.
- E) Ишласанг, тишлайсан.

27. Мени кутгил ва мен қайтарман.

Ўлимларни қолдириб доғда.
(К. Симонов.)

Ушбу гапда феълнинг қайси майллари қатнашган?

- A) буйруқ-истак ва аниқ майл
- B) фақат аниқ майл
- C) шарт ва буйруқ-истак майли
- D) фақат буйруқ-истак майли
- E) феъл майллари қатнашмаган

28. Буйруқ-истак майли қатнашган гап қайси жавобда берилган?

- A) Эртага Тошкентга жўнаб кетаётирман.
- B) Дўстлар, ишонч билан кутингиз мени.
- C) Омон бўлсин дўстларнинг бари.
- D) Истайманки, боғимнинг гуллари унсин.
- E) В. С. Д

29. Қайси гапда шарт майлидаги феъл қатнашган?

- A) Қаерда кураш бўлмаса, у ерда ўсин ҳам бўлмайди.
- B) Қани энди шу тошда отасини маҳкам кучоқлаб, нуроний юзларидан ўпса...
- C) Салтанатхон, гапирсанг изчи.
- D) Она бу аламларга чидамаса керак.
- E) Барча жавобларда берилган.

30. Фейлнинг шарт майли қандай маъноларни ифодалайди?

- A) бир иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракатни аниқлатади
- B) ҳам боғловчиси билан бирга келиб, воқеа-ҳодисанинг юзага чиқишига тўсиқ бўла олмайдиган бошқа иш-ҳаракатни билдиради.
- C) кучли орзу-истак, мақсад, илтимос, маслаҳат маъноларини ифодалайди.
- D) наҳотки сўзи билан келганда, ҳайратланиш, экан тўлиқсиз феъли билан келганда, эса фараз, тахмин маъноларини аниқлатади.
- E) A, B, C, D

31. Яқин ўтган замон феъли қатнашган гаини топинг.

- A) Арава қинғир-қийшиқ йўлдан имиллаб борарди.
- B) Ҳозир Зухра хола келиб эди, хабар олгани келган экан.
- C) Қоронғида ҳеч ким кўринмас эди.
- D) Бунақа қаҳрамонларни кўп кўрганмиз.
- E) Муҳаббат яна уйига қайтди.

32. Уфқ қизғин рангга кириб, аста-секин тонг ёришаётир.

- Ушбу гаптадаги феъл замонни аниқланг.
- A) ҳозирги замон давом феъли
- B) ҳозирги-келаси замон феъли
- C) ўтган замон феъли
- D) келаси замон феъли
- E) ўтган замон давом феъли

33. Ҳузурингизга ўзим борадиганман.

Ушбу гаптадаги феълда қайси замон маъноси ифодаланган?

- A) ҳозирги-келаси замон маъноси
- B) келаси замон гумон маъноси
- C) келаси замон мақсад маъноси
- D) ҳозирги замон давом феъли маъноси
- E) ўтган замон ҳикоя феъли маъноси

34. Бир куни қарасам, Тешавой кўйида катта бир тарвуз билан келяпти.

Берилган гаптадаги феъл қайси замон маъносини ифодалаган?

- A) ҳозирги замон давом феъли
- B) ўтган замон феъли
- C) келаси замон феъли
- D) ҳозирги-келаси замон феъли
- E) ўтган замон мақсад феъли

35. Нотиқ сўзини тугатади (қарсақлар). Ҳамма ўрнидан туради.

Ушбу гаптадаги феълда қайси замон маъноси ифодаланган?

- A) келаси замон давом феъли
- B) келаси замон мақсад феъли
- C) ҳозирги замон давом феъли
- D) ҳозирги-келаси замон феъли
- E) ўтган замон феъли

36. Феълларнинг тусланиши деганда, нима тушунилади?

- A) феълларнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб ўзгариши
- B) феълларнинг нисбат қўшимчаларини олиб ўзгариши
- C) феълларнинг майл қўшимчаларини олиб ўзгариши

Д) феълларнинг ясовчи кўшимчаларини олиб ўзгарини

Е) феълларнинг бўлишсизлик кўшимчасини олиб ўзгарини

37. II шахс кўшиқда тусланган феъл қайси қатордаги гапда берилган?

А) Ойижон, аҳволимни ўзингиз тушунасиз.

В) Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.

С) Биз ўз Ваганимиз билан фахрланамиз.

Д) Ўн қадам нарига боринглар!

Е) В ва Д

38. Тўлиқсиз феъл қатнашган гапни аниқланг.

А) Лолахоп ҳали ҳам сизнинг умидингизда юрганмиш.

В) Қишлоқда Каримжон ҳақидаги миш-мишлар кўнаиб кетди.

С) Ойимлар кеча Тошкентдан қайтиб келдилар.

Д) Заҳар солмоқ эмиш касби илоқиниш.

Е) А ва Д.

39. Тўлиқсиз феъллар. . .

А) шахс-сон ва замонни кўрсатмайдиган феъл шакллари дир

В) барча мустақил сўзлар билан бирикиб, турли маъноларни ифодалайдиган ёрдамчи феъллар дир

С) феълнинг нисбат кўшимчаларини олган шакллари дир

Д) феълнинг майл кўшимчаларини олган шакллари дир

Е) феълларнинг ҳосланган шакллари дир.

40. Шарт майлидаги феъллар асосан қандай гапнинг кесими бўлиб келиши мумкин?

А) кўшма гапларнинг

В) боғланган кўшма гапларнинг

С) тўсиқсиз эргаш гапларнинг

Д) шарт эргаш гапларнинг

Е) сабаб эргаш гапларнинг

41. Инсоннинг борадиган ери ҳаммага маълум-ку, қиладиган савоб ишларингни, эзгуликни вақтида қил, болам, бу дунё қайтар дунё, ахир.

Ушбу гапдаги сифатдошлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) боражак, қиладиган

В) борадиган, қиладиган, қайтар

С) ишларингни, қиладиган, қайтар

Д) борадиган, қиладиган, ахир

Е) сифатдош берилмаган

42. Сифатдошлар қайси кўшимчалар ёрдамида яланади?

А) -б, -иб; -гач, -қач, -а, -й

В) -р, -ар, -тир, -дир, -сат

С) -моқ, -ш, -иш, -ув, -а, -й

Д) -р, -ар, -ган, -қан, -жак, -мас

Е) А ва Д

43. Отланган сифатдош қатнашган гапни аниқланг.

А) Она севмас фарзанд топилмас.

В) Дард билмаслар ўзга дардин на билсин.

С) Шошилган қиз эрга ёлчимас.

Д) Кўн ўқиган кини кўн билади.

Е) Чумчуқдан кўркқан деҳқон тариқ экмайди

44. Йўл айрилиққа етгунча, бола чарчаб, ҳансираб борди.

Ушбу гапда феълнинг хосланган шаклиларидан қайси бири қатнашган?

- А) фақат равишдош
- В) фақат сифатдош
- С) равишдош ва сифатдош
- Д) равишдош ва ҳаракат номи
- Е) сифатдош ва ҳаракат номи

45. Равишдош ясовчи кўшимчалар берилган қаторни тўттинг.

- А) -б, -иб, а, -й, -гап, -ш
- В) -иб, -гач, -кач, -мас, -р, -ар
- С) -жак, -гани, кани, -гунча
- Д) -а, -й, -б, -иб, -гач, -гунча, -гани
- Е) -моқ, -ш, -ип, ув, -кунча, -р, -ар

46. Залда музқаймоқ еб ўтирган қизларни кўп кўрамап-у, аммо китоб ўқиб ўтирганини кам учратаман.

Ушбу гапда феълнинг хосланган шаклиларидан қайси бири қатнашган?

- А) равишдош ва сифатдош
- В) сифатдош ва ҳаракат номи
- С) фақат сифатдош
- Д) фақат равишдош
- Е) фақат ҳаракат номи

47. Пахтакорлар ҳосилни йиғиб бўлишди.

Ушбу гапдаги феълнинг хосланган шаклини аниқланг.

- А) равишдош
- В) сифатдош
- С) ҳаракат номи
- Д) А ва В
- Е) Гапда феълнинг хосланган шакли йўқ.

48. Феъл ясовчи кўнимчалар қаторини аниқланг.

- А) -ла, -каш, -шунос, -сира
- В) -паз, -чап, --ли, -она
- С) -лар, -ча, -чоқ, -чак
- Д) -а, -ай, -ги, -ки, -гу
- Е) -ла, -р (-ар), -сира, -лан, -лаш

49. Морфологик усул билан ясалган феълни кўрсатинг:

- А) тошлоқ, бопоқ, қашшоқ
- В) чопган, қайтар, келажак
- С) тинчи, сувсира, оша
- Д) газаблан, бойи, улгай
- Е) С ва Д

50. От ва феълдан ясалган кўшма феъллар қаторини тўттинг.

- А) пазар солди, қўл қўйди, сотиб олди
- В) яхши кўрди, тасдиқ қилди, азоб чекди
- С) ҳурмат қилди, оқ урди
- Д) ҳикоя қилди, назар солди
- Е) гапириб бериб қўя қолди.

51. Қўшма феъллар берилган қаторни тўттинг.

- А) югуриб борди, кула-кула ўлди
- В) мақтаниб гапирди, савод берди
- С) озод бўлди, ҳайрон қолди
- Д) ўқиб чиқди, кўриб қолди
- Е) айтди - қўйди, ёзди-олди

52. Майли, молларга қараб тура қолсин.

Ушбу гаптаги кўмакчи феъл қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) қолсин
- B) тура қолсин
- C) қараб тура қолсин
- D) молларга қараб тура қолсин
- E) кўмакчи феъл берилмаган

53. Кўмакчи феълли сўз қўшилмасини тошинг.

- A) азоб чекди, ҳайроп қолди
- B) қўл қўйиб қўя қолмоқчи бўлиб турган бўлса ҳам.
- C) гап смайди, рози бўлди
- D) йиқила ёзди, ёзиб қўйди
- E) B ва D

54. Директорни залда бир оз кутиб тура туриг.

Ушбу гаптаги кўмакчи феълни аниқланг.

- A) тура туриг
- B) туриг

C) кутиб тура туриг

D) залда тура туриг

E) кўмакчи феъл берилмаган

55. Ёзди-олди, айтди- қўйди Ушбу жуфт сўзлар қайси қаторда тўғри изоҳланган?

- A) кўмакчи феълли жуфт феъллар
- B) қўшма феъллар
- C) такрор феъллар
- D) A ва B жавоблар
- E) A, B, C

56. Турмоқ феъл мустақил феъл сифатида қўлланган гапти белгиланг?

- A) Пастда сизни бир киши кутиб турибди.
- B) Рассом столи устида ҳар хил мўй-қаламлар турибди.
- C) Мажнунтол барглари осилиб турибди.
- D) Менга сўз бериб туриг.
- E) Барча гапларда кўмакчи феъл сифатида қўлланган.

РАВИШ

Нималарни билишингиз керак?

- *равиш ва унинг грамматик белгилари*
- *равишларнинг маъносига кўра турлари*
- *равишларда даража*
- *равишларнинг ясалиши*

Рашишлар ҳаракатнинг белгисини билдирувчи мустақил сўзлар ҳисобланади. Улар белгини билдириши, оддий, қийсий ва ортирма даражаларга эга бўлиши жиҳатидан сифатларга ўхшаб кетса-да, бироқ сифатлардан мушакко фарқ қилади: баланд бино бирикмасида баланд сўзи сифатдир, чунки у бинонинг (предметнинг) белгисини билдирипти, тезроқ уч, бирикмасида эса тезроқ сўзи ҳаракатнинг белгисини ифода-лайпти, шунинг учун у рашиш ҳисобланади. Демак, сифат предметнинг белгисини билдирса, рашиш ҳаракатнинг белгисини ифодалайди. Баъзан рашиш ҳам предметнинг белгисини аниқлаштириши мумкин: Ўзимизнинг ўзбек-кона паловни соғиндим. Буида ўзбеккона рашиши аниқловчи вазифаси-да келяпти.

Рашиш гапда асосан ҳол вазифасида келади, айрим ҳолларда ке-сим вазифасини бажариниши мумкин: Бу йил совуқ анча эрта (ҳол) бош-лапти. Шопиларнинг пушаймони кўп (кесим).

РАВИШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

Рашишлар маъноси ва грамматик хусусиятларга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Ҳолат (вазият) рашиши иш-ҳаракатнинг қай тарзда ва усулда бажарилишини билдириб, қандай? қандай қилиб? қай тарзда? ким-дай? нимадай? сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда рашиш ҳоли вазифасини бажаради: аста - секин, тез, жим, илдам, пиёда, яёв, отлиқ, бирдан, тасодифан, яққол, қўққисдан, битталаб, қато-расига, ўзбекчасига, қаҳрамонларча, мардона, дарҳол ва ҳ. к.

Ўрин рашиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва қасрга? қасрда? қасрдан? қасргача? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради: қуйи, юқори, нари, бери, ичкари, ташқари, аллақасрда, унда-буида, аллақасрга ва ҳ. к.

Пайт рашиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва қачон? қачондан буён? қачонгача? каби сўроқларга жавоб бўла-

ди, гагда найт равини бўлиб келади: эрталаб, илгари, бурун, олдин, сўнг, кейин ва ҳ. к.

Мақсад равини иш-ҳаракатнинг қайси мақсадда бажарилишини билдиради ва нима мақсадда? нима учун? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гагда мақсад ҳоли вазифасида келади: атайин, атайлаб, жўрттага, қасддан ва ҳ. к.

Сабаб равини иш-ҳаракатнинг бажарилиши сабабини билдиради ва нима сабабдан? нима учун? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гагда сабаб ҳоли вазифасида келади: ноилож, иложсизликдан, почор, ноиложликдан, чорасизликдан.

Даража-миқдор равини иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган даража-миқдорни билдиради, қанча? қай даражада? каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гагда даража-миқдор ҳоли вазифасини бажаради: кўп, оз, кам, сал, нича, жиндак, анча, қиттак, хиёл, асло, ниҳоятда, ҳар қанча, озмунча, сира, ҳеч ва ҳ. к.

РАВИНЛАРДА ДАРАЖА

Сифатларда бўлганидек, равинларда ҳам даража мавжуд. Равин даражалари ҳаракатнинг белгисини даражага кўрсатади. Равинлар ҳам уч хил даражага эга:

Оддий даража махсус грамматик кўрсаткичга эга эмас, у ҳаракат белгисининг нормал белгисини билдиради: тез, аста, баланд, илдам

Қийсий даража -роқ кўшимчаси билан ҳосил қилинади: "ТУ-104" самолёти "ЯК-40"дан эртароқ учади.

Орттирма даража энг, жуда, анча, гоётда, ниҳоятда, каби сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади: "МИГ-12" ниҳоятда тез учади.

РАВИНЛАРНИНГ ЯСАЛИНИ

Равин ясовчи кўшимчалар от, сифат, сон, олмошларга қўшилиб, кўпинча ҳолат равинларини ясайди. Улар қуйидагилар:

- ан: мажбуран, тасодифан, тахминан
- лаб: яхшилаб, қонлаб, килолаб
- ча, -часига: ўзбекча, фарғоначасига
- ларча: мардларча, қаҳрамонларча
- она: мардона, қаҳрамонона
- лай, -лайн: бутунлай, тириклай(ин)

- дек, -дай: ойдай, қуёшдек

- ишча: кўпинча, яширинча

Синтактик усул билан қўнма ва жуфт равишлар ясалди:

ҚЎШМА РАВИШЛАР

Қўшма равишлар у, бу, шу, ўша, мана шу, ҳеч, ҳар, бир, алла сўзлари ёрдамида ҳосил қилинади: у маҳал, бу ер, шу пайт, ўша куни, мана шу ер, ҳар қачон, ҳеч вақт, бир, оз, бир дам, бирмунча, бирйўла, ҳар сафар, алламаҳал, аллақачон каби.

ЖУФТ РАВИШЛАР

Жуфт равишлар икки равишнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлади: аста-секин, омон-эсон, очиқ-ойдин, узил-кесил, очин-тўқин, эрта-кеч.

Аста-секин, омон-эсон каби жуфт равишларнинг қисмлари ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин: секин-аста, эсон-омон

Нега? қанча? каби сўроқ олмоқлари равиш ўрнида келиши мумкин. Сўроқ олмоқлари сўроқ маъноларини ифодаласа (Нега ишламайсиз?), (Бу китоб қанча туради?) бу сўзлар равиш ўрнида келганда сўроқ маъносини англатмайди: Нега ишдамаслигини ўзи ҳам билмасди. Орадан қанча сувлар оқиб кетди.

Равишлар сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилмайди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Қайси қаторда равишларга ҳос хусусиятлар тўғри кўрсатилган?

А) предметнинг белгисини билдириб, гапда асосан аниқловчи бўлиб келади.

В) иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради, гапда асосан ҳол вазифасини бажаради.

С) сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилмайди.

Д) кесим вазифасида келиши мумкин.

Е) В, С, Д

2. Фақат равишлар берилган қаторни топинг.

А) гўзал, чиройли, аччиқ, тез

В) нари, бери, анча, сал, кеча

С) эртага, илдин, қишин-ёзин, яхши

Д) очиқ-ойдин, тасодифан, ширин, ишдам

Е) кўмакчи, олдин, кейин

3. Бетма-бет, очиқдан-очиқ, кўнинча сўзлари қайси туркумга хос?

- А) от
- В) сифат
- С) равиш
- Д) сифат ва равиш
- Е) кўмакчи

4. Пайт равиши иштирок этган гаши кўрсатинг.

- А) Комил уйда бир ўзи қолди.
- В) Сизга айтдиган ажойиб гашим бор.
- С) Халқимиз улуғ кунларга етиб келди.
- Д) Ҳалоллик инсонни маънавий юксакликка кўтаради.
- Е) Илгари бу ерлар жуда хароб эди.

5. Равишлар гапда асосан қайси гап бўлаги вазифасини бажаради?

- А) кесим
- В) ҳол
- С) эга
- Д) аниқловчи
- Е) А ва В

6. Анвар гуноҳкорларча бошини қуйи эгди.

Ушбу гапдаги гуноҳкорларча, сўзи қайси сўз туркумига хос?

- А) равишга
- В) сифатга
- С) олмошга
- Д) ўзлик нисбатидаги феълга
- Е) мажҳул нисбатидаги феълга

7. Сулув, барно, ўзбекчасига, яқинда, яхшироқ сўзлари қайси сўз туркумига хос?

- А) сифат ва равишга
- В) сифат ва феълга
- С) фақат сифатга
- Д) фақат равишга
- Е) олмошга

8. Мақсад равиши берилган қаторни аниқлап:

- А) Биз кеча сизни орзиқиб кутган эдик.
- В) Бир оз тапқарида кута олмай-сизми?
- С) Нодира атайлаб кеч қолди.
- Д) Ноилжорқага қайтдик.
- Е) Сал ина юрсангиз, бизнинг қишлоқ келади.

9. Мустақиллик йўлидан олга бораверамиз.

Ушбу гапда олга сўзи қайси туркумга хос?

- А) сифатга
- В) равишга
- С) олга бораверамиз биргаликда қўшма феъл
- Д) кўмакчи
- Е) модал сўз

10. Қайси қатордаги сўзга сўз ўзгартувчи қўшимча қўшилган:

- А) бирдан
- В) бирга
- С) эртага
- Д) қаторасига
- Е) ҳеч қайси сўзга қўшилмаган

11. Қайси қатордаги гапда ташқари сўзи равиш сифатида қўлланган?

- А) Бундан ташқари ҳали яна кўришларни бажаришимиз керак.
- В) Ташқари жуда совуқ эди.
- С) Ўқтам бригадирликдан ташқари ҳисоб-китоб ишларини ҳам олиб борар эди.
- Д) Кутубхоначиликдан ташқари бошқа ҳунарини ҳам борми?
- Е) Барча гапларда ташқари сўзи кўмакчи сифатида қўлланилган.

12. Сабаб равиши қайси қатордаги гапда берилган?

- А) Бўтабой ноилож маслаҳатга кўнди.
- В) Саида жўртгага билмасликка олди.
- С) Бир оз дам олишгач, йўлга тушишди.
- Д) Ҳаётнинг ўз байрамлари бўлганидек, озгина азоблари ҳам бўлади, болам, чидаш керак.
- Е) Кеча Америкадан қайтиб келдик.

13. Равиш кесим бўлиб келган гапни аниқланг:

- А) Қўзивой тоқатсизланиб, унга термулди.
- В) Тонгда яна Тошкентга қайтиб кетамиз.
- С) Хаёшарим шамолдан тез учади.
- Д) Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар.
- Е) Бизда ҳали очилмаган ерлар кўп.

14. Равиш ясовчи қўшимчалар қаторини топинг?

- А) -ли, -дор, -ай, -а, -и
- В) -ча, -часи а, дек. -она
- С) -ларча, -ан, -дор, -бе, -ба
- Д) -дор, -қан, -наз, шунос
- Е) -к, -ак, -уқ, -иқ, -к

15. Қайси сўроқ олмошлари равиш ўрнида қўлланиши мумкин?

- А) неча? қанча?
- В) ким? нима?
- С) қачон? қаср?
- Д) қандай? қанақа?
- Е) қаср? қайси?

16. Қўшма равишлар берилган қаторни кўрсатинг:

- А) ҳар вақт, ҳаво ранг
- В) қўй кўз, томорқа
- С) сотиб олди, айтиб турди
- Д) муштумзўр, қимматбаҳо
- Е) озмунча, бирийўла

17. 1. Илгари сизни унчалик яхши билмас эканман.

2. Отлиқлар бир неча қадам илгари юрди.

3. Меҳмонларга ошдан илгари мастава узатилди.

4. Қадам бос илгари, юртим соқчиси!

Ушбу гапларнинг қайси бирида илгари равиши ўрип маъносини ифодалаган?

- А) 1 ва 2
- В) 2 ва 4
- С) 1,2,3,4
- Д) фақат 1
- Е) фақат 4

18. Жуфт равишлар берилган қаторни аниқланг:

- A) қиш-ёзи, очинг-тўқин
- B) алламаҳал, аллақачон
- C) эрта-кеч, пессик-совуқ
- D) ашпақандай, аллақанча
- E) A ва B

19. Қуйидаги жуфтликларнинг қайси бири қўшма равиш?

- A) ашпақандай
- B) аллақайси

- C) аллақим
- D) аллақачон
- E) аллашима

20. Қўшма равишларнинг қайси бири хато ёзилган?

- A) оз мунча
- B) бирийўла
- C) ҳеч вақт
- D) ҳар кун
- E) Барчаси тўғри.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

Нималарни билишингиз керак?

- мустақил сўзлар ва уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари;

- кўмакчи ва унинг турлари: асл кўмакчилар, от, равиш феълдан ўсиб чиққан кўмакчилар;

- кўмакчи ва келишиклар;

- боғловчи: тенг ва эргаштирувчи, якка ва такрорий ишлатиладиган боғловчилар;

- юклама ва уларнинг турлари.

Кўмакчи, боғловчи ва юкламалар ёрдамчи сўз туркумларидир, улар мустақил ҳолда ҳеч қандай лугавий маъно ифодаламайди ва гапда ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини ҳам бажармайди.

Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар ва гапларни бир-бирига боғлаш учун ҳамда сўз ва гапларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.

КЎМАКЧИ

От ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатувчи ёрдамчи сўзлар кўмакчи дейилади. Кўмакчилар мақсад (ўқиш учун келганмиз), сабаб (касаллиги учун келмади), пайт (совуқ кун сайин кучаймоқда), макон (мактаб томон

кетди), восита (эшикни ҳассаси билан очди), ўхшатиш (инсон каби яшаш керак) сингари маъно муносабатларини ифодалайди.

Кўмакчилар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Асл кўмакчилар ўзларининг аввалги лугавий маъноларини йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланиб қолган сўзлардир: учун, билан, каби, сингари, узра.

От кўмакчилар от (томон, тараф, олд, уст, орқа, юза, ўрнида) ва равиш (илгари, бурун, ичида, сўнг, кейин)дан чиққан кўмакчилардир.

Феъл кўмакчилар феълдан ўсиб чиққан кўмакчилар: яраша, кўра, қараганда, қараб, бошлаб, тортиб, бўйлаб. От ва феъл кўмакчилар ўрни билан мустақил сўз, ўрни билан кўмакчи сифатида қўлланилаверади: Комил онасини врачга бошлаб борди гапида бошлаб сўзи етакчи феъл ҳисобланса. Бугундан бошлаб ҳашарга чиқадиган бўлдиқ гапидаги бошлаб сўзи эса кўмакчи бўлиб келяпти.

Кўмакчилар бош, қаратқич, ўрин-пайт ва чиқиш келиши идаги сўзларни бошқариб келади:

-билан, учун, каби, сингари кўмакчилари бош келишидаги от ва қаратқич келишидаги олмош билан бирга келади: дўстим билан, онам учун, инсон каби, шунинг учун, шунинг билан, шунинг сингари;

-билан учун кўмакчилари шеъриятда қисқарган ҳолда била, ила-ла, -чун шаклларида қўлланилиши ҳам мумкин. -ла, -чун шакллари ўзидан олдинги сўзга чизикча орқали қўпилади: Қўл-ла сошлаб бўлмас мен яратган ҳайкални (А. С. Пушкин). Ҳаётим сенинг-чун айладим фидо.

-бўйлаб, узра, орқали кўмакчилари фақат бош келишидаги сўзлар билан бирга келади: водий бўйлаб, осмон узра, телефон орқали

-қадар, кўра, яраша, қараганда, томон кўмакчилари жўналиш келишидаги отларни бошқариб келади: тонга қадар, қоюдага кўра, гапингга қараганда, мактабга томон, меҳнатига яраша сўнг, кейин, илгари, бурун, аввал, буён, бошқа, ташқари, тортиб каби кўмакчилар эса чиқиш келишидаги отлар билан бирга келади: дўстимдан сўнг, байрамдан кейин, онадан бошқа, ва-зифалардан таш-қари.

Кўмакчилар грамматик вазифа жиҳатидан айрим келишиклар билан синоним ҳисобланади: учун, томон кўмакчилари жўналиш келишиги билан (онам учун олдим — онамга олдим, мактаб томон бордим — мактабга бордим); орқали, билан кўмакчилари ўрин-пайт ва

чиқин келишиклари билан (телефон орқали гапладим — телефонда гапладим, радио орқали эшитдим — радиодан эшитдим) билан синоним бўла олади.

БОГЛОВЧИ

Мустақил сўзлар ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади.

Боғловчилар вазифаларига кўра икки хил: тенг ва эргаштирувчи бўлади.

Тенг боғловчилар сўзларни (гаптаги уюшқ бўлакларни) ҳам боғлаш ан қўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам бир-бирига боғлайди. Улар маънолари ва грамматик хусусиятларига кўра тўрт хил бўлади:

а) бириктирувчи боғловчилар: ва, ҳам, ҳамда;

б) айирувчи боғловчилар: ё, ёки, ёхуд, гоҳ, дам, баъзан, хоҳ;

в) зидловчи боғловчилар: аммо, лекин, бироқ;

г) инкор боғловчиси: на.

Бириктирувчи боғловчи вазифасида баъзан билан кўмакчиси ҳамда -у, -ю, -да, ҳам юктамалари қўлланилиши мумкин: Собир билан Воҳид бир синфда ўқишади. Акрам уйга кирди-ю, тезда қайтиб чиқди. Ваган ҳам она мўътабар, азиз!

-у, -ю юктамалари зидловчи боғловчи вазифасида ҳам қўлланилади: Севинч унутилади-ю, қайгу унутилмайди.

Эргаштирувчи боғловчилар эргаш гаши қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди: чунки, шунинг учун, гўё, гўёки, агар, мабодо, башарти, гарчи.

Эргаштирувчи боғловчилар ўз навбатида маънолари ва грамматик хусусиятларига кўра аниқлов (-ки, ким), сабаб (чунки, шунинг учун, негаки, зероки), чоғиштирув (гўё, гўёки, худди), мақсад (деб, токи), шарт ва тўсиқсизлик (агар, агарда, мабодо, башарти, гарчи, гарчанд) боғловчилари каби турларга бўлинади.

Боғловчилар тузилишига кўра содда (агар, ҳам, ва, ҳамда), қўшма (шунинг учун); ишлатилишига кўра якка (ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ) ва такрорланувчи боғловчилар (ё. . . , ё. . . , гоҳ. . . , дам. . . , дам. . . , баъзан. . . , баъзан. . . , на. . . , на. . .) каби турларга бўлинади.

Айрим ҳолларда баъзан боғловчиси якка ҳолда қўлланиб пайт равиши бўлиб келади: Акрам баъзан қишлоққа бориб туради. Ёки боғловчиси такрорланмай ишлатилса, ундан олдин гапта ҳеч қандай тишиш белгиси қўйилмайди: Ўзинг борақол ёки мен келайми?

ЮКЛАМА

Айрим сўз ва гап мазмунига қўшимча маъно юкловчи ёрдамчи сўзлар юклама дейилади. Юкламалар сўз ва гапларга таъкид, сўроқ, кучайтирув, чегаралаш каби маъноларни юклайди. Шунга кўра улар қуйидаги турларга бўлинади:

а) сўроқ юкламалари: -ми, -чи, -а, -я (сўроқ юкламалари сўроқ гапларни ҳосил қилишда интироқ эгади);

б) таъкид юкламалари: -ку, -да, -у, -ю, -оқ (-ёқ);

в) кучайтирув юкламалари: наҳот(ки) ҳатто(ки), ахир;

г) айирув юкламалари: фақат, фақатгина, -гина (-кина, -қина);

д) аниқлов юкламаси: худди;

е) гумон юкламаси: -дир;

ё) инкор юкламаси: -на.

Юкламалар тузилишига кўра икки хил бўлади:

а) сўз юкламалар: ахир, ҳатто, наҳотки, худди, фақат;

д) қўшимча юкламалар: -ми, -чи, -ку, -да, -а, -я.

Айрим юкламалар чизиқча билан ажратиб ёзилади. Чунинчи: -чи, -ку, -да -а, -я юкламалари ҳар доим чизиқча билан ёзилади, -у, -ю юкламалари тегиз боғловчи сифатида жуфт сўзларни боғласа, чизиқчасиз ёзилади: кўю кўзи, меҳру муҳаббат; агар қўшма гаплар таркибидан содда гапларни боғласа, чизиқча қўйиб ёзилади: Ҳаво очивди-ю, куёни ҳарорати сезилмади.

-ми, -гина (-кина, -қина): дир, -оқ (-ёқ) юкламалари эса ҳамма вақт сўзга қўшиб ёзилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гап бўлаги вазифасида кела олмайдиган сўзлар қаторини топинг.

А) кўмакчи, ундов, сўз, равиш, от
В) от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш

С) кўмакчи, боғловчи, юклама

Д) сифат, олмош, кўмакчи, равиш

Е) юклама, равиш, боғловчи, кўмакчи

2. Қайси хусусиятлар ёрдамчи сўз туркумларига хос эмас?

А) лугавий маънога эгалик

В) грамматик маънога эгалик

С) гап бўлаги вазифасида кела олмаслик

Д) грамматик шаклга эгалик

Е) А ва С

3. Кўмакчилар қандай маъно муносабатларини ифодалайди?

- A) мақсад ва сабаб
- B) вақт ва макон
- C) восита
- D) ўхшатиш
- E) барча жавоблар тўғри

4. Қаратқич келишигидаги сўзларга қайси кўмакчилар бирикади?

- A) кўра, яраша
- B) томон, каби
- C) орқали, билан
- D) билан, учун
- E) қараб сўнг

5. Қайси кўмакчилар қисқарган шаклда қўлланилиши мумкин?

- A) томон сингари
- B) яраша, узра
- C) сари, ташқари
- D) аввал, сўнгра
- E) билан, учун

6. Кўмакчилар қайси келишиклар билан ўзаро синоним бўла олади?

- A) бош ва тушум келишиклар билан
- B) фақат бош келишиклар билан
- C) жўналиш, ўрин-пайт келишиги билан
- D) чиқиш, ўрин-пайт ва жўналиш келишиклари билан
- E) фақат ўрин-пайт келишиги билан

7. Сўнг, бошқа кўмакчилари қайси келишикдаги отни бошқаради?

- A) фақат бош келишикдаги отни

- B) чиқиш келишигидаги отни
- C) қаратқич келишигидаги отни
- D) жўналиш келишигидаги отни
- E) ўрин-пайт келишигидаги отни

8. Жўналиш келишигидаги от қайси кўмакчи билан бирикади?

- A) қарши, яраша, қараганда
- B) томон, билан, учун
- C) каби, сингари, ташқари
- D) кейин, узра, учун
- E) ҳақида, туфайли, сабабли

9. Кўмакчилардан аввал гапда қайси туркумга оид сўзлар келади?

- A) феъл ва сифат
- B) сон ва олмош
- C) равиш ва феъл
- D) от ва отланган сўзлар
- E) боғловчи ва юктам

10. Қайси қаторда сабаб маъносини ифодаловчи кўмакчи берилган?

- A) Ўқтам келмагани учун йиғилишни қолдирдик.
- B) Онам учун бир кийимлик атлас олдим.
- C) Халқимиз меҳнаткаш халқ, шунинг учун юртимиз обод.
- D) Бу ишлар сизга хамирдан қил суғургандай гап эмасми?
- E) Қуртлар инак учун ишлайди.

11. Кўмакчилар . . .

- A) ўзи ёлғиз гап бўлаги ҳисобланади.
- B) ўзидан олдин келган сўз билан бирга гап бўлаги ҳисобланади.

- С) ўзидан кейин келган сўз билан бирга гап бўлаги ҳисобланади
 D) умуман гап бўлаги ҳисобланмайди.
 E) барча жавоблар хато
12. Топшкентга довон орқали бордик.
 Ушбу гапдаги кўмакчи қайси қаторда кўрсатилган?
 A) Топшкентга
 B) довон
 C) орқали
 D) бордик
 E) кўмакчи беришмаган
13. Асл кўмакчилар қаторини топинг.
 A) билан, яраша, учун
 B) орқали, сабабли, туфайли
 C) сингари, каби, томон
 D) яраша, қараганда, бўйлаб
 E) билан, учун, каби, сингари
14. Феълдан ўсиб чиққан кўмакчилар қаторини аниқланг.
 A) қараганда, бошлаб, тортиб
 B) билан, учун, каби
 C) кейин, сўнг, бурун
 D) орқасида, ўрнида, учида
 E) кейин, ташқари, илгари
15. Равишлардан ўсиб чиққан кўмакчилар қаторини топинг.
 A) бошлаб, тортиб, томон
 B) сари, сайин, сингари, учун
 C) ичида, учида, илгари
 D) кейин, сўнг, қараганда
 E) бошқа, қарши, кўра
16. Қайси гапда ўриш-пайт келишиги ўрнида кўмакчини қўллаш мумкин?
 A) Бутун қишлоқ осуда уйқуда.
 B) Уйда, кўчада ўзини-ўзини одобли тутиш.
 C) Ҳаётда нималар кечмайди бошдан.
 D) Бизга ҳаётингиздан гапириб беринг.
 E) Хатни қаламда ёзган экансиз.
17. Қайси гапда чиқиш келишиги ўрнида кўмакчини қўллаш мумкин?
 A) Бизга ҳаётингиздан сўзлаб берсангиз.
 B) Кечадан бери ёмғир тинмайди.
 C) Радиодан таниш овозингизни эшитдик.
 D) Биздан ўпқаламасангиз ҳам бўлади.
 E) А ва С
18. Билан кўмакчиси қайси гапда боғловчи вазифасида қўлланган?
 A) Сиз билан суҳбатлашгани келдим.
 B) Шунинг билан концертимиз татомом.
 C) Қишлоққа бувиси билан кетди.
 D) Шоира билан Севара бирга ўқийди.
 E) Бола билан гўзалдир олам.
19. Қайси гапда жўналиш келишиги қўшимчасини кўмакчи билан алмаштира бўлади?
 A) Ўзингга эҳтиёт бўл болам.

В) Сизга нима бўлди, нега хомуш-сиз.

С) Кишига зебу зийнат илм-ла ҳикматдур.

Д) Ўрозали ўзинга сира қарамай қўйди.

Е) А, В, С, Д

20. Тенг боғловчилар қандай вазифа бажаради?

А) сўз ва гашларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.

В) от ва отланган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатади.

С) эргаш гаши қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.

Д) сўзларни, тенг муносабатли қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.

Е) барча жавоблар тўғри

21. Эргаштирувчи боғловчилар...

А) уюшиқ бўлақларни боғлаш учун хизмат қилади.

В) эргаш гаши қўшма гашлар таркибидаги гашларни боғлаш учун хизмат қилади.

С) тенг муносабатли қўшма гашлар қисмларини боғлайди

Д) сўзларга қўшимча маънолар юклаш учун хизмат қилади.

Е) от ва отланган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини ифодалайди.

22. Тенг боғловчилар вазифасига кўра...

А) якка ва такрор бўлади.

В) содда ва мураккаб бўлади.

С) айирув, зидлов, бириктирув боғловчиларига бўлинади.

Д) А ва В

Е) А, В, С

23. Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

А) бириктирув боғловчилари

В) айирув боғловчилари

С) зидлов боғловчилари

Д) А, В, С

Е) Тўғри жавоб йўқ.

24. Қайси қатордаги гапда эргаштирувчи боғловчилар мавжуд?

А) ва, ҳамда, ҳам

В) агар, чулки, мабодо

С) дам, гоҳ, хоҳ

Д) ё, ёки, ёинки

Е) аммо, лекин, бироқ

25. -у, -ю юклагаси қайси гапда зидлов боғловчиси сифатида қўлланган?

А) Эрта-ю кеч умидимиз сиздан.

В) Ҳаво очилди-ю, кун исимади.

С) Дониёр ўқиндан келди-ю, дарс тайёрланга тушди.

Д) Сифни бошига кўтарган бола шу-ю.

Е) Далада кўю кўзилар ўтламоқда.

26. Қайси гапда -ю юклагаси бириктирувчи боғловчи ўрнида қўлланган?

А) Собир кеди-ю, Акрам кўринмади.

- В) Қор ёрди-ю, излар босиди.
 С) Ўғил бўлади-ю, онасини севмай-
 дими?
 Д) Олма-анорлар гарқ пишиб ётиб-
 ди-ю...
 Е) Кўнтил йиғлайди-ю, кўшларда ёш
 йўк.

27. Эргаштирувчи боғловчи
 қатнашган гапни тошинг.
 А) Дам пайнинг майин оҳанги, дам
 ҳофизнинг дилкаш овози қулоққа
 чалиниб қолади.
 В) Баъзан Салимларникига борар-
 дим.
 С) Ё сиз келинг, ё мен борай.
 Д) Сиз буюк инсонсиз, шунинг учун
 ҳамма сизга эргашади.
 Е) Бахт улуг нъмат, аммо унга ҳар
 ким эришолмайди.

28. Сўз ва гапларга қўшимча
 маъно берувчи ёрдамчи
 сўзлар. . .
 А) боғловчилар
 В) ундов сўзлар
 С) модал сўзлар
 Д) кўмакчилар
 Е) юкламалар

29. Юкламаларнинг маъносига
 кўра турлари қайси қаторда
 тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?
 А) сўроқ ва таажуб: -ми, -чи, -а, -я
 В) таъкид ва кучайтирув: -ку, -да, -
 у, -оқ, (-ёқ), ахир, ҳатто, наҳотки
 С) айирув ва чегаралов: -гина, (-
 кина, -кина) фақат, ёлғиз, холос
 Д) гумон: -дир, аниқлов: худди
 Е) А, В, С, Д

30. Қуйидаги хусусиятлардан
 қайси бири юкламаларга хос?
 А) грамматик вазифага эгаллик
 В) лугавий маънога эгаллик
 С) гап бўлаги вазифасида кела
 олиш
 Д) грамматик маънога эгаллик
 Е) А ва Д жавоблари

31. Қуйидаги мисраларда юк-
 ламаларнинг қайси турлари
 иштирок этган?
 Наҳотки одамлар кезиб дарбадар.
 Наҳотки дарёлар оқар тескари,
 Ахир жуда яқин қонли иштиқом...
 (Ғ. Ғуллом.)
 А) таъкид ва кучайтирув юкламалари
 В) сўроқ юкламаси
 С) фақат кучайтирув юкламаси
 Д) кучайтирув ва сўроқ юкламалари
 Е) сўроқ ва айирув юкламалари

32. Қуйидаги гапдаги юклама-
 лар миқдорини аниқланг.
 Мен-ку, бу ишни эшларман-а, ўзи-
 нгиз-чи, бирор эвини қила оласиз-
 ми?
 А) 3га
 В) 4га
 С) 5га
 Д) 6га
 Е) 2га

33. Қуйидаги гапларнинг қай-
 си бирида ёлғиз сўзи юклама
 сифатида қўлланган?
 1. Ўзимнинг ёлғизим, кўзимнинг
 нури, белимнинг қуввати.
 2. Уйда ёлғиз онанинг ўзи қолди.
 3. Ота қишлоқда ёлғиз қолди.

4. Йиғилишда ёлғиз зиёлилар қатнашдилар.

- A) 1,2,3,4
- B) 2,4
- C) 1,3
- D) 1,2,4
- E) 2,3,4

34. Қуйидаги гапларнинг қайси бирида юклама қўлланган?

1. Шўрлик болагина не азобларни бошидан кечирмади-я.

2. Онагинам, дориломон кунлар келди, нурлари ял-ял. !.

3. Энди мендан гина қилмасангиз ҳам бўлади, овсин.

4. Ойижон, ойижон, билаккинам оғрий-ди-я...

- A) 1 ва 2
- B) 2 ва 3
- C) 1 ва 4
- D) 1 ва 3
- E) юклама қўлланмаган

35. -гина юкласи қандай кўшимчаларни қабул қилиши мумкин?

- A) келишик ва эғалик кўшимчаларини
- B) кўшлик кўшимчасини
- C) шахс-сон кўшимчаларини
- D) замон кўшимчаларини
- E) Ҳеч қандай кўшимчаларни олмайди.

36. Қайси юкламалар сўзга кўшиб ёзилади?

- A) -гина, -ми, -чи, -ку, -оқ (-ёқ)
- B) -ми, -гина, -чи, -а, -я, -да
- C) а, -я, -ку, -да, -у, -ю

- D) -гина, -ми, -оқ (-ёқ) -дир
- E) барча юкламалар

37. Қайси юкламалар доимо чизиқча билан ёзилади?

- A) барча юкламалар
- B) -ми, -чи, -гина, -ку, -да
- C) -чи, -ку, -да, -а, -я
- D) -чи, -ми, -кина, -дир, -оқ (-ёқ)
- E) -у, -ю, -ку, -да, -а, -я, -ми

38. Юкламалар гапда қандай гап бўлаги вазифасида кела олади?

- A) эга, аниқловчи
- B) кесим, аниқловчи, тўлдирувчи
- C) фақат ҳол
- D) фақат аниқловчи ва тўлдирувчи
- E) Гап бўлаги вазифасини бажармайди.

39. Қайси қатордаги юкламалар хато ёзилган?

- A) келди-ю кетди, сизу биз
- B) кузатади-да, қайтади
- C) ўзингиз-чи, кетмайсизми
- D) болагина, ўзингиз-ку
- E) сизчи, кетасиз-ми?

40. Қайси фикр хато?

- A) барча юкламалар чизиқча билан ёзилади.
- B) -ми: гина, -оқ, -ёқ, -дир юкламалари сўзга кўшиб ёзилади
- C) хатто, наҳотки, ахир, фақат юкламалари сўз юкламалар ҳисобланади
- D) юкламалар мустақил ҳолда лугавий маъно ифодаламайди
- E) юкламалар гап бўлаги вазифасини бажармайди.

УНДОВ, ТАҚЛИД ВА МОДАЛ СЎЗЛАР

Нималарни билишингиз керак?

- ундов сўзлар, уларнинг айрим грамматик хусусиятлари;
- ундовларнинг қўлланиш доираси ва грамматик табиати-га кўра турлари;
- тақлид сўзлар ва уларнинг грамматик хусусиятлари;
- тақлид сўзларнинг турлари;
- модал сўзлар ва уларнинг грамматик хусусиятлари;

УНДОВ СЎЗЛАР

Ҳис-ҳаяжон, буйруқ, истак, чақириқ, табрик, ҳайдаш каби турли маъно қирраларини ифодаловчи сўзлар ундов сўзлар дейилади. Ундов сўзлар гап бўлаклари билан грамматик алоқага кириша олмайди ва гап бўлаги вазифасида ҳам қўлланмайди. Улар турлича (эмоция) ҳис-ҳаяжонни ифодалашига кўра икки хил бўлади:

1. Ҳис-ҳаяжон ундовлари.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари қуйидаги маъноларни англатади:

- севинч ва шодлик (оҳ, эҳ, о, бай-бай);
- ўқинч, қайғуриш ва азоб (оҳ, э-вой, воей, вой-вой);
- таажжуб ва ҳайронлик (ия, ис, и-и, э-э, ўҳ-ҳў);
- нафрат, пичинг (эх, тфу, э, ия, ис);
- чарчаш, толиқиш (уф, уҳ, вой-вой, воей);
- қизганиш (оҳо, ҳув, ҳу) ва чақириш (ҳой, ҳуй, ҳей, алло);
- маъқулланш, рағбат (баракалла, яшаанг, ҳорманг, офарин, бор бўлинг)

2. Ҳайдаш - чақириш ундовлари

Ундовларнинг бу тури асосан ҳайвон ва паррандаларни ҳайдаш, ча-қириш учун қўлланилади: ту-ту, маҳ-маҳ, қурей-қурей, куч-куч, беҳ-беҳ, чух, нинт, киш, дирр, хўўш, хўўк, так-так).

Ундовлар отлашини мумкин, отланган тақдирда улар отга хос барча грамматик белгиларга эга бўлади: турланади ("вой - вой"нинг ийгиштири), эгалик, кўплик қўшимчаларини қабул қилади ("оҳ-воҳ"-ларинг ийгиштири) отга хос синтактик вазифаларни бажаради.

Ундов сўзлар якка, қўшма ва жуфт ҳолда қўлланади.

ТАҚЛИД СЎЗЛАР

Борлиқдаги предметларнинг ҳамда табиат ҳодисаларидаги турли товушлар, шарна ва кўринишларига тақлидни билдирувчи сўзлар тақлидий сўзлар дейилади. Тақлидий сўзлар икки хил бўлади:

1. Товушларга тақлид билдирувчи сўзлар.

Товушга тақлидни билдирувчи сўзлар кишилар ва ҳайвон, паррандаларга хос товушларига тақлидни (хўнг-хўнг, чиқ-чиқ, инга-инга, шивир-шивир, говур-говур), дун-дун, дук-дук, “миёв” “ванг”, “мўў”, маа, зув-зув, виз-виз, гув-гув) ҳамда табиатдаги жонсиз нарсалар товушларига тақлидни (пақ-пақ, чирс, чарс - чурс, гумбур, тик-тик, чиқ-чиқ, так-тук, қасир-қусур, қарс, жарапг-журунг, чирт).

2. Шуъла, кўриниш, образга тақлидни билдирувчи тақлид сўзлар.

Тақлид сўзларнинг бу турида бир лаҳзалик акс этган шуъла, образ (йилт, ялт) шакл ва предметларнинг ташқи қиёфаси ва ҳолати (дир-дир, мўлт-мўлт, ханг-манг, жовдир-жовдир, ликанг-ликанг, лапанг-лапанг), предметларнинг турғун ҳолатдаги кўринишига тақлид (лапг, милт-милт, лиц, ярқ-юрқ, ярқ-ярқ, дув-дув, йилт-йилт) каби маънолар англанади.

Тақлидий сўзлар гапда эга (Залда говур-говур кўтарилиди), аниқловчи (Атрофдан гир-гир шабада эсарди), ҳол (Ойдинда йилтираган луччаки шафтолилар дув-дув тўкилди), кесим вазибаларида (Йўллар билч-билч) келади.

Тақлидий сўзлар ҳам отлашиши мумкин, отлашган тақдирда у отга хос грамматик хусусиятларга эга бўлади: турланади (Қурбақаларнинг “вақир-вуқур”ига ўрганиб қолганмиз), эгаллик қўшимчаларини қабул қилади (Ичкаридан соатнинг чиқ-чиқи эшитиларди), отга хос синтактик вазибаларни бажаради.

Тақлид сўзлар ёлғиз (пақ, гул), жуфт (қасир-қусур) ва такрор (милт-милт) ҳолда қўлланиши мумкин.

МОДАЛ СЎЗЛАР

Сўзловчининг ўзи билдирган фикрга, воқеа-ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи сўзлар модал сўзлар (лотинча “модус”-усул, ўлчов) дейилади. Модал сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) ишонч ва тасдиқни (тўғри, албатта, шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, табиий, ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат);

б) шубҳа ва гумонни: афтидан, чамаси, шекилли, эҳтимол;

в) афсусланиш, ачинишни (эсиз, аттанг, афсус);

г) бирор воқеа-ҳодисадан қониқиш, хурсандликни (хайрият, шукр)

д) мавжудлик ва тасдиқни: ҳамда инкорни (бор, йўқ, ҳўн, майли, яхши, дуруст);

е) баён этилган фикрнинг аввалги фикр билан муносабати ва тартибини (хуллас, умуман, демак, модомики, бинобарин, биринчидан, аввало).

Модал сўзларнинг кўп қисми гапда кириш сўз вазифасини бажаради. Модал сўзлар сўз — гап сифатида қўлланиши мумкин: — Бугун театрга борасизми. — Йўқ.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гап бўлаги вазифасида қўлланмайдиган сўз қайси гапда қатнашган?

А) Ичкаридан чақалоқнинг “инга”си эшитиларди.

В) Қизнинг, ариқ лабида ўйлашиб турган Маҳбубанинг, кўнглидан ҳозир нималар кечаётганини ким билсин.

С) Оҳ, у кунларни менга эслатма, ўғлим.

Д) Шу йўлдан тўғри борсангиз, бизнинг қишлоқдан чиқасиз.

Е) Баланд тоғлардан жилғалар жилдираб оқмоқда.

2. Ҳе, қўйсанг-чи, Максим, бу бош оғригингни.

Ушбу гапда қўлланган ҳе сўзи маъносига кўра қандай сўз ҳисобланади:

А) тақлид сўзлар

В) ундов сўзлар

С) модал сўз

Д) буйруқ феъли

Е) от

3. Оҳ ундов сўзи қандай маъноларни ифодалайди?

А) шодлик ва ҳаяжонни

В) афсус ва падоматни

С) ачиниш маъносини

Д) ҳайратланиш маъносини

Е) А, В, С, Д

4. 1. Ундов сўзлар. 2. Тақлид сўзлар. 3. Модал сўзлар

Ушбу сўзлардан қайсилари жуфт ва такрор ҳолда қўлланиши мумкин?

А) фақат 1

В) фақат 2

С) фақат 3

Д) 1 ва 2

Е) 1, 2, 3

5. Янги келип меҳмонларга қуллук қилди.

Ушбу гаптаги қуллук сўзи қайси туркумга хос?

- A) ундов сўз
- B) тақлид сўз
- C) модал сўз
- D) қуллук қилди биргаликда қўшма феъл
- E) кўмакчи

6. Қуллук, дўстим, минг марта қуллук!

Ушбу гаптаги қуллук сўзи қайси туркумга мансуб?

- A) модал сўз
- B) тақлид сўз
- C) феъл
- D) оломш
- E) ундов сўз

7. Нутқда қўлланиладиган “хўйш”, “хўйк” сўзлари қандай маъноларни англатади:

- A) ҳис-ҳаяжонни
- B) тақлидни
- C) ҳайвон (сигир, ҳўкиз)ни тўхта-тишни
- D) ҳайвонларни ҳайдашни
- E) ҳайвонларни чақиритишни

8. Ундовлар отлашганда, қандай белгиларга эга бўлади?

- A) феълларга хос тусланади
- B) отларга хос турланади
- C) синтаксик вазифаларни бажаради.
- D) ясовчи қўшимчаларни қабул қилади
- E) В ва С

9. Қайси хусусият тақлид сўзларга хос эмас?

- A) тақлид сўзлар эга бўлиб келади
- B) улардан от, феъллар ясаш мумкин.
- C) баъзан отлашиб, турланиши мумкин.
- D) якка, жуфт ва такрор ҳолда қўлланади
- E) Барча жавоблар тўғри.

10. Эшиклар ланг очик эди.

Ушбу гаптаги ланг сўзи қайси туркумга мансуб?

- A) ундов сўз B) модал сўз
- C) тақлид сўз
- D) ланг очик биргаликда сифат
- E) ланг очик эди қўшма феъл

11. Шуъла, кўринишга тақлид сўзлар қайси қаторда берилган?

- A) дук-дук, милт-милт, йилт-йилт
- B) ярқ-ярқ, лип-лип, чаре-чурс
- C) дангир-дунгур, тарақ-туруқ
- D) гир-гир, физ-физ, виз-виз
- E) лип, милт-милт, йилт-йилт

12. Товушга тақлид сўзлар қаторини тоинг:

- A) ҳанг-манг, лим-лим, лоп-лоп
- B) вишиш, пат-пат, шақ-шуқ
- C) култ-култ, аланг-жаланг, гуж-гуж
- D) апил-гапил, иланг-биланг, физ-физ
- E) йилт-йилт, ярқ-юрқ, лик-лик

13. Отлашган тақлид сўзлар қайси гапта қўлланган?

- A) Ғулумжөн анил-ганил кийинди.
- B) Унинг кўзлари жовдирарди.
- C) Хўрознинг “ку-ку”си эшитилди.
- D) Ҳамма ёқни “тир...р...р, тир...р...р” босиб кетди.
- E) C ва D

14. Тақлид сўз отланмаган гапни танинг?

- A) Мусичанинг “гув-гув”и эшитилади.
- B) Чироқларнинг милтираши жонга тегди.
- C) Қоронғида одамларнинг говур-гузури қулоққа чалинарди.
- D) Араванинг тарақ-туруғи эшитилдими, кўчага югурардим.
- E) Нимадир қарс-қурс портлади.

15. Қайси гапда ундов сўз отланган?

- A) Керак эмас бунча оҳ-воҳлар.
- B) Эҳ, ҳозир онам тирилиб келгандами!
- C) Вой, Салимахон, шу ўзингизми?
- D) Эҳе, ишлар катта-ку, азаматлар.
- E) Ис, ие, кимни кўряпман.

16. Модал сўзлар деб. . .

- A) сўзловчининг ташқи оламга муносабати натижасида юзага келувчи ҳис-ҳаяжонни билдирувчи сўзларга айтилади.
- B) сўзловчининг ўз фикрига муносабатини билдирувчи сўзларга айтилади.
- C) табиат ҳодисалари, предметларнинг товушларига тақлидни билдирадиган сўзларга айтилади.
- D) ҳайвон ва паррандаларни ҳай-

даш учун қўлланадиган сўзларга айтилади

- E) Барча жавоблар хато.

17. Модал сўзлар қайси қатордаги гапда қатнашган?

- A) Оҳ, у ёшлик, у бебоншлик!
- B) Ия, нима деясан, хумпар?
- C) Хайрият, бизнинг бағримизга ҳам шамол тегаркан.
- D) Уйдан аёлнинг ниқиллагани эшитилди.
- E) Модал сўз қатнашмаган.

18. Афсус, ачиниш маъносини ифодалаган модал сўзлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) ичунин, модомики, эҳтимол, албатта
- B) бахтга қарши, аттанг, афсуски, таассуфки
- C) бахтимизга, хайрият, шукр, яхши
- D) майли, хўп, йўқ, эссиз, аттанг
- E) биринчидан, демак, аввало, бор.

С И Н Т А К С И С

СЎЗ БИРИКМАСИ ВА ГАП

Нималарни билишингиз керак?

- гапларнинг қандай тузилиши;
- сўзларнинг ўзаро боғланиши : тенг ва тобе боғланиш;
- сўз бирикмалари ва уларнинг қисмлари;
- эргаш ва бош сўзларнинг бирикши йўллари;
- гап ва унинг сўз бирикмаларидан фарқи.

Синтаксис (грекча “синтаксис”-тузиш демакдир) грамматиканинг алоҳида бир қисми бўлиб, унда сўзларнинг ўзаро бирикиш йўллари, гап ва унинг грамматик хусусиятлари ўрганилади. Морфологияда сўз ва унинг грамматик шакли ҳамда хусусиятларини ўрганиш эдик, синтаксисда эса гап хусусида баҳс юритамиз.

Биз ўзаро мулоқотда бўлганимизда, гап орқали ўз фикримизни баён этамиз. Гап, одатда, бирдан ортиқ сўзлардан ташкил топиб, унда сўзлар ўзаро грамматик воситалар ва қонун-қоидалар асосида (қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, тартиб, оҳанг ёрдамида) бирикади. Масалан, мактаб, кутубхона, янги, китоб, келтирмоқ каби сўзларни қатор тизиб қўйганимиз билан, улар ҳали ҳеч қандай фикрни ифодаламайди. Биз ана шу сўзларни грамматик жиҳатдан шакллантирганимиздагина, маълум бир фикр англай оламиз. Мактаб кутубхонасига янги китоблар келтирилди. Ушбу гап қуйиласи сўз бирикмалари ёрдамида ҳосил қилинган:

- а) мактаб кутубхонаси
- в). янги китоблар
- с) китоблар келтирилди
- д) кутубхонага келтирилди
- е) янги китоблар келтирилди

Сўз бирикмаси деганда, икки ёки undan ортиқ сўзларнинг бири иккинчисига тобеланиб бирикиши ва уларда маълум бир муносабатнинг ифодаланиши тушунилади.

Сўзлар ўзаро икки хил йўл билан: тенг ва тобе боғланади.

Тенг боғланишда сўзлар қўшилмасининг ҳар икки қисми ҳам мустақил бўлади, яъни бири иккинчисига тобе бўлмайди, бири иккинчисининг маъносини изоҳламайди, тўлдирмайди, улар ўзаро тенг боғловчи-

лар, тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар ва оҳанг йўли билан бирикади: ўқитувчилар ва ўқувчилар, ўқитувчилар билан ўқувчилар, ўқитувчилару ўқувчилар ёки ўқитувчилар, ўқувчилар.

Тобе боғланишда эса сўзлар бири иккинчисига эргашиб, тобе бўлиб бирикади, бири иккинчисининг маъносини изоҳлайди, тўлдирлади, ойдинлаштиради. Тобе боғланиш натижасида сўз бирикмаси ҳосил бўлади: кузги янроқ, укамдан олмоқ каби.

Сўз бирикмаси икки қисмдан: бош сўз (ҳоким сўз) ва эргаш сўз (тобе сўз)лардан иборат бўлади. Бош сўз доимо эргаш сўздан кейин келади ва улар бир-бири билан келишниклар, кўмакчилар ҳамда оҳанг (тартиб) ёрдамида боғланади.

Сўз бирикмасидаги асосий маъно бош сўздан аниқлашади. Масалан, тиниқ осмон деганда, осмонни тушунамиз, тиниқ сўзи эса бош сўзнинг маъносини изоҳлаяпти, ойдинлаштиряпти, яъни осмоннинг булутли эмас, тиниқ эканлигини билдирияпти. Ёки ўқитувчидан сўраш бирикмасида, табиийки, бирор нарсани сўрашни тушунамиз, демак у бош сўз, ўқитувчидан сўзи эса эргаш сўз бўлиб, бош сўзнинг маъносини изоҳлаяпти: бошқа бирор кишидан эмас, айнан ўқитувчидан сўраш тушунилаяпти.

Эргаш сўзнинг бош сўзга бирикиш усуллари
Эргаш сўз бош сўзга қуйидаги йўллар билан бирикади:

1. Мослашув.

Эргаш сўзнинг бош сўзга шаклига шахе ва сонда мувофиқ келиши мослашув деб юритилади: укамнинг китоби. Бунда эргаш сўз (укамнинг) ҳам, бош сўз (китоби) ҳам III шахе бирликда ўзаро мослашган.

Мослашувда эргаш сўз бош сўз билан қаратқич келишиги ҳамда эгалик кўшимчалари орқали бирикади. Айрим ҳолларда мослашувда қаратқич келишигининг кўшимчаси (-нинг) ҳамда эгалик кўшимчаси (-имиз) қўлланмаслиги мумкин: инсоннинг қадри — инсон қадри, бизнинг уйимиз — бизнинг уй. Баъзан иккаласининг ҳам қўлланмаслик ҳоллари учрайди: Ўз ерни кўйиб Ҳинд сори юзландим... (Бобур.)

Шуни албатта таъкидлаш жоизки, қаратқич ва қаралмиш шахсда албатта мослашиши шарт, сонда эса мослашиши ҳам мослашмаслиги ҳам мумкин: онамнинг дугонаси — онамнинг дугоналари (иккинчи бирикмада қаратқич ва қаралмиш сонда мослашмаган)

Эга ва кесимнинг шахе ва сонда мос келиши ҳам мослашув ҳисобланади: болалар келипти (эга ҳам, кесим ҳам III шахе кўшликда қўлланган) Эга ва кесим шахсда албатта мослашиши шарт, сонда эса баъзан мослашмаслиги ҳам мумкин (агар эга жонсиз нарсалар, ту-

шунча, ҳайвон ва паррандаларни ифодаласа): Стол устида китоблар, журналлар, газеталар турибди. Қушлар сайради. Бизнинг гилмоялар Россия гилмояларидан фарқ қиладилар эмас, фарқ қиладигарзида қўлланилади.

2. Бошқарув.

Эргаш сўзининг бош сўз талаб қилган шаклда келиши бошқарув дейилади. Бошқарувда эргаш сўз билан бош сўз тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ҳамда билан, учун, ҳақида, тўғрисида, ор-қали, каби, сари, сингари, туфайли, узра ва бошқа кўмакчилар ёрдамида бирикади: дўстга садоқат, шонрни учратиш, ўқитувчидан сўраш, расеом билан учрашув, дўст ҳақида суҳбат, телефон орқали гаплашиш ва ҳ. к.

Бошқарувда агар эргаш сўз турдош от билан ифодаланган бўлса, тушум келишини қўшимчаси қўлланмаслиги мумкин: чой ичмоқ, китоб ўқимоқ, пахта термоқ. Агар эргаш сўз атоқли от бўлса, унда албатта эргаш сўз белгиси қўлланилади: Ташкент айланмоқ эмас, Ташкентни айланмоқ, Акрам учратмоқ эмас, Акрамни учратмоқ тарзида ишлатилади.

Бошқарувли бирикнишда келишик қўшимчалари ва кўмакчилар эргаш сўз таркибида келади. Шунга кўра келишикли (уйдан чиқмоқ) ва кўмакчили (радио орқали хабар қилмоқ) бошқарув деб юритилади.

3. Битишув.

Эргаш сўзининг бош сўз билан ҳеч қандай келишикларсиз ёки кўмакчиларсиз, тартиб ва оҳанг (интонация) йўли билан бирикиши битишув ҳисобланади. Бунда бош сўз сифатида кўпроқ от ва феъл (тиниқ сув, қизил олма, завқланиб гапириш, уйга қайтиш), эргаш сўз сифатида эса сифат ва равишлар қўлланилиши мумкин (гўзал қиз, тезда қайтиш).

Изоҳ: Ёлғондан гапириш, тезда қайтиш, қўққисдан кириб келиш бирикмаларидаги -га, -да, -дан шаклларини келишик сифатида тушунамаслик лозим, улар бутунича равиш ҳисобланади ва шу боисдан бундай бирикнишни бошқарувли эмас, битишувли бирикниш сифатида тушунамогимиз керак.

Битишувда бош ва эргаш сўзларнинг ўрнини алмашгирсак, гап ҳосил бўлади: ақлли бола — Бола ақлли.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб, сўз бирикмаларини уч турга ажратамиз:

1. Отли бирикма.

Бош сўзи от, сифат, сон, оломон билан ифодаланган сўз бирикмалари отли бирикма ҳисобланади: кенг кўча, менда ўнга, ҳаммадан тўзат, ўқувчиларнинг бари. Ўзбек тилида сўз бирикмалари сонли бирикма, сифатли бирикма, ёки оломонли бирикма сифатида тасниф этилмайди.

Отли бирикмалар кўпинча мослашув ва битишув орқали бириккан бўлади: дўстимнинг дўсти (мослашув), иссиқ сув (битишув).

2. Феълли бирикма.

Бош сўз феъл шакллари билан ифодаланса, феълли бирикма ҳисобланади: мактабда ўқийди, тез югурган, мулойим жилмайиб, тез югуриш каби.

3. Равишли бирикма.

Бош сўз равиш билан ифодаланган бўлса, равишли бирикма ҳисобланади: менда кўп, ҳаммадан тез, ҳаммадан илгари.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўз бирикмалари тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Бош ва эргаш сўزلардан бири ёки ҳар иккиси битта сўзлашганкил тошган бўлса, содда бирикма ҳисобланади (тезда қайтиш, дўстга ҳурмат).

Такрор сўзлар ва иборалар билан тузилган бирикмаларни ҳам содда бирикмалар сифатида тушуниш керак: тапдир-тапдир ношлар, бағри кенг оналар, ёлғиз оёқ йўл каби.

Эргаш ва бош сўزلардан бири ёки ҳар иккиси икки ёки ундан ортук сўزلардан иборат бўлса, бундай бирикмаларни мураккаб бирикмалар деймиз: китоби кўп кутубхона, баҳор фаслида қайтиш, майдони кенг ҳовли, сочи узун қиз.

ҒАП ВА УНИНГ СЎЗ БИРИКМАЛАРИДАН ФАРҚИ

Ғап нутқ ва муомала воситасининг биринчи ҳисобланиб, воқеликни ва сўзловчининг унга бўлган муносабатини ифодаловчи, грамматик

ва мазмун жиҳатдан шаклланган сўзлар қўйилмасидир. Нутқ товушлари сўзларни, сўзлар сўз бирикмаларини, сўз бирикмалари эса гапларни шакллантиради. Гап куйи-даги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

а) сўзлар маълум грамматик воситалар ёрдамида ҳамда грамматик қонун-қоидалар асосида бириккан бўлади: Даладаги ҳосилни йиғиб олишда ҳашарчиларнинг ёрдамида фойдаланиш. Бу гапда -да, -ни, -иб, -ниш, -дан, -ди, -к сингари турли морфологик шакллар ишлатилган, гапни ташкил этган даладаги ҳосил, ҳосилни йиғиб олиш, ҳашарчиларнинг ёрдами, ҳашарчиларнинг ёрдамида фойдаланиш, йиғиб олишда фойдаланиш каби сўз бирикмалари эса маълум грамматик қонун-қоидалар асосида бириккан.

б) гапда бирор фикр ифодаланган бўлади, воқелик ҳақида хабар берилади ёки шу воқеликка сўзловчининг турлича муносабати баён қилинади: Баҳор келди (хабар мазмуни). Бутун шу ерда қоласизми? (сўроқ мазмуни). Китобингизни бериб турсангиз (илтимос). Кўриниб турибдики, ҳар учала гапда воқелик ҳақида хабар, сўзловчининг воқеликка турлича муносабати (сўроғи, илтимоси) ифодаланган.

в) гап оҳанг, интонация жиҳатидан тугалланган бўлади. Гап тугагач, одатда, пауза қилинади ва ундан сўнг иккинчи гап бошланади. Тонг отди. Узоқдан ушдан тоғ чўққилари кўзга таппилди.

г) гап алоқа-аралашувнинг энг кичик бирлиги саналади.

Изоҳ: Гапда пауза алоҳида аҳамиятга эга. Гап қисмлари (синтагмалар) ҳам пауза билан ажратилади. Паузанинг алмашиши гап мазмунига таъсир қилиши мумкин: Баланд болаҳонали уй бирикмасида баланд сўздан сўнг пауза қилинса, уйнинг балаандлиги, болаҳонали сўздан сўнг пауза қилинса, болаҳонанинг балаандлиги тушунилади.

Юқоридаги хусусиятларнинг ҳеч бири сўз бирикмаларига ҳос эмас, чунки сўз бирикмасида ҳеч қандай фикр ифодаланмайди (маъно ифодаланмади, ҳолос): ўқувчиларнинг бири, мўл ҳосил. Сўз бирикмалари нисбий ва интонацион тугалликка ҳам эга бўлмайди. Қийслаб кўрайлик: ширин олма (ҳали бирор фикр ифодаланмаган, фақат олма — предмет аниқлашилган, ҳолос), Олма ширин деганда эса, олманин ширин эканлиги ҳақида хабар бериляпти, фикр ифодаланяпти, бу фикр нисбий тугалланган, интонацион жиҳатдан ҳам тугалликка эга, шунинг учун у гап ҳисобланади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Синтаксисда нима ўрганилади?
А) сўзларнинг грамматик шакли ва хусусиятлари
В) сўзларнинг маънолари
С) гап, унинг грамматик хусусиятлари
D) сўзларнинг ўзаро бирикиш йўлининг
E) C ва D
2. Сўзларнинг ўзаро бирикиш усуллари тўғри кўрсатилган жавоб қайси?
А) ўзаро тобеланиш йўли билан
В) тенг боғланиш йўли билан
С) фақат оҳанг (интонация) йўли билан
D) фақат келишик қўшимчалари билан
E) A ва B
3. Тенг боғланиш деганда, нима назарда тутилади?
А) қўшма сўзлар, жуфт сўзлар бирикиши
В) сўзларнинг келишиклар ва кўмакчилар ёрдамида бирикиши
С) сўзларнинг бир-бирига тенг боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида бирикиши
D) сўзларнинг бири-бирига тенг боғловчилар ва келишиклар ёрдамида бирикиши
E) сўзларнинг бир-бирига фақат кўмакчилар ёрдамида бирикиши
4. Тенг боғланган сўзлар қатори кўрсатинг:
А) ҳаётдан завқланиш, уруш ва тинчлик
В) муҳаббат шабаласи, севги-салодқат,
С) техника янгиликлари, қўли очиқ
D) санъаткор ва мухлис, меҳру вафо
E) санъат шайдоси, китоб ўқиб
5. Сўз бирикмаси. . .
А) сўзларнинг ўзаро бири иккинчиси га тобе бўлиб бирикшидан ҳосил бўлади
В) сўзларнинг ўзаро тенг боғланишидан ҳосил бўлади
С) икки мустақил сўзнинг тенг боғловчилар ёрдамида бирикшидан ҳосил бўлади
D) сўзларнинг фақат келишиклар воситасида бирикшидан ҳосил бўлади
E) сўзларнинг жуфтланиши ва такрорланишидан ҳосил бўлади
6. Мослашувда эргаш сўз бош сўзга қандай боғланади?
А) қаратқич келишиги ёрдамида
В) эғалик қўшимчалари билан
С) кўмакчилар билан
D) тенг боғловчилар билан
E) A ва B
7. Мослашувли бирикма берилган қаторни кўрсатинг:
А) шаҳар кўчалари, сенинг бахтинг
В) шеър ўқиш, завқланиб ўқиш

- С) катта кўча, маним ватаним
D) бахт ҳақида куйлаш, саҳрога хужум
E) осмон узра парвоз, меҳнатга яраша ҳақ

8. Қайси қаторда бошқарувли бирикмалар берилган?

- A) телефонда гапланиш, ўз юртим
B) меҳмонга ҳурмат, она муҳаббат
C) шеър ёзиш, китоб ўқиш
D) юртга садоят, меҳрибон она
E) бошқарувли бирикма берилмаган

9. Сўз бирикмаси берилган қаторни танинг.

- A) анжир шафтоли
B) ширин шафтоли
C) кўзиқорин
D) кўзойнак
E) қўл кўйиб қўя қолинг

10. Қуйидаги қўшимчаларнинг қайси бири сўз бирикмаси ҳисобланади?

- A) оёғи куйган товукдай
B) узукка кўз қўйгандай ярашмоқ
C) тена сочи тикка бўлмоқ
D) аравани қуруқ олиб қочмоқ
E) Сўз бирикмаси берилмаган.

11. Эргаш сўзларнинг бош сўзга бирикиш йўллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) мослашув, бошқарув, битишув
B) тенг ва тобе боғланиш

- С) отли ва равишли бирикма
D) феъли бирикма
E) бош ва эргаш сўз

12. Сўз бирикмасида бош сўз эргаш сўз билан қандай воситалар ёрдамида бирикади?

- A) келишиқлар ёрдамида
B) эгалик қўшимчалари ёрдамида
C) кўмакчилар ёрдамида
D) оҳанг ва тартиб
E) A, B, C, D

13. Бошқарувда эргаш сўз бош сўзга...

- A) фақат келишиқлар ёрдамида бирикади.
B) келишиқлар, оҳанг ёрдамида бирикади.
C) кўмакчилар ва феъл шакллари ёрдамида бирикади.
D) шакл ясовчи қўшимчалар, келишиқлар ёрдамида бирикади.
E) келишиқлар ва кўмакчилар ёрдамида бирикади.

14. Бошқарувда келишиқ қўшимчалари ва кўмакчилар қайси сўз таркибида бўлади?

- A) эргаш сўз таркибида
B) бош сўз таркибида
C) келишиқ қўшимчалари эргаш сўзга, кўмакчилар бош сўзга қўшилади.
D) келишиқлар бош сўзга, кўмакчилар эргаш сўзга қўшилади.
E) келишиқ ва кўмакчилар ўрни билан бош сўзга, баъзан эргаш сўзга қўшилиши мумкин.

15. Эрган сўзлар кўчма маънода қўлланган қаторни аниқлаи.

- A) эрга баҳор, чиройли қиз
- B) яшил дағ, кузи бугдой
- C) темир интизом, аччиқ кўз ёши
- D) бахтли йигит, меҳрибон ота
- E) аччиқ олма, пирин таом

16. Бошқарувли бирикманинг қайси бирида бош ва эрган сўзлар ўрни алмашган.

- A) Отага ҳурмат — инсонлик бурчи.
- B) Тўқиб кўз ёши шариит йиллар онам деб.
- C) Эргалаб тоққа жўнадик.
- D) Кишига зебу зийнат илм-ла ҳикматдур.
- E) Катталардан аввал салом беринг.

17. Битишувли сўз бирикмаси қайси қаторда тўғри берилган?

- A) одобли бола, кенг ҳовли
- B) шаҳар кўчалари, мактаб кутубхонаси
- C) саёҳатга жўнаш, уйдаи қайтиш
- D) йигитнинг бахти, узукнинг кўзи
- E) A ва B

18. Жўртгага йиғламок, кўққисдан йиқилиш қандай бирикма ҳисобланади?

- A) моёлашув
- B) битишув
- C) бошқарув
- D) тенг боғланиш
- E) сўз бирикмаси эмас

19. Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра сўз

бирикмалари қандай турларга бўлинади?

- A) отли ва феъли бирикма
- B) отли, сифатли, олмошли, феъли, равишли бирикмалар
- C) отли, феъли ва равишли бирикмалар
- D) отли, феъли, сонли бирикмалар
- E) A ва B

20. Отли бирикмалар берилган қаторни топинг:

- A) ўқувчиларнинг бири, ҳаётга муҳаббат
- B) ўқдан тез, ҳаммадан кучли
- C) болаларнинг ҳар бири, китоб ўқин
- D) ҳаётда синалган, бизда оз
- E) теракнинг учи, кўшиқдан завқланиб

21. Равишли бирикмани топинг.

- A) тоғдан пастда, ҳаммадан тез, менда кўп
- B) бахтдан қувониб, отдан баланд
- C) оз-оз ўрганиб, тўхтамай югуриш
- D) онадек мўътабар, бағри кенг инсон
- E) жула ақли, ўқтамда ўнта

22. Мураккаб сўз бирикмаларини кўрсатинг.

- A) пирин-пирин олмалар, бағри кенг она
- B) қиш фаслида тоққа бориш, ҳовлиси кенг уй
- C) сабат-сабат шафтоли, бодом қовоқ қиз
- D) меҳнатга яраша ҳақ, сен туфайли бахтли

Е) осмон узра парвоз, кашалаги учиб кетмоқ

23. Битишувли бирикмаларда тобе сўз сифатида кўпинча...

- А) фақат отлар қатнашади
- В) фақат сифат қатнашади
- С) фақат равиш қатнашади
- Д) от ва сифат, сонлар қатнашади
- Е) сифат ва равишлар қатнашади

24. Отани қадрлаш инсоннинг зийнатидир.

Ушбу гапда сўз бирикмалари қандай йўл билан бириккан?

- А) мослашув ва бошқарув
- В) бошқарув ва мослашув
- С) битишув ва мослашув
- Д) битишув ва бошқарув
- Е) бошқарув ва битишув

25. Мослашувли бирикма қандай ҳосил бўлади?

- А) қаратқич келишиги ёрдамида
- В) тушум келишиги ёрдамида
- С) эгалик қўшимчаси ёрдамида
- Д) кўмакчилар ёрдамида
- Е) А ва С

ГАПНИНГ МАҚСАДГА КўРА ТУРЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

- дарак гаплар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- сўроқ гаплар, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари, риторик сўроқ гаплар;
- буйруқ гап ва унинг маъно томошлари;
- ҳис-ҳаяжон гаплар.

Юқорида биз гап орқали бирор воқеа ҳақида хабар берилиши ёки шу воқеликка сўзловчининг турли муносабатлари ифодаланиши ҳақида гапнириб ўтдик. Демак, сўзловчининг гапирришдан мақсади бирор воқелик ҳақида хабар бериш ёки ўзига маълум бўлмаган воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот олиш, ё бўлмаса тинчловчининг ҳамда ўзгани бирор нарсани бажаришга ундаш, иттимос қилиш, бирор воқеадан таъсирланганини, ҳис-туйғу ва ҳаяжонини ифодалашдан иборатдир. Шунингга кўра гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. ДАРАК ГАП.

Юзага келган ёки амалга ошаётган ва ошадиган воқелик ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар берувчи гаплар дарак гап дейилади. Дарак гап, одатда, тинч оҳанг билан айтилади ва ёзувда дарак гап охири-

га нуқта қўйилади: Кеча ойдин. Майин шабада эсмоқда. Бемор кечадан буён овқат емай қўйди.

Дарак гап орқали баъзан истак ва гумон маъноларини ҳам уқини-миз мумкин: Бугун сиз билан бирга қолсам. Эртага дадамлар ҳам келиб қолишар.

2. СЎРОҚ ГАП

Сўроқ гапларда сўзловчига номалум бўлган воқеа-ҳолиса ҳақида-ги сўроқ маъноси ифодаланади ва тингловчидан унга жавоб кутилади: Ўзингиз ёлғиз келдингизми? Қасрда яшайсиз?

Сўроқ гаплар қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади:

а) -ми, -чи, -а, -я каби сўроқ юктамалари ёрдамида: Бугун келасиз-а? Тингчига ўтирибсизми? Ўзингиз-чи, нега индамайсиз?

б) ким?, нима?, қаср?, қачон?, қаңдай?, нега? каби сўроқ олмошлари ёрдамида: Тўйга кимлар келди? Нима иш қилиб қўйдингиз? Қасрга кетмоқчисиз?

в) сўроқ оҳанги ёрдамида: Уйга меҳмон келди? От ўлди?

Сўроқ оҳанги ёрдамида фақат дарак гапларнинггина эмас, буйруқ гапларни ҳам сўроқ гапга айлантириш мумкин: Кутиб туриш?

Сўроқ гапларнинг шундай тури ҳам борки, уларда тингловчидан жавоб қайтариш талаб қилинмайди. Бундай гаплар риторик сўроқ гап дейилади: Опани ким севмайди? (опани ҳамма севишини биламиз ва сўроққа жавоб талаб қилмаймиз)

Риторик сўроқ гаплар замирида яширин тасдиқ ёки инкор маънолари ётади: Белоён гўзал Ватанимизда нимадар йўқ (ҳамма нарса бор — тасдиқ маъноси). Ўзингдан чиққан балога, қайга бора-сан давога (ҳеч қаёққа боролмайсан — инкор маъноси).

Риторик сўроқ гаплар тинч оҳанг билан айтилса, гап охирига сўроқ белгиси эмас, нуқта қўйилади: Ие, мен кимни кўряпман.

Айрим сўроқ гаплар буйруқ маъносини ҳам ифодалани мумкин: Тез-тез қимирламайсанми!

3. БУЙРУҚ ГАП

Буйруқ, дўқ-пўнса, маслаҳат, илтимос, орзу-истак каби турли маъно қирраларини ифодаловчи гаплар буйруқ гап дейилади. Буйруқ гапнинг кесими кўпроқ феълнинг буйруқ-истак майли шаклида бўлади:

Ҳисоб-китобни эртагача тахт қилиб қўйинг! Айтинг, бажаринсин!

Буйруқ гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) маслаҳат, тақдир маъносини: Кийимни янгилигидан, номусни ёнликдан сақланг. Эртага тўйимизга марҳамат этинг.

б) дўқ- пўниса, газаб, таҳдид маъноларини: Қани олдимга тушиб кўр-чи!

в) илтимос маъносини: Китобингизни бериб турунг.

г) орзу-истак маъносини: Қани энди муздек совуқ сув бўлса!

д) ташвиқ, даъват маъноларини: Куннинг тифида ишлаб пима қиласан, бу ёққа келсанг-чи!

Буйруқ гаплар турлича оҳанг, интонация билан айтилади. Агар буйруқ гаплар кучли ҳаяжон, дўқ-пўниса, газаб, таҳдид маъноларини ифодаласа, бундай гаплар охирига ёзувда ундов белгиси қўйилади: Кўринмагил, йўқол кўзимдан!

Буйруқ гаплар маслаҳат, илтимос маъноларини аниқлатса, бундай гаплар охирига нуқта қўйилади: Бугунча бизникида ётиб турсангиз.

ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАР

Ҳис-ҳаяжон гаплар сўзловчининг воқеликка турлича ҳиссий муносабатларини, ички ҳиссийети билан боғлиқ маъноларни: таажжуби ва ҳайратланиши, шодлиги ва ўкинчлари, орзу-истаклари, газаб ва нафрати маъноларини ифодалайди.

Биз юқорида буйруқ гапларда ҳам шу каби маънолар ифодаланишини қайд этган эдик. Бироқ буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гапларни бири-биридан фарқлаш керак: буйруқ гаплар қанчалик кучли интонация билан айтилмасин, уларда барибир етакчи мазмун буйруқ маъноси устунлик қилади. Қислаб кўрайлик: — Чийиллама! — деди ҳайқириб Йўлчи.

— Олиб чиқ ўша темир сонқонингни! Уят, уят сенларга! Минг марта уят!

Ҳар икки гапда ҳам, газаб ва нафрат маъноси зоҳир, бироқ биринчи гапда буйруқ маъноси, иккинчи гапда эса фақат нафрат, газаб маъноси устунлик қилинган. Демак, биринчи гап буйруқ, иккинчи гап эса ҳис-ҳаяжон гап ҳисобланади. Буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гапларнинг яна бир фарқи шундаки, ҳис-ҳаяжон гаплар таркибида қандай, нақадар, қанчалар, шунчалар каби олмошлар, кучайтирув юкламалари (наҳот, наҳотки, ҳаттоки), ундов сўзлар кўпроқ қатнашади, буйруқ гапларда бундай хусусият сезилмайди.

Ҳис-ҳаяжон гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) орзу-истак: Қани энди шу дам ойижоним тирилиб келса!
б) ачиниб, таассуф: Эссиз ёшлик! Эссиз елларга совурилган орзулар!

в) руҳий кўтаринкилик, завқланиш: Оҳ, сўлим баҳор! Эҳ, бахтиёр ёшлик!

г) таажжуб, ҳайронлик: Наҳотки шунчалар гўр бўлсангиз!

Ҳис-ҳаяжон гаплар суроқ гаплардан ҳосил бўлган бўлса, гап охирига бир йўла иккита тилиш белгиси қўйилади: Мени тапшаб кетмай-сизми?!

Ҳис-ҳаяжон гапда сўроққа нисбатан ҳис-ҳаяжон кучли бўлса, аввал ундов, сўнг сўроқ белгиси қўйилади: Ҳой, бас қиласизми йигитни?!

Агар гап ўта кучли ҳаяжон, интонация билан айтилса, гап охирига бир йўла учта ундов белгиси қўйилади: Йўқ! Йўқ! Йўқ!!! Чидай олмайман бу азобларга, чидай олмайман-а-ан!!!

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲҚАМЛАНГ

1. Гаплар мақсадга кўра...

А) Ҳис-ҳаяжонли ва ҳис-ҳаяжонсиз бўлади.

В) содда ва қўшма гапларга бўлинади.

С) дарак ва сўроқ гапларга бўлинади.

Д) дарак, сўроқ, буйруқ гапларга бўлинади.

Е) Бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гапларга бўлинади.

2. Дарак гапларга хос хусусиятлар қайси жавобда тўғри изоҳланган?

А) Сўзловчининг ҳис-ҳаяжон билан ифода қилинган фикрини билдиради.

В) Илтимос, маслаҳат, дўқ-пўниса маъноларини билдиради.

С) Дарак, истак, гумон

маъноларини билдиради.

Д) Тинч оҳанг билан айтилади ва ёзувда гап охирига нуқта қўйилади.

Е) С ва D

3. Дарак гапни тонинг.

А) Ўғлимга қараб турсангиз.

В) Ёмғир ҳам ёғиб қолар.

С) Ғўзапинг томирини кўрадиган дўхтир ҳам бўларкан-а.

Д) Оҳ, беғубор ёшлик.

Е) А, В, С

4. Илтимос маъносини ифодаловчи буйруқ гапни аниқланг.

А) Бугунги ишни эртага қўйма.

В) Мен сизга бир машқ чалиб берайки.

С) Майли бахтингизни синаб кўринг.

Д) Қўшни, элагингизни бериб ту-ринг.

Е) Марҳамат, уйга кириг.

5. Сўроқ гаплар...

А) Фақат сўроқюкламалари билан ҳосил қилинади.

В) Сўроқюкламалари ва сўроқ ол-мошлари ёрдамида ҳосил қилина-ди.

С) Сўроқюкламалари, сўроқ ол-мошлари ва сўроқ оҳанги ёрдами-да ҳосил қилинади

Д) Фақат сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил қилинади.

Е) Ҳис-ҳаяжон оҳанги ёрдамида ҳосил қилинади.

6. Риторик сўроқ гап қайси қаторда берилган?

А) Мени ташлаб кетмайсизми, ака-жон?

В) Нега хомушсиз, синглим?

С) Фарзанд бахтини ким истамай-ди?

Д) Биздан нима истайсиз ўзи?!

Е) Орадан қанча сувлар оқиб кетди.

7. Яширин тасдиқ маъносини ифодаловчи риторик сўроқ гап-ни топинг

А) Ҳақиқатдан қочиб қасрга борар-динг.

В) Ватанимизда нималар йўқ.

С) Сут кўр қишур Гитлер оқнадар фарзанднинг қадрини қасрдан бил-син?

Д) Сендек ҳур малак қасрда бор.

Е) Бундай гап берилмаган.

8. Яширин инкор маъносини

ифодалайдиган гап қайси қаторда берилган?

А) Она муҳаббати унутиладими?

В) Ватанимизда нималар йўқ?

С) Отани ким ҳурмат қилмайди?

Д) Сени кимлар қуйламаган. Ватан!

Е) Бахт меҳнатдалигини ким бил-майди?

9. Буйруқ гапдан сўроқ гапга айланган гапни топинг.

А) Рулга ўтирини?

В) Энди сизни ким деб аташ мум-кин?

С) Уйда гавго бўлишини ким ис-тайди?

Д) Нега хомушсиз?

Е) Исмингиз?

10. Дарак гапнинг сўроқ гап-га айлантирилган шаклини белгиланг.

А) Орадан қанча сувлар оқиб кет-ди?

В) Опанг сени жуда яхши кўрса ке-рак-а?

С) Абдулланинг шеърини ўқиган-мисиз?

Д) Баракалла?

Е) Уйимизга кетайлик?

11. Орзу-истак маъносини ифодалаган буйруқ гапни то-пинг.

А) Ишимга қараптиб юбор, ўғлим.

В) Аяжон менга раҳм қилинг.

С) Эҳгимол, у кейинчалик босилиб қолса.

Д) Қани энди, ҳамма ҳам сиздек меҳрибон бўлса.

Е) Йиқил устимга, гардун, йиқил тез!

12. Ҳис-ҳаяжон гап қайси қаторда берилган?

- А) Бечора қиз учун бу қанчалар азоб, қанчалар фалокат!
- В) Ҳамма олдинга, чекиниш йўқ!
- С) Кўринмагил, йўқол кўзимдан!
- Д) Дадил ҳаракат қилинглар, азаматлар!
- Е) Бундай гап берилмаган.

13. Қайси сўроқ гапда буйруқ маъноси ифодаланган?

- А) Ие, ие, мен кимни кўряпман.
- В) Ўҳ-ҳў, шунча пахтани бир ўзиниз тердингизми?
- С) Уканга қарасанг-чи!
- Д) Нега хомуш ўтирибсиз?
- Е) Тўйни қачон бошлаймиз энди?

14. Қандай гаплар охирига ёзувда иккита типич белгиси қўйилади?

- А) буйруқ гапдан ҳосил бўлган сўроқ гап охирига
- В) риторик сўроқ гаплар охирига
- С) сўроқ гапдан буйруқ гапга айланган гап охирига
- Д) Сўроқ гапдан ҳосил бўлган ҳис-ҳаяжон гап охирига
- Е) Дарак гапдан сўроқ гапга айланган гап охирига

15. Қуйидаги гаплардан қайси бири риторик сўроқ гап эмас?

- А) Табиатни ким севмайди.
- В) Ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога.
- С) Бу орада қанча ишлар бўлиб ўтди.
- Д) Меҳнатсиз яшаган йиғит йигитми?
- Е) Онадек меҳрибон дунёда борми?

ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

-содда ва қўшма гаплар, уларнинг фарқли томонлари;

-содда гаплар: бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гаплар;

-содда йиғиқ ва содда ёйиқ гаплар.

Гаплар тузилишига (грамматик асослар миқдорига) кўра икки хил бўлади: содда ва қўшма гаплар.

Содда гаплар фақат битта гапдан иборат бўлиб, унинг грамматик асоси битта бўлади: Ҳар тонг далаларни кезиб чиқаман. Эга ва кесим гапнинг грамматик асоси — маркази ҳисобланади, уларсиз гап ҳосил бўлмайди.

Кўшма гаплар икки ёки undan ortiq sodda гапларнинг маълум бир грамматик қонун-қоидалар асосида бирикувидан ҳосил бўлади. Ёридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгулчә йиғлар. Эшик очилди ва Навоий кириб келди. Ушбу гаплар икки sodda гапнинг оҳанг ҳамда ва бириктирувчи боғловчи ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлган кўшма гап ҳисобланади.

СОДДА ГАПЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Содда гаплар грамматик асосига кўра икки хил бўлади:

1. Бир бош бўлакли гаплар.
2. Икки бош бўлакли гаплар.

Бир бош бўлакли гап таркибида фақат битта бош бўлак, ё эга, ё кесим қатнашади. Бир бош бўлакли гапларнинг ўзи қуйидаги турларга бўлинади: шахси маълум, шахси номаълум, шахси топилмас, шахси умумлашган, атов ва сўз — гаплар.

Икки бош бўлакли гап таркибида ҳар икки бош бўлак: эга ва кесим иштирок этади. Агар бундай гап фақат эга ва кесимдан иборат бўлса, sodda йиғиқ гап дейилади: Баҳор келди. Гапда эга ва кесимдан ташқари иккинчи даражали бўлақлар: тўлдирувчи, аниқловчи, ҳоллар мавжуд бўлса, sodda ёйиқ гап ҳосил бўлади: Ўлкамизга гўзал баҳор келди.

Демак, икки бош бўлакли гапларда гапнинг барча бўлақлари иштирок этиши мумкин. Аммо гапни шакллантирувчи бўлақлар: эга ва кесимлар гапда албатта бўлиши шарт, иккинчи даражали бўлақлар эса бош бўлақлардан бирортасига боғланиб, унинг маъносини тўлдиради, аниқлайди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гаплар тузилишига кўра...
А) sodda ва кўчирма гапларга бўлинади.
Б) икки бош бўлакли ҳамда бир бош бўлакли гапларга бўлинади.
С) sodda ва кўшма гапларга бўлинади.
Д) йиғиқ ва ёйиқ sodda гапларга бўлинади.
 - Е) йиғиқ ва sodda гапларга бўлинади.
2. Жавобларнинг қайси биринида sodda гап берилган?
А) Истаймизки, дунё тинч турсин.
Б) Муҳаббат ўзи эски нарса, лекин ҳар бир қалб уни янгилайди.
С) Билдингиз, аҳволим ночор.

Д) Айтинг, қайгишсин.

Е) Азиз асримизнинг азиз ошлари

Азиз одамлардан сўрайди қадрип.

3. Қўшма гап берилган қаторни тоғинг.

А) Бу ерда ё Карим, ё Маъмур турсин.

В) Ой ёригади, аммо иситмайди.

С) Ё сиз келинг, ё мен борай.

Д) Ё мени де, ёки Омонши.

Е) Қўшма гап берилмаган.

4. Бир бош бўлакли гаплар ...

А) иккинчи даражали бўлақлар қатнашмаган гаплар.

В) эгаси ёки кесими қатнашмаган гаплар.

С) эгаси ҳам, кесими ҳам бўлмаган гаплар.

Д) фақат бията гапдан тузилган гаплар.

Е) икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан тузилган гаплар.

5. Одам деган ҳам шунақа бўладими?

Бу гап...

А) содда йиғиқ гап

В) содда ёйиқ гап

С) бир бош бўлакли гап

Д) қўшма гап

Е) буйруқ гап

6. Содда йиғиқ гап қайси қаторда?

А) Кўнгил йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ.

В) Ўрмонлар, денгизлар — бойлигимиз, фаҳримиз.

С) Ичқарида шоирлар, олимлар суҳбатлашмоқда.

Д) Биз сизни ардоқлаймиз, ойижон.

Е) В ва С

7. Меҳнат қилган роҳат кўради.

Ушбу гап қайси жавобда тўғри изоҳланган?

А) қўшма гап

В) содда йиғиқ гап

С) икки бош бўлакли гап

Д) бир бош бўлакли гап

Е) В ва С

8. Икки бош бўлакли гап берилган қаторни аниқланг.

А) Олма, анор — ҳаммасидан олдик.

В) Тахтақўриқнинг остида, хилват ерда, икки дугона анча сирлашди.

С) Сизга, меҳрибон ойижоним а, айтдиган гапларим кўп.

Д) Мен сизга дардимни очиқ айтгани келдим.

Е) В, С ва Д

9. Гапнинг грамматик асоси деганда, нима тушунилади?

А) гапнинг иккинчи даражали бўлақлари

В) фақат гапнинг эгаси

С) фақат гапнинг кесими

Д) эга ва кесим

Е) гапнинг барча бўлақлари

10. Фақат бош бўлақларнинг ўзи қатнашган гашлар...
А) қўшма гашлар
В) содда йиғиқ гашлар

С) содда ёйиқ гап
D) бир бош бўлақли гап
Е) мураккаб гашлар

ГАП БЎЛАҚЛАРИ

Нималарини билишингиз керак?

- гапнинг бош бўлақлари ва уларнинг гапдаги мавқеи;
- эга ва унинг ифодаланиши;
- кесим ва унинг ифодаланиши, от-кесим, феъл-кесим, кесимнинг тузилишига кўра турлари, боғлама;
- эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашуви, улар орасида тиренинг қўлланилиши;
- тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши, воситали ва воситасиз тўлдирувчилар;
- аниқловчи ва унинг ифодаланиши, сифатловчи ва қаратқич аниқловчи;
- изоҳловчи;
- ҳол ва унинг турлари;
- гап бўлақларининг ўрни.

ГАПНИНГ БОШ БЎЛАҚЛАРИ

ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эга гапнинг грамматик маркази, таянч нуқтаси ҳисобланиб, гапнинг ким ёки нима ҳақида бораётганини билдиради ва бирликда ким? нима? қаср? кўпликда эса кимлар? нималар? сўроқларидап бирига жавоб бўлади. Эга куйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

1. От билан: Отабек уста Алимнинг уйига бурилди.
2. Отлашган сифат билан: Яхшилар кўнайсин, ёмон қолмасин.
3. Сон билан: Икки ўн беш — бир ўттиз.
4. Олмош билан: Биз фан чўққиларини эгаллагани келдик.
5. Ҳаракат номи билан: Ўқимоқ — улгаймоқ.
6. Отлашган сифатдош билан: Бирлашган дарё бўлур.
7. Отлашган ундовлар билан: Кимга керак бунча «оҳ-воҳ»лар.
8. Таклид сўзлар билан: Мусячаннинг «ғув-ғув»и эшитилди.

9. Сўз кўшилмалари билан: Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат.

10. Ибора билан: Тена сочининг тикка бўлиши бизга ёқмади.

11. Модал сўзлар билан: Бор — борича, йўқ — ҳолича.

Эга асосан бош келишида кўлланилади. Айрим ҳоллардагина чиқиш келишиги кўпимчасини олиши мумкин: Унда ҳам бу китоблардан бор. Бунда бутун билан бўлак муносабатини ифодалайдиган қисм тушиб қолган: Унда ҳам бу китоблардан баъзилари бор. Заводимизда руслардан, тожиклардан ҳам бор

КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эгага боғланиб, у ҳақида хабар берувчи бўлак кесим дейилади. Қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра кесимлар икки хил бўлади:

а) от-кесим. От-кесим у ким? у нима? у қанча? у қандай? у қайси? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. У қуйидаги сўзлар билан ифодаланади:

-от билан: Жаҳл — дупман, ақл — дўст.

-сифат билан: Олам дўстлар билан гўзал.

-сон билан: Дунёда ўзбек мишлати битта.

-олмош билан: Чўлда ҳаёт яратганлар — мана шулар.

-ҳаракат номи билан: Ўқиш — улғайиш.

-равии билан: Шонилганинг пушаймони кўп.

в) феъл-кесим. Феъл орқали ифодаланиб, нима қилди? нима қилипти? нима қилмоқчи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Ташқарида гушиллаб қор ёғмоқда.

Кесимлар отлашган ундовлар (Бунча «вой-вой»лайсан?), тақлид сўзлар (Қаердadir чумчуқ чийиллади), иборалар билан (Қизининг ҳусни Ғиёсиддиннинг қулоғини қар, кўзини кўр қилиб қўйган эди) ҳам ифодаланади.

Кесимлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Содда кесимлар фақат биргина сўз билан ифодаланади ҳамда таркибида боғнама сўз бўлмайди: Ариқ тўла сув оқмоқда. Мураккаб кесимлар эса икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлади: Раис кўчанинг ўзида ҳужжатга қўл қўйиб қўя қолди. Дўстим тапиқли шоир эди.

БОҒЛАМА

Эга ва кесимни бириктирувчи грамматик воситалар ҳам мавжудки, улар боғлама деб аталади. Булар асл мустақил маъноларини йўқотиб, ёрдамчи вазифага кўчган сўзлар: бўлади, ҳисобланади, эди, эмиш, ва -дир кўшимчасидир. Дейдилар, соғлиқ ҳаёт берган оҳсон экан. Анвар ёшлигида бўшанигина бола эди. Боғламалар бир-бири билан синонимлар ҳисобланади: Меҳнатнинг нони ширин бўлади (ширин ҳисобланади, шириндир, ширин экан).

Бироқ бўлади сўзи боғлама эмас, кесим бўлиб келиши ҳам мумкин: Бугун йиғилиш бўлади. Бунда бўлади сўзи ўтказилади маъносини аниқлатмоқда.

ЭГА БИЛАН КЕСИМНИНГ ШАҲС ВА СОНДА МОСЛАШУВИ

Эга билан кесим шаҳс ва сонда мосланади: Биз тонгда тоққа жўнадик. Бу гапта эга (биз) ва кесим (жўнадик) I шаҳс кўшиқда мосланган. Эга билан кесим III шаҳс кўшиқда ҳамма вақт ҳам сонда мослашавермаслиги мумкин: Агар эга бирор тушунча ёки жонсиз предметлар, ҳайвонлар, паррандаларни аниқласа, кесим билан сонда мослашмайди: Ўзбекистон ва Хитой ўртасида музокаралар бошланиб кетди. Гуллар, дарахтлар кўзни қувонтиради. Боғда булбуллар сайрайди.

Кўшиқдаги эга киишларни билдирганда, кесим бирликда ҳам, кўшиқда ҳам кела олади: Фашистлар ер билан яқсон бўлди. Ўқувчилар мактаб ҳовлисига тўшланишди(тўшланди). Шаҳсни аниқлатувчи эгалар уюшиб келганда ҳам кесим бириликда ҳам, кўшиқда ҳам қўлланилаверади: Рустам, Анвар, Собир бир синфда ўқийди (ўқишди).

Эга билан кесимнинг орасида тиренинг қўлланилиши

Эга билан кесим орасига қуйидаги ҳолларда тире қўйилади:

а) эга ё кесим, ёки ҳар иккиси ҳам ҳаракат номи билан ифодаланса: Ўқимоқ — улгаймоқ. Ўқиш — жуда катта бахт. Мақсадим — олим бўлиш.

б) эга ва кесим бош келишиқдаги от билан ифодаланиб, улар орасида боғлама қўлланилмаса: Онам — ўқитувчи. Агар боғлама қўлланилса, тире қўйилмайди: Онам ўқитувчидир. Бироқ бу кўришида эга алоҳида таъкидлаб, урғу бериб айтиладиган бўлса, боғлама қўлланилган тақдирда ҳам тире қўйилаверади: Тил — миллатнинг бойлиғидир. (Бу гапта тил — эга алоҳида таъкидланмоқда).

в) кесим сон, олмош билан ифодаланиб, боғлама қўлланмаган бўлса: Чўлда ҳаёт яратган — биз. Икки карра икки — тўрт.

г) эга кўрсатиш олмоши билан ифодаланган бўлса: Бу — бизнинг буюк Ватанамиз.

д) эга кишилик олмоши билан ифодаланиб, унда боғлама қўлланмаган бўлса: Мен — ўқитувчи. Боғлама қўлланган тақдирда эса тире қўйилмайди: Сен менинг дўстимсан.

Бироқ кишилик олмоши билан ифодаланган эга алоҳида таъкидлаб айтилса, боғлама қўйилган тақдирда ҳам тире қўйилаверади: Сен — етим эмассан (бу гапда сен — эга алоҳида урғу ва таъкид билан айтилмоқда).

ГАШНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

Тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол гашнинг иккинчи даражали бўлақларидир. Иккинчи даражали бўлақлар гашнинг грамматик асосини ташкил этмай, гашнинг бош бўлақларига, баъзан бир-бирига боғланиб, уларнинг маъноларини тўлдиради, аниқлайди, изоҳлайди ва фақат ёйиқ гашлардагина иштираётганлигини билдиради.

ТЎЛДИРУВЧИ

Гашнинг бирор бўлағига бошқарув йўли билан бирикиб, шу бўлақнинг маъносини тўлдириб келувчи бўлақ тўлдирувчи дейилади. Тўлдирувчи бош ва қаратқич келишигидан тапқари барча келишиқдаги сўзлар, шунингдек, айрим кўмакчилар билан ифодаланади. Тўлдирувчи кўпроқ эга, кесим ва аниқловчига боғланади: Огани ардоқлаш — қалб иши. Бетга айтганинг заҳри йўқ. Йўлда дўстимни учратдим.

Тўлдирувчи от (Китобни севаман), отланган сифат (яхшиларни авайланг), сон (Ўнга ўрни қўпсак йигирма бўлади) олмош (Сизни ардоқлайман, онажон), ҳаракат номи (Ватани севамоқни сиздан ўргандим), отланган сифатдош (Туядан йиқилгани ит қонибди), равиш (Кўндан куён қочиб қутулмас) билан ифодаланади.

Тўлдирувчилар икки хил бўлади:

а) воситасиз тўлдирувчи тушум келишигидаги сўзлар орқали белгили ёки белгисиз, ё бўлмаса қисқартирилган шаклда қўлланилиши мумкин. Воситасиз тўлдирувчи кимни? нимани? қасрни? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Элини севаган элисиз қолмайди.

Воситасиз тўлдирувчилар турдон от билан ифодаланса, одатда белгисиз қўлланилади: Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади.

б) воситали тўлдирувчи жўналиш, ўрин-пайт, чиқиб келишигидаги сўзлар ҳамда айрим кўмакчилар орқали ифодаланади ва кимга? нимага? кимда? нимада? нимадан? ким билан? нима билан? ким учун? (аташганлик маъносида) нима учун? (аташганлик маъносида) ким орқали? нима орқали? ким ҳақида? нима ҳақида? ким томонидан? каби саволларга жавоб бўлади: Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафойўқ. У ҳам муҳаббат завқидан баҳраманд бўлди.

АНИҚЛОВЧИ

Ҳандаги бирор бўлакнинг (кўшинча эга ва тўлдирувчи, шунингдек қаратқич аниқловчининг) белгисини ёки бир нарсасу-буям, тушунчанинг бош-қасига қарашлилигини билдирувчи бўлак аниқловчи дейилади. Аниқловчи вазифасини кўпроқ сифат, сон, от ва отланган сўзлар бажаради. Аниқловчи асосан эга ва тўлдирувчига боғланади. Яшил водийлар кўзни қувонтиради (эгага боғланишти). Халқимиз ҳаминча буюк илосларни ардоқлаб келмоқда. (Тўлдирувчига боғланишти).

Аниқловчилар грамматик хусусиятлари ва мазмунига кўра икки хил бўлади:

а) сифатловчи-аниқловчи ҳандаги бирор предмет белгисини ифодалайди ва қандай?, қапақа?, қайси? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Сифатловчи-аниқловчилар қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

-сифат билан: Шакар қовунларнинг хушбўй хиллари сабо билан тарқалар секин.

-сон билан: Дўкондан икки қоп ун олдик. Укам учинчи сифда ўқийди.

(Изоҳ: -ала ёрдамида ҳосил бўладиган жамловчи сонлар эгаллик кўшимчаси билан қўлланганда — эга, эгаллик кўшимчасисиз қўлланганда эса аниқловчи бўлиб келади.)

-олмош билан: Ана шу катта боғ — бизники.

-от билан: Олтин кўзни севаман жондан.

-равнш билан: Узоқ-яқин ердан меҳмонлар келиб турипти.

-тақлид сўз билан: Боғдаги гуж-гуж гуллар кўзни қамаштиради.

Сифатловчи-аниқловчилар йиғиқ ва ёйиқ бўлиши мумкин. Йиғиқ сифатловчилар биргина сўзлан (Гўзал баҳор келди), ёйиқ сифатловчи-

лар эса икки ёки ундан ортиқ сўзлардан (Мисдек қизиб турган юзини икки кафти орасига олди) иборат бўлади.

б) қаратқич аниқловчилар предметнинг бирор шахс ёки бопқа предметга қарашилганини билдиради ва қимнинг?, ниманинг?, қасрнинг? сўроқларидан бирига жавоб бўлади: Яхшиининг юзи жаннатдур, ани кўрмоқ ганиматдур.

Қаратқич аниқловчилар белгили ёки белгисиз, шунингдек, қисқарган ҳолда қўлланилиши мумкин. Қаратқич ва қаралмиш орасида бирор бўлак келмаган бўлса, одатда, қаратқич белгисиз қўлланиши мумкин (Мактаб кутубхонаси), агар улар орасида бирор бўлак мавжуд бўлса (Мактабнинг кенг кутубхонаси) белгили қўлланилади. Баъзан эса қаратқич қисқарган шаклда қўлланади: Ер куррасин бошини тангидик.

Қаратқич ва қаралмиш шахс жиҳатидан доим мослашади, ammo сон жиҳатидан мослашиши ҳам, мослашмаслиги ҳам мумкин: Укамнинг ўйинчоғи кўп. Укамнинг ўйинчоқлари кўп.

ИЗОҲЛОВЧИ

Изоҳловчи — аниқловчининг бир тури сифатида шахс ва предметни бопқача ном берип йўли билан ифодаловчи бўлақдир. Изоҳловчилар асосан от билан ифодаланиб, қариндошлик (Олим ака), касб, амал, машғулот, мутахассислик (шоир Абдулла Орипов), унвон (генерал С. Раҳимов), лақаб (Жуман писмиқ), ўхшашлик (фашизм-жинчи-роқ) каби маъноларни билдиради.

ҲОЛ

Кесимга боғланиб, унинг белгисини (иш-ҳаракатнинг қай тарзда юзага чиқиши, қасрда, қачон, нима мақсадда, нима сабабдан, қай даражада бажарилишини) ифодаловчи бўлақ ҳол деб аталади. Ҳол вазифасини асосан равишлар бажаради. Ҳол вазифасида баъзан от (Биз сўқмоқ йўл билан тоққа кўтарилдик), сон (Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал), ҳаракат номи (Биз ўқиш учун келганмиз) келиши ҳам мумкин.

Ҳоллар маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Равиш (вазият, тарз) ҳоли иш-ҳаракатнинг қай тарзда ва қай усулда бажарилишини билдиради ҳамда қандай? қандай қилиб? қай тарзда? қай усулда? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Чакмонининг икки ёнини хуржунга ўхшатиб, елкасига ташлади-да, шопмасдан орқасига қайтди. Тонг шабадаси гир-гир эсади.

2. Пайт ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва қачон? қачонгача? қачондан бери? қачондан буён? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Совуқ кун сайин қаҳрини оширади. Хадича хола кеча қишлоқдан қайтиб келди.

3. Ўрин ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва қасрда? қасрга? қасрдан? қасргача? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. : Ичкарида уч-тўрт оқсоқол гурунглашар эдилар.

Изоҳ: Айрим сўзлар ҳам пайт, ҳам ўрин равиши ўрнида қўллапилиши мумкин. Масалан: Бу ерлар илгари (пайт ҳоли) хароб эди, Ўктам бир неча қадам илгари (ўрин ҳоли) юрди. Унда-бунда (пайт ҳоли) бул-бул сайрайди. Унда-бунда (ўрин ҳоли) чироқлар милтиллайди.

4. Сабаб ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган сабабни билдиради ва нима учун? нима сабабдан? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Шодивой уялганидан қизарди.

5. Мақсад ҳоли иш-ҳаракатнинг қандай мақсадда бажарилганлигини билдиради ва нима учун? нима мақсадда? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Тарихий жойларни томоша қилиш учун Хивага жўнадик.

6. Даража-миқдор ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган даража-миқдорни билдиради ва қанча? неча марта? қай даражада? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Бу гаини минг марта эшитганман.

7. Шарт ҳоли иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради ва нима қилса? нима бўлса? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Собир бутун улгурса келади.

8. Тўсиқсизлик ҳоли бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун тўсиқ бўлмаган ан бошқа бир иш-ҳаракатини билдиради ва нима қилса ҳам? нима бўлса ҳам? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: У кўрса ҳам ўзини кўрмасликка олди.

ГАП БЎЛАКЛАРИ ТАРТИБИ

Гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ҳар бирининг ўз ўрни бўлади. Илмий, бадий, расмий, публицистик (оммабон) услубларда бунга қатъий риоя қилинади.

Гап бўлақлари гапда, одатда, қуйидагича жойлашади:

-эга гап бошида, кесим гап охирида, қўллапилади: Маънавий фазилатлар ҳусни оширади.

-ҳол кесимдан олдин жойлашади: Собир шаҳардан кеча қайтиб келди.

-аниқловчи, одатда, эгадан олдин ва кейин жойлашади: Мумтоз адабиётимиз маънавиятимизни бойатади. Биз чиройли гуллардан гулчамбарлар ясадик.

-тўлдирувчи, одатда, эгадан кейин, баъзан аввал ҳамда кесимдан олдин жойлашади: Биз гуллардан гулчамбар ясадик. Гулни севган тиканни ҳам севади.

Сўзланув услубида гап бўлақларининг тартибига кўпинча амал қилинмайди: Минорадан тупошмай қолди буванг. Келдик, мана, сизни йўқлаб.

Шеърятда туроқ ва ритм талабига кўра баъзан гап бўлақларининг ўрнини алмаштириб ишлатиш ҳоллари учрайди, тилшуносликда бу ҳодиса инверсия деб аталади: Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим. Бу гапдаги инверсия эга ва кесимга хосдир, аслида гап мана бу тартибда тузилиши керак эди: Минг асрлар ичра пинҳон (воқсалар) сенинг тарихингдир.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гўзаллик, аввало, инсон чехрасида эмас, унинг қалбидадир, болам.

Ушбу гапда нечта гап бўлаги мавжуд?

- A) 9 та
- B) 8 та
- C) 7 та
- D) 6 та
- E) 5 та

2. Балиқ ҳам, қуён ҳам, тўнғиз ҳам бор.

Ушбу гап тузилишига кўра қандай гап ва унда қайси гап бўлақлари қатнашган.

- A) Бир бош бўлакли гап, эга ва кесим
- B) икки бош бўлакли гап, эга, аниқловчи ва кесим
- C) кўпма гап, фақат эга ва кесим

D) содда йиқик гап, фақат эга ва кесим

E) содда ёйиқ гап, эга ва аниқловчи

3. Халқ душманларнинг гирибонидан ушлаб, қонун кўлига тоштиради, албатта. Ушбу гап бўлақларининг миқдори қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) 8 та
- B) 7 та
- C) 6 та
- D) 5 та
- E) 4 та

4. Эгага хос хусусиятлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Эга бош келишиқдаги от, олмош ва от ўрнида қўлланган сўзлар орқали ифодаланади.

- В) Айрим ҳолда эга чиқиб келишиги шаклида бўлиши ҳам мумкин.
 С) Эга доимо тўлдирувчида аввал келади.
 Д) Эга кўшик ва эгалик кўшимчалари билан қўлланилиши мумкин.
 Е) А, В, D

5. Қайси гапта «яшамоқ» сўзи эга вазифасида келган?

- А) Яшамоқ курашдир.
 В) Курашмоқ — яшамоқ
 С) Яшани билмаган хамиша қоқилади.
 Д) Биз ҳаром яшанидан ор қиламиз.
 Е) Ҳалол яшанига нима етсин.

6. Эга қатнашган гап қайси қаторда берилган?

- А) Бугун шаҳарга қайтиш керак.
 В) Йигилишни кечиктиришга тўғри келди.
 С) Ҳалол одамни бадном қилиб бўлмайди.
 Д) Ҳаяжламасдан тезда қайтиб келишг, болам.
 Е) Ватан, қанчалар буюксап сен!

7. Ёмғир эзиб ёғиб турганда, хаёлларга бериласан киши. Ушбу гапнинг эгаси қайси жавобда кўрсатилган?

- А) ёмғир
 В) эзиб
 С) ёғиб турганда
 Д) киши
 Е) хаёлларга бериласан

8. Эга вазифасида қўлланган сўз...

- А) бош келишикда келади.
 В) қаратқич келишигида келади.
 С) тушум келишигида келади.
 Д) чиқиб келишигида келиши мумкин.
 Е) А ва D

9. Заводимизда руслардан ҳам, грузинлардан ҳам бор. Ушбу гапнинг эгаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Заводимизда
 В) руслардан, грузинлардан
 С) бор
 Д) эга қўлланмаган
 Е) ҳам, ҳам

10. Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг.

Гапнинг эгаси қайси сўз орқали ифодаланган?

- А) ибора
 В) от
 С) феъл
 Д) сифат
 Е) эга қўлланмаган

11. Эга ибора билан ифодаланган гапни тошинг.

- А) Мухторали шаҳардан тарвузи қўлтигидан тушиб қайтди.
 В) Унинг оёқ олиши бизга ёқмай турибди.
 С) Равшан тегирмонга тунса бутун чиқадиган йигит.
 Д) Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирманг, синглим.
 Е) Оғзингизга қараб гапиринг, овсин.

28. Ишласанг, олам гулистон.
Гапидаги ҳолнинг турини аниқланг.

- A) шарт ҳоли
- B) тўсиқсизлик ҳоли
- C) мақсад ҳоли
- D) равиш ҳоли
- E) ҳол қатнашмаган

29. Мусо Ташмуҳаммад ўғли
Ойбек 1905 йилда Тошкентда
туғилган.

Ушбу гапдаги ҳоллар қайси
жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Мусо, Ойбек
- B) Тошкентда
- C) туғилган
- D) 1905 йилда Тошкентда
- E) ҳол қатнашмаган

30. Қайси гап бўлақларнинг
одатдаги тартибда жойлашу-
видан тузилган?

- A) Гул очилар баҳор чоғида,
Ва тўлишар она боғида.
- B) Баҳор келди сени сўроқлаб.
- C) Муҳаббатнинг саройи кенг экан,
Йўлни йўқотдим-ку...
- D) Менга ўша Омонимни қўй,
Менга ўша ёмонимни қўй.
- E) C ва D

31. Қайси гапда гап бўлақла-
рининг одатдаги тартибига
риоя қилинган?

- A) Менга Пушкин бир жаҳону,
Менга Байрон бир жаҳон...
- B) Мана, кетолмай ҳам қолдик биз.
- C) Ширин саволларим бор сизга.
- D) Тарихиндир минг асрлар ичра
пинҳон, ўзбегим.
- E) Бахтинг бор деб эсади еллар...

32. Унда ҳар турли кўкатлар-
дан бор. Гап бўлақлари қайси
қаторда тўғри таҳлил қилин-
ган?

- A) унда, кўкатлардан-тўлдирувчи,
ҳар турли-аниқловчи, бор-кесим
- B) унда-тўлдирувчи, кўкатлардан-
эга, ҳар турли-аниқловчи, бор-ке-
сим.
- C) унда-эга, кўкатлардан-тўлдирув-
чи, ҳар турли-ҳол, бор-кесим.
- D) унда, кўкатлардан-эга, ҳар тур-
ли-тўлдирувчи, бор-кесим.
- E) унда-аниқловчи, кўкатлардан-
тўлдирувчи, ҳар турли-аниқловчи,
бор-кесим

33. Сиз-ку, мол-дунёнгиз кет-
ганига куясиз, мен нега озор че-
каман?

Ушбу гапдаги эгани аниқланг.

- A) сиз-ку, дунёнгиз
- B) мен, дунёнгиз
- C) кетганига, нега
- D) сиз-ку, мен
- E) мол-дунёнгиз

ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

-гапнинг уюшиқ бўлаклари нима, қайси гап бўлаклари уюшиб келади?

-гапнинг уюшиқ бўлаклари ўзаро қандай боғланади ва уларда тиниш белгилари қандай қўйилади?

-умумлаштирувчи сўз ва уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши қандай бўлади?

Гапда бир хил синтактик вазифа бажарувчи ва бир хил сўроқларга жавоб бўлиб келувчи бўлаklar уюшиқ бўлаklar деб аталади.

Гапнинг барча бўлаклари уюшиб келиши мумкин:

1. Эганинг уюшиши: Қуёш, ҳаво тапга даво.

2. Кесимнинг уюшиши: Комбайн ўради, йиғади, янчади.

3. Тўлдирувчининг уюшиши: Биз саёҳатга поезд ёки автобусда борамиз. Илвоғарларни, тирпоқ остидан кир қидирувчиларни, гап тапшувчиларни ёқтирмайман.

4. Аниқловчининг уюшиши: Ҳозир ҳам Эркиннинг, Абдулла-нинг шерьларидан таскин топаман.

Агар сифатловчи аниқловчилар предметни фақат бир томонлама, бир хил хусусиятларга кўра аниқлаб келса, уюшган бўлади ва гапда улар орасига вергул қўйилади: Боғимизда қизил, сафсар, сариқ, оқ гуллар очилди. Бу гапда қизил, сафсар, сариқ, оқ аниқловчилари предметнинг фақат рангини аниқлаб келяпти, шу боисдан улар уюшган аниқловчилар ҳисобланади.

Аниқловчилар предметни турли томондан, унинг турли хусусиятларига кўра аниқлаб келса, уюшмаган бўлади ва улар орасига вергул қўйилмайди: Ҳовлига катта қора ситир кириб келди. Бу гапда аниқловчилар ситирни икки томонлама ҳам ҳажми, ҳам рангини аниқлаяпти, шунинг учун улар уюшмаган аниқловчи ҳисобланади.

5. Ҳолнинг уюшиши: Тоғларда, қирларда, адирларда айвон долалар очилди. Одам дунёга чўчкадай семиришу, битдай болаш учун келмайди.

УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

Уршиқ бўлаklar куйидаги грамматик воситалар ёрдамида бирикади:

1. Бириктирувчи (ва, ҳамда), айирувчи (ё, ёхуд, тоҳ, дам, баъзан, хоҳ), зидловчи (аммо, лекин, бироқ), инкор (на) боғловчи-

лари билан. Шаҳар ва қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб бормоқда. Гоҳ йиғилади, гоҳ қулади. Ой ёритади, аммо иситмайди. У на ёзди, на ўқиди.

Тенг боғловчилар такрор қўлланганда, улар орасига вергул қўйилади: Бўп ерга ё пиёз, ё сабзи экайлик.

Уюшиқ бўлақлар орасида аммо, лекин, бироқ боғловчиларидан аввал ҳам вергул қўйилади. Биз оғир, аммо шарафли вазифани ба- жардик.

2. Боғловчи вазифасидаги кўмакчи (билан) ҳамда юктамалар (-у, -ю, -да, ҳам) билан: Вазира билан Нодира бирга ўқийди. Рустам уйга кирди-да, дарров чиқиб кетди.

3. Санап оҳанги, интонация билан: Йиғилишга ўқитувчилар, олимлар, шоирлар қатнашди.

Санап оҳанги ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақлари орасига вергул қўйилади.

Айрим ҳолларда уюшиқ бўлақлар қуйидаги тартибда гуруҳланиб қўллангани мумкин: Алишер Навоий Фарҳод тимсолида ақл ва одоб, камтарлик ва хушфёъллик, муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик ва халқпарварлик каби хислатларни мужассамлантирган.

УМУМЛАШТИРУВЧИ СЎЗЛАР

Гапнинг уюшиқ бўлақларини жамлаб, умумлаштириб кўрсатиш учун хизмат қилувчи сўзлар умумлаштирувчи сўз дейилади.

Умумлаштирувчи сўзлар асосан от, олмош ва отланган сўзлар орқали ифодаланади: Қизлар: Ҳабиба, Замира, Нигора бизникига келишди (от билан). Қуёп, ҳаво, тиниқ сув — бари бизнинг дўстимиз (олмош билан). Даврада улуғлар: Навоий, Жомий, Биноийлар ўтиришибди (отланган сифат).

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан олдин келганда, ундан кейин икки нуқта қўйилади: Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам гўзал бўлиши керак.

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келган тақдирда, ундан аввал тире қўйилади: Уй, мол-ҳол — ҳаммаси сенга қолади. Боғда етилган олма, узум, анор — ҳаммасидан олдик.

ГАНИНИГ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

-ганини ажратилган бўлаклари деганда, нима тушунилади?

-ажратилган бўлақларда қандай тиниш белгилари қўлланилади?

Ганининг ажратилган бўлаклари ўзидан аввал келган бўлақлар маъносини тўлдириш, аниқлаш, ойдинлаштириш учун хизмат қилади. Улар оғзаки нутқда маълум бир пауза билан ажратилади. Гапта, одатда, изоҳловчи, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол ажратилади.

Ажратилган изоҳловчи ўзидан олдин келган, кишилик олмошлари ва отланган сўзлар билан ифодаланган эганини маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Биз, ёшлар, Ватанамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашимиз керак. Ошпаз она, эллик беш-эллик олтиларга бориб қолган аёл, ёшилган понларни даста-даста қилиб ўраркан, кулиб жавоб берди.

Ажратилган изоҳловчидан кейин масалан, шу жумладан, хусусан, яъни, айниқса, ҳатто сўзлари қўлланилиши мумкин: Акмал Оринов, яъни ўша йигит, Тошкент ирригация институтида ўқир эди.

Ажратилган тўлдирувчи ўзидан аввал келган тўлдирувчининг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Бу улуг анжуманга, байрамга, халқ шоирлари ҳам таклиф этилди. Китоб ичидаги дастхатга, менга таниш бўлган ҳуснихатга, узоқ тикилдим. Сизлардан, ёшлардан, ақлли гаплар кутамиз.

Ажратилган аниқловчи ўзидан аввал келган аниқловчининг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Қобил бобо, ялан бош, ялан оёқ, яқтакчан, оғил эшиги олдида туриб, дағ-дағ титрайди. Саидахон қизининг, дунёга кўр бўлиб туғилган ёлғиз жигаргўшасининг, сўлгин юзларига қараб чуқур хўрсинди.

Ажратилган ҳол ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Осмоннинг бир бурчагида, уфққа яқин ерда, оқ булут парчаси кўринди. Узоқдан, чайла томондан, итнинг вовуллагани эшитилди. Ёзда, қовун пишигида, далага чиқиб кетамиз.

Ганининг ажратилган бўлаклари кўпинча гап ўртасида келади ва улар асосий бўлақлардан асосан вергул билан, агар у ёйиқ бўлиб, ўз ичида вергули бўлса, тире билан ажратилади. Разведкачилар Ваняни — ўн беш ёшлардаги, қувноқ, ҳаммага самимий боқадиган шўх болани — ёқтириб қолишди. Сифатловчи аниқловчи баъзан ажратилиб эгадан кейин ишлатилади. Бундай ҳолда ундан олдин тире қўйилади: Ватанам бор — озод, музаффар!

УНДАЛМА

Нималарни билишингиз керак?

- ундалма ва унинг грамматик хусусиятлари;
- ундалманинг гапдаги ўрни;
- ундалмаларда тиниш белгилари;
- йиғиқ ва ёйиқ ундалмалар.

Сўзловчининг путқи қаратилган шахс ёки предметни ифодаловчи сўзлар ёки сўз бирикмалари ундалма деб аталади. Ундалмалар шахсни билдирувчи отлар (Ҳой, Собир полвон, пишпиламасдан, сонига ча то-зала!), жонли предмет: ҳайвонлар, паррандаларни аниқлагувчи отлар (Менга қара, булбулчам, дер эмишлар хонишларинг хушовоз), жонсиз нарсаларни ифодаловчи отлар (Салом сенга, кўк арча, қишин-ёзин яшпайсан) ҳамда мав-ҳум отлар (Нечун тилкалайсан бағримни, оҳанг!) билан ифодаланиши мумкин.

Ундалмалар, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади: Ой бориб омон кел, (сен) ўғлим! Шериятда ундалма сўзловчининг ўзига ҳам қаратилган бўлади: Эй, Навоий, бода бирла хуррам эт кўнлуниг уйин...

Ундалмалар гапнинг бошида (Ўғлим, одамларга керак бўлиб яша), гап ўртасида (Ўкинманг, синглим, бу кунлар ҳам ўтади, кетади) ва гап охирида (Нега ташлаб кетдинг мени, онажон!) келиши мумкин.

Ундалмалар гапнинг асосий бўлақларидан вергул билан ажратилади, гап бошида келса, ундан кейин, ўртада келса, ҳар икки томонидан, охирида келса, ундан аввал вергул қўйилади. Бироқ ундашни кучайтириш учун ундалмадан олдин келган илдов сўздан сўнг ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди: Ҳой бўрилар, сўзларингдан қайт, бўлмаса ҳокимингга бормаيمان, мин бошингга яшинмайман!

Ундалма қатнашган гапда, одатда, эга қўлланилмайди (айрим ҳолларда қўлланилиши ҳам мумкин): Ватан, бунчалар кўркамсан! Ватан, сен бунчалар кўркамсан!

Ундалма агар бир сўздан иборат бўлса, йиғиқ, икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлса, ёйиқ ундалма ҳисобланади: Ука, мени тушунсангиз-чи! Салом сизга, эркирвар эшлар!

Ундалмалар уюшиб келиши мумкин: Рассомлар, ёзувчилар, композиторлар, ҳаётни чуқурроқ ўрганингиз!

Ундалмалар гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди, бироқ улар билан синтактик муносабатда бўлади, чунки ундалма эганинг маъносини ифодалайди.

КИРИШ СЎЗ ВА КИРИШ ГАПЛАР

Нималарни билишимиз керак?

- кириш сўзлар ва уларнинг ифодаланиши;
- кириш сўзларнинг маънолари;
- кириш сўзларда тиниш белгилари;
- кириш гаплар ва уларда тиниш белгилари.

Сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрга муносабатини билдирувчи сўзлар кириш сўзлар деб аталади. Агар кириш сўзлар бирикма ҳолида келса, кириш бирикма ҳисобланади: Бу ишни биз, сўзсиз, бажарамиз (сўзсиз — кириш сўз). Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас, менинг билишимча, сенинг элиңга (менинг билишимча — кириш бирикма).

Кириш сўзлар ҳам ундалма каби гап бўлаклари билан грамматик жи-ҳатдан боғланмайди. Кириш сўзлар қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

а) модал сўзлар билан: Кошки, ўзгаларни гийбат қилувчилар ўз айбларини ҳам билиша.

б) оғлар билан: Бахтимизга, далам ишдан барвақт қайтиб келдилар.

в) олмошлар билан: Менимча, сиз ўйлаган режа анча пухта ишланган.

г) сифат билан: Тўғри, сен самолёт ясай олмайсан.

д) сон билан: Биричидан, ҳар бир йигит-қиз замонавий билимларни чуқур ўзлаштирмоғи, иккинчидан, иштаб чиқариш технологиясини пухта билишлари лозим.

е) феъл билан: Кўрибсизки, бир ой ўтмай, мен ҳам сафингиздаман.

ж) равиш билан: Дастлаб, қилинадиган ишларни пухта режалаштириб олишимиз керак.

Кириш сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Ишонч ва тасдиқни (албатта, сўзсиз, тўғри, дарҳақиқат, шубҳасиз, муқаррар).

2. Шубҳа ва гумонни (эхтимол, шекли, афтидан, чамаси).

3. Шодлик ва мамнуликни (хайрият, бахтимизга, шуқур, ниҳоят, дуруст).

4. Афсуслик ва ачиниш (эссиз, аттанг, афсуски, таассуфки, бахтга қарши, аксига олиб).

5. Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини (менимча, сенингча, унингча, бизнингча, сизнингча, фикрингизча, фикримча, фаҳимча, назаримда).

6. Баён қилинган фикрнинг тартибини (биринчидан, иккинчидан, аввало, охири).

7. Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқлигини (демак, хуллас, шундай қилиб, инчунин, шунингдек, дарвоқе, зеро, ҳар ҳолда).

Кириш сўзлар, одатда, гап бошида ва гап ўртасида келади ва асосий бўлақлардан вергул билан ажратилади. Кириш сўз гап бошида келса, ундан кейин, гап ўртасида келса, унинг ҳар икки тарафидан вергул қўйилади.

КИРИШ ГАП

Кириш гап ёрдамида сўзловчи баён қилинаётган фикрга йўл-йўлакай қўшимча изоҳ бериб кетади. Қишлоқнинг орқа томонида, эс-эс биламан, катта узумзор бор эди. Шуларни хўп ўйладиму, мен сизга айтсам, ариза ташлашга жазм этдим.

Кириш гаплар ёйиқ бўлса, одатда, қавс ичига олинади: Миркамол қишлоғига қайтиб келганида (ўшанда ҳали тўралар йиқитилмаган, қизиллар у ёқдан бу ёққа от суриб юрарди), уйдан ном-нишон ҳам қолмаган эди. Кириш гап йиғиқ бўлса, гапнинг асосий қисмидан тире билан ажратилади: Мактуба ва Салима икковлари — ўшанда ҳали тенг ёришмаган эди — пахтазорга қараб йўл олишди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲҚАМЛАНГ

1. Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлган ва бир синтактик вазифани бажарган бўлақлар ...

А) кириш сўз

В) кириш гап

С) ундалма

Д) уюшиқ бўлақлар

Е) умумлаштирувчи сўзлар

2. Гапнинг уюшиқ бўлақларини боғловчи воситалар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) келишиқлар ва кўмакчилар

В) тенг боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги ёрдамчилар

С) эргаштирувчи боғловчилар ва оҳанг

Д) оҳанг

Е) В ва Д.

3. Уюшиқ бўлақли гапни аниқланг.

А) Икки ёрти-бир ўттиз.

В) Нотиқ анча ўйлашиб турди-да, гап бошлади.

С) Фарзанд кулдиради, йиғлатади ҳам.

Д) Иккинчи, иккинчи, жавоб беринг!

Е) В ва С

4. Гапнинг бош бўлаклари уюшиб келган қаторни аниқланг.

- A) Подиранинг ораси ва араси шаҳарда, марказда, яшадади.
- B) Комил Мирзаевич меҳмонларни лаборатория ва иссиқхоналар билан таништирди.
- C) Шоирлар ва олимлар халқнинг кўзи, қулоғи, қалбидирлар.
- D) Биз тинчликни, қардошликни қадрлаймиз, ардоқлаймиз.
- E) Маҳалланинг барча қария ва ёшлар тантанага, байрамга, катта тайёргарлик кўришди.

5. Жонли предметлар: ҳайвон ва паррандалар номини ифодаловчи отлар эга сифатида уюшиб келганда, кесим қайси сонда бўлади?

- A) фақат бирликда
- B) фақат кўшликда
- C) бирлик ва кўшликда
- D) бирликда ҳам, кўшликда ҳам бўлади
- E) бундай отлар уюшиб келмайди

6. Агар уюшган эгалар шахсни англатса...

- A) кесим фақат бирликда қўлланилади.
- B) эга ва кесим сонда мослашмайди.
- C) эга кўшликда, кесим бирликда бўлади.
- D) кесим бирликда ҳам, кўшликда ҳам қўлланилади.
- E) кесим фақат кўшликда қўлланилади.

7. Ой ёритади, аммо иситмайди. Ушбу гапда зидлов боғловчиси қандай вазифани бажаряпти?

- A) кўнма гап таркибидаги содда гапларни боғляпти.
- B) мазмунап бир хил бўлган уюшиқ бўлакларни боғляпти.
- C) эга ва кесимни боғляпти.
- D) уюшиқ бўлакларни ўзаро зидлаб боғляпти.
- E) боғловчисиз кўнма гапларни боғляпти.

8. Тўлдирувчи уюшиб келган қаторни аниқланг.

- A) Ўқитувчимиз чиройли ва мулоқим гаширади.
- B) Қувноқ ва шўх болалар ҳаётда ўз ўринларини тез топадилар.
- C) Ҳасадгўй ва ифвогарларга орамизда ўрин йўқ.
- D) Кўчада, уйда ўзингизни одобли тутинг.
- E) Сизни, ёшларни, олдинда бахтли келажак кутмоқда.

9. Равиш ҳоли қайси қатордаги гапда уюшиб келган?

- A) Мени, отангни, унутма, ўғлим.
- B) Пастда, кўп ёнғоқнинг тағида, ошқоқ қорга кўмилиб узоқ туриб қолди.
- C) Ёзда, қовун сайли пайтида, далага чодир тикиб оламиз.
- D) Миркомил ичкарига кириб, аста ўрнига чўзилди.
- E) Дарё ўйноқлаб, тўлқинланиб оқмоқда.

10. Уюшган аниқловчи қатнашган гапни аниқланг.

- A) Хусайн Бойқаро дарҳол қатта ҳарбий кенгаш чақирди.
- B) Сизга, қалби пок ўқитувчиларга, таъзим қиламиз.
- C) Отақул буванинг самимий, ишиқ чеҳрасида бир нур бор эди.
- D) Катта асфалт йўлдан машина ўқдек учиб борарди.
- E) Баланд оқ миноралар устида қарнайлар яни райди.

11. Умумлаштирувчи сўзлар қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?

- A) фақат отлар билан
- B) фақат сифатлар билан
- C) от ва олмошлар билан
- D) от, олмош ва олмош тен ошлар билан
- E) от, сифат, феоллар билан

12. Қайси қатордаги гапда умумлаштирувчи сўз қатнашган?

- A) Баҳорнинг муборак, Ўзбекистоним!
- B) Ота, эртимизнинг бугунги куни бахтли, эртаси янада бахтлироқ бўлади.
- C) Инсоннинг қадр-қиммати, иззат нафси эрга урмаслик керак.
- D) Тўрда Навоий, Жомий, Биноийлар — улуғлар савлат тўкиб ўтиришибди.
- E) Қовун полизда, ҳув чайла ёнида, илқ учрашганимиз ёдини дами?

13. Умумлаштирувчи сўзларда қайси ўринда тире қўйилди?

- A) Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келса.
- B) Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан аввал келса.
- C) Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлар орасида келса.
- D) Умумлаштирувчи сўзган бошида келса.
- E) Умумлаштирувчи сўз қатнашган гапда тире ишлатилмайди.

14. Гапнинг ажратилган бўлақлари қандай вазифа бажаради?

- A) Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга қўшимча муносабати ифодалаш учун хизмат қилади.
- B) Ўзидан аввал келган бўлақнинг маъносини тўлдирди, ойдинлаштирди.
- C) Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.
- D) Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқ эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.
- E) Сўзловчининг пуққи қаратилган шахс ёки предмети ифодалаш учун хизмат қилади.

15. Сизга қалби пок устозларга таъзим қиламиз. Ушбу гапдаги остига чизилган сўзлар қандай тишш белгилари билан ажратилиши лозим?

- A) икки пуққа ёки тире билан
- B) вергул ёки тире билан

- С) вергул ёки ики нуқта билан
 D) вергул ёки нуқтали вергул билан
 E) қавс билан

16. Мен сизни, азизим, соғинаман, йўлга қарайман.

Ушбу гаптаги ажратилган бўлақни кўрсатинг.

- A) мен сизни
 B) азизим
 C) соғинаман
 D) йўлга қарайман
 E) ажратилган бўлақ мавжуд эмас

17. Ажратилган ўриш ҳоли қатнашган гапни белгиланг.

- A) Хайр, яшил ўрмон, мовий денгизлар.
 B) Ичкарида ўзга ҳол эди.
 C) Уйда, кўчада, мактабда ўзингизни самимий, одобли тутинг.
 D) Пастда, бир туп садақайрағоч ёнида, улар узоқ гапланиб турдилар.
 E) Кеча, тонг отар чоғида, сайёҳлар йўлга отландилар.

18. Ёдгорнинг, ўн етти яшар етим боланинг, тақдири шундай аянчли эди.

Ушбу гапта гапнинг қайси бўлағи ажратилган?

- A) тўлдирувчи
 B) аниқловчи
 C) ҳол
 D) кесим
 E) эга

19. Ажратилган тўлдирувчи қатнашган гапни кўрсатинг.

A) Уловнинг ночор, ўғлим, манзилингга етиб боролмайсан.

B) Биз Бешёғоч даҳасининг юқорисида, ўнг тарафдаги кичик маҳаллада, яшардик.

C) У бир зум бўлса-да тинмайди, уйни супуради, идиш-товоқларни ювиб, саранжом-сариншта қилиб қўяди.

D) Умид отасини, тўқсондан охиб қолган чолни, жон-дили билан шарвариш қиларди.

E) Кўкда, дарахтлар устида, гуж-гуж юлдузлар порлайди.

20. Ажратилган бўлақлар ёйиқ ҳолда келиб, улар орасида ўз вергули мавжуд бўлса, қандай тилиш белгиси қўйилади?

- A) нуқтали вергул
 B) вергул
 C) икки нуқта
 D) қавс
 E) тире

21. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирувчи сўзлар...

- A) кириш сўзлар
 B) ундалма
 C) кириш гап
 D) ажратилган бўлақлари
 E) улошиқ бўлақлар

22. Ундалманинг ўрни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) фақат гап бошида келади
 B) гап бошида ва охирида келади
 C) гап бошида, ўртасида, охирида келади

- D) фақат гап охирида келади
E) фақат гап ўртасида келади

23. Ундалма қатнашган гапта, одатда қайси бўлак ифодаланмайди?

- A) кесим
B) тўлдирувчи
C) аниқловчи
D) ҳол
E) эга

24. Қайси гапта ундалма бор?

- A) Мени кечира олсанг, кечир.
B) Мени ташқарида кутиб турсангиз.
C) Сизга нима бўлди, ойижон?
D) Қани энди муздеккина сув бўлса.
E) А ва С

25. Нечун тилкалайсан бағримни, оҳанг?

Ушбу гапта ундалма кимга, нимага қаратилган?

- A) сўзловчига
B) жонсиз предметга
C) II шахсга
D) III шахсга
E) мавҳум отга

26. Қайси жавобда ундалмага хос хусусият тўғри кўрсатилган?

- A) Ундалма қатнашган гапта, одатда, кесим тушиб қолади.
B) Ундалма сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини ифодалайди.
C) Ундалмадан сўнг тире қўйилади.

D) Ундалма гап бўлаклари билан грамматик жihatдап боғланмайди.
E) Ундалмалар фақат шахсга қаратилган бўлади.

27. Ёйиқ ундалмали гапни аниқланг.

- A) Заҳматкаш, дўстларвар, жанговар, аҳдида вафоли қувноқ ўзбегим! Мақташда тантлиқ қилсам, ҳаққим бор. (F. Гулом.)
B) Дада! Дадажон, нон сймақ, нон келтирдишизми?
C) Кечир, Зайнаб, чидолмас дилим...
D) Ҳой, соқолинг кўксингга тўкилгур, — деди хотин, — бу қандай қилиқ?!
E) А ва D

28. Уюшиқ ундалмали гапни топинг.

- A) Иккинчи, иккинчи, жавоб беринг!
B) Салом сизга дарёлар, тоғлар!
C) Муҳаббат, Раъно, Санобар қўшиқни бошлаб юборинди.
D) Биз дўстлик, қардошлиқ ва тинчликнинг не жангигини яхши биламиз.
E) А, В, С

29. Ундалмалар асосан...

- A) I шахсга қаратилган бўлади.
B) II шахсга қаратилган бўлади.
C) III шахсга қаратилган бўлади.
D) I, II ва III шахсга қаратилган бўлади.
E) II ва III шахсга қаратилган бўлади

30. Сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрига муносабатини билдирувчи сўз...

- A) ушдалма дейилади.
- B) гаининг ажратилган бўлаги дейилади.
- C) кириш сўз дейилади.
- D) гаининг уюшқ бўлаклари дейилади.
- E) ундов сўз дейилади.

31. Кириш сўзлар гаининг қайси бўлаги билан грамматик алоқага кириши мумкин?

- A) эга билан
- B) эга ва кесим билан
- C) фақат тўлдирувчи билан
- D) фақат аниқловчи билан
- E) барча жавоблар хато

32. Ишонч, тасдиқ маъносини ифодаловчи кириш сўз қатнашган гаини аниқланг.

- A) Шубҳасиз, топталар, янчилар гаим.
- B) Эсиз, тақдир экан, қайдин билиб-миз.
- C) Демак, асосий масала кейинги мажлисга қолдирилади.
- D) Хуллас, шаҳарда қоладиган бўлди.
- E) A ва D

33. Афсус ва ўкинч маъносини ифодаловчи кириш сўзлар тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг:

- A) хайрият, аттанг, эсиз
- B) албатта, чамаси, шекилли
- C) бахтга қарши, таассуфки

- D) шукур, афсус, хайрият
- E) хуллас, демак, менимча

34. Кириш сўз берилган қаторни аниқланг.

- A) Тўғри, сен самолёт ясолмайсан, кетмон чополмайсан.
- B) Мактабдан чиқиб, тўғри уйга юр.
- C) Айтайлик, сизнинг ўн саккизга кирган қизингиз бор.
- D) Санобархонларни ҳам тўйга айтайлик.
- E) A ва C

35. Кириш бирикма берилган қаторни аниқланг.

- A) Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,
- Менинг билишимча, сенинг элишта.
- B) Шоирнинг ёзишича, шеър қалб зурриётидир.
- C) Айтишингизга қараганда, бу ишга ожизсиз?
- D) Айтайлик, хопада ёлғиз ўтириб-сиз.
- E) A, B, C

36. Қайси қаторда гумонни билдирган кириш сўз мавжуд?

- A) Менимча, унга ишонса бўлади.
- B) Афсуски, ҳозир орамизда Малика йўқ.
- C) Ҳаммани ўзим снгаман деб ўйлайсиз, шекилли.
- D) Майли, кираверсин, чой қўйинг.
- E) Очигини айтсам, сизни хурсанд қиша олмайман.

37. Фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодаловчи кириш сўз қатнашган гаини аниқланг.

А) Биласизки, бир муштиллар киши-ман.

В) Фикри ожизимча, бу уйда бир ўзингиз яшайсиз.

С) Хуллас, Топкент сафари кечиктириди.

Д) Сиддиқжон, бир томондан, Ўрмонжонга кўринмасликка ҳаракат қилар эди.

Е) Кечирасиз, Ўрозбойларнинг уйи шуми?

38. Кириш сўзлар гандан...

А) вергул билан ажратилади.

В) тире ва вергул билан ажратилади.

С) тире билан ажратилади.

Д) қавс ичига олинади.

Е) икки нуқта билан ажратилади.

39. Кириш сўзлар гапнинг...

А) бошида келади.

В) охирида келади.

С) ўртасида келади.

Д) барча ўришларида

Е) Тўғри жавоб йўқ.

40. Кириш гап берилган қаторни аниқланг.

А) У ёғини сўрасанг, айтайми, дадам Ёрматга куёв бўлмоқчи.

В) Сен, нима десам бўларкин, тепги йўқ йигитсан.

С) Мана шуларни хўн ўйладиму, мен сизга айтсам, ариза тапшланга жазм этдим.

Д) Таборнинг (бутун) колоднани шундай деб аташадиган бўлишиди) олдида Омика бошшиқ разведка от қўйиб борарди.

Е) А, В, С, D

БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

Нималарни билишингиз керак?

-бир бош бўлакли гапларнинг грамматик асоси, турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари;

-сўз-гаплар;

-тўлиқсиз гаплар.

Содда гаплар грамматик асосига кўра икки хил: бир бош бўлак-ли ва икки бош бўлак-ли гапларга бўлинади. Икки бош бўлак-ли гапларда бош бўлақларнинг ҳар иккиси ҳам иштирок этади, бир бош бўлак-ли гапларда эса фақат битта бош бўлак, ё эга, ёки кесим қатнашади.

Бир бош бўлак-ли гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Шахси маълум гап.

Гапнинг кесимига асосланиб, эгасини топиш мумкин бўлган гап шахси маълум гап деб аталади. Сизга бахт тилайман. Бу гапда I шах-

сдаги эга қўлланмаган, лекин кесимнинг шаклидан уни осонгина топа оламиз: Мен сизга бахт тилайман.

Сўзлашув услубида қўлланиладиган Саломат бўлинг! Ошпаи-дан топ каби гаплар ҳам шахси маълум гапларга киради.

Шахси маълум гаплар кўпинча диалогик вутқда қўлланилади.

2. Шахси номаълум гаплар.

Шахси номаълум гапларнинг эгаси, одатда, учинчи шахс кўплик ҳамда биргалик нисбати шаклларида бўлади, аммо шунга қарамай, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси маълум бўлмайди: Билмагани бошқалардан ўрганадилар. Бу гапнинг кесимидан эга III шахс кўндикда, яъни улар эканлиги биллиниб турибди, бироқ уларнинг ким эканлиги иши билмаймиз. Марғилолда кичикларни ҳам сизлашади. Бу гапнинг кесими биргалик нисбатидаги феъл орқали ифодаланган.

3. Шахси топилмас гаплар.

Эгасини умуман топиб бўлмайдиган гаплар шахси топилмас (шахсиз) гаплар ҳисобланади. Шахси топилмас гапнинг кесими таркибида бўлади, бўлмайди, ҳисобланади, керак, зарур, лозим, даркор, шарт, мумкин, тўғри келади каби сўзлар келади: Доимо яхши ният қилиб яшап керак. Хом сувни ичиб бўлмайди. Одамларни фақат амаллий иш билан ишонтирини мумкин. Балки завод қуришга тўғри келмас. Хатопи жиноятдан айира билиш лозим.

Шахси топилмас гапнинг кесими феълнинг мажхул нисбатида ҳам бўлиши мумкин: Ҳамма нарсага аста секин эришилади. Топикентга шуйўл билан борилади. Сафарга ҳамма нарса тахт қилинди.

4. Шахси умумлашган гап.

Мазмуни ҳар учала шахсга дахлдор бўлган гаплар шахси умумлашган гап деб юритилади. Шахси умумлашган гапнинг кесими кўпинча буйруқ майлининг II шахс бирликдаги шакли билан ифодаланади: Бир туп ток эксанг, ўн туп тол эк. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан. Ҳасад қилма, ҳавас қил.

Шахси умумлашган гапнинг эгаси гарчи II шахс бирликдаги кишилик олмонни (сен) эканлиги маълум бўлса-да, бу гапнинг мазмуни мантқан I шахс (мен) ва III шахс (у)га ҳам тегишли бўлади.

Халқ мақоллари кўпинча шахси умумлашган гап шаклида тузилган.

5. Атов гап.

Атов гаплар предмет ёки воқеа-ҳодисанинг мавжудлигини билдиради. Атов гапларда оҳанг (интонация) алоҳида рол ўйнайди. Ойдин тун. Онда-сонда итларнинг ҳуриган товуши эшитилади.

Атов гаплар ёлғиз ҳолда қўлланмайди. Агар атов гапдан сўнг бо-

шқа бир гап келмаса, у оддий сўзга айланиб қолади.

Атов гаплар от билан (Куз, Хазонрез фасл.), олмош билан (Мана Ҳирот. Ҳусайн Бойқаро саройи), сон билан (Мингта. Мана бу бошқа гап) ифодаланади.

Атов гаплар кўпинча бадий услубда қўлланилади. Улар айрим ҳолда ёйиқ ҳолда келиши мумкин: Фараҳбахш нури оқшом. Борлиқ тўлиги ой нурига чўми ан.

СЎЗ-ГАПЛАР

Баъзан нутқимизда тасдиқ, инкор, сўроқ, ҳис-ҳаяжон маъноларини англатувчи Ҳа, йўқ, аксинча, тўғри, дуруст, шукур, шундай, яхши, майли, рост, хўн, салом, хайр, узр, марҳамат, балли, баракалла, офарин, қуллуқ, раҳмат, ташаккур, қойил, тасанно каби сўзларни қўллаймиз. Улар ёлғиз ҳолда қўлланганда, сўз-гапга айланиб қолади. Бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлакларни талаб қилмайди, улар кўпроқ диалогик нутқларда қўлланилади. Сўз-гаплар маълум бир оҳанг (интонация)га эга бўлади ва ўзидан кейин бошқа бир гапнинг келишини талаб қилади:

— Сиз ҳам шундай деб ўйлайсизми?

— Аксинча.

Сўз-гаплар бирор бўлак билан бирга қўлланса, кириш сўзга айланиб қолади:

— Иштихонларга пухта тайёргарлик кўрдингми?

— Ҳа, кўрдим.

Бу гаптаги Ҳа сўзи энди сўз-гап эмас, балки кириш сўзи ҳисобланади.

ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАР.

Грамматик тузилиши жиҳатидан тўлиқ бўлмаган, гап бўлакларидан бири ёки бир нечаси тушириб қолдирилган гаплар тўлиқсиз гаплар дейилади. Маълумки, тўлиқ гапларда фикрни тўла ифода қилиш учун керак бўлган гап бўлакларининг барчаси иштирок этади, тўлиқсиз гапларда эса бундай бўлмайди, ҳамма бўлақлар ҳам қатнашавермайди, тушириб қолдирилган бўлақларни биз аввалги гаплардан билиб оламиз.

— Қишда узоқ жанубий ўлкаларга учиб кетадиган қушлар Ўзбекистонда яшайдими?

— Яшайди.

Бунда иккинчи гап тўлиқсиз бўлиб, гап нима ҳақида кетаётганлиги

биринчи гапдан аниқлашиб турибди. Тўлиқсиз гапларда қўйинча эга ва кесим тушириб қолдирилган бўлади:

— Сиддиқжон нималар ҳақида сўзлади?

— Мактаб тажриба участкаси ҳақида (эга ва кесим туширилган).

Тўлиқсиз гаплар асосан сўзлашув услубида, диалогик нутқда қўлланилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИНИГ ВА МУСТАХКАМЛАНГ

1. Икки бош бўлакли гап берилган қаторни аниқланг.

A) Умрингизнинг бирор нафасини беҳуда ишларга сарфламанг.

B) Менга қандай янгилик келтирдингиз?

C) Кўпни ёмонлаган одам кўмувсиз қолар.

D) Бизда меҳмонни қадрлашга ўрганишган.

E) Ўтган вақтни орқага қайтаролмайсиз.

2. Гаплар қайси хусусиятига кўра бир ва икки бош бўлакли гапларга ажралади?

A) грамматик асосига кўра

B) мазмунига кўра

C) таркибидаги содда гапларнинг миқдорига кўра

D) иккинчи даражали бўлақларнинг иштирокига кўра

E) грамматик воситаларнинг иштирокига кўра

3. Қайси қаторда шахс маълум гапга тўғри таъриф берилган?

A) Кесими тушириб қолдирилган гап шахси маълум гап.

B) Таркибида иккинчи даражали бўлақ қатнашмаган гап шахси маълум гап.

C) Кесимининг тусловчи қўшимчаси ёрдамида эгасини топиш мумкин бўлган гап шахси маълум гап.

D) Мазмуни ҳар уч шахсга ҳам дахлдор бўлган гап шахси маълум гап.

E) Эгасини умуман топиб бўлмайдиган гап шахси маълум гап.

4. Шахси маълум гап берилган қаторни аниқланг.

A) Тошкентга жўнаб кетишга тўғри келди.

B) Сумалакка туз солинмайди.

C) Отажон, сизни жуда соғиндим. Соғиндим иккала кўзим билан тенг.

D) Кел, жим, қўлингни бер менга.

E) C ва D

5. Шахси номасиз гапни топинг.

A) Ватани сенин иймонданدير.

B) Муҳаббат ўзи эски нарса, лекин ҳар бир қалб уни ян ишайди.

C) Ўзбекларда меҳмонни улуғлашди.

D) Бетга айтганинг захри йўқ.

E) Олим бўлсанг, олам сеники.

6. Шахси топилмас гап қайси қаторда берилган?

- A) Энди сизни ким деб аташ керак?
- B) Меҳмон отанидан улуғ бўлади.
- C) Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг?
- D) А ва В
- E) А, В, С

7. Инсонни одоби билан баҳолайдилар.

Ушбу гап ҳақида қайси ҳукм тўғри?

- A) икки бош бўлакли гап
- B) содда йиғиқ гап
- C) шахси номаълум гап
- D) шахси топилмас гап
- E) шахси маълум гап

8. Қуйида берилган жавоблардан қайси бири атов гап хусусиятига тўғри келмайди?

- A) Атов гаплар воқеликнинг (предметнинг) мавжудлигини ифодалайди.
- B) Атов гаплар яқса ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин.
- C) Атов гапларда, одатда, кесимлик маъноси ифодаланмайди.
- D) Атов гаплар от, отланган сўз, ошмош, сон каби сўзлар билан ифодаланadi.
- E) Атов гаплар йиғиқ ёки сийиқ бўлиши мумкин.

9. Бир бош бўлакли гапларнинг қайси турида кесим феълнинг мажҳул шакли билан ифодаланadi?

- A) шахси маълум гап
- B) шахси умумланган гап

- C) шахси топилмас гап
- D) шахси номаълум гап
- E) атов гап

10. Шахси номаълум гап берилган қаторни аниқланг.

- A) Самарқанд илм маркази бўлган.
- B) Келишни «ёр-ёр» айгиб узатишadi.
- C) Ҳам куласан, ҳам йиғлайсан киши.
- D) Ишёқмасга иш булорсанг, отангдан ортиқ пасихат қилади.
- E) Далалар кўм-кўк.

11. Тасдиқни билдирувчи сўзга шунинг топинг.

- A) — Тошкентга мен билан кетасанми?

— Ҳа.

- B) — Сизга қийин бўладиган бўлдида!

- C) — Отинг нима?

— Валижон.

- D) — Бизникига келиб туринг.

— Раҳмат.

- E) — Хайр, азизим, кўзимнинг нури.

12. Хайр, Ассалому алайкум, баракалла, қойил каби сўзлар билан ифодаланувчи гаплар...

- A) кириш сўзлар дейилади.
- B) шахси топилмас гаплар дейилади.
- C) шахси номаълум гаплар дейилади.
- D) сўз-гаплар дейилади.
- E) тўлиқсиз гаплар дейилади.

13. — Ойингни кўролмадингми?

— Йўқ, кўролмадим.

Ушбу гапдаги йўқ сўзини қандай изоҳлаш мумкин?

- А) сўз-гап
- В) кириш сўз
- С) ундалма
- Д) тўлиқсиз гап
- Е) атов гап

14. Тўлиқсиз гаплар кўпроқ қайси услубда қўлланади?

- А) сўзланув услубида
- В) бадиий услубда
- С) илмий услубда

Д) расмий услубда
Е) публицистик услубда

15. — Нечанчи синфда ўқийсиз.

— Ҳинчи синфда.

Ушбу тўлиқсиз гапда қайси гап бўлаги тушириб қолдирилган?

- А) эга
- В) кесим
- С) тўлдирувчи
- Д) аниқловчи
- Е) ҳол

ҚЎШМА ГАПЛАР

Нималарни билишингиз керак?

- қўшма гаплар ҳақида умумий тушунча;
- қўшма гапларнинг тузилишига кўра турлари;
- боғланган қўшма гаплар ва уларни ҳосил қилувчи грамматик воситалар;
- боғланган қўшма гапларнинг турлари;
- эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг турлари;
- бир неча эргаш гапли қўшма гаплар;
- боғловчисиз қўшма гаплар ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши;
- аралаш қўшма гаплар.

Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро грамматик воситалар ёки оҳанг ёрдамида бирикишидан ташкил топган гаплар қўшма гаплар деб аталади. Қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гапнинг ўз грамматик асоси, маркази бўлади: Болга тушгунча, тўнка дам олар. Бу гап икки содда гапнинг бирикувидан ташкил топган. Биринчи гапнинг эгаси — болта, кесими — тушгунча, иккинчисининг эгаси — тўнка, кесими — дам олар.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бирикувида боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, айрим феъл шакллари, оҳанг хизмат қилади.

Қўшма гаплар таркибидаги гапларнинг ўзаро бирикиш усуллари ва маъноларига кўра уч хил бўлади:

1. Боғланган қўшма гап
2. Эргаш гапли қўшма гап
3. Боғловчисиз боғланган қўшма гап

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғланган қўшма гап содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёки тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар билан бирикишидан ҳосил бўлган гаплардир. Уларнинг қисмлари шаклан мустақил бўлса-да, мазмунан ўзаро боғланган бўлади: Баҳор келди. Гуллар очилди. Булар икки мустақил гаплардир. Аммо улар ўзаро тенг бириккан тақдирда ҳам, шаклан мустақиллигини йўқотмайдилар: (Баҳор келди ва гуллар очилди). Бироқ улар мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлади, холос, чунки баҳор келиши билан гуллар очилади.

Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг тенг боғловчиларнинг қайси тури билан бирикишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гаплар ва, ҳамда, шунингдек, бириктирувчи боғловчи вазифасидаги -у, -ю, -да юкламалари ёрдамида бирикиб, бир пайтнинг ўзида ва кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисаларни англатади: Майин шабада эсар ва унинг силлашларидан, орқалашларидан майсалар баҳра оларди. Эшик очилди-ю, ўқитувчи кириб келди. Рустам сууга жой қилдириб берди-да, ўзи қаёққадир кетди.

2. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гапларнинг бу турида содда гаплар ўзаро зидлов боғловчилари аммо, лекин, бироқ, шунингдек, шу боғловчи вазифасини бажарувчи -у, -ю юкламалари ва бўлса, эса сўзлари орқали бирикиб, мазмунан бир-бирига қарама-қарши бўлган воқеа-ҳодисалар маъносини ифодалайди.

Севишч унутилади, бироқ қайғу эсдан чиқмайди. Севишч унутилади-ю, қайғу эсдан чиқмайди. Ҳамма рози, сен эса ўз билганингдан қолмайсан.

3. Айирув муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Тенг муносабатли содда гапларнинг ўзаро ё, ёки, дам, гоҳ, баъзан, хоҳ каби боғловчилар бир, ҳам сўзлари ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади. Уларда навбатма-навбат юз берувчи воқеа-ҳодисалар

ёки бирини ташлаш лозим воқеа-ҳодисалар маъноси ифодаланади: Гоҳ найнинг майин овози эшитилади, гоҳ ҳофизнинг дилкаш қўшиғи қулоққа чалинади. (кетма-кет юз берган воқеа-ҳодиса маъноси англашилмоқда). Ё сиз келинг, ё мен борай. (воқеадан бирини ташлаш маъноси англашилмоқда).

4. Инкор муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Баъзан тенг муносабатли содда гапларни боғлашда инкор боғловчиси на ҳам қатнашади. Бу боғловчи ҳам айирувчи боғловчилар каби такрор ҳолда қўлланилиб, юз бермаган воқеа-ҳодисаларни инкор йўли билан ифодалайди: На бир киши гаширди, на бир тирик жон йўталди.

Инкор боғловчили қўшма гапнинг иккинчи қисмида баъзан кесим қўлланмасини мумкин: Ундап на хат бор на хабар.

БОГЛОВЧИСИЗ БОГЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ҳеч қандай боғловчиларсиз ёки боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзларсиз, фақат мазмун оҳанги билан бирикишидан ҳосил бўлади: Орзигул дарвозадан ичкари кирди, дарвоза ўз-ўзидан бекилди. Ботирлари капал қазади, шоирлари газал ёзади.

Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ҳам боғланган қўшма гапдаги каби мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлса-да, шаклан мустақил бўлади.

Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар орасига:

а) тире қўйилади:

-агар улар англаган фикр (мазмун) бир-бирига ўхшатиlsa (Сув келди — нур келди);

-агар улар англаган мазмун бир-бирига қарама-қарши қўйилса (Жисмимиз йўқолур — ўчмас номимиз);

-агар улар шарт маъносини англатса (Собир келди — ўйинни бошлаймиз).

б) вергул қўйилади:

-агар бир пайтнинг ўзида ёки кетма-кет юз берувчи воқеа-ҳодисалар маъносини ифодаласа (Узоқдан най навоси эшитилди, куйнинг майин овози юракларни зир-зир титратарди. Бугун кийимларнингги дазмоллаб қўй, эртага Тошкентга жўнаймиз);

в) икки нуқта қўйилади:

-кейинги содда гап биринчи содда гапдан англашилган фикрнинг

сабаби ёки натижасини ифодаласа (Газетачиликнинг битта ёмон томони бор: ишда тартиб бўлмайди. Сув келди: гиёҳ битмас чуллар обод бўлди).

-кейинги содда гап аввалги содда гап кесимини тўлдириб, изоҳлаб келса (Шунга иқрор бўлдим: миллатларни ажратинч қонли тўқнашувларга олиб келади).

г) нуқтали вергул қўйилади:

-содда гаплар мазмунан унчалик яқин бўлмаса (Танқарида шамол увиллар; Собир сандалга мук тушганча китоб мутолаа қиларди);

-содда гаплар ичида вергул ишлатилган бўлса (Боғда булбул, қумри ва саъвалар тўлиб-тошиб сайрар; йигит ва қиз уларнинг қўшиғини берилиб тинглашарди).

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Содда гапларнинг бири иккинчисига мазмунан ва грамматик жиҳатдан тобе бўлиб боғланишидан ҳосил бўлган ва улардан бири иккинчисининг мазмунини аниқлаб, тўлдириб келган қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гаплар дейилади. Эргаш гапли қўшма гаплар икки қисмдан: бош ва эргаш гаплардан иборат бўлади. Бош гап мазмун ва грамматик жиҳатдан мустақил бўлади ва эргаш гапни ўзига бўйсундириб келади, эргаш гап эса бош гапга эргашиб, унинг мазмунини аниқлайди, тўлдиради. Бош ва эргаш гапларни, одатда, уларнинг кесими орқали фарқласа ҳам бўлади, бош гап кесими мустақил, эргаш гап кесими эса тобе бўлади (мустақил бўлмайди): Тонг отгач, йўлга тушамиз.

Эргаш гап бош гапга қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида бирикади:

а) эргаштирувчи боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар: -ки, чунки, шунинг учун, негаки, сабабки, гўё, гўёки, агар, агарда, мабодо, башарти, борди-ю, токи, худди, балки, деб.

Пахта майдони ошпоқ, гўё далага оқ чодир ёзилган. Ғўзаларни яхшилаб парвариш қилдик, шунинг учун ҳосил мўл бўлди. Агар сени алдаса ҳаёт, сен ноумид бўлма ҳеч қачон.

б) феълнинг сифатдош, равишдош, шарт майли шакллари ёрдамида: -р, -ар экан, -гандан сўнг (кейин), -масдан буруп (аввал), -б, иб, -гач (-кач, -қач), -гунча (-кунча, -қунча), -гунга қадар, -ганда эди, -са, -са ҳам, -са-да, -май туриб, -маса, -май, -мас экан, -ми(юклама)

Қуёш ботгач, атрофни қоронғилик босди. Агар таваккалчилик бўлмаганда эди, тараққиёт ҳам бўлмас эди. Олим бўлсанг, олам сеники.

Эргаш гап бош гандан олдин, кейин ва бош гап орасида келиши мумкин: Эшик очилиб, ичкарига Навоий кириб келди (эргаш гап+бош гап). Биз шунга иқрор бўлдикки, курашсиз ўсиш бўлмайди (бош гап+эргаш гап). Мушук, осмондан ташлаб юборсанг, оёғи билан тушадди (бош гап+эргаш гап+бош гап).

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП ТҮРЛАРИ

Эргаш гапни қўшма гаплар мазмуни ҳамда грамматик шаклланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Эга эргаш гапни қўшма гап.

Эргаш гапни бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган эганинг маъносини изоҳлайди. Эга эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси -са, равишдон шакли -р, -ар экан, ҳамда -ки боғловчиси ёрдамида бирикади; бунда эргаш гап таркибида ким, бош гап таркибида эса у, ўша, ўзи, шу, шу нарса сўзлари келади: Ким бировга яхшилик қилса, ўзи ҳам ёмонлик кўрмайди. Шуниси(шу нарса) равшанки, меҳнатсиз бахт-га эришиб бўлмайди.

2. Кесим эргаш гапни қўшма гап.

Эргаш гапни бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган кесимнинг маъносини изоҳлайди, тўлдиради. Кесим эргаш гап бош гапга -ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Бунда бош гап кесими сифатида, одатда, шу, шуки, шундаки, шундан иборатки, шумидики каби олмошлар келади: Тилагим шуки, доимо саломат бўлинг, ойижон. Сиздан умидим шумидики, бутун орзуларимни саробга айлангирдингиз. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у бутун баҳорни атиги чигитдек келадиган ёғра ичига қамаб бера олади.

3. Тўлдирувчи эргаш гапни қўшма гап.

Эргаш гапни бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчининг маъносини изоҳлайди, тўлдиради. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси -са ҳамда -ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Эргаш гап таркибида кимни, кимга, нимага, кимда, нимада, кимдан, нимадан, кимдаки олмоши, бош гапда уни, унга,

унда, ундан, шунга, шуни, ўшанга, ўшани олмошлари келиши мумкин: Сиз кимга ишонсангиз, мен ҳам ўшанга ишонч билдираман. Тарих шуни кўрсатдики, истиқлолнинг қадрлари ҳаминша баланд бўлган.

Бош гапдаги олмош баъзан қўлланмаслиги мумкин: Билармисан, севган кишига содиқ бўлмоқ — ўзи саодат. Азизбек яхши биладиди, бахтига меҳнат орқали эришилади.

4. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган бўлакнинг белгисини изоҳлайди, ойдиштирилади. Аниқловчи эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси -са ҳамда -ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Эргаш гап таркибида ким, кимнинг, кимки, кимда-ким, қайси, қандай олмошлари, бош гап таркибида эса унинг, шунинг, шундай, бундай, ўша каби олмошлари келади: Билим шундай хазинаки, уни сарфлаганинг билан адо бўлмайди. Кимки кўп ўқиса, унинг билим доираси кен бўлади. Тўнгич ботир қайси йўлдан кетган бўлса, кенжаси ҳам ўша йўлдан юриб кетди.

Айрим ҳолларда бош гапдаги шундай олмош қўлланмаслиги ҳам мумкин: Одамлар борки, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб, ойлигини олаверади.

5. Ўрин эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдаги иш ҳаракатнинг юзага келиш ўрнини аниқлатади. Бунда ўрин эргаш гап таркибида қаерга, қаерда, қаердан каби олмошлар, бош гапда эса шу ерга, шу ердан, шу ерда, ўша ерда, ўша ердан, ўша ерга, ўша ёққа олмошлари келади. Эргаш гап бош гапга -са шарт майли қўшимчаси ёрдамида бирикади. Катта арава қаёққа юрса кичиги ҳам ўша ёққа юради. Қаерда иштизом бўлмаса, у ерда ўсин ҳам бўлмайди.

6. Пайт эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан аниқлашилган иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини ифодалайди. Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши турлича бўлади:

1. Эргаш ва бош гапдан аниқлашилган иш-ҳаракат бир пайтнинг ўзида юз беради. Бунда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

а) ўрин-пайт келишигини олган -ган сифатдош қўшимчаси ҳамда чоғ, вақт, пайт сўзлари ёрдамида: Муаттархон уйга кирган вақтда, синглиси тандирдан нон узаётган эди.

б) сифатдошнинг -р, -ар шакли ҳамда экан тўлиқсиз феъл ёрда-

мида: Ўқтам ҳаёл суриб борар экан, йўлда унга рақс тушиб келаётган бир гала лўлилар рўнара келди.

в) -са шарт майли қўшимчаси ёрдамида: Дутор чалиб ўтирсам, тори узишиб кетди.

2. Бош гаптаги ҳаракат эргаш гаптаги ҳаракатдан аввал ёки кейин юз беради. Бу ҳолда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

а) равишдошнинг -гунча, (-кунча, -қунча), -гунга қадар шакллари ёрдамида: ГЭС биноси битгунча, ариқлар тозалаб бўлинди. Умар ўтинларни ёриб бўлгунга қадар, укаси даладан қўйларига ўт олиб келди.

б) равишдошнинг -май, -масдан бурун (аввал), шакллари ёрдамида: Ҳали қуёш тиккага келмасдан бурун, кун қиздиргандан қиздира бошлади.

в) равишдошнинг -гач, (-кач, -қач) -гандан сўнг (кейин) ҳамда -ми юкласи ёрдамида: Тонг отгач (отдим), йўлга чиқамиз.

3. Бош ва эргаш гапдан ангишилган иш-ҳаракат кетма-кет юз беради. Бунда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

а) равишдошнинг эгалик қўшимчасини олган -ган шакли ҳамда са-йин, сари сўзлари ёрдамида: Булуғ қуюқлашиб боргани сари, табиашинг авзойи бузилиб борарди.

б) ҳаракат номининг -н шакли ҳамда билан қўмакчиси ва -оқ юкласи ёрдамида: Онам қиплоқдан қайтиши билан оқ тўйни бошлаб юборамиз.

7. Сабаб эргаш гапни қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан ангишилган воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиш сабабини ифодалайди. Сабаб эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида бирикади:

а) шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли боғловчилари ёрдамида (Ёмғир қор аралаш ёға бошлади, шунинг учун сафаримизни қолдиришимизга тўғри келди). Бу ҳолда эргаштирувчи боғловчилар бош гап таркибида бўлади;

б) чунки, эргаштирувчи боғловчи ёрдамида (Ёшларимиз илмга интиломқдалар, чунки улар ўз келажакига ишонадилар). Бу ҳолда эса чунки боғловчиси эргаш гап таркибида келади;

в) эргаш гапнинг кесими -ган, сифатдош қўшимчаси ҳамда учун, сабабли, туфайли қўмакчиларини олади (Тупроқда туз кўпайгани учун, дарахлар қурий бошлади);

с) эргаш гап кесими -лик қўшимчасини олиб келади (Ҳаво совуқ бўлганлигидан, кишилар қишқи кийимга ўтишди);

д) эргаш гап бош гапга шекилли кириш сўзи ёрдамида бирикади (Бугун дам олиш кун, шекилли, атрофда одам кам кўринади).

8. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан юзага чиқишини билдиради. Шарт эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида бирикади:

а) феълнинг шарт майли қўшимчаси -са билан (Кураш бўлмаса, ўсиш ҳам бўлмайди);

б) эргаш гап ўз таркибидаги агар, агарда, мабодо, башарги каби ёрдамчилар билан бирикади (Агар ўзимиздан ҳалол ва пок виждонли кишилар кўп чиқса, ҳаётимиз ҳам фаровон бўлади);

в) эргаш гап бош гапга сифатдошнинг -ган шакли ва ўриш-пайт келишига қўшимчаси ёрдамида бирикади (Агар онажоним ҳаёт бўлганида эди, бошимга кўтариб юрган бўлардим);

г) эргаш гап бош гапга -ми, -чи юктамалари ёрдамида бирикади (Токка яхши қаралсами (-чи), ҳосили ҳам мўл бўлади).

9. Мақсад эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай мақсадда бажарилишини билдиради. Мақсад эргаш гаплар бош гапга деб, токи сўзлари ёрдамида бирикади (Юртимиз янада гулласин деб, меҳнатни аямдик. Тилимизни тоза сақлашимиз керак, токи у нафис ва гўзал тилга айлансин).

10. Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап.

Бош гапнинг мазмунига зид бўлса-да, эргаш гапи ундаги ифода этилаётган иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига тўсиқ бўла олмайдиган маънони ифодалайди. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси -са ҳам боғловчиси ёки -са-да шаклида, шунингдек билан, қарамай кўмакчилари ёрдамида бирикади (Қор гулллаб ёғиб турган бўлса ҳам, йигит қизни кутарди. Палағда тухумга мурча сениб берган билан уни еб бўлмайди. Қуёш қиздириб туришинга қарамай, ичкари салқин эди).

11. Натижа эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапда англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини билдиради. Бунда эргаш гап таркибида шундай, шу қадар, шунчалик, шу даражада, чунон сўзлари, бош гап таркибида эса натижада, оқибатда каби сўзлар келади ва улар бир-бирига -ки боғловчиси ёрда-

мида бирикади (Шундай кучли бўрон турдики, оқибатда ҳамма ёқ бир зумда остин-устун бўлиб кетди).

Натижа эргаш гапларда боғловчи вазифасидаги сўзлар қатнашмаслиги ҳам мумкин, улар гапнинг умумий маъмунидан билиниб туради: Ҳаёт гоҳ мурувватли, гоҳ шафқатсизки, унинг қандай тухфалар беришини ўзинг ҳам билмай қоласан.

12. Равиш эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда юзага чиқишини ифодалайди. Равиш эргаш гап бош гапга -б(-иб) равишдош шакли ёрдамида бирикади: (Юлдузлар битта-битта сўниб, уфқ оқара бошлади. Манзураҳон ўлини меҳмон билан ёлғиз қолдириб, қўшнисиникига чиқиб кетди).

13. Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатни бошқа бир иш-ҳаракат белгисига ўхшатиш, қиёслаш орқали ифодалайди. Ўхшатиш эргаш гапи бош гапга -дек қўшимчаси ва гўё, гўёки, худди сўзлари ёрдамида бирикади: Она фарзандига меҳрини берганидек, ер ҳам бизни парварिश қилади, ардоқлайди. Тун қўйни жим-жит эди, гўё ҳамма нарса ширин уйкуга кетгандек.

14. Даража-миқдор эргаш гапли қўшма гап

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг даража-миқдорини англатади. Даража-миқдор эргаш гап бош гапга шарт майлининг -са шакли ёрдамида бирикади, бунда эргаш гап таркибида қанча, қанчалик, нечоғлик сўзлари, бош гап таркибида эса шунчалик, шу қадар, шунча каби сўзлар келади.

Тоғаси қанчалик қизиқса, Ойқиз ўзини шунча оғирликка соларди. Меҳнат қанчалик қийин бўлса, самараси ҳам шунчалик ширин бўлади.

БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Икки ёки ундан ортиқ эргаш гапларнинг битта бош гапга тобеланиб бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб қўшма гаплар бир неча эргаш гапли қўшма гаплар ҳисобланади. Мураккаб қўшма гапнинг бу турида эргаш гаплар бош гапга икки хил йўл билан бирикади: биргалик (тўғридан-тўғри) ва кетма-кет эргашини.

Биргалик эргашишда эргаш гапларнинг ҳар бири бош гапга тўғридан-тўғри, ўзи мустақил ҳолда бирикиб келади, бунда эргаш гапларнинг бирортаси гушиб қолса ҳам, гапнинг умумий мазмунига путур етмайди: Баҳор келса, гуллар очилса, ариқлар тўлиб сувлар оқа бошла-са, табиат яна ҳам кўркемланади.

Кетма-кет эргашишда эса эргаш гаплар бири иккинчисига, иккин-чиси учинчисига эргашиб, кейин бош гапга бирикади, эргашишнинг бу турида эргаш гаплардан бирортаси тушириб қолдирилса, бошқа гаплар мазмунига таъсир қилади: Сув ўзгарса, жой ўзгариб, одам ҳам ўзгаради.

АРАЛАШ ТУРДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Биз юқорида қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг ўзаро бирикишига кўра уч хил: боғланган, боғловчисиз боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар каби турларга бўлинишини кўриб чиқдик.

Бироқ қўшма гапларнинг яна шундай тури ҳам мавжудки, улар-нинг таркибидаги уч ва ундан ортиқ содда гаплар бир-бирига бир неча хил йўшлар билан бирикади. Масалан, шундай бир гапни олиб кўрайлик: Юрак бақувват бўлса, иш унумли бўлади ва киши чарчамайди.

Бунда биринчи гап иккинчисига эргашиш йўли билан, яъни -са шарт майли қўшимчаси ёрдамида, биринчи ва иккинчи гаплар эса учинчи гап-га тенг боғловчи (ва) ёрдамида бириқипти. Демак, биринчи ва иккинчи гаплар эргаш гапли қўшма гап, биринчи ва иккинчи гап билан учинчи гап эса боғланган қўшма гап ҳисобланади. Қўшма гапнинг бундай тури аралаш қўшма гаплар дейилади. Унинг лаблари қимирларди, бироқ сўзлари эшитилмаганлиги сабабли, унга ҳеч ким эътибор бермас эди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ.

1. Содда ва қўшма гаплар қай-си хусусиятига кўра фарқлана-ди?

А) таркибидаги бош бўлақлар бор ёки йўқлигига кўра

В) грамматик асослар миқдорига кўра

С) уюшиқ бўлақлар миқдорига кўра

Д) гап оҳангига кўра фарқланади:

Е) мазмунига кўра фарқланади.

2. Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни боғловчи воси-талар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) боғловчилар ва оҳанг

В) айрим феъл шакллари

С) юкламалар

- D) кўмакчилар
E) A, B, C

3. Қайси қўшма гапларнинг қисмлари шаклан мустақил бўлади?

- A) фақат боғловчисиз қўшма гапларнинг
B) фақат боғланган қўшма гапларнинг
C) боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг
D) фақат эргаш гапли қўшма гапларнинг
E) A, B, D

4. Қўшма гапларнинг қайси турида содда гаплар ўзаро тенг боғловчи ва боғловчи ва-зифасидаги ёрдамчилар ёрда-мида бириккан?

- A) боғланган қўшма гапларда
B) боғловчисиз қўшма гапларда
C) эргаш гапли қўшма гапларда
D) икки бош бўлакли содда гапларда
E) уюшиқ бўлакли содда гапларда

5. Қўшма гапларнинг қайси турида содда гаплар грамматик воситаларсиз бирикади?

- A) фақат боғловчисиз қўшма гапларда
B) фақат боғланган қўшма гапларда
C) фақат эргаш гапли қўшма гапларда
D) A, B
E) A, B, C

6. Ундан на хат бор, на хабар.

Ушбу гап тузилишига кўра қандай гап?

- A) боғланган қўшма гап
B) боғловчисиз қўшма гап
C) эргаш гапли қўшма гап
D) бир бош бўлакли содда гап
E) икки бош бўлакли содда гап

7. Куз келса, ўриқлар туллайди. Ушбу гапдаги содда гаплар қайси жиҳатдан боғланмаган?

- A) грамматик ва мазмун жиҳатдан
B) мантиқан
C) оҳанг жиҳатдан
D) ҳам грамматик, ҳам мазмунап
E) барча жавоблар нотўғри

8. Қўшма гап берилган қаторни кўрсатинг.

- A) У улгурса, келади.
B) Улар Норбувининг пайига тушишди.
C) Палагда тухумга мурч сениб берган билан уни еб бўлмайди.
D) Ёнда, қовун пишган маҳалда, далага қапа тикиб чиқамиз.
E) Сиздан, қалби дарё ўқитувчимдан, бир умрга қарздорман.

9. Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар қисмлари ўзаро қандай воситалар билан бирикади?

- A) тенг боғловчилар ва оҳанг билан
B) фақат тенг боғловчилар билан
C) кўмакчилар билан
D) юкламалар билан
E) бириктирувчи боғловчи ва -у, -ю, -да юкламалари билан

10. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гапни аниқланг.

- A) Козим мактабдан барвақт қайтди.
- B) Қор ёғди ҳамда ерлар музлади.
- C) Бошқаларни билмайман-у, суяк шўрва Кулала икковимизга кучлик қилди.
- D) Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди.
- E) B, C, D

11. Шу онда қаттиқ қарсак чалинди-ю, ҳамма гуриллаб ўридан турди.

Ушбу гап тузилишига кўра қандай гап ҳисобланади?

- A) зидлов муносабатли боғланган қўшма гап
- B) бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап
- C) айирув муносабатли боғланган қўшма гап
- D) боғловчисиз қўшма гап
- E) содда гап

12. Айирув муносабатли боғланган қўшма гапни кўрсатинг.

- A) Унинг на ери бор, на суви бор.
- B) Ҳаво совиди ҳамда ерлар музлади.
- C) Қуёш ботиб, уфқда қиш-қизил шафақ кўринди.
- D) Гоҳ улар келишади, гоҳ биз борамиз.
- E) Кулади-ю, индамай тураверади.

13. Қўшма гапларнинг қайси турида боғловчи вазифасидаги юкламалар иштирок этади?

- A) зидлов муносабатли боғланган қўшма гапларда
- B) бириктирув боғловчили боғланган қўшма гапларда қўлланилмайди
- C) айирув боғловчили боғланган қўшма гапларда
- D) A ва B
- E) B ва C

14. Берилган гапларнинг қайси бири айирув боғловчили боғланган қўшма гап?

- A) Ўктам меҳмонларга ариқ бўйига жой қилдириб берди-да, ўзи қаёққадир шошиб кетди.
- B) Севинч эслан чиқди-ю, қайту унутилмайди.
- C) Гоҳ музыка чалинади, гоҳ кўшиқ янграйди.
- D) Ишим юришиб, марказга ўтиб кетдим.
- E) Эшик очилди-ю, ичкарига Навоий кириб келди.

15. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап қайси қаторда берилган?

- A) Ёрнинг кучи йўқ, ё уруғ ёмон.
- B) Кун иссиқ эди, шунинг учун деразаларни лашг очиб ташладик.
- C) Сеп бераҳмлиқ қилсанг ҳам, аммо меп дushmanлик қилмасман.
- D) Адабиёт атомдан кучли, аммо унинг кучини ўтин ёриш учун сарфламаслиқ керак.
- E) C ва D

16. Инкор боғловчили боғланган қўшма гапни аниқланг.

А) Кечамизга на Собир, на Комил келди.

В) Уни на қийноқлар, на ўлим қўр қита оларди.

С) Унинг на отаси бор, на онаси бор.

Д) На малакдир, на паридир, ҳай-ҳай...

Е) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

17. Собир келди- шаҳарга жўнаймиз. Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

А) боғловчисиз қўшма гап

В) боғланган қўшма гап

С) эргаш гапни қўшма гап

Д) икки бош бўлакли содда гап

Е) бир бош бўлакли содда гап

18. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасида қандай тиниш белгилари қўлланилади?

А) нуқтали вергул

В) кўп нуқта ва вергул, тире

С) икки нуқта, вергул ва тире

Д) чизиқча, қавс ва тире

Е) А ва С

19. Боғловчисиз қўшма гапларда қандай маънолар ифодаланади?

А) бир пайтда ва кетма-кет юзберидаги воқеа-ҳодисалар

В) сабаб-натija ва шарт маънолари

С) воқеа-ҳодисаларни қарама-қарши қўйиш.

Д) воқеа-ҳодисаларни бир-бирига ўхшатиш

Е) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

20. Боғловчисиз қўшма гаплар берилган қаторни топинг:

А) Ит ҳурали, карвой ўтади.

В) Вақтинг кетди — бахтинг кетди.

С) Бугун Қўзивой тиржайиб кириб келди.

Д) Ёз келса, чет элга саёҳатга жўнаймиз.

Е) А ва В

21. Сафар халталарингизни тайдирлаб қўйинглар, эрталаб тоққа жўнаймиз.

Ушбу қўшма гап қисмлари орасига вергул қўйилишининг сабаби нимада?

А) кетма-кет юз берувчи воқеа-ҳодисаларни аниқлатгани учун

В) сабаб маъносини аниқлатгани учун

С) шарт маъносини аниқлатгани учун

Д) сабаб-натija маъносини аниқлатгани учун

Е) воқеалар бир-бирига қарама-қарши қўйилгани учун

22. Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда воқеалар бир-бирига қарама-қарши қўйилса ёки мазмунлари бир-бирига ўхшатилса, қайси тиниш белгиси ишлатилади?

А) вергул

В) тире

С) икки нуқта

Д) нуқтали вергул

Е) кўн нуқта

23. Боғловчисиз қўшма гапларда шарт маъноси англашилса, қайси тиниш белгисини ишлатамиз?

- А) вергул
- В) икки нуқта
- С) нуқтали вергул
- Д) тире
- Е) чизиқча

24. Боғловчисиз қўшма гаплар қисмларда сабаб маъноси англашилса, қайси тиниш белгиси қўйилади?

- А) кўн нуқта
- В) қавс
- С) вергул
- Д) нуқтали вергул
- Е) икки нуқта

25. Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисаларни англагач, қандай тиниш белгилари қўлланилади?

- А) вергул ёки тире
- В) вергул ёки икки нуқта
- С) фақат вергул
- Д) фақат тире
- Е) икки нуқта ёки тире

26. Сув келди // нур келди.

Ушбу гаптаги // белгиси ўрнига қандай тиниш белгиси қўйилади?

- А) икки нуқта
- В) тире
- С) вергул

Д) нуқтали вергул
Е) чизиқча

27. Эргаш гап бош гапга қайси воситалар ёрдамида бирикади?

- А) тенг ва эргаштирувчи боғловчилар ҳамда кўмакчилар
- В) оҳанг, тоқламалар ва кўмакчилар
- С) айрим феъл шакллари ва эргаштирувчи боғловчилар
- Д) айрим феъл шакллари ҳамда тенг боғловчилар,
- Е) ясовчи ва сўз ўзгаргучи қўшимчалар, оҳанг

28. Эргаш гап...

- А) фақат бош гапдан олдин келади
- В) фақат бош гапдан кейин келади
- С) фақат бош гап орасида келади
- Д) бош гапнинг икки тарафида келади
- Е) бош гапдан аввал, кейин, орасида келади

29. Эргаш гап+бош гап шаклидаги қўшма гап берилган қаторни кўрсатинг.

- А) Инсон нимагаки эришолмаса, ўша азиз туюлади.
- В) Истагим шуки, онажоним соғ бўлсинлар.
- С) Абдулҳаким жуда яхши билали, ўқишга кириш осон эмас.
- Д) Ҳаётдан асло подиманг, чунки унинг ўзи турли-туман қаршиликлардан иборат.
- Е) Орзуйим: ўчмасин ёққан чирогинг.

30. Бош гап+эргаш гап+бош гап шаклидаги қўшма гап қаторини кўрсатинг.

А) Қиссадан ҳисса шуки, ақлли одам эҳтиёгкорликни қўлдан бой бермайди.

В) Ҳали унинг билмагани шу қадар кўпки, сўраб охирига етказиб бўлармикин?

С) Биз, об-ҳаво ёмон бўлса ҳам, саёҳатимизни давом эттирдик.

Д) Шуниси равшанки, таллим-тарбия ҳаёт билан болиқ бўлишилозим.

Е) Севги шундай навбахорки, у тикандан гул қилур.

31. Бош гап+эргаш гап кўришидаги қўшма гапни кўрсатинг.

А) Эрталабки шамол дарё бўйлаб шундай эдики, тўё тинч оқаётган сувнинг текис юзи бурилиб кетди.

В) Гўё ҳамма унинг сиридан воқиф бўлгандай, йигит қизариб кетди.

С) Кун ботар-ботмас, биз қишлоққа чиқиб бордик.

Д) Алишер Ҳиротга келгандан буён, юрт анча тинчиб қолди.

Е) Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.

32. Фезлнинг равшандош шакли билан бош гапга бириккан эргаш гапни қўшма гап қайси қаторда жойлашган?

А) Ер кўкармаса, мол тўймас.

В) Бир чойнак чой бўшагунча, улар анча дардлашиб олдилар.

С) Ойим қишлоқдан қайтдиларми, тўйни бошлаб юборамиз.

Д) Ичингда гап ётса ҳам, алам ётмасин.

Е) Юргимиз обод бўлиб бормоқда, шунинг учун кўн илларимиз шод.

33. Фезлнинг шарт майли қўшимчаси билан боғланган эргаш гапни қўшма гапни аниқланг.

А) Мушук, осмондан ташлаб юборсанг, оёғи билан тушади.

В) Бир киши ариқ қазиса, минг киши сув ичади.

С) Сабр қилсанг, гўрадин халво битар.

Д) Майли, не десалар, дейинаверсинлар.

Е) А, В, С

34. Сифатдош шакли ҳамда кўмакчи ёрдамида боғланган эргаш гапни қўшма гапни аниқланг.

А) Биз шунга иқрор бўлдикки, курашсиз ўсин ҳам бўлмайди.

В) Икки кун ўтгандан кейин, ойимлар билан Тошкентга жўнаймиз.

С) Агар сени алдаса ҳаёт, сен поумид бўлма ҳеч қачон.

Д) Халқаро ўйин бўлаётгани учун, стадион одамга лиқ тўла эди.

Е) Олим бўлсанг, олам сеники.

35. Аниқловчи эргаш гапни топинг.

А) Кимки ҳалол меҳнат қилса, у элда азиз.

В) Тилагим шу, юртимиз тинч бўлсин.

С) Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади.

D) Алпинистлар чўққига қайси йўлдан кўтарилган бўлсалар, яна ўша йўлдан аста туша бошладилар.
E) C ва D

36. Эга эргаш гапни қўшма гап қайси қаторда берилган?

- A) Одам борки, одамларнинг нақшидур.
- B) Ҳали шундай замонлар келадики, ҳар кимнинг бахти ўзига боғлиқ бўлиб қолади.
- C) Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар.
- D) Қозонга нима тушса, чўмичга ҳам ўша чиқади.
- E) Гапни чўзишнинг ҳожати йўқ, одамлар кутишяпти.

37. Шу, шуки, шундан иборатки олмошлари қайси эргаш гапни қўшма гап таркибида қўлланилади?

- A) эга эргаш гапни қўшма гап
- B) кесим эргаш гапни қўшма гап
- C) аниқловчи эргаш гапни қўшма гап
- D) тўлдирувчи эргаш гапни қўшма гап
- E) сабаб эргаш гапни қўшма гап

38. Бизда одат шуки, уйга келган меҳмон олдига, албатта, ош қўямиз.

Ушбу гап эргаш гапни қўшма гапларнинг қайси турига мансуб?

- A) эга эргаш гапни қўшма гап
- B) аниқловчи эргаш гапни қўшма гап
- C) кесим эргаш гапни қўшма гап

D) тўлдирувчи эргаш гапни қўшма гап

E) натижа эргаш гапни қўшма гап

39. Шунинг унутмайликки, дўстлик ҳамма вақт голиб чиққан. Ушбу қўшма гапнинг турини аниқланг.

- A) аниқловчи эргаш гапни қўшма гап
- B) тўлдирувчи эргаш гапни қўшма гап
- C) эга эргаш гапни қўшма гап
- D) пайт эргаш гапни қўшма гап
- E) натижа эргаш гапни қўшма гап

40. Кўрсатиш олмоши иштирок этмаган тўлдирувчи эргаш гап қайси қаторда?

- A) Мен шундан кўрқаманки, яхшилар орасига қаламислар ҳам қўшилиб қолади.
- B) Ўзингиз яхши биласиз, онани раҳжитиб бўлмайди.
- C) Бу қиз бошқалардан шуниси билан ажралиб турадики, у ҳамма ерда босиқлик билан гапирди.
- D) Сиздан умидимиз шумилики, ишимизни чишакка чиқариб ўтирибсиз.
- E) Киши тиришиб ўқиса, кўп нарсани ўрганади.

41. Равиш эргаш гапни қўшма гапни аниқланг.

- A) Релин ишлаган расмлар шундай ажойибки, худди кўз ўнгингда жонли киши гавдалангандай бўлади.
- B) Борди-ю, бу гаплар рост бўлганда ҳам, сира ишонмаган бўлардим.

С) Устознинг савлати босиб, ҳаё
голиб келиб, шогирд ерга қараб
қолди.

Д) Шундай яшагинки, кетар чоғин-
гда барча гирён қолсин, сен боргил
хандон.

Е) Собир онасини кўргач, шошиб
ёнига борди.

42. Мақсад эргаш гаши қўш-
ма гаши аниқланг.

А) Қувончи ичига сиғмаса-да, На-
зокат одоб юзасидан ўзини хомуш
тутишга ҳаракат қиларди.

В) Инсон дунёга фақат ёйиш, ичиш
учун келмайди.

С) Қизчам уйғониб кетмасин деб,
Саидахон телевизор овозини наст-
латди.

Д) Қор қалин ёққани учун, дарахт
шоҳлари эгилиб ётарди.

Е) В ва С

43. Тўсиқсиз эргаш гашлар қан-
дай маълуми ифодалайди?

А) Бош гашдан англашилган иш-
ҳаракатнинг қайси шарт билан юза-
га келишини ифодалайди.

В) Бирор иш-ҳаракатнинг юзага
чиқиши учун қарши бўла олмайди-
ган бошқа бир иш-ҳаракатни ифо-
далайди.

С) Бош гашдаги иш-ҳаракатнинг
юзага келиш сабабини ифодалайди.

Д) Бош гашдаги иш-ҳаракатнинг
юзага келиши мақсадини ифодала-
лайди.

Е) бош гашдан англашилган иш-
ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини
билдиради.

44. Пайт эргаш гаши қўшма
гашларни бир-бирига боғловчи
воситалар қайси жавобда
тўғри кўрсатилган?

А) -б, -иб, -гунча, -гач, -май

В) -са, -ки, -масдан бурун

С) -ки, -масдан, -май, -са, -да

Д) -гач, -гунча, -ган эди, гандан
кейин

Е) А ва Д

45. Ўрин эргаш гаши қўшма
гашнинг бош гашида қайси ол-
мошлар келади?

А) у, ўша, шу, шундаки

В) кимки, кимдаким, нима

С) шу ерда, ўша ерда

Д) қаерда, қаердан, қаерга

Е) чунки, шунинг учун, ёки

46. Шарт эргаш гаши қўшма
гап қайси қаторда берилган?

А) Разведкачилар қаерда бўлсалар,
Ваня ҳам ўша ерда эди.

В) Сиз кимга овоз берсангиз, мен
ҳам ўшани ёқлайман.

С) Ким бировга ситам қилаверса,
ўзи ҳам яхшилик кўрмайди.

Д) Ер кўкармай, мол тўймас.

Е) В ва Д

47. Мен бир юмалаб шундай
тўзал бир қиз бўлайки, менинг
олдимда бу қиз тўқсон яшар
камширча ҳам бўлмай қолсин.
Ушбу гап қўшма гашнинг қайси ту-
рига мансуб?

А) мақсад эргаш гаши қўшма гап

В) аниқловчи эргаш гаши қўшма
гап

- С) эга эргаш гапли кўшма гап
- Д) кесим эргаш гапли кўшма гап
- Е) натижа эргаш гапли кўшма гап

48. Сен бераҳм бўлсанг ҳам, аммо мен душманлик қилмасман асло.

Ушбу гап кўшма гапнинг қайси турига мансуб?

- А) видлов боғловчили боғланган кўшма гап
- В) боғловчисиз кўшма гап
- С) шарт эргаш гапли кўшма гап
- Д) тўсиқсиз эргаш гапли кўшма гап
- Е) эга эргаш гапли кўшма гап

49. Шарт эргаш гапли кўшма гап қаторини аниқланг.

- А) Инсон зоти жазм қилса борми, қорни ҳам ёндиради.
- В) Кимки бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.
- С) Баҳор келса, гуллар очилади.
- Д) Уйда китоб ўқиб ўтирсам, ойим кириб келдилар.
- Е) Қушлар тўп-тўп бўлиб учса, ҳаво очиқ бўлади.

50. Тўғридан-тўғри эргашинли бир неча эргаш гапли кўшма гапни кўрсатинг.

- А) Борди-ю рост бўлса, ҳаммаси эмас, ярми рост бўлганда ҳам, жуда хунук гап-ку.
- В) Ҳосилни йиғиб олиб, ерларни шудгор қилиб бўлгач, сайишни бошлаб юборамиз.
- С) Юриб турса томирда қонинг, азиз бўлса бир парча нонинг, бўлсанг

йигит, бўлсанг ҳамки чол, кўлингга қурол ол!

Д) Дастлабки вақтларда ёрдам берсангиз, ишлар жўнаниб кетганидан кейин, унча оғир тушмас.

Е) Меҳмонлар кириб келишганда, шундай гулдурас олқишлар кўтарилдики, залнинг деворлари бизни босиб тушаётгандай бўлди.

51. Кетма-кет эргашган бир неча эргаш гапли кўшма гап берилган қаторни кўрсатинг.

- А) Қалбингда ёнса ҳам бир дунё алам,

Қалдингни букса ҳам олам-олам гап,

Бошингга солса ҳам айрилиқ соя, Кўнглинг гап бўлса ҳам биллюниҳоя,

Опажон, кўзиндан оқизма кўп ёш.

В) Темур давлати нарчаланиб, шаҳзодалар орасида тож-тахт учун кураш қизиб кетгач, бу оиланинг овозаси аста-секин сўна бошлади.

С) Жаноби олийнинг рухсатлари бўлиб, раҳбарлик учун киши тайин қилсалар, мамлакат ободини а сабаб бўладилар.

Д) Бу дўстликда гарав ва сохталик йўқ, чунки бу дўстликнинг мухташам саройини бир чироқ ёритади, чунки бу дўстликнинг ҳамма дарёларида ҳам оби ҳаёт оқади.

Е) В ва С

52. Аралаш кўшма гап қаторини аниқланг.

- А) Сув ўзгарса, жой ўзгарса, ўзгаради одам ҳам.

В) Баҳор келса, гуллар очилса, табиат яна ҳам гўзаллашади.

С) Тоғаси қанчалик қизиқса, Ойқиз ўзини шунчалик босишга ҳаракат қиларди.

Д) Мен сизга шунни айтмоқчиман-

ки, агар хўжалигимиз йириклашса, унинг ҳисоб-китоб ишлари осонлашди ва халқ ҳаёти фаровонлашди.

Е) Тун қўйни жим-жит эди, гўё бутун борлиқ ширин уйқуга кетгандай.

КЎЧИРМА ГАПЛАР. ДИАЛОГ.

Нималарни билишингиз керак?

- кўчирма гап ва унда ишлатиладиган тишиш белгилари;
- диалог ва унда ишлатиладиган тишиш белгилари.

Бонқаларнинг ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган гапи кўчирма гап дейилади. Кўчирма гаплар, одатда, муаллиф гапи билан бирга қўллашадди ва қўштирноқ ичига олинади.

Муаллиф гапининг кесими сифатида демоқ, сўзламоқ, айтмоқ, гапирмоқ каби сўзлар келади. Кўчирма гапнинг ўрни асосан қуйидагича бўлади:

а) кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади: Эликбоши даст товуш билан деди: «Хўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади».

Кўчирма гап дарак гап бўлса, нуқта қўштирноқдан кейин қўйилади, сўроқ ёки буйруқ гап бўлса, сўроқ ва иندов белгилари қўштирноқ ичига қўйилади:

М: «К?» М: «К!»

б) кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келади: «Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизчангизини!» — деди камшир.

«К», -м. «К?»-м. «К!»-м.

в) кўчирма гап муаллиф гапининг ичида келади: Мажлис раиси лабини бурди ва бонч чайқаб: «Мен ҳеч қандай мақола ёзган эмасман», — деди.

М: «К», -м. М: «К!»-м. М: «К?»-м

г) кўчирма гап муаллиф гапининг ҳар икки томонида келади: «Низомиддинов, — деди раис ўрнидан туриб, — сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз, ахир».

«К, -м, -к». «К, -м, -к?» «К, -м, -к!»

Кўчирма гап иккита бўлиб, ўртада муаллиф гапи келадиган бўлса,

тиниш белгилари қуйидагича қўйилади: «Орзуларимиз мўл, — деди Ўктам. — Бу чўлларда шундай жаннат яратайликки».

«К,-м.-К». «К,-м.-К?» «К,-м.-К!»

Кўчирма гаплар асосан бадийи ва сўзлашув услубларида қўлланилади.

Баъзан кўчирма гапнинг шакли ўзгартирилиб, ўзлаштирилиб берилди. Бу ҳолда кўчирма гапнинг мазмуни тўла сақланган бўлиши шарт. Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, ўзлаштира гап кесими сифатида айтмоқ, сўрамоқ, буюрмоқ, таъкидламоқ феъллари келиши мумкин, аммо демоқ феъли қўлланилмайди.

Насиба оёқлари совуқдан зирқираб оғриётганини деди тарзида ифодаланмайди, деди феъли ўрнига айтди шакли қўлланилади.

Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, одатда, гапда кириш сўз ва ундовлар тушириб қолдирилади: «Эҳ ёшлик қандай гўзал фасил!» — деди ҳаяжонланиб Эрناзар. Эрназар ҳаяжонланиб, ёшликнинг гўзал фасли эканлигини таъкидлади.

ДИАЛОГ

Икки кишининг ўзаро гапи (суҳбати) диалог дейилади. Диалогда кўчирма гапдаги тиниш белгилари ишлатилади, бироқ кўпшироқ қўлланилмайди. Диалогда ҳар бир кишининг гапи хат бошидан тире қўйиб ёзилади:

— Отинг нима? — сўради чол боладан.

— Ёдгор, — деб жавоб берди бола.

— Ёшинг нечада?

— Ўн тўртда.

Диалоглар асосан сўзлашув ва бадийи услубларда қўлланилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Бошқаларнинг ҳеч ўзгаришсиз ишлатилган гапи...

А) кўчирма гап деб аталади

В) ўзлаштира гап аталади

С) атов гап деб аталади

Д) бир бош бўлакли гап деб аталади

Е) икки бош бўлакли гап аталади

2. Кўчирма гапнинг ўрни қайси жавобда тўғри ёзилган?

А) кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келади

В) кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади

С) кўчирма гап муаллиф гапи орасида келади

- D) кўчирма гап муаллиф гапнинг ҳар икки гомонида келади
E) Барча жавоблар тўғри.

3. Қайси кўчирма гаптаги ти- ниш белгиларининг иншатили- шида хато мавжуд?

- A) Буни кўриб, Ўрмонжон: «Ҳа, де- мак, ҳовурдан тушибди», — деб ўйлади.
B) «Жуда тўғри, ҳақ гап, — деди боши билан тасдиқлаб Болтабоев. — Ҳамма ютуқларимиз бирлик орқасидан келяпти».
C) Комила йиғитдан: «Гулига қарздорсиз-а?» — деб сўради.
D) «Наҳотки рози бўлса?» — деди Собир. — «Кимнинг қўли узун бўлса, ошмани ўша узаркан-да?»
E) «Гапираверинг, — деди Гулсум. — қулоғим сизда».

4. Ўзлаштирма гап қайси қаторда берилган?

- A) «Сиз кимни ёқласангиз, мен ҳам ўшанга овоз бераман», — деди йи- гит раисга.
B) Нотик тўлқинланиб деди: «Сиз- нинг олдингизда ёрқин келажак ту- рибди».
C) Раис ҳозирча апа шу шийношлар- нинг ўзи етиб туришини айтди.
D) «Қалай, бемор кўзини очди- ми?» — дея сўради ҳамшира Комил- дан.
E) Қодир унга: «Шу ерда бир оз ку- тиб турсангиз», — деди.

5. Ўзлаштирма гапларнинг қайси бирида услубий хатога

йўл кў- йилган?

- A) Саида ҳозир бориб дам олажаги- ни айтди.
B) Ориф ҳали олдинда амалга ош- маган ишлар жуда кўпчилигини таъкидлади.
C) Биноий атрофга қараб, боғнинг чиндан тўзал, манзаранинг чирой- ли эканлигини айтди.
D) Салима онасига бугун дугона- синикида қолишини гапирди.
E) У кечадан буён онасини соғина- ёти аплигини эслатди.

6. «Эҳ, — деди Сафарқул, — ҳали ҳам у бойнинг уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан машғул».

Ушбу кўчирма гап қайси қаторда- ги ўзлаштирма гапга тўғри келади?

- A) Сафарқул эҳ деб, ҳали ҳам бой- нинг уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан банд эканлигини гапирди.
B) Сафарқул ўксиниб, ҳали ҳам унинг бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар би- лан машғул эканлигини айтди.
C) Сафарқул ҳали ҳам унинг бой уй- ида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан машғул эканлигини деди.
D) Эҳ, деди Сафарқул ва унинг ҳали ҳам бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан машғул эканлигини уқирди.
E) Сафарқул эҳ, дея, ҳали ҳам унинг бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш билан машғуллигини таъкидлади.

7. Кўчирма гап ўзлаштирма гапга айлантирилганда...

А) гапнинг ажратилган бўлаклари тушириб қолдирилади.

В) ўндов сўзлар ва кириш сўзлар тушириб қолдирилади.

С) ундалмалар тушириб қолдирилади.

Д) гапнинг иккинчи даражали бўлаклари тушириб қолдирилади.

Е) В ва С

8. Кўчирма гаплар асосан...

А) расмий ва илмий услубларда қўлланилади.

В) публицистик ва бадиий услубларда қўлланилади.

С) сўзлашув ва илмий услубларда қўлланилади.

Д) сўзлашув ва бадиий услубларда қўлланилади.

Е) барча услубларда қўлланилиши мумкин.

9. Диалогларда...

А) ҳар бир кишининг гапи хат бошидан икки нуқта қўйиб ёзилади.

В) ҳар бир кишининг гапи хат бошидан тире қўйиб ёзилади.

С) ҳар бир кишининг гапи қўнғирноқ ичида қўлланилади.

Д) ҳар бир кишининг гапи қавс ичига олинади.

Е) ҳар бир кишининг гапи хат бошидан кўп нуқта билан бошланади.

УСЛУБШУНОСЛИҚ (СТИЛИСТИКА)

Нималарни билишингиз керак?

-путқ услуби ва унинг ўзига хос хусусиятлари;

-сўзлашув услуби ва унга хос асосий хусусиятлар;

-расмий, илмий, публицистик ва бадиий услублар

ва уларга хос хусусий белгилар.

Кипилар ўзаро фикр алмашиш жараёнида тил воситаларини турлича танлайдилар ва ишлатадилар, воқеликка муносабатларни турлича ифодалайдилар, натижада путқнинг хилма-хил кўринишлари пайдо бўлади.

Мана бу матнга эътибор беринг ва уларни бир-бирига таққосланг.

...бетаёт ан куёш шуъалари кўш ўрқач ўртасида ўтириб олган она қиёфасини баралла кўрсатарди. У жиддий тусда юзларининг қони қочган ҳолда хушёр тортиб, хавотирланиб ўтирарди. Соҳлар оқариб кетган, мангалайини ажин босган, гам-ғуссали кўзларига эса Сариўзак хуфтони — гамташвини чўккан эди.

...ҳазиллашпаянсизми, овсинжон, ў-ў-ўлманг-э, одамни юрагини ёрвордингиз-ку. Бирам холиқасиз-ей, бирам ховлиқасиз-ей... Ўзиям бозордан қайтиб кегунумча она сутим огзимга келди-ёв.

Бу икки мати бир-биридан сўз танлаш, ишлатиш ҳамда грамматик, фонетик, лексик хусусиятларига кўра кескин фарқ қилади. Биринчи матида фикр «қуёш шуьлалари», «она қиёфаси», «манглай», «гамгуссалти кўзлар» каби бўёқдор сўзлар ёрдамида ифодаланиб, ўқувчининг руҳиятига кучли таъсир кўрсатиляпти. Иккинчи мати эса, аввало, сўзловчининг интонацияси (сўз оҳанги) билан ажралиб турибди (ў-ў-ўлманг-э, ховлиқасиз-ей, юрагимни ёрвордингиз-ку сўзлари ўзига хос чўзиқ оҳанг билан айтиляпти), шевага хос сўзлар, ибора ҳамда такрор қўлланган. Нутқдаги ана шу ўзига хослик яъни тил воситаларини ўз ўрнида қўллаш ва ишлатиш усуллари нутқ услублари ҳисобланади. Нутқ услублари тилшуносликнинг услубшунослик (стилистика,) бўлимида ўрганилади.

Нутқ услублари хилма-хилдир: сўзлашув, расмий, илмий, публицистик (оммавий) ва бадиий услублар.

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ

Сўзлашув услубида бошқа услубларга нисбатан сўз танлаш ва қўллашда эркинлик анча катта бўлади, гап бўлақларининг ўрнини истаганча алмаштириш, унутиш ан сўз ёқи бирикмаларни гап охирида келтиривериш мумкин (Қараб қўй-чи, нима қияттийкин аканг. Мана мошина ютиб олдиқ, «Нексия»)

Сўзлашув услубида нутқнинг образли воситалари: кўп маъноли сўзлар (бир тузлаб қўйдим-да — адабини бериб қўйдим, имтиҳондан йиқилибди — имтиҳон тошпиrolмабди, чўзиб қўйинг соққасини — пулини тўланг), иборалар (кўзингга қараб юрсанг-чи, огзингга қараб ганир, оёғингни қўлингга олиб югур), шевага хос сўзлар, жаргонлар, пичинг, кесатик сўзларнинг қўлланиш доираси анча кенг бўлади.

Сўзлашув услубида ушдалма, содда кўчирма гаплар, тўлиқсиз ва сўз-гаплар ҳам кўп қўлланилади. Бу услубнинг асосий хусусиятларидан яна бир нутқ сўзлаётган пайтда ҳар хил имо-ишораларнинг ишлатилишидир.

Халқ эртаклари ва дostonлари, айниқса, ана шу услуб учун хос.

РАСМИЙ УСЛУБ

Расмий услуб давлат миқёсида ҳамда халқаро тапқи иқтисодиёт ва сиёсий алоқалардаги барча расмий ҳужжатлар: давлат қонунлари, қарорлари ва фармонлари, ноталар ҳамда халқаро кенгаш, симпозиумлар ҳужжатлари, йўриқномалар, шартномалар, эълонлар, расмий иш қоғозлари: ариза, буйруқ, ишонч қоғози, тилхат, маълумотнома, далолатномалар ёзиладиган услубдир.

Расмий услубга хос асосий хусусиятлар шундан иборатки, унда гаплар асосан хабар-дарак мазмунида бўлади, гап бўлаклари қатъий бир ўринда қўлланилади, фикр аниқ ва равшан, маълум бир қолиш (стандарт)да ифода этилиб, турғун бирикмалар, атамалардан фойдаланилади.

ИЛМИЙ УСЛУБ

Бу услуб асосан монологик (монолог — бир кишининг гапи) характерда бўлиб, табиат ва ижтимоий ҳаётда кечадиган жараён, ҳодисалар аниқ талқин этилади, улар ҳақида аниқ илмий хулосалар чиқарилади.

Илмий услубни бошқа услублардан ажратиб турадиган асосий фарқ унинг терминология-атамалар билан боғлиқлигидир. Аниқ ва ижтимоий (гуманитар) фанларга оид барча илмий асарлар, рисоалар, мақолалар ана шу услубда ёзилади. Бунда асосан ҳар бир фаннинг ўзига хос атамалари қўлланилади (кўп маъноли сўзлар, тасвирий-таъсирий буёқдор сўзлар, иборалар ишлатилмайди), гаплар дарак-хабар мазмунида бўлиб, улар мураккаб қўшма гаплар шаклида қўлланилади, турли шартли белгилар, рамзлар, курсивлар ишлатилади, гап бўлақларининг ўз қатъий ўрни бўлади.

ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ

Публицистик (лотинча «публикус» - ижтимоий) услуб ўзбек тили нутқ услублари орасида нисбатан кейинроқ, XX асрнинг бошларида, Туркистонда дастлабки газеталар пайдо бўлишидан шаклланган.

Публицистик услуб ёзма ва оғзаки шаклларда намоён бўлади. Оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение) учун ёзиладиган, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига оид очерк, фельетон, памфлет, репортаж, мурожаатномалар ана шу услубда яратилади.

Публицистиканинг оғзаки шакли эса бевосита нотиклик санъатида

Ўзифодасиний топади. Радио, телевидениеда, турли учрашув ва кечаларда кундалик воқеалар, халқаро ҳаётга оид шарҳлар билан чиқувчи нотиклар ана шу услубда сўз юритадилар. Уларнинг воқеликка бўлган муносабатлари факт таълаш, ўз қарашларини мантикий изчил, қисқа, аниқ, равшан таҳлил қилишда кўринади.

Публицистик услубда сўзлашув услубига хос элементлар ишлатилмайди, кўпинча ижтимоий-сиёсий атамалар қўлланилади.

БАДИИЙ УСЛУБ

Сўз воситаларидан эркин фойдаланиш, ўқувчи(тингловчи)нинг руҳиятига чуқур таъсир кўрсатиш мақсадида тилнинг тасвирий, образли воситаларидан, эмоционал бўёқдор сўзлардан кенг фойдаланиш бадий услубнинг асосий хусусиятидир.

Бадий услуб асосан нутққа хос бўлиб, бу услубда ёзиладиган асарлар китобхонга ахборот беришдан ташқари эстетик вазифани ҳам бажаради, яъни инсон туйғусига таъсир этади. Бунда адиб бадий-тасвирий воситалардан, кўчма маъноли сўзлар, иборалар, шевага хос сўзлар, эскирган сўзлар, ундов сўзлар, касб-хунарга оид сўзлар, жаргонлардан, шунингдек, риторик сўроқ гаплар, ҳис-ҳаяжон гаплардан кенг фойдаланади.

Бадий услубни аралаш услуб ҳам дейиш мумкин, чунки унда бошқа услуб унсурлари ҳам учрайди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Нутқ услублари нима? вобда тўғри ва тўлиқ берилган?
- А) Гап бўлақларини ўз ўрнида тўғри қўллаш демакдир А) сўзлашув ва илмий услублар
- Б) Шевага хос сўзлар, жаргонлардан фойдаланиш йўлларидир. В) бадий, оммавий, илмий услублар
- С) Нутқда сўз воситаларини тўғри таълаш ва тўғри қўллашдир. С) сўзлашув, илмий, расмий услублар
- Д) Сўзларни адабий талаффуз қоидалари асосида тўғри айтишдир Д) сўзлашув, умумхалқ, илмий, бадий услублар
- Е) Сўзларни тўғри ёзишдир. Е) сўзлашув, расмий, илмий, публицистик, бадий услублар
2. Нутқ услублари қайси жа-

3. Нутқ услубларидан қайсилари кўпроқ ёзма нутққа хос?

- A) расмий услуб
- B) илмий услуб
- C) илмий ва расмий услуб
- D) расмий ва бадий услуб
- E) барча услублар

4. Қуйидаги услублардан қайсилари кўпроқ оғзаки нутққа хос?

- A) сўзлашув услуби
- B) илмий услуб
- C) расмий услуб
- D) публицистик услуб
- E) бадий услуб

5. Давлат қонушлари, қарорлари, фармонлари қайси услубда ёзилади?

- A) илмий услубда
- B) публицистик услубда
- C) бадий услубда
- D) расмий услубда
- E) сўзлашув услубида

6. Куч жисмга таъсир қилиб, унинг тезлигини камайтирғач ҳолда ҳам механик иш бажаради.

Ушбу гап қайси услубда ёзилган?

- A) расмий услубда
- B) илмий услубда
- C) бадий услубда
- D) сўзлашув услубида
- E) публицистик услубда

7. Қуйидаги гаплардан қайси бирида сўз қўллашда услубий хатоликка йўл қўйилган?

A) Бу ишда сиз энг яқин дўстларингизга ёндошинингиз мумкин.

B) Республикамининг аввалги қиёфаси кечагидан, эртага эса буғунгидан гўзалроқ бўлади.

C) Оналар, қайси рангда бўлмасинлар: оқми, қорами, барибир оналигича қоладилар

D) Биз сиздан, азиз устоз, сабоқ олгани келдик.

E) Муҳаббат ул ўзи эски нарса, аммо ҳар бир қалб уни янгилар (уни ёнгорта).

8. Қайси услуб бошқаларига нисбатан кейинроқ шаклланган?

- A) бадий услуб
- B) публицистик услуб
- C) расмий услуб
- D) илмий услуб
- E) сўзлашув услуби

9. Қайси услуб бизнинг ҳистуйғуларимизга таъсир кўрсатади?

- A) сўзлашув услуби
- B) илмий услуб
- C) публицистик услуб
- D) расмий услуб
- E) бадий услуб

10. Конституциямиз қайси услубда ёзилган?

- A) илмий услубда
- B) бадий услубда
- C) расмий услубда
- D) сўзлашув услубида
- E) публицистик услубда

11. Ким айтди сизга мени номард деб? Қани кўрсатиб қўйинг ўшани, баччагарни!

Ушбу гап қайси услубга хос?

- A) бадий услубга
- B) расмий услубга
- C) сўзлашув услубига
- D) публицистик услубга
- E) илмий услубга

12. Қайси фикр хато?

- A) Бадий услубда тасвирий-бўёқдор сўзлар кўпроқ қўлланилади.
- B) Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзга хос атамалар ишлатилади.
- C) Расмий услубда давлат хужжатлари, қонушлар, буйруқлар, фармонлар ёзилади.
- D) Сўзлашув услубига имо-ишоралар хос.
- E) Публицистик услубда асосан шевага хос сўзлар, жаргонлар қўлланилади.

13. Шевага хос сўзлар кўпроқ қайси услубда қўлланилади?

- A) сўзлашув ва бадий услубларда

B) сўзлашув ва публицистик услубларда

- C) публицистик ва расмий услубларда
- D) расмий ва сўзлашув услубларида
- E) бадий ва илмий услубларда

14. Илмий услубда кўпроқ...

- A) иборалар қўлланилади
- B) шевага хос сўзлар қўлланилади
- C) жаргонлар қўлланилади
- D) шартли белгилар қўлланилади
- E) мақоллар қўлланилади

15. Гапларнинг қайси бирида услубий хатога йўл қўйилган?

- A) Бизни шайдо қиладурғон бу кўнгилидир, бу кўнгил.

Хору расво қиладурғон бу кўнгилидир, бу кўнгил.

- B) Оғзинг изга қараб гапиринг, укажон.
- C) Афтишгизга қараб, яхши йигит эканлигингизни билувдим.
- D) Тун ўзининг оғир қора кўрпасини аста йигиб олмоқда
- E) Ташқарида сизни бир кинчи кутиб турибди.

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ

БАДИИЙ АДАБИЁТ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бадий адабиёт (арабча “одоб” сўздан олинган) ҳаётий воқеа-ҳодисалар, инсон турмуши, унинг ҳагги-ҳаракати, ўй-фикрлари, ҳис-туйғуларини бадий образлар воситасида акс эттирувчи санъатдир.

Ҳар бир санъат турининг ўз қуроли мавжуд: тасвирий санъатники — ранг, бўёқ, мусиқаники — оҳанг, ҳайкалтарошники — мармар, ганч, ёғоч. Бадий адабиётники эса СЎЗдир. Ёзувчи ўз мақсадини, фикрларини аنا шу сўз орқали ифодалайди. Бадий адабиёт ва унинг моҳиятини, табиати, келиб чиқишини адабиётшунослик фани ўрганади. У қуйидаги бўлимлардан иборат:

Адабиёт назарияси

Бу бўлимда бадий ижоднинг ўзи ва хос ҳамда умумий қопуниятлари, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, бадий асар шакл мазмунига дахлдор масалалар (бадий асар тили, тур ва жанрлари, бадий тасвир воситалари ва ҳ. к.) ўрганилади.

Адабий танқид

Адабий тарихида бадий санъатнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи, бадий адабиётнинг кишилик жамияти тараққиётида тутган аҳамияти ҳақида баҳс юритилади.

Адабий танқид

Адабий танқид бадий асарларни халқ ҳаёти, унинг бутунги қундаги талаб ва эҳтиёжлари жиҳатидан таҳлил этади, баҳолайди, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беради.

АСАР КОМПОЗИЦИЯСИ

Композиция (лотинча “тузилиш”) бадий асардаги қисмлар, образларнинг маълум бир тартибда жойлашувидир. Адиб асарни ёзишдан аввал унинг ҳар бир образи, эпизод (кўриниш)лари қандай жойлаштириш кераклигини режалаштириб олади. Асарга бутун воқеаларни сиғдиришда муаллиф баҳоси, монолог, диалоглардан, хотира, лирик чекиниш, лирик хотима, руҳий изтироб каби турли усуллардан фойдаланади. Буларнинг барчаси асар композициясини ташкил этади.

СЮЖЕТ

Сюжет (французча “парса”, “мавзу” маъносида) бадиий асарнинг бевоқифта мазмунини ташкил этувчи, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи воқеалар тизимидир. Сюжет бадиий адабиётнинг барча жанрларида мавжуддир. Бироқ шеърый асарларда, айниқса, кичик шеърый асарларда насрий асарларга nisbatan сюжет яширинроқ бўлади. Сюжет асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракати орқали ривожланиб боради. Бу жараён сюжет чизиқлари дейилади. Улар қуйидагилардан иборат:

Экспозиция воқеалар юз берувчи, асар қаҳрамонлари характерини шакллантириб борувчи жой, ижтимоий муҳит, психологик иқлим ва шарт-шароитлар тасвиридир. Масалан, А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи конфликтнинг кескинлашиб боришига сабаб бўлувчи воқеадан – Отабекнинг Марғилонга, савдогарлар саройига келиб қолиши, Ҳомид ва Раҳматларнинг уни қидириб келишидан – бошланади.

Тугун бадиий асарда воқеа ва қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг бошланишига ва кейинчалик кескинлашиб, энг юқори чўққи ва чиқишига сабаб бўлувчи асосий воқеадир (Отабекнинг Кумушга унаштирилиши).

Воқеа ривож сюжет тугунидан сўнг асарда воқеаларнинг аста-секин кучайиб, кескинлашиб бориш жараёнидир (Тошкентда Азизбекка қарши кўтарилган исён, Отабек ва Мирзакарим кутидорнинг дор остига юборилиши, мактуб туфайли омон қолиши, Отабекнинг Зайнабга унаштирилиши, қитчоқлар ва қора чопондилар ўртасидаги қонли тўқнашув, Ҳомиднинг сохта хаглар уюштириб, икки орага совуқчилик тушириши, Отабекнинг Кумуш уйидан ҳайдалиши ва ҳк.).

Кулминацион нуқта (лот. “чўққи”) асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, воқеаларнинг ўта кескинланган ўрнидир (Кумушнинг Зайнаб томонидан заҳарланиши).

Ечим асардаги барча конфликтларнинг ҳал этилиши ва адиб мақсади, ғоясининг ечилишидир (Кумушнинг вафоти, Отабек ва ўгли Ёлдорнинг Марғилонга кетиши).

Эпилог (хотима) асар сўнида ёзувчи томонидан бериладиган хулоса (ҳамма асарда ҳам бўлавермаслиги мумкин), яқундир (Отабекнинг бир йилдан сўнг Тошкентга қайтиб келиши ва Кумуш қабрини зиёрат қилиб, уста Алим билан яна Марғилонга қайтиб кетиши, орадан кўп ўтмай, Оқмачида рус босқинчилари билан курашда ҳалок бўлиши, Ўзбек олимнинг қора кийиб, аза очиши).

КОНФЛИКТ

Конфликт (лот. тўқнашув, зиддият маъносида) бадий асар воқеалари жараёнида қаҳрамонлар ўртасида, баъзан бир қаҳрамон характерининг ўзида юз берадиган тўқнашувлардир. Асар воқеаларининг ривожланиб, кескинлашиб бориши айнан шу конфликтлар туфайли амалга ошади. Кон-фликтлар бош ва иккинчи даражали бўлиши мумкин: Отабек ва Худоёрхон ва Отабек-Ҳомид ўртасидаги зиддиятлар асарнинг бош конфликти, Отабек — Юсуфбек ҳожи, Отабек — Ўзбек ойим, Отабек — Мирзакарим қутидор ўртасидаги зиддиятлар эса асарнинг иккинчи даражали конфликтларидир, улар асар воқеаларининг ривожланишига туртки бўлади, холос.

БАДИИЙ ОБРАЗ

Бадий асарда адиб ўз ўқувчисига ниманидир айтишни, қандайдир ғояни ўртага ташлашни мақсад қилиб қўяди. Ана шу айтмоқчи бўлган фикр ва ғояни ёзувчи у ёки бу воқеа-ҳодисалар, ё бўлмаса, ўзининг ички руҳиятида юз бераётган кечинмалар тимсолида баён этади. Масалан, тош отишини ёруғлашиб бораётган осмон, айтайлик, халқ ҳаётини Отабек ёки Йўлчига ўхшаш қаҳрамон, заҳматқаш инсон хусусиятини чумоли, айёр кишилар қиёфасини тулки тимсоллари ёрдамида кўрсатиб беради.

Бош образ (қаҳрамон) асар воқеалари марказида туриб, шу воқеаларнинг ривожланишига асосий туртки берувчи, асардаги зиддиятларнинг ҳал этилишида етакчилик қилувчи ва адибнинг асосий мақсадни ифодаловчи персонаждир (“Ўтган кунлар”да Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи). Асар марказида турмаса ҳам, ўзининг бирор характери, интилишлари билан адиб мақсади, ғоясини тўлдиришга хизмат қилувчи образлар иккинчи даражали образлар ҳисобланади.

Характер образнинг анча мураккаблашган, ўзининг турли қирралари билан бўртиб турган, ўқувчининг кўзи ўнг ила ярқ этиб кўринувчи ва асар охиригача ўз хислатлари билан бошқа образлардан ажралиб турувчи образдир (“Ўтган кунлар”да Отабек).

Тип (гр. “типос”-из, нусха) ўзининг аниқ характери, ўзига хос руҳий қирралари билан маълум бир синф, гуруҳнинг сифатларини ўзида мужассамлаштирган образдир. Масалан, рассом Мадонна суратини чизиш учун юзлаб аёллардан эскиз олган ва шу эскизлар асосида битта Мадонна образини яратган. Ойбекнинг “Қуллуг қон” романида Йўлчи тип ҳисобланади. У ўзида ХХ аср бошларидаги минглаб йўлчиларнинг характерини, қиёфасини мужассамлаштирган.

Прототип (гр. “образ асосидаги шахс”) асардаги бирор образ учун асос бўлган реал шахедир. Х. Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достонидаги Зайнаб учун Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги собиқ Сталин номли колхознинг бригада бошқиси, Ўзбекистонда пахта мустақиллиги учун курашда жонбозлик кўрсатган Зайнаб Омонова ёки Асқад Мухторнинг “Бухоронинг жин кўчалари” асаридаги бош қаҳрамон учун Файзулла Хўжаев прототип ҳисобланади.

БАДИИЙ АДАБИЁТ ТУРЛАРИ ВА ЖАНРЛАРИ ЛИРИК ЖАНРЛАР

Лирика (грекча “лира” - мусиқа асбоби сўзидан олинган) бадиий адабиётнинг уч асосий турларида бири бўлиб, унда ҳаётий воқеа-ҳодисалар таъсирида инсон руҳиятида, ички оламида юз берадиган турли нозик кечинмалар, фикр-туйғулар акс эттирилган.

Лирик асарлар, одатда, кичик ҳажмда бўлади. Уларда, муҳими, бирор воқеа-ҳодисани баён қилишдан кўра, ана шу воқеа-ҳодиса натижасида инсон руҳиятида юз берувчи ҳиссиётлар, руҳий галаёнлар, лирик қаҳрамон — шоирнинг қувонч ва дардлари, ҳайрат, нафрат, ҳамдардлик ва шунга ўхшаш нозик туйғуларни ифодалаш мақсад қилиб қўйилади.

Шарқ классик адабиётида лириканинг қуйидаги жанрлари мавжуд.

Ҳазал-(арабча “газалия”-аёлларга хушомад қилиш маъносига) дугавий маъносига кўра хотин-қизларга муҳаббат изҳор этгиш маъносини беради. Жанр сифатида эса ишқ-муҳаббатни куйлайдиган шеърларга нисбатан газал дейилади. Кейинчалик унинг мавзу доираси анча кенгайган. Форс адабиётида Ҳофиз Шерозий, туркий адабиётда Алишер Навоийлар газал мулкисининг султони сифатида бу жанрнинг ҳам шаклан, ҳам мавзу-мазмун жиҳатидан мукамаллашувига улкан ҳисса қўшганлар. А. Навоийнинг “Хазини-ул маоний” (“Маънолар хазинаси”) девонидан 2600 газал ўрин олган бўлиб, улар орасида фақат ишқий газалларгина эмас, балки диний-фалсафий (орифона) газаллар, ҳаётий ва ахлоқий мавзулардаги ҳамда ҳажвий газаллар ҳам мавжуд.

Газал ҳажм жиҳатидан етти байтдан ўн-ўн олти байтгача бўлади. Газал одатда, а-а, б-а, в-а, г-а... тарзида қофияланади, биринчи ўзаро қофияланган байт «матлаъ» ёки «мабдаъ», охириги, шоир тахаллуси қўлланиладиган байт эса «мактаъ» дейилади. Агар газалнинг биринчи байтдан ташқари иккинчи байти ҳам қофияланган бўлса, «газали хусни матлаъ», барча байтлари қофияланган бўлса, «газали зоб қофия».

байт ичидаги иккидан ортиқ сўзлар ўзаро қофияланган бўлса, “ғазали мусажжаъ” деб аталади. Ғазаллар тузилишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) ғазали мусалсал: шоир фикрлари, лирик манзара байтма-байт ўзаро боғлиқ ҳолда тадрижий равишда ўсиб, ривожланиб, фикр ва туйғулар бир-бирига мантикий равишда боғланиб боради. А. Навоийнинг машҳур “Ёрдин айру кўнгил мулкедурур султони йўқ...” ғазалини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур ғазалда шоир фикрлари қуйидагича тадрижа шаклида ифодаланиб боради:

1-байт: Ёрдан айрилган кўнгил султонсиз мулкдир.

2-байт: Султонсиз мулк жонсиз жисмдир.

3-байт: Жонсиз жисм райҳонсиз қора тупроқдир.

4-байт: Райҳонсиз қора тупроқ ойсиз тундир.

5-байт: Ойсиз тун об-ҳаёти бўлмаган зулматдир.

6-байт: Об-ҳаёти бўлмаган зулмат ёнида жаннати йўқ дўзахдир.

7-байт: Жаннатдан йироқ бўлган дўзах мастлик имконини топмаган хуморийдир.

8-байт: Лирик хотима: ҳижроннинг ана шундай азоблари бўлганда ҳам, ёригдан (Оллоҳдан) воз кечма.

б) воқсабанд ғазал: бутун ғазал давомида тугал бир воқеалик-муайян бир сюжетдаги воқса ифодаланиб, маълум бир ғоявий мазмунни ёритишга қаратилган бўлади. Ғазалининг бу турини “лирик ҳикоя” маъносида тушуниш мумкин. А. Навоийнинг “Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб...” ғазали воқсабанд ғазалининг энг тўзал намуналаридан бири ҳисобланади.

в) якпора ғазал: ғазалининг матлаъсида кўтарилган масала, фикр охирига байт-мақтаъга қадар изчил ёритиб борилади, байтлар мазмунан бир-бирини тўлдириб, давом эттириб боради. А. Навоий айрим ғазалнавис шоирлар ғазалларидаги мантикий тарқоқлик (парокандалик)дан қаноатланмайди, матлаъдан мақтаъга қадар мазмун ва маъни ўзаро мувофиқ ва мутобиқ келувчи якпора ғазали маъқул кўради. М. Шайхзода таъбири билан айтганда, А. Навоий “байтларни маънаф, фикран ва суратан боғлаш” каби юксак санъатни эгаллаган. “Қаро кўзум, кел-у мардумлиғ эмди фан қилғил...”, “Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади...” ғазаллари якпора ғазал ҳисобланади.

г) муस्ताқил байтлардан тузилган ғазаллар (пароканда ғазаллар): бу ғазаллар гарчи вазн, қофия, радиф жиҳатидан муайян бир қолишда бўлса-да, байтлар мазмунан бир бутунликни ташкил этмайди, бир ғазалининг ўзида турлича мавзу кўзга ташланиб туради, улар мазму-

нан, мантиқан бир-бирига изчил боғланмаган, яъни бир силсилани ташкил этмаган бўлади. Ҳазалининг бу тури ўзбек ғазалиётининг биришчи бо-
сқичида кенг тарқалган.

Рубойй (арабча “рабаъа”-тўртлик) ҳазаж баҳрининг аҳрам ва аҳраб шажараларида битилган ишқий, ахлоқий, сиёсий-фалсафий мавзулардаги тўрт мисралаи шеър (форсийларда “дубайтӣ” - икки бай-
тли деб ҳам аталади). Қофияланишига кўра рубоййлар икки хил бўлади:

а) рубойи хоса - мисраларнинг а-а-б-а тарзида қофияланувчи
рубойй;

б) таронаи рубойй - мисраларнинг а-а-а-а тарзида қофияланув-
чи шакли. Форсий адабиётда рубойй жанри Умар Ҳайём ижодида ўз сай-
қалини топти, туркий адабиётда эса А. Навоий, З. М. Бобурлар рубойй-
нинг энг гўзал намуналарини яратганлар. А. Навоийнинг “Ҳазойин-ул
маоний” девонида 133 та рубойй ўрин олган.

Туюқ бевосита туркий адабиётда шаклланган бўлиб, уқатъий аруз-
нинг рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилон)
вазнида битилади. Унинг ҳажми ва қофияланиши рубоййникига ўхшай-
ди, бироқ фарқи шундаки, туюқ шаклида (омоним) сўзлар қофиясига —
тажнисга асосланган.

· Неча дедим ул санамға, бормоғин, (бормагин)
Қилмади ул тарк охир бормоғин, (боришини)
Мунчаким худройлик кўргазди ул,
Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бормоғин, (бармоғини)

Мураббаъ (ар. - тўртлик) ҳар банди тўрт мисрадан иборат бўлган
бир неча бандли шеър. Мураббаъ а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а... тарзида
қофияланади. Ўзбек мумтоз адабиётда Муқимий мураббаъ жанрининг
гўзал намуналарини яратган.

Мухаммас (ар. - бешлик) ҳар банди беш мисрадан иборат бўлган
бир неча бандли шеър. Шоирлар ўзлари мустақил равишда мухаммас
яратганлар ёки бошқа бирор шоирнинг ғазалига мухаммас боғлаганлар.
Бундай шеър тахмис деб аталган. Тахмисда ҳар бир банднинг дастлаб-
ки уч мисраси ғазалга мухаммас боғловчиликки, охириги икки мисра —
байт эса ғазал муаллифиники бўлади.

Фалакким, яхшилар базмида қадримни баланд этмас, (Огаҳий)
Даме йўқким, ёмонлар мажмаида мустаманд этмас, (Огаҳий)
Бу ҳасратдин кўзим анки йўлин бир лаҳза банд этмас, (Огаҳ-
ий)

Мани ман истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, (Навоий)
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас. (Навоий)

Мухаммас а-а-а-а-а, б-б-б-б-а, в-в-в-в-а тарзида қофияланади.

А. Навоийнинг “Хазойин-ул маоний” девонидан 10 та мухаммас ўрин олган. Ўзбек мумтоз адабиётида мухаммас жанрида баракали ижод этган, А. Навоийнинг 30 та газалига мухаммас боғлаган шоир Отаҳийдир.

Мусаддас (ар.-олгилик) ҳар банди олти мисрадан иборат бўлиб, а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а... тарзида қофияланувчи бир неча бандли шеърдир.

А. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида 5 та мусаддас мавжуд.

Мусаббаъ (ар.-еттилик)- ҳар банди етти мисрадан иборат бўлган шеър. Мусаббаъ а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а... тарзида қофияланади. А. Навоийнинг “Хазойин-ул маоний” девонидан 5 та мусаббаъ ўрин олган.

Мусамман (ар.-саккизлик)- ҳар банди саккиз мисрадан иборат бўлган ва а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а... тарзида қофияланувчи шеър.

Мустазод ҳазажи ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган газалга қўшимча икки руқ (ахраб ва маҳзуф) орттирилган шеър бўлиб, газал шаклида қофияланади, қўшма мисралари ҳам ўзаро қофияланади.

Дин офати бир мугабачаи моҳилиқодур,
майхораву бебок,

Ким ишқидин анинг ватаним дайри фанодур,
сармасту яқом чок.

Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор,
мен кофири ишқи,

Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,
мен ўртанибон пок. (А. Навоий.)

А. Навоийнинг “Хазойин-ул маоний” девонидан 4 та мустазод ўрин олган.

Қитъа (ар.-бўлақ, парча) камида икки байтдан беш байтгача иборат бўлган ва б-а, в-а, г-а тарзида қофияланувчи шеърдир. У худди матлаъси йўқ газални эслатади. Демак, қитъа деганда, шеъринг парчани тушунмоқ керак, бироқ у мустақил шеър ҳисобланади. Қитъада ижтимоий ҳаётнинг

муҳим масалалари, фалсафий-ахлоқий масалалар ечими ихчам, афористик тарзда баён этилади.

Жаҳон гапжиге шўҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочур қаҳр ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида. (А. Навоий.)

А. Навоий 300 дан ортиқ қитъа ёзган.

Қасида (ар.-қасд) асосан машҳур тарихий шахслар, муҳим тарихий воқсаларга бағишлаб тантанали усулда мадҳ этиб ёзилган асар (рус адабиётида — ода)дир. Қасида ғазал шаклида қофияланади.

А. Навоийнинг устози А.Жомийга бағишланган “Туфҳат-ул афкор” (“Фикрлар совғаси”), Ҳусайн Бойқаронинг 1469 йилда Хуросон таҳтига ўтириши муносабати билан ёзган “Ҳилолият” («Янги ой таърифи»), табиатнинг гўрт фаслига бағишлаб битган “Фусули арбааб” («Тўрт фасл»), фалсафий дунёқарашни ақс эттирган “Ситтаи зарурия” («Олти зарурат») қасидалари ўзбек адабиётининг энг гўзал намуналари ҳисобланади.

Фард (ар. — якка, ёлғиз) бир байтдагина иборат бўлган, хикмат тарзида битилган шеър, а-а шаклида қофияланади.

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

(А. Навоий.)

А. Навоийнинг “Фавоидул - кибар” девонида 86 та фард мавжуд.

Муаммо (ар. - яширин) ёлғиз бир байтдан иборат бўлган, таркибидаги сўзлар тагида бирор кишининг номи яширинган шеърини жанр. А. Навоийнинг девонида 52 та муаммо жойлашган.

Лутъ (ар. - топишмоқ) — топишмоқ шеър. Форсий шеърятда “чистот” дейилади. Шоир бунда бирор нарсани ёки ҳодисанинг кўриниш, хусусиятларини тилга олиб, тавсиф этади ва китобхонни унинг номига топишга ундайди.

Икки маҳбубни кўрдим, иккисининг киндиги бир,
Иккисин орасига тушсанг, топадирсан касир.

(Увайсий.)

Ўзбек классик адабиётида дугъ жанрида баракаши ижод қилган ижодкорлардан бири шоира Увайсийдир.

ЭПИК ЖАНРЛАР

РОМАН (“Роман” – дастлаб роман тилида ёзилган асарлар маъносида) – инсон ҳаётини барча мураккаблиги, қирралари билан ҳар томонлама тўлиқ ва кенг тасвирловчи, кенг сюжетга эга бўлган йирик ҳажм-даги эпик асардир. Роман жанрининг шаклланиши уйғониш даврида Ғарб адабиётида яратилган Жованни Бокаччининг “Декамерон” асарининг юзага келиши билан боғлиқдир. Романда қаламга олинган ҳодисаларда кўп киши қатнашади, уларнинг ҳаёти ва кураши бир-бири билан боғланади, тўқнашади. Баъзан бир роман қаҳрамонлари бошқа романларда ҳам иштирок этади. Ўзининг умумий мавзуси, етакчи ғояси, асосий қаҳрамонлари, сюжет алоқадорлиги билан бир бутунлигини таъкил этувчи икки мустақил асар – дилогия (Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ва “Улуғ йўл” романи), уч мустақил асар. (С. Аҳмаднинг “Уфқ” романи) – трилогия, тўрттаси эса тетрология деб аталади.

Катта бир тарихий давр ёки йирик, узоқ тарихий воқеаларни, жамиятдаги муҳим ижтимоий-синфий курашни кенг планда ёритиб берувчи роман эпосея ҳисобланади.

ҚИССА (ПОВЕСТ) – ўрта ҳажмли насрий (эпик) жанр бўлиб, воқеа-ҳодисалар қамрови романга нисбатан кичик, ҳикояга нисбатан эса йирикроқ бўлади. Қиссада инсон ҳаётининг маълум бир даври хроникал тарзда баён этилади. Романда қаҳрамон ҳаёти нисбатан тўлиқроқ, қиссада эса унинг маълум бир даври, ҳикояда унинг ҳаётдан бир ёки бир неча эпизод танилаб олинади. Қиссанинг ўзига хос белгиси унинг ҳажм жиҳатидан катта-кичиклигида эмас, балки асар асосида ётган ҳаётий қамровнинг романга нисбатан торлиги, ҳикояга нисбатан кенглиги, сюжет ва композициянинг ҳам романга нисбатан соддалиги, ҳикояга нисбатан мураккаблигидадир.

ҲИКОЯ (НОВЕЛЛА) – инсон ҳаётдан кичик бир эпизод (воқеа) танилаб олиниб, унинг энг муҳим тиниқ томонларини ўта ихчам шаклда тасвирлаб берувчи эпик жанр. Бу жанрда ўзбек адабиётида А. Қаҳҳор баракаши ижод этиб, ўзига хос ҳикоячилик мактабини яратиб кетди.

ОЧЕРК – ўз ҳажми жиҳатидан ҳикояга яқин турувчи, маълум бир тарихий даврда юз берган реал тарихий воқеалар, реал қаҳрамонларни аниқ хужжатлар асосида ёритувчи бадиий-публицистик жанр. Очеркда бадиий тўқимага кенг йўл берилмайди. Ҳикояда бадиий тўқима биринчи ўринда тургани учун ҳам ёзувчи ўз фикрини истаган тарзда, истаган тўқ-

има образ ва воқеа, деталлар орқали баён эта олади, очеркда эса ёзувчи ўзи танлаб олган фактларни ўзгартиришга ёки қаҳрамон характеридаги сифатларни ўзи ислаганча бўрттириб кўрсатиш имкониятига эга бўлмайди.

ЭССЕ (лот. “эксиго” - чамалайман) - эркин композицияга эга бўлган, шахсий мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи, унчалик катта ҳажмга эга бўлмаган асар. Эсселар соф фалсафий, публицистик, адабий-танқидий, тарихий-биографик мавзуларда ёзилиб, муаллиф ўзининг қарашларини турли хулоса ва даъволардан фойдаланган ҳолда далиллаб беради.

МЕМУАР АСАР - эсдаликлар, хотиралар демакдир. Ёзувчининг ўзи қатнашган, бевосита гувоҳи бўлган, кўрган-кечирган воқеаларни ёритувчи асардир. Уларда ҳикоя қилувчи шахс иштирокчи ёки шохид сифатида воқеалар марказида туради. Масалан, “Бобурнома”нинг асосий қаҳрамони ҳам шоирнинг ўзидир. Баён қилиш шакли, изчиллиги билан мемуар асарлар эсдаликларга яқин туради. Уларда воқеалар тўқима тарзда эмас, реал, ишонч-ли тарзда баён этилади.

ЛИРО – ЭПИК ЖАНРЛАР

Баъзи асарлар борки, адиб ҳам воқеаларни тасвир этади, ҳам шу воқеаларга ўз муносабатини, шу воқеалар туфайли ўз руҳиятида юз берган ички кечинмаларини ифодалайди. Бундай асарларда воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш шоир ички туйғулари, кечинмалари билан уйғунлашиб кетади. Лиро-эпик турга қуйидаги жанрлар киради:

ПОЭМА (ДОСТОН) инсоннинг поэтик қалб туйғуларини, ҳаётнинг долзарб муаммоларини акс эттирувчи йирик ҳажмли асардир. Достон асосан шеърий йўл билан ёзилади.

Ўзбек классик адабиётида достонлар маснавийда, аруз вазида ёзилган. Маснавий (ар. - иккилик) – нисбатан тугал фикрни англатувчи ва а-а б-б ... тарзида қофияланувчи шеърий шаклдир. Маснавийни икки маънода: ҳам шеърий шакл, ҳам жанр сифатида тушуномқ керак. Масалан Ҳувайдонинг “Роҳати дил” асари маснавий деб атаб келинади. Маснавий шеърий шакл сифатида бошқа қофия усулларига нисбатан кенг имкониятли бўлгани учун ҳам А. Навоий уни “усули хуб”, “кенг майдон” сифатида таърифлайди.

Классик адабиётимиздаги барча достонлар ҳамд (Аллоҳга мурожаат), ундан сўнг эса наът (пайгамбарга мурожаат) билан бошланган.

БАЛЛАДА (французча “балларе” - рақсга тушаман) инсон ҳаётининг энг муҳим, мураккаб лаҳзаларини ва поэтик нуқталарини кўта-

ринки руҳда ифодаловчи ривоя шаклидаги шеърӣй асардир. Балладада воқеалар ўткир драматик тарзда кечади, турмушдаги ғоят муҳим муаммолар ёритилади.

МАСАЛ (ар. – намуна) таълимий-ахлоқий, дидактик (тарбиявий), киноявий характердаги кичик ҳажмли шеърӣй ёки насерӣй асар. Масалда, одатда, кишиларнинг айрим нуқсонлари, ижтимоӣй ҳаётдаги баъзи камчиликлар аллегорик (мажозӣй) образлар (ҳайвонлар, жонсиз предметлар) орқали танқид остига олинади, панд-насиҳатлар, ўғитлар тарғиб этилади. Масал жанрига асос солган адиб антик адабиётнинг йирик вакили грек шоири Эзохдир. Ҳиндларнинг “Калила ва Димна”си, Гулҳанийнинг «Зарбулмасал» асари ҳам масал жанрининг энг подир намунаси ҳисобланади.

ДРАМАТИК ЖАНРЛАР

ДРАМА (гр. – ҳаракат) сахна учун яратилган асар бўлиб, унда муаллиф тасвирга мутлақо аралашмайди, асар гоёси, воқеалар муаллифнинг иштирокисиз персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, гаплари орқали ўз ифодасини топади. Драма фақат сахнада ижро этилгандагина бадиӣй асар даражасига кўтарилади.

Драматик асарларда асар иштирокчиларининг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, хатти-ҳаракати, қилиқлари, интонацияси, сахна манзараси ҳақида муаллиф томонидан бериладиган изоҳлар **ремарка** дейилади. Асар персонажнинг ўзига ёки суҳбатдошига, томошабинга қарата айтган нутқи **монолог**, асардаги икки кишининг суҳбати эса **диалог** деб аталади.

КОМЕДИЯ (гр. “комос” – хушчақчақ оломон, “оде” – кўшиқ) драматик турга мансуб жанрлардан бири бўлиб, унда воқеалар, характерлар, зиддиятлар кулги орқали ифодаланади. Комедия, дастлаб, Грецияда эрамиздан аввалги V-IV асрларда майдонга келган бўлиб, унинг асосчиси Аристофан ҳисобланади.

Комедиялар кулгининг характерига қараб ҳажвий (сатирик) ва юмористик турларга бўлинади. Сатирик комедияларда ижтимоӣй ҳаётдаги муҳим нуқсонлар, жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб турган иллатлар аёвсиз фох этилади. Бунга А. Қаҳҳорнинг “Тобутдан говуш” комедиясини мисол қилиб қилиб келтириш мумкин. Юмористик комедияда эса кишилар турмушдаги айрим нуқсонлар энгил кулги остига олинади. Э. Воҳидовнинг “Олтин девор”, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” асарлари юмористик комедиялардир.

ТРАГЕДИЯ (гр. “трагос” – эчки, “оде” – кўшиқ) асосида

кескин, келиштириб бўлмайдиган зиддиятлар ётувчи, оқибатда қаҳрамонлар тақдири фожиа билан тугайдиган драматик жанрдир. Трагедияда кишилар ҳаётининг, тарихий тараққиётнинг муҳим муаммолари фалсафий тарзда кескин ҳал этилади.

Трагедия қадимги Грецияда пайдо бўлган. Дионис деб аталувчи май ва хушчақчақлик худоси шарафига ўтказилган байрамда Дионисга қурбонлик сифатида эчки олиб келинган. Бу маросимда эчки ҳақида кўпшиқлар куйланган, рақсага тушишган.

Грек антик адабиётида Эсхил, Софокл, Эврипид, Англияда Вилиям Шекспир, немис адабиётида Шиллер трагедиялари, айниқса, дунё сахнасида жуда машҳур бўлиб кетган. Ўзбек адабиётида эса Фитратнинг “Абулфайзхон”, М. Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” асарлари трагедиянинг гўзал намуналари ҳисобланади. Биринчи ўзбек фожияси сифатида М. Бехбудийнинг “Падаркуш” асари тилга олинади.

ТРАГИКОМЕДИЯ – трагедия хусусиятлари ва комедия элементлари биргаликда акс эттирилган асар. Унда маълум бир тарихий шароитда жамият ҳаётида юз берган муҳим воқеалар, ижтимоий ишлатлар, муаммолар фожиа ва ҳажв хусусиятлари уйғунлашган ҳолда акс эттирилади. Ўзбек драматургиясида Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари жиддий комедия сифатида талқин этилади. Унда турғунлик йилларида ўзбек аёлларининг ҳаётидаги долзарб муаммолар кули асосида ёритилади.

БАДИИЙ САЊЪАТЛАР

Бадий асар бизни ўз мазмуни билангина эмас, шакли билан ҳам, воқеа-ҳодисаларнинг қай тарзда образли, ранго-ранг, бадий-тасвирий воситалар ёрдамида ўйноқи, таъсирчан, сержило тасвирланиши билан ҳам маҳлиё этади. Тил, бадий-тасвир воситалари, конфликт, композиция, адабий тил, жанр, шеър тузилиши қабилар, биринчи навбатда, шакл ҳодисаси ҳисобланади. Масалан, Абдуша Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясининг шакли деганда, биз шу ҳикоя поэтикасини, яъни ёзувчи тили, қаҳрамонлар тили, унинг сюжети, композициясини, бадий тил хусусиятларини тушунамиз. Бир воқеанинг ўзини ўнга ёзувчи турлича, ўзига хос усулда тасвирлаб берадилар. Қайси бирлариники туйғуларимизга чуқур таъсир кўрсатади, бизда кучли кулгу ёки изтироб уйғотади, қайси бирлариники эса қалбимизда ҳеч қандай ҳиссиёт уйғотмайди, бизга таъсир кўрсатмайди ва шу боис ёдимиздан тез кўтарилади. Демак, шакл мазмунни тўлдирувчи, бойитувчи бир восита экан. Ёзувчи турмушни қанчалик мукамал тасвирласа, ўз асарининг гоийвий-мавзу асосини шунчалик чуқур ва

аниқ очиб бера олади. Қуруқ баёнчилик, воқеани шунчаки бирин-кетин баён этиш – бу санъат эмас.

Классик шоирларимиз лирик қаҳрамон кечинмаларини чуқур ва таъсирли ифодалаш, образларнинг ранг-баранглиги, шеърнинг оҳангдорлигини, жозибасини таъминлаш мақсадида турли бадий-таъсирий воситалар – санъатлардан фойдаланганлар.

ТАШБЕХ (ўхшатиш) – икки ёки undan ортиқ нарса ёки ҳодисаларнинг ўртасидаги мавжуд ўхшашлик, умумийликнинг бири иккинчисига қиёсланиши ташбех ҳисобланади. Бу ўхшашликларни шоир **дек, - дай** қўшимчалари ёки **гўё, худди, мисли, янглиғ, каби, сингари** сўзлари ёрдамида ифодалайди.

Кўзда ашқим қонидин ҳар сори кўнгул, қатралар
Нуқталар янглиғким, қўйгайлар қачон ёзилса қон. (А. Навоий)

Бу байтда лирик қаҳрамон кўзларидаги ёш “қон” сўзидаги “қоф” ва “нун” ҳарфининг нуқталарига ўхшатишмоқда. Бунда ўхшатиш ан нарса – кўз ёши **мушаббаҳ**, ўхшаган нарса – нуқталар **мушабббаҳ ун-биҳи**. ўхшатиш сабаби – чунки кўз ёши нуқталарга ўхшаб кетади **важҳи шабоҳ**, ўхшатиш воситаси – янглиғ эса **одоти ташбех** деб аталади. Айрим ҳолларда одоти ташбех, яъни ўхшатувчи воситалар қўлланмаслиги мумкин.

Дема машҳур бўлмоқ яхши, бугдой донаси пинҳон,
Дарахте қилди жавлон, саргайиб охир сомон бўлди.

Байтда “сомон” сўздан кейин келиши лозим бўлган янглиғ – ўхшатувчи восита қўлланмаган.

Шоирлар кўпинча маъшуқа ёки ошиқнинг тик қоматини сарв ёки шамшод дарахтига, ё бўлмаса “алиф” ҳарфига, ошиқнинг ҳижрон азобидан эгилган қаққини “ёй”, “дол” ҳарфларига, ошиқ кўзларидан оққан ёшни юлдузларга, ёрнинг қошларини камон, ёй, “нун” ҳарфига, лабларини ёқут, лаъл, шаҳд ва шакар, гулча, «мим» ҳарфига, тишларини дур, садаф, маржон, “син” ҳарфига, кўзларини жоду, наргис, “сод” ҳарфига, ошиқ олдида эркаланиб, аччиқланганда пешонасига тупадиған ажинни денгиз тўлқинига, маъшуқа юзларини ой, қуёш ва аргувонга, ҳаётни карвонлар бир кечага қўйиб ўтадиган роботга, билимни кимёга, сўзни шакар ёки захарга ўхшатадилар.

Баъзан бир нарсанинг ўзини шоир бир неча нарсага ўхшатади. Ма-

салам, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутаду билиг” асарига ҳайвон (йилқи)ни ҳам оддий халққа, ҳам подои, билимсиз кишига, ҳам заковатсиз, ёмон хулқли, очкўз шахсларга, золим бекларни, амалдорларни бўрига нисбатан ташбеҳ беради.

Ташбеҳнинг бир неча турлари мавжуд.

а) ташбеҳи сарех (ташбеҳи мутлак)да ўхшаган ва ўхшатишган нарсалар ўхшатувчи воситалар ёрдамида тўғридан-тўғри боғланади:

Қилсангиз тасвир Лайли хуснин ул ойдек сизин,
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз.

Бунда ўхшатишган нарса (хусн – мушаббах), ўхшаган нарса – ой (мушаббах ун-биҳи), одоти ташбеҳ (-дек), вазҳи ташбеҳ (асос – юз ҳам, ой ҳам бир-бирига ўхшап, яъни юмалоқ ва ёрқин) қатнашган.

б) ташбеҳи мапрут (шартли ўхшатиш): ташбеҳнинг бу турида икки нарса ёки ҳодиса бир-бирига маълум бир шарт асосида ўхшатилади.

Кимнинг ҳиммати бўлмаса, улуғ,
Экагун ажунда у бўлмас улуғ. (Юсуф Хос Ҳожиб)

Байтда ҳимматсиз, яъни нокас, баҳил киши ўлиқка шарт асосида ўхшатиляпти, бунда инсон ҳимматдан маҳрум бўлиш тақдирдагина ўлиқка ўхшайди, чунки у ўлик-тирикликдан маҳрум деган хулоса келиб чиқади.

в) ташбеҳи тафсил: бунда шоир бир нарсани иккинчисига ўхшатиб туриб, сўнг бу ташбеҳдан тўғри қониқмагандек, янги ташбеҳни қўллайди, ке-йинги ўхшатиш аввалгисидан кучлироқ, таъсирли ва ёрқинроқ бўлиши талаб этилади.

Вале ёдиға келдиким ул ой,
Демай ой, офтоби оламорой. (А. Навоий)

г) ташбеҳи акс (акс ташбеҳ) бунда ўхшаган ва ўхшатишган нарсалар дастлаб ўз ўрнида, кейинги мисраларда эса ўринлари алмашган ҳолда қўлланади.

Будум эрди ўктег кўнгул эрди я,
Кўнгил қилғу ўктег будум бўлди я. (Юсуф Хос Ҳожиб)
Қаддим ўқдек тўғри, кўнглим эса ёйдек (отилишга тайёр)

эди,

Кўнгил орзулари ҳамон ўқдек, бироқ қаддим энди ёй бўлди (букилди).

ИСТИОРА икки предмет ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланиб, сўзларни кўчма маънода қўллаш санъатидир. Ташбеҳда ҳам ўхшатувчи, ҳам ўхшатилувчи қўлланилади, истиорада эса фақат ўхшатувчининг ўзи қўлланилади. Масалан, ташбеҳда “қаддинг ниҳол янглиг позик” дейилса, истиорада “қад” сўзи, яъни ўхшатилувчи қўлланмайди.

Бир йўқламайсан содиқ қулингни,
Кўзлари жаллод, позик ниҳолим. (Муқимий)

ТАЗОД – қаршилантириш санъатидир (Фарб адабиётида “антитеза” деб юритилади). Шоир ўзи ифодаламоқчи бўлган фикрни ёки тасвирламоқчи бўлган нарсани, кучлироқ, таъсирлироқ аке эттириш мақсадида бир-бирига қарама-қарши бўлган образларга, сифат ва хислатларга муржоат этади, бунда у асосан антоним сўзлардан фойдаланади:

Раҳм қилғил бандага, эй шоҳ, ул тенгри учун,
Ким этар бизни гадо, ул сизни султон айлаган. (Лутфий)

ТАЛМЕХ шеърда машҳур тарихий шахслар, афсонавий қаҳрамонлар, жойлар, тарихий воқеалар, афсоналар, энг нодир адабий асарлар, мақолларга ишора қилиб ўтиш санъатидир. Шарқ классик шоирлари ишқ, мавзусидаги шеърларида кўпинча “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Вомиқ ва Узро” каби асарлар ва уларнинг қаҳрамонларига, Беҳистун тоғи, Ҳазрат Али фарзандлари - Ҳасан ва Ҳусайнлар қатли этилган Карбало даштига ёки хасислиги орқасидан бекиёе бойлик тўплаган Қорун номига ишора қилиб ўтадилар. Шоир Мунис устозларига бағишлаб ёзган «Устозлар эътирофи» газалида Низомий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Ансорий, Жомий ва Навоий ва бошқа шоирлар номини тилга олади.

Жафо тегди бошимга Лайлию Ширину Узродин,
Букуп Вомиқ ила Мажнуну Фарҳодимши соғиндим. (Увайсий.)

ТАЖОҲУЛИ ОРИФОНА – билиб билмасликка олиш маъносини ифодалаган бу санъатда шоир ўзи билган нарсани бошқалардан гўё билмагандек сўрайди.

Малак ё ҳур, билмон ё парисан,

Бу рафтор ила ё кабки дарийсан. (Лутфий.)

Лирик қаҳрамон маъшуқанинг ҳур, парига ўхшашлигини билса-да, ўзини билмасликка олиб “билмон” — билмайман сўзини қўлламоқда.

ИЙҲОМ (ар.шубҳага солиш, адаштириш). Шоир шеърда шундай бир сўзни қўллайдики, аслида у икки хил маъно беради. Уқувчи беихтиёр бу сўзнинг биринчи маъносини ашлайди, чунки унинг эътиборини шу маъно ўзига тортади. Сўзнинг иккинчи маъноси эса яширинган бўлади, уни дабдурустдан илғаб олиш қийин бўлади.

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
Кўзим қаросига мардум киби ватан қилғил.

(Алишер Навоий)

Байтнинг иккинчи мисрасидаги “мардум” сўзи инсон маъносидан ташқари “кўз қорачиғи” маъносини ҳам берадики, у байт замирида яширишидир.

ИРСОЛИ МАСАЛ шеърда ифодаланаётган фикрни асослаш, исботлаш мақсадида бирор ҳалқ мақолини келтириш санъатидир.

Умрини ошиқ ҳамиша ўтказар орзу билан,
Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан.

(Э. Воҳидов)

ХУСНИ ТАЪЛИЛ (ар.-чиройли асослаш маъносига). Шоир шеърда бирор фикрни баён этар экан, уни кутилмаган, ҳаётий бўлмаган далил ва хулосалар орқали гоёт назокатли тарзда, чиройли асослаб беради.

Қуёш ойдек юзунгнинг ҳижлатидин
Қочиб тўртинчи кўк узра чиқибдур. (Лутфий).

Бу байтда шоир қуёшнинг ердан анча олисда жойлашувига табиат ҳодисаси сифатида қарамай, маъшуқанинг ойдек беқиёс гўзал чеҳрасидан ҳижолат бўлганлиги учун ҳам гўё қуёш осмонининг тўртинчи қавати-га қочиб чиқиб кетганлигини асос-далил қилиб кўрсатмоқда.

ТАЪДИД (эъдод, шумор, теъдод) Байтда фикрни кетма-кет тадрижий равишда санаб, ривожлантириб бориш санъатидир.

Ўқи бу Лутфий мушглик ниёзномасини,
Савобу олқишу юз минг дуо керак бўлса.

ТАШХИС, ИНТОҚ (жонлантириш) инсонга хос хусусиятларни (сўзлаш, кулиш, ҳис қилиш, фикрлаш, ҳаракат қилиш) жонсиз нарсалар ёки табиат ҳодисаларига кўчириш, яъни жонсиз нарсаларни тирик қилиб тасвирлаш санъатидир. Агар жонсиз нарсаларни шоир гаширтирса, интоқ санъати ҳисобланади:

Қатра қонларким томар кўксимға урган тошдин,
Заҳмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимға тош.
(Алишер Навоий).

Бунда қорнинг тағларида қиш
Баҳор учун сўйлайди олқини.
(Х.Олимжон).

МУБОЛАҒА (ар.-катталаштириш, кучайтириш) бадий образ хислатларини ҳолати ёки ҳаракатларини ўта бўрттириб кўрсатиш санъатидир. Муболаға ёзма адабиётда ҳам, оғзаки адабиётда ҳам учрайди.

Ваҳ, муҳаббат кўйида қон йиғладим,
Етти йқлим гарқ бўлди ёнима. (Машраб)

ИФРОҚ (ИФРОТ) ўта кичрайтирилган муболаға санъатидир. Шоирлар машуқанинг оғзини шу қадар кичрайтириб тасвирлайдиларки, гўё кўринмайди.

А. Навоий ўз қаҳрамони Фарҳод сифатларида тасвирлашда ҳам бу санъатдан усталик билан фойдаланади, гўё у чумолидай кам сут ичса-да, кун сайин шердай ўсиб боради. Хоразмий esa машуқанинг белини қилдай ингичка дея тавсифлайди:

Бўйинг сарву санувбартек, белинг қил,
Вафо қилғон кишиларға вафо қил.

ТАРСЕЪ байтда бир йўла бир неча сўзларнинг ўзаро қофияланиб келиш санъатидир. Агар байтда фақат икки сўз қофияланиб келса, зул-қофияга дейилади:

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас. (Бобур)

ШИРУ ШАКАР – бир шеърни икки тилда ёзини санъати.

Эй, лабат пурхандаву чашми сиёҳат масту хоб,
Икки зулфинг орасида ой юзунгдир офтоб. (А. Жомий)

Агар бир шеър уч тилда ёзилган бўлса, у ҳолда шаҳду ширу шакар деб аталади.

ТАНОСИБ – шеърда мантиқан бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тақозо этадиган сўзларни ёнма-ён келтириш санъатидир. Атоий-шини қуйидаги байтида бир-бирига боғлиқ бўлган зулф, кўз, жамол сўзлари ёнма-ён ишлатилган:

Зулфунг черяки жамол мулкин
Олди кўзунг иттифоқи бирла.

ИШТИҚОҚ байтда ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидир.

Баҳолик дивор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз, баҳосиз биши. (Юсуф Хос Ҳожиб)

Толиб улким, топмасанг доғи бу баским айламас
Бир нафас гофил сени матлуб ёдидин талаб.

Навоийдан келтирилган ушбу байтда толиб, матлуб, талаб сўзлари ўзакдош сўзлардир.

ТАСДИР. Маълумки, байтнинг биринчи рукни (биринчи мисранинг биринчи рукни) садр, охириг руки (иккинчи мисранинг охириг руки) эса ажуз деб аталади. Шунга кўра бир сўзни ҳам садр, ҳам ажузда такрорлаш санъати тасдир дейилади. Бу санъат радд-ул-ажуз ал-ас-садр деб ҳам аталади.

Гул чоғи ёри сафар айлаб Навоий жонига,
Ҳар бири бир тоза қонлиғ доғи ҳижрон бўлди гул.

Навоийдан олинган ушбу байтда гул сўзи садр ва ажузда такрорланмоқда.

ҚОФИЯ мисралардаги ўзаро оҳангдон сўзлар. Қофия кўпинча мисра охирида, ўртасида, баъзан мисра бошида келиши мумкин. Шарқ классик адабиётида қофия махсус фан сифатида ўрганилган. Қофия асосини сўз ўзатидаги сўнати товушининг такрори ташкил этади: жаҳон, осмон, томон, ёмон. Ана шу сўзлардаги «н» товуши равий деб атал-

ган. Равийдан олдин келувчи тўрт товушнинг ҳам тугал мос келиши қофиянинг мукамаллиги ва оҳангдорлигини таъминлайди ва улар таънис, даҳил, ридф, қайд деб аталади. Қофиядан кейин мос келувчи товушлар васл, хуруж, мазид, ноира деб аталади.

Баъзан қофиядан сўнг бутун шеър давомида бир сўз такрорланиб келиши мумкин:

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобор,
Сарриштай айипдин кўнгулни зинҳор,
Уз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бундай сўзлар радиф деб аталади (арабча отнинг орқасига мингашиб, эргашиб борувчи). Агар қофиядан олдин бир сўз такрорланиб келса, ҳожиб деб аталади.

Тиг ила ёриб жигарим ёниши,
Ерга оқизди жигарим қонини. (А. Навоий)

САЖЪ – насрий қофия. Масалан, А. Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асарида сажъни қўллайди: “Олам маъмурлиги алардин, алам аҳли масрурлиги алардин, ҳар қанча қилсалар ҳаракат, элга қут етар, ҳам баракат...”

ЛИРИК ЧЕКНИШ бадий ифода усулларидан бири бўлиб, ёзувчи асарнинг маълум бир жойида (асар ўртаси ёки охирида) воқеани ёки кишилар характерини тасвирлашдан тўхтайдиганда, ўзида туғилган фикр, ҳис-ҳаяжонни лирик тарзда ифодалашга берилади. Масалан, Ғ. Ғулом “Сен етим эмассан” шеърда урушдан етим қолган болаларга мурожаат қилар экан, бир жойда тўхтайдиганда, ўз етимлигини эсга олади:

Етимлик нимадир
Бизлардан сўра.
Ўнинчи йилларнинг саргардонлиги
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.
Мен етим ўсганман...

ЛИРИК ҚАҲРАМОН. Ўй-фикри, ҳис-ҳаяжони, кечинмалари лирик шеърда ифодаланган шахс лирик қаҳрамон ҳисобланади. Ли-

рик шеърда кўпинча шоирнинг ўз кечинмалари берилади, шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон деганда, шоирнинг ўзиши тушунамиз.

ЛИРИК ОБРАЗЛАР. Классик адабиётда ошиқ ва маъшуқа, пай-ғамбарлар, ориф, ринд (рицар) соқий, мугбача(май қуйиб берувчи бола), “биру бор” (Аллоҳ) берилади. Шунингдек, коинот жисмлари (Ой, Қуёш, Зухра, Муштарий, Аторуд, Миррих, Кайвоп) образлари ҳам учрайди. Булардан Миррих – Марс Шарқ нужум шмида жангу-жадал тимсоли ҳисобланган.

РИТМ. Шеърда ҳижолаарнинг мисралар бўйича муайян тартибда такрорланиб келишига айtilади.

ТУРОҚ. Пауза билан ажратилган, тенг бўлақлардан тузилган ва мисралар бўйича маълум тартибда такрорланадиган мисра бўлаги ту-роқ деб аталади. Масалан, Ҳ. Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърда ту-роқлар қуйидагича жойлашган:

Во-дий-лар-пи (4) я-ёв кез-ган-да, (5)
Бир а-жиб ҳис (4) бор э-ди ма-н-да (5)

Туроқ рус адабиётида стопа, арузда эса руки, сутун деб аталади.

ОҚ ШЕЪР. Вазни, туроғи аниқ, лекин қофиясиз шеър – оқ шеър деб аталади. Пушкиннинг “Борис Годунов”, Некрасовнинг “Россияда ким яхши яшайди?”, М. Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” фожиалари оқ шеърда ёзилган.

НАСРИЙ ШЕЪР. Сочма, қатъий бир вазни бўлмаган, таъсир кучи баланд бўлган, насрий йўлда ёзилган шеърга сочма ёки насрий шеър дейилади. Сочма шундай пайтда ёзиладики, туйғу ва фикрлар тўлқинланиб, топиб кетади, уни бирор тўсиқ билан тўхтатиб бўлмай қолади. У вазни ва ритмнинг биз тушунган маънодаги қолишига сиймай қолади. Сочманинг қофиядош шакли ҳам бор. Унинг ўзида ички ритм, ички бир мусиқа, жаранг бор. Ўзбек шеърятига сочма шеър шаклини 20-йилларда шоир Миртемир олиб кирган.

ШЕЪРИЙ ВАЗНЛАР

Вазн (ар.- ўлчов, тарози) шеър ўлчовидир. Шеърлий ва насрий асарларни ажратиш турувчи асосий омиллардан бири вазн ҳисобланади. Шеърнинг мусиқийлигини ритм вужудга келтиради, ритмни эса вазн яра-тади. Шунга кўра шеърятда уч хил вазн мавжуд.

ган. Равийдан олдин келувчи тўрт товушнинг ҳам тугал мос келиши қофиянинг мукамаллиги ва оҳангдорлигини таъминлайди ва улар таъсис, даҳил, ридф, қайд деб аталади. Қофиядан кейин мос келувчи товушлар васл, хуруж, мазид, ноира деб аталади.

Баъзан қофиядан сўнг бутун шеър давомида бир сўз такрорланиб келиши мумкин:

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Сарриштаи айшдин кўнгулни зинҳор,
Уз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Бундай сўзлар радиф деб аталади (арабча отнинг орқасига мингашиб, эргашиб борувчи). Агар қофиядан олдин бир сўз такрорланиб келса, ҳожиб деб аталади.

Тиг ила ёриб жигарим ёниши,
Ерга оқизди жигарим қониши. (А. Навоий)

САЖЪ – пасрий қофия. Масалан, А. Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асаарида сажъни қўзлайди: “Олам маъмурлиги алардин, алам аҳли масрурлиги алардин, ҳар қанча қилсалар ҳаракат, элга қут етар, ҳам баракат...”

ЛИРИК ЧЕКНИШ бадий ифода усулларидан бири бўлиб, ёзувчи асарнинг маълум бир жойида (асар ўртаси ёки охирида) воқеани ёки кишилар характери тасвирлашдан тўхтайдилар, ўзида тутилган фикр, ҳис-ҳаяжонни лирик тарзда ифодалашга берилади. Масалан, Ғ. Ғуллом “Сен етим эмман” шеърда урушдан етим қолган болаларга мурожаат қилар экан, бир жойда тўхтайдилар, ўз етимлигини эсга олади:

Етимлик нимадир
Бизлардан сўра.
Ўнинчи йилларнинг саргардонлиги
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира.
Мен етим ўсганман...

ЛИРИК ҚАҲРАМОН. Ўй-фикри, ҳис-ҳаяжони, кечинмалари лирик шеърда ифодаланган шахс лирик қаҳрамон ҳисобланади. Ли-

рик шеърда кўпинча шоирнинг ўз кечималари берилади, шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон деганда, шоирнинг ўзини тушунамиз.

ЛИРИК ОБРАЗЛАР. Классик адабиётда ошиқ ва маъшуқа, пай-гамбарлар, ориф, ринд (рицар) соқий, мугбача(май қуйиб берувчи бола), “биру бор” (Аллоҳ) берилади. Шунингдек, коинот жисмлари (Ой, Қуёш, Зухра, Муштарий, Аторуд, Миррих, Кайвон) образлари ҳам учрайди. Булардан Миррих – Марс Шарқ нужум илмида жанг у-жадал тимсоли ҳисобланган.

РИТМ. Шеърда ҳижолаарнинг мисралар бўйича муайян тартибда такрорланиб келишига айтилади.

ТУРОҚ. Пауза билан ажратилган, тенг бўлақлардан тузилган ва мисралар бўйича маълум тартибда такрорланадиган мисра бўлаги туроқ деб аталади. Масалан, Ҳ. Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърда туроқлар қуйидагича жойланган:

Во-дий-лар-ни (4) я-ёв кез-ган-да, (5)

Бир а-жиб ҳис (4) бор э-ди ман-да (5)

Туроқ рус адабиётида стопа, арузда эса руқд, сугун деб аталади.

ОҚ ШЕЪР. Вазни, туроғи аниқ, лекин қофиясиз шеър – оқ шеър деб аталади. Пушкиннинг “Борис Годунов”, Некрасовнинг “Русияда ким яхши яшайди?”, М. Шайхзоданинг “Мирзо Улугбек” фожиалари оқ шеърда ёзилган.

НАСРИЙ ШЕЪР. Сочма, қатъий бир вазни бўлмаган, таъсир кучи баланд бўлган, насрий йўлда ёзилган шеърга сочма ёки насрий шеър дейилади. Сочма шундай пайтда ёзиладики, туйғу ва фикрлар тўқинланиб, тошиб кетади, уни бирор тўсиқ билан тўхтатиб бўлмай қолади. У вазни ва ритмнинг биз тушунган маънодаги қолипига сиғмай қолади. Сочманинг қофиядош шакли ҳам бор. Унинг ўзида ички ритм, ички бир мусиқа, жарағи бор. Ўзбек шеърятига сочма шеър шаклини 20-йилларда шоир Миртемир олиб кирган.

ШЕЪРИЙ ВАЗНЛАР

Вазн (ар.- ўлчов, тарози) шеър ўлчовидир. Шеърлий ва насрий асарларни ажратиш турувчи асосий омиллардан бири вазн ҳисобланади. Шеърнинг мусиқийлигини ритм вужудга келтиради, ритми эса вазн ярадади. Шунга кўра шеърятда уч хил вазн мавжуд.

Аруз шеърӣй тизими дастлаб араб адабиётида вуҷудга келган бўлиб кейинчалик форс ва турк адабиётига кириб келди.

Аруз вази шеър мисраларида қисқа ва ҷўзиқ бўгинларнинг муайян тартибда гуруҳланиб такрорланишига асосланади.

Аруз назарияси асосчиси араб адабиётшунос олими Халил ибн Аҳмад бўлиб, аруз истилоҳи (атамаси)нинг келиб чиқишини у яшаган жойга яқин бўлган Аруз водийси номи билан боғлиқ (Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” асари) деб ҳисоблашади. Шунингдек, XV асрнинг таниқли адабиётшуносларидан Воҳид Табризий “Жами ул-мухтасар” асарида аруз араб чодир уйлари ушлаб турувчи устуннинг номи эканлигини, арузийлар (арузда ёзувчилар) ҳар мисра охиридаги рукни ҳам “аруз” деб аташини ва шу охири бўлак айтилганда шеър қайси вазнда ёзилганлиги маълум бўлишини айтиб ўтган.

Аруз тизими махсус илм сифатида асрлар давомида анча мукамал ўрганилган бўлиб, уни қуйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

1. Араб арузшунослиги. Халил ибн Аҳмад, Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббих, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Ҳазражий.

2. Форс арузшунослиги. Мавлоно Юсуф Нишобурӣй (X аср), Рашидиддин Ватвог “Ҳадоийқ ус-сеҳр” (XIII аср), Шамс Қайс “Ал муъжам фи меъёр ашъор ал-Ажам” (XIII аср), Насриддин Тусий “Меъёр ул-ашъор” (XIV аср), Салмон Соважий “Қасидатун маснуот ал-аруз” (XIV аср), Абдурахмон Жомий “Рисолаи аруз” (XV аср).

3. Турк арузшунослиги. Алишер Навоий “Мезон ул-авзон” (XV аср), Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Мухтасар” (XVI аср), Зокиржон Фурқат (XIX аср охири) битган, аммо ҳалигача нашр этилмаган рисола. Абдурауф Фитрат 1936 йилда “Аруз ҳақида” рисоласи ва бошқа адабиётшунос олимларимизнинг аруз назариясига оид қатор илмий-тадқиқот ишлари.

Аруз шеърӣй тизимида вази билан боғлиқ бўлган қатор атамалар мавҷуд. Буларга ҳижо (бўгин), рукн (муайян тартибда такрорланиб турувчи ҳижолар гуруҳи), мисра (шеърнинг бир қатори), байт (шеърнинг икки мисрадан иборат қисми), банд (муайян миқдордаги мисралар гуруҳи), матлаъ, мабдаъ (газалнинг биринчи байти), мақтаъ (газалнинг охири байти), васл (ҳижоларнинг бир-бирига уланиб кетиш ҳодисаси), сабаб, вагад, фосила (ҳижолардан ташкил топган шеърӣй бўлақлар), садр (биринчи мисранинг биринчи рукни), аруз (охириг руки), ибтидоъ (иккинчи мисранинг биринчи руки), зарб (охириг руки), ҳашв (қолган рукилар) киради.

АРУЗ ВАЗНИДА ҲИЖОЛАР

Арузда ҳижолар (бўғинлар) бармоқ вазнидагидан фарқли тарзда сифат жиҳатидан уч турга: қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларга бўлинади. Қисқа бўғинлар чизмада (V) белгиси билан ифодаланади, чўзиқ бўғинлар эса (—) белгиси билан ва ўта чўзиқ бўғинлар (— V) ёки (~) белгиси билан белгиланади.

Қисқа талаффуз қилинувчи унли билан тугаган очиқ бўғинлар қисқа, барча ёпиқ бўғинлар ва чўзиқ талаффузга эга бўлган унли билан тугаган очиқ бўғинлар эса чўзиқ бўғин ҳисобланади. Ёпиқ чўзиқ бўғин таркибида чўзиқ унли келса, шунингдек, бўғин қўш ундош билан тугаса, ўта чўзиқ бўғин саналади ва бунда бўғинлар мисра ичида (— V) белгиси билан, мисра сўнигида келса (~) белгиси билан ифодаланади. Буни қуйидаги байт мисолида кўрамиз:

А-га-р о-шиқ-ли-ғи-м айт-сам, ку-йиб жо-ну жа-ҳо-н ўр-тар,
Бу ишқ сир-рин ба-ё-н эт-сам, та-қи ул хо-пу-мо-н ўр-тар.

(Машраб.)

Байтдаги А, ли, ку, жа, Бу, ба, та, ну бўғинлари қисқа ҳижолар деб юритилади, -га, -р о-, шиқ, ги, -м айт, сам, йиб, жо, ну, ҳо,-н ўр, тар, ишқ, сир, рин, ё, -н эт, сам, қи, ул, хо, мо, -н ўр, тар бўғинлари чўзиқ ҳижолар деб юритилади. Қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг жойлашишига эътибор берсак, қуйидагича ҳолат намоеи бўлади:

А-га-р о-шиқ-	ли-ғи-м айт-сам,	ку-йиб жо-пу	жа-ҳо-нўр-тар,
V _____	V _____	V _____	V _____
Бу ишқ сир-рин	ба-ё-н эт-сам,	та-қи ул хо-	пу-мо-н ўр-тар.
V _____	V _____	V _____	V _____

яъни байтнинг садр, аруз, ибтидоъ, зарб ва ҳашвлари бир хил руқилардан (ҳижолар туруҳидан) ташкил тошган. Юқоридаги ҳолатга эътибор берилса, бир сўз охириги ҳижосининг сўнги ундоши ўзидан кейинги сўз бошланаётган унли билан бириктиб кетгани, яъни васл ҳодисаси рўй берганини иши кўрамиз. Бу аруз тизимининг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Тилшуносликда бир ундош бир бўғин ҳосил қилиши мумкин эмаслиги қайд этилган бўлса-да, арузда бу қолидага ҳам ўз артиш киритилади, яъни айрим ҳолатларда бир ундош бир ҳижо тарзида ажратилади. Бу ҳодиса таркибида чўзиқ унлилар ёки қўш ундошлар иштирок этган ёпиқ (ўта чўзиқ) бўғинларда кузатилади. Буни қуйидаги байтда кўришимиз мумкин:

Чар-х-нинг мен кўр-ма-ган жаб-ру жа-фо-си қол-ди-му?
 Хас-та кўн-лим чек-ма-ган дар-ду ба-ло-си қол-ди-му?

Бу байтда дастлабки мисра биринчи руки (садр)нинг биринчи ҳижо-си ўта чўзиқ (қўш ундошли) сўздан ташкил топганлиги учун бир чўзиқ ва бир қисқа ҳижо тарзида ажратилади. Шунингдек, зо-р, пи-р, хо-р, дў-р каби сўзларни ҳам ўта чўзиқ ҳижога мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Аруз тизимида қисқа ва чўзиқ ҳижоларнинг бирикувидан ташкил топган махсус бўлақлар мавжуд бўлиб, улар аслий руқиларни шакллантиришда катта рол ўйнайди. Бундай бўлақлар сабаб, ватад, фосила деб юритилади. Уларга хос хусусиятларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Т.р.	Бўлақлар номи	Ҳижолар сони ва чизмаси	Мисоллар
1.	Сабаб: а) сабаби хафиф (енгил сабаб) б) сабаби сақийл (оғир сабаб)	бир чўзиқ — икки қисқа VV	гул, кел, юр, тур, май, ол, кул, сир, гули, ана, тўри, бари, эли, гали
2.	Ватад: а) ватади мажмуъ (қўшилган ватад) б) ватади мафруқ (ажр. ватад)	қисқа + чўзиқ V — — V чўзиқ + қисқа	китоб, қуеш, гўзал, ватан, мароқ, савол сабри, акси, орли, тоғли мангу, бирла
3.	Фосила: а) фосилаи суғро (кичик ф.) б) фосилаи кубро (катта фосила)	қ+қ+ч V V — қ+қ+қ+ч V V V —	тарагай, сўрагай, ўрагай, тилагай яшамаган, сўрамаган, ошамаган, тиламаган

Ушбу бўлақларнинг бирикувидан руқилар вужудга келади. Ўзбек шеърлятида катта фосила деярли қўлланмаган.

Аслий руқилар ва уларнинг тузилиши

Сабаб, ватад ва фосилаларнинг бирикувидан арузда мисрани ҳосил қилувчи энг йирик бўлақ — руқи вужудга келади.

Арузда аслий руқнлар саккизта бўлиб, улар қуйидагича ҳосил бўлади:

№	Руқн номи	Руқн таркиби	Руқн чизмаси
1.	Фаулун	ват. мж. + саб. х.	V — —
2.	Фойлун	саб. х. + ват. мж.	— V —
3.	Мафойилун	ват. мж. + саб. х. + саб. х.	V — — —
4.	Фойлотун	саб. х. + ват. мж. + саб. х.	— V — —
5.	Мустафйилун	саб. х. + саб. х. + ват. мж.	— — V —
6.	Мафўлоту	саб. х. + саб. х. + ват. мф.	— — — V
7.	Мутафойлун	фос. сугро + ват. мж.	V V — V —
8.	Мафойлатун	ват. мж. + фос. сугро	V — V V —

Баҳрлар ва уларнинг тўзилиши

Баҳрлар арузда шеър ўлчовининг асосий турлари ҳисобланади. Улар аслий руқнларнинг турли тартибда бирикуви натижасида вужудга келади. Бундай бирикув бир хил руқн такроридан ёки икки хил руқн такроридан ҳосил бўлиши мумкин. Шунга кўра уларни қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

№	Такрорланувчи руқн номи	Баҳрлар Номи	Баҳрларнинг чизмаси
I. Бир хил руқн такроридан ҳосил бўлувчи баҳрлар			
1.	Фаулун	Мутақориб	V — —
2.	Фойлун	Мутақорик	— V —
3.	Мафойилун	Ҳазаж	V — — —
4.	Фойлотун	Рамал	— V — —
5.	Мустафйилун	Ражаз	— — V —
6.	Мутафойлун	Комил	V V — V —
7.	Мафойлатун	Вофир	V — V V —
II. Икки хил руқнли баҳрлар.			
1.	Мафойилун фойлотун	Музорё	V — — — / — V — —
2.	Фойлотун мустафйилун	Хафиф	— V — — / — — V —
3.	Мустафйилун фойлотун	Мужтасс	— — V — / — V — —
4.	Мустафйилун мафўлоту	Мунсарих	— — V — / — — — V
5.	Мафўлоту мустафйилун	Муқтазаб	— — — V / — — — V —
6.	Фаулун мафойилун	Тавил	V — — / V — — —
7.	Фойлотун фойлун	Мадид	— V — — / — V —
8.	Мустафйилун фойлун	Басит	— — V — / — V —
III. Иккита бир хил ва битта бошқа хил руқнли баҳрлар			
1.	Мафойилун (2) фойлотун	Қариб	V — — — / V — — — / — V — —
2.	Фойлотун мафойилун (2)	Мушокил	— V — — — / V — — — / V — — —
3.	Фойлотун (2) мустафйилун	Ғариб	— V — — — / — V — — — / — — V —
4.	Мустафйилун(2) мафўлоту	Сариъ	— — V — — / — — V — — / — — — V

Ўзбек шеърлятида юқоридаги баҳрлардан ҳазаж, ражаз, рамал, мугақориб, хафиф, мужтассе, сариф кабилари кен қўлланилган, мугадорик, комил, мунсарих баҳрлари унчалик кўп ишлатилмаган, вофир, муқтазаб, тавил, мадил, басит, қариб, мушокил, гариб баҳрлари умуман ишлатилмаган.

Зихофлар

Аруз вазнидаги ўзига хос хусусиятлардан бири аслий руқнларнинг шеър мисраларида турли ўзгаришларга учраши бўлиб, бу ҳол зихоф деб юритилади. Саққиз руқн ҳаммаси бўлиб 45 хил ўзгаришга (зихофга) дуч келади ва улар асосан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Руқн таркибидаги ҳижолаарнинг сон жиҳатидан ўзгариши.
2. Руқн таркибидаги ҳижолаарнинг сифат жиҳатидан ўзгариши.
3. Руқн таркибидаги ҳижолаарнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши.

Аслий руқнларнинг турли хил ўзгаришларга учраши натижасида тармоқ руқнлар, яъни фуруълари вужудга келади. Бу ўзгариш турли аслий руқнларда турли миқдор ва кўринишларга эгадир.

Ҳазаж баҳри зихофлари

№	Руқннинг бош шакли	Ўзгарган шакли	Алмаштирилган шакли	Зихоф тури	Тармоқ руқн (фуруъи)	Тармоқ чизмаси
I.	Ҳижолаарнинг сон жиҳатидан ўзгариши.					
1.	Мафойилун	(ма) фойилун	мафъулун	ҳарм	аҳрам	— — — —
2.	Мафойилун	мафой (лун)	фаулун	ҳазв	маҳзуф	V — —
3.	Мафойилун	мафо (ийлун)	фаал	жабб	ажабб	V —
4.	Мафойилун	(мафой) лун	фаъ	батар	абтар	—
II.	Ҳижолаарнинг сифат жиҳатидан ўзгариши.					
1.	Мафойилун	мафой(й)лун	—	қабз	мақбуз	V — V —
2.	Мафойилун	мафойилу(н)	—	кафф	макфуф	V — — V
3.	Мафойилун	мафойилон	—	тасбиғ	мусаббағ	V — — —
III.	Ҳижолаарнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши.					
1.	Мафойилун	(ма) фой(й)лун	—	Шатар	аштар	— V —
2.	Мафойилун	ма(фой)лон	фаул	Хатм	ахтам	V ~
3.	Мафойилун	мафойил (лун)	—	Қаср	мақсур	V — ~
4.	Мафойилун	(ма)фойилу(н)	мафъулу	Ҳарб	аҳраб	— — V
5.	Мафойилун	(ма)фой(ийлун)	—	Залал	азалл	~

Ҳазаж баҳри вазилари

Вазни аниқлашда унда иштирок этаётган аслий ва тармоқ руқнлар такрори ва тартиби ҳисобга олинади.

Масалаи: байтда ҳазажнинг аслий рукии мафойилун тўрт марта (садр, ҳашв ва ибтидоъ ҳашв) ва тармоқ руки маҳзуф (фаулун) икки марта (аруз ва зарб) тақрорланса, байтнинг вазни ҳазаж мусаддаси маҳзуф деб юритилади. Қуйидаги байт бунга мисол бўла олади:

	садр	ҳашв	аруз
Қа-чон мак-таб	-қа ул мо-ҳи	му-ад-лаб	
V — — —	V — — —	V — — —	
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фа-у-лун	
ибтидоъ	ҳашв	зарб	
Бо-ру-р, ўз-дин	бо-ру-р-ла-р'аҳ	-ли мак-таб	
V — — —	V — — —	V — — —	
ма-фо-ий-лун	ма-фо-ий-лун	фа-у-лун	(А. Навоий.)

Ҳазаж баҳрида ёзилган шеърларнинг қолган вазилари ҳам шу тарика аниқланади.

Рубоий вазилари

Рубоий арузнинг ахраб ва аҳрам шажараларида ёзиладиган тўрт мисрали шеърӣ жанрдир. Рубоийлар ва зинининг ўзига хос томони шундаки рубоийларнинг ҳамма мисраси бир вазнда ёки 1, 2, 4-мисралар бир вазнда учинчи мисра бошқа вазнда бўлиши мумкин.

Рубоий ҳазажнинг ахраб ва аҳрамнинг қуйидаги шажараларида ёзилади:

	Ахраб шажараси		
Жон-дин се-	ни кўп се-вар-	ме-н эй- ум-ри	а-зиз,
— — — V	V — V —	V — — V	V —
Мафъулу	мафойилун	мафойилу	фаал
Сон-дин се-	ни кўп се-вар-	ме-н эй- ум-ри	а-зиз,
— — — V	V — V —	V — — V	V —
Мафъулу	мафойилун	мафойилу	фаал
Ҳар не-ни-	ки сев-ма-к он-	ди-н ор-туқ бўл-	мас
— — — V	V — V —	V — — —	—
Мафъулу	мафойилун	мафойилун	фаъ
Он-дин се-	ни кўп се-вар-	ме-н эй- ум-ри	а-зиз,
— — — V	V — V —	V — — V	V —
Мафъулу	мафойилун	мафойилу	фаал

(А. Навоий.)

Маъжур рубоийнинг 1, 2 ва 4-мисралари ҳазажи мусаммани ах-раби мақбузи мақфуфи ажабб, 3-мисраси эса ҳазажи мусаммани ахраби мақ-бузи абтар вазнида ёзилган.

Ахраб шажараси вазиларининг руқилари

Т.р.	I руқн	II руқн	III руқн	IV руқн
1.	Мафъулун	Мафъулу	Мафойилун	фаъ
2.	Мафъулун	Мафъулу	Мафойилун	фоъ
3.	Мафъулун	Мафъулу	Мафойилу	фаал
4.	Мафъулун	Мафъулу	Мафойилу	фаул
5.	Мафъулун	Фойлун	Мафойилун	фаъ
6.	Мафъулун	Фойлун	Мафойилун	фоъ
7.	Мафъулун	Фойлун	Мафойилу	фаал
8.	Мафъулун	Фойлун	Мафойилу	фаул
9.	Мафъулун	Мафъулун	Мафъулун	фаъ
10.	Мафъулун	Мафъулун	Мафъулун	фоъ
11.	Мафъулун	Мафъулун	Мафъулу	фаал
12.	Мафъулун	Мафъулун	Мафъулу	фаул

Рамал баҳри зиҳофлари

Рамал баҳри ўзбек адабиётида энг кўп қўлланилган баҳрлардан бири ҳисобланади. рамалнинг аслий руқни фойлотун ўн бир хил зиҳофга учрайди ва ундан ўн беш хил тармоқ руқн (фуруъ) вужудга келади. Қуйидаги жадвалда ана шу ўзгаришлар акс этган:

№	Руқннинг бош шакли	Ўзгарган шакли	Зиҳоф тури	Тармоқ руқн (фуруъи)	Тармоқ руқн чизмаси
I. Ҳижоларнинг сон жиҳатидан ўзгариши.					
1.	Фойлотун	фойлун	ҳазв	маҳзуф	— V —
II. Ҳижоларнинг сифат жиҳатидан ўзгариши.					
1.	Фойлотун	файлотун	ҳабн	маҳбун	V V — —
2.	Фойлотун	фойлоту	кафф	мақфуф	— V — V
3.	Фойлотун	файлоту	шакл	машкул	V V — V
4.	Фойлотун	фойлотон (лон)	тасбиғ	мусаббағ	— V — ~
III. Ҳижоларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши.					
1.	Фойлотун	фойлот (лон)	қаср	мақсур	— V ~
2.	Фойлотун	фаълун	қатъ	мақтуъ	— —
3.	Фойлотун	файлон	(қаср) ҳабн	маҳбуни мақсур	V V ~
4.	Фойлотун	файлун	(ҳазф) ҳабн	маҳбуни маҳзуф	V V —
5.	Фойлотун	файлиён	(тасбиғ) ҳабн	маҳбуни мусаббағ	V V — ~
6.	Фойлотун	фаълон	(қатъ) тасбиғ	мақтуи мусаббағ	— ~

Рамал баҳрида ёзилган шеърлар вазнини аниқлашда ҳам юқоридаги қоидага амал қилинади. Буни Навоий газалидан олинган қуйидаги байт мисолида кўриш мумкин:

Кўз ё-шим бўл-	ди ра-вон	бир нар-ги-си жо-	ду кў-руб
— V — — —	— V — — —	— V — — —	— V ~
Тиф-лянг-лиг-	ким ю-гур-гай	ҳар та-ра-ф о-	ҳу кў-руб
— V — — —	— V — — —	— V — — —	— V ~

Байтдаги ҳижолаар такрори тартибига эътибор қаратсак фоилотун руқни солим кўринишда олти марта, мақсур (фоилон) кўринишда икки марта ва ҳаммаси бўлиб саккиз марта такрорланган. Демак газал рамали мусаммаи (саккизлик) мақсур вазнида ёзилган. Ҳусайний тахаллуси билан ижод қилган Султон Ҳусайн Бойқаро девониядаги барча газаллар ана шу вазнида битилган.

Ўзбек адабиётида вужудга келган туоқ жанри рамалининг рамали мусаддас мақсур (фоилотун фоилотун фоилон) вазнидагина ёзилади:

Дил-ба-рим, ҳус-	нинг-ки мен-га	ё-қа-дур,
— V — — —	— V — — —	— V ~
Жис-му жо-ним	иш-қ ў-ти-да	ё-қа-дур,
— V — — —	— V — — —	— V ~
О-га-ҳ ўл-ган	ким-са бор-ки	ҳо-ли-ма
— V — — —	— V — — —	— V ~
Бош-ни чай-қаб,	уш-ла-го-ни	ё-қа-дур,
— V — — —	— V — — —	— V ~

(Т. Рўзибоев)

Ражаз баҳрининг зиҳофлари

Ражаз баҳри ўзбек адабиётида кенг қўлланилган баҳрлардан ҳисобланиб қуйидаги тўққиз хил ўзгаришга дуч келади ва улар асосида ўн тўрт хил тармоқ руки найдо бўлади, лекин улардан ҳаммаси ҳам шеърятимизда ишлатилган эмас.

№	Руkning бош шакли	Ўзгарган шакли	Алмашган шакл	Зиҳоф тури	Тармоқ руки (фуруви)	Тармоқ руки чизмаси
1.	Мустафъилун	мутафъилун	мафоилун	ҳаби	маҳбун	V — V —
2.	Мустафъилун	муштаилун	муфтаилун	тайй	матвий	— V V —
3.	Мустафъилун	мустафъил	мафъулун	қатъ	мақтуъ	— — —
4.	Мустафъилун	мутафъил	фаулун	тахлиъ	муҳаллаъ	V — —
5.	Мустафъилун	муштаф	фаълун	ҳазаж	маҳзуз	— — —
6.	Мустафъилун	тафъилун	фоилун	рафъ	марфуъ	— V —
7.	Мустафъилун	мутаилун	фаилатун	ҳабл	маҳбул	V V V —
8.	Мустафъилун	мустафъилон	—	изола	музол	— — — V ~
9.	Мустафъилун	мустафъилотун	—	тарфил	мураффал	— — — V — —
10.	Мустафъилун	мутаилон	фаилатон	маҳбули музол	—	V V V ~
11.	Мустафъилун	мутафъилотун	мафоилотун	маҳбуни мураффал	—	V — V — —
12.	Мустафъилун	мутафъилон	мафоилон	маҳбуни музол	—	V — V ~
13.	Мустафъилун	муштаилотун	муфтаилотун	матвийи мураффал	—	— V V — —

Ражаз баҳри вазнларини аниқлашда ҳам юқорида тилга олинган қоидаларга амал қилинади. Шеър мисраларида мустафъилун рукининг солим ва зиҳофга учраган кўринишларининг тури ва такрорига кўра турли вазнлар юзага келади. Буни қуйидаги байт мисолида кўришимиз мумкин:

Ал-ло-ма-лар — V —	ав-ло-ди-сан, — V —	пар-воз ма-ҳал, — V —
Мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун
Жан-нат та-лоқ — V —	зоғ, қар-ға-ни — V —	со-р эт-ма-гин, — V —
Мустафъилун	мустафъилун	мустафъилун

(А. Юсупов.)

Мафъулоту рукининг тармоқлари

Мафъулоту рукининг ёлғиз ўзи такроридан ҳосил бўлган баҳрлар йўқ, аммо унинг мустафъилун руки билан биргаликда қўлланилиши натижасида мунсариҳ (мустафъилун мафъулоту), муқтазаб (мафъулоту

мустафъилун) ва сариф (мустафъилун (2 марта) мафъулоту) баҳрлари вужудга келишини айтиб ўтандик.

Бу баҳрлар вазини аниқлашда мустафъилун ва мафъулоту рукнларининг қандай кўринишлари иштирак эътиборга эътибор бериш керак бўлади. Қуйидаги жадвалда мафъулоту рукнларининг зиҳофлари келтирилган:

№	Рукннинг бош шакли	Ўзгарган шакли	Алмашган шакл	Зиҳоф тури	Тармоқ рукн (фуруъи)	Тармоқ рукн чизмаси
1.	Мафъулоту	Мафулоту	Мафойду	Хабн	Махбун	V — — V
2.	Мафъулоту	Мафъилоту	Фойлоту	Тайн	Матвий	— V — V
3.	Мафъулоту	Маилоту	Файлоту	Хабл	Махбул	V V — V
4.	Мафъулоту	Мафъулот	Мафъулон	Вақф	Мавқуф	— — ~
5.	Мафъулоту	Мафъуло	Мафъулун	Кашф	Мақшуф	— — —
6.	Мафъулоту	Мафъу	Фаълун	Салм	Аслам	— —
7.	Мафъулоту	Лот	Фосъ	Жавд	Маждуъ	~
8.	Мафъулоту	Ло	Фаъ	Наҳр	Манҳур	—
9.	Мафъулоту	Улоту	Мафъулу	Рафъ	Марфуъ	— — V
10.	Мафъулоту	Мафъило	Фойлун	Матвийи макшуф		— V —
11.	Мафъулоту	Мафъилот	Фойлон	Матвийи мавқуф		— V ~
12.	Мафъулоту	Мафуло	Фаулун	Махбуни макшуф		V — —
13.	Мафъулоту	Мафулот	Фаулон	Махбуни мавқуф		V — ~
14.	Мафъулоту	Мафило	Файлун	Махб. матвийи макшуф		V V —

Мутақориб баҳри

Мутақориб баҳри фаулун рукни такрорилан ҳосил бўлади. Фаулун рукни қуйидаги ўзгаришларга учрайди:

Мутақориб баҳрининг тармоқлари

№	Рукннинг бош шакли	Ўзгарган шакли	Алмашган шакли	Зиҳоф тури	Тармоқ рукн (фуруъи)	Тармоқ рукн чизмаси
1.	Фаулун	(фа)улун	Фаълун	салм	аслам	— —
2.	Фаулун	фау(лун)	Фаал	ҳазф	маҳзуф	V —
3.	Фаулун	фаулу(н)	Фаулу	қабз	мақбуз	V — V
4.	Фаулун	(фа)улу(н)	Фаълу	сарам	асрам	— V
5.	Фаулун	фау-у(лун)	Фаул	қаср	мақсур	V ~
6.	Фаулун	(фау)лун	фаъ	батар	абтар	—

Мутақориб баҳрида ёзилган шеърлар вазнини аниқлашда ҳам шеър мисраларида унинг солим ва ўзгарган кўринишлари сони ва тури ҳисобга олинади.

Эй шў-	хи зе-бо,	эй сар-	ви раъ-но,
_____	V _____	_____	V _____
Фаълун	фаулун	фаълун	фаулун
Бўл-дум	ға-минн-дин	маж-ну-	ну шайдо
_____	V _____	_____	V _____
Фаълун	фаулун	фаълун	фаулун

Фаълун — фаулун рукнининг солим зихофига учраган шакли бўлиб аслам деб юритилади. Байтда руқилар сони саккизта, демак мусамман, фаълун — аслам ва фаулун — солим руқилар иштирок этаётгани учун вази мутақориб мусаммани аслам деб юритилади. Мутақориб баҳрининг ўзбек шеърлятида мусаддас, мусамман шакллари, шунингдек кўп руқили — ҳар бир байтда ўн олти руқили — кўринишлари ҳам ишлатилган.

Мутадорик баҳри

Мутадорик фоилун руқни такроридан ҳосил бўлган баҳрдир. Фоилун руқни қуйидаги тармоқ руқиларга эгадир:

№	Руқининг бош шакли	Ўзгарган шакли	Алмашган шакли	Зихоф тури	Тармоқ руқни (фуруъи)	Тармоқ руқни чизмаси
1.	Фоилун	фоил(о)н	Ффилон	изола	музол	—V ~
2.	Фоилун	ф(а)илун	Фаилун	хаби	махбун	V V—
3.	Фоилун	фои	Фаълун	қатъ	мақъту	— —
4.	Фоилун	ф(а)ил(о)н	Файлон	(хаби)изола	махбуни музол	V V~
5.	Фоилун	ф(а)ил	Фаул	(хаби)қатъ	махбуни мақътуъ	V~

Бу баҳрда ёзилган шеърлий асар вазнини аниқлашда ҳам юқорида тилга олиб ўтилган қоидаларга амал қилинади. Масалан: қуйидаги байтда мутадорик баҳрининг солим руқни билан унинг махбуни мақътуъ (хаби зихофининг қатъ зихофига келтирилган шакли) иштирок этган, яъни мутадорик мусаммани махбуни мақътуъ вазнида ёзилган:

Иш-қ-ди- — V —	п и-шим V ~	муш-ку-гай- — V —	ла-динг, V ~
Фоилун	фаул	фоилун	фаул
Хаж-р-ни — V —	ма-нга V ~	қо-ти-л ай- — V —	ла-динг V ~
Фоилун	фаул	фоилун	фаул

Мутадорик баҳрининг ҳам мураббаъ, мусаддас, мусамман ва ўн олти рукиши вазилари мавжуд.

Комил баҳри

Комил баҳри мутафоилун руки такроридан ҳосил бўлган баҳрдир. Бу вазн ўзбек шеърлятида кам қўлланган. Шеърлятимизда бу баҳрнинг асосан солим кўриниши (комили мусаммани солим) кўпроқ ишлатилган. Қуйидаги байт худди ана шу вазнда битилган:

Қа-ду оғ-зи хаж- V V — V —	ри-да дар-ду гам V V — V —	е-та-дур а-лам- V V — V —	за-да жо-ни-ма, V V — V —
мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун

Е-ту-р, эй са-бо, V V — V —	бу ха-бар-ни ул V V — V —	қа-ди сар-ву гул- V V — V —	ча да-ҳо-ни-ма V V — V —
мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун	мутафоилун

Хафиф баҳри

Хафиф баҳри икки хил руки (фоилотун ва мустафьилун) такроридан ҳосил бўлади. Ўзбек адабиётида хафифнинг мусаддас кўринишдаги вазилари кенг қўлланган. Бу вазнда битилган асарлар вазини аниқлашда унинг таркибига кирувчи фоилотун ва мустафьилун рукиларининг солим ёки тармоқ рукилари иштирок этиши ҳисобга олинади. Буни биз қуйидаги мисол ёрдамида кўришимиз мумкин:

Са-ни ул дам-	ки кўр-ду-м, эй	гул-чехр,
— V — —	V — V —	— ~
Фоилотун	мафоилун	фаълон
Тун-ти кўнг-лум-	га о-ра-зинг-	дин меҳр
— V — —	V — V —	— ~
Фоилотун	мафоилун	фаълон

Юқоридаги байтда фоилотун рўқнининг битта солим (биринчи ва тўртинчи) ва битта мақтуи мусаббағ (учинчи ва олтинчи), мустафъилун рўқнининг эса махбун (иккинчи ва бешинчи) кўринишлари иштирок этипти. Демак, шеър хафифи мусаддаси махбуни мақтуи мусаббағ вазнида ёзилган. Шу баҳрда ёзилган бошқа асарлар вазини аниқлашда ҳам худди шу усул қўлланилади.

Мужтасс баҳри

Мужтасс баҳрини ҳосил қилишда ҳам хафифдаги икки рўқ иштирок этади, ammo фарқи шундаки бунда улар мустафъилун фоилотун тарзида такрорланади. Мужтасс ҳам ўзбек шеърларида кенг қўлланган шеърый баҳр бўлиб, арузшунос олимларимиз таъкидлашларига қараганда, шоирларимиз бу баҳрнинг беш вазнидан унумти фойдаланганлар (А. Ҳожиахмедов. “Ўзбек арузи луғати” Т.1998 й.). Қуйидаги байт ана шу вазилардан бирида ёзилган:

Ў-тар-да кў-	зу-чи-дин-ким	би-рор на-зо-	ра қи-лур,
V — V —	V V — —	V — V —	V V —
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилун
Хи-рад чи-қар	йў-ли-дин, ақ-	лу ҳуш ка-но-	ра қи-лур. (Атоий)
V — V —	V V — —	V — V —	V V —
Мафоилун	фаилотун	мафоилун	фаилун

Байтдаги ҳижола такрорига эътибор қаратсак, унда мустафъилуннинг махбун тармоғи (мафоилун) ва фоилотуннинг махбун (фаилотун) ва махбуни маҳзүф (фаилун) тармоқлари иштирок этипти. Демак, шеър мужтасси мусаммаси махбуни маҳзүф вазнида ёзилган.

Мунсариҳ баҳри

Мунсариҳ баҳри икки рўқ (мустафъилун мафъулоту) такроридан ҳосил бўлган баҳр ҳисобланиб унинг вазилари қуйидагича аниқланади:

Э-й о-ра-зин — V —	кўн-лум ко-ми, — V —	шаъ-ли ла-бин — V —	жо-н о-ро-ми, — V —
Мустафъилун	мафъулоту	мустафъилун	мафъулоту
Вас-линг ку-нин — V —	ет-кур-гил-ки, — V —	жо-ним о-лур — V —	ҳаж-рини шо-ми. — V —
Мустафъилун	мафъулоту	мустафъилун	мафъулоту

Юқоридаги байтда мустафъилун ва мафъулоту руқиларининг ўзгармаган кўринишлари иштирок этганлиги сабабли бу вазн солим вазн ҳисобланади ва руқилар сонига кўра (саккизта) мусамман деб юритилади, яъни мунсариҳи мусамман солим. Мунсариҳ баҳрининг мураббаъ, мусаддас, мусамман кўринишлари мавжуд.

Сарий баҳри

Сарий баҳри ҳам ўзбек шеърлятида кенг қўлланилган баҳрлар сирасига киради. Бу баҳр таркиби уч руқидан иборат бўлиб, икки марта мустафъилун руқни ва бир марта мафъулоту руқни такроридан ҳосил бўлади. "Сарий вазнлари кўп бўлса ҳам улардан иккитасигина шеърятимиздан ўрин олган бўлиб, булар сарийи матвийи макшуф ва сарийи матвийи мавқуф ўлчовларидир. Охирги ҳижоннинг чўзиқ ёки ўта чўзиқлиги билангина фарқланувчи бу икки вазн бир шеърини асарнинг ўзидан биргалликда қўлланилаверади" (А. Ҳожиахмедов. "Ўзбек арузи лугати" Т.1998 й.). Буни қуйидаги байтлар мисолида кўришимиз мумкин:

Йўқ ма-нга ҳаж- — V V —	ринг-да жу-зо- — V V —	ҳу фи-гон — V ~
Муфтаилун	муфтаилун	фоилон
Иш-қу му-ҳаб- — V V —	ба-т ў-ти-дин — V V —	аль-а-мон — V ~
Муфтаилун	муфтаилун	фоилон

Юқоридаги байтда мустафъилун руқининг махбуб ва фоилотун руқининг мавқуф тармоқлари ишлатилган бўлиб, байт вазни сарийи матвийи мавқуфдир қуйидаги байтда эса сўнгги ҳижо одатдаги чўзиқ ҳижо бўлгани учун у сарийи матвийи макшуф вазнида деб юритилди:

Биз-га қи-зил — V V —	гул ю-зи-ни аф- — V V —	кан-да-си, — V —
Муфтаилун	муфтаилун	фоилун
Сав-са-ни о- — V V —	зо-д қа-динг — V V —	бан-да-си. — V —
Муфтаилун	муфтаилун	фоилун

Юқорида арузнинг ўзбек шеъриятида қўлланилган бир қатор баҳр-лари ҳақида сўз юритилди. Қолган баҳрлар ўзбек шеъриятида қўлланилмаганлигини ҳисобга олиб, улар ҳақида батафсил тўхташни лозим топилмади.

Бармоқ вазидаги шеърларда ҳар бир мисрадаги бўғинлар миқдори тенг бўлади. Масалан, биринчи мисра 9 бўғиндан иборат бўлса, қолган мисраларда ҳам шунча бўғин бўлади. Ўзбек шеъриятида бармоқ вазида ёзилган шеърлар 3 бўғиндан тортиб, 17 бўғингача бўлиши мумкин. Қадимги халқ кўшиқлари (Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари орқали етиб келган) бармоқ вазида ёзилган.

Эркин вазн жанговар руҳни ифодаловчи шеъринг вазиidir. Ўзбек адабиётига бу вазн XX асрнинг 20 – 30-йилларида рус адабиётидан кириб келди. Эркин вазн талабига кўра мисралар бир неча сатрларга бўлиб юборилади, улардаги ҳар бир сўз алоҳида ургу, оҳанг билан айтилиб, бу оҳанг шоирнинг фикри, руҳий ҳолати, кўтаринки кайфиятини тўла очиб беришга хизмат қилади. Қайси сўз шоирнинг ҳаяжони ва фикрини тўла ифода этишга қаратилган бўлса, ўша сўз алоҳида сатрга кўчирилади:

Бу йўллар
кўн қадим йўллардир...
Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,
Рум қайсари,
қотил Чингиз,
Боту, Жўжи...
қолдириб кимсасиз из,
 Қон! - дея,
 Қон! - дея,
босароқ кечмишдир...

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Бадий адабиётнинг қуроли нима?

- A) тасвир
- B) образ
- C) сўз
- D) ҳаётғий воқеалар
- E) муболага

2. Сюжет деганда, нимани тушунасан?

- A) асар қаҳрамонлари ўртасидаги зиддиятлар
- B) бадий асар қисмларининг маълум тартибда жойлашуви
- C) бадий асарнинг бевосита мазмунини ташкил этувчи, ўзаро боғланган ва ривожланиб боровчи воқеалар тизими
- D) асар қаҳрамонлари ўртасидаги зиддиятларнинг энг юқори чўққиси
- E) асарда табиат тасвири

3. Кульминация нима?

- A) воқеа юз берувчи жой
- B) асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси
- C) асар охирида ёзувчи томонидан бериладиган хулоса
- D) асардаги барча зиддиятларнинг ҳал этилиши
- E) асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, воқеаларнинг ўта кескинлашган ўрни

4. Конфликт деганда, нимани тушунасан?

- A) асар қаҳрамонлари ўртасида, баъзан бир қаҳрамон характери-нинг ўзида кечадиган зиддиятлар
- B) асардаги табиат тасвири
- C) асар қаҳрамонларининг ташқи қиёфаси
- D) асардаги икки кишининг ўзаро суҳбати
- E) асардаги зиддиятларнинг ҳал этилиши

5. Персонаж...

- A) асардаги бош қаҳрамон
- B) асарнинг икинчи даражали қаҳрамони
- C) салбий қаҳрамон
- D) асарда иштирок этадиган барча қаҳрамонлар
- E) B ва C

6. Асардаги бирор образ учун асос бўлган реал шахс ...

- A) прототип
- B) персонаж
- C) характер
- D) тип
- E) қаҳрамон

7. Қайси қаторда адабий тур (жине) лар тўғри саналган?

- A) лирика, пейзаж, портрет, эпик
- B) ритм, комедия, туюқ, лирика, эпик
- C) лирика, драматик ва эпик тур
- D) проза, шеър, драматик, тур
- E) шеърлий тур, насрий тур, трагедия

8. Бадиий адабиётнинг қайси турида воқса эмас, инсоннинг руҳий кечинмалари, ҳиссиёти етакчи ўрин эгаллайди.

- A) лирикада
- B) прозада
- C) драмада
- D) комедияда
- E) трагедияда

9. Ўзбек мумтоз адабиётида энг кўп тарқалган жанр ...

- A) рубоий
- B) туюқ
- C) муаммо
- D) фард
- E) газал

10. Газалнинг қофияланиш тартиби қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) а-а-а-а, б-б-б-б...
- B) а-а, б-а, в-а...
- C) а-а-а-а, б-б-б-б-а...
- D) а-а, б-б, в-в, г-г...
- E) а-а-а, б-б-а, в-в-в...

11. Газали ҳусни матлаъ нима?

- A) барча мисралари ўзаро қофияланган газал.
- B) матлаъси ва мақтаъси ўзаро қофияланган газал.
- C) биринчи ва иккинчи байтлари ҳам ўзаро қофияланган газал.
- D) фақат биринчи байти ўзаро қофияланган газал.
- E) фақат охириги байти қофияланган газал.

12. Қофия деганда, нимани тушуномқ керак?

- A) бир хил товушларнинг мисра бошида такрорланиб келишини
- B) бир хил сўзларнинг мисра ўртасида такрорланиб келишини
- C) бир хил сўзларнинг мисра охирида такрорланиб келишини
- D) мисрадаги ўзаро оҳангдош сўзларни
- E) очиқ бўғиндан иборат бўлган сўзларни

13. Равийни қандай тушунасиз?

- A) қофиядан олдин келган товуш
- B) қофиядан кейин келган товуш
- C) қофияни ташкил этган охириги товуш
- D) қофияни ташкил этган биринчи товуш
- E) қофиядан кейин келган сўз

14. Сажъ нима ?

- A) пасрий қофия
- B) шеърый қофия
- C) қофиядан аввал такрорланган сўз
- D) қофиядан кейин такрорланган сўз
- E) қофияни ташкил этган сўз

15. Васл ...

- A) қофиядан кейин такрорланувчи сўз
- B) қофиядан аввал такрорланувчи сўз
- C) қофияни ташкил этувчи товуш
- D) қофияни ташкил этувчи товушдан кейинги товуш
- E) қофиядан аввал ва кейин келувчи товуш

16. Мисра бошида ёки ўртасида қофиядан аввал такрорланиб келувчи сўз .

- A) радиф
- B) хожиб
- C) сажъ
- D) васл
- E) қофия

17. Таронаи рубоий қандай қофияланади?

- A) а-а-а-а
- B) а-б-а-б
- C) а-а-а-б
- D) а-б-а-а
- E) а-б-б-а

18. А. Навоийнинг "Ҳазойин-ул маоний" қуллиётидан нечта газал ўрин олган?

- A) 3 мингта
- B) 10 мингта
- C) 2900 та
- D) 2600 та
- E) 5000 та

19. А. Навоийнинг "Ҳазойин-ул маоний" қуллиётидаги рубоийлар сони...

- A) 52 та
- B) 86 та
- C) 165 та
- D) 133 та
- E) 2600

20. Қуйидаги жанрлардан қайси бири бевосита туркий адабиёт билан боғлиқ ?

- A) туюқ
- B) рубоий

- C) газал
- D) фард
- E) муаммо

21. Туюқ қофияси нимага асосланади ?

- A) синоним сўзларга
- B) антоним сўзларга
- C) омоним сўзларга
- D) кўчма маъноли сўзларга
- E) бир маъноли сўзларга

22. Мураббаънинг қофияланиш тартибини кўрсатинг.

- A) а-а-а-а, б-б-б-а, в-в-в-а ...
- B) а-б-а-б, в-а-в-а, г-а-г-а ...
- C) а-а-а-а, б-б-б-б, в-в-в-в ...
- D) а-б-б-б, а-в-в-в, г-г-г-а ...
- E) а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а ...

23. Ҳар банди беш мисрадан иборат бўлган ва а-а-а-а-а, б-б-б-б-а тарзида қофияланган шеър нима деб аталади?

- A) газал
- C) мусаддас
- B) рубоий
- D) мухаммас
- E) мусаббаъ

24. Қайси жавобда қитъага тўғри таъриф берилган ?

A) фақат икки байтдан иборат бўлади ва а-а, б-б тарзида қофияланади.

B) икки байтдан беш байтгача бўлади ва б-а, в-а, г-а тарзида қофияланади.

C) фақат бир байтдан иборат бўлади ва а-а тарзида қофияланади.

- D) уч байтдан иборат бўлади ва а-б, в-в тарзида қофияланади.
 E) тўрт байтдан иборат бўлади ва а-а, б-б, в-в тарзида қофияланади.

25. А) Навоий қитъалари сони тахминан қанчага боради ?

- A) 2000
 B) 5000
 C) 300 дан ортик.
 D) 133та
 E) 500та

26. Ҳар банди етти мисрадан иборат бўлган шеър....

- A) мусаддас
 B) мусаббаъ
 C) мусамман
 D) муламма
 E) мураббаъ

27. Қайси жавобда қасидага тўғри таъриф берилган?

- A) ёлғизбайтли бўлган ва улуғларни таърифлашга бағишланган шеър
 B) машҳур тарихий шахслар, муҳим тарихий жойлар, воқеалар таърифланган тантанали руҳда ёзилган шеър
 C) машҳур тарихий воқеалар, тарихий шахслар, табиат воқеалари ва фасллари улуғланиб, тантанали руҳ билан ёзилган шеър
 D) муҳаббат мавзуида ёзилган шеър
 E) фақат тарихий шахслар улуғланган шеър

28. Ёлғиз байтдан иборат бўлган шеър ...

- A) туюқ
 B) фард
 C) қитъа
 D) рубоий
 E) мураббаъ

29. Муаммо деганда қайси жанрни тушунмоқ керак?

- A) машҳур тарихий шахслар улуғланган шеър.
 B) муҳаббат мавзуида ёзилган шеър.
 C) бирор предмет номи яширинган шеър.
 D) бирор шахс номи яширинган шеър.
 E) бирор воқеа номи яширинган шеър.

30. Ўзбек адабиётида топишмоқ шеър қандай номланади?

- A) лугъз ёки чистон
 B) муаммо
 C) таркиббанд
 D) таржебанд
 E) муламма

31. Ўзбек классик адабиётида дostonлар асосан ...

- A) мураббаъ шаклида яратилган.
 B) мусаддас шаклида яратилган.
 C) мухаммас шаклида яратилган.
 D) маснавий шаклида яратилган.
 E) мусамман шаклида яратилган.

32. А. Навоий қайси шеърини шаклини “усули хуб” деб атаган эди?

- A) мураббаъ
 B) газал

- С) маснавий
- Д) рубоий
- Е) фард

33. Италялча янгилик маъносини ифодаловчи, инсон ҳаётидан кичик бир эпизод олиниб, унинг энг муҳим, типик томонларини ўта ихчам шаклда ёритувчи асар...

- А) роман
- В) повест
- С) новелла
- Д) комедия
- Е) қисса

34. Эсдаликлар, хотиралар тасвирланган, адибнинг бевоқифа ўзи иштирок этган, шоҳиди бўлган воқеаларни тасвирловчи асар...

- А) роман
- В) повест
- С) мемуар
- Д) трагедия
- Е) новелла

35. Классик адабиётимизда дostonлар асосан асосан нима билан бошланади?

- А) ҳамд
- В) наът
- С) дебоча
- Д) пролог
- Е) эпилог

36. Французча “рақсага тушман” маъносида берувчи шеърый жанр...

- А) поэма
- В) баллада
- С) трагедия
- Д) масал
- Е) комедия

37. Масал жанри нимага асосланади?

- А) аллегорик образларга
- В) антоним сўзларга
- С) омоним сўзларга
- Д) ибораларга
- Е) реалистик образларга

38. Масал жанрида ижод қилган адиблар номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Жек Лондон, Дюма, Лев Толстой.
- В) Эзон, Лефонтен, Крилов, Гулханий.
- С) Навоий, Бобур, Лутфий, Гулханий.
- Д) Гадоий, Муқимий, Муаммоний, Ҳамза
- Е) Мериме, Мопассан, Гулханий, Ҳамза

39. Драматик турга маъсуб жанрларни кўрсатинг.

- А) роман, ҳикоя, повелла, комедия
- В) комедия, трагикомедия, водевил, ҳикоя
- С) сценарий, трагедия, комедия, интермедия, повест
- Д) трагедия, комедия, интермедия, водевил, трагикомедия
- Е) трагедия, водевил, повест, интермедия

40. Драматик турга мансуб бўлган асарларнинг умумий номи...

- A) пьеса
- B) трагедия
- C) драма
- D) комедия
- E) томоша

41. Грекча “эчки қўшиғи” сўзларидан олинган жанр нима?

- A) пьеса
- B) комедия
- C) баллада
- D) трагедия
- E) қўшиқ

42. Трагиклар деб кимларни аташган?

- A) Дионис деб аталувчи худо шарафига қурбонлик — эчки олиб борувчи кишиларни
- B) Афродита деб аталувчи гўзаллик худоси шарафига қурбонлик — гул олиб борувчи кишиларни
- C) Зевс шарафига эчки олиб борувчи кишиларни
- D) Саҳнада бир-бирини ўлдирувчи гладиаторларни
- E) қулликка маҳкум этилган негрларни

43. Трагедия жанрида ижод этган машҳур адиблар...

- A) Мольер, Мопассан, Мериме, Гюлеуорси
- B) Навоий, Ҳилолий, Гейне, Дюма
- C) Шекспир, Гогол, Эсхил, Горкий
- D) Софокл, Эсхил, Эврипид, Шекспир

E) М. Шайхзода, Бехбудий, Ф. Фулом

44. Драматик асарларда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси, ёши, хатти-ҳаракати, саҳна буюмлари ҳақида муаллиф томонидан берилган изоҳ нима деб аталади?

- A) эпизод
- B) портрет
- C) пейзаж
- D) ремарка
- E) диалог

45. Монолог...

- A) икки кишининг ўзаро суҳбаги.
- B) бир кишининг ўзига ёки томошабинга қарата айтган гапи
- C) муаллиф берадиган изоҳлар.
- D) асар қаҳрамонларининг ташқи кўриниши ҳақидаги изоҳлар
- E) Тўғри жавоб йўқ

46. Классик адабиётимизда бирор образ ёки воқеани бошқа бирор нарсага ўхшатиш санъати нима деб аталади?

- A) тазмин
- B) истиора
- C) талмеҳ
- D) ташбеҳ
- E) ийғоқ

47. Ифрот санъати нима?

- A) бирор воқеани унга дахли бўлмаган ҳодиса билан асослаш
- B) ўта кичрайтириш
- C) шеърда бирор халқ мақолини келтириш

D) мисраларда бир хил товушлар уйғунлиги
E) қофиядан аввал бир хил сўзлар такрори

48. Кеча келгумдур дебон
ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг
откуча уйқу келмади.
(А. Навоий.)

Ушбу байтда қандай бадий санъат қўлланилган?

- A) ташбеҳ
- B) истиора
- C) ирсоли масал
- D) илтизом
- E) тахмис

49. Омоним сўзлар асосан қайси жанрда қўлланилади?

- A) қитъада
- B) рубойда
- C) газалда
- D) туюқда
- E) фарзда

50. Асосан антоним сўзлар воҳитида қўлланилади...

- A) ташбеҳ
- B) тазмин
- C) тажнис
- D) тазод
- E) истиора

51. Талмех...

- A) фикрни чиройли асослаш.
- B) шеърда бирор тарихий ёки афсонавий шахс, тарихий жой ёки воқеаларга ишора қилиш.

C) бирор тарихий шахс қиёфасини бўрттириб кўрсатиш.

D) воқеани ўта кичрайтириб кўрсатиш.

E) байтда бирор халқ мақолини келтириш.

52. Байтда бир йўла бир неча сўзларнинг ўзаро қофияланиб келиши...

- A) талмех
- B) тарсеъ
- C) илтизом
- D) иштиқоқ
- E) ташхис

53. Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,

Мендек сенга бир зори вафодор топилмас. (З. М. Бобур)

Ушбу байтда қандай бадий санъат қўлланилган?

- A) тарсеъ
- B) тазмин
- C) ташбеҳ
- D) тақрир
- E) ҳожиб

54. Фигон айлар, рубоби ёд қилур,

Урар кўксигаю, фарёд қилур...

Ушбу байтда қандай бадий санъат қўлланилган?

- A) тарсеъ
- B) ифрот
- C) игроқ
- D) ташхис
- E) талмех

55. Икки ёки уч тилда ёзилган шеър қандай номланади?

- A) ширу шакар
- B) шаҳду ширу шакар
- C) ирсоли масал
- D) муламма
- E) A ва B

56. Иштиқоқ санъати нима?

- A) барча байтларнинг ўзаро қофияланиши
- B) байтларда ўзакдош сўзларнинг такрори
- C) мисра бошида бир хил сўз такрори
- D) мисраларда бир хил товушлар уйғуниги
- E) байтда бир йўла икки ёки уч сўзнинг қофияланиши

57. Ҳусни таълил...

- A) ўз фикрини чиройли асослаш санъати
- B) воқеаларни ўта бўрттириб кўрсатиши
- C) воқеаларни ўта кичрайтириб кўрсатиш
- D) бир предмет ёки тушунчани бош-қа предмет ёки тушунчага ўхшатиш
- E) икки ёки уч сўзнинг қофияланиши

58. Товуғи игначи-ю ўрдаги, рози каналак (Махмур)

Ушбу мисрада қандай бадий санъат қўлланилган?

- A) ташбеҳ
- B) ташхис
- C) тазмин

- D) тарсеъ
- E) ифрот

59. Ўзга шоир газалидан бир байт ёки бир мисра олиб, худди шу вазн шу қофия ва радифда бошқа бир газал битиш нима дейилади?

- A) тарсеъ
- B) тазмин
- C) ташхис
- D) тазод
- E) ифрок

60. Қофиядан аввал такрорланиб келувчи сўз...

- A) ҳожиб
- B) радиф
- C) васл
- D) равий
- E) ридф

61. Бунда булбул китоб ўқийди,

Бунда қуртлар инак тўқийди...
(Ҳ.Олимжон)

Ушбу мисраларда қандай тасвирий санъат қўлланилган?

- A) ташхис ва тарсеъ
- B) анафора ва ташхис
- C) фақат ташхис
- D) тарсеъ ва тазмин
- E) тазмин ва ифрот

62. Тиг ила ёриб жигарим ёнини,

Ерга оқизди жигарим қонини...

A. Навоийдан олинган ушбу

байтда қандай бадий санъат қўлланилган?

- A) мувашшаҳ
- B) ташбех
- C) шигиқоқ
- D) ҳожиб
- E) радиф

63. Тажнис санъати...

- A) икки предметни қарама-қарши қўйиш
- B) фикрни чиройли асослаш
- C) воқеаларни ҳаддан зиёд бўрттириш
- D) воқеаларни ҳаддан ташқари-кичрайтириш
- E) шаклдош (омоним) сўзлар асосида шёр яратиш

64. Форсий адабиётда ғазал мулкининг султони ким бўлган?

- A) Умар Хайём
- B) Ҳилолий
- C) Биноий
- D) Ҳофиз Шерозий
- E) Саъдий Шерозий

65. Рубоий жанрида энг гўзал шёрлар битган форс-тожик шоири ким?

- A) Саъдий Шерозий
- B) Турдий
- C) Фурқат
- D) Умар Хайём
- E) Румий

66. Бошқа бирор шоир ғазалига боғланган шёр...

- A) тазмин B) тахмис

C) мухаммас

D) мусаддас E) татаббу

67. А) Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидан қанча фард ўрин олган?

- A) 86 та
- B) 79 та
- C) 133 та
- D) 2600 та
- E) 165 та

68. Ўзбек классик адабиётида кўпроқ чистон жанрида ижод қилган адиб ...

- A) Нодирабегим
- B) Увайсий
- C) Бобур
- D) Муқимий
- E) Анбар Отин

69. Адиблар ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот берувчи асар қандай номланади?

- A) тазмин
- B) татаббу
- C) мемуар
- D) тазкира
- E) хогира

70. Менга Байрон бир жаҳону,
Менга Пушкин бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
кўкси осмон ўзбегим.
(Э. Воҳидов.)

Ушбу байтдаги бадий санъатни тошинг.

- A) ўхшатиш
- B) талмех
- C) истиора

- D) тақрир
- E) A ва B

71. "Эчки қўшиғи" сўзи қайси жанрни эслатади?

- A) драмани
- B) комедияни
- C) трагедияни
- D) романини
- E) балладани

72. Пауза билан ажратилган, тенг бўлақлардан тузилган ва мисралар бўйича маълум тартибда такрорланиб келадиган мисра бўлағи...

- A) туроқ
- B) радиф
- C) ҳожиб
- D) эпитет
- E) ремарка

73. Драматик тур асосан нимага асосланади?

- A) воқсаларнинг ўта кескин берилишига
- B) монолог ва диалогларга
- C) кўпроқ бадиий тасвирий воситаларга
- D) қаҳрамонларнинг кам иштирок этишига
- E) воқсаларнинг ҳаққоний берилишига

74. Шеърда ҳижоларнинг бир меъёрда чўзиқ ва қисқа бўлиб такрорланиб келиши қайси вазнга хос?

- A) бармок
- B) сарбаст

- C) аруз
- D) эркин
- E) B ва C

75. Насрий шеър деганда нима тушунмоқ керак?

- A) арузда ёзилган шеър
- B) бармок вазнида ёзилган шеър
- C) эркин вазнида ёзилган шеър
- D) қофияси бўлмаган шеър
- E) қатъий бир вазни бўлмаган, таъсир қучи баланд бўлган сочма шеър

76. 30-йилларда ўзбек шеърини қандай кириб келган, шеърга жанговор руҳ бағишловчи вазни қандай номланади?

- A) аруз
- B) эркин
- C) бармок
- D) сочма
- E) сажъ

77. Аруз вазнига ким асос солган?

- A) А. Навоий
- B) А. Жомий
- C) Аристотел
- D) Халил ибн Аҳмад
- E) Бобур

78. Рукплар ҳижоларнинг микдори ва чўзиқ-қисқалигига қараб 8 аслга бўлинади. Улар арузшуносликда нима деб аталади?

- A) ҳижо
- B) руқп
- C) сугун

- D) фаъала
E) туроқ

79. Эркин (сарбаст) вазнда шеър ёзган ўзбек шоирлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Муқимий, Ҳамза, К. Яшин, М. Шайхзода
B) Навоий ва Бобур
C) Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон
D) В. Маяковский, М. Шайхзода
E) Бобур, Фурқат

80. Рамак баҳрининг афойили берилган қаторни топинг.

- A) мафойилун
B) фаулун
C) фоилун
D) фоилотун
E) мустафилун

81. Ҳазажи мусаммани солим вазнининг чизмасини аниқланг.

- A) V---V---V---V---
B) V---V---V---V---
C) -V---V---V---V---
D) -V---V---V---V---
E) --V---V---V---V---

82. Арузда нечта аслий руки мавжуд?

- A) 19 та
B) 8 та
C) 21 та
D) 11 та
E) 14 та

83. Мутадорик ва мутақорик баҳри рукилари бир байтда неча мартагача такрорланиши мумкин?

- A) 16 марта
B) 8 марта
C) 6 марта
D) 7 марта
E) 4 марта

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ (ФОЛЬКЛОР)

Халқ оғзаки ижоди — фольклор (гр. - халқ донишмандлиги) ёзма адабиётга нисбатан анча аввал пайдо бўлган, унинг ёзма адабиётдан бирмунча фарқли томонлари бор. Биринчидан, фольклор асарларининг муаллифи аниқ бўлмайди, улар коллектив, кўпчилик томонидан яратилади. Бир эртак ё достоғни миғлаб одамлар турлича айтганлар, кимдир воқеа, эпизодларни қўшиб ёки тушириб, ўз артиришлар киритиб айтган, кимдир воқеа ва қаҳрамонларга кескин тус бериб, бўрттириб айтган. Демак, фольклорга хос бўлган хусусиятларнинг яна бири вариантчиликдир. Фольклор асарларининг яна бир бошқа хусусияти ўта халқчиликтидир, уларда оддий халқ орзу-умидлари, оддий халққа хос бўлган олий фазилятлар улуғланиб, ёвузлик, худбинлик, текинхўрлик, ёлгончилик ва бошқа салбий сифатлар қораланади. Асар охирида эзи у кучлар ёвузлик устидан албатта ғалаба қозонадилар. Ёзма адабиётда бўлганидек, фольклорда ҳам ўзига хос жанрлар мавжуд.

МИФЛАР (АСОТИРЛАР)

Ибтидоий одамлар табиатда юз берадиган ҳодисалар (фасллар алмашиши, ёруғлик ва қоронғуликнинг тушиши, зигзила, қурғоқчилик ва ҳ.к.) сирини тушуна олмаганлар ва бу ҳодисалар моҳиятини ўзларича қандайдир илоҳий кучлар билан боғлаб талқин этганлар, улар ҳақида оғзаки ҳикоялар тўқиганлар. Мифларда яхшилик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, иссиқлик ва совуқлик ўртасидаги курашлар ҳикоя қилиниб, уларда кўпинча худолар қатнашганлар.

Зардуштийларнинг муқаддас “Авесто” китобида нақл қилинишча, дунёда икки олам: эзулик ва ёвузлик олами мавжуд. Эзулик (яхшилик) оламга Ахура Маздо (Хурмузд), ёвузлик оламга Ёса Ангра Маню (Ахриман) бошчилик қилади. Хурмузд Ахриманга қарши биринчи одам — Каюмарсни яратади. Ахриман уни ўлдирса ҳам, яхшилик уруғини йўқотмайдди. Бу курашларда Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Гершасен каби мифологик қаҳрамонлар иштирок этадилар.

АФСОНАЛАР

Афсоналар фольклорнинг энг қадимий, нисбатан кичик ҳажмли насрий жанри бўлиб, унда у ёки бу воқеани ҳикоя қилиш етакчи ўрин эгаллайди. Афсоналар замирида маълум даражада тарихий воқеа, ҳодисалар ётса-да, улар вақт ўтиши билан ўзларининг тарихий илдизларини

Йўқотиб борганлар, шу боис афсоналар ҳаёлий уйдирмаларга айланиб қолган. Аристотел афсоналарни «ҳақиқатдан дарак берувчи ёлғон ҳикоялар» дея бежиз таърифламаган. Афсоналар, одатда, қисқа, бир-икки эпизоддан иборат бўлади, шунга кўра афсоналарни қуйидаги турларга ажратиб мумкин:

а) қаҳрамонлик афсоналари (тарихий афсоналар);

б) сирли, тилсимли жойлар (ғор, кўл, тоғ, денгиз, океан) номи билан боғлиқ бўлган афсоналар; в) диний афсоналар.

“ТҶМАРИС”

“Тўмарис” афсонаси Марказий Осиё халқларининг муштарак афсонасидир. Унинг мазмуни грек тарихчиси Геродотнинг “Тарих” китоби орқали бизгача етиб келган. Милoddан аввалги VI асрда бир неча мамлакаتلарни ишғол этган Кир Марказий Осиёга ҳам бостириб келади. Тўмарис бошчилигидаги массагетлар қабиласи Кирга қарши мардонавор кураш олиб боради. Рақибини куч билан енга олмаган Кир ёрдамчиси Ктесийнинг маслаҳати билан Тўмариснинг ўғли Спарангизни ҳийла билан қўлга олади ва шу йўл билан жасур аёлни тиз чўктирмоқчи бўлади. Бироқ Тўмарис таслим бўлмайди, душманни енгади. Тўмарис ўзи айтганидек, Кирнинг қашласини олиб, уни қон билан тўлдирилган мешга солади ва бундай дейди: “Эй, номард! Сен мени, сени жангда ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни фарзанд доғида куйдиришг. Сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онгимга амал қилиб, сени қон билан суғордим”.

“ШИРОҚ”

“Широқ” афсонасида Марказий Осиё халқларининг босқинчи аҳмонийларга қарши мардонавор кураш олиб борган сак қабилалари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Бу афсона мазмуни грек тарихчиси Полибийнинг “Ҳарбий ҳийлалар” китоби орқали бизга қадар етиб келган.

Қаҳрамон массагетлар Кир кўшинини тор-мор қилдилар. Аммо кейинги аҳмонийлар шоҳи Доро учун бу сабоқ бўлмади. У ҳам Марказий Осиёга ҳужум қилди. Сак қабилалари бошлиқлари Омарг, Саксар, Оамирислар душманга қарши қандай курашиш лозимлиги ҳақида маслаҳатлашиб ўтирганларида, улар олдига чўпон Широқ кириб келади. У қабила бошлиқларига ҳийла билан душмanning бутун лашкарини енга олиши мумкинлигини айтади. Шу мақсадда у ўз бурун-қулоқларини кесиб, душман лашкарбошиси Роносбат қонига келади ва унга шундай дейди: “Мен қабилам бошлиқларига сизнинг олдингизда бош эгиб таслим бўлишимиз керак-

лиги, сизга садоқат билан хизмат этишимиз лозимлигини айтганимда, улар мени ана шу кўйга солдилар, энди мен ўз қабиладан ўч олмоқчиман, агар кўнсангизлар, мен сизларни қабиладнинг орқа томонидан бошлаб боришим мумкин”. Душман Широқнинг бу гапларига ишонади. Широқ уларни тамоман бошқа томонга — инсон қадами етмаган чўл томонга бошлайди. Оқибатда Дороннинг минглаб кўшини сувсиз чўлда ҳалок бўлади. Мард чўпон ҳам ҳалок бўлади, аммо унинг ўлими минглаб қабиладошларининг ҳаётини сақлаб қолади.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

Достонлар ўзбек халқ оғзаки ижодининг қадимий жанри бўлиб, ҳам насрий, ҳам шеърий шаклда айтилади. Ўзбек достончилигида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислўм шоир, Рўзи бахши, Қодир бахшилар ўзи а хос достончилик мактабини яратдилар.

Ўзбек халқ достонлари орасида эн кўп тарқалгани “Гўрўғли” туркумига кирувчи достонлардир. Бу туркумга Гўрўғлининг туғилишидан тортиб, вафотига қадар даврни акс эттирувчи олтишга яқин достонлар киради, уларда халқимизга хос мардлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак фазилатлар улуғланади. Туркумга кирувчи ҳар бир достон ўзи бир мустақил асар ҳисобланса-да, уларни маълум образлар (Фиркўк, қирқ йигит, дев-парилар, Чамбил), сюжет чизиқлари бир-бирига боғлаб туради.

“РАВШАН” ДОСТОНИ

“Равшан” достони 1928-йилда Ҳоди Зариф томонидан машҳур ўзбек бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган. Асар Гўрўғлининг Ваянғандан Ҳасанхонни, Хупхордан Авазхонни асранди ўғил қилиб олиб келиши, Ҳасанхондан Равшан, Авазхондан Гулианор дунёга келиши воқеалари билан бошланади. Равшан ва Гулианор баркамол болалар бўлиб вояга ета бошлайдилар. Гўрўғли икки неварасининг бошларини қовуштирмоқчи бўлади, аммо ўғли Авазхон бунга рози бўлмайди. Бундан ранжиган Равшаннинг кўнглини олиш мақсадида бувиси сеҳрли узук беради, унда гўзал бир қизнинг сурати солинган бўлиб, “Зулҳумор” деган исм ёзиб қўйилган эди. Қизга гойибона ошиқ бўлган Равшан уни қидириб, Ширвон ўлкасига йўл олади, кўп азоблар билан уни топади. Ширвон ўлкасида бир кампир билан опа-бола тутинади. Кампирнинг Айноқ кал (полвон), Жайноқ кал (масхарабоз), Эрсак кал (мерган), Терсак кал (сиичи) исмли тўртта тутинган ўғли бўлади.

Равшанни Зулхумор ҳарамиди ушлаб оладилар ва зиндонга ташлайдилар. Зулхумор Равшаннинг отаси Ҳасанхонга майна орқали мактуб йўллаб, олти ой ичида етиб келиши лозимлиги, акс ҳолда ўгли дорга осилишини маълум қилади. Хатни олган Ҳасанхон учқур отида Равшаннинг қатли этилиши пайтига етиб боради ва уни ўлимдан қутқазиб қолади.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИ

“Алпомиш” туркий халқларнинг қаҳрамонлик достонидир. Унинг 1000 йиллигини халқимиз катта тантана билан нишонлади. Достоннинг мукаммал нусхаси 1927-1928 йилларда Маҳмуд Зарипов томонидан Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинди.

Достоннинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Узоқ вақт тирноққа зор бўлган ака-укалар: Бойбўри (шоҳ) ва Бойсарри (бой) Шоҳимардон пирим ҳузуриди қирқ кун фарзанд тилаб ётадилар. Ниҳоят уларнинг орзулари ушалади. Бойбўри бир ўғил ва бир қиз кўради уларга Ҳақимбек ва Қалдирғоч деб исм кўядилар, Бойсарри ҳам бир қиз кўради, уни Барчин деб атайдилар.

Болалар ақли, илми, бақуват бўлиб ўса бошлайдилар. Қирқ кунлигида Ҳақимбек ва Барчинни бир-бирига фотиҳа қилиб кўядилар. Ҳақимбек етти ёшга тулганида, бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонли парди ёшга кўлига олиб, отган чоғида Асқар тоғининг катта чўққисини ўпириб ўтади. “Дунёда бир кам тўқсон аш ўтди, Ҳақимбек тўқсонинчиса бўлсин” — дея уни Алпомиш деб атай бошлайдилар. Алпомиш бир кун китоб ўқиб ўтирган пайтда отаси уни саволга тугади: “Қандай одамни сахий ва қандай одамни бахил деса бўлади?” Ҳақимбек донолик билан: “Уйига меҳмон келсаю, жойи бўла туриб, уни меҳмон қилмаса, бахил, меҳмонни сийласа — сахий, қабр ёшидан ўтаётиб отдан тушмай, гердайиб ўтиб кетаверса, бахил, отдан тушиб, ўтганлар ҳақида фотиҳа ўқиб ўтса — сахий, моли бўла туриб, шоҳга закот бермаса бахил, берса — сахий” дея жавоб қайтаради. Бойбўри ўғлининг гапларини эшитиб, ўйлашиб қолади. “Мен-ку, ўзим шоҳ бўлсам, кимга ҳам закот берардим, укам бой, унинг номи бахилга чиқиб қолмасин”, — деб ўн тўрт маҳрамини жўнатиб, укам, номига, битта тиррақи, ориқ эчки бўлса ҳам менга закот жўнатсин, деб тайинлайди. Маҳрамлардан бу гапни эшитган Бойсарри газабланади: “Ҳали акамиз ўғиллик бўлиб, одам бўлти-ю, биз одам бўлмадикми”, — деб, етти маҳрамни қорнига қозиқ қоқиб, ўлдирди, қолган еттитасининг қулоқ-бурунларини кесиб, ўзларига егизиб, отларига чашиа ўтқизиб, “закот деган мана шунақа бўлади”, — деб ҳайдаб юборади.

Закот туфайли ака-ука орасида юз берган совуқчилик уларни аж-

ратиб юборади. Бойсари ўн минг уйли қўнғирот элини бошлаб Қалмоқ юртига кетади. Қалмоқ шоҳи Тойчаҳоннинг яқин кишиси бўлган Сурхайл кампир ва унинг ўғиллари туфайли Бойсари ва Барчин бошларига кўп кулфатлар тушади. Кампирнинг етти ўғли бор эди, уларнинг тўнғичини Кўкалдош деб атардилар. Кампирнинг ўғиллари Барчинга ошиқ бўлиб, унга совчиликка борадилар. Барчин улардан олти ой муҳлат сўрайди ва Ҳақимбекка хат йўллайди. Хат Бойбўрининг қўлига тушади ва у мактубни сандиққа яшириб қўяди. Қалдир оч бир кун хатни топиб олиб, ўқиб кўради ва акасини Барчинни қутқазиб келишга ундайди. Аввалига иккиланиб Ҳақимбек отасининг ҳар қанча қаршичилигига қарамай Қалмоқ юртига жўнайди. Чилвир чўлида Муроддепага чиқиб, дам олиб ётганида, Сурхайл кампирнинг кенжа ўғли Қоражон келиб қолади, улар ажралмас дўст бўлиб қоладилар.

Барчин ваъдага вафо тариқасида тўқсон али олдига тўртта шарт қўяди: пойгада, курашда, ёй тортишда, мерганликда ким голиб чиқса, ўшанга турмушга чиқаман дейди. Алпомишнинг қистови билан пойгада унинг ўрнида Қоражон қатнашади, Қоражон Ҳақимбекнинг оти Бойчиборда акаларидан анча аввал манзилга етиб боради. Акалари аламидан Қоражоннинг оёқ-қўлларини боғлаб, Бойчиборнинг оёқларига миҳлар қоқиб қайтиб кетишади. Бироқ қаттиқ силкинган Бойчибор Қоражонни миндириб, яна ўқдай учиб кетади ва манзилга биринчи бўлиб етиб келади. Барчиннинг ўтовини етти марта айланади. Барчин рўмоли билан отнинг кўз ёшларини артади, оёқларидаги миҳларни тишлари билан суғуриб олади. Кейин ишартиларда Ҳақимбекнинг ўзи голиб чиқади. Барчин ва амакиси Бойсарини олиб, Қўнғирот элига қайтиш тарафдудига тушади, аммо акасида аламзада бўлган Бойсари қайтишга кўнмайди. Қалмоқ юртида қолади ва кўп азоблар кўради. Сурхайлнинг гаплари билан Тойчаҳон Бойсарининг бутун молларини тортиб олади ва унга ўз молларини боқтиради. Бойсари Қўнғирот элига кетаётган карвондан бошига тушган кулфатлар ҳақида қизига хат юборади. Хатни олиб ўқиган Барчин Ҳақимбекдан отасини қутқазиб келишини сўрайди. Ҳақимбек отасининг қаршичилигига қарамай, Қалмоқ юртига йўл олади. Аламзада Сурхайл Ҳақимбекни ҳийла билан ушлан мақсадида йўлда уни пойлаб ўтиради. Ҳақимбек етиб келгач, унга оналарча “меҳр” кўрсатиб, Тойчаҳон зулмидан қутқазилганини сўрайди. Ҳақимбек ва унинг йигитлари Сурхайл кампир уйда меҳмон бўладилар. Ёвуз кампир йигитлари а кучли ухлатувчи дори бериб, асир олдиради ва унинг йигитларини ўлдиртиради. Беҳуш ётган Ҳақимбекни отига боғлаб, зиндонга олиб келиб ташлайдилар, Бойчиборни ҳам банди қилиб ташлайдилар.

Тойчаҳоннинг Товка ойим деган бир қизи бўлиб, у Янгибозорнинг

раиси эди. Тасодифан зиндон ёнига келиб қолган Товка ойим Ҳакимбекни кўриб, унга ошиқ бўлиб қолади. У ўз ҳарамидан зиндонга томон лаҳм қаздиради ва шу йўл билан Ҳакимбек ёнига боради. Бироқ бу лаҳмга Алпомишнинг боши ҳам сиғмайди. Бу сирдан хабар тонал Сурхайл Тойчахонга Зил тобидан беш юз аравада тош олиб келиб, Алпомиш устига таппашни маслаҳат беради. Ҳакимбек Товка ойимга исриқ беради ва уни оти ёнида тутатишни сўрайди. Исриқ ҳиддан Ҳакимбекнинг тириклигини билиб, Бойчибор бир кучли силкинади, запжирларни узиб, зиндон ёнига етиб келади, думини тушириб, Ҳакимбекни зиндондан қутқазиб қолади.

Ҳакимбек зolim Тойчахонни йўқотиб, ўрнига чўлон Кайқубодни шоҳ қилиб кўтарди ва ўз юртига қайтади. Бу ерда эса уни қачонлардир ўлдига чиқариб қўйилган, ўғай укаси Ултонтоз Барчинга уйланмоқчи бўлиб турган, Ҳакимбекнинг ўғли Ёдгор ва синглиси Қалдиғоч, дўсти Қоражонлар унинг йўлига муштоқлик билан кўз тутардилар. Ҳакимбекни биричи бўлиб қора нор туяси таниб қолади, унинг атрофини етти марта айланиб, тавоф қилади. У Қултойни учратиб, унинг кийимларини кийиб, чўлон қиёфасида уйига келади. Тахтни яғлаб олган, ўгли, синглиси бошига кўн кулфалар келтирган Ултонтозни ўлдириб, Барчин билан мақсадларига етади.

ЭРТАКЛАР

Эртактар фольклорнинг энг оммалашган қадимий насрий жанрларидан бири бўлиб, унда халқнинг қаҳрамонлик, ватандўстлик, инсонпарварлик ҳақидаги орзу-умидлари, турмуши, миллий характери, дунёқарани ўзифодасини топади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “эртактар” тушунчаси “эдук” тарзида ифодаланган, халқ орасида эса “чўпчак”, “ушук”, “масала” деб ҳам юритилган.

Эртактарнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, унинг бошланиши ҳам, тугалланиши ҳам анъанавий бир хилликка эга бўлади. Улар “Бор экан-да, йўқ экан...” гаши билан бошланиб, “... мурод мақсадларига етибдилар” шаклида тугайди. Эртактарда фақат баёнчилик эмас, бадий образлар ҳагги-ҳаракати орқали тинчловчиларнинг руҳий оламига таъсир кўрсатиш асосий мақсад қилиб қўйилади. Жаҳон халқлари оғзаки ижодида, айниқса, “Минг бир кеча” эртаги жуда машҳур бўлиб кетган. Унинг Аловуддин, Али бобо каби қаҳрамонлари бизнинг хотирамизда болаликдан нақшланиб қолган. Эртактар мавзу доирасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

а) сеҳрли-фантастик эртактар: бу эртактар замирида асосан

сеҳр-жоду, тилсим ётади, уларнинг қаҳрамонлари афсонавий сеҳрли кучга эга бўладилар, девлар, аждаҳолар билан баравар курашадилар ва уларни енгадилар;

в) маиший эртақлар: бу эртақларда кўпинча халқ турмушида кечадиган кутилмаган воқеалар, ростгўйлик ва ёлғончилик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, ҳалоллик ва фирибгарлик билан боғлиқ бўлган ҳодисалар ҳикоя қилинади;

с) ишқий-саргузашт эртақлар: халқ томонидан тўқилган бу эртақларнинг қаҳрамонлари кўпинча ҳар қандай тўсиқлар, қийинчиликларни енгиб ўтиб, севида вафодорлиги, мардлигини кўрсатадилар;

д) ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар: бу эртақларда инсонлар қатнашмасида, аслида ҳар бир образ тагида инсон ҳаёти, унинг хатти-ҳаракати, хулқи, фазилатлари ётади. Масалан: бўри - ёвузлик, тулки - айёрлик, чумоли - меҳнатсеварлик тимсоли сифатида тавдаланади.

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

Халқнинг ҳаётий тажрибалари асосида юзага келган, ўзида ибратли, доно фикрларни ихчам йфодаловчи ҳикматлар мақол деб аталади. Мақоллар замирида халқнинг узоқ йиллар давомида ортирган ҳаётий сабоқлари, олижаноб хислатлари ётади, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳалоллик, катта-кичикка, ота-онага ҳурмат каби юксак фазилатлар эгаси бўлишга даъват этилади.

Туркий халқлар орасида тарқалган мақоллар бизга асосан Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари орқали етиб келган. Бу мақолларда ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш, муқаддас деб билиш юксак фазилат эканлиги уқтирилади: “Тулки ўз инига урса, ўжуз бўлур” (Тулки ўз инига қараб улуса, қўтир бўлади), “Тулум анутса, қулун бўлур — тулум унутса, болун бўлур” (Душманга қарши қурол тайёрлаган киши қулун (той) бўлар, буни унутган киши асир бўлар) — бу мақолларда ватанни ардоқлаш ва уни душманлардан асраш учун ҳаминша сертак бўлишга даъват этилади.

Инсон учун энг муқаддас нарса — озошлик ва мустақилликдир. Мустақиллик бўйсуниб яшайдан минг марта афзал: “Ўкузакики бўлгинча, бузагу баши бўлса йик” (Хўкизнинг оёғи бўлгунча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ).

Мақоллар гарчи кичик ҳажмли бўлса-да, уларда ўзига хос тасвирий воситалар: кўчим, қаршилантириш, ўхшатишлардан фойдаланилади; баъзан қофия ҳам қўлланилади: «Жаҳл - душман, ақл - дўст», «Юртгинч - сен тинч», «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади», «Булбул чаманин севар, инсон ватанин».

ЛАТИФАЛАР

Латифа юмористик ҳарактерга эга бўлган, қундалик турмушда кишилар ҳаёти, хатти-ҳаракатидаги қулғили воқеалар ихчам, қисқа шаклда ифодаланган, ҳазил-мутойибага бой бўлган фольклор жанридир. Ўзбек халқ латифаларида кўпинча Насриддин афанди бош образ қилиб олинади. Хўжа Насриддин образи фольклорга тахминан XIX асрдан бошлаб кириб келган, унга қадар халқ орасида “бир киши”, “Мушфиқий” тимсолларида такаббур, ёлғончи, ҳасис-қурумсоқ, амалпараст, хушомадгўй, ишқмас кишилар қош этилган.

АСКИЯ

Аския дутф (маъноси яширин) сўзга асосланган бўлиб одатда икки киши ёки икки гуруҳ ўртасида ўтади. Аския қатъий ўз пайровига “мавзу” сига эга бўлади. Фарғона водийси, Тошкент ва унинг атрофларида кўпинча бадий асарлар номлари, кўшиқлар, кинофилмлар, уй ҳайвонлари, шаҳарлар мавзу (пайров)ларида аския қилиниб келинади.

ЛОФ

Бирор воқеани ўта бўрттириб айтиш ва шу асосда ҳазил-мутойиба қилишга асосланган қисқа ҳажмли, юмористик фольклор жанри лоф дейлади. Лофда қайси тарафнинг лофи устун чиқса, ғолиб ҳисобланган.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Халқимиз ўзининг эзгу орзу-умидлари, турмушдаги секин ва қайгулари кўпинча қўшиқ орқали ифодалаб келган. Улар мавзу доираси ва ижро усулига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Меҳнат қўшиқлари.
2. Мавсум қўшиқлари.
3. Маросим қўшиқлари.

МЕҲНАТ ҚЎШИҚЛАРИ

Аждодларимиз қадимдан меҳнаткаш, заҳматкаш ўтган, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик билан шугулланиб келган. Улар шу меҳнати орқасидан тошган роҳат-фароғатларини ҳам, чеккан азоблари-

ни ҳам қўшиқларда ифодалаганлар. Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар, асосан ерни шудгор қилиш (қўш қўшиқлари), ҳосилни ўриш (ўрим қўшиқлари, хирмон қўшиқлари), бугдой ва шולי ноясини янчиш (янчиқ қўшиқлари, “Хўн ҳайда”, “Майдалар”, “Майдагун”), бугдойни ун қилиш (“Ёргучоқ) жараёнида яратилган.

Чорвачилик билан боғлиқ қўшиқлар кўпинча уй ҳайвонларини ийитиб, сўт соғиб олиш чоғида айтилган (“Говмишим” - сизир соғишда, “Чурия” - эчки соғишда, “Турей-турей” - қўй соғишда).

Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқларга асосан бўзчи, ўрмак (гилам тўқиш чоғида айтилган), кашта қўшиқлари киради.

МАВСУМ ҚЎШИҚЛАРИ

Мавсум қўшиқларининг кўпи бизга қадар М. Қошғарийнинг “Девону луготиг турк” асари орқали етиб келган. Қадимги халқ қўшиқлари иккилик ва тўртликлардан иборат бўлиб, кўпроқ а-а-а-б, а-б-в-б тарзида қофияланган, улар “қўшуг” деб номланган, куй, мақом эса “йир” деб аталган. Қўшиқларда халқнинг табиатда юз берадиган ҳодисаларга турлича муносабати ифодаланади, йилнинг бир фасли уларни қувонтирса, бошқа бир фасли ранжитган: қишда, одатда, ем-хашак йўқлигидан, қаттиқ совуқлардан ҳайвонлар ҳам, одамлар ҳам нобуд бўлганлар. Шунинг учун ҳам кишилар қишга салбий муносабатда бўлиб, ёзни олқишлаганлар. Мавсум қўшиқларида ёз ва қиш бир-бирига қарама-қарши қўйиладди, улар бир-бири билан жанг қиладилар:

Қиш ёй била тўқушти,
Қинғир кўзин бақиншти ...
(Қиш билан ёз тўқнашди,
Бир-бирига ёмон кўз билан қарашди)
Қўшиқларнинг бирида ёз фасли ўз афзаликлари билан қиш олдида

мақтанади:

Сенда қачар сундилоч,
Манда тинар қарғилоч.

(Саъвалар сендан қочадилар,
Қалдирғочлар менда ором оладилар)

Ибтидоий кишилар табиатнинг айрим ҳодисалари (қурғоқчилик, тўфон, зилзила) ортида қандайдир илоҳий куч бор деб ҳисоблаганлар.

Шу боис ҳосил қурғоқчиликдан нобуд бўлишидан таъвишланиб, ёмғир чақирини учун “Сус хотин”, шамол келмай қолганда, “Ё, Ҳайдар” шамол ҳайдашда эса “Чой момо” кўшиқларини айтганлар. Ҳозирда бу кўшиқлар айтилмайди.

МАРОСИМ КЎШИҚЛАРИ

Маросим кўшиқлари ўзбек халқи удумлари, расм-русмлари билан узвий боғлиқ, улар кўпинча тўйларда, аза чоғларида, бепиқ тўйларида айтиб келинади. “Келин салом”, “Ёр-ёр” кўшиқлари тўйлар билан “Йигинар” эса аза билан боғлиқ кўшиқлардир.

Ҳар йил Наврўз пайтида болалар айтадиган “Бойчечак” кўшиғи ҳам ўзига хос маросим кўшиғи ҳисобланади. “Оқ теракми, кўк терак”, “Рамазон” кўшиқларини ҳам болалар айтадилар.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Фольклорнинг ёзма адабиётдан фарқли томонлари қайси жавобда тўғри ифодаланган?

А) фольклор асарларида фақат камбағал халқ ҳаёти акс эттирилади.

В) фольклор асарларининг муаллифи маълум бўлмайди.

С) фольклор ёзма адабиётдан анча илгари пайдо бўлган.

Д) фольклор асарларининг вариантлари кўп бўлади.

Е) В, С ва Д

2. Халқ оғзаки ижодининг қайси жанрида анъанавийлик кучли бўлади?

А) кўшиқларда

В) эртакларда

С) аскияда

Д) топшмоқда

Е) дostonларда

3. “Ёргучоқ” кўшиғи меҳнат кўшиқларининг қайси турига киради?

А) чорвачилик

В) деҳқончилик

С) маросим

Д) ҳунармандчилик

Е) мавсум

4. Ерни шудгор қилиш пайтида деҳқонлар қайси кўшиқни куйлаганлар?

А) янчиқ

В) ўрмак

С) “Хўп ҳайда”

Д) “Майдalar”

Е) кўш кўшиқлари

5. Қадимги туркий халқларнинг мавсум-маросим кўшиқлари бизга қадар қайси машба орқали етиб келган?

А) “Туюқуқ” битиктошлари орқали

- В) “Ирқ битиги” орқали
- С) “Девону луғотит турк” орқали
- Д) “Билга Қоон битиктоши” орқали
- Е) “Кул Тегин битиктоши” орқали

6. “Чурия” қўшиғи қайси меҳнат жараёнида айтилган?

- А) туя соғиш пайтида
- В) ёмғир чақириш пайтида
- С) шамол ҳайдаш пайтида
- Д) эчки соғиш пайтида
- Е) шамол чақириш пайтида

7. Аристотел айтганидек, “ҳақиқатдан дарак берувчи ёлгон ҳикоялар ...”

- А) эртаклар
- В) асотирлар
- С) ривоятлар
- Д) мақоллар
- Е) афсоналар

8. Афсоналар мавзусига кўра қандай турларга бўлинади?

- А) қаҳрамонлик афсоналари
- В) диний афсоналар
- С) турли сирли жойлар билан боғлиқ афсоналар
- Д) В ва С
- Е) В, С, Д

9. “Тўмарис” афсонаси бизга қадар қайси манба орқали етиб келган?

- А) Диодорнинг “Кутубхона” асари орқали
- В) Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” асари орқали

- С) М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари орқали
- Д) Геродотнинг “Тарих китоби” орқали
- Е) Оғиздан-оғизга ўтиб келган.

10. “Тўмарис” афсонасида Силарапғизни ўлдирини ҳийласини ким ўйлаб тошган?

- А) Раносбат
- В) Сакефар
- С) Доро
- Д) Кир
- Е) Крез

11. Халқ эртаклари ўз мавзу доирасига кўра қандай турларга бўлинади?

- А) ҳажвий эртаклар, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар
- В) сеҳрли-фантастик эртаклар
- С) ишқий-саргузашт эртаклар
- Д) ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар
- Е) В, С, Д

12. Ўзбек халқ эртакларида учрайдиган Ҳотами Той қандай инсонлар рамзи ҳисобланади?

- А) ростўй кишилар
- В) сахий инсонлар
- С) ватанпарвар кишилар
- Д) вафодор инсонлар
- Е) гўғрисўз одамлар

13. Дунё халқлари орасида энг машҳур бўлиб кетган эртаклар туркуми қайси деб ўйлайсиз?

- А) русларнинг телба Иванушка ҳақидаги эртаклари

- В) Индонез халқининг ҳайвонлар ҳақидаги эртаклари
 С) ҳиндларнинг “Калила ва Димна”си
 Д) арабларнинг “Минг бир кеча” эртаги
 Е) С ва Д

14. “Али бобо ва қирқ қароқчи” эртагида Қосимнинг ўлимига нима сабабчи бўлади?
 А) бойликка ҳирси
 В) ёлғончилиги
 С) ичи қоралиги
 Д) инсонни ёқирмаслиги
 Е) кўполлиги

15. “Али бобо ва қирқ қароқчи” эртагида ақли ва тадбиркор аёл...
 А) Маҳбуба
 В) Маржона
 С) Тахмина
 Д) Мактуба
 Е) Гуландом

16. “Ур тўқмоқ” эртагида ким деҳқонга қайнар хумча, очил дастурхон ва ур тўқмоқ беради?
 А) балиқ
 В) лайлак
 С) тулки
 Д) ўрдак Е) Ҳотам

17. Адабий эртак деганда, нимани тушуномқ керак?
 А) бирор шоир асари асосида халқ тўкиган эртак

- В) ҳайвонлар ҳақидаги эртак
 С) ишқий-саргузапт эртаклари
 Д) сеҳрли-фантастик эртаклар
 Е) халқ эртаклари асосида ёзилган эртак

18. “Гўрўғли” туркумига кирувчи достонлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 А) “Равшан”, “Авазхон”, “Райҳонараб”, “Нурали”
 В) “Вафодор”, “Алномини”, “Орзигул”
 С) “Ёрилтош”, “Кунтуғмиш”, “Ҳасанхон”
 Д) “Жаҳонгир”, “Ингизор”, “Юсуф ва Зулайҳо”
 Е) “Зариандр ва Олатида”, “Дониёрхўжа”, “Шодмонбек”

19. “Алномини” достонида Ҳакимбекнинг ўғли ким эди?
 А) Қултой
 В) Ултонтоз
 С) Ёдгор
 Д) Қулчи
 Е) номи кўрсатилмаган

20. Ҳакимбек авлодлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 А) Добонбий, Алшинбий, Бойсари, Қултой
 В) Добонбий, Алшинбий, Бойбўри
 С) Добонбий, Алшинбий, Ултонтоз, Бойсари
 Д) Алшинбий, Добонбий, Бойбўри
 Е) Бойбўри, Алшинбий, Қултой

21. Сурхайл камшир қайси ўғли учун Бойсариникига совчилик-ка борди?

- A) Кўкаман учун
- B) Кўкалдош учун
- C) Қоражон учун
- D) Кўкқашқа учун
- E) Бойқашқа учун

22. Ҳакимбек Муродтепада биринчи бўлиб ким билан учрашди?

- A) Бойқашқа билан
- B) Қултой билан
- C) Қоражон билан
- D) Кўкалдош билан
- E) Ултонтоз билан

23. Ҳакимбекнинг энг садоқатли оти...

- A) Рахш
- B) Кўкқамиш
- C) Бойқашқа
- D) Бойчибор
- E) Қоратой

24. Барчиной қалмоқ полвонларидан қанча ойга муҳлат сўради?

- A) бир йилга
- B) етти йилга
- C) уч ойга
- D) беш ойга
- E) олти ойга

25. Қалдирғоч Ҳакимбекка ким бўлади?

- A) опаси
- B) синглиси
- C) холаси

- D) қайинсинглиси
- E) аммаси

26. Барчиннинг Ҳакимбекка йўллаган мактубини ким яшириб қўйди?

- A) Қалдирғоч
- B) Бойбўри
- C) Бойсари
- D) Ултонтоз
- E) Қултой

27. Барчин қалмоқ полвонлари олдида қандай шартлар қўйган?

- A) курашиш ва муштлашиш
- B) пойга, курашиш, мерганлик ва ёй тортиш
- C) курашиш, мерганлик, тез чошиш, ёй тортиш
- D) пойга, мерганлик, уришиш, ёй тортиш
- E) мерганлик, ёй тортиш, чаққонлик, сакраш

28. Ҳакимбек Қалмоқшоҳ зиндонда печа йил азоб чекди?

- A) йигирма йил
- B) етти йил
- C) ўн йил
- D) олти ой
- E) йигирма беш йил

29. Ҳакимбекни зиндондан ким чиқариб олди?

- A) Бойчибор
- B) Товка ойм
- C) Кайқубод
- D) Қултой
- E) Қора нортугя

30. Товка ойим қайси шаҳар раиси эди?

- A) Қалмоқ юрти
- B) Янги бозор
- C) Хива
- D) Бойсун
- E) номи айтилмаган

31. Ҳақимбек ўз уйига кимнинг қиёфасида келди?

- A) Қулгой
- B) Кайқубод
- C) Ултоғтоз
- D) Бойсари
- E) Қоражон

32. “Алломини” достонининг энг мукамал нусхаси қайси бахши айтган?

- A) Эргаш Жуманбулбул ўғли
- B) Фозил Йўлдош ўғли
- C) Пўлкан шоир
- D) Ислом шоир
- E) Қодир бахши

33. “Равшан” достонидаги Гўрўғлининг ўғиллари номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Эрсак қал ва Терсак қал
- B) Ҳасанхон ва Авазхон
- C) Қунтуғди ва Нурали
- D) Жаҳонгир ва Давронбек
- E) Дониёрхўжа ва Шодмондек

34. Китобий достон деганда нимани тушунаси?

- A) Халқ эртаклари асосида яратилган достонлар
- B) Халқ достонлари асосида шоирлар томонидан яратилган достонлар

C) Халқ асотирлари асосида яратилган достонлар

D) Халқ афсоналари асосида яратилган достонлар

E) Ёзма адабиёт достонлари асосида тўқилган фольклор достонлари

35. Халқ мақолларининг ўзига хос хусусиятлари...

A) ўғит, панд-насихат, бўрттириш

B) қаршилантириш, кўчим, ўхшатиш, қофия

C) ихчамлик, ҳазил-мутойиба, сеҳр-жоду

D) қофия, ўхшатиш, ралиф, ҳожиб

E) ташбеҳ, ўхшатиш, кўчим, бўрттириш

36. “Девону луғотит турк” асаридаги “кўшуғ”, “йир” сўзлари нимани англатган?

A) мақол, кўшиқ

B) куй, кўшиқ

C) кўшиқ, эртак

D) мусиқа

E) кўшиқ айтмоқ

37. Қадимги туркий халқ кўшиқлари қандай шаклларда яратилган?

A) фақат иккилик шаклида

B) фақат тўртлик шаклида

C) иккилик ва тўртлик шаклида

D) учлик шаклида

E) учлик ва бешлик шаклида

38. Туркий халқларнинг мақоллари бизга қадар қайси манбалар орқали етиб келган?

- А) Геродотнинг “Тарих” китоби орқали
 В) Диодорнинг “Кутубхона” асари орқали
 С) М. Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асари орқали
 D) Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари орқали
 E) C ва D

39. “Тулку ўз инига урса, ўжуз бўлур” (Тулки ўз инига қараб улиса, кўтир бўлади).

Қадимги аждодларимизнинг ушбу мақолида қандай гоё илгари сурилган?

- А) ота-онага ҳурмат
 В) ватанни эъзозлаш
 С) мулоим, раҳмдил бўлиш
 D) катта-кичikka иззат
 E) ширинсўз бўлиш
40. XIX асрдан бошлаб ўзбек латифаларига кириб келган, халқнинг сеvimли қаҳрамони-га айланиб қолган образ ким?
- А) Шум бола
 В) Аллар кўса
 С) Соқи сумбул
 D) Хўжа Насриддин
 E) Мушфиқий

ЭНГ ҚАДИМГИ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР

АВЕСТО

Марказий Осиё халқлари ёзма ёдгорликларининг илдиэлари узок аср-ларга бoриб тақалади. Ана шундай ёдгорликлардан бири “Авесто”- зардўштийларнинг муқаддас китобидир. У миллоддан аввалги VI асрда Хоразмда яратилган деб тахмин қилинади. Берунийнинг маълумот бeришича, “Авесто”нинг қўлёзмаси 12000 та молнинг терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган экан. Асарнинг уч нусхаси бўлган, бир нусхасини Искандар Македонский куйдириб юборган, иккинчисини Юнонистонга жўнатган, учинчи нусхасини эса зардўштийлар сақлаб қолганлар. Асарнинг кўп қисмлари бизга қадар етиб келмаган.

“Авесто”да таъкидланишича, дунёда икки куч: Эзгулик ва ёвузлик кучлари ҳукмрон. Эзгулик худоси Ахура Мазда (“Ахура”- олий ҳукмдор, “мазда”- доно), уни Хурмузд деб ҳам атаганлар, ёвузлик худоси эса Ангра Маню (Ахриман) бўлган. Ахриман ўз девлари билан ҳаминча Хурмузднинг барча эзгу ишларига халал бeриб келади, инсоният бошига чексиз кулфатлар келтиради. У осмонни тoрайтиради, макр, ҳийла, ичи қоралик билан кишилар кўнглига доимо ғашлик ва хафалик солиб юради. Ахриманнинг бир неча девлари бор: ўлим деви, ёвуз фикр,

уруш, ҳасад, ғазаб, ҳасислик, ялқовлик девлари.

Ахура Мазданинг ёрдамчилари эса эзгу фикр, юксак ҳақиқат, қудрат, муқаддас итоат, саломатлик, мангулик кучларидир. Ана шу икки куч ўртасида уч миш йил кураш боради. Ахриман ўз девлари билан Ахура Мазда яратган дунёга қарши кураш бошлайди. Хурмузд дунёга келтирган биричи одам – Каюмарсени Ахриман ўлдирди. Бироқ унинг уругини қуритиб юборолмайди. Каюмарседан тўкилган уругдан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сиғир ва хўкиз, улардан эса 277 хил ҳайвонлар ҳосил бўлади. Каюмарсенинг одам қисмидан эса эркак ва аёл, ҳамда металл вужудга келади.

Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш Митра, Анахита, Йима (Жамшид) образларида ҳам мужассамлаштирилган.

Митра – кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат инъом этувчи қуёш худоси. “Авесто”да у битмас-туганмас кучга эга бўлган, ўтда қуймас, сувга чўкмас, ўқ ўтмас паҳлавон сифатида тасвирланади. У ўзининг катта, ялтироқ турзисини кўтариб юради, ана шу турзиси билан дупманларни яқсон қилади.

Анахита – ер, сув, унум маъбудаси. Уни гўзал, бақувват, хушқомат, камарини баланд боғлаган, олтин зийнатли, кўк бурмали мурсак кийган бир қиз сифатида кўриш мумкин.

ЎРХУН – ЭНАСОЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Туркий аждодларимиз қолдирган ёзма ёдгорликлар Урхун дарёси (Мўғулистон) бўйларидан то Дунайгача, Ёқутистондан Гобигача, ҳатто Шарқий Европагача тарқалган. Қабр тошлари, қоялар, олтин ва қумуш идишлар, тапталарда нақшланиб қолган бу ноёб ёдгорликлар халқимизнинг қадимий тарихи, турмуши, урф-одатлари, санъати ҳақида сўзлайди.

Кул Тегин, Билга Қоон, Тўноқуқ битиктошлари ана шундай ноёб обидалардир. Уларда дастлабки Турк ҳоқонларининг давлатни кенгайтириш ва мустақамлаш, юрт озодлигини йўлида олиб борган қурашлари ҳақида, чет эл босқинчилари билан олиб борган жанглири ҳақида ҳикоя қилинади.

Кул Тегин битиктоши 732 йилда вафот этган Кул Тегин қabri устига қўйилган мрамар тошга ўйиб ёзилган, унинг баландлиги уч метр ўн беш сантиметр бўлиб, мрамар ўртасида беш бурчакли қалқоншакли бор. Битиктошини Кул Тегиннинг жияни Йўлнинг Тегин бир ойи тўрт кунда ёзиб тутагган.

Ёдгорликда қайд этилишича, Кул Тегин жасур лашкарбони, ўз халқи учун жонини ҳам аямайдиган қаҳрамон, халқни ўз орқасидан эргаштира олувчи саркарда. У аз, қарлук, изгил халқларини бўйсундиришда мислсиз жасорат кўрсатади. 732 йилда турк халқи ўзининг буюк фар-

зандидан жудо бўлди. Бу оғир жудоник Билга Қоон тилидан шундай баён этилади: “Ишим Кул Тегин вафот этди. Ўзим алам чекдим. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди”.

Билга Қоон (улуғ ҳоқон дегани) кўп урушлар олиб бориб, давлат chegarасини анча кенгайтирган. Ўзи таъкидлашича: “Йўқсил халқни боийитган, оз сонли халқни кўлайтирган”. Билга Қоон битиктошини ҳам унинг жияни Йўлди Тегин ёзган. Битик Қоон (ҳоқон)нинг тахтга ўтириш воқеаси билан бошланади. Билга Қоон ўн етти ёшида навкарларга бошчи этиб тайинланади ва таңгуларга қарши қўшин тортади. Қарлуқ, ўғуз беклари турк ҳоқонига бўйсунмай қўйган, аввалги мағлубиятларидан сабоқ олмаган эдилар. Билга Қоон уларга ҳам қарши қўшин тортиб, уларни бутунлай енгган. Давлатни адолат билан бошқариш билга Қоон 734 йилда ўзига яқин кишилар томонидан ўлдирилади. Тўноқуқ битиктоши Иккинчи турк ҳоқонлигига асос солган Элтариш ҳоқон маслаҳатчиси ва саркардаси Тўноқуққа бағишлаб 712-716 йилларда ёзилган. Битиктошда туркийларнинг душман қабилаларига қарши кураши, Тўноқуқнинг халқ олдигаги буюк хизматлари ёлга олинади. Унда ватанпарварлик ва эрк гоёси ўзининг ёркин ифодасини тошган. Унинг асосий гоёси ватанни ҳимоя қилиш, халқни эркин, фаровон ҳаёт кечириши учун курашдан иборат. Эркинлик халқни оғир фожиаларга, дунёдан йўқ бўлиб кетиш ача олиб келган эди. Тўноқуқ шундай мақсадни ўз олдига қўйган эди: “Эркинлик ўзи келмайди, у таңгининг марҳамати ҳам эмас, уни кураш билан қўлга киритиш керак. Эркинлик ўлим машаққатларида, қонли курашларда туғилади ва қон билан ювилади”.

Ўрхун-Енасой битиктошлари XIX аср охириларида топишган бўлиб, уни дастлаб 1893 йилда Даниялик олим В. Томпсен ўқинишга муваффақ бўлган, профессор В. Радлов бу ёдгорликларни немис тилига таржима қилган.

“ИРҚ БИТИГИ”

Ирқ битиги қадимги турк мифологияси ва урф-одатлари заминида яратилган ёдгорлик бўлиб, қабр тошларига эмас, қон озага рун ёзувида тахминан VIII аср ўрталарида ёзилган. “Ирқ” сўзи ҳозирги “фол” сўзига тўғри келади, демак кишиларни эзуликка чорловчи бу асар ўзига хос фол китоби, яъни таъбирномадир. У Исиг Сапгун ва Ите Чук номли икки шоғирд бола учун ёзилган. Асарнинг асосий гоёси кишиларни яхши билан ёмонни ажрата билиш, эзуликка даъват этишдан иборат:

Йигит лочин патин қўлга киритди,
Кўп қутлуғ бўлсин дер, шундай билинлар: яхшидир бу...

XI — XIV АСРЛАР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

МАҲМУД КОШГАРИЙ

Маҳмуд ибн-ул Ҳусайн ибн Муҳаммад-ил Кошгарий туркий тилининг мустақил тил сифатида шаклланишида буюк ҳисса қўнган қомусий олимлардан биридир. У XI аср бошларида Баласоғунда (ҳозирги Қирғизистон республикасининг Тўқмоқ шаҳри яқинида) туғилди. Бобоси асли Кошгарлик бўлиб, Баласоғунга кўчиб келиб, шу ерда турғун бўлиб қолган эди. Маҳмуд Кошгарий дастлаб Кошгар, кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Нишопур, Марв, Бағдодда таҳсил олиб, араб тилини мукаммал ўрганди. Олим бутун Мовароуннаҳр ҳамда Шарқий Туркистоннинг (Хитойнинг ҳозирги Синцзян вилояти) кўп шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқиб, туркий қабилаларнинг ва халқларнинг тили, оғзаки ижоди, тарихи, урф-одатлари билан танишиб чиқди. Мадрасаларда ортирган билими ва ҳаётдан олган тажрибалари асосида у тилшуносликка оид иккита асар “Жавоҳир-ул наҳв фи луғотит турк” (“Турк тили синтаксиси қоидалари”), “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) асарларини ёзди.

Олимнинг биринчи асари ҳалигача топилмаган, “Девону луғотит турк” асарида туркий тилининг ўзига хос грамматик хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилиб, олти мингга яқин туркча сўзнинг арабча изоҳи келтирилади. Асарнинг муҳим аҳамияти яна шундаки, у бизга туркий халқларининг X-XI асрларда ва бундан аввал яратган бадиий ижод намуналари билан танишиш имконини ҳам беради. Унда уч юзга яқин шеърини нарқива жуда кўп мақол ҳамда ҳикматли сўзлар берилган. Шеърларнинг аксарияти панд-ўғит тарзидаги шеърлар бўлиб, уларда эъзулик, меҳнатсеварлик улуғланади, инсонларни турли иллатлардан холи бўлишга, ота-онани ҳурмат қилиш, хушхулқ, камтарин инсон бўлишга даъват этилади.

Бақмас будун савуқ соз,

Юдки, юзи саранқа.

Қазган улич тузунлук,

Қалсун чавинг йаринқил.

(Бақмас жаҳон совуқсоз,

Шилқим, юзеиз бахитга.

Ёқимли бўл, хушхулқ бўл,

Қолсин номинг кўп йилга.)

“Девони луғотит турк” асарида кўнган қўниқларда қишлоқларнинг шодлик ва ғамлари, орзу-умидлари, ўй-хаёллари, урф-одатлари ўз ифо-

дасини топган. Уларнинг аксарияти қадимги туркий аждошларимизнинг асосий касблари – овчилик ва чорвачилик билан узвий боғлиқдир.

Асардан, шунингдек, қаҳрамонлик кўшиқлари ҳам ўрин олган. “Тангутлар билан жанг”, “Ябоқулар билан жанг”, “Али Эр Тўнга” каби шеърӣи ва насрий парчалар ватанга муҳаббат ва унинг ҳимоҳси, юрт тақдирӣи, эл бирдамлиги гоҳлари билан суғорилган.

Ўз ватани мустақиллиги ва озодлиги учун мардонавор курашган, халқ дәрди билан яшаган Али Эр Тўнга ҳақидаги марсиада халқнинг ўз қаҳрамонига бўлган муҳаббати, унинг вафоти муносабати билан чеккан алам-изтироблари баён этилади. Халқ бу фожиадан бўридек улиб йиғлайди, ёқаларини йиртади. Чиндан ҳам Али Эр Тўнга турклар қаҳрамони, форсийларда эса у Афросиёб номи билан машҳур бўлган. М Кошғарийнинг ёзишича, Али Эр Тўнга Кошғарда – Ўрдукант шаҳрида турар, унинг Бармаи ва Барсан деган икки ўғли ҳамда Қаз исмли қизи бўлган. Али Эр Тўнга Тахмурасидан уч юз йил кейин Марвни, қизи Қаз эса Қазвин шаҳрини қурган деган нақллар бор.

Шунингдек, асардан мунозара жанрида битилган кўплаб халқ кўшиқлари ҳам ўрин олган. Девонда халқнинг доно, нуҳикмат мақоллари ҳам берилган: “Ардам – боши тил” (Одоб боши тил), “Билга эриг эзгу тутиб сўзин эшит, ардамни ўганибаи ишқа – сура” (Илимли, ақлли кишиларга яхшилик қилиб, сўзларини тингла, илмларини, ҳунарларини ўганиб, амалга ошир), “Қўл сави қалмас, қағил бағи язилмас” (Кексалар насиҳати беқорга кетмайди, тоғнинг ҳўл новдасининг боғи ёзилмайди), “Кузаку узун бўлса, алик куймас” (косов узун бўлса қўл куймас), “Бир қарға билан қиш келмас”.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Туркий ёзма адабиётнинг сардафтарини яраган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонини, мана, яқин мин йилдирки, халқимиз севиб ўқимоқда.

Юсуф Хос Ҳожиб тахминан XI асрнинг 20-йилларида Балосоғунда дунёга келган. Бу шаҳар қадимда Қуз Урду номи билан машҳур бўлган. Адиб умрининг кўп қисмини эл кезиб ўтказган. У ҳаётдан олган сабоқлари асосида бир ярим йил ичида ўзининг «Қутадғу билиг» асарини ёзиб тугатади ва уни ҳукмдор Тавғач Бўғроҳонга тақдим этади. Достонни юксак қадрлаган хон унга «Хос ҳожиб» (эшик оғаси) унвонини беради.

Яқин 6500 байт, 73 фасл(боб)дан иборат бўлган бу асарда тўрт етакчи образ: шоҳ Кунтуғди – Адолат, вазир Ойтўлди – Давлат, унинг

Ўгли Ўғлулимин – Ақл, зоҳид Ўзгурмиш – Қаноат рамзи сифатида гавдалантирилган.

Давлатни адолат билан бошқараётган, ўз одиллиги билан оламга донги кетган Кунтуғди ақл – заковатли, феъли ҳам, фикри, кўнгли ва сўзлари ҳам пок, рост бўлган, билимли ва доно инсон бўлади. Унга қўйилган ном ҳам рамзий маънони ифодалайди: Қуёш ўз нурини, тафтини ҳамма ерга тенг улашганидек, Қунтуғди учун ҳам бой ва камбағал, шоҳ ва гадо тенг эди. Унинг назарида халққа фақат яхшилик қилувчи, аммо бунинг эвазига мукофот кутмайдиган, ўз фойдасини кўзламайдиган, одамларга фойда келтириб, миннат қилмайдиган кишиларгина ҳақиқий инсонлардир.

Бир кун Кунтуғди қўлида пичоқ уч оёқли курсида ўтирар, ўнг тарафига шакар, чап тарафига эса аччиқ дори қўйилган эди. Ойтўлди бунинг сабабини сўраганида, у шундай жавоб қайтаради: «Учта оёқ курсини маҳкам ушлаб туради, улардан бири дарз кетса курси йиқилади, қўлимдаги пичоқ эса кескир, керакли жойдан кесади, кимки адолатимдан баҳра оلسа, шакардек чучук бўлиб кетади, зolimлар эса аччиқ дори ичгандек юзлари бурушиб кетади».

Вазир Ойтўлдиннинг номи ҳам рамзий маъно касб этади: Ой дастлаб кўкка кичик бўлиб чиқади, у кун сайин кўлиниб бораверади, бироқ айни тўланиган, нури кўпайган чоғда бирданига йўқ бўлиб қолади. Давлат ҳам худди Ойдек бебақо, вақтинчалик нарса, унга ишониб, кўнгли қўйиб бўлмайди.

Бир кун Элиг(хон) Ойтўлдини чақириб, ўтиришга ёнидан жой кўрсатганида, у копток устига ўтириб олади, хон унга кулиб қараса, Ойтўлди кўзини юмиб олади, унга илтифот билан боқса, у юзини ўтириб олади. Будан аччиқланган Элиг ундан бу қилиқларининг сабабини сўрайди. Вазир эса бунга жавобан шундай дейди: «Сен менга жой кўрсатганида, ўтирмадим, чунки менинг (давлатнинг) ўрни йўқ, тўп думалаб юрганидек, давлат ҳам бир жойда тургун эмас, беқарордир. Менга самимий боққанингда юзимни ўтириб олдим, Бу билан эса менинг қилмишларим жафодан бўлак нарса эмас, шунинг учун менга ишонма демокчи эдим».

Ойтўлди Кунтуғдига ана шу тугқич бермас давлатни қўлда қандай ушлаб туриш йўллариини айтади: бунинг учун ундан очиқ ва юмшоқ кўнглилилик, тилни эҳтиёт тутуш ва ширинсўзлик, такаббурликдан йироқлик, ўзни ёвуз ва ифлос ишлардан тийиш, ҳар бир ишда меъёрга риоя қилиш, катта ҳурмат, кичикка меҳр – муруватли бўлиш талаб қилинади.

Достоннинг марказий образларидан яна бири Ўғлулимшидир. Унинг

номи «ўт» (ақл – заковат) сўздан олинган бўлиб, «ақл билан зийна тла-ган» маъносини ифодалайди. Ўтдулмишнинг Кунтуғди билан қилган савол – жавобларида бек, вазир, элчи, хазиначи ва бошқа амалдорларнинг фазилятлари, турли касб – ҳунарлар ҳақида сўз боради. У ҳар бир саволга босиқлик, ақл ва ҳушёрлик билан жавоб қайтаради.

Ҳаётнинг катта сабоқларини бошдан кечирган, исми «хушёр қилувчи» маъносини ифодаловчи Ўзгурмиш қиёфасида сабр – қаноат рамзи ифодаланган, у қатъий фикрли инсон, шу боисдан ҳам Элиғнинг саройга қайтиш ҳақидаги илтимосига рад жавобини беради. Бу тақдиф уч карра такрорланганда ҳам, ўз фикрида қатъий туради, фақат Ўтдулмишнинг оқилона тушунтиришларидан сўнг у саройга боради. Ўзгурмиш хон ва унинг атрофидагиларни дунёнинг ҳою ҳавасларига учмаслик, гафлат ботқоқига ботиб кетмаслик ҳақида оғ оҳлантиради, уларнинг мудраб бораётган туйғуларини сергаклантиради.

«Қутадғу билиг» ўз даврида эл орасида катта шухрат қозонади. Шоирнинг ёзишича, Эронликлар уни «Шоҳномаи туркий», чиншиқлар «Адабул-ул мулук», машриқликлар «Зийнат-ул умаро» деб атайдилар.

АҲМАД ЮГНАКИЙ

Аҳмад Югнакий XII асрнинг дошманд шоирларидан биридир. Бу буюк инсон ҳақида бизга қадар жуда оз маълумотлар сақланиб қолган. Адибнинг “Ҳйбат-ул ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) деб номланган панднома асаридан унинг юрти Югнак эканлиги, отасининг исми Маҳмуд, ўзи эса тугма кўр эканлиги ҳақида қисқача маълумотлар бор, холос. Гарчи у тугма кўр бўлса-да, қалби билан кўзи очиқ кишиларга нисбатан дунёни равшанроқ кўришини Алишер Навоий “Насойим-ул муҳаббат” асарида таъкидлаб ўтган.

“Ҳйбат-ул ҳақойиқ” ғоявий йўналиши жиҳатидан “Қутадғу билиг” га ўхшаб кетади, унда ҳам инсониятни эзгуликка, ҳалоллик ва покдилликка, адолат ва инсофга чорлаш асосий мақсад қилиб кўйилган. Достон 14 бобдан иборат бўлиб, дастлабки боблари Аллоҳ ва пайғамбарга, учинчи боби замонасининг йирик ҳукмдори бўлган Дод Синаҳ-солорга бағишланади. Асарнинг асосий бобларида илмнинг таърифи ва подонликнинг зарари, тил одоби, саҳийлик ва баҳиллик ҳақида сўз боради.

Достоннинг асосий масалаларидан бири сифатида илм-маърифат масаласи қўйилади. Шоир олим билан подонни бир-бирига қарама-қарши қўяди, олим ўз илми билан кишиларга бахт-саодат йўлини ёритса, подон ўз жоҳиллиги туфайли турди балоларга гирифтор бўлади:

Биликтин оюрман сўзимга ула,
Биликликка, ё дўст, ўзингни ула.
Билик бирла билинур саодат йўли,
Билик, бил, саодат йўлини бўла.
(Билимдан сўзларман, сўзимни тингла,
Билимли кишига ўзингни ула,
Билим кўрсатади саодат йўлин,
Саодат йўлини билимдан тила.

Шоир ўз асарида тўғри, мулозим, мазмунни сўзлаш, керак бўлганда эса сир сақлай олиш, эмаслик қилмаслик, тилни тия билиш кераклигини, аччиқ, ёмон сўзлар билан инсон қалбини ярадор қилмаслик кераклигини алоҳида таъкидлайди:

Ўчуктума эрни тилин, бил, бу тил
Башақурса, бутмас, бутар ўқ боши...
(Тилинг билан эр қалбини тирнама,
ўқ яраси битар-у, тил яраси битмас).

АҲМАД ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий тасаввуфда ўзининг яссавия тариқатига асос солган, Туркистонда янаб ижод этган адиблардан биридир. А. Навоий ўзининг “Насойим-ул муҳаббат” асарида шундай ёзадилар: “Аҳмад Яссавий Туркистон мулкининг шайх-ул машойихидурлар. Мақомоти олий ва маш-хур. Мурид ва асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадоанинг иродату ихлоси оstonидини инҳоятсиз эрмин”.

Аҳмад Яссавий ўзидан кейинги авлодига ўлмас мерос “Девони ҳикмат”ни қолдирди. Ундаги ҳикматларда шоир инсонларни покизаликка, Аллоҳ қошига ҳам руҳан, ҳам жисманон, барча гуноҳлардан фори бўлиб боришга, комилликка эришишга даъват этади. А. Яссавий ҳикматларининг етакчи ғоясини илоҳий ишқ, нафси жиловлаш, ҳалоллик, етимларнинг ҳақини емаслик, гарибларга раҳмдил бўлиш, кибру ҳавога берилмаслик, инсондўст бўлиш каби олий инсоний фазилатларга ундаш таъкил этади.

Оқил эрсанг, етимларнинг кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб, етим ковла.
Дунёпараст ножинслардан бўйин товла,
Бўйин товлаб, дарё бўлиб тошдим маю.

“Девони ҳикмат”ни варақлар жапмиз, “подонлардан юзминг жафо кўрган”, “нодонлардан ер остига қочиб кирган” оқил бир инсон – лирик қаҳрамон кўз ўнгимизда гавдаланади. Чиндан ҳам, подонлик халқ бошига битган бало эмасми? Қасрда подонлик, жоҳиллик ҳукмрон бўлса, ўша ерда фисқу-фасод, хиёнат, ёвузлик, бировлар ҳақига кўз олайтириш яшайди.

Шоир олимман деб, китоб ўқиган, бироқ маъни уқмаган кишилардан нолийди, одамларни донишманд кишиларга хизмат қилишга, бирга бўлишга чақиради. Маърифатга чорлаш, Ҳақни, ўзбеки танишга чақириб гоёси Яссавий ҳикматларининг марказида туради.

НОСИРИДДИН РАБҒУЗИЙ

XIII аср охири XIV аср бошларида Хоразмнинг Работи Ўғуз деган мавзеида туғилиб ўсган Носириддин Бурҳониддин Рабғузидан бизга қадар “Қисаси Рабғузидий” асари сақланиб қолган. Асар 72 қиссадан иборат бўлиб, 1310 йилда ёзилган. Асарнинг дастлабки боғлари ер, кўк, мавжудотлар, инеу жинс, дев, париларнинг яратилиши ҳақида бўлиб, Аллоҳнинг улуғлигини кўрсатишга бағишланган. Буида Рабғузидий Ҳасан Басра Раҳматуллоҳ, Жобир ибн Ансорий кабиларнинг нақллариини келтиради. Кейинги қиссаларида Нуҳ, Мусо, Исо, Яъқуб, Сулаймон, Довуд, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда бир қатор бошқа пайғамбарлар ҳаётидан қизиқарли ҳикоятлар келтиради: “Учар отлар”, “Сулаймон ва қаринчқа”, “Илон ва қарлуғоч”, “Узум ҳикояти”, “Балқис ҳикояти”, “Намруд ҳикояти” ва бошқалар шулар жумласидандир.

Асардаги қизиқ ҳикоятлардан бири “Илон ва қарлуғоч”дир.

Бутун дунёни сув босган пайтда Нуҳ пайғамбар кемада борар эди. Кемани сичқон тешиб қўяди. Теникни илон беркитиб, фарқ бўлишдан сақлаб қолади, бунинг эвазига Нуҳдан дунёда энг ширин этни сўрайди. Нуҳ дунёда энг ширин эт ниманики эканини билиб келиш учун ариини жўнатади. Ари Нуҳнинг тоширигини бажариб қайтаётганда қалдирғочга дуч келади. Қалдирғоч ундан дунёда энг ширин эт ниманики эканини сўрайди, ари эса одам гўшти эканини айтади. Қалдирғоч унга, қани, тилинган тотиб кўрай-чи, дейди. Ари тилини тутгач, қалдирғоч уни узиб олади. Сўнг улар Нуҳ олдида келадилар, ари гўнгиллаб, жавоб беролмай турганда, қалдирғоч энг ширин эт қурбақаниннг гўшти экан, дейди. Нуҳ илонга қурбақаниннг гўштини беради. Шундан буён ари гўнгиллар экан, қалдирғоч эса инсоннинг дўстига айланиб қолибди.

“Сулаймон ва қаринчқа” ҳикоятида Рабғузидий ҳозиржавоб, до-

нишманд чумоли ва Сулаймон пайгамбар ҳақида ҳикоя қилади. Сулаймон бир кун ил устидаги тахтида ўтирарди. Пастга қараса, бир дунё чумоли. Миндир деган чумолилар шоҳи ўз аскарларини қочирмоқда. Сулаймон бу ҳолни кўриб кулади ва тахтдан тушиб, Миндирдан: “Нега аскарларингни қочирясан?” — деб сўрайди. Чумоли унга: “Сен ҳам шоҳсан, мен ҳам шоҳман, сенинг аскарларинг менинг аскарларимни оёқ ости қилиб ўлдирмасин”, — дейди. “Унда нега ўзинг қочмаясан?” дея сўрайди Сулаймон. “Мен буларнинг улугиман, бало келганда, унга қарши туврувчи бир меҳрибон керак-ку, уларга, ахир” — дея жавоб беради чумоли.

“Бу ақлни кимдан ўргандинг?” — сўрайди Сулаймон. “Нима, дунёда бир ўзим ақлимдан демоқчимисан?” — дейди чумоли. “Кел бўлмаса бир тортишиб кўрайлик” — дейди пайгамбар. Чумоли рози бўлиб, савол беради:

- Аллоҳдан нима сўрадинг?
- Шундай бир бойлик сўрадимки ҳеч кимда бўлмасин
- Бу ганингдан ҳасаднинг иси келипти. Ўзимга бўлсин-у, бошқаларга бўлмасин демоқчимисан? Яна нима сўрадинг?
- Фил суягидан тахт сўрадим.
- Нима сенга ер қағиқлик қилдими? Аллоҳ сенга яна нима берди?
- Учар қушларга буюрди, улар бошимда соябон бўлиб юрадилар.
- Кенг осмон кўданкаси сенга бас эмасиди? Яна нима берди?
- Бир узук берди, бутун ер юзи ҳайвонлари менга итоат қилурлар.
- Аллоҳ ердан кўкка қадар, мағрибдан машириққа қадар ҳаммасини берибди. Билиб қўйки, буларнинг қиймати бир кесакчалик қимматга эга эмас. Ҳақиқий мулк жаннат мулкидирки, унинг қиймати бўлмагай. Яна нима берди?
- Дев-париларни менга бўйсундириб берди.
- Буларнинг барчаси ўткинчи дунёдир, салгина сабр қилсанг эди, фаришталарни сенга итоат эттирган бўларди. Негаки, охир замонда Муҳаммад исмли пайгамбар дунёга келгай. У Аллоҳдан ҳеч нарса сўрамагай. Бутун фаришталар унга хизмат қили айлар”.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД (1247-1326)

Паҳлавон Маҳмуд форс-тожик тилида ижод қилган шоир бўлиб, асосан рубоий жанридаги шеърлари билан машҳурдир. У ҳақдаги маълумотлар бир қатор манбаларда сақланиб қолган. Паҳлавон Маҳмуднинг Пурёвалий ва Қитойий таҳаллуслари билан ижод қилганлиги маълум. Уни рубоийнависликда Хайёмдан кейинги ўринга қўйдилар.

Шоирнинг рубоийлардан таш-қари “Калгул-ҳақойиқ” номли маснавий ҳам ёзганлиги ҳақида маълумот бор, лекин у кўпроқ рубоийлари билан машҳурдир. Шоирнинг рубоийлари бир қатор адибларимиз томонидан ўзбек тилига ўғирилган.

САЙФИ САРОЙИ (1321-1396)

Саройи XIV асрда яшаб ижод этган адиблардан биридир. У 1321 йилда туғилиб, 1396 йилда вафот этган. Унинг яшаган даври Ўзбекхонининг ўғиллари Тинибек ва Жоғибекларнинг даврига тўғри келади. Шоир мўғул босқинчиларининг ваҳшийликлари туфайли ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлган, Олтин Ўрда давлати пойтахти Саройда яшаб, ижод этган.

Сайфи Саройи газал, қасида, рубоий жанрида гўзал шеърлар ижод қилган. “Сухайл ва Гулдурсун” достонини яратган ҳамда Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” асарини туркийга таржима қилган.

Сайфи Саройининг “Сухайл ва Гулдурсун” достони дунёвий ишқ ва садоқат ҳақида битилган гўзал асарлардан биридир. Амир Темурнинг Урганч шаҳрига қилган ҳужуми натижасида кўпгаб одамлар занжирбанд этилиб, асир олинади. Улар орасида Сухайл деган йигит ҳам бор эди. Темурнинг қизи уни севиб қолади. Гулдурсун зиндон қоровулларини маст қилиб, Сухайлни зиндондан озод қилади, улар биргаликда қочадилар, кумли саҳролардан ўтадилар. Йўлда сувсизлик ва очликдан силласи қуриган Гулдурсун беҳوش йиқилиб қолади. Сухайл узоқда кўринган кишлоққа сув ва нон излаб боради. Қайтиб келса, қиз ўлиб ётган бўлади. Бундан ниҳоятда изтироб чеккан Сухайл ўзини ўлдиради. Шу дам бўрон бошланиб, Сухайл ва Гулдурсун жасадларини қумлар кўмиб юборади.

ХОРАЗМИЙ

Ўзбек адабиётида нома жанрига асос солган шоир Хоразмийдир. У ҳақда бизга қадар маълумот сақланиб қолган эмас. Фақат “Муҳаббатнома” асарида муаллиф ҳаёти ҳақида айрим тафсилотларгина келтирилган, холос. Хоразмий 1353 йилда Олтин Ўрда хони Муҳаммад Хўжабек билан танишади. Муҳаммад Хўжабек ундан туркий тилда бир асар яратишни илтимос қилади. Форсий шеърлари билан машҳур бўлган Хоразмий ўша йили “Муҳаббатнома” асарини ёзади. Асар ўн битта номдан ташкил топган бўлиб, саккизтаси туркий, учтаси форсийда битилган. Бу номалар самимий ошиқнинг маъшуқасига мактублари сифатида яра-

тилган. Номаларнинг ўнтаси тўғридан-тўғри маъшуқага, биттаси эса тонг насимига мурожаат тарзида ёзилган.

“Муҳаббатнома” ўз номи билан ишқ-муҳаббат ҳақидаги ўзбек дунёвий адабиётининг нома жанридаги илк нодир асаридир. Шоир унда инсоннинг инсонга бўлган ҳақиқий севгисини куйлайди, кишиларни ҳаёт лаззатларидан, муҳаббат завқидан баҳра олишга даъват этади.

АТОИЙ

(XIV аср охири XV аср биринчи ярми)

Атоийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар бизгача етиб келмаган. Бу ҳақда айрим манбалардагина қисқача маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида шоир ҳақида қуйидаги маълумотлар берилди:

“Мавлоно Атоий Балхдан бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандур, дарवेशваш, хушхулқ, мушбасит киши эрди. Ўз замонида атрок (турклар) орасида кўп шуҳрат тутди”.

Атоий ўзбек адабиётини ўзининг содда, равон ва ўйноқи ваззларда ёзилган, бадий баркамол, ажойиб тапбеҳ ва тасвирларга бой газаллари билан бойитиб кетган. Шоир шеърятининг мавзулари ранг-баранг бўлиб, уларда анъанавий ишқ-муҳаббат мавзуси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

МАВЛОНО ЛУТФИЙ

XIV асрнинг бутук шоирларидан бири Лутфийдир. А. Навоий уни ўз даврининг “малик-ул калом” (“Сўз мулкининг султони”) деб атаган эди. Лутфий форсий ва туркий тилларда шеърлар ёзган. 1366 йилда Хирот чеккасидаги Деҳиканор деган жойда туғилган Лутфий 99 умр кўрган. У бутун куч-қувватини, ва фаолиятини ўзбек адабий тили ва адабиётининг тараққий эттиришга, бадбинлик ва жаҳолатга қарши курашга, эзгуликни куйлашга бағишлади. “Мажолис-ун нафоис”да таъкидланишича, Лутфий йигитлигида дунёвий илмларни ўзлаштиргандай сўнг Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбонийдан тасаввуф илмидан таълим олган. Лутфий ўз асарларида ҳаёт ва севгини, баҳор ва шодликни, вафо ва садоқатни, маърифат ва осойишталикни, мардлик ва баҳодирликни куйлаган, Навоий таъбири билан айтганда, “пазйри йўқ шоир” бўлган.

БИДИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Туркий аждодларимизнинг қадимий ёзма ёдгорликлари қайси битикларда нақшланиб қолган?
А) “Қутадғу билиг”да
В) Сополли тенадан топилган кумуш тапгаларда
С) Ўрхун – Эпасой бўйларидан топилган қабр тошларида
Д) Зарафшондаги эски деворларда
Е) “Девону луготит турк”да
2. “Авесто” - бу...
А) Марказий Осиё халқларининг муштарак ёзма ёдгорлигидир
В) Зардуштийларнинг муқаддас китобидир
С) Насронийларнинг муқаддас китобидир
Д) Будда динининг муқаддас китобидир
Е) А ва В
3. “Авесто” қачон ва қаерда битилган деб тахмин қилинади?
А) тахминан 3 минг йил илгари Хоразмда
В) тахминан 5 минг йил илгари Хитойда
С) тахминан 10 минг йил илгари Эронда
Д) тахминан 2 минг йил илгари Афғонистонда
Е) қачон ва қаерда яратилгани маълум эмас
4. “Авесто”да тасвирланган эзгулик худоси...
А) Каюмарс
В) Йима
С) Ахриман
Д) Хурмузд
Е) Митра
5. Ахриман (Ангра Маню) ниманинг рамзи бўлган?
А) Қуёш худоси
В) Ёвузлик худоси
С) Эзгулик худоси
Д) Гўзаллик худоси
Е) Бахт, омад худоси
6. “Авесто”да кишиларга бахт-саодат келтирувчи енгилмас, чексиз кучга эга бўлган паҳлавон образи...
А) Анахита
В) Митра
С) Хурмузд
Д) Ахриман
Е) Йима
7. “Авесто”да Каюмарс қиёфаси қандай тасвирланган?
А) икки елкасида илон ўсиб чиққан шоҳ сифатида
В) икки боши илон сифатида
С) боши одам шаклида, иккинчи қисми хўкиз сифатида
Д) ярми ажларҳо, ярми шер сифатида
Е) ярми тўнғиз, ярми хўкиз

8. “Авесто”да тасвирланган Анахита ким?

- A) эзулик худоси
- B) ёвузлик худоси
- C) бахт маъбудаси
- D) ер, унум, ҳосил худоси
- E) шодлик ва қувноқлик худоси

9. “Кул Тегин битиктоши” ким томонида ва кимнинг тошириғига кўра ёзилган?

- A) Иброҳим Ҳалилуллоҳ тошириғига кўра Тўш юқуқ
- B) Тўшоқуқ-буйруғи билан Билга Қоон ёзган
- C) Билга Қоон буйруғи билан Йўлдиғ Тегин ёзган
- D) Йўлдиғ Тегин буйруғи билан Билга Қоон ёзган
- E) Кул Тегин буйруғи билан Йўлдиғ Тегин ёзган

10. Тўшоқуқ ким бўлган?

- A) Элгарин хоннинг саркардаси ва маслаҳатчиси
- B) Биричи турк ҳоқони
- C) Чингизхоннинг кенжа ўғли
- D) Кул Тегиннинг бош вазири
- E) Бўмин ҳоқоннинг ўғли

11. “Ирқ битиғи” кимларга бағишланган?

- A) Тўшоқуққа
- B) Билга Қоонга
- C) Кул Тегинга
- D) Исиг Сангун ва Ите Чук исмли шогирд болаларга
- E) ҳеч кимга бағишланмаган

12. “Ирқ битиғи” қандай китоб?

- A) тарихий китоб
- B) бадний китоб
- C) мемуар китоб
- D) илмий асар
- E) фол китоби

13. “Қутадғу билиг” қайси ҳукмдорга бағишланган?

- A) Муҳаммад Хўжабекка
- B) Маҳмуд Фазнавийга
- C) Тавғач Бўғрохонга
- D) Қорахонийга
- E) Билга Қоонга

14. “Қутадғу билиг”да АДО-ЛАТ рамзи...

- A) Қунтуғди
- B) Ойғўлди
- C) Ўғдулмуш
- D) Ўзгурмуш
- E) Кўсамин

15. “Қутадғу билиг”да шоир олимларни кимларга ўхшатади?

- A) маънавий кўтариб борувчиларга
- B) чўноқларга
- C) қуёшга
- D) пайгамбарларга
- E) А ва В

16. “Қутадғу билиг” неча фасл (боб)дан иборат?

- A) 73 фасл
- B) 65 фасл
- C) 72 фасл
- D) 46 фасл
- E) 75 фасл

17. Дод Синаҳсоллорга бағишланган асар қайси жавобда берилган?
 А) “Шоҳнома”
 В) “Қутадғу билиг”
 С) “Муҳаббатнома”
 Д) “Ҳибат-ул ҳақойиқ”
 Е) “Ҳамса”
18. А. Яссавий ҳикматларининг бош ғоялари...
 А) ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик
 В) нафси жиловлаш ва халқпарварлик, дўстлик
 С) адолат ва инсоф
 Д) нафси жиловлаш ва етим, ғарибларга мурувват
 Е) дўстлик ва меҳнатсеварлик
19. Онадан кўр туғилган ва қалби кўзи очиклардан кўра равшанроқ кўрган шоир ким?
 А) Юсуф Хос Ҳожиб
 В) Аҳмад Юғнакий
 С) Аҳмад Яссавий
 Д) Мужрим Обид
 Е) Носириддин Рабғузӣ
20. “Қисаси Рабғузӣ” асарига манба бўлган китоб...
 А) “Қуръони Карим”
 В) Ҳадислар
 С) “Таврот”
 Д) “Инжил”
 Е) “Авесто”
21. “Қисаси Рабғузӣ”да асосан кимлар ҳақида сўз кетади?
 А) меҳнаткаш халқ
 В) шоҳлар ва вазирлар
 С) олимлар
 Д) пайғамбарлар
 Е) инсу жинс, дев, парилар
22. “Қисаси Рабғузӣ”га кўра Сулаймон пайғамбар Аллоҳдан сўраган нарсалар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
 А) қайнар хумча, очил дастурхон, шамол, тахт, узук
 В) бойлик, ел, тахт, учар қушлар, узук, девлар
 С) бойлик, ел, ер, олтин тахт, тилла узук, фарийталар
 Д) боқий умр, ҳайвонлар, соя, узук умр, тахт, ел
 Е) бойлик, ел, тахт, соя, узук, дев, париларнинг бўйсундирилиши
23. “Қисаси Рабғузӣ”да Нух пайғамбар дунёда энг ширин эг ниманики эканлигини билдиб келиш учун нимани жўнатади?
 А) қалдирғоч
 В) илон
 С) қаптар
 Д) ари
 Е) дев
24. “Қисаси Рабғузӣ”даги энг оқил, доно ҳайвон...
 А) ари
 В) самдун
 С) қалдирғоч
 Д) чумоли
 Е) дев
25. “Муҳаббатнома” асари кимга бағишланган?

- A) Дод Синаҳсолорга
- B) Ҳусайн Бойқарога
- C) Маҳмуд Ғазнавийга
- D) Қорахонийга
- E) Муҳаммад Ҳужабекка

26. “Муҳаббатнома” таъсирида ёзилган асарларни кўрсатинг.

- A) “Бобурнома”, “Латофатнома”, “Саёҳатнома”
- B) “Зафарнома”, “Таашшуқнома”, “Даҳнома”
- C) “Даҳнома”, “Садоқатнома”, “Таашшуқнома”
- D) “Лағофатнома”, “Шайбонийнома”
- E) “Одобнома”, “Панднома”, “Даҳнома”

27. Сайфи Сарой яшаб ижод этган давр қайси ҳукмдор даврига тўғри келади?

- A) Қорахонийлар даврига
- B) Сомонийлар даврига
- C) Тинибек ва Жонибеклар даврига
- D) Шайбонийхон даврига
- E) Темурийлар даврига

28. Сайфи Саройнинг “...кими тўти бикин чайнар дурарни” мисрасида сўз кимлар ҳақида кетяпти?

- A) тухматчилар ҳақида
- B) эзма, лақмалар ҳақида
- C) фирибгар руҳонийлар
- D) адолатсиз шоҳлар
- E) истеъдодсиз шоирлар

29. Сайфи Саройнинг “Суҳайл ва Гулдурсун” достонидаги Суҳайл ва Гулдурсун кимларнинг фарзандлари бўлган?

- A) Тўхтамыш ва Темурнинг
- B) Ғазнавий ва Нўъмон
- C) Навдар ва Нўъмон
- D) Рустам ва Заҳҳок
- E) Темур ва Шоҳруҳ

30. “Жавоҳир-ул наҳв фи луғотит турк” асари кимнинг қаламига мансуб?

- A) А. Замаҳшарий
- B) Маҳмуд Кошғарий
- C) А. Навоий
- D) Наршахий
- E) А. Юғнакий

31. Қадимги туркий аждодларимизнинг мавсум-маросим кўшиқлари қайси манба орқали бизга қадар етиб келган?

- A) Замаҳшарийнинг “Муқаддимат-ул адаб” асари орқали
- B) А. Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асари орқали
- C) Геродотнинг “Тарих” китоби орқали
- D) Полиэннинг “Ҳарбий хийлалар” китоби орқали
- E) М. Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари орқали

32. “Девону луғотит турк”да қанча туркий сўзнинг арабча изоҳи берилган?

- A) 3000 га яқин
- B) 6000 га яқин
- C) 50000 га яқин

- D) 30000 га яқин
- E) 20000 га яқин

33. “Девону луготит турк” да келтирилган шеъринг парчаларининг тахминий сони...

- A) 6 мингта
- B) 3 мингта
- C) 5 мингта
- D) 300 та
- E) 133 та

34. “Ўқ яраси битар, тил яраси битмас” мақоли қайси асарда қўлланилган?

- A) “Қутадғу билиг”
- B) “Ҳибат-ул ҳақойиқ”
- C) “Насойим-ул муҳаббат”
- D) “Девони ҳикмат”
- E) “Шоҳнома”

35. Ўткинчи, бебақо дунё “Қутадғу билиг” да нимага ўхшатишган?

- A) қарвонсаройга
- B) оқар сувга
- C) рабобга

- D) чархпалакка
- E) қаландархонага

36. Хайёмдан кейин форсийда рубоий ёзишда машҳур бўлган шоир ким?

- A) Лутфий
- B) Паҳлавон Маҳмуд
- C) Атоий
- D) Хоразмий
- E) Сайфи Сароий

37. Ушбу шеър жанри ва муаллифини аниқланг.

Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Ёки дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ.

Ёшқи бир аср зиқдонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан миғ бор яхшироқ.

- A) Лутфий, туюқ
- B) Сайфи Сароий, рубоий
- C) Атоий, мураббаъ
- D) Хоразмий, дostonдан парча
- E) Паҳлавон Маҳмуд, рубоий

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҲАЁТ ВА ИЖОД ЙЎЛИ

1441 йил 9 феврал Ҳиротнинг Боғи Давлатхона мавзёида темурийлар авлодидан бўлган Ғиёсиддин (лақаби Ғиёсиддин Кичкина, Кичкина баҳодир ҳам бўлган) оиласида таваллуд топди. Тўрт ёшида саводи чиқиб, мактабга борди ва шеърятга ишқ боғлади. Фаридулдин Алторнинг “Мантиқ-ут Тайр”, Саъдий Шерозийнинг “Тулстон” ва “Бўстон” асарларини осиб мутолаа қилди. Алишернинг шеърятга муҳаббат боғлашида унинг шоир тоғалари Мир Сайид Кобулӣй ва Муҳаммад Ғарибийларнинг таъсири катта бўлган.

1447 йил Шохруҳ мирзо вафот этиб, тоғ-тахт учун темурий шахзодалар ўртасида кураш кучайиб кетади, юрт нотинч бўлиб қолганлиги туфайли, Алишерлар оиласи Тафт шаҳрига кўчиб кетади.

1452 йил Алишерлар оиласи Ҳиротга қайтиб келади. Алишер шох Абулқосим Бобур саройида хизмат қила бошлайди.

1453 йил Отасидан жудо бўлади. Абулқосим Бобур уни ўз тарбиясига олади ва уни ўзи билан Манҳадга олиб кетади. Бу ерда Алишер Мавлоно Лутфий ва Камол Турбатийлар билан танишади.

1457 йил Абулқосим Бобур вафот этади. Тахтга Абусаид мирзо ўтиради. Манҳадда бирор-бир меҳрибонисиз қолган Алишер мадраса хонақолиларида “ғариб ва хаста” кун кечира бошлайди.

1464 йил Алишер Ҳиротга қайтади. Дастлабки кунлардаёқ Абдураҳмон Жомий билан танишади. Алишер Абусаидга қарши тахт учун кураш олиб бораётган Ҳусайн Байқаронинг мактабдош дўсти бўлганлиги, тоғалари Ҳас Абусаидга қарши бош кўтарган қўз олоний қўллаб-қувватлаганлиги туфайли шох Алишерга кек сақлаши табиий эди, албатта, шу боис у Алишернинг ота-онасидан қолган меросини мусодара қилиб, Самарқандга кетишига сабабчи бўлади. У Самарқандда Хожа Фазилulloҳ Абулайсдан сабоқ олади, Қутб Самарқандий, Улои Шоший каби шоирлар билан танишади. Самарқанд ҳокими, шоир Аҳмад Ҳожибек унга ҳомийлик қилади.

1469 йил Абусаид Мирзо Ғарбий Эронга юриш чоғида ўлдирилади. Ҳирот остонасига яқин турган Ҳусайн Бойқаро тахтни осонликча эгаллаб олади. Алишерни Ҳиротга чақиртириб, муҳрдорлик вазифасига тайинлайди. Кейинчалик (1472 й) бош вазир лавозимига кўтарали, унга “Амири кабир” (Улуғ амир) унвонини беради. Вазирлик чоғида А. Навоий “Ихлосия” мадрасаси, “Халосия” хонақоҳи, “Шифоия” табобатхонаси, Жомеъ масжиди, “Дорул-хуффоз” (қироат-хоналар) ва бошқа ўнлаб бинолар қурдиради, ҳар йили 2 мингга яқин бева-бечорага кийим-кечак, озиқ-овқат улашади.

1476 йил Вазирликдан истеъфога чиқиб ҳақида шоҳдан қатъий илтимос қилади. Унинг бирдан-бир орзуси Ҳаж сафарига бориш ва тамоман ижод билан шуғулланиш эди. Султон унинг илтимосини поилож қондиради.

1487 йил Ҳусайн Бойқаро қистови билан Астрободга ҳоким қилиб тайинланади. 1488 йилда шоҳга қайта-қайта илтимос қилиб, яна Ҳиротга қайтади.

1500 йил Йилнинг охирларида Ҳусайн Бойқаро Астрободда бош кўтарган ўғли Бадиуззамонга қарши қўшин тортади. Бироқ уруш ярашишга айланади. Бу хушхабарни эшитган Навоий шоҳни ҳурсандчилик билан кутиб олиш учун йўлга чиқади ва йўлда ҳолдан кетиб йиқилади. Уни тахтиравонда Ҳиротга олиб келадилар. Шоир бир неча кун бетоб ётиб, 1501 йилнинг 3 январида оламдан кўз юмади.

ЛИРИК АСАРЛАРИ

1. “Бадоеъ-ул бидоя” (Бадииятнинг бошланиши) 1470-1476 йилларда шоирнинг ўзи томонидан тартиб берилган биринчи девони бўлиб, у 842 шеърдан иборат.

2. “Наводир-ун ниҳоя” (Нодирликларнинг охири) 1476 - 1483 йилларда тартиб берилган иккинчи девон ҳисобланади.

“ҲАЗОЙИН – УЛ МАОНИЙ” (“Маънолар хазинаси”)

1491 - 11498 йилларда тартиб берилган бу куллиёт ўзичига тўртта туркий девонни олади (шу боис халқ орасида “Чор девон” деб ҳам аталади). Инсон умри тўрт фаслга бўлинганидек, “Ҳазойин-ул маоний” ҳам тўрт девондан тузилди ва ҳар бирига алоҳида ном қўйилди:

1. “Фаройиб-ус сигар” (“Бодалик фаройиботлари”) 7-8 ёшдан 20 ёшгача.

2. “Наводир-ун шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”) 20 ёшдан 35 ёшгача.

3. “Бадоеъ – ул васат” (“Ўрта ёшлик бадииятлари”) 35 ёшдан 45 ёшгача.

4. “Фавойид-ул кибар” (“Кексалик фойдаликлари”) 45 ёшдан 60 ёшгача.

Куллиётта шоирнинг 16 жанрда ёзган шеърлари киритилган. А. Навоий лирикасининг етакчи мавзулари қуйидагилардан иборат:

а) ҳаёт ва комил инсонни улуглаш;

б) илоҳий ва заминий ишқ васфи;

в) юксак инсоний фазилатлар: одамийлик, меҳр-муруват, камтарлик, ростгўйлик, покдилликни таранум этиш;

г) тескари замонадан шикоят.

4. “Девони Фоний” Форсий тилдаги 12 минг мисрадан иборат шеърларни ўз ичига олган бу девон фотонусхасини профессор Ҳамид Сулаймон Париж Миллий кутубхонасидан келтириб, уни чоғга тайёрлади. Ундаги шеърларнинг аксарияти Ҳофиз Шерозийга татаббу (эрганиши) тарзида яратилган.

ЛИРО - ЭНИК АСАРЛАРИ “Хамса”

Туркий тилдаги бу буюк асар 1483-1485 йиллар орасида яратилди. Хамсанавислик аслида бир анъана бўлиб, у гўё ижодий мусобақа эди. Низомий Ганжавий (1141-1209), Хусрав Деҳлавий (1253-1325), Абдурахмон Жомийлар (1414-1492) хамсанависликда ўз кучларини синаб кўрганлар. Бундан ташқари Мавлоно Котибий, Али Оҳий ва бошқалар ҳам «Хамса» ёзишга уришиб кўрганлар, бироқ ёзиб тугатолмаганлар.

Алишер Навоий “Хамса”си 51 минг мисрадан иборат бўлиб, ўз ичига беш дostonни олади:

“ҲАЙРАТ-УЛ АБРОР” (“Яхшиларнинг ҳайратланиши”)

Ахлоқий-дидактик дoston бўлиб, ўзига хос композицияга эга. У 64 боб, 20 мақолатдан иборат. Ҳар бир бобда шоир алоҳида мавзу устида ҳукм юритади. Уларда одил шоҳ, қарам ва саховат, ростгўйлик ва тўғрилик, илм-маърифат, инсондўстлик ва ватанпарварлик каби ҳаётий масалалар ёритилади.

А. Навоий ҳар бир мавзу устида ҳукм юритадиган экан, ўз фикрини кичик ибратли ҳикоятлар билан хулосалайди. Одил шоҳ ҳақида сўз юритган шоир “Шоҳ қаҳри ва адолат ҳикояти”ни мисол қилиб келтиради:

Қушларнинг бирида шоҳ Ҳозий (Ҳусайн Бойқаро) айланиш учун чиқ-қанида бир девона кампир унинг этагидан ушлаб полая афғон чекади ва шариат бўйича у билан бир масалада даъволашмоқчи эканини айтади. Адолатли шоҳ уни қози олди ва бошлаб келади. “Менинг биринча жигарим, қуриган шохимнинг биргина меваси бор эди, мапа шу шоҳ ўз

тиги билан житарим қонини ерга оқизди”, — дейди камшир. Қози камширдан иккита гувоҳ келтиришни сўрайди. Камшир: “Агар икки гувоҳ керак бўлса булар шохнинг адолати ва инсофидир”, — дейди. Пок ниётли шох айбига иқрор бўлади. Шох қийиқ билан бўйинини боғлаб ва ҳамёнининг оғзини очиб: “Қасос оламан десанг, мана бошим, мақсаднинг олтин бўлса, мана олтин, ўглингни ўлдириб ҳақида буйруқ берганимда, иложим йўқ эди, нима қилсанг қил, ихтиёр сенда”, — дейди.

Камшир шох адолати олдида қўнғили юмшаб, ҳатто хижолат бўлиб, шохнинг жонидан ҳам, унинг олтинларидан ҳам воз кечади. Бироқ шох уни бой қилиб юборади. Камшир эл орасида “золи зар” (тилла камшир) деган ном олади.

Вафо ва садоқат бобида А. Навоий ибратни бир ҳикоятни келтиради: Амир Темур иқлимларни фатҳ этингга киришганда, Ҳиндистонда қаттиқ жанг бўлади. Душманларнинг ҳаммаси динсиз бўлигани учун ёшқасига қатл этилиб, қонлар дарё бўлиб оқали. Шу пайт икки севишганлар қотилларга дуч келади. Шох навқари уларни чопмоқчи бўлганида, уларнинг бири, аввал мени ўлдир, дея жаллодга бошини тутади. Навқар унинг бошини олмоқчи бўлганда, бошқаси, йўқ, аввал менинг бошимни ол, то мени ўлдиргунигча шеригим өзгина яшаб олсин, деб тавалло қилади. Жаллод қайси бирини ўлдирмоқчи бўлмасин, икки ёр ўша илтижо билан унинг оёғига йиқилар, бир-бирига ўз жонини фидо этарди. Орадан бир оз вақт ўтиб, омон-омон бўлгани ҳақида хабар келади. Бу икки ёр бир-бири учун жонини кечган экан, шох ҳам халқнинг гуноҳидан кечган эди. Шу тариқа вафодорлик фақат икки ёрни эмас, бутун элни ўлимдан сақлаб қолади.

А. Навоий ростгўйлик ва тўғрилиқ ҳақидаги мақолотда “Шер билан Дурроғ”, илмнинг афзаллиги ҳақидаги мақолотда “Имом Фаҳр-ар Розий ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳий”, саховат ҳақидаги мақолотга эса “Ҳотами Тоий ҳикояти”ни келтиради.

“ФАРҲОД ВА ШИРИН”

“Фарҳод ва Ширин” иккинчи - қаҳрамонлик достонидир. А. Навоий бу достонни “Меҳнатнома” деб ҳам атайди. Шоир шаҳзода Фарҳоднинг покиза муҳаббати, садоқати ва яратувчилик кудрати, инсондўстлигини улуғлаш орқали уни ўз замонасидаги темурий шаҳзодаларга ибрат қилиб кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Достоннинг қисқача мазмўни қуйидагича:

Чин мамлакатининг довуғи оламни тутган ҳоқони бор эди. Мол

дунёси, лашкарининг сон-саногн бўлмагани, тожини дур безаб тургани билан фарзандсизликдан кўп алам чекарди. Мақсадига етиш учун у кўп нарсалар қилди, фарзандсизларнинг кўнглини олди, отасизларга оталик қилди. Илтижолари охири Худобага етиб, унинг оиласида ўғил туғилди. Бутун Чин мамлақати деворлари қимматбаҳо, нақшинкор матолар, гиламлар билан безатилиб, юртда катта тўй бошланиб кетди. Шоҳ халқнинг уч йиллик хирожидан воз кечди.

Фарҳод онадан ишқ билан туғилди. Унинг исми ҳам ишқ осмонидан тушган эди.

Фироқу рашқу ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.

“Фироқ” сўзидан “Ф” ҳарфини, “рашқ” сўзидан “Р”, “ҳажр”дан “Х”, “оҳ”дан “О”, “дард”дан “Д” ҳарфларини олишиб, исмини Фарҳод қўйдилар.

Фарҳод гарчи чумолидан ҳам кам сут ичса-да, арслон боласидек тез ўса бошлади. Уч ёшга тўлган Фарҳодни муаллим кўлига топширдилар. У уч ойда саводини чиқарди, “Қуръон”ни бошдан оёқ ёд олди, ўн ёшида дунёдаги бор илмларни ўрганди. Бироқ эндигина ўйнаб куладиган найгада неғадир гамгин, тушқун бўлиб қолди. Ишқ ҳақида бирор сўз кетса, ёки кўшиқ куйланса, унинг кўзидан дув-дув ёш келарди. Хон булдан қаттиқ ташвишга тушди. Ўғлининг кўнглини олиш учун турли томошалар, базмлар уюштирди, лекин фойдаси бўлмади. Охири Фарҳоднинг тарбиячи устоди Мулкоро билан маслаҳатлашиб, йилнинг тўрт фаслига мослаб, тўрт қаср қурдиришга қарор қилди.

Юртдаги мана-ман деган муҳандислар, усталарни чақирди. Улар орасида эгизак ака-укалар – меъмор Боний, наққош Моний, шунингдек, тош йўнувчи Қоран ҳам бор эди. Тўрт қаср қурилаётгани ҳақидаги хабар дунёга кетди. Бир куни Фарҳод отига миниб қурилиш бошига келди, усталарнинг исмини кўриб, ҳайратга тушди. Кўп ўтмай уларнинг хунарини ўрганишга киришди. Қорандан тош йўнишни, Бонийдан меъморчиликни, Монийдан наққошликни шуңчалик тез ўрганиб олдики, устозлари унга қойил қолишди.

Тўрт йил ўтиб, қаср қуриб битказилди. Ҳоқон мулозимлари ва Фарҳод билан уни кўргани келдилар, усталарга ҳалдан зиёд инъомлар берилиб, бир йиллик базм қуриш ҳаракати бошланди. Ҳар бир қасрда уч ойдан базм қурилди. Бироқ Фарҳод ўша-ўша гамгин қолаверди. Ҳоқоннинг яна боши қотди, охири уни ўз тахтига ўтқизиш фикрига келди, бутун мулозимларини тўшлаб, ўғлини ёнига ўтқизди, ёши олтинча яқинлашиб

қолганини айтиб, ундан шоҳликни қабул қилишини сўради. Фарҳод отасининг бу гапига жуда одоб билан асосли равишда рад жавобини берди, ўзини бир гиёҳга, отасини катта сарв дарахтига, ўзини бир дўнгликка, отасини Элбрус тоғига қиёслади, аввал давлатни бошқаришни ўрганиб олиш учун кичикроқ вазифа тайин этилишини сўради.

Ўзелининг бу оқилона жавобларидан боши кўкка етган ҳоқон унинг бошидан дуру гавҳарлар сочиш учун уни хазинасига олиб кирди. Фарҳод хазинадаги сон-саноксиз бойликни кўриб, ҳайратга тушди, унинг диққатини тил-тиник биллурдан ясалган гаройиб сандиқ ўзига тортди. Сандиқ безакдор қулф билан қулфлаб қўйилган эди. Фарҳод отасидан унинг қандай сирни борлигини, калити қаердалигини сўради. Отаси бу сандиқ сирини ҳеч ким билмаслиги, калити йўқлигини қанчалик уқтирмасин, Фарҳод сўзида туриб олди. Ноилож калитни келтириб, сандиқни очдилар. Унинг ичидан қуёш янглиг бир кўзгу чиқди. Бу кўзгун Искандари Румий (Александр Македонский) тўрт юз олимга ясаптирган эди. Кўзгу орқасига бир неча махфий сирлар ёзиб қўйилган эди. Унда айтилишича, агар ким у ойшад яширин сирни очинга интилиб, ниятига ета олса, у кўзгуга боққанида, ўз келажагини кўриши мумкин. Бунинг учун аввал жуда кўп машаққат чекиши, Юнонистондаги бир тоққа бориши керак. Тоққа етганида ўша йўлда уч манзил бор. Биринчисида ажлаҳо учрайди, иккинчисида Аҳраман деган дев, учинчи манзилда эса яна ҳам ажойиброқ бир тилсим бор. Шулардан омон-эсон ўтгандагина тўртинчи манзил – ўша тоғ келади. Тоғда эса гор бор, гор ичида Сукрот деган донишманд яшайди. Агар у тирик бўлса, фақат угина Оинаи Искандарий тилсимини очиб йўлларини айтади, борди-ю, оламдан ўтган бўлса, унинг руҳига илтижо қилинса, ниятига етиши мумкин.

Фарҳод бу ёзувни ўқиб, ўзини унутди, девона бўлиб қолаёзди, охири Мулкорони чақириб, ундан отасига тушунтириб, Юнон сафарига ижозат олиб беришини сўради. Мулкоро ҳоқонга Фарҳоднинг бу дардини айтганида, хон кўксига уриб, ёқаларини чок-чок йиртиб, йиғлади, аввал бир насиҳат қилиб кўрайлик, кўнмаса, на илож, деди. Аммо Фарҳод ўз фикридан қайтмади. Ҳоқон бутун Чин мамлакатидан қўшин тўшлаб, ўгли билан бирга Юнон ўлкасига йўл олди. Бир неча ойдан сўнг улар Юнонистонга етдилар. Юноннинг талай олимлари ҳоқон олдига келдилар. Ҳоқон бу юртга босқинчилик учун эмас, Сукротни излаб келганини тушунтирди. Юнон ҳақимлари Сукрот яшаётган тоғ йўлини фақат ёпи беш юзларга бориб қолган Суҳайло деган бир олим биллишини айтдилар, кейин шаҳзодани ўша гор сари бошладилар. Улардан бири илгарироқ бориб, Суҳайлони келаётган меҳмонлардан хабардор қилди. Ота-ўғил Суҳайло олдига кирдилар. Суҳайло уларни шодон кутиб олди. Ҳоқон бу ерга кели-

ши сабабларини айтгач, Суҳайло шахзодалан: “Отинг Фарҳодми?” — деб сўради. “Ҳа” жавобини олгач, туриб Фарҳоднинг пешонасидан ўнди, сўнг бу тилсимни очиб йўлида унга икки манзил учраши, уларда аждаҳо билан Аҳраман деган дев кўп балола ёғдиришини айтиб, унга ёрдам беражагини, буни унга Жомосб деган улуг ҳаким башорат қилиб қолдирганини маълум қилди. Гўё ўша Жомосб башоратида айтилишича, Фарҳод аждаҳони ўлдирганидан кейин, катта бир хазинани, девни йўқотгач эса, Сулаймон пайгамбарнинг сеҳрли узугини қўлга киритади. Учинчи манзилда тилсимни очганидан кейин Жамшид жомини олади. Фарҳод бу бойликларни отасига топшириши керак, чунки унга Суқрот ҳакимга етгани-ю, Оинаи Исқандарийга эришганининг ўзи етарли. Суқротдан бу сирини билиб олганидан сўнг, Чинга бориб, ўша кўзгуга назар ташласа, унда ўз келажагини кўради.

Шундан сўнг Суҳайло бир идишда Фарҳодга ёғ берди. Бу Самандар деган ўтдан пайдо бўлган, ўт ичида куймай яшайдиган жониворнинг ёғи эди. Суҳайло бу ёғни кўп азоблар билан йиққанини, уни баданига суртиб олса, аждаҳо сочган олов унга таъсир қилмаслигини айтди. Кейин Фарҳодга девни ўлдиргандан сўнг унинг бўйнидаги кумуш тахтачада учинчи манзилдаги тилсимни очиб йўли айтилгани, тилсимни очиб, Жамшид жомини топишини, жом атрофидаги ёзувларни ўқиса, ўша жом ичида Суқрот ҳаким дейдор кўрсатишини ва Оинаи Исқандар тилсимини ўргатиши мумкинлигини уқтиргач, Суҳайло Фарҳодга оқ йўл тилаб, жон таслим этди. Уни ҳурмат билан тупроққа қўйдилар.

Фарҳод аждаҳо манзилига бориб, кураш билан уни ўлдирди ва горга кирди, у ерда тош устидаги бир тахтада Афрйдун ганжини топиш йўли билинди. Фарҳод шу йўл билан бориб, катта хазина устидан чиқди. Хазинахонанинг тўрида бир айвон бўлиб, бу ердаги тахта устида қилич ва қалқон турган экан. Қалқонда шундай сўзлар битилган эди: “Агар қимки бу қилич ва қалқонга эришса, бирини осиб, бирини белига боғлаб олсин, қалқон куббасида бир исм ёзилган, бу исмининг хосияти шундаки, уни ёпинган киши олдида не-не макрга эга бўлган девлар ҳам маҳв бўлади. Қиличда ҳам шундай исм ёзилганки, унинг хосияти билан бу тиг бир уришганда, шайтон ҳам, Аҳраман дев ҳам иккига бўлиниб кетади.”

Қалқонни осиб, қилични белига боғлаб, Фарҳод Аҳраман дев манзилига от солди. Дев қаттиқ ҳужумлар қилди, бироқ йиғитни сеҳрли қалқон ҳамоя қилди. Қалқон куббасига ёзилган исм Аҳраманнинг кучини олиб қўйди. У осмондан ерга қулаб тушди ва тоғдан думалаб тушган тошлар орасида қолиб кетди.

Фарҳод отини дев яшаётган қаср олдига боғлаб, ичкарига кирди. Муҳташам қаср эшикларининг ҳаммасига қулфлар осилган эди. Фар-

ҳоднинг кўзи жавоҳирлар билан безатилган бир эшикка тушди. Унга: “Бу эшикни очиб жуда қийин, яхшиси, уни очилдан қўрққан афзал” деб ёзиб қўйилган эди. Фарҳод эшикни синдириб уйга кириб кўрса, уйда бир қандил осилган, у хонани куёшдек ёришиб турарди. Уша қандилни тушириб, ичидан Сулаймон узугини топди. Қандилда шундай ёзув бор эди: “Кимки узукка эга бўлса, унда ёзилган исми ўқиб, Искандари Румий тилсимини очадир”.

Фарҳод қасрдан чиқиб, ҳоқон билан қолган одамлар олдига борди. Отаси ва Мулқорога Ахраман қасридаги бойликларни топширди ва узук воқеасини айтиб берди. Улар йўлга равона бўлдилар, олдиларидан ажойиб бир ўшмоқ чиқди, ўртасида бир тишиқ чашма бор эди. Чашма бўйидаги бир дарахт эса худди Хизр пайгамбардек эди. Фарҳод отини дарахтга боғлаб, чашмага тушиб покланди, ғамларни юргандек бўлди, кейин сажда учун ерга бош қўйди. Бошини кўтарса, қаршисида ям-яшил кийимдаги нуруний бир чол турибди. Бу Хизр пайгамбар эди. Хизр унга: “Шу ердан санаб, ўн икки минг қадам юрасан, лекин ҳар қадамда пушаймонлик ҳам бор, чунки сўқ-моқда ўткир-ўткир тошлар оёқни кесиб юборади, чидам билан ўн бир минг қадам юргандан сўнг катта тошдан бўлган бир туйнук чиқади. Олдида темир занжир билан боғланган бир шер бор. Агар ундан бахтинг чоғиб, ўтсанг, қўрғон эшигига яна минг қадам қолади. Тўққиз юз қадам ташлагандан сўнг, бир тош тахтага дуч келасан, унинг устига чиқиб қаттиқ бир тепсанг, қалъанинг дарвозаси очилади. Қалъада одамга ўхшаган бир темир жусса ҳайкалдек турибди. Қўлида темир камон. У камонига ҳар қандай қалқонни ҳам тешиб ўтадиган ўқ қалаб олган. Бошдан-оёқ темир совутга ўралиб олган ўша жусса кўкесида бир ойина бор. Агар юз қадам жойдан туриб, ойинани ўқ билан нишонга олсанг, жусса йиқилади, нишонга ололмасанг, унинг қўлидаги камонлардан сенга қараб ўқлар ёғилади. Шунинг учун сен ўша исми аъзамни қанда қилмай такрорлаб боравер. Шер ҳамла қилгудек бўлса, Сулаймон узугини унинг оғзига от, шу билан унинг иши тугайди. Кейин узукни олиб, ўша мен айтган тош томонга юр, ўқ отаётганда, исми такрорлашни унутма.”

Фарҳод бу тошшириқларни Хизр айтганидек амалга оширди. Искандар етти иқлимдан тўплаган бойлигини шу қалъага беркитган экан. Қалъа марказида ҳар тарафга нур сочиб, ял-ял ёниб турган бир иморат кўринди. Фарҳод унга кириб, унинг тоғидаги жомни кўрди. Сўнг от суриб, ҳоқон олдига борди. Одамларни булоқ олдида қолдириб, ҳоқон ва Мулқорони қалъага бошлаб келди, бойликларни уларга топширди. Шундан кейин ота-бола икки минг тача одамлари билан Сукрот гори жойлашган тоғ сари йўл олдилар. Бу шундай булоқ гор эдики, унинг на охири бор, на боши. Фарҳод Сукрот яшаётган горни топди. Ичкаридан “киринг”

деган овоз келди. Қарасалар, тўрида нур таратиб бир киши ўтирибди. Бу Сукрот эди. У ҳам Сухайло каби Фарҳодни узоқ йиллар кутган эди. Сукрот Фарҳодга бир неча дуоларни ўргатди. Сўнг Фарҳод олдида жон берди. Улар Сукротни катта ҳурмат билан дафн этдилар, сўнг яна Чинга қайтдилар. Фарҳод хазина сари югурди. Кўзгуни олиб, унга боққанида кўм-кўк майсалару қин-қизил тулларга бурканган бир даштни кўрди. Дашт четида баланд тоғ. Тоғ ўртасида гуж-гуж одам. Уртада худди ўзига ўхшаш йигит ариқ қазини билан банд. Шу пайт бир гуруҳ отлик қизлар пайдо бўлди. Улар орасида юзи қуёшдай ёруғ моҳнайкар ҳам бор эди. Фарҳод унга боқди-ю, ўқ еган оҳудай нола чекиб ҳушидан кетди. Ўзига келгач, қиз ҳаёли билан тамоман банд бўлиб қолди.

Фарҳод дардини қанчалик яширмасин, унинг аҳволи ёмонлашиб бораётганини ота-онаси сезиб турардилар. Табиблар унинг тузалиши учун денгизга чиқиб бир неча кун ҳаво алмаштириши кераклигини айтдилар. Бу фикр ҳоқонга ҳам маъқул тушди. Уч юз элик кема ва қайиқлар билан йўлга тушдилар. Икки кеча-кундуз юрилгач, кучли тўфон туриб, Фарҳод минган қайиқни улоқтириб юборди, ҳоқоннинг кемасини эса Чин қирғоғига келтириб ташлади. Фарҳод бўлак-бўлак бўлиб кетган қайиқ тахта-сига ёпишиб, жон сақлади. Уни Яман мамлакатига кетаётган савдогарлар кемаси кутқазиб қолди. Уларнинг парвариши билан Фарҳод анча ўзига келди. Бир пайт денгизда қароқчилар қайиқлари кўриниб қолди. Улар яқинлашиб нефт солинган шишаларни отмоқчи бўлдилар. Фарҳод камон отиб, шишаларни қароқчилар қайиғининг ўзидаёқ ёндириб юборди. Савдогарлар ундан ҳурсанд бўлишиб, қирғоқда катта базм қурдилар. Улар орасида уста рассом Шопур ҳам бор эди. У Фарҳод билан қалин дўстлашиб қолди. Фарҳод унга юрағидаги ишқ дардини айта туриб, ҳушидан кетди. Шопур унинг бошини кўксига олиб, хушига келтирди ва унга: “Сен интилан хазинанинг қалити менда. Сен тушингда кўрган жой Арман диёри”. — деди. Фарҳод ишонмаётганини сезич, қоғоз ва қаламини чиқариб, у сўзлаган манзарани чизиб кўрсатди.

Фарҳод ва Шопур Арман диёри томон йўл олдилар. Бир кун Фарҳод уйқудан кўзини очса, ўша Шопур чизган ўлкага келиб қолибдилар. Тоғда икки юлтача одам тош йўниги билан овора. Улар уч йил машаққат чекиб, бор йўли икки-уч юз қалам ҳам қаза олмабдилар. Ишбоши эса уларга зугум қилмоқда. Фарҳод бу гамгин кишилар олдига бориб улардан ҳол-аҳвол сўради. У халқ чекаётган азобни кўриб ёрдам беришга соғди, улардан ўзига катта теша ясади. Фарҳод катта тошларни худди қумни қазигандек олиб ота бошлади. Одамлар буни кўриб лол қолдилар. Ишбошилар Меҳинбонунинг олдига югурдилар. Меҳинбону шу ўлка-

нинг маликаси, Ширин эса унинг жияни экан. Меҳинбону Шириннинг хонасига кириб, ишбончилар келтирган мўъжизавий хабарни етказди. Ширин тўрт юз капираги ва Меҳинбону билан бирга Гулгул лақабли отига миниб, Фарҳод ариқ казиётган тоққа етиб борди ва унинг иштини кўриб ҳайратда қолди. Фарҳод одамлар уч йилда эштолмаган ишни бир кунда қилган эди. Ширин Фарҳод бошига жавоҳирлар сочди. Фарҳод Шириннинг товушини эшитиб шундай оҳ урдик, шамол туриб Шириннинг пиқобини очиб юборди. Фарҳод бу қиз ўша кўзгуда кўрган пари эканини билди ва ўтли фиғон чекиб, ҳушидан кетди. Шоҳур уни ўлди деб ўйлаб, йиғлаб бошига келди.

Фарҳодни шоҳона кажавага солиб саройга олиб бордилар ва тахт узра ётқиздилар. Фарҳод шу аҳволда икки кеча-кундуз ётди, сўнг ҳушига келиб, кўрдик, тахт узра ётибди. Секин ўрнидан туриб, тоғ сари йўл олди ва завқ билан ишга киришиб кетди. Ширин тез фурсатда ариқ бошига қаср қурдирмоқчи бўлган ерга етди. Фарҳод улкан қоятошни йўниб, унга ишлов бериб ажойиб қаср бунёд этди. Қаср деворларига Шириннинг, атрофига эса қизларнинг расмини солди, бир четига ўзининг беҳуш ётган ҳолатини ҳам аке эттирди.

Ариқ ва ҳовуз очилиб, ариққа “Наҳр-ул ҳаёт”, ҳовузга эса “Баҳр-ун нажот” деб ном бердилар.

Ажам ва Араб ўлкаларида ҳукмронлик қилаётган Хусрав Парвез деган бир шоҳ бор эди. Унинг бир ўгли бўлса-да, шоҳликка ярайдиган эмас эди. Шунинг учун Хусрав бошқасига уйланиб, ўғил кўриш орузида эди. Шириннинг гўзаллиги-ю, Фарҳоднинг унга ошиқлиги овозаси унгача бориб етди. Хусрав вазири Бузург Уммид маслаҳати билан Меҳинбонуга Ширинни сўратиб совчи юборди. Меҳинбону совчиларни яхши зиёфатлар қилиб, ба-ҳоналар билан алдаб жўнатди. Хусрав совчи келтирган гапларга ишонмай, бошқа совчини жўнатди. У ҳам шу жавоб билан қайтди. Шунинг учун Хусрав Арман ўлкасига қўшин тортиди. Фарҳод душман йўлидаги баланд қояга ўтириб олиб, уларга қарата тош ота бошлади. Унинг отган тоши Хусравнинг жез қалпоғи учидати милини учириб кетди. Фарҳод: “Сенин шоҳлигинг мен учун тунроқ билан тенг, яхшилиқча юртинга қайт, аке ҳолда байроғинг у қалпоғинг учини учириб кетган тош қаллаларни ҳам нишонга олиши мумкин, бекорга одам қирилиб кетмасин,” — дея Хусравни огоҳлантирди.

Шоҳ уни куч билан енга олишига кўзи етмай, бир иблис одамни топди, у гулга кишини беҳуш қиладиган дори сениб, Фарҳод олдига борди. Иблис ўзини ошиқ қилиб кўрсатиб, севгилиси шаҳарда қолгани, Хусрав шаҳарни қамал қилиб олгани учун у ерга кира олмаётганини, ҳижрон азобида ўлаётганини айтиб оҳу нодалар қилди. Севги азоби не эканини

билган Фарҳод бу нолани эшитиб, беҳуш йиқилди. Иблис эса югуриб бориб, туши унга искатди. Шопур шу пайт тош устида ухлаб ётган эди. Ёмон тушдан уйғониб кетиб, Фарҳод олдига келса, нохуш воқеа. Дарҳол бир тош билан у аблаҳни ўлдирди. Бироқ Хусравнинг аскарлари келиб Фарҳодни банди қилиб олиб кетдилар. Шопур кўпчиликка қарши курашолмай, ўзини ўлдиргудек ҳолда қолаверди.

Хусрав Фарҳодни жиннилардек заңжирбанд қилдирди. Табиб уни хушига келтирди. Фарҳод хушига келгач, ўзини тахт устида ўтирган шоҳ қаршисида кўрди. Хусрав унинг савлати ва ишқ ўтидан таъсирланиб, ўлдиришни ҳам унутди ва саволга тутди. Фарҳоднинг ўтқир жавобларидан қаҳрланган шоҳ уни дорга осишга амр эди. Бузург Уммид Фарҳодни ҳозирча ўлдирмай, вақтинча зиндонда сақлашни маслаҳат берди. Фарҳодни Салосил деган горга қамаб, беш юзта қоровул қўйдилар.

Горда Фарҳод Суқрот ўрнатган сеҳрли бир исмини айтиб, бари бандларни ечиб ташлади, шунча қоровул турганига қарамай, темир дарвозаларни очиб, бемалол чиқиб кетаверди. Кечалари у тоғу дашт сайрига чиқар, яна қайтиб келиб жойига ётарди, чунки у ўзи туфайли қоровулларнинг Хусравдан озор чекишини истамасди. Қоровуллар Фарҳоднинг бу раҳмдиллигини кўриб, унга ачинишар, қаёққа кетсанг кетавер, не бўлсак биз бўлайлик, дер эдилар. аммо Фарҳод қочиб кетмади. Халқ Фарҳод тўғрисида кўшиқлар тўқиди. Шопур Фарҳоднинг тирик эканини Ширинга етказди ва унинг мактубини олиб Фарҳод олдига шошилди. Шопур Фарҳодни тонг маҳали ҳайвонлар орасидан топди ва Шириннинг мактубини топишди. Фарҳод ҳам Ширинга бир хат ёзди. Хусрав бундан хабар топиб, энди Фарҳоддан бир илож қилиб қутулиш пайига тушади. У Бузург Уммид билан маслаҳатланиб, макру ҳийла ўйлаб топдилар. Қадди икки букилган, юзларини ажин босган бир кампирни Фарҳод олдига жўнатдилар. Фарҳод кампирнинг оёқларига йиқилиб қарши олди. Маккор кампир эса фарёд чекиб: “Меҳинбону билан Хусрав ярашди, Ширини унга беришга рози бўлди, Ширин бундан алам чекиб ўзини ўлдирди, у Фарҳод деган йиғитни севар экан, охирига нафасига ача “Фарҳод” деган исми оғзидан қўймади” дея кўз ёшлар тўқди. Бу совуқ хабар Фарҳоднинг бағрига ханжардек санчилди, ўрндан турмоқчи бўлган, эди, ҳолсизланиб йиқилди, бошларини тошларга уриб йиғлади. У бу ўтқинчи дунёсахро, тоғ, осмон, атрофдаги даррандалару паррандалар билан видолашди, юрти, ога-опасини эслади, Мулкоро, Баҳромни ёдга олди, саломини уларга етказишини илтимос қилиб, боди сабога илтижо қилди, кейин Шириннинг номини тилга олиб, жон таслим қилди. Фарҳоднинг ўлиmidан бутун даррандаю паррандалар қаттиқ мотамга тушиб, ўзларини тирнаб кўз ёш тўқдилар.

Фарҳоднинг ўлими ҳақидаги хабар ҳаммага етди. Хусрав яна Ширинга совчи юборди. Ширин Фарҳод ҳажрида сўлиб борар эди. Табиблар маслаҳати билан уни Фарҳод яратган қасрга кажавада элгаётганларида Хусрав аскарлари уни томоша қилгани чиққан эдилар, улар орасида Хусравнинг ўғли Шеруя ҳам бор эди. У Ширинни кўриб опшиқ бўлиб қолди, бир томондан тахт илинжи, иккинчи томондан Ширин висоли истаги кучлилик қилиб, у отаси Хусравни ўлдирди, сўнг Ширинга оғиз солди. Меҳинбону ихтиёр Шириннинг ўзида эканини айтди.

Шоғур тоққа бориб Фарҳоднинг жасадини топди ва Шириннинг буйруғи билан уни кажавага солиб, қасрга олиб келди. Ширин Фарҳодни ёнига кириб, узоқ чиқмади, уни қоронғу тушгунча кутилди. Дарак бўлмагач, эшикни бузиб, ичкари кирдилар, кўрсалар, опшиқ ва маъшуқа юзларини юзларига босиб, печак улдек чирмашиб ўлиб ётардилар. Уларнинг жисми бу ерда қолган, руҳлари эса фалакда бирлашиб кетган эди. Меҳинбону бу аҳволни кўриб, жон берди.

Ғаму кулфатларда қолган кишилардан қирқтачаси ўша куни бир хил туш кўрдилар. Тушларида гўё жаҳнат тўрида олий бир қаср бор эмиш. Қаср айвонида эса нурдан бир тахт. Унда Фарҳод ва Ширин ўтирган эмиш. Улар олдида Фарҳоднинг ота-онаси ва Меҳинбону ҳам бор эмиш. Фарҳоднинг ота-онаси ўғиллари фиरोқида оламдан ўтиб кетган эдилар. Хитой Чин мамлақати тахтига Фарҳоднинг амакиси ўтирган эди. Фарҳоднинг дўсти Баҳром эса лашкарбоши эди. У хондан руҳсат сўраб, Арман ўлкаси а лашкар тортди ва Шеруяни сўраттирди. Шеруя Фарҳодни ўлдирган мен эмас, отам эди, шунинг учун уни ўзим ўлдирдим, дея жазодан қутулиб қолди. Арман мамлақатига Меҳинбонунинг шохликка лойиқ бир қариндошини кўйди. Шундан сўнг Баҳром ўзи билан келган лашкарбошига жавоб бериб, юрғларига қайтарди ва “Хонга Фарҳоду Баҳром бир-бирларини топди, деб айтишлар”, — дея тайинлади. Ўзи эса Шоғур билан бирга Фарҳод қабрида яшаб қолди.

Достон охирида А. Навоий Султон Хусайн Бойқаро ўғли Абулфаворис Шохғариб Баҳодир малҳига маҳсуе бир боб ажратади, унга кўп насихатлар қилади, гўё унга достон воқеаларидан хулоса чиқар демоқчи бўлади.

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”

“Лайли ва Мажнун” ишқий-фожеий достондир. Унда феодал тузуми даврида инсон туйғулари ва эркининг, покиза муҳаббатнинг оёқ-ости қилиниши, кишилиқ жамиятидаги тенгсизлик қанчалар оғир фожиаларга

олиб келиши икки севишганлар Қайс ва Лайлининг аччиқ қисмати мисолида ёритиб берилган.

Асар воқеалари марказида Баши Омир қабиласи бошлиғининг ўгли Қайс туради. У болаликдан ўз ҳусни ва зеҳни билан тегишқурларидан ажралиб туради, тўрт ёшида мактабга боради, шу ерда у Ҳай қабиласи бошлиғининг, яъни отасига қараганда анча бадавлат кишининг қизи Лайли билан севишиб қолади. Шарқона хислатлар қонига сиңган ошиқлар ўз юрак сирларини пинҳона сақлаб юрадилар. Бироқ ишқ ўти кучайган сари Қайс Лайли васлига интилади, бу йўлда не-не азобларга дуч келади, ишқ туйғусидан маҳрум кишилар унга маломат тошларини отадилар, Мажнун деб калака қиладилар, итларга талатадилар. Қайснинг покдил йиғитлигини яхши билган Лайлининг отаси аввалига унга жуда ачинади, лекин унинг ишқи қизига тушганини билгач, газабини яширолмайди, ўзидан даст кишига қиз беришни ор деб билади. Икки севишганлар фожиаси ана шундан бошланади. Лайли кунлари жазим-зиё тунга айланади (унинг номи ҳам “лайл” - арабча “тун” маъносини билдиради).

Қайс ишқ ўти тафти билан зағжирни эритиб, банддан бўшалади ва чўлу сахрога чиқиб кетади, унинг ишқ дардига муқаддас ҳаж сафари ҳам малҳам бўлолмайди, аксинча Қайс Каъбада ишқдан халос қилишни эмас, балки қалбда ишқ оташининг янада кучлироқ аламини олдиришни сўраб Аллоҳга илтижо қилади. Қайсга ишқ йўлида Навфал, Зайл каби покдил, олижаноб инсонлар дуч келадилар. Бири қизини бериб, уни ўзига ҳам ўғил, ҳам куёв қилиб олмоқчи бўлади, бири икки севишганлар орасида воситачи бўлади.

Қайс ва Лайлини ҳатто ўлим ҳам айиролмайди. Жонсиз келин ва куёвни бир кафанга жойлайдилар.

“САВЪАИ САЙЁР”

1484 йилда тўрт ой ичида ёзиб тугатилган бу ишқий саргузашт достонига А. Навоий халқ орасида кенг тарқалган “Баҳром Гўр” афсонасини асос қилиб олган. Достоннинг бош қаҳрамони Баҳром (арабча Миррих маъносини билдириб, Шарқ адабиётида жанг у жадаллар, фитналар рамзи сифатида тилга олинади) дастлаб адолатли, халқпарвар шох бўлади, юрт фаровонлиги йўлида кўп ишларни амалга оширади. Ов пайтида Чин мамлакатаида расомликда машҳур бўлган Моңий билан танишиб қолади. Моңий унга Дилором исмли гоёт гўзал қизнинг расмини инъом этади. Шох бир йиллик хирожидан эвазига Дилоромни ўз саройига келтиради. Шундан сўнг кайф-сафога берилиб, халқни тамоман унутиб қўяди.

худбин, такаббур бўлиб боради. Унинг худбинлиги шу даражага етиб борадики, кийик овидаги маҳоратини кўриб туриб, таърифламагани, “бу шунчаки машқнинг оқибати, холос”, дегани учун севгилисидилоромни калтаклаб, дапту биёбонга ташлаб кетади. Бироқ ҳуши ўзига келиб, қайтиб келгач, уни тополмайди, ўз қилмишидан руҳий азоблар чекади, кундан-кунга вайдон қийноқлари остида эзилиб, озиб чўп бўлиб боради, бирор табиб унинг дардига малҳам тополмайди. Баҳром кўнглини ёзини учун етти қаср қурдириб, унга етти иқлимдан етти мусофирни тақлиф қилади. Ҳар куни бир қасрда улардан биригадан афсона эшитади. Хоразмлик еттинчи иқлимдан келган мусофирдан ниҳоят Дилоромнинг дарагини эшитади.

Баҳром Дилоромнинг висолига эришганидан сўнг ҳам халқ ва давлат ишларини унутиб, кайф-сафога берилади ва оқибат ов пайтида ботқоқликка ботиб, ҳалок бўлади.

Достоннинг хулосаси шундан иборатки, чинакам ошдиқ фақат ўз маишати, севгилисини эмас, халқни ҳам, юртини ҳам севиши керак.

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ”

“Хамса”нинг сўнги 7215 байтдан иборат бу достони қаҳрамонлик эпосидир. Унда шоирнинг адолатли шоҳ тўғрисидаги илор қарашлари, идеаллари умумлаштирилган, асардаги Искандар бизнинг кўз ўнгимиздаги инсонпарвар, адолатли, фақат халқ манфаатини ўйловчи олижаноб қаҳрамон сифатида гавдаланади. Шоир асарда Искандарнинг туғилишидан бошлаб, ҳаётининг охиригача кечган саргузаштларини баён қилади.

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”

“Лисон-ут тайр” (“Қуш тили”) шоирнинг ҳаёт тажрибаларини умумлаштирувчи, тасаввуфга оид қарашларини ифодаловчи асар бўлиб, у 1499 йилда ёзилган. Асарда Фоний таҳаллуси қўлланилган. Достон шоирни болалик чоғларидаёқ ўзига мафтун этган асар: Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (“Қуш нутқи”) достонига жавобан ёзилган.

АХЛОҚИЙ – ТАЪЛИМИЙ, ФАҲРИЙ АСАРЛАРИ

1. “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнглиларнинг севгани”) 1500 йилда яратилган бўлиб, унда шоир инсон ва жамият ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларини, ахлоқий-таълимий фикрларини хулосалаган. Унда

А. Навоий XV асрдаги ижтимоий табақа ва гуруҳларни таъриф ва тавсиф этади. Бу жиҳатдан асар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Саъдийнинг “Ту-листон”, Жомийнинг “Баҳористон” асарларига ўхшаб кетади.

“Маҳбуб-ул қулуб” 3 қисмдан иборат: 1-қисм халқ аҳволи ва феъл-атвори ҳақида, 2-қисм яхши хулқлар ва ёмон хислатлар ҳақида, 3-қисм яхшиликнинг натижаси ва ёмонликнинг оқибати тўғрисида.

2. “Назм-ул жавоҳир” (“Шеърят жавоҳири”) 1485 йилда ёзилган ва Ҳусайн Бойқарога бағишланган асар бўлиб, унда шоир ахлоқий-таълимий қарашларини баён этган. Бу асар Ҳазрати Алининг “Наср ул-лаолий” асарининг шеърӣ таржимаси бўлиб, ундан 266 та рубоӣӣ ўрин олган.

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ АСАРЛАРИ

1. “Чихил ҳадис” (“Арбаин”). Муҳаммад алайҳис-салом ҳадислари асосида ёзилган.

2. “Сирож-ул муслимин” (“Ислоҳ чироғи”).

3. “Муножотнома”

4. “Насойимул муҳаббат” (“Муҳаббат шабадалари”) А. Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асари таржимаси бўлиб, шоир устозининг асарини фақат таржима қилибгина қолмай, уни тўлдирган ҳам. Шоир унда 750 нафар машҳур шайхлар ҳаётига оид қимматли маълумотлар беради.

5. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайғамбарлар ва ҳақимлар тарихи”) асарда набиӣлар, яъни пайғамбарлар ҳамда донишманд файласуфлар ҳақида маълумот берилиб; уларнинг ҳикматомуз сўзлари келтирилган.

ҚАСИДАЛАРИ

Қасида классик адабиётнинг машҳур жанрларидан бўлиб, у асосан тарихий шахслар (ҳукмдорлар, олим ва шоирлар), муҳим тарихий воқеалар ёки Аллоҳ яратган табиат ва унинг муҳим ҳодисотига бағишланади. Қасида, одатда тантанали руҳда ёзилади.

1. “Ҳилолия” (“Янги чиққан ой”) 1469 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига ўтириши муносабати билан ёзилган.

2. “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар туҳфаси”) Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” ва Абдураҳмон Жомийнинг “Лужжат ул-асрор” қасидаларига жавоб тарзида форсий тилда битилган.

3. “Айн ул-хаёт” (“Хаёт чашмаси”) хоразмлик манхур шайх Нажмиддин Кубро номи фахр билан тилга олинган.

4. “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) табиатнинг тўрт фасли улуғланади.

5. “Ситгаи зарурия” (“Олти зарурат”) шоирнинг диний-фалсафий қарашлари умумлаштирилган.

ТАРИХИЙ АСАРЛАРИ

1. “Тарихи мулуки Ажам” (“Эрон шоҳлари тарихи”) Эрон шоҳлари сулолалари ҳақида маълумот берувчи асар. Бу асарини шоир ўзининг “Муҳокамат ул-луғотитайн” ила “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) дея тилга олади.

2. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Набийлар ва ҳакимлар тарихи”).

ИЛМИЙ-ФИЛОЛОГИК АСАРЛАРИ

1. “Мажлис ул-нафоис” (“Нафис мажлислар”) — туркий тилда яратилган биринчи тазкира. Унда Алишер Навоий ўзигача яшаб ўтган ва ўзи билан замондош шоирлардан 459 нафари ҳақида маълумот бериб, асарларидан намуналар келтиради. Асар 8 боб (мажлислардан иборат. 8-мажлис темурийлардан чиққан шоирлар, хусусан, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган.

2. “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”). Асарда биринчи марта туркий аруз ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

3. “Рисолаи муфрадот” муаммо жанрининг хусусиятлари а бағишланган. Абдураҳмон Жомий илтимосига кўра унинг ўғли Зиёвуддин Юсуфга ёзиб берилган.

4. “Муҳокамат ул-луғотитайн” (“Икки тил муҳокамаси”). Асар туркий ва форсий тиллар муҳокамасига бағишланган бўлиб, унда шоир туркий тил ўз нафосати ва имкониятлари билан форсий тилдан заррача кам эмаслигини, айрим хусусиятлари билан эса ундан ҳақто устунлигини илмий равишда асослаб берган.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ.

1. “Бу улуг амир дину давлат ҳомийси, шариат ва миллатнинг пушти навоҳидур”.

Алишер Навоий ҳақиқати бу таъриф кимга тегишли?

- А) Хусайн Бойқаро
- В) Лутфий
- С) Камол Турбатий
- Д) Абдурахмон Жомий
- Е) Давлатшоҳ Самарқандий

2. Алишер Тафтда танишган улуг аллома...

- А) Лутфий
- В) Шарафиддин Али Яздий
- С) Абдурахмон Жомий
- Д) Камол Турбатий
- Е) Абулқосим Бобур

3. Алишерни болаликдан ўзига сеҳрлаб олган асарлар номи қайси жавобда кўрсатилган?

- А) Ф. Аттор, “Мантиқ ул-гайр”, “Муҳаббатнома”
- В) Лутфий, “Зафарнома”, Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ”
- С) Фирдавсий, “Шоҳнома”, Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билги”
- Д) А. Юғтакий “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Хоразмий, “Муҳаббатнома”
- Е) Ф. Аттор, “Мантиқ ул-гайр”, Саъдий “Тулистон”

4. Алишер отасининг теурийларга яқинлиги қайси жавобда кўрсатилган?

А) Шоҳруҳ Мирзонинг жияни бўлган.

В) Теурийлар саройида вазирилик қилган.

С) Ота томонидан бобоси Теурийнинг ўгли Умаршайх билан эмикдош бўлган.

Д) Она томонидан бобоси Теурийнинг жияни бўлган.

Е) Алишернинг бобоси (ота томонидан) Теурийнинг укаси бўлган.

5. Алишернинг “Оразин ёқоч кўзимдин...” сўзлари билан бошланувчи газалига юксак баҳо берган буюк шоир ким эди?

- А) Атоий
- В) Саккокий
- С) Гадоий
- Д) Бобур
- Е) Лутфий

6. 1464 йилда Машҳаддан Ҳиротга қайтган Алишер танишган ва уни бир умр “ҳазрати пир” сифатида қадрлаган, ота мақомида турган буюк аллома...

- А) Восифий
- В) А. Жомий
- С) К. Турбатий
- Д) Лутфий
- Е) Саййид Ҳасан Ардашер

Е) Саййид Ҳасан Ардашер

7. Алишер Машҳад хонақоҳларидан бирида касал ётган чоғида танишган ва унинг

ҳомийларидан бирига айланган инсон...

- A) К. Турбатий
- B) С. Ҳ. Ардашер
- C) Лутфий
- D) Абулқосим Бобур
- E) Биноий

8. Алишер Самарқандда қайси буюк аллома қўлида таълим олди?

- A) Улоий Шоший
- B) Шайхим Суҳайлий
- C) Хожа Аҳрор
- D) Баҳоваддин Нақшбанд
- E) Хожа Фазлулоҳ Абулайс

9. 1487 йилда А. Навоий Хусайн Бойқаро қистови билан...

- A) Балх ҳокими бўлди
- B) Астробод ҳокими бўлди
- C) Хуросон ҳокими бўлди
- D) Машҳад ҳокими бўлди
- E) Сабзавор ҳокими бўлди

10. Навоий тахаллуси қандай маъноларни англатади?

- A) бахт, бойлик, мулк
- B) тоғеъ, қисмат, тақдир
- C) ўткинчи, бебақо
- D) куй, садо, чора тадбир, тартиб
- E) ишқ, вафо, садоқат

11. А. Навоий "Лисон ут-тайр" асарида ўзи яратган байтлар сонини тахминан қанча дейди?

- A) ўн минг
- B) юз минг
- C) беш юз минг

- D) эллик минг
- E) йигирма миш

12. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлиқроқ маълумот берувчи асар...

- A) Хондамир, "Мақорим ул-ахлоқ"
- B) Бобур, "Бобурнома"
- C) Хўжаандий, "Латофатнома"
- D) Гулбададбеғим, "Ҳумоюннома"
- E) Мунис, "Равзат ус-сафо"

13. Алишер Навоийнинг ўзи тартиб берган илк девонлари қайси?

- A) "Илк девон", "Мунис ул-ушшоқ"
- B) "Бадосъул-бидоя", "Наводир ун-ниҳоя"
- C) "Фаройиб ус-сигар", "Ҳазойин ул-маоний"
- D) "Наводир ул-шабоб", "Бадосъ ул-васат"
- E) "Наводир ун-ниҳоя", "Фавойид ул-кибар"

14. "Фавойид ул-кибар" "Ҳазойин ул-маоний"нинг печанчи девони?

- A) бириччи
- B) иккинчи
- C) учинчи
- D) тўртинчи
- E) бешинчи

15. Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний" куллийетига кирган ғазал ва рубоийлар сони қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) 4000 ва 200
- B) 2600 ва 133
- C) 3000 ва 110
- D) 3600 ва 250
- E) 1500 ва 100

16. Алишер Навоий қитъаларининг сони тахминан ...

- A) 200 дан ортиқ
- B) 300 дан ортиқ
- C) 254 та
- D) 100 дан ортиқ
- E) 100 дан ортиқ

17. Алишер Навоий лирикасининг бош, стакчи мавзулари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) дўстлик, покиза севги, садоқат, меҳнатсеварлик
- B) тинчлик, ватан, меҳнатсеварлик, дўстлик
- C) эзуликни улутлаш, ёвузликни қоралаш
- D) нафси жиловлаш, раҳмдиллик, саховат
- E) илоҳий ва заминий севги, ҳаётга муҳаббат

18. Алишер Навоий девонлари анъана буйича **нимма билан бошланиб**, **нимма билан тугалланган**?

- A) дебоча, сўнг газал билан бошланиб, фард ёки муаммо билан тугайди
- B) ҳамд билан бошланиб, наът билан тугайди
- C) газал билан бошланиб, қитъа билан тугайди

- D) дебоча, сўнг газал билан бошланиб, мувашшаҳ билан тугайди
- E) Қатъий тартиб йўқ.

19. Алишер Навоий лирикасининг асосий тимсоллари қимлар?

- A) лирик қаҳрамон, олим, пайгамбарлар
- B) ошиқ, маъшуқа, ориф, соқий
- C) ҳунармандлар, меҳнаткашлар, пахтакорлар
- D) ишчилар, фолбинлар, соқий ва маъшуқа
- E) ошиқ, маъшуқа, деҳқон ва ҳунармандлар

20. “Фавойид ул-кибар” девонидан нечта фард ўрин олган?

- A) 86 та
- B) 54 та
- C) 133 та
- D) 75 та
- E) 160 та

21. “Девони Фоний” даги газалларида Алишер Навоий кўпроқ қимга эргашган?

- A) Саъий Шерозий
- B) Ҳофиз Шерозий
- C) Абдурахмон Жомий
- D) Фариддин Аттор
- E) Хусрав Деҳлавий

22. “Хамса”нинг ҳар бир дostonида Алишер Навоий қайси устозларига алоҳида боб ажратган?

- A) Аттор, Қосим Анвор, Саъдий
- B) Ҳофиз, Аттор, Румий

- С) Ориф Ардабалий, Ашраф, Низомий
 Д) Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий
 Е) Фирдавсий, Жомий, Ҳасан Деҳлавий

23. Алишер Навоий “Ҳамса” яратишни деңгизга тушиш ва учта наҳанг билан жанг қилиш, ўрмонга кириш ва учта қатта шерни енгилш билан барқарор деб ҳисоблайди. Бунда, кимларни назарда тутган?

- А) Низомий, Жомий, Ашрафни
 В) Ҳасан Деҳлавий, Фирдавсий, Жомийни
 С) Хусрав Деҳлавий, Фирдавсий, Жомийни
 Д) Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий
 Е) Румий, Аттор, Қосим Анворни

24. Яхлит бир сюжетга эга бўлмаган, шоирнинг ҳаёт ва жамият ҳақидаги хулосалари умумлаштирилган дoston...

- А) “Ҳайрат ул-аброр”
 В) “Лисон ут-тайр”
 С) “Маҳбуб ул-қулуб”
 Д) “Назм ул-жавоҳир”
 Е) “Сабъаи сайёр”

25. “Шоҳ Ғозий” ҳикояти “Ҳамса”нинг қайси достонида келтирилган?

- А) “Ҳайрат ул-аброр”
 В) “Фарҳод ва Ширин”
 С) “Лайли ва Мажнун”
 Д) “Салти Искандарий”

Е) “Сабъаи сайёр”

26. “Ҳайрат ул-аброр”даги “Икки вафоли ёр” ҳикояти воқеалари қасрда рӯй беради?

- А) Хоразмда
 В) Ҳиндистонда
 С) Самарқандда
 Д) Кобулда
 Е) Ҳиротда

27. “Ҳайрат ул-аброр”даги “Имом ар-Розий” ҳикоятининг гоյси қайси жавобда тўғри берилган?

- А) Ўзга юрда шоҳ бўлгунча, ўзюртингда гадо бўл.
 В) Меҳнатсиз тошилган бойлик вафо қилмайди.
 С) Бойликни нариги оламга олиб кета олмайсан, илм эса сенга доимо ҳамроҳдир.
 Д) Тўғрисўз бўл, уятга қолмайсан.
 Е) Ота-онанг ўғилларига қулоқ сод, мақсадингга етасан.

28. “Ҳайрат ул-аброр” достони неча боб ва мақологдан иборат?

- А) 60 ва 20
 В) 20 ва 64
 С) 64 ва 20
 Д) 64 ва 24
 Е) 64 ва 21

29. “Шер билан Дуррож” ҳикоятида илгари сурилган гоյни аниқланг.

- А) дўстлик ва вафодорлик
 В) меҳнатсеварлик

- С) ватанпарварлик
- Д) ростгўйлик
- Е) камтарлик

30. “Ҳайрат ул-аброр” даги “Шоҳ Ғозий” ҳикоятда кампирнинг қози олдидаги гувоҳлари кимлар эди?

- А) дарवेश ва деҳқон
- В) адолат ва инсоф
- С) виждон ва саховат
- Д) раҳмдиллик ва ор-номус
- Е) Гувоҳи йўқ эди.

31. “Ҳайрат ул-аброр” «Хамса»нинг бошқа дostonларидан асосан қайси жиҳати билан фарқ қилади?

- А) шакли билан
- В) жанри билан
- С) композицияси билан
- Д) адабий тури билан
- Е) воқеалар кўламининг кенглиги билан

32. “Хамса” dostonларида илгари сурилган етакчи ғояни аниқланг.

- А) дўстлик, меҳнатсеварлик, тинчлик, тотувлик
- В) юксак инсонийлик, адолатпарварлик, мардлик, вафодорлик
- С) ота-онага ҳурмат, дўстларга садоқат
- Д) ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, чин инсонийлик
- Е) тўғрисуғушлик, ҳалолик, камтарлик

33. Фироқу рашку ҳажру оҳила дард,

Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард.

Ушбу байтда “Хамса” даги қайси қаҳрамон исми яширилган?

- А) Фаррух
- В) Фарҳод
- С) Фаридун
- Д) Қайс
- Е) Шоҳпур

34. Сулаймон узугини Фарҳод қайси жасоратидан сўнг олиши керак эди?

- А) Аҳраман девни енгича
- В) Аждар билан учрашиб, уни ўлдиргач
- С) Хизр билан учрашиб, унинг сабоқларини олгач
- Д) Суқрот таълимини олгандан сўнг
- Е) Қандилдаги Жамшид жомини олганидан сўнг

35. “Фарҳод ва Ширин” dostonида Хусравни ўлдирган шахс ким?

- А) Фарҳод
- В) Ахий
- С) Шеруя
- Д) Ёвуз кампир
- Е) Шоҳпур

36. Сухайлога Фарҳоднинг келишини башорат қилиб ёзиб кетган буюк ҳаким ким эди?

- А) Накумоҳис
- В) Суқрот
- С) Арасту
- Д) Жомоси
- Е) Хизр

37. Шириш Фарҳод қошига ми-
ниб келган отининг лақаби нима
эди?

- A) Рахш
- B) Гулгун
- C) Гулбанд
- D) Гулшан
- E) Сабина

38. “Лайли ва Мажнун” досто-
нида илгари сурилган етакчи го-
нима?

- A) қаҳрамонлик ва меҳнатсеварлик
- B) меҳнатсеварлик, ватанпарвар-
лик
- C) севгида садоқат, шахс эрки
- D) ота-онага ҳурмат, вафодорлик
- E) дўстга садоқат, раҳмдиллик, ин-
сонийлик

39. Лайли исмининг маъноси
нима?

- A) муҳаббат
- B) ёруғлик
- C) тун (зулмат)
- D) кўёш
- E) вафодор

40. “Лайли ва Мажнун” дос-
тонининг ўзига хос поэтик ху-
сусяти нимада?

- A) руҳий кечинмалар ўта кучли бе-
рилиши
- B) воқеаларнинг ўта ҳаётийлиги
- C) қаҳрамонлар романтик усулда
берилиши
- D) воқеаларнинг ҳаққоний ёритили-
ши
- E) воқеаларнинг танқидий ёритили-
ши

41. “Сабъаи сайёр” достони-
да Баҳром калтаклаб саҳрога
ташлаб кетган қаҳрамон ким
эди?

- A) Шириш
- B) Гуландом
- C) Дилором
- D) Дилоро
- E) Сумансо

42. “Сабъаи сайёр” достони-
да нечанчи иқлимдан келган
мусофир Меҳр ва Суҳайл во-
қеасини ҳикоя қилиб беради?

- A) биринчи
- B) иккинчи
- C) учинчи
- D) тўртинчи
- E) бешинчи

43. “Садди Искандарий” дос-
тонида Искандар қандай шахс
сифатида тасвирланган?

- A) адолатсиз, золим худбин шахс
- B) камтар ва адолатли, илмли шоҳ
- C) меҳнатсевар, ватанпарвар шахс
- D) мақтанчоқ, такаббур шоҳ
- E) калтабин, эгоист шоҳ

44. Шоҳ Искандар ҳаётининг
сўнгида қандай ишга жазм этди?

- A) Халқни девлардан қутқазингга
жўнаб кетди.
- B) Эронга катта юриш бошлади.
- C) Денгиз тубига тушиб дунёни
ўрганмоққа киришди.
- D) Ерғўлага тушиб тарки дунёчи-
ликки берилди.
- E) Марказий Осиёга ҳужум бошла-
ди

45. Алишер Навоийнинг тасаввуфга оид қарашлари қайси асариди умумлаштирилган?

- A) "Маҳбуб ул-қулуб"
- B) "Назм ул-жавоҳир"
- C) "Лисон ут-тайр"
- D) "Муҳокамат ул-луғатайн"
- E) "Маҷолис ун-нафоис"

46. Шайх Саъдон образи Алишер Навоийнинг қайси асариди учрайди?

- A) "Назм ул-жавоҳир"
- B) "Муҳокамат ул-луғатайн"
- C) "Маҳбуб ул-қулуб"
- D) "Лисон ут-тайр"
- E) "Тарихи анбиё ва фузало"

47. "Лисон ут-тайр" асариди шоир чиқарган асосий хулоса қайси жавобда тўғри изоҳланган?

- A) Табиатдаги барча нарса ўткинчидир.
- B) Қоинот (табиат) жисмиарининг ҳаммаси Аллоҳ зухуроти (кўриниши)дир.
- C) Инсон эйна қайтиб Аллоҳ қошига боради.
- D) Кўнглинг доимо Аллоҳда бўлсин.
- E) Табиатдаги барча нарсаларни Аллоҳ яратгандир.

48. Алишер Навоий тасаввуфнинг қайси сулуки изидан борди?

- A) қодирия
- B) яссавия
- C) кубравия
- D) нақшбандия
- E) маломатия

49. Нақшбандийларнинг "Дил ба ёру даст ба қор" қондаси (амали) нимани ифодалайди?

- A) Кўнглинг билан тилингни бир туг.
- B) Қўлинг ишда, кўнглинг Аллоҳда бўлсин.
- C) Ёлғиз ошларингда Аллоҳни ёдингда туг.
- D) Доимо ёринг билан бирга бўл.
- E) Ҳамиша Аллоҳ билан бирга бўл.

50. "Меҳр ва Суҳайл" ҳикоятдаги қайси образларнинг номлари қуёш, норлоқ юлдуз ва золим деган маъноларни англатади?

- A) Нўъмон, Навдар, Муқбил
- B) Меҳр, Суҳайл, Жобир
- C) Меҳр, Мудбир, Суҳайл
- D) Суҳайл, Нўъмон, Жобир
- E) Меҳр, Нўъмон, Навдар

51. Алишер Навоийнинг туркий аруз назариясига доир асари.

- A) "Рисолаи муфрадот"
- B) "Меъон ул-авзон"
- C) "Муфассал"
- D) "Мухтасар"
- E) "Рисолаи аруз"

52. Алишер Навоийнинг тарихий асарини кўрсатинг.

- A) "Тарихи анбиё ва ҳукамо"
- B) "Тарихи мулуки Аҷам"
- C) "Зафарнома"
- D) "Сибъат ул-абхур"
- E) A ва B

53. "Ҳилолият" асари кимга бағишланган?

- A) Жомийга
- B) Султон Ҳусайн Бойқарога
- C) Фаридиддин Атторга
- D) Камол Турбатийга
- E) Хусрав Дехлавийга

54. Алишер Навоийнинг қайси асарида халқнинг турли ижтимоий қатламлари ҳақида гап боради?

- A) "Насойим ул-муҳаббат"
- B) "Назм ул-жавоҳир"
- C) "Маҳбуб ул-қулуб"
- D) "Мезон ул-авзон"
- E) "Муҳокамат ул-лугатайн"

55. Алишер Навоийнинг диний-маърифий асарлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) "Маҳбуб ул-қулуб", "Муножот", "Арбаъин"
- B) "Муножот", "Сирож ул-муслимин", "Арбаъин"

C) "Назм ул-жавоҳир", "Сибъат ул-абхур", "Муножот"

D) "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин", "Тухфат ул-афкор"

E) "Ҳазойин ул-маоний", "Сабаъи сайёр", "Муножот"

56. Алишер Навоийнинг сўнгги асари.

A) «Маҳбуб ул-қулуб»

B) «Лисон ул-тайр»

C) «Назм ул-жавоҳир»

D) «Арбаъин ҳадис»

E) «Муножотнома»

57. Алишер Навоий қўллаган Фопий таҳаллуסי маъноси қайси жавобда тўғри изоҳланган?

A) ажралиш, жудоник

B) ҳаёт, турмуш

C) бахт, нажот

D) ўткинчи, бебақо

E) чора, тadbир



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

1483 йил 14 февралда Андижон султони Умаршайх Мирзо оштасида таваллуд тоиди. 1492 йилда Умаршайх Мирзонинг акаси, Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо ўз укасига қарши қўшин тортиб келади. Бу пайтда Умаршайх Мирзо Аҳси қўғонида аскар йиғиб, манс қилаётган эди. У жарлик ёқасида кабутар учираётиб, оти ва кабутархона билан бирга жарга кулаб, 39 ёшида ҳалок бўлади. Тахтга 11 ёшли Бобур Мирзо ўтиради. Султон Аҳмад Мирзо сулҳ тузиб қайтиб кетади.

1498 йилда Бобур бобоси Темурпойтахти Самарқандни эгаллайди. Бу ерда 100 кун ҳукмронлик қилган Бобур Андижонни ўғай укаси Жаҳонгир Мирзо эгаллагани ҳақидаги хабарни эшитиб, Андижонга қараб йўл олади. Хўжандга етганда эса, Самарқандни Султон Али Мирзо эгаллайди. Бобур ҳам Андижон, ҳам Самарқанддан ажралиб, икки йил куч тўшлаб юради, сўнг Андижонни эгаллайди ва эътиборини яна Самарқандга қаратади.

1500 йилда Самарқанд Султон Али Мирзодан Шайбонийхон қўлига ўтади. Шайбонийхондан норози бўлган халқ Бобур Мирзони қўллаб-қувватлайди ва Самарқанд яна Бобур қўлига ўтади.

1501 йил Шайбонийхон Самарқандга катта қўшин билан ҳужум қилади. Бобур ёрдамчи қўшинларнинг келишини кутмай, жангга киради ва Сарипул яқинида қаттиқ шикаст ейти, мажбуран Самарқандга чекинади.

Шайбонийхон Самарқандни 4 ой давомида қамал қилади. Бобур сулҳ тузиш баҳо-паси билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетади ва Андижонга қараб йўл олади, бироқ Андижонга кира олмайди, анча муддат баъзан отлик, баъзан яёв Хўжанд атрофларида кезиб юради.

1504 йилда уч юздан зиёдроқ лашқаря билан Афғонистонга кетади, йўл-йўлакай Афғон қабишларини ўзи а буйсундириб боради ва Кобулни урушсиз эгаллайди.

1512 йили Бобур Эрон шоҳи Исмоил Сафавийдан ёрдам олиб, Самарқандга учинчи марта юриш қилади ва уни эгалтайди. Бир йил ўтгач, Шайбонийхон сулоласидан бўлган Убайдуллахон катта қўшин билан Бобурга ҳужум қилади ва Самарқандни ундан тортиб олади.

1525 йилда Самарқанддан энди қўнғил узган Бобур Мирзо эътиборини кўҳна ва афсонавий Ҳиндистонга қаратади, Панжоб вилоятини эгаллаб, Дехлига юриш қилади ва уни эгаллайди.

1526 йил Панипатда Иброҳим Лўдий билан Бобур қўшинлари ўртасида қаттиқ ва ҳал қилувчи жанг бўлади. Бобур ғолиб чиқади. 27 апрелда унинг номига хутба ўқилади. Шундай қилиб, Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солинди.

1530 йил Аграда вафот этади ва ўзи барпо этган Нурафшон боғига

дафн этилади. Кейинчалик эса (1533 й.) шоир васиятига кўра, унинг хоки Кобулдаги Боғи Бобурийга қайта дафн этилади.

ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Бобур ўзининг 47 йиллик қисқа умри давомида катта ижодий мерос қолдиришга улгурди. Гўзал шеърий девон ва “Бобурнома”дан ташқари туркий аруз вазиининг ўзи а хос хусусиятлари ҳақида “Мухтасар” (“Муфассал”), муסיқа илми ва ҳарбий иш ҳақида рисоалар ёзди, Хатти Бобурийни яратди, Хожа Аҳрори Валий Тошкандийнинг “Волидия” асарини форсийдан туркийга ўтирди. Бобур шеърларининг икки кўлёмаси бизга қадар сақланиб қолганлиги маълум. Биринчиси Парижда, иккинчиси Ҳиндистонда сақланади. Инглиз шарқшуноси Денисон Росс 1910 йилда Бобур шеърларини инглиз тилида нашр эттирган ҳам эди.

Бобур лириканинг, айниқса, газали мусажжаъ (ички қофиялари а ҳам эга бўлган газал), рубоий жанрларида гоят дилбар шеърлар яратди.

Бобур лирикасининг асосий мавзулари қуйидагилардан иборат:

- а) ҳаётга муҳаббат ва хушнудлик;
- б) илоҳий ва заминий (ҳаётий) ишқ, ватап севгиси;
- в) ҳижрон ва гурбат азоби;
- г) хушхулқлик ва маърифатга даъват.

“БОБУРНОМА”

“Бобурнома” фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам мемуар жанрининг нодир намуналаридан бири ҳисобланади. Унда 1494-1529 йиллар ораси Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистонда юз берган, Бобурнинг ўзи бевосита гувоҳи бўлган тарихий воқеалар жонли тилда, аниқ далиллар, шеърий парчалар асосида ҳикоя қилинган. Демак, асарнинг бош қаҳрамони шоирнинг ўзи ҳисобланади.

Манбаларда қайд қилинишича, асар “Воқеаном”, “Воқеоти Бобурий”, “Тузуки Бобурий”, “Бобурия” номлари билан машҳур бўлган.

“Бобурнома” 1494 йилда юз берган мудҳиш воқеа, Умаршайх Мирзонинг Аҳсида жарга қулаб тушиб, 39 ёшида ҳалок бўлиши ва 12 ёшга қадам қўйган Бобур Мирзонинг Андижон тахтига ўтириши воқеаларидан бошланади.

Маълумки, айрим тарихий асарларда ҳукмдорлар ва бошқа тари-

хий шахсларга, воқеаларга муаллифнинг ўз нуқтаи назаридан, бир ёқлама баҳо берганлар. “Бобурнома” муаллифи эса улардан фарқли равишда ҳар бир тарихий воқеа ва шахсларга, ҳатто ўзига душман кишиларга ҳам ҳаққоний, бегараз баҳо беради, уларнинг фаолияти ва хулқ-атворидаги яхши ва ёмон томонлар ҳолис ёритилади.

Бобур бирор воқеа ҳақида ҳикоя қилар экан, аввало, шу воқеа тоз берган жойни батафсил тасвирлайди, воқеада иштирок этувчи кишиларнинг таъқи кўриниши, хулқ-атвори, насл-насаби ҳақида сўз юритади. Масалан: 1494 йилда Умаршайх Мирзоинг ҳалокати ҳақида сўзлар экан, Бобур Фарғона вилояти ва унинг шаҳарлари, географик ўрни, мева ва паррандалари, фарғоналиклар ва уларнинг тили ва удумлари ҳақида тўхталиб ўтади.

“Бобурнома”да юзлаб тарихий шахслар, уларнинг фаолияти ва саргузанглари билан боғлиқ воқеалар баён этилади. Воқеалар марказида турган Умаршайх Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Султон Аҳмад Мирзо, Хусравшоҳ каби тарихий шахслар фаолиятини баён этиш билан бирга, уларнинг шакл-шамойиллари, кишиларга муносабати, маданий савиялари ҳақида ҳам маълумот берилади. Масалан: мустабид ва бадахлоқ Хусравшоҳ тўғрисида сўзларкан, унинг Ҳисор аҳолисига ўтказган жабр-зулми, наварларининг босқинчилиги ва маишатбозлигини қаттиқ қоралайди ҳамда: “...ҳар ким Хусравшоҳнинг бу афъолини эшитса, лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб, лаънат қилмагон ҳам сазовори лаънат ўлсун”, — деб ёзади.

Асарда Улугбекдай буюк донишманднинг ўлимига сабабчи бўлган падаркуш Абдуллағиф ҳам лаънатланади: “...бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ, донишманд ва қари отасини шаҳид қилди”, — деб ёзади Бобур ва Низомий Ганжавийнинг қуйидаги байтини келтиради:

Падаркушро ба подшоҳи нашоёд,
Агар шояд ба шаш моҳаш нашоёд.

(Падаркуш подшоҳликка ярамайди, яраган чоғда ҳам олти ойга етиб бормайди.)

“Бобурнома”да Алишер Навоий, Жомий, Биноий, Муаммойй, Шайхим Суҳайлий, Муҳаммад Солиҳ, Камолиддин Бехзод, Султон Али, Ҳусайн Удий ва бошқа ўнлаб санъат аҳли ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ.

1. Бобур Мирзонинг Андижон тахтига ўтириши қайси воқеа билан боғлиқ?
А) 1494 йилда Султон Абу Саид Мирзонинг Андижонга қўшин тортиб келиши ва ҳалок бўлиши билан.
В) 1494 йилда Султон Маҳмуд Мирзонинг Тошкентдан бостириб келиши ва Умаршайх Мирзо томонидан тор-мор этилиши билан
С) 1493 йилда Султон Аҳмад Мирзонинг Андижонга ҳужум қилиши ва Умаршайх Мирзонинг Ахси-кенда жарликка кулаб, ҳалок бўлиши билан
Д) 1498 йилда Шохрух Мирзонинг вафот этиши билан
Е) 1494 йилда Умаршайх Мирзонинг оғир хасталикдан сўнг вафот этиши билан
2. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним қайси авлодга мансуб эди?
А) Темурийларнинг барлос уруғига
В) Муғулларнинг чигатой уруғига
С) Арабларнинг уммавийлар авлодига
Д) Форсийларнинг сомонийлар авлодига
Е) Туркийларнинг қорахонийлар авлодига
3. Бобур Мирзо Самарқандни қайси йилларда эгаллашга муваффақ бўлди?
А) 1498, 1500, 1512
В) 1493, 1498, 1500
С) 1498 ва 1512
Д) 1494, 1498, 1511
Е) 1495, 1500, 1511
4. Султон Аҳмад Мирзо Бобурнинг...
А) амакиси
В) тоғаси
С) амакиваччаси
Д) қайнотаси
Е) А ва Д
5. Бобурнинг 300 яқин лашкари билан Кобулга қараб юриши қайси йили содир бўлган?
А) 1501 йилда
В) 1504 йилда
С) 1512 йилда
Д) 1525 йилда
Е) 1526 йилда
6. Бобурийлар давлатига қачон ва қаерда асос солинди?
А) 1504 йилда Кобулда
В) 1511 йилда Самарқандда
С) 1525 йилда Ҳиротда
Д) 1526 йилда Ҳиндистонда
Е) 1501 йилда Самарқандда
7. Бобур 1527 йилда Ҳиндистонда кимга қақшатқич зарба берди?
А) Иброҳим Лўдийга
В) Кришнага
С) Диловархонга
Д) Рано Сангога
Е) Убайдуллахонга

8. Бобур лирикасининг stacked мавзулари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) ватан соғинчи, ҳаётга муҳаббат, меҳнатсеварлик
- B) ёр ва дийр ҳажри, қисматдан нолиш, ҳаётга муҳаббат
- C) севги ва садоқат, тинчлик ва дўстлик
- D) таркидунёчиликни қоралаш, эзгуликни улуғлаш, севги ва садоқат
- E) илоҳий ишқ, ватан соғинчи, юрт осойишталиги ва халқ дарди.

9. “Топмадим” радифли газал Бобурнинг қайси кечинмалари асосида яратилган?

- A) Иброҳим Лўдийнинг онаси малика Байда томонидан захарлангач, Бобур саломатлиги оғирлашиб қолади, ўлим тўшагида ётган шоир ёр-дўстларини эслаб, оғир изтироблар чекади.
- B) 1513 йилда Убайдулло Султондан енгилиб, Ҳисорга чекинган Бобур мағлубият аламидан касал бўлиб ётиб қолади.
- C) 1530 йилининг охирларида ўлим тўшагида ётган ўгли Ҳумоюн қисмати шоирга қаттиқ азоб беради.
- D) 1530 йилининг охирларида Бобурга Андижондан қовун келдирадилар. Ундан олис Андижоннинг қилгани туйган шоир кўзларидан ёш қуйилиб оқади.
- E) 1501 йилда Сарипулда Шайбонийдан енгилган Бобур Самарқандга чекинади, буни **устига яқин** кишиларининг, бекларнинг сотқинлиги, хиёнатига дуч келади.

10. Бобур лириканинг қайси жанрларида ўзининг ёрқин истеъдод-дини намойиш эта олади?

- A) рубоий, мухаммас
- B) туюқ, мураббаъ
- C) маснавий, рубоий
- D) рубоий, газали мўсажжаъ
- E) туюқ, мусаддас

11. 1507 йилда Бадиуззамон ва Музаффар Мирзо томонидан Ҳиротга тақлиф этилган Бобур мезбонларнинг совуқ кутиб олганидан ранжиб, ҳеч кимга билдирмай, Қобулга қараб йўл олади. Қор билан кўмилган хатарли йўлда бир шеър ёзади. У қайси шеър эди?

- A) Ҳазон янроғи янглиг гул юзунг ҳажрида сарг ардим...
- B) Ғурбагда ул ой ҳажри мени пир қилибтур...
- C) Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим.
- D) Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдим...
- E) Менинг кўн лумки, гулнинг гунчасидек таҳ-батаҳ қолдур...

12. “Бобурнома”да Фарғона вилояти таърифи қайси йил воқеалари билан боғлиқ ҳолда берилди?

- A) 1498 йил
- B) 1493 йил
- C) 1499 йил
- D) 1495 йил
- E) 1512 йил

13. “Бобурнома” марказида турган тарихий шахслар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Аҳмад Ҳожибек, А. Навоий, Беҳзод, Умаршайх Мирзо
- B) Умаршайх Мирзо, Мазидбек, Аҳмад Танбал, Абдулатиф
- C) Музаффар Мирзо, Мўмин Мирзо, Абу Саид Мирзо
- D) Умаршайх Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Султон Аҳмад Мирзо
- E) Султон Маҳмуд Мирзо, Хусравшоҳ, Шох Ғариб, Ҳусайн Бойқаро

14. “Ханафий мазҳаблиқ, покиза этиқодлиқ киши эрди, беш вақт намозни канда қилмас эрди...”

“Бобурномадан”дан олинган бу таъриф кимга тегишли?

- A) Умаршайх Мирзога
- B) Султон Аҳмад Мирзога
- C) Султон Маҳмуд Мирзога
- D) Султон Ҳусайн Мирзога
- E) Алишер Навоийга

15. “Бобурнома”нинг бош қаҳрамони...

- A) Умаршайх Мирзо
- B) Бобур
- C) Султон Аҳмад Мирзо
- D) А ва В
- E) А, В, С

16. “Ҳар ким... бу афъолини эшитса, лаънат қилсун. Бу афъолини эшитиб, лаънат қилмоғон ҳам сазовори лаънат бўлсун...”

“Бобурнома”дан олинган бу парчада Бобур кимни лаънатлаган?

- A) Абдулатифни
- B) Султон Аҳмад Мирзони
- C) Султон Маҳмуд Мирзони
- D) Аҳмад Танбални
- E) Хусравшоҳни

17. “Падаркушро ба подшоҳий нашоёд,
Агар шоёд, ба шаш моҳаш нашоёд”.

Бобур бу байтни қайси шоирдан келтирган?

- A) Абдурахмон Жомий
- B) Абулқосим Фирдавсий
- C) Рўдакий
- D) Низомий Ганжавий
- E) Жалолиддин Румий

18. “...назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эрмас”. “Бобурнома”дан олинган бу парчада ган ким ҳақида кетяпти?

- A) Мавлоно Лутфий
- B) Бадриддин Ҳилолий
- C) Алишер Навоий
- D) Шайхим Сухайлий
- E) Камол Турбатий

19. “Бир-икки бута ток “Ҳашт биҳишт” боғида эқтуруб эдим, анинг ҳам яхшиғина узумлари бўлуб эди...”

“Бобурнома”да тилга олинган “Ҳашт биҳишт” боғи қерда барпо этилган?

- A) Кобулда
- B) Ҳиндистонда

- С) Хиротда
- Д) Самарқандда
- Е) Андижонда

20. “Ошнинг вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эрмас...”

“Бобурнома”да олинган ушбу парчада қайси шаҳар ҳақида гап кетяпти?

- А) Андижон
- В) Исфара
- С) Қоғибодом
- Д) Қува
- Е) Самарқанд

21. “Агар менинг ризомни тиларсен, хилватнишинлиқни ва эл била кам ихтилодликни бартараф қилғил”. Бобур бу мактубни кимга ёзган?

- А) Аскарый мирзога
- В) Ҳиндол мирзога
- С) Ҳумоюн мирзога
- Д) Комрон мирзога
- Е) Укаси Носир мирзога

22. “Учинчи қиз Ойиша Султонбегим эди. Беш ёшимда Самарқандгй келганда, манга қўлуб эдилар...”

“Бобурномада таърифланган” Ойиша бегим ким эди?

- А) Султон Аҳмад Мирзонинг қизи
- В) Султон Маҳмуднинг қизи
- С) Бобур Мирзонинг умр йўлдоши
- Д) Султон Али Мирзонинг умр йўлдоши

Е) А ва С

23. Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга бағишлаб ёзган асари...

- А) “Мухтасар”
- В) “Муфассал”
- С) “Ҳумоюннома”
- Д) “Мубаййин”
- Е) “Волидия”

24. “Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даврининг тирик ҳукмдори, мард ва тadbиркор инсон бўлган, у адабиётни, санъатни севар эди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди”.

Бобур ҳақидаги ушбу таърифни ким айтган?

- А) Маҳатма Ганди
- В) Жавоҳирлаъл Неру
- С) Робиндранат Тагор
- Д) Индира Ганди
- Е) Раджив Ганди

25. Бобурнинг туркий аруз қонуниятлари ҳақидаги асари...

- А) “Мубаййин”
- В) “Мезон-улавзон”
- С) “Муфассал”
- Д) “Мухтасар”
- Е) С ва Д

26. “Ҳумоюннома” асарининг муаллифи ким?

- А) Комрон Мирзо
- В) Ҳиндол Мирзо
- С) Гулран бегим
- Д) Гулчеҳрабегим
- Е) Гулбаданбегим

27. Бобур Хожа Аҳрори Валийдан қилган “Волидия” таржима асар...

- А) тарихий
- В) илми ҳикматга бағишланган
- С) ота-онага бағишланган
- Д) тасаввуфга бағишланган
- Е) мемуар

28. Бобурнинг улкан ҳайкали ўрнатилган Боғи Шамол ёдгорлик мажмуи қасрда жойлашган?

- А) Тошкентда
- В) Самарқандда
- С) Фарғонада
- Д) Ахсиқентда
- Е) Андижонда

XVII – XIX АСРЛАР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

ТУРДИ (ФАРОҒИЙ)

Турди XVII аср ўрғаларида Бухорода Аштархонийлардан Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврларида яшаб ижод этган. Абдулазизхон даврида у ўзбекларнинг юз уруғи бошлиғи сифатида анча қатта ҳурмат-эътиборга эга эди. Бухоро хони билан унинг укаси Балх ҳоқими Субҳонқулихон ўртасидаги тож-тахт учун 37 йил давом этган курашдан сўнг Субҳонқулихоннинг қўли баланд келиб, Бухоро тахтини эгаллайди. Ҳоқимиятга келгач, у акасига яқин кишиларни саройдан четлатиб, уларнинг ўрнига хушомад ўй, порахўр кишиларни тўшлади. Баъзи амалпарастлар хонга пора бериб бир йўла бир неча мансабни эгаллаб олган эдилар. Уларни “хўжасаролар” деб аташди. Мансаб амал учун қирқ, юз минг, хитой, жалойир, ойтамеали, жағалбойли, қипчоқ, найман, кенагес, барлос каби уруғ бошлиқлари уруш-жанжал кўзгаб, халқ бошига азоб, қуфатлар келтирдилар. Бундан қаттиқ газабланган шоир уруғ бошлиқларини бир ёқдан бош чиқариб, аҳил иттифоқ яшашга даъват этувчи “Тор кўнгилли беклар” шеърини ёзди.

Тор кўнгилли беклар, мапман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, тенглик қилинг...

Субҳонқулихон даврида юрт хонавайрон бўла бошлади, халқ бошига чексиз азоб-уқубатлар тушди. Хон “барот солиғи” баҳонаси билан етти йиллик солиқни бир йилда йиғиштириб ола бошлади, хонлиқлар ўртасидаги урушлар шусиз ҳам эл ёстигини қуриган эди. Бу бедодлик жой-жойларда исёнларга сабаб бўлди. Исёнчилар бошида Турди ҳам бор эди. Бироқ уюшиб улг урмаган бу исёнларни хон қурол кучи билан шафқатсизларча бостираётган эди.

Ижодини дастлаб илқий шеърлар ёзишдан бошлаган Турди ўз қаламини энди ҳажв қуролига айлантирди. 1691 йилда у 33 банддан иборат бўлган ўзининг машҳур “Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари ҳақида ҳажвия”сини ёзди. Асарда шоир хон ва унинг атрофида тўпланган “хўжасаролар”нинг разил, жирканч башараларини очиб ташлади:

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Ғасб ила молиқ олиб, қўймадингиз битини...

Турди хоннинг мунофиқлиги, золимлиги, ҳаромтомоқлигини унинг ўз тили билан фош этади. Хоннинг амалдорлари ҳам унинг ўзидан қолишмас эдилар. Шоир халқнинг сўнгги бурда нонига ҳам чангал соладиган, порага аждарҳодек оғзини очиб турган бекларни ҳайвондан ҳам баттар йирткич махлуқларга, хоннинг парвоначисини кўшпак юзли кўрга, додхоҳини совун кўниги аралаш ичимлик билан тўлдирилган мешга, аскарларини оч итдек уйма-уй санқиб юрган гадога ўхшатади.

Турди шеър охирида хон ва унинг амалдорларини инсоф ва алоқатга чақириб, уларга “эл — работу тўра — қўноқ” деган мақолни эслатади.

Шоирдан бизга қадар 434 мисрадан иборат 17 та шеър (иккитаси тожикча) сақланиб қолган, холос.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

Бобараҳим Машраб 1640 йилда Наманганда (айрим манбаларда Андижонда дейилади) бўзчи оиласида таваллуд топди. Машраб ҳақида халқ орасида турли ривоятлар юради, улар “Қиссаи Машраб” номли халқ китебида ўзифодасини топган.

Бобараҳим дастлаб Мулла Бозор Охунд, сўнг Кошғарда Офокхўжа эшон кўлида тасаввуфдан сабоқ олади, ўз ақли, зукколиги билан устозларини қойил қолдиради. Ун саккиз йил Кошғарда яшаган Машраб 1673 йилда ўз юртига қайтади. Қасалманд кекса онаси тез орада вафот этади. Бирор мунис, мушфиқ кишиси қолмаган, замонасидан, настқаш кишилардан кўнглига да бўлган шоир юртма-юрт қаландарона юришни афзал билади. Монароушшаҳр, Хуросоннинг қатор шаҳарларини нибда кезиб чиқади, қаерда бўлмасин, олдий халқ уни кучоқ очиб кутиб олади. Машраб сафарининг сўнгги нуқтаси Балх бўлади. Ўз шеърларида телба, тескари дунёга ва унинг сабабчилари бўлган ҳукмрон доираларига чуқур нафратини баён этган шоир Қундузда 1711 йилда Балх ҳокими Маҳмуд Қатоғон фармони билан дорга осилади.

Машраб Маҳдий, Зинда тахаллуслари билан ҳам туркий ва форсий тилларида ижод қилган. Унинг лирик мероси асосан “Девонаи Машраб” (“Девонаи Машраб”) каби халқ китоблари ва айрим баёзлар орқали бизга қадар етиб келган. Бу шеърлар мавзу доирасига кўра исёнкорона ва ишқий шеърлардир. Уларда шоир ўзи янбаган муҳитни “ғурбатхона” деб атайти, адолатсизлик ва зулим-зўравонлик остида бағри пора бўлган халқнинг дарду аламларини куйлайди:

Дили тиги ситамдин ёра бўлган халқни кўрдим,
Тани дарду аламдин пора бўлган халқни кўрдим...

Машраб шеърляги тасаввуф ва унинг Нақшбандия сўлуки-тариқати билан чамбарчас боғлиқдир. Шоир шеърларида илоҳий ҳақиқатни, илоҳий ишқни улуғлайди. “Аналҳақ” дегани учун дорға осилган Мансур Халлоғни, ёлгон дунё роҳатларидан, тахтдан воз кечиб, умрини Аллоҳ қошига покляниб бориш азиятлари билан ўтказган ва 777 йилда қатл этилган Иброҳим Адҳам номини тез-тез тилга олади, ўзини уларга ўхшатади:

Мансури Халлоғдек ичиб шароби антаҳур,
Чарх уриб йиғлаб турурмен ушбу кун дор остида.

ХУЖАНАЗАР ХУВАЙДО

XVIII аср бошларида Ўшда туғилган ва ўз фалсафий қарашлари билан Машраб издоши бўлган Хўжаназар Хувайдо адабиётимиз хазинасини ўзининг гўзал газаллари, маснавийлари билан бойитган лирик шоирлардан бири ҳисобланади.

Хувайдонинг отаси Ғойибназар Офоқхўжа эшоннинг муридларидан бўлган, Чимёнга кўчиб келиб, бу ерда масжид ва хонақо қурдирган. Хувайдонинг невараси Мавлоно Сирожий, чеваралари Самарқону, Салоҳиддин Соқиблар ҳам нозиктаъб шоирлар бўлиб, девон тузганлар.

Хувайдо девонидан уч юздан орғиқ газал, бир неча рубоий, мухаммас, мусаддас ва мусамманлар ўрин олган. Шоир уларда заминий ва илоҳий ишқни улуғлайди, замона адолатсизлиқларидан кўнгли вайрон бўлган халқ дардини куйлайди.

Хувайдонинг “Роҳати дил” достонида инсон ҳаётининг маънавий-ахлоқий қирралари: очкўзлик ва тамағирлик, ўткинчи дунёга ҳирс қўйиш каби иллатлар қораланади, инсонларни меҳр-муруватли, хайру саховатли бўлишга даъват этилади.

Достонийин “Баёни гаддори дунё” ҳикоятнда шоир уч ака-укасини бойлик учун бир-бирларини ўлдирингача бориб етганлари ҳикоя қилинади. Олтин тоғиб олган ака-укалар кенжаларини бозорга овқат тоғиб келишга жўнатдилар, бойлиқни икковлари бўлиб олишни режалаштириб, сўнг укаларини ўлдирдилар. Кенжа ҳам бозордан қайтиб қайтаётиб, овқатга захар қўшиб келган бўлади. Захарланган овқатдан акалари ҳам нобуд бўладилар.

Бу ҳикоят орқали шоир меҳнатсиз, машаққатсиз тоғилган бойлик ҳеч кимга насиб этмаслиги, бойлик учун инсон ҳеч вақт тубанликка, бормаслиги кераклиги ҳақида ўғит беради.

МУҲАММАД ШАРИФ ГУЛХАНИЙ

Муҳаммад Шариф Гулханий XVIII аср охири XIX аср бошларида Қўқонда яшаб ижод этган. Асли тоғли Дарвозда (Тожикистон) туғилган Муҳаммад Шариф турмуш ташвишлари билан Қўқонга кўчиб келади, амир Олимхон салтанати даврида навкар олиш эълон қилинган пайтларда нав-карликка киради, кейинчалик амир Умархон саройида хизмат қилади. Ҳаётининг сўнгги йилларида ҳаммомда ўт ёқувчи-ғўлаҳ бўлиб ишлайди.

Шоир Гулханий ва Журъат таҳаллуслари остида ёзилган 12 газали ва бир қасидаси бизгача Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси орқали етиб келган, улар туркий ва форсий тилларда ёзилган.

Гулханий ўзбек масалчилигининг асосчиларидан биридир. Унинг “Зарбулмасал” асари ўзбек адабиётининг подир намуналаридан биридир. Асарда Гулханий Япалоққуш ва Бойқуш каби мажозий образлар орқали урушқоқ ва босқинчи хонларнинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади. Уч хонлик: Қўқон, Бухорд, Хива хонликлари ўртасидаги тўхтовсиз урушлар халқнинг тинка-малдорини қуритган эди. Шоир Япалоққуш ва Бойқуш ўртасидаги қудачилик муносабатлари орқали хонларнинг босқинчилик сиёсатини қоралайди. Бойқуш қизи Гунашбону учун Япалоқдан катта қалин — улкан харобазорни талаб қилади. Икки қуш ўртасида қудачилик воқеалари асарнинг қолибловчи ҳикояси ҳисобланади.

Асарда “Маймун ва Наҷжор”, “Туя ва Бўғалоқ”, “Тошбақа билан Чаён” каби масаллар ва юзлаб халқ мақоллари учрайди. Шоир бу мақолларни узоқ йиллар халқ орасида юриб тўшлаган ва уларни бир асарга жамлашни мақсад қилиб қўйган. Бу мақсадни амалга оширишда унга “Зарбулмасал” асари қўл келди. Амир Умархоннинг “Оталар китобини” ёзиш илтимосига кўра битилган бу асарда халқимизнинг 400 дан ортиқ мақол ва ҳикматли иборалари ишлатилган.

МАХМУР

Махмур (асл исми Махмуд) XVIII аср охирларида Қўқонда илгор зиёли оиласида туғилди. Унинг отаси Мулла Шермуҳаммад Акмал тахаллуси билан шеърлар ёзган, мадрасада мударрислик қилган. Махмур уч нафар фарзанди билан муҳтожликда умр кечирди, амир Умархон саройида сипо-ҳий(аскар)лик ҳам қилди. Ўзининг ночор ҳаёти ҳақида шоир шундай ёзади:

Кечалари ётгани на қўшим бор,
Кундузи ичгани на нўшим бор,
Бир ҳовуч уйимда на галлам бор,
Икки бош калламда на салдам бор.

Махмур турмуши ўша даврда “мисли сойиллар” (тиланчилар) ҳаётини эслатади:

Ҳеч киши мендек оламда толиби нон бўлмасин,
Нон сўроғида ҳалойиқ ичра сарсон ўлмасин.....

Шоир зулм-зўравонлик, адолатсизлик авж олган ўз замонасида камбағал қашшоқ халқ аҳволи ўзиникидан яхши эмаслигини кўрди, боққинчилик урушларидан, жабр-зулмдан хонавайрон бўлган қишлоқлар ва хорзор яшаётган бечора халқ аҳволини ҳаққоний ёритувчи “Ҳапалак” шеърини ёзди. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ўзи туғилиб ўсган қишлоғи Ҳапалакка кўчиб келади ва шу ерда 1844 йилда вафот этади.

Махмур ижодини асосан ҳажвий юмористик шеърлар ташкил қилади. Ўзининг “Ҳаким Туробий тилидан”, “Ҳаким Туробий ҳақида”, “Қози Муҳаммад Ражаб Авж”, “Такаббур”, “Қози Хўжа саибон” каби шеърларида шоир халқни алдаб кун кечирувчи нодон, жоҳил табиблар, пасткаш, порахўр амалдорларнинг жирканч башираларини очиб ташлайди, бечора халққа ўз ҳамдодлигини баён этади.

ШЕРМУҲАММАД МУНИС (1778-1819)

Мунис 1778 йилда Хева яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб Аваз оиласида таваллуд топди, Хева мадрасаларидан бирида олим Сайид Эшонхўжа қўлида таҳсил кўрди. Мунис фаолияти серқиррадир: шоир сифатида у

“Мунис-ул ушшоқ” (“Ошиқлар дўсти”), педагог олим сифатида “Рисолаи савод”, тарихчи сифатида “Фирдавс-ул иқбол”, таржимон сифатида “Равзат-уз сафо” асарларини мерос қилиб қолдирди. Отасининг вафотидан сўнг Мунис хон томонидан бош миробликка тайинланди ва кейинчалик суғориш иншоотлари ҳақида “Арналар” асарини ёзди.

“Мунис-ул ушшоқ” девонининг дебочасида ўз шеърларининг ҳажмини тахминан 6 минг байндан иборат деб ҳисоблайди. Девондан шоирнинг дунёвий ишқ ва садокатни куйловчи, тескари дунёнинг вафосизлиги, амалдорларининг шафқатсизлигини қораловчи шеърлари ўрин олган.

МУҲАММАДРИЗО ОҒАҲИЙ (1809-1874)

Огаҳий 1809 йилда Хоразмнинг Қиёт қишлоғида туғилди. Унинг шеърят оламига кириб келишига амакиси Муниснинг таъсири катта бўлган. Муҳаммад Раҳимхон II (шоир Феруз) бошчилигидаги Хива адабий муҳтига камолга етган Огаҳий ҳам шоир, ҳам таржимон, ҳам тарихчи сифатида эл орасида шуҳрат қозонди. Шоир Навоий ижодидан таълим олди. Унинг “Таъвиз ул-ошиқин” (“Ошиқлар гумори”) девонидаги 83 муҳаммасдан 30 таси А. Навоий газалига боғланганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Огаҳий тарихнавис сифатида амакиси Муниснинг тугалланмай қолган “Фирдавс ул- иқбол” асарини давом эттирди, Хоразм тарихига оид “Риёз ул-давлат”, “Зубдат ул-таворих”, “Жомеъ ул-воқеот”, “Гулшани давлат”, “Иқболи Ферузий” каби асарларини ёзди. “Ахлоқи Муҳсиний”, “Насиҳатномаи Кайковус”, “Зафарнома”, Саъдийнинг “Гулистон”, Жомийнинг “Саломон ва Абсол” ва “Баҳористон”, Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо” ва бошқа кўплаб асарларни форсийдан туркийга таржима қилди.

ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ

НОДИРА (МОҲЛАРОЙИМ)

Шарқ мумтоз адабиёти ўзининг Робиҳа, Исмати, Ойпа, Маҳастий Хўжадий, Муғриба, Гулбаданбегим, Гулчехрабегим, Зебуннисо, Маҳзуна, Нотавон, Муаззамхон, Увайсий ва бошқа ўнлаб шoirралари билан ҳам машҳурдир.

1792 йилда Андижон ҳокими Раҳмонқулибий оиласида дунёга кел-

ган, ўз ижодида адолат, саховат, мурувват гоёларини илгари сурган Нодирабегим ана шундай шоиралардан биридир. У 1808 йилда Қўқон хони Нор-бўтабий ўгли Умархон билан турмуш қуриб, дастлабки икки йил Марғилонда, 1810 йилдан умрининг охиригача Қўқонда яшади. Нодирабегим ҳаётининг сўнгги нафасигача умр йўлдоши Умархонни ҳам, унинг ўрнига 1822 йилда тахтга ўтирган ўгли Муҳаммадалихонни ҳам халқпарварлик ва адолатпарварликка чақирди, мамлакатни тинч-тоғувлик билан, оқиллик билан бошқаришга даъват этди, шеърларида ҳам худди шу гоёларни илгари сурди. Тарихчи Хотифнинг таъкидлаганидек, “Ақлу дониш ва яхши фазилатлари билан ягона нодираи даврон” 1842 йилда амир Насрулло томонидан ўгли Муҳаммад Али, невараси Муҳаммад Амин билан бирга қатл этилди.

Нодирабегим Комила, Макнуна таҳаллуслари билан форсий ва туркий тилларда гўзал шеърлар битди. Унинг лирикасида ишқ-муҳаббат, ишмаърифат, инсонпарварлик, халқ осойишталиги мавзулари етакчилик қилади.

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ

Жаҳон отин Увайсий XVIII асрнинг 80-йилларида Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида таваллуд тошган. Бўлажак шоиранинг камол топишида онаси Чиннибидининг, акаси Охунжонларнинг таъсири кучли бўлган Жаҳон отинни Марғилонлик Ҳожихон исмида косибга турмушга узатадилар, бироқ Ҳожихон барвақт вафот этиб, шоира қизи Қуёш ва ўгли Муҳаммадхонлар билан ёлғиз қолади. Нодирабегим Умархон билан Қўқонга келгач, Увайсийни ҳам саройга чақириб олади, аммо Умархон вафотидан сўнг, Маъдалихон даврида шоиранинг аҳволи бир оз ёмонлашади ва Марғилонга қайтиб келади. Хокий таҳаллуслари билан шеърлар ёзувчи қизи Қуёш вафот этади, ўгли Муҳаммадхонни Маъдалихон Қашқарга аскар сифатида урушга жўнатиб юборади. Оғир жудоликларга бардош беролмаган шоира 65 ёшида Марғилонда вафот этади.

Увайсийнинг шоира чевараси Холжон отин (Мағзий) хонадонидан шоиранинг 403 бетли шеърий девони топишган. Унда газал, мўхаммас, мусаддас, мураббаъ жанрларида битилган 350 га яқин шеърлар, шаҳзода Ҳасан ва Ҳусан ҳақидаги дostonлар (“Карбалоннома”) ҳамда тугалланмаган “Воқеоти Муҳаммадалихон” dostonлари бор.

Увайсий лирикасининг асосий гоёсини покиза муҳаббат ва садодатни улуғлаш, замона носозлигидан норозилик, аччиқ қисматдан шикоят ташкил этади. Шоира чистон жағрида ҳам баракали ижод этди. Унинг “Анор” чистони мумтоз адбиётимизнинг энг латиф, гўзал намуналаридан бири ҳисобланади.

ДИЛШОД БАРНО

Дилшод Барно 1800 йилда Истаравшан (ҳозирги Тожикистоннинг Ўратепа тумани) шаҳрида туғилди. Ота-онасидан барвақт жудо бўлган шоира 90 ёшли бувиси билан бир амаллаб кун кечиради. 1816-1817 йилларда Қўқон хони Умархон Ўратепани босиб олиб, уни ўз тасарруфига қўшиш учун қўшни тортиб боради ва жуда кўп кишиларни асир олиб келади. Улар орасида Дилшод ҳам бор эди. Дилшодни хон ҳарамига келтиришади, унинг шоиралигидан хабардор бўлган Умархон Дилшодни нозик савод билан синаб кўрмоқчи бўлади, қўлидаги анорни кўрсатиб:

— Ушбу анорга не дейсан? — деб сўрайди.

— Қизлар хунидин гўлдирибсан, — жавоб беради шоира.

Бу жавобдан дарғазаб бўлган хон уни саройдан қувиб чиқаришни буюради. Дилшод Барно қўқонлик Тош Махдумга турмушга чиқади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолади.

Шоиранинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган 142 шеъри, “Тарихи муҳожирон” ва “Таржимаи ҳол” асарлари сақланиб қолган. “Таржимаи ҳол” асарида шоира Ўратепанинг Умархон томонидан босиб олинishi, асирга олинган кўшмаб кишиларнинг Қўқонга ҳайдаб келиниши, кейинчалик эса уларнинг тўқайзордан ўзларига кулба қуриб олишлари каби воқеалар баён этилади, Умархон зolim шoҳ сифатида қораланади.

АНБАР ОТИН

Анбар Отин 1870 йилда Қўқонда туғилди. Нозиктаъб, зукко Анбар Отин ёшлигидан Дилшод Барно қўлида шеърятдан сабоқ олди. Дилшод Барно ўзининг “Тарихи муҳожирон” асарида унинг истезодди ва келажатига катта умид боғлаган ва таърифлаган эди.

Ўн тўрт ёшли Анбар Отини ўратепалик пошвой йиғит Зоҳидхўжага турмушга узатадилар. Маърифатли йиғит унинг дардларига ҳамдард бўлишга, орзу ва интилишларига қўмакдош бўлишга ҳаракат қилади.

Анбар Отин шеърятда момоси Увайсий изидан борди, халқ қалбидаги дард-аламларни куйлади:

Жаҳон — оғуға келган Анбар Отинман,
Ғаму қайғуға келган Анбар Отинман.

Анбар Отин Шарқ аёлларининг оғир қисмати ҳақидаги “Қоралар фалсафаси” ва болаларнинг савод чиқариши учун мўлжалланган “Алиф-бо” китобларини ёзди.

ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ АДАБИЁТИ

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ (1825-1899)

Муҳаммаднӣёз Комил Хоразмий ХІХ аср иккинчи ярми ўзбек маданияти ҳаётида ўзига хос сезиларли из қолдирган шоир, хаттот, мусиқашунос, таржимон ва давлат арбобидир.

Адиб 1825 йилда Хевада зиёли оиласида дунёга келган. Отасидан эрта ажралиб бобоси Хўжан маҳрам қўлида тарбияланади ва ўз даврига хос чуқур билим олади. Араб, форс тилларини мукамал эгаллайди, турли билимлар соҳиби бўлади. 25-30 ёшидаёқ халқ орасида шоир сифатида ном қозонади. У ҳақдаги дастлабки маълумот Огаҳийнинг “Гулшани давлат” китобида учрайди. 1856 йилда Хева хони Саид Муҳаммад Раҳимхон уни саройга жалб этади. Саид Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) тахти эгаллагандан сўнг Комил Хоразмий хаттотлар бошлиғи — мизабони вазифасига кўтарилади. Хева учун тахликали йилда унга энг масъулиятли вазифалардан бири — девонбегилик тоширилади.

Комил Хоразмий умрининг охирига қадар шеърят, хаттотлик, мусиқа билан машғул бўлди. Русиянинг катта шаҳарлари, Афғонистонда сафарларда бўлди. У Хевада 1899 йилда 74 ёшида вафот этди. Шоирдан шеърини девон, биринчи ўзбек нотаси бўлмиш “Танбур нотаси” (мусиқачилик соҳасидаги ишларини ўғли Муҳаммад Расул давом эттириб “Хоразм шашмақоми”нинг ҳаммасини нотага кўчиради), таржималаридан Бархурдор бин Маҳмуд туркман Фароқий (тахаллуси Мумтоз) қаламига мансуб “Маҳбуб ул-қулуб” (халқ орасида “Маҳфил оро”), Фахриддин Али Сафийнинг “Латойиф ат-тавойиф” ҳамда бошқа асарлар бизга мерос қолган.

ФАЗЛУЛЛОҲ АЛМАЙИ (1852-1891)

Фазлуллоҳ Алмайи ХІХ аср Тошкент адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларида биридир. У 1852 йилда Тошкентнинг Қўшут маҳалласида яшовчи Миржалол бўғчи оиласида дунёга келди. Адиб дастлаб маҳалла мактабида, сўнг “Мўйи Муборак” мадрасасида таҳсил олади. Кейинчалик Бухоро мадрасаларида ўз билимини оширишга муваффақ бўлади. Араб, форс тилларини мукамал ўрганади, хаттотликда ном қозонади.

Бухородан қайтгач, бир неча муддат мударрислик қилади, сўнг

асосан хаттотлик ва таржимонлик билан куш кечириб, рўзгор тебратди. У, айниқса, хат ёзишнинг “настаълиқ” ва “хатти нохуший” (тирноқ билан ёзиш) турларини мукаммал эгаллаган эди.

Алмаий уч тилда барабар ижод қилиб, девон тузганлиги маълум бўлса-да, бизгача сақланган эмас. Унинг шеърлари турли баёзлар, замондошлари боғлаган мухаммаслар орқали бизгача етиб келган. Шунингдек, шоир қаламига мансуб “Калила ва Димнаийи туркий” (ҳиндларнинг қадимий “Панчатантра” номли асари таржимаси) асари бизга етиб келган. Алмаий таржимаси туркий тилда илмга маълум бўлган тўртинчи таржима ҳисобланса-да, улар орасида энг машҳурдир. Китоб аслида 14 боб бўлса-да, таржималар давомида 19 бобга етган. “Калила ва Димна” асари мажозий образларга асосланган “Сичқон билан қурбақа”, “Суворий ва илон” каби қатор пандомуз ҳикоятлардан тапшиқ топган. Бу асар ҳақида “соддаларга эрмак, оқишларга эса ибрат” деган нақл юрали.

МУҲАММАД АМИНҲУҶА МУҚИМИЙ (1850 - 1903)

Муқимий 1850 йилда Қўқоннинг Беквачча маҳалласида нонвой оиласида туғилди. Отаси Мирзахўжа Мирфозил ўғли асли тошкентлик бўлиб, 1835-1836 йилларда Қўқонга кўчиб келиб қолган эди.

Муҳаммад Аминхўжа дастлаб эски мактабда, кейин Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрди. 1876 йилда Бухоро мадрасасини тугатиб келиб, ер қуралини маҳкамасига ишга кирди. Маҳкамалаги амалдорларнинг разиллиги, насткашлиги, порахўрлигини ўз кўзи билан кўрган Муқимий кейинчалик ана шу разолатни фойда эгувчи машҳур “Танобчилар” ҳажвиясини яратди. Муқимий маҳкамалада узоқ ишлаб қололмади, Сирдарё бўйидаги Оқжар паромига пағтачи бўлиб ишга кирди. Оқжар халқининг қашшоқ турмуши, аялчи ҳаёти шоирни чуқур изтиробга солди. “Оқжар кишилари ҳақидаги мухаммас” шеърда ана шулар ўзифоласини топти. Бироқ шоирнинг ўз ҳаёти, қисмати оқжарликларникидан аялчироқ эди. Оилавий ҳаётда бирин-кетин бахтсизликлар рўй берди: хотини Санамбиби шоирдан ажралиб, бошқа турмуш қуриб кетди, оилали зўрга тебратиб турган отаси Мирзахўжа оламдан кўз юмди. Муқимий ҳам моддий, ҳам маънавий азобларга бардон беришга мажбур эди. Сиқик муҳитдан бир оз бўлса-да, қутулиш мақсадида 1887 йилда Тошкентга боринга қарор қилди. Тошкентдаги адабий доиралар, айниқса, Алмаий, Нодим сингари шоирлар билан танишув, гўзал суҳбатлар шоир юрагидаги чигалларни бир оз ёзгандай бўлди. Муқимий кейинчалик 1892 ва 1899 йилларда Тошкентга яна икки марта

келиб кетди. Тошкент саёҳатлари шоирнинг қалб дардларига малҳам бўлиб, унга маънавий қувват бағишлаган бўлса-да, турмуш машаққатлари уни ҳамон қийнар эди. Шу боис отасидан қолган бир парча ҳовлини сотиб, шу билан оилани ҳалокатдан сақлаб қолишга мажбур бўлди. Угай, она қизлариникидан паноҳ топди, ўзи эса мадраса ҳужраларидан бирини ижарага олиб, умрининг охиригача шу ерда муҳтожликда ҳаёт кечирди. 1903 йилнинг 25 майида қағтиқ ўнка шамоллашидан оламдан кўз юмди.

Демократик йўналишдаги ўзбек адабиётида Муқимий ҳам лирик, ҳам сатирик шоир сифатида ном қолдирди, газал, мураббаъ, мухаммас жанрларида ўлмас асарлар яратди. Шоир девонидан ўрин олган 21 мураббаъ ўзининг халқчиллиги ва оҳангдорлиги, юксак бадиий санъати билан ажралиб туради. Муқимий лирикасининг бош ғоявий йўналишини “кажрафтор” (тескари) дунёнинг адолатсизликларидан, тақдирининг аянчилиги, толеннинг наслигидан шикоят ташкил этади. “Толеим”, “Шунчалар”, “Ахтаринг”, “Ким десун”, “Навбахор” шеърларида буни яққол кўриш мумкин:

Хайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор эмиш,
Олдилар ҳар ерда булбул ошённи зоғлар...

Подшоҳ йўқлатсалар, ногоҳ, гадо деб ахтаринг,
Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро деб ахтаринг...

Муқимий ўзбек адабиётида “Саёҳатнома” жанрига асос солди. Унинг “Саёҳатнома”си халқ орасида кенг тарқалиб, шуҳрат қозониб кетди. “Саёҳатнома” ёзиш анъанаси Завқий, Собир Абдулла ижодида ҳам давом эттиришди.

“Танобчилар”, “Додҳоҳим”, “Масковчи бой таърифида”, “Ароба”, “Лой”, “Кўсамен”, “Оғ”, “Шикоятчи безгак” каби ҳажвия ва мутойибаларида шоир ўз замонасидаги разил ва порахўр амалдорларнинг жирканч қиёфаларини фош этади, ижтимоий ҳаётдаги айрим иллатларни кулги остига олади.

ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ (1959-1909)

Демократик йўналишдаги ўзбек адабиётида ҳам лирик, ҳам маърифатпарварлик йўналишларининг асосчиларидан бири сифатида ном қолдирган Зокиржон Фурқат 1859 йилда Қўқон шаҳрида таваллуд топди. Олти ёшидан маҳалласидаги Муҳаммад Олим қўлида таҳсил олиб,

Атторнинг “Мантиқ-ут тайр” ва Навоий девони билан танишади, Фузулий ижодига ишқ қўяди. 1871-72 йиллар Қўқондаги Масжиди Жомеъ мударриси Пошихоўжа эпондан араб тилидан сабоқ олади, 14 ёшида мадрасага ўқинга киради. Қўқон хонлигидаги ички зиддиятлар туфайли мадраса ёпилади. 1876 йилда эса Қўқон хонлиги тугатилиб, маркази Марғилон бўлган Фарғона вилояти ташкил этилади. Тоғасининг таклифи билан Зокиржон Янг и Марғилонга қориб, дўкон ишларида унга ёрдамлашиб туради, кейинчалик ўзи ҳам дўкон очади. 1880 йилда эса отаси ёнига қайтади ва Муқимий бошлиқ Қўқон адабий муҳитига қўпилади, 20 ёшларида етук шоир сифатида ном қозонади.

1889 йил бошларида Фурқат Тошкентга боради, у ерда Кўкалдош мадрасасидан бир ҳужрани ижарага олиб, яшай бошлайди. Тошкентдаги ҳаёт унинг дунёқарани ва ижодининг шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. “Туркистон вилояти газети” муҳаррири Н. Остроумов, тарихчи ва тилишунос В. Наливкинлар билан танишади, газета таржимони бетоб бўлиб қолганиги туфайли Фурқат “Туркистон вилояти гезети”га ишга киради.

1891 йил ўрталарида Фурқат Самарқанд, Марв, Красноводск орқали Бокуга, сўнг Истамбулга, 1892 йил бошларида Болгария ва Грецияда, араб мамлакатлари орқали Бомбайга келади. Бомбайдан Кашмирга борган Фурқат Тибет орқали Ёркентга келди ва умрининг охирига қадар шу ерда тургун яшаб қолади.

Фурқат Ёркентда она юрти, ёру-биродарларидан олисда яшасада, улар билан алоқасини узмади, “Туркистон вилояти гезети”га шеърлари, мақолаларини юбориб турди, бадий ижод билан бирга, табобат билан ҳам шуғулланди. Бу ерда у Ёнахон исмли уйғур қизга уйланиб, ундан уч фарзанд – Нозимжон, Ҳакимжон ва Нодиржон исмли ўғиллар кўрди.

Шоир оғир касалликдан сўнг 1909 йилнинг кузида вафот этди. Уни Ёркентнинг Донгдор маҳалласидаги қабристонга дафн этдилар.

Фурқат ижодининг асосий қисмини унинг газал, мараббаъ, мустаъзо, мухаммас ва мусаллас жанрларидаги ҳамда маснавийдаги шеърлари ташкил этади. Шоир лирикасининг бош мавзулари ҳаёт ва табиат гўзалликларига ошуфталик, Ватан соғинчи, эркинлик ва озодликни улуглашдан иборат.

Шоир ўзининг “Фасли навбахор”, “Фасли гулдир”, “Баҳор айёмида”, “Истар кўнгул” каби шеърларида ҳаёт гўзалликларини тараннум этади, “Адашганман”, “Бир қамар сиймони кўрдим” шеърларида эса бегона юртларда дарбадар кезиб юрган лирик қаҳрамоннинг чуқур изтироблари, ватанга бўлган самимий муҳаббати куйланади.

Фурқатнинг қудлик ва ҳақсизликка нафрати, эркин ва озод ҳаёт ҳақидаги орзу-истаклари унинг “Сайдинг қўя бер, сайёд” мусаддасида ёрқин ифода-сини топган. Шеър ўзбек шеърлигининг энг гўзал намуналаридан бири ҳисобланади. Шонр унда зулм ва зўравонлик, адолатсизлик тимсоли сифатида сайёд (овчи) эрки, ҳуқуқидан маҳрум бўлган инсоний қадр қиммати топган инсон сифатида сайд (оҳу) образини беради, зулм ва жафодан бағри салшора бўлган сайдга ачиниш ва меҳр билан қарайди, сайёдни эса ёвуз куч сифатида қоралайди.

Фурқат фақат лирик шеърлар ёзибгина қолмай, “Юнон мулкида бир афсона”, “Бир можаро”, “Суворов ҳақида” дostonлари ҳамда “Фурқатнома” (“Саргузаштнома”) мемуар асарини, қатор публицистик мақолаларни яратди, “Нуҳ манзар”, “Чор дарвеш” каби асарларни форсийдан туркийга таржима қилди.

УБАЙДУЛЛА ЗАВҚИЙ (1853-1921)

Убайдулла уста Солиҳ ўгли Завқий демократик йўналишдаги ўзбек адабиётига ўзининг лирик ва ўткир ҳажвий шеърлари билан ҳисса қўнган шоирдир. У 1853 йилда Қўқоннинг Шайхон даҳасида ҳунарманд oilасида туғилди. Бошланғич маълумотни мактабда олган Убайдулла тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ёрдамида Қўқондаги “Мадрасаи олий” ва “Мадрасаи Чалпак”да таҳсил кўрди. Oilавий турмушининг ниҳоятда почорлиги (онаси вафот этган, отаси эса фалаж бўлиб, тўшаққа миҳланиб қолган эди) туфайли Убайдулла мадрасани тарк этиб, бирор тирикчилик билан шугулланишга мажбур бўлади. Бу пайтда Завқий таҳаллусли шоир сифатида анча танилиб қолган эди. Қўқондаги пойафзал расталарининг хўжайини Мўминбой уни мирзолик вазифасига ишга олади, хизмат вазифаси билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд ва бошқа қатор шаҳарларда бўлган шоир халқ ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

1898 йилда Завқий биринчи марта дўст зарбаларига дучор бўлади: узоқ вақт бемор ётган отаси, икки йил вафот этади, умр йўлдоши Тожибибининг икки кўзи ожиз бўлиб, қолдирилади. Ана шу бахтсизликдан юраги қон бўлган шоир бир оз бўлганда, сиқилган юратини ёзиш мақсадида Муқимий билан бирга Фарғона водийси бўйича сафарга чиқади, Андижон ва Ўшда шоир дўстлари Мунтазир ва Бимийлар билан учрашади. 1900 йилда Завқий тоғаси Муҳаммад Сиддиқ билан Арабистонга саёҳат қилади. Уч йил давом этган саёҳатдан қайтиб келганда, унинг энг азиз дўсти Муқимий вафот этган, Фурқат эса Ёрқентга кетиб қолган эди.

Шоир 1921 йилнинг ёз ойларида ўзи туғилган қишлоқда вафот этади. Жўшқин муҳаббат ва гўзалликни куйловчи ишқий ҳамда бахтли келажакка умид руҳи билан сугорилган сиёсий лирика Завқий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг камтарлик ва камсуқумликка, қадр-қимматини сақлаш, ўрнини билиб сўзлаш, мапманлик ва такаббурликдан қочинишга даъват этувчи “Назокат оттирай десанг” газали, Ватан истиқболи ҳақидаги орзулар тараннум этилган “Ажаб эрмас” мухаммаси шоир ижодининг энг гўзал намуналари ҳисобланади.

Завқий ўз ҳажвиларида шоир дўсти Муқимий каби инсон қадр-қиммати фақат бойлик, пул билан ўлчанадиган замонанинг, ана шу бойлик йўлида ҳар қандай тубанликка борувчи, виждон юзига тупуриб қўйган шахсларнинг ҳақиқий қиёфаларини очиб ташлайди:

Шеър эшитмайди биров, виждон қулоғи қар анга,
Бир ҳовуч олтин, кумушнинг хушжаранг овози бўл...

Шоир ҳажвиётида 1904-1905 йилларда ёзилган, Қўқондаги 46 нафар раста бойларини ҳажв қилган “Ҳажви аҳли раста” шеъри алоҳида ўрин эгаллайди. Завқий шеърни йирик ҳарфлар билан катта қоғозга кўчириб, шаҳарнинг энг гавжум Мўймарак сайлгоҳидаги теракка осиб қўяди. Шеърда Қўқоннинг манамаи деган бой ва савдогарлари пом-баном ўтқир ҳажв қамчиси остига олинган эди. Улар шоир устидан юқорига арз қиладилар, ниҳоят узоқ давом этган терговдан сўнг, шоир 300 сўм жарима тўлаб, қамоқ жазосидан қутулиб қолади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИНГ ВА МУСТАҲҚАМЛАНГ

1. Турди қайси даврда ва қасрда яшаб ижод этган?

- А) XV асрда Хуросонда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида
- Б) XVIII асрнинг иккинчи ярмида Аштархонийлар даврида Бухорода
- С) XVII асрнинг иккинчи ярмида Абдулазизхон ва Субҳонқулихонлар ҳукмронлиги даврида Бухорода
- Д) XVII аср ўрталари ва XVIII аср бошларида Самарқандда Шайбонийхонлар ҳукмронлиги даврида

Е) Яшаган жойи ва даври маълум эмас.

2. Шоир Турдидан бизга қадар сақланиб қолган адабий мерос нечта шеърни ташкил этади ва улар қайси тилда ижод этилган?

- А) 17 та шеър, ўзбек ва форс-тожик тилларида
- Б) 72 та шеър, ўзбек ва форс-тожик тилларида
- С) 45 та шеър, ўзбек ва араб тилларида

D) 164 та шеър, ўзбек ва форс-тожик тилларида

E) 100 та шеър, ўзбек тилида

3. Субҳонқулихон даврида “хўжасаролар” кимлар эдилар?

A) сарой шоирлари

B) сарой ҳофизлари

C) порахўр амалдорлар

D) тамагирдин арбоблари

E) алдамчи заргарлар

4. Турдиниң уруғлар ўртасидаги низо ва адоватлари тугатишга, аҳилликка қақирувчи шеър қайси мисра билан бошланади?

A) Қирқу, юз, минг, сон бўлиб, бир хон, ойинлик қилинг...

B) Тор кўнгулик беклар, манман деманг, кенлик қилинг...

C) Сизга йўқ эл жавҳаре, юзга уна, энлик қилинг...

D) Бир ўнгирлик, бир тирилик, бир яқо-енглик қилинг...

E) Тўқсон икки бори ўзбек юртидур, тенглик қилинг...

5. Сизга даркор бу юрт, эй гала, зангар беклар,

Бу қадим нақл эрур:

“Эл-работу, тўра қўпоқ”.

Ушбу мисралар кимнинг қаламига мансуб ва қайси асардан олдинг?

A) Ҳувайдо, “Бағни гаддори дунё”

B) Муқимий, “Танобчилар”

C) Турди, “Субҳонқулхон ва унинг амир-амалдорлари ҳажви”

D) Анбар Отин, “Қоралар фалсафаси”

E) Диншоди Барно, “Тарихи муҳожирон”

6. Бобораҳим Машраб яна қандай таҳаллус билан ижод этган?

A) Адо, Ринд

B) Маҳдий, Зинда

C) Барахна, Зинда

D) Ҳаллоқ, Адҳам

E) Шоҳ Машраб, Адҳам

7. Қашқарга келган Машраб Офоқхўжа эшон қўлида қайси илмдан сабоқ олган?

A) жаҳридан

B) тасаввуфдан

C) яссавиядан

D) исмоилиядан

E) ҳуруфийликдан

8. Машраб тасаввуфнинг қайси тариқати изидан борди?

A) яссавия

B) қодирия

C) маломатия

D) кубравия

E) нақшбандия

9. Машраб лирикасининг stackчи мавзулари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Илоҳий ва заминий севги, халқларди, ватан ва онаизор мадҳи

B) ватанга муҳаббат, инсоншарварлик, инсоф ва адолат

C) дўстлик ва садоқат, маърифатни улуглаш

D) A ва B

E) B ва C

10. Машраб ҳаёти қандай яқунланади?

- A) 1710 йилда ўзюртида вафот этади.
- B) 1710 йилда Амир Ҳайдар томонидан қатл этилади.
- C) 1700 йилда Шайбонийхон томонидан қатл этилади.
- D) 1711 йилда Маҳмуд Қатобон ҳукми билан дорга осилади.
- E) Вафоти ҳақида бирор маълумот сақланмаган.

Машраб газлидан олинган ушбу байтда Жабраил ким?

- A) ажал фариштаси
- B) Қуръон оятларини Муҳаммад алайҳис-саломга етказиб турган фаришта
- C) гуноҳ ва савобларни ўлчовчи фаришта
- D) кишиларни эзуликка чорловчи фаришта
- E) B ва D

11. Машраб ўз шеърларида кўпроқ кимларнинг номларини тилга олади?

- A) Яссавий ва Навоий
- B) Аттўр ва Жалолиддин Румий
- C) Мансур Ҳаллоҷ, Иброҳим Адҳам
- D) Нақшбандий, Нажмиддин Кубро
- E) Навоий ва Бобур

14. Ҳувайдо шеърини мазмун моҳияти ва гоҳий йўналиши жиҳатдан қайси шоир ижоди-га яқин туради?

- A) Алишер Навоий
- B) Жалолиддин Румий
- C) Мавлоно Лутфий
- D) Бобораҳим Машраб
- E) Саййид Насимий

12. “Машрабман” газали қайси мисра билан бошланади?

- A) Санамнинг ишқида тинмай югуриб, оввора Машрабман...
- B) Муҳаббат даштида юрган бўлуб оввора Машрабман...
- C) Кўзимдин қоп ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман...
- D) Кўзи ёшиг, қади хамлиг, дили садпора Машрабман...
- E) Намозу рўзадан фориғ бўлиб сайёра Машрабман...

15. Нигоро бори ғам бирла фақри нотавон айлаб,

- “Алиф”дек қоматимни “лом-алиф” янглиғ дуто қилдинг...
Хўжаназар Ҳувайдодан олинган ушбу байтда “лом-алиф” қандай маънони англатади?
- A) иккига бўлиб таппамоқ
 - B) букмоқ
 - C) қийнамоқ
 - D) эзмоқ
 - E) янчимоқ

13. Ломаконнинг шахрини бир хў била сайр айладим,
Жабраил, борғил нари,
боли паримни кавлама...

16. Қуйидаги ифодаларнинг қайси бири Ҳувайдонинг “Сани ишқингдин, эй дилбар, ажаб девоцалар бўлдум” мис-

29. Огаҳийнинг машҳур “Муш-кин қошининг...” сўзлари билан бошланувчи газали матлаъсида “пун” ва “сол” ҳарфлари қўшилиб “нас” сўзини келтириб чиқаради. У қандай маънони билдиради?

- A) ўлим
- B) ҳукм
- C) азоб
- D) жазо
- E) қиёмат

30. Огаҳий А. Навоийнинг нечта газалига мухаммас боғлаган?

- A) 30 та
- B) 83 та
- C) 56 та
- D) 60 та
- E) 10 та

31. Бошимга ёққан ғам тошин мишдан бирича бўлмагай,
Гардун агар минг Бесутун ёғдирса Фарҳод устина.

Огаҳийдан олинган ушбу байтдаги “Бесутун” сўзи нимани англатади?

- A) Арабистондаги афсонавий тоғ
- B) Искандар ошиб ўтган машҳур афсонавий тоғ
- C) Фарҳод қазиган афсонавий тоғ
- D) Кирмонпоҳ яқинидаги қадимги миҳхат ёзувлари нақшланган тоғ
- E) C ва D

32. Огаҳийнинг тарихий асарлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) “Фирдавс ул-иқбол”, “Аҳлоқи Муҳсиний”, “Зубдат ут-таворих”
- B) “Фирдавс ул-иқбол”, “Риёз уд-давла”, “Зубдат ут-таворих”
- C) “Мунис ул-ушшоқ”, “Фирдавс ул-иқбол”, “Равзат ус-сафо”
- D) “Риёз уд-давла”, “Жомеъ ул-воқеот”, “Зафарнома”
- E) “Тарихи мулуки Ажам”, “Фирдавс-ул иқбол”, “Риёз уд-давла”

33. Нодирабегим қандай тахаллуслар билан ижод қилган?

- A) Муаззам, Комила
- B) Ситтихоним, Макнуна
- C) Исмағий, Ойишабегим
- D) Нотавон, Мунзима
- E) Комила, Макнуна

34. Нодирабегим Умархонга қайси йил турмушга чиққан?

- A) 1810
- B) 1808
- C) 1824
- D) 1820
- E) 1814

35. Нодирабегимни “ақлу до-ниш ва яхши фазилатлари билан “ягона нодираи даврон” дея таърифлаган ким эди?

- A) Увайсий B) Анбар Отин
- C) Наршахий D) Хотиф
- E) Фазлий

36. “Апалҳақ” можаросини айладинг фои,

Кел эй, Мансур,

истиқболи дор эг.

Нодира газалидан олинган

ушбу байтда қайси воқеага ишора қилади?

- A) Абу Мансур Дақиқийнинг содиқ кули томонидан ўлдирилишини
- B) Мансур Нишопурийнинг дорга осилишини
- C) Мансур Ҳалложнинг “Аналҳақ” (Мен Аллоҳман) сўзи учун дорга осилишини
- D) Амир Насрулло томонидан невараси Муҳаммад Аминнинг дорга осилишини
- E) Ўғли Муҳаммад Аминнинг Насрулло томонидан дорга осилишини

37. Зоҳидо, ишқу муҳаббат
аҳлини маъзур тут,
Ёр кўйида на бўлди
шайх Санъон оқибат.

Нодирабегим газалидан олинган ушбу байтдаги шайх Санъон номи яна кимнинг қайси асаридан учрайди?

- A) Хожа, “Мифтоҳ ул-алл”
- B) Восифий, “Бадоеъ ул-вақоеъ”
- C) Жомий, “Баҳористон”
- D) А. Навоий, “Лисон ут-тайр”
- E) Хожа Ахрори Валий, “Волидия”

38. Жаҳонотининг шоира қизи ва ўғли қўллаган таҳаллуслари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Мағзий, Соқиб
- B) Хокий, Мажнун
- C) Мутриба, Саййид
- D) Қуён, Маҳдий
- E) Комила, Ринд

39. Увайсийнинг “Карбалопома” асарида кимларнинг фожиаси ҳақида ҳикоя қилинади?

- A) Мансур Ҳаллож, Иброҳим Адҳам
- B) Иброҳим Ҳалидуллоҳ ва Исмоил
- C) Ҳазрат Али ўғиллари Ҳасан ва Хусан
- D) Саййид Насимий ва Машраб
- E) Нодиранинг ўғли ва невараси

40. Кечалар фигонимдин
тинмади кавокиблар,
Арз то само узра

можаро Увайсийман.

Увайсий газалидан келтирилган ушбу байтдаги “кавокиб” сўзи қандай маънони аниқлатади ва у нимага ўхшатишмоқда?

- A) қуён, ёрнинг юзига ўхшатишмоқда
- B) юлдузлар, кўз ёшларига ўхшатишмоқда
- C) ҳилол (ой), ёрнинг қошига ўхшатишмоқда
- D) тик ўсувчи дарахт, ёр қалдига ўхшатишмоқда
- E) булбул, бағри қон ошиққа ўхшатишмоқда

41. “Тарихи муҳожирон” (“Муҳожирлар тарихи”) асарининг муааллифи ким?

- A) Анбар Отин
- B) Увайсий
- C) Нодирабегим
- D) Дилшод Барно
- E) Комила

42. Анбар Отин қайси шоира қўлида сабоқ олди?

- A) Увайсий
- B) Нодира
- C) Муаззамхон
- D) Ситтихошим
- E) Дилшод Барно

43. “Муқимий” тахаллусининг маъносини аниқлаш.

- A) меҳрибон, ғамхўр
- B) айрилиқ, жудолик
- C) бир жойда тургун яшовчи
- D) вафодор, садоқатли
- E) яширин, сирли

44. Маърифатнарварлик ғоялари қайси давр адабиётида етакчилик қилган?

- A) XIII-XIV асрлар адабиётида
- B) XIX аср охири XX аср бошлари адабиётида
- C) XV-XVI асрлар адабиётида
- D) XX аср бошлари адабиётида
- E) В ва Д жавоблари тўғри

45. Муқимийнинг туғилган ва вафот этган йиллари тўғри кўрсатилган жавоб қайси?

- A) 1889-1909
- B) 1850-1903
- C) 1858-1909
- D) 1860-1900
- E) 1870-1910

46. Муқимий лирик меросини асосан қайси жанрдаги шеърлар ташкил этади?

- A) ғазал, мурабба, мухаммас
- B) ғазал, рубоий, туюқ

- C) ғазал, мусаддас, мусаббаъ
- D) ғазал, чистон, рубоий
- E) ғазал, фард, қитъа

47. Муқимий девонидан нечта мураббаъ ўрин олган?

- A) 46 та
- B) 52 та
- C) 21 та
- D) 48 та
- E) 27 та

48. Муқимий лирикасининг етакчи мавзулари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) зolim хонларни қоралаш, адолатни улуғлаш
- B) покиза севгисини улуғлаш, эзликка даъват
- C) севги ва садоқатни улуғлаш, адолатсиз замонадан ва тақдирдан ниқоят
- D) маърифатни улуғлаш ва илм эгаллашга даъват
- E) халқни тоғувликка чорлаш ва дўстликни улуғлаш

49. Муқимийнинг Тошкентга қилган сафарлари қайси йилларга тўғри келади?

- A) 1888, 1890, 1892
- B) 1886, 1888, 1900
- C) 1889, 1900, 1903
- D) 1887, 1892, 1899
- E) 1888, 1891, 1895

50. Муқимий Тошкентда учрашган шоирлар...

- A) Фазлий, Шавкат
- B) Камий, Нодим

- С) Шавкат, Камий
- Д) Алмай, Нодим
- Е) Тонхўжа Асирий, Шопий

51. Ул тағофулисешаға

ҳоли харобим ким десун,
Ҳажрида мундоғ мени
кўрган азобим ким десун?

Муқимийдан олинган ушбу байтдаги “тағофулисеша” сўзи остида шоир кимни назарда тутипти?

- А) алдамчи ёрни
- В) бепарво маъшуқани
- С) золим хонни
- Д) бераҳм кишини
- Е) тескари дунёни

52. Ҳайфким, аҳли тамиз

ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул
ошённи зоғлар.

Муқимийдан олинган ушбу байтда булбул ва зоғлар қиёфасида кимларнинг тимсоли беришган?

- А) оқил, доно ва жоҳил кишилар тимсоли
- В) раҳмдил ва бешафқат кишилар тимсоли
- С) ҳукмрон синф ва меҳнатқаш халқ вакиллари тимсоли
- Д) сахий ва бахилқ кишилар тимсоли
- Е) алдамчи ва ростгўй кишилар тимсоли

53. “Саёҳатнома” туркумини Муқимийдан ташқари яна қайси шоирлар яратган?

- А) Алмай ва Аваз Ўтар
- В) Фурқат ва Завқий

- С) Завқий ва Собир Абдулла
- Д) Мавлавий Йўлдош ва Камий
- Е) Муқимийдан бошқа ҳеч ким бу туркумда асар ёзган эмас

54. Порахўр, маънавий настан амалдорлар образи Муқимийнинг қайси асарларида берилган?

- А) “Тўй”, “Ҳажви Виктор бой”
- В) “Тўйи Иқон бачча”, “Московчи бой таърифиди”
- С) “Воқеаи Лахтин”, “Саёҳатнома”
- Д) “Танобчилар”, “Додхоҳим”
- Е) “Ахтаринг”, “Воқеаи вексел”

55. Фурқат Тошкентда яқин алоқа боғлаган ва бир неча муддат ишлаган газета...

- А) “Туркестанские ведомости”
- В) “Туркистон виллояти газети”
- С) “Садои Туркистон”
- Д) “Иштирокион”
- Е) “Шарқ”

56. Фурқат лирикасининг етакчи ғоялари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) адолатсиз тузумдан шикоят, севги ва садоқатни улуғлаш
- В) маърифатпарварлик, меҳнатсеварликни улуғлаш
- С) тўғрисўзлик, дўстлик, меҳнатсеварликни улуғлаш
- Д) золим хон ва амалдорларига шафрат, меҳнатқаш халққа муҳаббат
- Е) ҳаёт ва табиат гўзалликлари ва опуфталик, ватансоянчи, эркинлик ва озодлик, маърифатпарварлик

57. "Сайдинг қўя бер, сайёд"
мусаддасининг бош ғояси пи-
мадан иборат?

- A) шахс эркинлиги ва озодлигини улуғлаш
- B) табиат ғўзалликларига ошуфта-
лик ва ҳаётга муҳаббат
- C) зolim хонларга нафрат ва меҳ-
наткаш халққа муҳаббат
- D) эзгуликни улуғлаш ва ёвузлик-
ни қоралаш
- E) табиатни асраш

58. Зокиржон Фурқат ўзбек
адабиётида қандай йўналишга
асос солди?

- A) сўфийлик
- B) жадидчилик
- C) реалистик
- D) тасаввуф
- E) маърифатпарварлик

59. Чархи кажрафторнинг
бир шеvasидин доғмен,
Айшни нодон суруб,
кулфатни доно торгадур.

Фурқат газалидан олинган ушбу
байтда қайси тасвирий восита қўл-
ланилган?

- A) тапосиб
- B) талмеҳ
- C) ташхис
- D) тазод
- E) ташбеҳ

60. Завқийнинг қўқонлик 46
нафар бойни ўткир ҳажв ости-
га олган шеъри қандай помла-
нади?

- A) "Танобчилар"

B) "Московчи бой таърифида"

C) "Ҳажви Виктор бой"

D) "Бўл"

E) "Ҳажви аҳли раста"

61. Завқийнинг ваган истиқбо-
ли ҳақида ёзган, умидбахш руҳ
билан суғорилган шеъри...

A) "Ажаб эрмас"

B) "Фарғона"

C) "Адашганман"

D) "Саёҳатнома"

E) "Навбахор"

62. Назокат ортурай десанг,
мисоли гунча хомуш бўл,
Надинким оғзини то очди
гул, барги хазон бўлди.

Завқий газалидан олинган ушбу
байтда қайси бадий санъат қўлла-
нилган?

A) талмеҳ

B) истиора

C) ташхис

D) тазод

E) хусни таълил

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Миллий уйғониш даври адабиётининг шаклланиши XX аср бошларида тўғри келади. Бу даврда турк, татар, озарбайжон, рус адабиёти таъсирида роман, ҳикоя, драма, публицистика жанрлари пайдо бўлди. Шериятда анъанавий аруз вази қаторидан бармоқ, кейинчалик сарбаст (30-йиллар) вазилари мустаҳкам ўрин олди.

Миллий уйғониш даври адабиётининг шаклланишини жадидчилик ҳаракатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қрим-татар халқининг буюк фарзанди Исмоил Ғаспирали (Ғаспринский) таъсирида Туркистонда қулоч ёйган бу ҳаракат бошида Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Ҳожи Муин, Абдулрауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидий, Шакуррийлар турардилар.

Эски таълим тизимини замонавий таълим-тарбия тизими билан ислоҳ қилиш, диннинг ўзи эмас, ундаги хурофот ва бидъатга қарши курашиш, тараққиёт учун тўғаноқ бўлган салбий ҳодисаларни халққа тушунтириш жадидлар маърифий қарашларининг асосини ташкил этади. Биринчи бўлиб мустамлакачилик сиёсатига қарши бош кўтарганлар ва миллий истиқлолни ёқлаб чиққанлар ҳам шу жадидларнинг (жадид-арабча “янги” маъносини беради) илғор вакиллари эди.

Жадидларнинг 1906 йилда ташкил этилган ва Исмоил Обидий муҳаррирлик қилган “Тараққиёт” ҳамда “Салои Туркистон”, “Вақт”, “Шуҳрат”, “Турон”, “Хуррият”, “Бухорои шариф” газеталари Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиёти йўлида турган муҳим муаммоларни, мустамлакачилик сиёсатига қарши илғор фикрларни кўтариб чиқди. “Ҳақ олинур, берилмас”, — деб ёзган эди ўшанда М. Бехбудий.

Жамиятни хурлик, озодликка олиб чиқишнинг ягона йўли маърифатда деб билган жадидлар ўлкада янги усулдаги мактабларни очишда жонбозлик кўрсатдилар, уларнинг таъсирида Туркистон ҳаётида жиддий маданий ўзгаришлар юз берди, ўлкада театр, газета-журналлар вужудга келди, фан-техникага қизиқиш кучайди, миллий тил ва миллий санъат қадрига эътибор ортди.

Миллий онгни уйғотишда ўша пайтда публицистика алоҳида рол ўйнади. Ёш истеъдодли публицистлардан Мирмуҳсин Шермуҳаммедов 1917 йилда ёзган “Тарихий икки воқеа” номли мақоласида маърифат душманларини “Бухоро микроблари” деб атади. Мақолани эълон қилган “Турон” газетаси ёпиб қўйилади.

XX аср тошғида шаклланиб улгурган миллий уйғониш даври адабиётининг энг кўзга кўринган арбобларининг деярли барчаси жадидчилик ҳаракатининг раҳбарлари эдилар.

МАҲМУДХҶА БЕҲБУДИЙ (1875-1919)

М. Беҳбудий 1875 йилда Самарқандда муфтий оиласида туғилди. Ёшлигидапоқ араб, форс, турк тилларини мукаммал ўрганиб олди. ўз даврининг пешқадам газеталаридан бири “Таржимон”ни мунтазам ўқиб борди. Аср бошларида у Арабистон, Туркия, Оренбург, Қозон, Москва, Петербург сафарларида бўлди. Бу сафарлар унинг дунёқарашини анча кенгайтирди. Беҳбудий бу мамлакатлардаги маориф ишларига қатъа қизиқиш билан қарайди. “Болалар учун китоб”, “Русиянинг қисқача жуғрофияси”, “Аҳоли жуғрофиясига кириш” асарлари янги усулдаги жадид мактабларининг асосий ўқитмаларига айланмиб қолди.

Беҳбудий ўзбек матбуоти ва педагогикасининг асосчиларидан бири эди. “Зарафшон” газетаси 1922 йилдаги сонларининг бирида уни “нашри маориф тўғрисида ватанимизнинг биринчи қаҳрамони” деб атади. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки унинг биринчи жаҳон уруши арафаларидаёқ босилиб чиққан мақолалари икки юздай ошиб кетган эди. Ижтимоий-сиёсий мавзуларда ёзилган, халқнинг кўзини очиш, миллат раънақи, ёшларнинг билим олишга, ватан тақдири, келажаги учун қайтуришга даъват этувчи “Туркистон идораси”, “Туркистонда мактаби жадиди”, “Бухорода усули жадид”, “Ёшларга мурожаат”, “Эҳтиёжи миллат” каби мақолаларда миллий онгни уйғотиш мақсад қилиб қўйилган эди. Ёшларни Русия, Европанинг марказий шаҳарларига, Туркия, Арабистон олий ўқув юртларига юбориб ўқитиш Беҳбудийнинг ягона орзуси эди.

Беҳбудий 1918 йилнинг ўрталарида “Мусулмон ишчи ва деҳқон шўроси”га маориф халқ комиссари этиб тайинланади. У Туркистон Давлат тили ҳақидаги декрет лойиҳасини тайёрлашда жон куйдиради, бироқ унинг бу мақсади ўз вақтида амалга ошмай қолади.

“Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ бахти ва саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз”, — деган эди Беҳбудий. Унинг ҳаёти шу юрт мустақиллиги, озодлиги йўлида қурбон бўлди. 1919 йилнинг баҳоринда Амир Олимхоннинг Шаҳрисабздаги кишилари уни шўро айғоқчиси дея Қарши шаҳрида қатл этидилар.

Ўз даврининг Фитрат, Чўлпон, Айний каби санъаткорлари буюк маърифатчи ўлимига марсиялар ёздилар, драматург Ҳожимурод эса бу алломанинг қатл этилиши воқеасини “Маориф қурбонлари” пьесасида акс эттирди.

“ПАДАРКУШ”

М. Бехбудий ўзбек драматургиясининг асосчисидир. Унинг “Падаркуш” асари 1911 йилда ёзилган бўлиб, унда маърифатпарварлик гояси, халқ бахтсизлигининг асосий сабабларини кўрсатиб бериш бош мақсад қилиб олинган. Ерли халқни эзиб, унинг тараққий этишига, миллий маданиятни, адабиётни, тилнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб келган рус чоризми бу асарни алоҳида китоб ҳолида напир этишга йўл қўймади. Асар ilk бор “Туроғ” газетасида босилиб, чиқди. У тез орада Туркистонда машҳур бўлиб кетди, Самарқанд, Тошкент, Бухорода сахналантирилди.

Драманинг бош қаҳрамонларидан бири бойнинг 16 ёшлардаги, такасалтанг, пашаванд ўғли Тошмурод на эски мактабда, на янги усулдаги мактабда ўқийди, отасининг бойлигини маишатга совуриб кун ўтказди. Асар ичига кириб борар эканмиз, боланинг енгилтак, тантиқ бўлиб ўсганлигига отанинг ўзи айбдор эканини билиб оламиз.

Бой дунёда ҳурмат, иззат фақат бойликда деб ўйлайди, ёнингда пуlining бўлса, ўқинининг нима кераги бор, ахир одамлар ўқимишли кишидан кўра пулдор одамларни ҳурмат қиладилар, дейди у. Драмада домла ва зиёли образлари берилган. Улар бойнинг фикрларига қарши чиқиб, болани албатта ўқитиш кераклиги айтадилар. “Агар ўзимиз, болаларимиз ўқиган, илмли бўлсак эди, шу аҳволга тушмас эдик”, — дейди домла. Унга жавобан бой: “Ўқиганини бири сизми, егани нонингиз йўқ”, — дея жеркиб ташлайди.

Асар сўнггида бойни ўлдиршиб, пулларини олиб кетилади. Қотилларни ўз уйига унинг ўғли бошлаб келган эди. Бойни Тошмурод эмас, унинг улфати Ташриқул ўлдирди, бироқ бундан қатъий назар, Бехбудий асарни “Падаркуш” деб номлайди. Бу билан у отанинг ўлимига сабабчи бўлган нарсанилмсизлик, нотўғри тарбия, жаҳолат эканлигини, бадфеъл кишилар билан дўстланиш қандай фожияларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб беради.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ (1878-1934)

Атоқли ўзбек шоири, драматурги ва педагоги А. Авлониий 1878 йил 12 июлда Тошкентда қосиб оиласида таваллуд топди, 12 ёшдан Ўқчи маҳалласидаги мадрасада таҳсил кўра бошлади. Туркистон, Татаристон, Кавказда чиқадиган газета ва журналларни кузатиб борган Абдулла 15 ёшдан ўз шеърлари ва мақолалари билан матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. 1904 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида янги

жадид мактабини очади, унга ўзи ҳам мудир, ҳам ўқитувчи эди. Унинг янги мактаблар учун ёзган “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Тарих”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” дарсликлари ёшларни миллий руҳда ўқитиш ва тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлди. У яратган беш тўннамдан иборат “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” (1909-1916) китоби мактабларда қўлланма сифатида фойдаланилди.

1913 йилда ёзилган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари буюк фортожик шоири Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”и руҳида ёзилган бўлиб, унинг туб моҳияти ёшларни маърифатга чорлаш, тарбия ва ахлоқнинг шаҳс камолотидаги аҳамиятини кўрсатиб бериндан иборат. Асар «Ахлоқ», «Тарбия», «Яхши хулқлар», «Ёмон хулқлар» каби бўлимлардан иборат бўлиб, диёнат, ғайрат, шижоат, қаноат, виждон, ифрат, муносилик ва хайру саховат каби юксак инсоний фазилатлар ҳасад ва лоқайдлик, нафс балоси, адоват ва гараз, жоҳиллик, виждонсизлик каби тубан иллатлар билан боғлиқ ҳолда галқин этигади. “Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё ҳалокат, ё фалокат масаласидир”, — деб ёзади адиб.

А. Авлоний 1895 йилдан бошлаб, “Қобил”, “Шуҳрат”, “Ҳижрон”, “Сурайё”, “Абулфайз” таҳаллуслари остида матбуотда шеър, ҳикоя, фельетонлари билан қатнаша бошлади. У ҳам замондошлари Бехбудий, Фитрат, Чўлпон каби ўз шеърларида жаҳолат ва қоқоқликни қоралайди, халқни илм-маърифатни эгаллашга чақиради.

А. Авлоний матбуот ва тетрчилик соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатди. Октябр тўнтаришига қадар у “Шуҳрат”, “Турон” газеталарини чиқарди, “Садои Туркистон”да фаоллик кўрсатди, 1918 йилда “Иштирокиюн” газетасига муҳаррирлик қилди. “Турон” газетасига у “Яшасин халқ жум-хурияти” шиорини ташлаб олган эди.

А. Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?”, “Пипак”, “Биз ва сиз”, “Икки муҳаббат”, “Ўликлар”, “Португалия инқилоби” каби драматик асарлари ўзбек драматургиясининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

АБДУРАУФ ФИТРАТ (1886-1938)

Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода зиёли оиласида таваллуд топди. Дастлаб эки мактабда, сўнг “Мир Араб” мадрасасида таҳсил кўрди, араб, форс, турк тилларини мукаммал ўрганди. 1909 йилда бир гуруҳ ёшлар билан Станбул университетига ўқишга кирди. Тўрт йиллик таҳсил Абдурауф дунёқаралишини шаклланишига чуқур таъсир кўрсатди.

Фитрат “Ёш бухороликлар”нинг сиёсий курашларида фаол қатнаш-

ди. Шўро тўнгаринидан сўнг тил, адабиёт ва санъат масалалари билан шуғулланувчи “Чигатой гурунги” таъкилотига раҳбарлик қилди. Жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири сифатида у Туркистон мактаб ва маорифини ислоҳ қилиш, жадид усулини ҳаётга татбиқ этиш ёяларини илғари сурди.

Фитрат 1923-1924 йилларда Ленинградга яшайди, сўнг Москвадаги Шарқ тиллари университетиде араб, форс, турк тилларидан дарс берди. Бу ерда ўзбек зиёлилари орасида биринчилардан бўлиб “профессор” илмий унвонини олишга муваффақ бўлди.

Абдурауф Фитрат 1938 йилининг 4 октябрыда “миллатчи”, “инқилоб ва халқ душмани” деган ноҳақ тўхматлар билан қатл этилди.

Фитрат ўз ижодини шеър ёзишдан бошлаган. Дастлаб у Мижмар (чўгдон), сўнг Фитрат (туғма истеъдод, ақл-заковат) тахаллуслари билан ижод қилди. Шоирнинг илк шеърый тўшлари “Сайҳа” (“Фарёд”) 1912 йилда Туркияда форс тилида босилиб чиқди. Бундан тапқари унинг яна уч шеърый тўшлари “Учқун”, “Шеърлар. Достон”, “Менинг туним” нашр этирилди.

Ўзбек драматургиясининг шаклланишида Фитратнинг булок ҳиссаси бор. Унинг айрим парчаларигина сақланиб қолинган, нашр этилмаган “Бегижон”, “Або Муслим”, “Темур сағанаси”, “Ўғузхон” ҳамда ҳинд ёшларининг инглиз истилочларига қарши курашига бағишланган “Ҳинд ихтилолчилари” ва “Чин севиш”, “Тўлқин”, “Восеъ кўзғолони”, “Арслон” каби асарлари ўзбек драматургиясининг майдонга келишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ёзувчи сифатида А. Фитрат “Шайтоннинг Тангрига исёни”, “Қиёмат”, “Оқ мазор”, “Қийишиқ эшон”, “Зайд ва Зайнаб”, “Меъроҷ” ҳикояларини яратди.

Фитрат ўзбек адабиётшунослигига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг “Адабиёт қоилалари”, “Аруз ҳақида”, “Фарҳод ва Ширин” достони ҳақида”, “Бедил”, “Фирдавсий замони ва муҳити”, “Машраб”, “Ҳибат-ул ҳақойиқ” ва бошқа ўнлаб миллий рисоалари ўзбек ва форс-тожик адабиётги намояндалари ижодига ва назарий масалаларга бағишланган. Фитрат туркий адабиётнинг илк нодир намунаси ҳисобланган “Қутадғубилик”нинг Наманган нуҳасини ўзгаси-халқига етказган забардаст олимлардан бири бўлди.

“АБУЛФАЙЗХОН”

Ўзбек трагедиясининг илк намуналаридан бири бўлган бу асарда XVIII аср Бухоро ҳаёти-аштархонийлар сулоласининг сўнгги намояндаларидан Абулфайзхон ҳокимиятининг таназули ва мангилар сулоласининг дастлабки босқичи тарихий ҳақиқатлар асосида ёритилган.

Акаси Убайдуллахонни ўлдириб, тахтни мафсур ва қабиҳ йўллар билан эгаллаб олган Абулфайзхон ўзига яқин содиқ кишиларни ҳам бир-ма-бир ўлдирди бошлади. Унинг назарида гўё ҳамма ёқ дунман билан тўлиб-тошгандай, гўё ҳамма унга қарши фитна уюштираётгандай. Унинг Хоразмга қарши бошлаб юборган уруши юртни хонавайрон қилади. Хоразм ўша пайтларда Эрон тасарруфида эди. Мағлубиятга учраган Абулфайзхон Эронга бўйсунушга мажбур бўлади. Бироқ, урушда меҳнаткаш халқнинг не-не ўғлонлари қурбон бўлади. Охири босқинчи ва қўрқоқ, худбин ва зolim хонни покдил ва ҳалол кишиларнинг уволи тутди. Ўзи ҳам сарой фисқу фасодлари қурбони бўлади, Улфат каби ўзи ишонган одамлар ёрдамида Раҳимбий томонидан ўлдирилади. Бухоро хонлиги Эронга бўйсунушга мажбур бўлади.

Абулфайзхон бизнинг кўз ўнгимизда номард, қўрқоқ, продаси тамоман бўш, шафқатсиз, разил шахс сифатида тавдаланади. Унинг хўжасаройи ва ҳарам бошлиғи Улфат, яқин хизматчиси, тўқсоба Давлат, қозикалон Низом, ипоғи ва оталиғи Ҳакимбий ва унинг ўғли Раҳимбий хоннинг қўлидаги зулм ишогини қайраб берувчи сотқин, мансабнараст амалдорлардир. “Подшоҳлик қон билан сугорилиб турилади ан бир оғочдур (дарахт), қон оқиб турмаган ерда бу оғоч қуриб қолиши мумкин”, — дейди Улфат хонга

Асарда Фарҳод оталиқ, Иброҳимбий сингари виждонли, мард, жасур, бошига қилич келганда ҳам, ростини сўзловчи кишилар образи ҳам берилган.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ (1889-1929)

Шоир, драматург, педагог, бастакор ва театр арбоби Ҳамза Ҳакимзода 1889 йил 16 мартда Қўқонда табиб оиласида дунёга келди. 1899-1906 йилларда мадрасада, 1908 йилда эса Наманганда бир неча муддат таҳсил олди. 1910 йилда Тошкентнинг Қашқар маҳалласида, 1914-1917 йилларда Марғилон ва Қўқонда янги мактаблар очиб, йўқсуллар болаларини ўқитди ва ўзи шу мактаблар учун “Енгил адабиёт”, “Ўқин китоби”, “Қироат китоби” каби дарсликлар ёзди. 1921-1924 йилларда Бухоро, Хоразм, Хўжайлида маориф, тарғибот муассаларида ишлаб, яна Фарғонага қайтди.

1926 йилда бадиий ижод ва театр соҳасидаги улкан хизматлари учун Ҳамзага “Ўзбекистон Халқ ёзувчиси” фахрий унвони берилди. Ҳамза 1929 йилнинг 18 мартда Шохимардонда фожиали ҳалок бўлди.

Ҳамза адабиётга “Ниҳон” (яширин) тахаллуси остида арузда ёз-

ган шеърлари билан кириб келди. Ўзбек халқ мусиқасига ҳаваси кучли бўлган Ҳамза Фарғона водийсида машҳур бўлган ўнлаб халқ кўшиқларини тўплади. Айрим кўшиқларнинг мазмунан заиф, паст, тутуриқсиз матилари ўрнига ўзи янги шеърлар ижод қилиб, уларни 1915-1917 йилларда “Оқ гул”, “Қизил гул”, “Сафсар гул”, “Пушти гул” каби 8 тўшамга киритди. Халқ орасида машҳур бўлган “Лўм-лўм Мамажон” оҳангида: “Йиғла Туркистон”, “Эски Хоразм”, “Дўст Мавлон-ей”; “Вайсулқорий” оҳангида: “Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон”. “Дардига дармон истамас”, “Миллат деган кимса суймас дунёни” каби шеърларини яратди.

Ҳамзанинг насродаги дастлабки интилишлари “Ҳақиқат кимда”, “Турмуш уринишлари”, “Янги саодат”, “Учрашув” романлари бўлди. Бироқ бу асарлар жанр талаби даражасига кўтарила олмади. Шундай бўлса-да, “Янги саодат” романи ўзгояси билан аҳамиятини йўқотмади. Унда жаҳонат инсонни тубанликка, маърифат эса бахт-саодатга элтишини кўрсатиб бериш асосий мақсад қилиб олинган. Бу гоя асарнинг бош қаҳрамони, жалил мактабида ўқиган, ўзи ҳам муаллимга ёрдамчилик қилиб, болаларга сабоқ берган, кейинчалик Абдурахмон деган бир бойга мирзаликка ишга кириб, унинг қизи Назокатхонимга уйланган ва оқибатда қайнағаси ўлиб, бутун бойлиги унга қолган Олимжон тимсолида очиб берилди. Унинг отаси Абдуқаҳҳор бой маърифатдан маҳрум бўлган, жоҳил бир савдогар бўлиб, бутун мулкни қиморга бой беради. Олти ёшли Олим ва синглиси Хадича оқила она Марям қўлида қолади. Она ўзи ҳар қанча қийналса-да, ўғлини ўқиминиши қилинганга интилади. Маърифат орқали бахтини топган Олимжон Тошкентда ямоқчилик қилиб, итнинг кунини кўриб яшаётган отасини излаб топади ва уни ҳаётга - оила бағрига қайтаради.

“Ал-ислоҳ” журнали “Янги саодат” тўғрисида шундай деб ёзган эди: “Халқни ўқув ва ёзув тарафига тарғиб қилмоқ учун ҳозиргача Туркистон шеvasида бунингдек таъсирли рўмон нащр ўлинмаминч”.

“ЗАҲАРЛИ ҲАЁТ ЁХУД ИШҚ ҚУРБОНЛАРИ”

Ўзбек драматургиясининг шаклланиши Ҳамза ижоди билан чамбарчас боғлиқдир. 20-йилларда унинг “Ким тўғри?”, “Тухматчилар жазоси”, “Бурунги сайловлар”, “Майсаранинг иши”, “Паранжи сирларидан бир лавҳа”, “Дошмон фожиаси”, “Жаҳон сармоясининг охириги қушлари” ва бошқа ўнлаб пьесалари халқ орасида машҳур бўлиб кетган эди. Уларнинг кўпини Ҳамзанинг ўзи сахналаштириб, айрим ролларни ҳам ўзи ўйнаган эди.

1915 йилда ёзилган “жаҳолат ва гафлат зиндони”нинг қурбонлари, эрки, покиза туйғулари топталган ёшларнинг фожиали тақдирини кўрсатишга бағишланган “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” драмаси Ҳамза ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Асарнинг бош қаҳрамонлари “қора халқдан чиққан”, “бир бечора қосиб қизи” Марямхон ва “очиқ фикрли, тарбия кўрмиш, оврунча кийинган” Маҳмудхондир. Бир-бирини севган бу икки ёш “заҳарли ҳаёт” кўйида, “миллатни, адолатни, меҳр-шафқатни... ақчага сотадиган” замонда ўз мақсадларига етолмай, ҳалок бўладилар. Ҳамзанинг асосий мақсади ҳам ана шу ёшлар бахтига тўғаноқ бўлган, уларни жаҳолат бағрига отган сабабларни очиб берини эди. Бу сабаблар Маҳмудхоннинг отаси Мирзаҳамдам бойнинг ўзидан паст кишига қуда бўлишдан оро қилинишида ёки Марямнинг ёшлигида эшонга назира қилиб қўйилишида, ё бўлмаса, ота раъйини қайтаролмаган Маҳмудхоннинг журъатсизлигидагина эмас, балки инсон туйғуларини сариқ чақага олмайдиган ўша жамиятнинг жаҳолат ботқоғига ботганидадир, деган хулосага келади, Ҳамза.

Марямхон ўз орзу ва режалари билан Маҳмудхонга нисбатан анча баланд туради. Эшон билан яшашдан кўра ўлимни афзал кўради. Унинг ўлими ўз замонасига “заҳарли ҳаёт”га нисбатан исёни эди. Гарчи у Маҳмудхонга йўллаган мактубида ёзганидек, “зулматда қолган миллатни, ватанни моҳи тобон бўлиб ёритолмаган” бўлса-да, ўзининг руҳий тўзаллиги, маънавий дунёси билан тубанлик устидан қолиб келади.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (1894-1938)

Ўзбек адабиётида романчилик жанрига асос солган истеъдодли ёзувчи А. Қодирий 1894 йил 10 апрелида Тошкентда туғилди. Дастлаб эски мактабда, сўнг рус-тузем мактабида ўқиди, 1912 йили мактабни битириб, Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида таҳсил кўрди.

“Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 1 апрел сонидан “Янги масжид ва мактаб” сарлавҳали мақола матбуотда илк бор А. Қодирий номи билан пайдо бўлди. Шундан сўнг бирин-кетин “Миллатимга”, “Аҳволимиз” шеърлари, “Бахтсиз куёв”, “Жувонбоз”, “Улоқда” ҳикоялари босилиб чиқди. Ёзувчи асардан асарга ўсиб борди. 1919-1925 йилларда матбуотда Жулқунбой, Қалвак, Жиян, Ж-бой, Тошпўлат, Шилгай, Бир кечалик футурист ва бошқа таҳаллуслар билан ўнлаб фельетон, мақола, ҳажвий ҳикоялари билан қатнашди.

А. Қодирий “Муштум” журналининг асосчиларидан бири эди. Журналнинг 1923-1927 йиллар сонларида адибнинг “Қалвак Махзум-

нинг хотира дафгаридан”, “Тошпўлат тажани нима дейди?” ҳажвий асарлари босилиб чиқди.

1926 йили “Муштум” журналида босилган “Йиғинди гаплар” фельетони учун аксилинқилобий ҳаракатлар қилишликда айбланиб, А. Қодирий қамоққа олинди. Узоқ давом этган судда дадил туриб, тухмагчи ва разил шахсларни аёвсиз фойда этди, ҳақиқатни, ўз шаънини қаттиқ ҳимоя қилди. “Мен тўғрилиқ орқасидан боши кетса, “их” дейдиган йиғит эмасман”, - деган эди ўшанда у. Бу қатъий иродали инсон 1937 йил 31 декабрда қамоққа олиниб, оғир қийноқларга дучор бўлганда ҳам букилмади. А. Қодирий “халқ душмани”, “аппалдий миллатчи” деган ноҳақ тухматлар билан 1938 йилнинг 4 октябрида пинҳона қатл этилди.

“ЎТГАН КУНЛАР”

А. Қодирий 1928 йилда “Меҳробдан чаёп” романини, 1934 йилда эса “Обид кетмон” қиссасини ёзди.

Биринчи ўзбек романи ҳисобланган, 1919 йилда ёзила бошланган “Ўткан кунлар” асари 1925 йилда бўлимлари алоҳида-алоҳида, 1926 йилда эса яхлит бир китоб ҳолида нашр этилди. Асар чиндан ҳам адабиётимизда реализмнинг ёрқин бир намунасига айланди, унда ўзбек халқи ўз турмушини, ўз қиёфаси ва ички оламини асл ҳолича кўрди. Асар кўлдан-кўлга ўтиб, эл орасида дoston бўлиб кетди.

Тарихимизнинг энг қирлиқ, қора кунлари бўлган кейинги “хон замоналари”, XIX аср ўрталаридаги Туркистон халқи ҳаётининг аччиқ манзаралари романга асосий мавзу қилиб олинди. Юрт, миллат тақдари, истиқлоли масалаларини қаламга олиш ёзувчининг асосий мақсади эди. Бу ғоя халқпарвар ва юрт қайғуси билан яшовчи Отабек ва Юсуфбек ҳожи, оқиша, садоқатли Кумуш, умри меҳнатда ўтган, бахти қаро уста Алим ва Ҳасанали, покдил, ўктам ва мулоҳазали Мирзакарим қутилор, мунис, мушфиқ она Офтоб оғим образлари орқали очиб берилади. Улар ўзларининг юксак, самимий фазилатлари билан Худоёрхон ва Азизбек, Мусулмонкул ва Ўтаббой қушбеги каби зolim, босқинчи ҳукмдор шахслар, Ҳомид, Зайнаб, Хушрўй, Жаппат сингари қотил, разиллардан ажралиб турадилар.

Отабек — ўз халқининг чинакам фарзанди. Унинг ягона мақсади, орзуси юртини тараққий этган мамлакатлар қаторида кўриш, у бу юртни босқинчилар оёғи остида топталишини истамайди. Шунинг учун рус босқини бошланганда, биринчилардан бўлиб, уларга қарши курашга отланади, шу кураш йўлида шаҳид бўлади. Отабек севгисига хиёнатдан йи-

роқ, бироқ унга Зайнабни ўз хоҳишича унаштириб келган она олдида итоаткор, ота қошида андишали. “Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари, албатта, номаъқул бўлмас”, — дейди ота қаршисида ҳурмат сақлаб.

Асарда Юсуфбек ҳожи мулоҳазали, камгап, камгарин, юрт тақдирини ўйловчи бир инсон сифатида гавдаланади. Уни халқ ташвиши, келажак авлод ташвиши ўйлантиради: “Биз бу ҳолда кетадурган, бир-биримизнинг тағимизга сув қуядирган бўлсак, яқиндирки, ўрис истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғар ва биз бўлсак, ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрис бўйингуругини кийдирган бўламиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқун қилиб топширувчи — биз, кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим”, — дейди Юсуфбек ҳожи.

Кумуш — ёзувчи орзу қилган, муаллиф ўз қаҳрамонини ўзи ўлдириб қўйиб ҳўн раб йиғлаган образ, чишакам ифбат, ҳаё, помус тимсоли. У ўз ҳаёти учун фожиа бўлган Отабекнинг иккинчи уйланиши ҳақида хабар тошғач, долламайди, Отабекка ишонган ҳолда “Мени унутмайсизми?” дейди.

“Ўткан кунлар” муҳаббат фожиасидир. Асарда ана шу фожиани тугдирган сабаблар ҳаққоний очиб берилади. Отабек ва Кумушлар бахтига ўзининг ифлос чанг алини ботирган, юзлаб кумушларни заҳарлаб ўлдирган зайнаблар, ҳомидлар, хушрўйларгина эмас, “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари” да томир отган зулим-зўравонлик, жаҳолат, эрксизлик эди. Муаллифнинг ўзи ҳам ана шу эрксизлик қурбони бўлди.

АБДУЛҲАМИД ЧЎШОН (1897 - 1938)

Абдулҳамад Чўшон 1897 йилда Андижонда таваллуд топди. Отаси Сулаймонқул Муҳаммадонус ўғли баззоз (азламафуруш)лик қилар, бадийятга чуқур ҳавас қўйган. Баъзан “Расво” таҳаллуסי билан ҳажвий шеърлар ёзиб турарди. У ўғлининг мударрис бўлишини истарди, аммо Абдулҳамид отасидан ҳам, домлалардан ҳам қочиб, Топшкентга келади. Бу ерда Гаспиралининг “Таржумон” газетасини ўқиб, сиёсий дунёқарашини кенгайтиради, кейинчалик ҳаётининг энг қизиқ йилларини матбуот билан боғлайди. “Шарқ” (1919), “Дархон” (1923) газеталарида адабий ходим, “Ахбори Бухоро” газетаси ва “Инқилоб” (1922) журналида муҳаррир бўлиб ишлайди.

1914 йилда “Садон Туркистон” газетасида унинг илк ҳикоялари “Қурбони жаҳолат” ва “Дўхтур Муҳаммадёр” эълон қилинади. 1922

унинг биринчи шеърый китоби “Уйғониш”, 1923 йилда “Булоқлар”, 1926 йилда “Тонг сирлари”, 30-йилларда эса “Соз” ва “Жўр” шеърый тўшамлари босилиб чиқди.

А. Чўлпон ўзбек театри ва драматургиясининг шаклланишида ҳам жонбозлик кўрсатди. Москвада ўзбек драмстудиясида драматург ва таржимон сифатида фаолият кўрсатиб қайтган (1924-1926) адиб халқ мотивлари асосида ёзган “Ёрқинтой” пьесасини қайта ишлади, “Муштумзўр”, “Ўртоқ Қаршибоев”, “Хужум” драмаларини ёзди, В. Шекспирнинг “Хамлет”, А. С. Пушкиннинг “Борис Годунов”, “Дубровский”, Н. Гоголнинг “Терговчи”, Иван Франкнинг “Феруза”, М. Горкийнинг “Она” романини ўзбек тилига таржима қилди.

А. Чўлпон маслакдош дўстлари А. Қодирий, А. Фитратлар билан бир кунда “халқ душмани” деган ноҳақ тухматлар билан 1938 йилнинг 4 октябрида қатл этилди.

“КЕЧА ВА КУНДУЗ”

“Ўткан кунлар” романидан сўнг 1936 йилда “Кеча ва кундуз” романининг пайдо бўлиши ўзбек адабиётида катта шов-шувга сабаб бўлди. Асарнинг “Кундуз” (“Бугун”) деб аталган иккинчи қисми тақдири ҳозиргача номаълум бўлиб келмоқда.

Романга биринчи жаҳон уруши эндигина бошланган бир пайтда Андижон атрофларидаги қишлоқлардан бирида юз берган воқеа, Раззоқ сўфи ва Курвонбиби оиласининг тундай тўкилиши воқеаси асос қилиб олинган бўлса-да, ёзувчи унда жаҳолат ва гафлат ботқоғига ботган, эрк ва ҳуқуқдан маҳрум бўлган меҳнаткаш халқнинг, хусусан, ўзбек аёлларининг фожиаги қисматиини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган.

Асарнинг бош қаҳрамони — эндигина ўн беш баҳорни кўрган, Раззоқ сўфидек бадфеъл, жоҳил киши хонадонида ўн гулдан бир гули очилмай хазон бўлган, ўзбек қизларига хос заё ифбат соҳиб Зеби. Раззоқ сўфи уни ўзи тенги кишига, уч хотинли Акбарали мингбошига турмушта чиқишга мажбур этади. Зебининг эса ота раъйига қарамай иложи йўқ. Шарқ қизларига хос ана шу андиша, мутелик, эркисизлик уни ифлос бир хонадонга, бадбағара эр ва разил кундошлар орасига олиб бориб ташлайди, ўн беш ёшида эрининг қотили сифатида етти йилга Сибирга сургун қилинади.

Раззоқ сўфи — маънавиятдан маҳрум, жоҳил, ниҳоятда кўрс одам. Унинг сизингани-Эшон бобо, кўзи танҳо эшонни кўради, қулоғи танҳо эшонни эшитилади. Сўфи суянган нарсаси бир соя эканлигини, алданганини бошига фожиа тушгандагина билади: “Маслаҳат? — деди эшон, хохо-

лаб кунди. — Одам ўлдирган боланинг отасига қандай маслаҳат бўлади, сўфи? Боласининг ўрнига не а отасини жўнатмайди бу аҳмоқ ўрус? Адолат борми кофирда?”

Фарзандининг аччиқ қисмати ақдан оздирган Раззоқ сўфи бутун умиди чилларчин бўлганини, сизинг ан нарсаси сароб эканлигини энди тушунади, ихтиёрсиз эшоннинг қотилига айланади.

Романда Мирёқуб образи берилган. Акбарали мингбоши бутун мол-мулкани унинг урдабуронлиги туфайли топган, унинг маслаҳатида чикмас эди. Мингбоши Акбарали қанчалик яқин бўлмасин, улар қанчалик оғиз-бурун ўшишмасинлар, барибир Мирёқуб ундан жирканади, мингбоши сингари у жаҳолат ботқоғи а ботиб қолиши истамайди. Ана шу ифлос муҳитдан тезроқ қочиш йўлларини қидиради. Оғир ҳаёт фақир гирдобига шаф-қатгизларча улоқтириб ташлаган Мария Острова қисмати га юраги ачишади, уни олиб, Кавказга қараб жўнайди. Йўлда у Шарофиддин Хўжаев деган жаҳид билан танишади ва унинг таъсирида дунё қарани ўзгарди.

“Кеча ва кундуз” романида Чўлпон Раззоқ сўфи оиласининг барбод бўлишининг, зебилар фожиасининг илдивини туб-тубигача очиб ташлайди: бу фожиаларнинг сабабчилари Акбарали мингбошидек юртни боши берк кўчага олиб келган, ноиб тўрадек мамлакатни осонлик билан бошқаришни кўзиаб Зунгун сингари калласи пуч одамларни амал курсисига ўтқазиб қўйган мансабдорларгина эмас ёки эшон каби қорин гамидан бошқа нарсани ўйламайдиган шахсларгина эмас, балки жамиятнинг қоқоқликда, жаҳолатда сақлашга уриниб келган мустабид тузум эди.

ҒАФУР ҒУЛОМ (1903-1966)

Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкентда туғилди. Ота-онасидан барвақт етим қолган Ғафур ҳаётнинг барча оғир синовларини бошидан кечирди: этикдўз касибга шоғирдик, тегирмонга қоровуллик қилди, Сарибой бўлис деган бойнинг боғини қўриди. 1916 йили рус-тузем мактабида, сўнг 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиди, курсни тугатиб, мактаб-интернатда ўқитувчи ҳамда мудир бўлиб ишлади. Бир кун болалар уйидан интернатга бир неча болаларни ўтказадилар. Шу кеча ёш Ғафур тонггача болалар ёнида пойлоқчилик қилиб чиқади ва илҳом келиб, ана шу етим болалар ҳақида, ўзининг етимлиги ҳақида бир шеър ёзади. Бу унинг биринчи шеъри эди. Кейин “Гўзаллик нимада?” буидан сўнг “Сурнай” шеърлари туғилади. Шундай қилиб янги бир шоир дунёга келади.

Ғафур Ғулом адабиёт майдонига 20-йилларнинг бошларида кириб келди. “Мунгум”, “Ер юзи” журналлари, “Шарқ ҳақиқати”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида ўз шеърлари, ҳажвий ҳикоя ва фелъетонлари билан тез-тез кўрина бошлади. 30-йилларнинг бошларида Ғафур Ғулом ёзувчи, шоир сифатида анча танилиб қолган эди. Бирин-кетин “Динамо”: “Тирик кўшиқлар” шеърый тўпламлари, “Кулги ҳикоялар”, “Йигит” номли ҳикоялар тўпламлари босилиб чиқди.

“Элатияда бир ов”, “Чорбозорчи”, “Ҳийлайи шаръий” ҳикояларида ёзувчи оила ва ахлоқ масалаларини қаламга олади. “Ҳийлайи шаръий” ҳикоясида Мулла Дилкаш образи орқали адиб бир неча хотини бўлишига қарамай, янгиisini олинши кўнгли тусаб қолган, бунинг учун шаръатдан йўл қидиришга мажбур бўлиб, тубанликкача бориб етган пастикаш бир шахс қиёфасини тасвирлайди.

Ғ. Ғулом қиссачилик жанрида ҳам ўзининг ноёб истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади. Унинг “Нетай”, “Ёдгор”, “Шум бола” қиссалари ўзбек адабиётининг энг нодир намуналарига айланиб қолди.

Чуқур халқчиллик руҳи билан сугорилган автобиографик характерга эга бўлган, халқ латифалари, аския ва эртақлари сингдириб юборилган “Шум бола” қиссаси халқимизнинг энг кўп ўқимини асарларидан ҳисобланади. Асарнинг “Шум боланинг саргузашти” деб номланган дастлабки бўлими 1936 йилда “Мунгум”да босилиб чиқди. Уша йилларнинг ўзида адиб унинг номини “Довдиранг” деб ўзгартириб, китоб ҳолида нашр эттирди, кейинчалик унинг икки бўлим билан тўлдирди ва 1938 йилда яхлит китоб ҳолида босмадан чиқарди. Асарнинг сўнгги қайта ишланган вариантда қиссадаги реалистик рух янада кучайтирилади. Асар қаҳрамонлари шум бола, унинг ўртоқлари Омон ва Йўлдонлар ўғри, каззоб, фирибгар, кўкнори, дин ниқоби остида кун кечирувчи имонсиз кишилар, хасис, қурумсоқ бойлар устидан кулиб, ўч оладилар. Қиссани ўқир эканмиз, унинг қаҳрамонлари билан бирга шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, қашшоқ, тутдай тўкилай деб турган кулбаларда бўламиз, олдий, уйда бугдой нон бўлмаса-да, бағри очик, ҳалол инсонлар билан танишамиз, ишакларга кўминга, қават-қават кўригачалар ташланган бойлар хопадонида очкўзлик ва қаллобликларнинг гувоҳи бўламиз.

Ғ. Ғулом “Меи Шарқдан келаётирман” шеърый тўплами учун 1946 йилда Иттифоқ Давлат мукофоти а сазовор бўлди.

ОЙБЕК

(Мусо Топмухаммад ўғли)
(1905-1968).

Ойбек 1905 йилда Топкентда Говкуш маҳалласида дунёга келди. Дастлабки таълимни эски мактабда, сўнг "Намуна" номли бошланғич мактабда олди, Навоий номидаги педагогика техникумида, 1930 йилда эса Ўрта Осиё Давлат университетини тугатди.

Ойбек адабиёт майдонига 1926 йилда чоп этилган "Туйғунлар" шеърый тўплами билан кириб келди. "Кўнгил найлари" (1929), "Машъала" (1932), "Бахтигул ва Соғиндиқ" (1938) каби тўпламлари билан у эл орасида истеъдодли шоир сифатида танилди. Ойбек кичик лирик ва воқеабанд шеърлар билан бир қаторда достон(поэма) жанрида ҳам ўз истеъдодини намойиш эта олди. Унинг "Ўч", "Бахтигул ва Соғиндиқ", "Навоий", "Қизлар", "Темирчи Жўра", "Дилбар — давр қизи" достонлари кейинчалик йирик насрий асарлари учун замин яратди.

"ҚУТЛУГ ҚОН"

Янги давр ўзбек прозаси тараққиётини Ойбек ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёзувчи адабиётимиз хазинасини "Қутлуг қон" (1938), "Навоий" (1942), "Олтин водийдан шабадалар" (1949), "Қуёш қораймас" (1943-1958), "Улуг йўл" (1968) романлари ва "Болалик", "Нур қидириб" повестлари билан бойитиб кетди.

"Қутлуг қон" романи 1938 йилда ёзиб тугатилган бўлса-да, 1940 йилда кўп қийинчиликлар билан босилиб чиқди. Бу пайтда авж олаётган Сталин қатағони Ойбекни ҳам четлаб ўтмади, унинг бошига ҳам кўп маълуматлар ёғилиб, ҳам институтдан, ҳам ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалган эди.

Романдаги воқеалар юз берган пайтда Ойбек эндигина 11 ёшда эди. Адиб болалигидан халқ турмушини, камбағалларнинг қоронғи ва дим уй-жойларини, бойларнинг атрофи баланд-баланд деворлар билан ўралган ҳашаматли иморатлари, муздек ҳовузи бўлган боғларини ўз кўзи билан кўрган эди. Кейинчалик болалиқдан қолган ана шу ёрқин хотиралар "Қутлуг қон" романи учун материал бўлди.

Иккиёқлама зулм пичоғи суяк-суягига бориб тақалган халқнинг 1916 йилги миллий озодлик курашига олиб борган йўл романига асосий мавзу қилиб олинди. Бу кураш йўли Йўлчи, Шокир ота, Ўроз, Қоратой каби меҳнаткашлар билан Мирзакаримбой ва чор амалдорлари, ўғиллари Ҳакимбойвачча, Салимбойвачча, куёви Тантйбойвачча ўртасидаги зиддиятлар орқали кўрсатиб берилди.

30-йилларда адиб яратган “Бемор”, “Ўғри”, “Майиземаган хотин”, “Жонфигон”, “Адабиёт муаллими”, “Ўжар”, “Кўр кўзнинг очилиши”, “Санъаткор”, “Миллатчилар” ва кейинги йилларда ижод этган “Миш бир жон”, “Даҳшат”, “Думли одамлар”, “Асрор бобо”, “Қабрдан товуш” ва бош-қа ўнлаб ҳикоялари билан ёзувчи ўзининг характер яратиш, детал танлаш, воқеаларни чеховчасига ихчам, лўнда баён этишдаги маҳоратини кўрсата олди. Бу маҳорат сирларини аслида Абдулла Қаҳҳор буюк рус адиблари Н. В. Гогол, А. П. Чеховлардан ўрганган эди. Адиб таъбири билан айтганда, Чехов гўё унга ўз кўзойнагини бериб, ҳаётга ана шу кўзойнак орқали қара! деяётгандай бўлади. Адибнинг рус тилидан қилган таржималари- А.С. Пушкиннинг “Капитан қизи”, Гоголнинг “Ревизор”, Л. Н. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик”, (турмуш ўртоғи Кибриё Қаҳҳорова билан ҳамкорликда) А. М. Горькийнинг “Менинг университетларим”, Ф. Гладковнинг “Темир оқим”, М. Шагинияннинг “Гидроцентрал” - ёзувчи қаламини янада қайради.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”), “Оғрик типлар”, “Тобутдан товуш”, “Аяжонларим” каби пьесалари билан ўзбек драматургиясининг тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

“СИНЧАЛАК”

А. Қаҳҳор қиссачилик жанрида ҳам баракали ижод қилди. Унинг “Синчалак” (1958), “Ўтмишдан эртақлар” (1964), “Муҳаббат” (1966) қиссалари ўзбек прозасининг подир намуналарига айланиб қолди.

1958 йилда ёзиб тугалланган ва 1959 йилда нашр этилган “Синчалак” қиссасида ёзувчи икки иллатни: хотин-қизларга пасть назар билан қараш ва шахс ролини ошириб, коллектив ролини пастьта уриш каби иллатларни қоралайди. Бу иллатларнинг бири ўтмиш феодализм давридан қолган бўлса, иккинчиси Сталин шахсига сиғиниш оқибатлари эди.

Асарда 50-йилларнинг ўрталарида ўзбек қишлоғида юз берган ўзгаришлар, қишлоқ меҳнаткашларининг ўйлари, орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари акс эттирилган. Адиб қишлоқни келажакка томон бораётган ил-ғор кучларни “Бўстон” колхозига янги-партком секретари бўлиб келган Саида Алиева ва уларга халақит бераётган иллатларни колхоз правленияси раиси Арслонбек Қаландаров образлари ва улар ўртасида кечадиган зиддиятлар орқали кўрсатиб берган.

Саида қўринишидан мўртгина, нозиккина бир қиз. Бироқ ундаги маънавий куч-ғайрат, ишбилармонлик, ташаббускорлик Қаландаров билан дастлабки тўқнашувдаёқ кўзга ташланиб қолди. Қаландаров назарида пахта инсон учун эмас, инсон пахта учун хизмат қилиш керак.

Шунинг учун ушандан бошқасини тан олмайди, уни а шуҳрат ҳам худди шушдан орқасидан келган, район раҳбарлари олдида унинг дегани-деган, айтгани-айтган, комиссия ҳам шу колхозга келади, мукофотлар ҳам, аввало, шу колхозга берилади. Қаландаров, ўзининг айдишича, колхознинг қитиғи қаердалигини яхши билади, колхоз ҳақида китоб ҳам ёзган. Бироқ унинг ютуқлар эсанкиратиб, саводсизлик мўрт қилиб қўйган. Манманлик, айниқса, хотин-қизларга паст назар билан қараш унинг қонига сингиб кетган. “Хотин киши билан ишласам, калавамни учини йўқотиб қўяман”, - дейди у.

Саидага дастлаб ҳаёт тўлқинлари ичига тушиб қолгандай, бу гирдобдан чиқин қийиндай туюлади. Бироқ у иккиланиб қолмайди. Ишни меҳнатқашлар турмуш шароитини яхшилаш, ташаббускорликни жонлантиришдан бошлайди. “Мўртгина парса экансиз, қийналиб қолмасмикансиз?”-дея Саидага шама қилган Қаландаров аслида ўзининг мўрт эканлигини, замондан орқада қолганини аниглаб етади. А. Қаҳҳор Саида Алиева орқали янги давр, янги шароитда шаклланиб келаётган янгича оин, янгича характерга эга бўлган ўзбек аёлининг реалистик образини яратиб берди.

А. Қаҳҳор “Янги ер” (“Шоҳи сўзана”) пьесаси учун 1952 йилда СССР Давлат мукофотиға, “Утмишдан эртақлар” қиссаси учун эса 1966 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотиға сазовор бўлди.

Адиб узоқ давом этган касалликдан сўнг 1968 йил 25 майда Москвада вафот этди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН (1909-1944)

Ҳамид Олимжон 1909 йилнинг 12 декабрида Жиззах шаҳрида дунёга келди. Отасидан тўрт ёшида жудо бўлган Абдулҳамид онаси Комила ая ва бобоси Мулла Азим қўлида қолади. Ёш Абдулҳамиднинг болалик дунёсини ёритган, уни адабиёт оламиға етаклаб кирган онаси Комила аянинг эртақлари бўлди. 1916 йилги Жиззах кўзғолони пайтида у етти ёшда эди, қиш-лоқларнинг тўнға тугилиши, халқнинг сувсиздапига қувилиши, оч ва яланғоч дарбадар кезган бева-бечоралар унинг кўз ўнгида бир умрга муҳрланиб қолди.

Абдулҳамид Наримонов номли тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, Самарқанд ўзбек билим юртида ўқийди, кейинчалик Ташкентға келиб педагогикада тугатади ва “Ёш ленинчи” газетаси, “Қурилиш”, “Ўзбекистон шўро адабиёти” журналларида ишлади.

Ҳ. Олимжоннинг “Кимдир” деб номланган биринчи шеъри 1926

йилда “Зарафшон” газетасида эълон қилинди. 1929 йилда эса шоирнинг биринчи шеърй тўплами “Кўклам” нашр этилди. Шундан сўнг биринкетин унинг “Тонг шабадаси” ҳикоялари тўплами (1931), “Олов сочлар”, “Пойга”, “Ўлим ёвга” (1932), “Дарё кечаси” (1936), “Шеърлар” (1937), “Ўлка”, “Ойгул билан Бахтиёр” (1936), “Бахт” (1939) каби шеърй тўпламлари босмадан чиқди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳамид Олимжон талабага ишонч руҳи билан суғорилган, жангчиларни сафарбарликка чорловчи шеърлар, “Роксананинг кўз ёшлари”, “Жангчи Турсун” башладалари, “Муқанна” драмасини ёзди.

“ЗАЙНАБ ВА ОМОН”

30-йилларнинг бошларида мамлакатда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш жараёни авж олиб кетди. Компартия чақириқларига “лаббай” деб жавоб бериб келган ва унинг беминнат дастёрига айланиб қолган совет адабиёти бу жараёнда четда туролмади, албатта. Ҳ. Фуломнинг “Кўкан”, “Тирилган мурда”, Уйғуннинг “Жонтемир”, Ҳ. Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” асарлари партия чақириғига жавобан ўз вақтида берилган жавоб бўлди.

30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда нахта мустақиллиги учун кураш бораётган бир пайтда ўзбек нахтакорларининг бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида аёллардан биринчи бўлиб Ленин орденини олган Бухоро вилояти Акмалобод (ҳозирги Ғиждувон) туманидаги Сталин номи колхоз бригадири Зайнаб Омонова ҳам бор эди. Ҳ. Олимжон у билан учрашиб, унинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида “Зайнаб” очеркни ёзди. 1938 йилда эса шоир кўнглига тутиб қўйган нияти амалга ошди, “Зайнаб ва Омон” дostonи дунёга келди.

Ўтмишни қоралаш ва янги социалистик ҳаётни кўюларга кўтариб улуғлаш анъанаси шўро шоири Ҳ. Олимжонни ҳам четлаб ўтолмади. Дostonда эски турмуш ва урф-одатлар билан янги ҳаёт, янги ҳаёт ўй-фикрлар ўртасидаги кураш Анор хола ва Зайнаб, Омон, Собирлар ўртасидаги зиддиятлар орқали очиб берилди.

Ўтмиш тақдирига қора хат чизиб кетган, ота-онасидан ажралаб, Анор хола кулбасида асранди бўлиб ўсган, колхоз туфайли ўз бахтини топган Зайнаб ва унга қисматдош бўлган Омон — дostonнинг бош қаҳрамонлари. Улар янги даврнинг янги кишилари. Ҳ. Олимжон Зайнаб, Омон сингари минг-минглаб кишиларга “бахт-саодат келтирган янги жамиятдаги коллектив ҳаёт”нинг бадий манзараси чизишга ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шоир “эркин меҳнат” туфайли ҳурмат-эътибор қозongan.

инсонлик ҳақ-ҳуқуқини таппан Зайнабнинг бахти — Омонга етишувини колхоз тузуми билан боғлайди. Зайнаб гўдаклигидан Собирга нишона қилинганлигини ва нон синдирилганлигини билади ва янгича ҳаёт тантанаси учун курашади, бу курашда Собир ҳам, дугонаси Ҳури ҳам унинг тарафида турадилар ва эски турмуш, эски ақидалар устидан голиб келадилар.

Достон поэтик туйғу ва кечинмалар асосида ёзилган. Муҳими шуки, шоирнинг социалистик тузум ҳақидаги фикрлари, қарашлари ва ана шу тузумни олқишлаши қанчалик хато бўлмасин, достон ўзбек адабиётида сеvgи ва муҳаббатни, ёшларнинг инсоний ҳуқуқ ва эрки учун мардона курашларини аке эгтирувчи жўшқин ҳарорат билан ёзилган бадний асар сифатида ардоқли бўлиб қолаверади.

УСМОН НОСИР (1912-1944)

Ўзбек адабиётида чақмоқдек пайдо бўлиб, чақмоқдек қисқа умр кечирган Усмон Носир шеърятга фавқулодда янгича, ўзига хос овоз билан кириб келди. Унинг шеърятни, Абдулла Орипов ёзганидек, теккан жойни куйдирувчи оловдир.

1912 йилда Наманганда оддий оилада дунёга келган Усмоннинг мур-гак қалбига бутун олам сирса-да, унинг ўзи ана шу кенг оламга сирмай яшади. Тенгқурларидан ўзининг зукколиги, хотирасининг ўта кучлилиги билан ажралиб турган шўх, қувноқ Усмон дастлаб маҳалласидаги бошланғич мактабда, оиласи билан Қўқонга кўчиб келгач, интернатда ўқийди, бу ерда у Фарб ва рус адабиёти билан яқиндан танишди, “Гейне билан ўрток тутиди”, “Дермонтовдан кўмак ўтинди”.

Бадний ижоднинг Москва берган “қолини”идан четга чиқишга йўл қўймай келаётган “социалистик реализм” ҳар қаандай туйғуни жиловлаб олишга, қафасга солишга қодир эди, санъаткор қалб буюрганини эмас, марказком буюрганини ёзишга мажбур эди. Аммо ана шу “қолини”га сирмаган Усмон Носир уни нафрат билан синдира бошлади, қалбидан тугён ураётган туйғуларига эрк берди, тутқич бермас хаёлларига қанот ясаб, баланд уча бошлади.

37-йилларнинг совуқ шабадаси эса бошлаган бир пайтда унинг қанотларини қайирмоқчи бўлдилар, Усмон Носир “халқ душмани”га айланиб қолганини ўзи билмай қолди. Уни 1937 йилнинг 14 июлида, сеvimли устози Абдулхамид Чўлпондан атиги бир куң кейин қамоққа олишди, аввал Тошкент, сўнг Магадан, Кемеровонинг муз турмаларида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган қийноқлар остида азоблашди. Ақл бовар қилмайдиган бу азоб-

лар 32 ёши шоирни 1944 йилнинг машъум қиши тугаётган бир пайтда ҳаётдан олиб кетди. Шундай қилиб, шеърят осмонида яна бир Чўлпон сўнди.

Инсон ҳаёти у босиб ўтган узоқ йиллар билан эмас, балки унинг мазмуни билан, ўзидан кейинги қолдираётган эзу ишлари билан ўлчанади. Усмон Носир нари борса, 15 йил ижод қилгандир, бироқ шу қисқа вақт ичида у янги авлодга улкан адабий мерос қолдириб кетди. “Қуёш билан суҳбат” (1932), “Сафарбар сатрлар” (1932), “Тракторобод” (1934), “Юрак” (1935), “Меҳрим” (1936) шеърӣ тўнламларини нашр эттирди. “Норбўта”, “Нахшон”, “Нил ва Рим” поэтик асарларини ёзишга, “Атлас” шеърӣ драмасини яратишга улгурди, А. С. Пушкиннинг “Богчасарой фонтани”, М. Лермонтовнинг “Демон” (“Иблис”) достонларини ўзбек тилига таржима қилди.

Шоирнинг “Норбўта” достонида Ўзбекистонда фуқаролар уруши воқеалари, “Нахшон”да эса арман халқининг озодлик учун олиб борган кураши тасвирланади.

“Нил ва Рим” асари билан Усмон Носир инсон эркига бамисоли бир ҳайкал қўйди. Шоир унда эрк, озодлик йўлида курашган ва шу курашда қурбон бўлган қуллар ҳаётининг жонли тарихини чизади. Кўз ўнгимизда “сарик қумлар орасида кўтарилаётган қон рангли Қуёш, қон оқаётган Нил дарёси, қосасида сув йўқ, қуруқ халтасида нон йўқ, эрки қулф, ҳаёти қулф, худолари қулф бўлган қуллар гавдаланади. Рим яланғоч йиглайди. Юлий Цезар тилла қадахда қон ичади. Ўйинг оҳда йўлбарс билан олишгаётган гладиаторнинг парча-парча бўлганини томоша қилиб, асилзолалар севинганидан қарсақ чаладилар, минг азоб билан жон бераётганини кўриб завқланадилар...”

Шеърнинг охириги қисмларида курашнинг ҳали ўлмаганлиги, уни келгуси авлодлар давом эттиражаги таъкидланади. 32 ёшида мустабид тузум қурбони бўлган шоирнинг ўзи эса бизга ҳамон ана шу курашлар сафида тургандай туюлади.

МАҚСУД ШАЙХЗОДА (1908-1967)

М. Шайхзода 1908 йилда Озарбайжоннинг Окдош туманидаги Ганжа қишлоғида таваллуд топди. Айни йигитлик чоғида, 20 ёшида Топкентга келиб қолган Мақсуд ҳаётини бир умрга ана шу юрт билан боғлади. 1929 йилда “Шарқ ҳақиқати” газетасида унинг илк шеъри эълон қилинди. 1932 йилда эса шоирнинг биринчи шеърӣ тўнлами “Ўн шеър”, сўнг “Ундовларим”, “Учинчи китоб” (1934),

“Жумҳурият” (1935) номли шеърӣ китоблари бирин-кетин бомадан чиқди. Шундан кейинги яқин 40 йил ичида М. Шайхзода ўзининг “Кураш печун?”, “Жанг ва қўшиқ”, “Йиллар ва йўллар”, “Капитан Гастелло”, “Кўнғил дейдики”, “Хиёбон”, “Чорак аср девони” ва бошқа йиллардан ортиқ тўпламларини нашр эттирди. “Ўн бирлар”, “Оқсоқол”, “Ташкентнома” дostonларини ёзди.

М. Шайхзода ўзбек драматургияси тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшди. Уруш йилларида ватанпарварлик руҳи билан суғорилган “Жалолиддин Мангуберди” пьесасини қоғозга туширди. Асарда шоир XII асрда мўғул боққинчиларига қарши мардона курашган Жалолиддиннинг бадиий образини яратди. Шайхзода Жалолиддинни ўз она тупроғини боққинчилар томонидан топталишига чидаб туролмайдиган, сўнгги томчи қони қолгунча ёвга қарши жанг қилган баҳодир сифатида кўрсатиб берди, бу образ ўна йиллари фронтда фашист боққинчилари билан жанг қилаётган мин-минглаб ўғлонларга ибрат намунаси бўлди.

1961 йилда М. Шайхзода XV асрнинг буюк мутафаккири, давлат арбоби, олим ва мутафаккир Улуғбекнинг ёрқин сиймосини акс эттирувчи “Мирзо Улуғбек” фойясини яратди. Унда жаҳолат ва маърифат ўртасидаги кураш бош мавзу қилиб олинди. Бу мавзу Улуғбек ва унинг атрофига тўшланган Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандий, Саккокий сингари илғор фикрли кишилар билан Абдулатиф, Саййид Обид, Аббос каби разил, жоҳил, қотил шахслар орасида кечадиган зиддиятлар орқали ёритиб берилди. Асарда ана шу бош зиддиятларнинг кескинлашувиға хизмат қилувчи, Феруза, Пири Зиндоний, Бердиёр, Ота Мурод, Бобо Кайфий, Кўр Қаландар каби бир қатор тўқима образлар ҳам берилган.

УЙГУН

(1905 - 1990)

Ўзбек адабиётида табиатнинг ҳассос куйчиси сифатида шухрат қозонган Раҳматулла Отақўзи ўғли Уйғун 1905 йилда Қозоқистоннинг Марки шаҳрида тутилди. 1932 йилда Топшкенга келиб, педагогика билим юртида, сўнг 1925-1930 йиллар орасида Самарқанд педагогикаси (Ҳозирги СамДУ) да таҳсил олди.

Уйғуннинг биринчи шеъри “Кўнглим” 1925 йилда эълон қилинди, илк шеърӣ тўплами эса 1929 йилда “Баҳор севинчлари” номи остида босилиб чиқди. 30-йилларда шоирнинг “Иккинчи китоб”, “Қуёш ўлкасига”, “Шеърлар”, “Муҳаббат” каби шеърӣ тўпламлари нашр эттирилди.

“Ўзбекистон” (1942), “Ҳаёт чорлайди” (1954) тўпламлари шоирнинг ижодининг энг гуллаган даврида дунёга келди. Шоир уларда она юрт ва

унинг гўзал табиатига самимий муҳаббат туйғуси билан йўғрилган шеърларини тўшаган эди.

Уйғун драматургия жанрида ҳам баракали ижод қилди. Унинг Иззат Султон билан биргаликда яратган “Алишер Навоий” драмаси, мана ярим асрдирки, ўзбек саҳнасидан тушмай келмоқда. Уйғун “Ҳаёт қўшиғи”, “Навбахор”, “Олтинкўл” “Сўнги пушаймон”, “Парвона”, “Шубҳа”, “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино”, “Зебуннисо” каби ўнлаб асарлари билан ўзбек драматургиясини бойитди.

Уйғун 1965 йилда “Ўзбекистон халқ шоири”, 1985 йилда эса Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовар бўлди.

МИРТЕМИР (1910 - 1978)

Миртемир ўзбек шеъриятига 20-йилларда янгича руҳ, янгича шакл-сочма (насрий) шеър шаклини олиб кирган новатор шоирдир. У 1910 йилда Туркистон (Қozoқистон)нинг Иқон қишлоғида туғилди.

Биринчи “Танбурым овози” шеъри 1926 йилда “Ёш ленинчи”да эълон қилинган шоир қалами ярим аср давомида бир нафасга бўлса-да, тўхтамади. 30-йилларда унинг “Шувалалар кўйида”, “Қайнашлар”, “Зафар”, “Коммуна”, “Бонг”, “Пойтахт”, “Ўч”, “Тингла, ҳаёт”, “Излаганим” ва бошқа қатор шеърини тўпламлари бирин-кетин босмалдан чиқди. Шоир шеърларида ватанимиз табиатиининг гўзаллиги, мунис она меҳри, меҳнаткаш инсоннинг орзу-ўйлари тарафшум этилди.

Миртемир дoston жанрида ҳам ўзининг ёрқин истеъдодини намойиш эта олди. Унинг “Барот”, “Номус”, “Аждар”, “Дилқушо”, “Сув қизи”, “Фарғона”, “Сурат” каби қатор дostonлари китобхонлар қалбидан чуқур ўрин эгаллади.

Миртемир ижодининг гултожи бўлган, “Қорақалшоқдафтари” туркумига кирган “Сурат” дostonида инсон бошига кулфатлар келтирувчи машъум уруш қораланади. Асар минг ўлимлардан ҳатлаб омон қайтган, бироқ ҳаётдаги бирдан-бар таянчи бўлган севилисидан ва ўлгидан айрилган Тошлоннинг айрим-айрим монологлари, руҳий изтироблари, аламли нидоларидан иборат. Тошлон ва Ойсулув севиб турмуш қурганлар, бироқ лаънати уруш уларни ажратади, Тошлон фронтга кетади. Оралап кўп ўтмай, уни ўлган деб ўйлаб, Ойсулув бошқа йилгига турмушга чиқиб кетади. Фронтдан омон қайтган Тошлон “базмларнинг гули”, “мақтовларнинг қули” бўлган Ойсулув хиёнатидан изтироб чекади, кўчаларда уни янги турмуш ўртоғи билан кўриб, руҳий азобларга ботади. қон-кўзлари ўзига ўхшаш ўглини учратганда эса бир дардига минг дард қўшилади.

Ойсулув ҳам виждон азобида қовурилиб, Тошлонга хат ёзиб, тавба-тазарру қилади. аммо бу кечиккан тавба-тазаррулар Тошлоннинг яраланган қалбига малҳам бўлолмайди. Унга бахтли висол онларидан ёд орлик бўлиб Ойсулув билан бирга тушган сурат ва аччиқ изтиробларгина қолади.

Асарда шоирнинг портрет яратилгандагина чинакам маҳорати, лирик кечинмаларни беришда сурат рамзидан усталик билан фойдаланиш санъати яққол кўзга ташланади.

Миртемир таржимон сифатида ҳам ўзининг ёрқин истеъдодини кўрсатди. Қирғиз халқининг “Маънас” ва қорақалпоқларнинг “Қирқ қиз”, Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонини, пуштиндек, Ҳомер, Ҳайнрих Ҳайне, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Р. Тхокур, Нозим Ҳикмат каби жаҳон классикларининг асарларини ўзбекчага ўтирди.

ЗУЛФИЯ (1915-1996)

Зулфия Исроилова 1915 йилда Тошкентда дегрез (темирчи) оиласида туғилди. адабиётга 17 ёшида кириб келган шоирани илк шеърини тўплами “Ҳаёт варақлари” (1932) элга танитди.

Зулфия 1935 йилда ҳаётини ҳассос шоир Ҳамид Олимжон билан боғлади, бироқ шафқатсиз ўлим 1944 йилда севимли умр йўлдоши, дўсти, ҳаммаслагини хонадонидан бевақт юлиб олиб кетди. Зулфия ҳаётининг сўнгги нафасигача шоир хаёли, ёди билан янади, шеърларида хижрон азоблари, дард ва аламларини куйлади. “Хижрон кунларида” (1944) тўпламига кирган “Кўрганмидинг кўзларимда ёш”, “Ўрик гуллаганда”, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Хижрон кунларида”, “Сепсиз” шеърларида суюкли ёридан жудо бўлган аёлнинг қалб изтироблари қогозга кўчди.

Зулфия — эл суйган шоира. Она-ватанимиз дала ва чўлларида, завод ва фабрикаларида меҳнат қидаётган пахтакор ва галлакорлар, механизаторлар, ишчи ва инженерлар, илм-фан кишилари Зулфиянинг доимий қаҳрамонларига айланиб қолди. “Хулқар”, “Мен тонгни куйлайман”, “Юрагимга яқин кишилар”, “Куйларим сизга”, “Салом сизга, эрқарвар элар” каби тўпламларидан ўрин олган шеърларида оддий меҳнат кишиларининг ўй ва фикрлари, орзу-умидлари куйланади. Шоира Ҳамза ва Ойбекларнинг ёрқин хотирасига бағишлаб “Сўроқлайди шоирни шеърим” (1960) ва “Қуёшли қалам” (1967) дostonларини ёзди.

Зулфия Меҳнат Қаҳрамони унвонига, Иттифоқ ҳамда Республика Давлат мукофотларига, Жавоҳирлал Неру номидаги ҳамда “Нилуфар” халқ-қаро мукофотларига сазовор бўлган.

САИД АҲМАД

Саид Аҳмад (Хусанхўжаев) 1920 йилда Тошкентда туғилган. “Муштум” ва “Шарқ юлдузи” журналларида, “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишлаган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг насл бўлимини бошқарган.

С. Аҳмад китобхонларга 1940 йилда биринчи ҳикоялар тўнгами “Тортиқ” билан танилди. Уруш ва урушдан кейинги йилларда унинг “Эр юрак” (1942), “Фарғона ҳикоялари” (1948), “Муҳаббат” (1949) каби тўнғамлари нашр этилди.

Ёзувчи ижодининг такомиллида устози Абдулла Қаҳҳорнинг таъсири кучли бўлган. Характер яратиб, детал таълаш, воқеаларини лирик таъсирчанлик билан тасвирлашда адиб устози изидан борди. Бу маҳорат унинг “Хазина”, “Чўл бургути”, “Муҳаббатнинг туғилиши”, “Кўзларингда ўт бор эди”, “Алла” ва бошқа ҳикояларидан яққол кўзга ташлашади.

С. Аҳмад кичик ҳикоялардан асга-секин йирик асарлар ёзишга ўтди. 1949 йилда “Қадрдон далалар”, 1958 йилда “Хукм” қиссалари ҳамда 1964 йилда “Уфқ”, 1988 йилда “Жимжитлик” романларини ёзди.

“Қирқ беш кун”, “Ҳижрон кунларида”, “Уфқ бўсағасида” романларидан иборат “Уфқ” трилогиясининг ёзилиши ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди.

Асар бўйича ишланган кўп серияли телевизион фильм бутун собиқ Иттифоқ бўйича кенг намойиш этилди, адиб томошабинлардан минг-миглаб мактублар олди.

Асар марказида ҳаётининг оғир синовларидан ўтган, урушда бир оёғини қолдириб қайтган, қочоқ ўғли Турсунбой туфайли номус ўтида қовурилган Икромжон туради. Воқеалар уруш йилларида фронт ортида — Фарғона водийсида кечади. 45 кун ичида Катта Фарғона каналини қазиб битказган, Найман чўлларда қамишзорларни ёқиб, ўрнида янги ерлар очган, фронт учун ишлаган меҳнат кишилари (Азизхон, Дўнан полковон, Эш полковон, Жўра полковон, Ҳасан ота, Умматали), улуғ ишларда раҳбарлик қилган давлат арбоблари (Усмон Юсунов, Йўлдош Охунбобоев), фарзанд ўстириб, роҳатини кўрмай оламдан ўтган Жаннат хола, ўз отаси Иноят Оқсоқолнинг насткашлиги туфайли хонадонни тарк этиб, Икромжон ва Жаннат холага фарзандлик қилган Низомжон, муҳаббатнинг мураккаб сўқмоқларидан босиб ўтган Лутфинисо, Дилдор, Зеби образлари орқали ёзувчи бутун ўзбек халқининг турмуши, психологияси, ўй-фикрлари, ташвиш ва қувончларини ёритиб берган.

Саид Аҳмад ўтқир ҳажвчи ҳамдир. Ҳаётдаги бирор кул или ёки салбий ҳодиса ёзувчи назаридан четда қолмайди, тезда ҳажвияга,

фельетон ёки интермедияга айланади. Унинг ҳажв устахонасидан истаган нуسخангизни: яккиюзламачи, хушомадгўйларни ҳам (“Қошлон”, “Омонат”), порахўр амалдорларни ҳам (“Гугурт”, “Порахўрнинг ўлими”), юлғич, товламачиларини ҳам (“Афтобиография”), извогар, туҳматчи, ҳасадгўйларни ҳам (“Олқинди”), хуллас, хилма-хил башараларни учратганинигиз мумкин. Адибнинг бугунги ҳаётимиздан олинган ичакузди “Келинлар кўзғолопи”, “Куёв” комедиялари фақат республикамиз эмас, ундан ташқарида ҳам томошабинларнинг катта олқишига сазовор бўлди.

АСҚАД МУХТОР (1920-1996)

Асқад Мухтор 1920 йилда Фарғонада темир йўл ишчиси оиласида дунёга келди. 2 ёшида отасидан етим қолган Асқад болалар уйида тарбияланади. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетидида ўқийди.

А. Мухторнинг адабий фаолияти унинг Топкентга келиши билан бошланди. “Ёш ленинчи”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида бўлим мудир, “Шарқ юлдузи” ва “Гулистон” журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

“Пўлаг қуловчи”, “Ҳамшаҳарларим”, “Раҳмат, меҳрибоним”, “Чин юракдап” каби шеъррий тўпламларига кирган шеърларида шоир ватанамиз табиати ва кишилари, унинг бойликлари ва халқ ҳаётидаги ўзгаришларни тасвирлади.

Адибнинг “Дарёлар туташган жойда”, “Қорақалпоқ қиссаси”, “Бухоронинг жин қўчалари” қиссалари ва “Опа-сингиллар”, “Тугилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор”, “Аму” каби романлари халқимизнинг узок ва яқин ўтмиши, бугунги кунларгача босиб ўтган тарихий йўли, янги давр кишилари ҳаётини ёритишга бағишланган.

Асқад Мухтор “Мардлик чўққиси”, “Яхшиликка яхшилик”, “Самандар” сингари драмалар муаллифи ҳамдир.

ОДИЛ ЁҚУБОВ

Одил Ёқубов 1927 йилда кўҳна Туркистоннинг Қарноқ қишлоғида туғилди. Отаси Эгамберди Ёқубов 1916 йилда мардикорликка олинган. Белорусия ўрмонларида дарахт кесиб, рус тилини ўрганиб, қишлоғига болшевик бўлиб қайтган эди. 37-йилларнинг Сталин қатағони улар-

Э. Воҳидов шеърятга ҳаёт, гўзаллик, ёшлик ва муҳаббат куйчиси сифатида кириб келди., ўзистелоддини аруз вазнида, газалда ҳам синоп кўрди. Унинг “Ёшлик девони”дан жўшқинлик, ҳаётсеварлик туйғулари билан йўғирилган самимий севги ва садоқатни тараннум этувчи гўзал газал ва мухаммаслари ўрин олди. 1986 йилда “Муҳаббатнома” ва “Садоқатнома” шеърӣй тўпламлари нашр этилди.

Лирик шеърларидан йирик асарларга томон ўсиб борган Э. Воҳидов уруш разолатларига қарши ватанпарварлик бонги бўлган “Нидо”, кишиларимизнинг мардлиги, жасорати, юксак маънавияти ҳақидаги “Палаткада ёзилган дoston”, миллий, ирқий, диний адоватларга нафрат баён этилган “Руҳлар исёни” дostonларини, ҳамда инсон ҳаётининг чигал қирраларини ёритувчи «Истамбул фожиаси» шеърӣй драмасини, шунингдек, замонавий турмушимиздан олинган “Олтин девор” комедиясини яратди.

“Руҳлар исёни” дostonи исёнкор шеърлар билан Ҳиндистонни ларзага солган, ҳаётини инглиз мустамлакачиларига қарши курашга бағишлаган, халқ эрки, йўлида жонини фидо этган бенгал шоири Назрул Исломнинг аччиқ қисмати, фожиаси асос қилиб олинган. Қамоқ ва қийноқлар остида ҳали ўттиз бешга етмаган шоирни ақлдан оздирдилар, шу аҳволда у ўзига кўрсатилган эҳтиромларни ҳис этмай, қирқ йил руҳий азоблар билан яшайди. Шоир Назрул Ислом ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеаларни бирма-бир тасвирлаб қолмай, унинг ҳаёти баҳонасида ўз қалбида туғилиб қолган ўй-фикрлар, инсон ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатларни қоғозга туширди. Дostonдаги “Абадият ҳақида ривоят”, “Фидойилик тўғрисидаги ривоят”, “Жаҳолат тўғрисидаги ривоят”, “Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳақидаги ривоят”, “Шоирлар ва Пайгамбарлар ҳақидаги ривоят”ларда ҳаётнинг ҳам адолатли, ҳам шафқатсиз қирралари ёритилади.

Э. Воҳидов немис адабиёти классиги И. В. Ҳётелдан таржима қилган “Фауст”и ҳамда машҳур рус шоири Сергей Есениндан қилган шеърӣй таржималари билан ҳам ўзи а хос ижодий мактаб яратди.

АБДУЛЛА ОРИНОВ

Абдулла Оринов 1941 йил 21 мартда Қашқадарёнинг Косон туманида туғилди. Ўрта мактабни олтин медал билан тугатиб, 1958 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика бўлимига ўқишга кирди. Студентликнинг жўшқин йиллари, пойтахтдаги ижодий муҳит Абдулланинг истеъдодли шоир сифатида такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатди. 1965 йилда шоирнинг биринчи шеърӣй тўплами “Митти юлдуз” китобхоналарга тақдим этилди.

Кейинги йилларда нашр этилган “Онажоним”, “Рухим”, “Ўзбекистон”, “Хайрат”, “Юзма-юз” тўшамларига кирган шеърларида бугунги кун ташвишлари билан яшаётган лирик қаҳрамоннинг руҳий дунёсидаги кечинмалар, халқ ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, қувонч ва ташвишлар ўзифодасини тонди. Шоир ўзининг “Ишонч кўприклари” шеърларида айрим кишилардаги оқибатсизлик, ўзаро ишончсизлик каби иллатларни қоралайди.

А. Орипов ижодининг янги ўзига хос қирраси, бадиий хусусиятлари “Муножот”, “Ҳаждафтари” каби тўшамларидаги шеърларда ёрқин ифодасини тонди.

А. Орипов фақат ўзбек халқи эмас, башарият дардини куйлайдиган шоир. “Қўриқхона” шеърларида у дунёвий муаммоларни, диспат, меҳроқибат, ишонч йўқолиб бораётганлиги, покиза туйғулар хиралашиб кетаётганлиги ҳақида бонг уради.

Шоирнинг “Жаннатга йўл” драматик достони ўзбек адабиётида катта воқеалардан бири бўлди. Афсоновий мифологик услубда яратилган бу асарда воқеалар нарий дунёда кечали. Унда Йигит, Она, Ота, Дўст, Чол образлари берилган. Йигитнинг жаннатга тушишига икки пайса савоб етмайди. Аслида у бу дунёда ноқдомон, ҳалол, иввоғорлардан қалби тирналган, севгида ҳам бахтсиз шоир бўлган. Бироқ бир ҳақиқатни у кейин англаб етади, ҳаётдаги қабих, ярамас кишиларга қарши курашмаган, ожиз, потавон одамлар дардини куйлаш ўрнига фақат гўзалликни, гулни куйлаган. Поймол этилган ор-номусни ҳимоя қилмаган, қалбини тирнаган совуқ сўзларни эшитиб туриб, қулоғини қар қилиб олган. Демак, у айбдор. Достондан келиб чиқадиган хулосалардан энг муҳими шуки, бани олам бир-бирининг тақдирини алоқадар қараб туришни оғир гуноҳдир, садоқат, меҳр-мурувват инсонни инсон қилувчи энг юксак фазилатдир. Бу боя асар охирида Садо тилидан берилади.

А. Орипов 1997 йилда Халқаро Академиянинг (АҚШ Калифорния университети) ҳақиқий аъзоси, 1998 йилда “Ўзбекистон Қаҳрамони” бўлди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИНИГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. XX аср бошларида жадид адиблар ўз асарларида қандай ғояларни илгари сурдилар?
А) миллий уйғониш ғоясини
В) мустақиллик ғоясини
С) маърифатпарварлик ғоясини

Д) Россия давлати билан тинч-тоғув яшап ғоясини
Е) А, В ва С

2. Туркистонда миллий уйғониш ғоясини тарғиб этишда

қайси газета жонбозлик кўрсатди?

- A) "Садои Туркистон"
- B) "Зарафшон"
- C) "Хуршид"
- D) "Садои Фарғона"
- E) "Турон"

3. Тошкентда 1917 йилнинг октябрида бўлиб ўтган қурултойда "Туркистон мухторияти"ни таъсис этишга бир овоздан қарор қилган ва мустақиллик ғояларини илгари сурган ташкилот қайси?

- A) "Шўро Уламо"
- B) "Шуро Ислом"
- C) "Ёш Бухороликлар"
- D) Шўро ҳокимияти
- E) Болшевиклар партияси

4. XX асрнинг 10-йилларида Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муаммоларни кўтариб чиққан журналлар қайси жавобда кўрсатилган?

- A) "Тулистон", "Ер юзи"
- B) "Шарқ юлдузи", "Ал-ислоҳ"
- C) "Муштум", "Туркистон"
- D) "Ал-ислоҳ", "Ойна"
- E) A, B, C, D

5. 1906 йил бошларидан 1907 йил ўрталаригача чиққан, Туркистонда миллий уйғониш, ўзликни англаш ғоялари тарғиб этган биринчи жадиd газетасига ким муҳаррирлик қилган?

- A) Мунаввар Қори Абдурашидов
- B) Абдулҳамид Чўлпон

- C) Абдурауф Фитрат
- D) Исмоилбей Ғаспирали
- E) Исмоил Обидий

6. Туркистонда жадиdчилик ҳаракатининг ёйилишида муҳим рол ўйнаган киши...

- A) Исмоилбей Ғаспирали
- B) Мунаввар Қори
- C) Ҳожи Муин
- D) Ҳамза Ҳакимзода
- E) Садриддин Айний

7. Янги давр ўзбек насрининг ilk намуналарини кимлар яратган?

- A) М. Бехбудий, Мунаввар Қори, Ғ. Ғуллом, А. Қодирий
- B) А. Авлоний, А. Фитрат, Ойбек, М. Бехбудий, Чўлпон
- C) А. Фитрат, А. Чўлпон, А. Қодирий, Ҳамза
- D) Мунаввар Қори, А. Фитрат, А. Чўлпон, Шавкат, А. Қаҳҳор
- E) Ҳамза, Ҳожи Муин, Мирмуҳсин Шермухаммедов, Ойбек

8. Ўзбек драматургиясининг ilk намуналари кимларнинг қаламига мансуб?

- A) Бехбудий, Шайхзода, Ҳамза, А. Қодирий, А. Авлоний
- B) Бехбудий, Авлоний, А. Фитрат, Ҳамза, А. Қодирий
- C) Чўлпон, А. Қодирий, Ойбек, Фитрат
- D) А. Авлоний, Чўлпон, Х. Олимжон, Фитрат
- E) С. Айний, Фитрат, А. Авлоний, Бехбудий

9. Ўзбек драматургиясининг илк намуналари...

- А) «Падаркуш», «Бахтсиз куёв», «Олтин девор», «Ҳинд ихтилолчилари»
- В) «Заҳарли ҳаёт», «Пинак», «Доктор Муҳаммаддиёр», «Бахтсиз куёв»
- С) «Адвокатлик осонми?», «Падаркуш», «Бахтсиз куёв», «Мирзо Улуғбек»
- Д) «Падаркуш», «Бахтсиз куёв», «Адвокатлик осонми?», «Пинак»
- Е) «Заҳарли ҳаёт», «Бойвучча Ойниса», «Юрак сирлари», «Пинак»

10. Илк ўзбек романлари...

- А) «Янги саодат», «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз»
- В) «Навойи», «Доктор Муҳаммаддиёр», «Ҳақиқат кимда»
- С) «Падаркуш», «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз»
- Д) «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Ўтган кунлар»
- Е) «Бахтсиз куёв», «Темир хотин», «Кеча ва кундуз»

11. Ўзбек матбуоти асосчиси ким?

- А) Абдулла Авлоний
- В) Абдулла Қодирий
- С) А. Чўпон
- Д) М. Бехбудий
- Е) Мирмуҳсин Шермухаммедов

12. «Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ бахт-саодати учун қурбонлик сифатида ке-

рак бўлса, биз ўлимни ҳам ҳурсандчилик билан кутиб оламиз.

Ушбу фикрларни айтган маърифатпарвар ким бўлган?

- А) Абдурауф Фитрат
- В) Махмудхўжа Бехбудий
- С) Абдулхамид Чўпон
- Д) Абдулла Авлоний
- Е) Абдулла Қодирий

13. «Падаркуш» драмаси дастлаб қайси газетада босилиб чиқди?

- А) Садои Туркистон
- В) «Садои Фарғона»
- С) «Турон»
- Д) «Садои Бухоро»
- Е. «Шарқ»

14. «Ўқиганнинг бири сиз, ейишга нонингиз йўқ...» Ушбу гап кимга тегишли ва у қайси асардан олинган?

- А) домлага, «Падаркуш»
- В) домлага, «Пинак»
- С) Абдуқодирга, «Заҳарли ҳаёт»
- Д) Мирёқубга, «Кеча ва кундуз»
- Е) бойга, «Падаркуш»

15. «Падаркуш»да илгари сурилган асосий гоя...

- А) билим бахт сари етаклайди
- В) ногўғри тарбия жаҳолатга етаклайди
- С) ёмонлар билан дўстларнинг фожиага олиб келади
- Д) А ва В
- Е) В ва С

16. А. Авлоний ўз шеърларининг бирида «ионизмни тева қилиб берарлар... «деб ёзади. Бу кимларга ишора?

- А) маҳаллий бойларга
- В) рус мустамлакачиларига
- С) порахўр амалдорларга
- Д) диний бидъатчиларга
- Е) маҳаллий ҳукмдорларга

17. А. Авлоний ташкил этган «Турон» газетасига қайси шиори танилаб олган эди?

- А) «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»
- В) «Яшасин халқ жумҳурияти!»
- С) «Яшасин меҳнаткаш ишчи-деҳқонлар!»
- Д) «Яшасин йўқсуллар, йўқолсин бойлар!»
- Е) «Бутун ҳокимият Шўроларга!»

18. А. Авлонийнинг драматик асарлари кўрсатилган жавобни тошинг.

- А) «Португалия инқилоби», «Адвокатлик осонми?», «Пинак»
- В) «Биз ва сиз», «Бахтсиз куёв», «Икки муҳаббат»
- С) «Қурбони жаҳолат», «Падаркуш», «Пинак»
- Д) «Адвокатлик осонми», «Заҳарли ҳаёт», «Биз ва сиз»
- Е) «Португалия инқилоби», «Пинак», «Бахтсиз куёв»

19. 1925 йили А. Авлоний давлатнинг қандай мукофотига сазовор бўлди?

- А) «Ўзбекистон Халқ Қаҳрамони» орденига
- В) «Ўзбекистон Халқ ёзувчиси» фахрий унвонига
- С) «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони» унвонига
- Д) «Ўзбекистон Маланият арбоби» фахрий унвоига
- Е) «Меҳнат Қаҳрамони» унвонига

20. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг «Ҳифзи лисон» қисмида Авлоний қандай фикрни илғари суради?

- А) одоб масаласини.
- В) миллий тилни асраш ва тоза тутиш масаласини
- С) ҳақиқат ва эрк масаласини
- Д) мустақилликни асраш масаласини
- Е) миллий истиқлол масаласини

21. «Фитрат» ва «Мижмар» таҳаллуслари қайси жавобда тўғри изоҳланган?

- А) «Фитрат» (арабча) -гўзаллик, «мижмар» (арабча) киширик.
- В) «Фитрат» (форсча) -саодат, «мижмар» (арабча) -пазокат
- С) «Фитрат» (арабча) -ақл, заков, «мижмар» (арабча) -чўғдон
- Д) «Фитрат» (арабча) -куёв, «мижмар» (форсча) -ой
- Е) «Фитрат» (арабча) -толе қисмат, «мижмар» (арабча) -бахт

22. 1909-1913 йилларда Фитрат қаерда таҳсил олди?

- А) Қоҳира университетига
- В) Бухоро мадрасасига

- С) Берлин университетиди
- Д) Истамбул университетиди
- Е) Қозон университетиди

23. XX аср бошларида Фитрат қайси ташкилот сафида сиёсий курашларда фаол иштирок этди?

- А) «Шўрои уламо»
- В) «Ёш бухороликлар»
- С) «Шўрои ислом»
- Д) «Қизил қалам»
- Е) «Туркистон»

24. Фитратга ўзбек зиёлилари орасида биринчи бўлиб «профессор» илмий унвони берилган эди. Унга бу унвон қаерда берилди?

- А) Москвадаги шарқ тиллари университетида
- В) Берлин университетиди
- С) Истамбул университетиди
- Д) Қоҳира университетиди
- Е) Ленинград университетиди

25. Фитрат ёзиб қолдирган адабий ва илмий мерос А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига муносиб кўрилди. Бу унвон унга қачон берилди?

- А) 1994 йилда
- В) 1995 йилда
- С) 1993 йилда
- Д) 1992 йилда
- Е) 1991 йилда

26. 1922 йилда ёзган «Миррих юлдузига» шеърисида Фитрат

кўкка-Миррих юлдузига нималар ҳақида илтижо қилади?

- А) она-заминни балолардан омон сақлаб қолиш ҳақида
- В) толейнинг пастлиги ҳақида
- С) юртнинг мустамлакачилар томонидан оёқ ости қилинаётгани ҳақида
- Д) ватанида юз бераётган разилликлар, эл-юртини сотиб еяётган шайтонлар ҳақида
- Е) хуррият саодати ҳақида

27. Фитрат «Тонг» журналининг биринчи сонидида илгари сурган илғор фикр...

- А) «Янасин илмий, адабий, ижтимоий ўзгариш! Янасин Шарқ қутулиши!»
- В) «Ҳақ олинур, берилмас»
- С) «Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқ бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз»
- Д) «Янасин бутун дунё пролетарлари!»
- Е) «Бутун дунё меҳнаткашлари, бирлашингиз!»

28. Фитратнинг Бойбўлатовга очиқ хати қандай номланади ва унда кимларга қарши гап боради?

- А) «Очиқ хат», Туркистон мустақиллигини бузувчилар ҳақида
- В) «Мунозара», «Туркистон мухторияти»га қарши чиққанлар ҳақида
- С) «Ёнишмаган гажаклар», ўзига нисбатан «пантуркист», «панисло-

мист» деган тухмат ёништирувчилар ҳақида

- D) «Раддия», хурофот ва бидъат ботқоғига ботган шахслар ҳақида
E) «Муносабат», ўз курсисини ўйловчи амалшарастлар ҳақида

29. Фитратнинг «Ҳинд ихтилолчилари» драмасини ёзишдан асл мақсади нима эди?

- A) Ҳинд халқининг чет эл босқинчиларига қарши курашини аке элтириш
B) Ватандошларини Россия истибдодига қарши курашга даъват этиш
C) кишиларни сезирликка чақириш
D) ўз ватанига муҳаббат боғлаш ва уни бойитишга даъват этиш
E) чет эл ҳаётини ёритиш

30. Фитрат ҳикоялари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) «Улоқда», «Жувонбоз», «Оқ мозор»
B) «Даҳшат», «Кўр кўзнинг очилиши», «Бемор»
C) «Қиёмат», «Зайнабнинг имони», «Оқ мозор»
D) «Доктор Муҳаммадёр» «Қурбони жаҳолат», «Қиёмат»
E) «Қийшик эшон», «Меърож», «Ўғри»

31. «Ҳинд ихтилолчилари» драмаси қачон ва қерда напш этилди?

- A) 1922 йил Истамбулда
B) 1924 йил Англияда
C) 1925 йил Козонда
D) 1926 йил Кавказда

E) 1923 йил Берлинда

32. Фитрат драмасининг қаҳрамони Абулфайзхон ким бўлган?

- A) XVI асрда яшаган Шайбонийларнинг сўнги намоёндаси
B) XVIII асрда яшаган ашгархонийларнинг сўнги намоёндаси
C) XVIII асрда яшаган мангитлар сулоласининг тўнғич намоёндаларидан бири
D) XIX асрда яшаган мангитлар сулоласининг сўнги вакили
E) XVI асрда яшаган шайбонийларнинг ўрта бўғин вакили

33. Қайси жавобда Фитрат драмалари тўғри кўрсатилган?

- A) «Ҳинд ихтилолчилари», «Пинак», «Адвокатлик осонми»
B) «Биз ва сиз», «Португалия инқилоби», «Арелон»
C) «Абулфайзхон», «Ҳинд ихтилолчилари», «Падарқуш»
D) «Ҳинд ихтилолчилари», «Арелон», «Чин севиш», «Абулфайзхон»
E) «Бахтеиз куёв», «Пинак», «Чин севиш», «Португалия инқилоби»

34. «Абулфайзхон» драмасидаги хон фожиасининг туб сабаблари Фитрат талқинида қандай аксини топган?

- A) унинг босқинчилик сиёсатида
B) халққа зулм-зўравонликни ҳаддан зиёд ошириб юборганлигида
C) Барчага, ҳатто ўз яқинларни ҳам шубҳа, ғараз билан қараганлигида
D) ўз атрофига хушомадгуй, жоҳ-

ил кишиларни йиғиб олиб, ҳалол, покдил оқил кишиларни узоқлаштиришда
Е) А, В, С, D

35. «Абулфайзхон» драмаси қаҳрамонларида бири Хаёлнинг «Эй, қон-қора саодат сенсан!» деган фикри нимага қаратилган?

- А) амалдорларга ва дин арбобларига қарши
- В) Абулфайзхон саройи ва уни қуршаб олган жирканч муҳитга қарши
- С) саодатни «ваъда берган» мустабид рус мустамлакачиларига қарши
- Д) аштархонийлар сулоласига қарши
- Е) В ва С

36. «Абулфайзхон» драмаси қачон ва қаерда нашр этилди?

- А) 1924 йил Истамбулда
- В) 1924 йил Москвада
- С) 1925 йил Берлинда
- Д) 1925 йил Тошкентда
- Е) 1925 йил Самарқандда

37. Абулфайзга сотқинлик қилиб, Нодиршоҳга ўз ниятини амалга оширишда ёрдамлашган хиёнатчилар...

- А) Ҳақимбий ва Хаёл
- В) Фарҳод оталиқ ва Иброҳимбий
- С) Ҳақимбий ва унинг ўғли Раҳимбий
- Д) Мирвафо ва Қози Калон
- Е) Улфат ва Давлат

38. «Абулфайзхон» драмасидаги Фарҳод оталиқ ва Иброҳимбийлар қандай кишилар сифатида тасвирланган?

- А) жоҳил, бидъатчи кишилар сифатида
- В) мансабпараст, манфаатпараст кишилар сифатида
- С) хонга хушомадгўй кишилар сифатида
- Д) жасур, мард, бошига қилич келганда ҳам тўғри сўзловчи кишилар сифатида
- Е) кўрқоқ, амалпараст кишилар сифатида

39. «Абулфайзхон» драмасидаги Улфат «подшоҳлик қон билан сугориладиган оғочдир» деганда, нимани назарда тутган эди?

- А) халқни зулм қамчиси остида тутиб туриш кераклигини
- В) ўзга юртларни босиб, шафқатсиз талаб туриш кераклигини
- С) кишиларга раҳм-шафқат қилмаслик, хонга бош кўтарганларнинг қонини аёвсиз тўкиш даркорлигини
- Д) халқдан олинадиган солиқларни кўпайтириш кераклигини
- Е) Барча жавоблар тўғри.

40. «Абулфайзхон» фожиасининг тўқима образлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Давлат, Улфат, Қози Калон, Хаёл
- В) Қози Калон, Раҳимбий, Иброҳимбий

- С) Хаёд, Улифат, Абулфайзхон
- Д) Нодиршоҳ, Хўжа Калон, Доиёлбий
- Е) Мир Вафо, Абдумўминоҳон, Раҳим кўрчи

41. Ҳамза Ҳакимзода ўзининг дастлабки шеърларини қайси таҳаллус остида ёзган эди?

- А) «Нотавон»
- С) «Махмуд»
- В) «Мижмар»
- Д) «Думбул»
- Е) «Ниҳоний»

42. Ҳамза ўзининг биринчи жадид усулидаги мактабини қачон ва қасрда очди?

- А) 1919 йил Бухорода
- В) 1914 йил Марғилонда
- С) 1915 йил Қўқонда
- Д) 1918 йил Фарғонада
- Е) 1910 йилда Тошкентнинг Қашқар маҳалласида

43. Собик шўролар даврида. Ҳамза...

- А) бахт куйчиси сифатида танилди
- В) ваган куйчиси сифатида танилди
- С) иккилоб куйчиси сифатида танилди
- Д) тинчлик куйчиси сифатида танилди
- Е) озодик куйчиси сифатида танилди

44. Ҳамзанинг янги жадид мактаблари учун ёзган дарсликлари...

- А) «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби»
- В) «Енгил адабиёт», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим»
- С) «Бошланғич синфлар учун ўқиш китоби», «Тавҳиб ус-сибён»
- Д) «Рисолаи савод», «Ўқиш китоби», «Иккинчи муаллим»
- Е) «Мактаб», «Ўқиш китоби», «Усули жадид»

45. Қайси жавобда Ҳамзанинг насрий асарлари тўғри кўрсатилган?

- А) «Ҳақиқат кимда», «Янги саодат», «Заҳарли ҳаёт»
- В) «Янги саодат», «Илимиста», «Бефарзанд Очилдибой»
- С) «Янги саодат», «Падаркуш», «Бахтез куёв»
- Д) «Янги саодат», «Ҳақиқат кимда?», «Турмуш аччиги», «Учрашув»
- Е) «Янги саодат», «Улоқда», «Бефарзанд Очилдибой»

46. «Янги саодат» асарининг етакчи роҳиси...

- А) меҳнатсиз топишган бойлик вафо қилмайди
- В) инсон бойлигига эмас, ақлга ишонини керак
- С) насткаш, разил кишилар билан дўстлашни фожиага олиб боради
- Д) жоҳиллик фожиага, билим бахтга етаклайди
- Е) Қандай инсон бўлмасинлар, ота-онани қадрлаш фарзанднинг бурчидир

47. «Янги саодат» романининг бош қаҳрамонларини кўрсатинг

- A) Олимжон, Хидоятхон, Маҳмудхон, Абдуқаҳҳор
- B) Абдуқаҳҳор, Марям, Олимжон, Хадича, Назоқатхоним
- C) Марям, Олимжон, Абдурахмонбой, Ризвон, Хадича
- D) Олимжон, Марям, Халискон, домла
- E) Олимжон, Қодирқул, Абдурахимбой, Абдурахмон

48. Ҳамза драмалари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) «Майсаранинг иши», «Бой ила хизматчи», «Қизил гул», «Пинак»
- B) «Ҳинд ихтилолчилари», «Пинак», «Заҳарли ҳаёт», «Рабочий»
- C) «Заҳарли ҳаёт», «Ҳақиқат кимда?», «Паранжи сирлари»
- D) «Заҳарли ҳаёт», «Майсаранинг иши», «Лошмон фожиаси», «Паранжи сирларидан бир лавҳа»
- E) «Заҳарли ҳаёт», «Паранжи сирларидан бир лавҳа», «Учрашув», «Жаҳон сармосиясининг сўнгги кунлари»

49. «Заҳарли ҳаёт» драмасининг етакчи ғояси нимадан иборат?

- A) маърифат билангина жаҳолатни енгиш мумкин
- B) диний эътиқод инсонни покликка элтади
- C) эркинлик берилмайди, у куран билан қўлига киритилади
- D) қашшоқликдан қутулиш йўли курандадир

E) инсон ўз севгиси учун курашмоғи лозим

50. «Заҳарли ҳаёт»да Марямхон қандай қаҳрамон сифатида гавдаланади?

- A) ота-она хоҳишига итоат этувчи, одобли, ифратли қиз сифатида
- B) покиза муҳаббати учун ўзини ўлдиришдан бошқа чора толмаган ожиз бир инсон сифатида
- C) севгида вафодор, эътиқодда собит қиз
- D) ўз инсоний шаъни, ҳуқуқини поймол этувчиларга нисбатан муросасиз, журъатли қиз сифатида
- E) Барча жавоблар тўғри

51. «Заҳарли ҳаёт»да Маҳмудхон қиёфасида Ҳамза қандай кишини тасвирланганга интиланган?

- A) ўз инсоний ҳуқуқи учун курашувчи жасур йигит сифатида
- B) эскилик бидъатларининг ападдий душмани, янгиллик тарафдори сифатида
- C) ватаншарвар киши сифатида
- D) ўз даврининг маданиятли, ҳурфикрли, илор киши сифатида
- E) маърифатли жадид сифатида

52. «Икковимиз қўлимизни тутушиб, зулматда қолмиш бу миллатни сиз қуёши бўлганда, мен моҳи тобони бўлуб, қоронгу ватанни ёруттайлик». «Заҳарли ҳаёт»дан олинган бу сўзлар қайси қаҳрамон тилидан айтилган?

- А) Маҳмудхон
- В) Марямхон
- С) Холисхон
- Д) Рўзихон
- Е) Ойхон

53. Ҳамзанинг ёшларни илм-маърифатни эгаллашга, одобахлоқ ва ҳалолликка даъват этувчи асарлари...

- А) «Илм иста», «Рамазон», «Илм хосияти»
- В) «Рамазон», «Соғиниб», «Илм хосияти», «Ўқи»
- С) «Ўқи», «Қиморнинг боши», «Тўғри сўз бола», «Олим бўлайлик»
- Д) «Уйғон», «Китоб», «Биз ишчимиз», «Ўқи»
- Е) «Илм иста», «Илм хосияти», «Ўғри», «Рамазон»

54. «Майсаранинг иши» комедиясида «мақтовдан ортиқ чиройли, узун соч, ширин сўз»...

- А) Майсара
- В) Ризвон
- С) Тўлахон
- Д) Холисхон
- Е) Ойхон

55. «Майсаранинг иши» комедиясида пайгамбар ёшига етиб ҳам қуйилмаган, Ойхонни ўз ҳирси домига тортмоқчи бўлган шахс...

- А) Ҳидоятхон
- В) Мулла Рўзи
- С) Чўпон
- Д) Қози калон
- Е) Қодирқул

56. Ҳамзанинг «Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон», «Йиғла Туркистон» шеърларида қандай ғоялар илгари сурилган?

- А) маърифатпарварлик, эрк, истиқлол ғоялари
- В) жоҳилликни қоралаш, мустамлакачиларга қарши бош кўтариш
- С) ватанни рус истибдодидан қутқаришга даъват
- Д) инсонпарварлик ва ватанпарварликни улуғлаш
- Е) халқни бой ва амалдорларга қарши оёққа турғизиш

57. Рус чоризми томонидан халқни мардикорликка олиш мавзусида Ҳамза яратган шеърлар...

- А) «Рабочий», «Уйғон», «Берма эркинни қўлдан»
- В) «Соғиниб», «Салом айтиш»
- С) «Шундоқ қолурми?», «Узилган чечаклар»
- Д) «Нолаи зорим эшитмас», «Ёдимга тушди»
- Е) А ва В

58. Ўзбек адабиётида А. Қодирий (Жулқунбой) қандай адиб сифатида ўрин тутди?

- А) истеъдодли шоир сифатида
- В) педагогик асарлар муаллифи сифатида
- С) тарихий романлар устаси сифатида
- Д) моҳир ҳикоянавис сифатида
- Е) ўтқир ҳажвчи сифатида

59. А. Қодирийнинг адабий таҳаллуслари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Тавалло, Уста, Мижмар, Афанди
- В) Тўқай, Бир кечалик футурист, Жиян
- С) Овсар, Думбул, Жиян, Тошпўлат
- Д) Ж-бой, Калвак Махзум, Сўтак, Бир кини
- Е) Кўса, Тошпўлат, Афанди, Мушфиқий

60. А. Қодирий ўз ижодини қандай асарлар ёзиш билан бошлади?

- А) шеър ва публицистик мақолалар ёзиш билан
- В) тарихий романилар ёзиш билан
- С) драматик асарлар ёзиш билан
- Д) кўшиқлар ёзиш билан
- Е) очерклар ёзиш билан

61. «Кўндан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофогидан мияси бузилган» маҳалла имоми образи А. Қодирийнинг қайси асарида берилган?

- А) «Тошпўлат тажанг нима дейди?»
- В) «Улоқда»
- С) «Обид кетмон»
- Д) «Меҳробдан чаён»
- Е) «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида»

62. А. Қодирий қайси асарида тарбия кўрмаган, калласи йуч, калтафаҳм, чашани йигит образини берган?

- А) «Бахтсиз куёв»
- В) «Обид кетмон»
- С) «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида»
- Д) «Тошпўлат тажанг нима дейди?»
- Е) «Ширвон хола нима дейди?»

63. А. Қодирий асос солган журнал

- А) «Маориф ва ўқитувчи»
- В) «Ер юзи»
- С) «Муштум»
- Д) «Ишгирокион»
- Е) «Садон Туркистон»

64. «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида» ва «Тошпўлат тажанг нима дейди?» асарлари қандай усулда ёзилган?

- А) юмористик усулда
- В) реалистик усулда
- С) романтик усулда
- Д) сатирик усулда
- Е) аллегорик усулда

65. А. Қодирийнинг илк ҳикоялари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) «Доктор Муҳаммадёр», «Улоқда», «Мешинг ўтригина болам»
- В) «Улоқда», «Жувонбоз», «Жинлар базми»
- С) «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида», «Обид кетмон»
- Д) «Тошпўлат тажанг нима дейди?», «Калвак Махзумнинг хотира дафтарида»
- Е) «Бахтсиз куёв», «Ойинча бойвучча»

66. А. Қодирийнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш мавзусида ёзган асари...

- А) «Йиғинди гапшар»
- С) «Обид кетмош»
- В) «Душман»
- Д) «Тирилган мурда»
- Е) «Қишлоқ ҳукм остида»

67. «Ўткан кунлар» романида «мавзунини тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан бошладим», деб ёзганида, А. Қодирий қайси даврни назарда тутган эди?

- А) Қўқон хони Амир Умархон ҳукмронлиги даврини
- В) Қўқон ва Тошкент хонлари Худоёрхон ҳамда Азизбеклар ҳукмронлиги даврини
- С) Бухоро хони Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврини
- Д) Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даврини
- Е) Қўқон хони Амир Олимхон ҳукмронлиги даврини

68. «Ўткан кунлар» нинг ижобий образлари кўрсатилган қаторни топинг

- А) Отабек, Кумуш, Ҳомид, Офтоб ойим, Жаннат
- В) Отабек, Юсуфбек ҳожи, Содик, Ўзбек ойим
- С) Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумуш, Мирзакарим кутидор
- Д) Офтоб ойим, Кумуш, уста Алим, Ҳасанали, Ойбодоқ
- Е) С ва Д

69. «Ўткан кунлар»даги қайси образлар китобхонда нафрат туйғусини уйғотади?

- А) Ҳомид, Ҳасанали, уста Алим, Ўтаббой қушбеги
- В) Ҳомид, Содик, Жаннат, Ўтаббой қушбеги
- С) Мукулмонкул, Хушрўй, Худоёрхон, Зайнаб
- Д) А, В ва С
- Е) В ва С

70. «Ўткан кунлар» романидаги Кумушнинг ҳақиқий қотили Зайнаб деб ўйлайсизми?

- А) Ҳа. Кундошлик азоби уни шу қабиҳ йўлга бошлади.
- В) Йўқ. Кумушбиби ўлимида Зайнабга заҳар олиб келган опаси Хушрўй айбдор.
- С) Ҳа. Зайнаб хонадонда ёлғиз арзанда келин бўлиб қолишни, Отабекнинг бойлигига эга бўлишни кўзлаб, қотилликка қўл урган эди.
- Д) Йўқ. Кумушга «заҳар ичирган» аслида инсон туйғуларини ва ҳуқуқларини сариқ чақага олмай, уни поймол этган адолатсиз тузум ва ана шу тузумда ўсиб, вояга кишилардаги жа-ҳолат ва лоқайдлик эди.
- Е) Ёлғон хатларни уюштирган Ҳомид эди.

71. Марғилондан қайтган Отабекка отаси Юсуфбек ҳожи: «Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, биз сени устидан бир иш қилиб қўйдик», - деганида, «... ҳожи ўғлининг жавобини

эшитиб, ерга қаради ва нима деб жавоб қайтаришини билмай қолди».

Бу қандай оқилона жавоб эди»

А) «Ақлли кишилар фақат ўғилларининг раъйига қараб иш кўрадилар»

В) «Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари, албатта номаъқул бўлмас»

С) «Ақлли кишилар ўз ўғиллари устидан ўйламай қилган ишлари учун охири афеусланадилар»

Д) «Ақлли кишилар ўз ўғиллари устидан ўйламай иш қилмасликлари керак»

Е) «Ақлли кишилар биринчи навбатда ўзларини эмас, фарзандлари бахтини ўйлашлари керак»

72. Отабек ва Мирзакарим қутидорларни дор остига аслида нима олиб келди?

А) Зиё шохичининг уйида хонлик тузуми ҳақида ўйламай айтган гаплари

В) Ҳомиднинг Отабекка қасди

С) Утаббой қушбегининг фуқаро тақдирига бефарқлиги

Д) хонлик тузумидаги адолатсизлик, халқ тақдирига лоқайдлик, тузум кишиларидаги ҳасад, гараз, чақимчиликлар

Е) Худоёрхоннинг қалтафаҳмлиги

73. «-Қандай куйни чалай, бек ака? Отабек сархуш товуш билан жиддийгина қилиб деди:

«Билсангиз хайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз...»

«Ўткан кунлар»дан олинган бу нарча асарнинг қайси бобида учрайди?

А) «Хайдалиш куйи»

В) «Наво куйи»

С) «Бир гариби бечора»

Д) «Бизда ким куй йиғлайдир»

Е) «Қувланиш»

74. Асарда ғам-ҳасрати, фожияси Отабекниқидан кам бўлмаган, бечора, гариб инсон ким эди?

А) Ҳасанали

В) Ойбодок

С) Кумуш

Д) Уста Алим

Е) Хушрўй

75. «Отабек ҳолисизлариб оёқ узра ва орқасидаги ярим ялангоч кўлагани кўриб, бир неча қадам қабр томонга тисланди...

Бу кўлага кимники эди?

А) Қуръон тиловат қилган қориники эди

В) Хушрўйнинг кўлагаси эди

С) Кумуш арвоҳининг кўлагаси эди

Д) Зайнабнинг кўлагаси эди

Е) Тиланчи аёлининг кўлагаси эди

76. Отабекнинг Кумушдан хотира бўлиб қолган ўғлининг исми...

А) Ойбек

В) Ёлдор

С) Фарҳод

Д) Юсуфбек

Е) номи айтилмаган

77. «Меҳробдан чаён» романининг бош мавзуси нима?

А) хонлик тузуми давридаги деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши

В) касиблар ва ишчилар синфининг мазлумона ҳаёти

С) Худоёрхон давридаги ўзбошимчиликлар, меҳнаткаш халққа истаганча зулм ўтказиш ва бунга қарши борганларни аёвсиз жазолаш

Д) меҳнаткаш халқнинг хонга ва Русия зулмига қарши озодлик учун олиб борган кураши

Е) мамлакатни Русия истибдодидан қутқариш учун олиб борилган кураш

78. Қодирий «меҳробдан чиққан чаёнлар» сифатида кимларни қоралайди?

А) Худоёрхон, Абдурахмон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ

В) Худоёрхон, Сафар бўзчи, Самал буқоқ, Гулшан

С) Худоёрхон, Нозик, Султонали, Қобил

Д) Худоёрхон, Зокир гов, Солиҳ маҳдум, Нигор ойим

Е) Худоёрхон, Абдурахмон, Муҳаммад Ражаббек

79. А. Қодирий ҳақида кимлар хогира асарини ёзган?

А) Набижон Боқий, «Қатлнома», Шукрулло, «Қафасиз кўмилашлар»

В) Тоғай Мурод, «Отамдан қолган далалар», Уткир Ҳошимов «Тушда кечган умрлар»

С) Шукур Холмирзаев, «Қора камар», Х. Тўхтабоев, «Муңгли кўзлар»

Д) Ҳабибулло Қодиров, «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнги кунлари», Набижон Боқий, «Қатлнома»

Е) А ва Д

80. Қайси адиб «... мударрислик қилиш ўрнига мен миллий ўзбек ёзувчиси бўлишга аҳд қилдим» дейди...

А) Абдулла Қодирий

В) Абдулҳамид Чўлпон

С) Абдурауф Фитрат

Д) Ҳамза Ҳақимзода

Е) Абдулла Авлоний

81. А. Чўлпон ижоди ва дунёқарашининг шаклланишида кучли таъсир кўрсатган жалид газетаси...

А) И. Гаспиринскийнинг «Таржмон» газетаси

В) Исmoil Обидийнинг «Тараққиёт» газетаси

С) Авлонийнинг «Туроё» газетаси

Д) «Садои Туркистон» газетаси

Е) «Ойна» газетаси

82. Чўлпоннинг «Духтур Муҳаммадёр» асарида кимнинг фожиаси ҳикой қилинади?

А) Ҳожи саргарош фожиаси

В) Муҳаммадёр фожиаси

С) рус офицери фожиаси

Д) муаллим фожиаси

Е) икки безорининг фожиаси

83. «Доктор Муҳаммадёр» ҳикоясининг ётакчи гоёси нимадан иборат?

- A) халқни эрк, истиқлол учун курашга даъват этиш
- B) рус мустамлакачиларига қарши курашга даъват этиш
- C) халқ бахти учун курашга даъват этиш
- D) халқ онгини уйғотиш ва маърифатга даъват этиш
- E) A ва D

84. Чўлпоннинг дастлабки шеърий тўнламлари қандай номланади?

- A) «Соз», «Ишқ ва муҳаббат»
- B) «Қора йўллар», «Севги», «Сезгилар»
- C) «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари»
- D) «Ўлим ёвга», «Пойга», «Булоқлар»
- E) «Соз», «Ўзбегим», «Булоқлар»

85. Ҳуррият бўлганда сен келдинг,

Мипайин семирган отга деб,
Овзингга «маллалар» тендилар,
«Маърифат ҳаромдур сартга» деб...

Ушбу мисралар Чўлпоннинг қайси шеъридан олинган?

- A) «Қизил байроқ»
- B) «Бинафша»
- C) «Октябр»
- D) «Озод турк байрами»
- E) «Ўзбегим»

86. А. Чўлпон таржима қилган асарлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) «Уруш ва тинчлик», «Ҳамлет», «Ревизор»
- B) «Ҳамлет», «Дубровский», «Каниган қизи»
- C) «Борис Годунов», «Ҳамлет», «Дубровский»
- D) «Тоғ оралиқлари романи», «Дуссима», «Она»
- E) «Ҳамлет», «Қирол Лир», «Дон Кихот»

87. А. Чўлпон лирикасининг ётакчи мавзуи...

- A) ижтимоий тузумга нисбатан исён
- B) эрк ва ҳурфикрлик
- C) гўзаллик, сеvgи ва садоқат
- D) ватанга муҳаббат, тинчлик
- E) A ва B

88. Бир-бирига қарама-қарши икки образ-кўнгил ва кишан тимсоллари Чўлпоннинг қайси шеърида тасвирланган?

- A) «Халқ»
- B) «Кишан»
- C) «Кўнгил»
- D) «Бинафша»
- E) «Бузилган ўлкага»

89. А. Чўлпоннинг саҳна асарлари тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг.

- A) «Рустам», «Бахтсиз куёв», «Мирзо Улуғбек»
- B) «Ўлим босқинчиларга», «Хужум», «Ўртоқ Қаршибоев»

- С) «Ёркиной», «Хужум», «Ўртоқ Қаршибоев»
 Д) «Юрак сирлари», «Рустам», «Хужум»
 Е) «Ватап ишқи», «Парвона», «Ўртоқ Қаршибоев»

90. «Кеча ва кундуз» романининг бош мавзуси...

- А) мустамлакачилар зулмига қарши миллий озодлик кураши
 В) мазлум халқнинг 1916 йилги мардикорликка қарши қўзғолони
 С) рус мустамлакачиларининг октябр тўнтариши арафасидаги буюк шовишистик сиёсати
 Д) тишик феодал тузум қамчиси остида хўрланган ва таҳқирланган хонгин-қизлар фожiasi
 Е) рус чоризмига қарши халқ исёни

91. «Кеча ва кундуз» романининг ижобий образлари...

- А) Қурвонбиби, Раззоқ сўфи, Зеби, Султонхон
 В) Қурвонбиби, Зеби, Энахон, Фазилат, Ўлмасжон
 С) Зеби, Қурвонбиби, Ўлмасжон, Энахон, Салтанат
 Д) Зеби, Энахон, Пошшоҳон, Ўлмасжон, Холматжон
 Е) Зеби, Қурвонбиби, Раззоқ сўфи, Холматжон

92. «Кеча ва кундуз»да разиллик ва адолатсизлик, фахр ва қабоҳат оламининг вакиллари...

- А) Эшон, Раззоқ сўфи, Қурвонбиби, Сафар бўзчи

В) Акбарали мий боши, Абдусамат мингбоши, Ўлмасжон

- С) Акбарали мингбоши, ноиб тўра, эшон, Раззоқ сўфи, Холмат
 Д) Акбарали мингбоши, ноиб тўра, эшон
 Е) ноиб тўра, Мирёқуб, Акбарали, Маматурди, Холмат

93. «Кеча ва кундуз»да Мирёқубга ўзининг илғор жадидона қарашларини «юқтирган» зиёли ким?

- А) ноиб тўра
 В) Абдусамат
 С) Ўлмасжон
 Д) Зулну
 Е) Шарафуддин Хўжаев

94. «Кеча ва кундуз»даги «кўргазмага қўйилатургон антиқа махлуқ-лардан бири» ким эди?

- А) Акбарали
 В) Раззоқ сўфи
 С) Зулну
 Д) ноиб тўра
 Е) эшон бобо

95. «... Зеби секингина бўйини чўзиб, гапга қулоқ солди.

У фақат Қумрининг сўзини биттаси ўзимизнинг аравакаш... «деган сўнги сўзини эшитиб олди.

«Кеча ва кундуз»даги бу аравакаш ким эди?

- А) Ўлмасжон
 В) Холматжон
 С) Маматурди

- D) Абдисамат
E) Ҳақимжон

96. «Қафаснинг даричаси очилди...»

«Кеча ва кундуз»дан олинган бу сўзларда муаллиф нимага ишора қилган?

- A) миллий овозлик учун курашнинг бошланганига
B) рус мустамлакачилигининг барҳам топишига
C) Зебихон учун Энахонларникига боришга руҳсат берилганлигига
D) Раззоқ сўфи айвопидаги бедана қафасига
E) турма эшигининг очилишига

97. «Кеча ва кундуз»даги Акбарали мингбоши хотинларининг исми қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Умринисо, Пошхоҳон, Хадича
B) Марям, Султонхон, Зеби
C) Хадича, Пошхоҳон, Султонхон
D) Энахон, Зебихон, Хадича
E) Пошхоҳон, Зебихон, Фазилат

98. «Кеча ва кундуз»даги Мирёқуб Акбаралидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

- A) «шамолнинг қайси томонга эсишини» яхши билиши билан
B) ташқи кўрinishи билан
C) камбағал халққа ғамхўрлиги билан
D) ўзи вояга етган муҳитдан қочип-ганини билиши билан
E) A, B ва D

99. «Кеча ва кундуз»да Акбарали мингбоши ўрнига ноиб тўранинг ошпази Зуннуннинг мингбоши қилиб тайинланишининг боиси нимада?

- A) Зуннун юқори амалдорларга нора узатган
B) Ноиб тўранинг хотини олдида «тиши қисик»лиги учун
C) Зуннун халқпарвар инсон
D) Халқнинг ўзи Зуннунни мингбошиликка сайлаган
E) Ноиб тўраларга халқни осонлик билан бошқариш учун худди шундай калласи пуч кишилар керак эди

100. «Кеча ва кундуз»даги Зебини суд залига нима етаклаб келди?

- A) Пошхоҳон захар солиб қўйган чойнак
B) Мустабид тузум адолатсизлиги, шу тузумда яшаётган кишилардаги жаҳолат, инсон қисматига лоқайлик
C) Акбарали мингбошининг ичкиликка муккасидан кетиши ва тасолифий ўлими
D) Раззоқ сўфининг подошчилиги
E) Раззоқ сўфи муҳиtida ўсган Зебининг итоткорлиги

101. «Кеча ва кундуз»да ёзувчи Акбарали мингбоши орқали қандай кишилар образини яратган?

- A) халқпарвар, софдил кишилар образини
B) рост ўй, меҳнаткаш инсонлар образини

С) мазлум элга «раҳбарлик қилиб» уни боши берк кўчага олиб келиб қўйган кишилар образини

Д) Ҳам сурати, ҳам сийрати жиҳатидан ифлос, амалшараст, қўрқоқ кишилар образини

Е) С ва Д

102. Раззоқ сўфининг фожиаси нимада деб ўйлайсиз?

А) камбағаллигида

В) диндорлигида

С) ҳалоллигида

Д) жоҳиллигида

Е) одамларга ишонувчанлигида

103. Раззоқ сўфининг бирдан телба бўлиб қолишининг сабаби?

А) дунёда ишонган яккаю-я она кишиси, нари-эшон бобонинг уни ер билан яқсон қилиб таҳқирлаши

В) эшон бобо томонидан калтакланиши

С) қизи бошига тушган кулфат

Д) эшонга қилган хизматларига ачиниши

Е) касаллик юқиши

104. Ғ. Ғуломнинг илк шеърлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А) «Фелике болаларига», «Сен етим эмассан», «Соғиниш»

В) «Турксиб йўлларида», «Мен яҳудийман», «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак»

С) «Кузатиш», «Вақт», «Мен яҳудийман»

Д) «Фелике болаларига», «Гўзаллик нимада?», «Сурнай»

Е) «Гўзаллик нимада?», «Қизил байроқ», «Уйланиш»

105. Ғ. Ғуломнинг насрий асарлари берилган қаторни кўрсатинг.

А) «Улоқда», «Жишлар базми», «Шум бола», «Қиёмат»

В) «Янги саодат», «Негай», «Шум бола», «Душман»

С) «Негай», «Шум бола», «Ёлдор», «Тирилган мурда», «Ҳийлаи шаръий», «Ўғри»

Д) «Шум бола», «Менинг ўғригина болам», «Ҳийлаи шаръий»

Е) «Чорбозорчи», «Ҳийлаи шаръий», «Бемор», «Улоқда»

106. Уруш йилларида фронтда жанг қилаётган ўғлини кутаётган ота кечинмалари Ғ. Ғуломнинг қайси шеърда ифодаланган?

А) «Кузатиш»

В) «Соғиниш»

С) «Бизенгамиз»

Д) «Халқ отланди»

Е) «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак»

107. Ғ. Ғуломнинг қайси шеърда ўзининг етим ўсганлиги билан боғлиқ лирик чекинниш мавжуд?

А) «Соғиниш»

В) «Турксиб йўлларида»

С) «Сен етим эмассан»

Д) «Кузатиш»

Е) «Вақт»

108. «Бир кўнғиз мўйловли,
бароқ соч малъун...»

Бу мисралар кимнинг қайси шеърида учрайди ва унда шоир кимга ўз нафратини баён этган?

- А) Ғ. Ғулом, «Мен яҳудийман», «Гитлер»
- В) Ғ. Ғулом, «Сен етим эмассан», «Гитлер»
- С) Ҳ. Олимжон, «Қўлингга қурол ол!», «Гитлер»
- Д) Уйғун, «Қасос», «Гитлер»
- Е) М. Шайхзода, «Қураш нечун?», «Гитлер»

109. Ғ. Ғуломнинг «Шум бола» қиссасидаги воқеалар қайси йилларда кечади?

- А) Октябр тўнтариши арафасида
- В) Октябр тўнтаришидан кейин
- С) Биринчи жаҳон уруши арафасида
- Д) Ватан уруши даврида
- Е) Тинч қурилиш йилларида

110. «Шум бола» қиссаси қаҳрамонлари кимлар устидан куладилар?

- А) фарибгар, юлғич, қаллоблар устидан
- В) дин ниқоби остидаги имони бўш, ахлоқсизлар устидан
- С) безбет амалдорлар, виждонсиз миршаблар устидан
- Д) фақат нафсини ўйловчи, кўкнори, мияси пуч одамлар устидан
- Е) А, В, С, Д

111. Ойбекнинг дастлабки шеърий тўшамлари қайси жавобда тўғри берилган?

А) «Туйғулар», «Кўнгил найлари», «Манъала»

В) «Туйғулар», «Кўклам», «Кўнгил найлари»

С) «Кўнгил найлари», «Украина еллари», «Ватан»

Д) «Манъала», «Кўклам», «Севинч туйғулари»

Е) «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Дил амри»

112. Қайси қаторда Ойбек романлари берилган?

А) «Душман», «Қуёш қораймас», «Қутлуғ қон»

В) «Қўшчинор», «Дохунда», «Қутлуғ қон»

С) «Навой», «Хужум», «Сароб»

Д) «Машраб», «Сарбадорлар», «Навой»

Е) «Олтин водийдан шабадалар», «Улуғ йўл», «Нур қидириб»

113. Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романи қайси мавзуда ёзилган?

А) Гражданлар уруши мавзусида

В) Ватан уруши мавзусида

С) қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш мавзусида

Д) миллий озодлик қураши мавзусида

Е) кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мавзусида

114. Ойбекнинг Покистон халқи ҳаётини ёритишга бағишланган асари...

А) «Қутлуғ қон»

В) «Улуғ йўл»

- С) «Қизлар»
- Д) «Навойи»
- Е) «Нур қидириб»

115. Ойбекнинг икки роман-дан иборат-диалогик асари қайси?

- А) «Қутлуғ қон» ва «Нур қидириб»
- В) «Навойи» ва «Болалик»
- С) «Қутлуғ қон» ва «Улуғ йўл»
- Д) «Олтин водийдан шабадалар» ва «Қуёш қораймас»
- Е) «Қутлуғ қон» ва «Болалик»

116. «Қутлуғ қон» романидаги меҳнаткаш халқ вакиллари образлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Лутфинисо, Ёрмат, Йўлчи, Қоратой
- В) Абдушукур, Шокир ота, Гулсум, Йўлчи
- С) Йўлчи, Қоратой, Шокир ота, Унсин
- Д) Қамбар, Парнихўжа, Йўлчи, Унсин
- Е) Йўлчи, Салим, Нури, Шокир ота

117. «Қутлуғ қон» романида ёзувчининг бадийий ниятига зид равишда киритилган образ қайси?

- А) Абдушукур
- В) Петров
- С) ҳоким тўра
- Д) Қоратой
- Е) пристав

118. «Она, мен қамалишдан қўрқмайман, дордан ҳам, ўқ-

дан ҳам қўрқмайман. Турма! Бу дунё турмадан яхшимми?»
 Бу гаплар қайси қаҳрамон тилидан кимга қарата айтилган?

- А) Йўлчи тилидан Шокир ота синг-лисига қарата
- В) Унсин тилидан Шокир ота кам-пирига қарата
- С) Гулшор тилидан Гулсумга қарата
- Д) Йўлчи тилидан Саодат кампир-га қарата
- Е) Абдушукур тилидан Саодат кам-пирга қарата

119. «Қутлуғ қон» романидаги қайси қаҳрамон кўзларида ёзув-чи тасвирлаганидек, «туйғун-лик, олижапоблик, кўнгилнинг баҳорий тозалиги, илиқлиги ва қандайдир наришон хаёлчан-лик» жилваланади?

- А) Нури
- В) Гулсум
- С) Саодат кампир
- Д) Унсин
- Е) Гулшор

120. Абдулла Қаҳҳорнинг илк китоби-қиссаси қандай номла-нади ва у қайси йили босилиб чиқди?

- А) «Сароб», 1934
- В) «Қўпчинор чироқлари», 1951
- С) «Қишлоқ ҳукм остида», 1933
- Д) «Бемор», 1931
- Е) «Ўғри», 1930

121. А. Қаҳҳорнинг дастлаб-ки ҳикоялари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) «Бемор», «Даҳшат», «Анор»
- В) «Даҳшат», «Майиз смаган хотин», «Минг бир жон»
- С) «Бемор», «Ўғри», «Анор»
- Д) «Минг бир жон», «Думли одамлар»
- Е) «Нурли чўққилар», «Қабрдан товуш», «Бемор»

122. А. Қаҳҳор романлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) «Сароб», «Ўтмишдан эртақлар»
- В) «Муҳаббат», «Кўшчинор чироқлари»
- С) «Сароб», «Нур қидириб»
- Д) «Нурли чўққилар», «Қишлоқ ҳукм остида»
- Е) «Сароб», «Кўшчинор чироқлари»

123. А. Қаҳҳор комедиялари кўрсатилган қаторни тошинг.

- А) «Думли одамлар», «Даҳшат», «Оғриқ тишлар»
- В) «Аяжоларим», «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш»
- С) «Шоҳи сўзана», «Янги ер», «Кўшчинор»
- Д) «Янги ер», «Оғриқ тишлар», «Кўшчинор»
- Е) «Сўшги пушхалар», «Тобутдан товуш», «Пушаймон»

124. А. Қаҳҳорнинг тугалланмай қолган ва вафотидан сўнг нашр этилган асарларини кўрсатинг.

- А) «Зилзила», «Ташвиш»
- В) «Тўйда аза», «Маҳалла»

- С) «Оғриқ тишлар», «Картина»
- Д) «Ботирали», «Болшевиклар»
- Е) «Сўнган вулқон», «Думли одамлар»

125. А. Қаҳҳорнинг автобиографик характердаги асари...

- А) «Болалик»
- В) «Кўрган-кечирганларим»
- С) «Ўтмишдан эртақлар»
- Д) «Шум бола»
- Е) «Шоирнинг болалиги»

126. А. Қаҳҳорнинг ҳикоячилик маҳоратига бевосита таъсир кўрсатган адиб ким эди?

- А) О. Генри
- В) М. Ойбек
- С) О. Балзак
- Д) А. Чехов
- Е) Л. Толстой

127. «Сотиболдиннинг хотини оғриб қолди...» Абдулла Қаҳҳорнинг қайси ҳикояси шундай сўзлар билан бошланади?

- А) «Бемор»
- В) «Қабрдан товуш»
- С) «Даҳшат»
- Д) «Ўсал»
- Е) «Касал»

128. Ҳаётни юрак-бағридан севиб, ўлимни енгган иродали аёл Мастура қайси ҳикоя қаҳрамони?

- А) «Бемор»
- В) «Тобутдан товуш»

- С) «Дахшат»
- Д) «Майиз емаган хотин»
- Е) «Минг бир жон»

129. 30 – йилларнинг калласи пуч, саводсиз, мақтанчоқ кишилари образи Абдулла Қаҳҳорнинг қайси ҳикояларида берилган?

- А) «Санъаткор», «Адабиёт муаллими»
- В) «Сўнгги нусхалар», «Думли одамлар»
- С) «Ифвогар», «Айб кимда»
- Д) «Тўйда аза», «Бек»
- Е) «Майиз емаган хотин», «Анор»

130. Айрим шахслардаги ифвогарлик, фисқ-фужур, гаразгўйлик иллатларини Абдулла Қаҳҳор ўзининг қайси ҳикояларида кўрсатган?

- А) «Майиз емаган хотин», «Қайсар», «Ифвогар»
- В) «Адабиёт муаллими», «Санъаткор»
- С) «Сўнгги нусхалар», «Тобутдан товуш»
- Д) «Думли одамлар», «Картипа»
- Е) «Тўйда аза», «Оғриқ тишлар»

131. «Тешиктош» ҳикояси Абдулла Қаҳҳорнинг қайси аса-ри таркибига киради?

- А) «Муҳаббат»
- В) «Ўтмишдан эртактлар»
- С) «Сароб»
- Д) «Зилзила»
- Е) «Қўшчинор»

132. «Тешиктош» ҳикояси қаҳрамонлари қайси қаторда тўғри кўрсатишган?

- А) Бабар, амин, отқоровул, домла-имом
- В) амин, гуручфуруш, Қудрат чўлоқ, Сатгорқул
- С) Бабар, уста Турдиали, Хотам савоварчи, отқоровул
- Д) амин, мингбоши, элликбоши, домла-имом
- Е) гуручпуруш, Қудрат чўлоқ, Мамажон, Жонтемиир

133. «Асрор бобо» ҳикоясида муаллиф қандай кишилар образини берган?

- А) маърифатли, ҳалол кишилар
- В) ватанпарвар, иродали ифсонлар
- С) ҳаётдан умидини узган, иродасизлар
- Д) майда гап, ифвогар кишилар
- Е) соддадил, тақводор кишилар

134. Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясида жамиятимиздаги қандай иллатлар фож этилади?

- А) чайқовчилик, текинхўрлик
- В) манманлик, ифвогарлик
- С) порахўрлик, маънавий пасткашлик
- Д) маърифатсизлик, ўғрилик
- Е) низо ва адоват

135. «Синчалак» қиссаси қандай воқеаларни ёритишга бағишланган?

- А) қишлоқ ҳаёти ва кишилар дунё-қарашида юз бераётган ўзгариш-

лар, хотин-қизларнинг раҳбарлик фаолияти

- В) қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ҳаракати
- С) қишлоқда меҳнаткаш халқнинг саводини чиқариш ва маданий ишларни кучайтириш
- Д) қишлоқда диний бидъатларга қарши курашиш
- Е) хотин-қизлар овозини

136. «Синчалак»да конфликтнинг қайси кўриниши кўпроқ намоён бўлади?

- А) давр ва қаҳрамон зиддияти
- В) қаҳрамон руҳидаги зиддият
- С) характерлараро зиддият
- Д) сиёсий зиддият
- Е) шахсий зиддият

137. «Синчалак»да шахсга сизгишиш виллатлари қайси қаҳрамон тимсолида кўрсатилган?

- А) Саида Алиева
- В) Эшон
- С) Носиров
- Д) Арслонбек Қаландаров
- Е) Зулфиқоров

138. Ҳамид Олимжоннинг илк шеърӣ тўплами қандай номланади ва у қачон нашр этилди?

- А) «Кўклам», 1929 йил
- В) «Олов сочлар», 1932 йил
- С) «Кўклам», 1927 йил
- Д) «Пойга», 1940 йил
- Е) «Ўлим ёнға», 1941 йил

139. Ҳамид Олимжон ижодида қайси мавзу бўргиб ажралиб туради?

- А) ватан мазуси
- В) она мазуси
- С) меҳнат мазуси
- Д) гинчлик
- Е) бахт мазуси

140. Ҳамид Олимжоннинг драматик асарлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) «Муқанна», «Бахтсиз куёв»
- В) «Сўнги нуҳалар», «Янги ер»
- С) «Муқанна», «Жиноят»
- Д) «Шубҳа», «Мирзо Улугбек»
- Е) «Жалолиддин Мангуберди», «Жиноят»

141. Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» шеърининг асосий мотиви нимадан иборат?

- А) табиат тасвири
- В) ўзгаллик мадҳи
- С) севинч гараннуми
- Д) соғинч туйғуси
- Е) баҳор ва юртга ошуфталик

142. Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонидagi Зайнабнинг прототипи ким бўлган?

- А) Зайнаб Хонларова, машҳур актриса
- В) Зайнаб Омонова, бригадир
- С) Зайнаб Қўшоқова, ситир соғувчи
- Д) Зайнаб Садриева, актриса
- Е) Зайнаб образининг прототипи бўлмаган

143. Зайнаб ва Омоннинг бири-бирига ўхшаш сифатлари кўпроқ нимада кўринади?

- A) жисмонан ва руҳан чиқиққанлигида
- B) ташаббускорлиги, қатъиятчилигида
- C) етим ўсганиги, покчилиги, меҳнатсеварлигида
- D) илмга ташналиги ва рост ўйлигида
- E) иродалилиги ва янгиликка интилишида

144. «Зайнаб ва Омон» достонида Анор қандай шахс сифатида гавдалантирилган?

- A) меҳнатсевар ва ватанпарвар аёл
- B) инсонпарвар ва рост ўй, ҳалол инсон
- C) бахтсиз ва нажотсиз, ожиза бир аёл
- D) тақдирнинг қули, эски турмуш қурбони
- E) иродали ва жасур аёл сифатида

145. Гейне билан ўртоқ тутинган» машҳур ўзбек шоири ким?

- A) Ғ.Ғулом
- B) Усмон Носир
- C) Ойбек
- D) А.Орипов
- E) Ҳамид Олимжон

146. Усмон Носирнинг шеърий тўпламлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) «Сайҳа», «Менинг туним», «Менинг кечам»
- B) «Миррих толдузига», «Кўклам»,

«Баҳор севинчлари»

- C) «Сафарбар сатрлар», «Юрак», «Созим»
- D) «Украина еллари», «Мен шарқдан келаётirman»
- E) «Юрак», «Меҳрим», «Қуёш билан суҳбат»

147. Усмон Носирнинг қаламига мансуб энг гўзал таржима асарлари ...

- A) «Форс тароналари», «Илоҳий комедия»
- B) «Шоҳнома», «Анна Снегина»
- C) «Евгений Онегин», «Форс тароналари»
- D) «Демон», «Богчасарой фонтани»
- E) «Дубровский», «Ўлик жонлар»

148. «Рим-ўйиндан ўлим кутган жинни театр...» Усмон Носирнинг «Нил ва Рим» асарида олинган ушбу мисрада нимага ишора қилинган?

- A) ҳукмдор аслзодалар салтанатига
- B) бир-бирини ўлдирган гладиаторларга
- C) исёнкор қулларга
- D) фожiali ўйинлар саҳнасига
- E) алолатсиз тузумга

149. М. Шайхзоданинг илк шеърий тўплами қандай номланган?

- A) «Ўн шеър»
- B) «Ундошларим»
- C) «Жумҳурият»
- D) «Чорак аср девони»
- E) «Хиёбон»

150. М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасидаги тўқима образлар қайси қаторда тўғри кўрсатилаган?

- А) Саййид Обид, Пири Зиндоний, Абдураззоқ Самарқандий
- В) Фируза, Ота Мурад, Бердиёр, Пири Зиндоний, Бобо Кайфий
- С) Пири Зиндоний, Кўр Қалаандар, Феруза, Али Қушчи
- Д) Шохруҳ, Феруза, Бобо Кайфий, Пири Зиндоний, Ота Мурад
- Е) Феруза, Абдураззоқ Самарқандий, Шайхулисом Бурҳониддин

151. «Мирзо Улуғбек» фожиасидаги Пири Зиндоний ким бўлган?

- А) Темур томонидан зиндонга ташланган сарбадорлардан бири
- В) Улуғбек салтанатига қарши бош кўтарган исёнчи
- С) Муғул босқинчиларига сотилгани учун зиндонбанд этилган маҳбус
- Д) Темур лашкарбошилардан бири
- Е) Улуғбекни қатл этишга бош бўлган сотқинлардан бири

152. Ўзбек шеъриятида Уйғун қандай шоир сифатида ном олган?

- А) Ватан куйчиси
- В) Тинчлик куйчиси
- С) табиат куйчиси
- Д) бахт куйчиси
- Е) меҳнат куйчиси

153. Уйғуннинг «Тонг» шеърида тонг нималарга ўхшатилади?

- А) опшоқ шойига
- В) гунчанинг очилган чоғига
- С) мрамарга ва зарга
- Д) қизнинг мрамар яноғига
- Е) А, В, С, Д

154. Ушбу мисралар Миртемирнинг қайси шеъридан олинган?

- «Менинг юрагимни тешиб ўтдилар Халқимга отилган талай-талай ўқ»
- А) «Розиман, розиман ўла-ўлунча»
- В) «Она тилим»
- С) «Қайнашлар»
- Д) «Бонг»
- Е) «Халқим»

155. Миртемир дostonларини кўрсатинг.

- А) «Барот», «Дилбар-давр қизи», «Ўч»
- В) «Темирчи Жўра», «Аждар», «Дилкушо»
- С) «Қизлар», «Сув қизи», «Сурат»
- Д) «Барот», «Сув қизи», «Сурат»
- Е) «Фарғона», «Сув қизи», «Рух билан суҳбат»

156. Миртемир шеърида она тилимиз қадимликда нимага ўхшатилади?

- А) она тупроққа
- В) қорни тоғлар жилосига
- С) арслон набрасига
- Д) чилдирма овозига
- Е) дутор овозига

157. Миртемир қаламига маңсуб нодир таржима асарлари қайси жавобда тўғри кўрсатилаган?

- А) «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», «Отелло», «Ҳамлет»
 В) «Уруш ва тинчлик», «Дубровский», «Ўлик жонлар», «Манас»
 С) «Тарас Бульба», «Ревизор», «Қирқ қиз»
 Д) «Манас», «Қирқ қиз», «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»
 Е) «Манас», «Шоҳнома», «Уруш ва тинчлик», «Қирол Лир»

158. «Менинг онам, ўзининг таъбирича, усти бутун, ичи тутун аёллардан эди. У ҳамма вақт камгац, хаёлчан эди...» Гап кимнинг онаси ҳақида кетяпти?

- А) Миртемир
 В) Усмон Носир
 С) Зулфия
 Д) Абдулла Орипов
 Е) Э. Воҳидов

159. Зулфия шеърларининг етакчи мотиви...

- А) она юртган муҳаббат
 В) ҳижрон ва садоқат
 С) табиатга ошуфталик
 Д) меҳрга тапналик
 Е) бахт нашидаси

160. С.Аҳмаднинг дастлабки ҳикоялар тўплами қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) «Хукм», «Қишлоқ хукм остида», «Суд»
 В) «Эр юрак», «Фарғона ҳикоялари», «Муҳаббат»
 С) «Муҳаббат», «Жимжитлик», «Хукм»

Д) «Ҳазина», «Кўр кўзини очилиши», «Суд»

Е) «Алла», «Фарғона ҳикоялари», «Уфқ»

161. «Уфқ» трилогияси қайси романлардан иборат?

- А) «Ҳижрон кунларида», «Қирқ беш кун», «Уфқ бўсағасида»
 В) «Уфқ», «Қирқ беш кун», «Ҳижрон кунларида»
 С) «Жимжитлик», «Уфқ бўсағасида», «Ҳижрон кунларида»
 Д) «Ҳижрон кунларида», «Ота», «Қирқ беш кун»
 Е) «Уфқ бўсағасида», «Қирқ беш кун», «Чўл бургути»

162. «Уфқ» трилогиясининг барча романида қатнашувчи бош қаҳрамон...

- А) Турсунбой
 В) Низомжон
 С) Азизжон
 Д) Аъзамжон
 Е) Икромжон

163. «Қирқ беш кун» романи марказида қандай воқеалар ётади?

- А) Фарҳод ГЭСи қурилиши
 В) Катта Фарғона канали қурилиши
 С) Норин ГЭСи қурилиши
 Д) Ёзёвон чўллариини ўзлаштириш
 Е) Тўғри жавоб йўқ.

164. «Қирқ беш кун» романида тўй кечаси Лутфинисони олиб қочган йигит ким эди?

- A) Акбарали
- B) Абзамжон
- C) Турсунбой
- D) Азизхон
- E) Низомжон

165. Қочоқ Турсунбой ўрнига Икромжонга ўғиллик қилган йигит?

- A) Низомжон
- B) Абзамжон
- C) Акбарали
- D) Дўданбой
- E) Азизхон

166. С. Аҳмаднинг «Қоплон» ҳикоясида қандай шахс образи яратилган?

- A) порахўр ва бюрократ
- B) хушомад ўй ва иккиюзламачи
- C) амалпараст ва худбин
- D) итвогар ва туҳматчи
- E) ҳасад ўй ва ичи қора шахс

167. Асқал Мухтор романида-ри тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг.

- A) «Дарёлар тугаган ерда», «Жаннат қидирганлар», «Суд»
- B) «Қишлоқ ҳукм остида», «Кўшчинор», «Қалрим»
- C) «Уч илдиш», «Опа - сингиллар», «Чинор»
- D) «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Аму», «Опа - сингиллар»
- E) «Опа - сингиллар», «Чинор», «Сароб», «Туғилиш»

168. Давлат арбоби Файзулла

Хўжаев А. Мухторнинг қайси асари қаҳрамонига прототип бўлган?

- A) «Чинор»
- B) «Давр менинг тақдиримда»
- C) «Бухоронинг жин кўчаларида»
- D) «Туғилиш»
- E) «Дарёлар тугаган жойда»

169. Одил Ёқубов адабиётга қайси асари билан кириб келди?

- A) «Биллур қандиллар»
- B) «Матлуба»
- C) «Муқаддас»
- D) «Тенгдошлар»
- E) «Бир фелъетон қиссаси»

170. «Диёнат» романида адолат-талаб, покдиг инсон образи...

- A) Жамол Бўрибоев
- B) Воҳид Миробидов
- C) Отақўзи
- D) Нормурод Шомуродов
- E) А ва В

171. Одил Ёқубовнинг Чингиз Айтматов олқишига сазовор бўлган асари қайси?

- A) «Улуғбек хазинаси»
- B) «Чинор» C) «Диёнат»
- D) «Байдамтол соҳилларида»
- E) «Оқ қушлар, ошпоқ қушлар»

172. «Улуғбек хазинаси» романи Улуғбек ҳаётининг қайси даври тасвири билан бошланади?

- A) Улуғбекнинг Самарқанд тахтига ўтириш воқеалари билан

- В) Шоҳруҳ Мирзо вафоти кунларидаги воқеалар билан
- С) Улугбек салтанатининг таҳликали йиллари тасвири билан
- Д) Улугбекнинг болалик йиллари воқеалари билан
- Е) Улугбек ҳаётининг сўнги кунлари воқеалари билан

173. «Анча вақтдан бери мен ўзбек адабиётида момақалди-роқ гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда мана шу асар адабиётимизга момақалди-роқдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтираб кириб келаяпти».

П. Қодировнинг «Уч илдиз» романига бу баҳони ким берган эди?

- А) Чингиз Айтматов
- В) Саид Аҳмад
- С) Шароф Рашидов
- Д) Абдулла Қаҳҳор
- Е) Комил Яшин

174. П. Қодировнинг «Қора кўзлар» қиссаси кимлар ҳаётидан олиб ёзилган?

- А) олимлар
- В) метрочилар
- С) чорвадорлар
- Д) пахтакорлар
- Е) механизаторлар

175. П. Қодировнинг студентлар ҳаётидан ёзилган ва адибга катта шуҳрат келтирган асари қайси?

- А) «Уч илдиз»
- В) «Эрк»

- С) «Қадрим»
- Д) «Олмос камар»
- Е) «Мерос»

176. П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида дастлаб қайси қаҳрамон билан учрашамиз?

- А) Робия ва Тоҳир
- В) Умаршайх Мирзо, Қутлуғ Нигорхоним
- С) Хонқулибек ва Узун Ҳасан
- Д) Мулла Фазлиддин ва Тоҳир
- Е) Қорақўзбегим ва Фотима султон

177. «Юлдузли тунлар» романида Хонзода бегимнинг расмини чизган рассом, меймор ким?

- А) Мулла Қутбиддин
- В) Маҳмуд
- С) Мазидбек
- Д) Хўжа Абдулла
- Е) Мулла Фазлиддин

178. «Юлдузли тунлар»да Бобур кимни Ҳиндубек деб атаган?

- А) Лаъл Чандни
- В) Индрини
- С) Тахмасини
- Д) Диловархонни
- Е) Байрамхонни

179. Э. Воҳидовнинг урушнинг кишилар қалбида қолдирган оғир жароҳатлари ҳақида ёзган асари қайси жавобда кўрсатилган?

- А) «Палаткада ёзилган дoston»
- В) «Нидо»

- С) «Истамбул фожиаси»
- Д) «Ўч»
- Е) «Рухлар исёни»

180. «Шойри у туғилмасдан
Гадо қилган эдилар...»

- Э. Воҳидовнинг «Рухлар исёни» асаридан олинган ушбу мисраларда гап ким ҳақида борапти?
- А) Назрул Ислоҳ
 - В) Мирзо Бобур
 - С) Хусрав Дехлавий
 - Д) Мирзо Ғолиб
 - Е) Фурқат

181. Э. Воҳидовнинг туркум шеърларидаги ҳажвий қаҳрамон ким?

- А) Мамажон
- В) Матмуса
- С) Афанди
- Д) Мамадали
- Е) Мусавой

182. Э. Воҳидовнинг қаламига мансуб подир таржималар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) «Богчасарой фонтани», «Евгений Онегин», «Фауст»
- В) «Шоҳнома», «Анна Снегина», «Фауст», «Кавказ асири»
- С) «Фауст», «Анна Снегина», «Форс тароналари»
- Д) «Форс тароналари», «Демон», «Богчасарой фонтани»
- Е) «Шоҳнома», «Маснавийи маънавий», «Есенин шеърлари»

183. А.Орипов шеърятининг

асосий йўналишини нима таъкил этади?

- А) Ватан ва унинг фарзандлари севинч-ташвишларини куйлаш
- В) Инсонни унинг буюклиги ва чиркин иллатлари билан бутунича тасвирлаш
- С) Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришларни юксак руҳ билан куйлаш
- Д) Табиатда юз бераётган экологик фожиалар ҳақида бонг уриш
- Е) А ва В

184. А.Ориповнинг «Қўриқхона» шеърисида қандай гоя илғари сурилган?

- А) Қўриқхоналар қуриб, йўқолиб бораётган ҳайвонларни сақлаб қолиш
- В) Табиатнинг ифлосланишига, экологик фожиаларга йўл қўймаслик
- С) Инсон қонидаги, ҳаё, имон, меҳру оқибатни асраб қолиш
- Д) Қуриб бораётган Орол табиати ни асраш
- Е) Аввало, ҳайвонларни эмас, инсонларни асраб-авайлаш

185. А.Ориповнинг ушбу сатрлари унинг қайси шеърисидан олинган?

- «Юздан парда кетса,
Дилдан диёнат,
Меҳр ришталари зимдан узилса,
Юракларни босса шубҳа, хиёнат...»
- А) «Ишонч»
 - В) «Ишонч кўприклари»

- С) «Генетика»
- Д) «Фожиа»
- Е) «Темир Одам»

186. А.Ориповнинг коммунистик тузумнинг ҳақиқий қиёфаси, моҳиятини очиб беришга бағишлаган шеъри...

- А) «Ишонч кўприклари»
- В) «Генетика»
- С) «Фожиа»
- Д) «Асримиз одами»
- Е) «Авллодларга мактуб»

187. А.Ориповнинг фантастик, афсонавий-мифологик мавзуда ёзилган асарини аниқланг.

- А) «Ранжком»
- В) «Қиёмат»

- С) «Иблис»
- Д) «Жаннатга йўл»
- Е) «Туп»

188. А.Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарида йигитнинг жаннатга тушиниغا нега икки найса етмай қолди?

- А) Ота-онасини етарлича қадрламагани учун
- В) Сува оққан қизалоқни қутқазиб қолмагани учун
- С) Манфур ва олчоқ қишиларнинг разилигини кўриб туриб, лоқайд бўлганлиги учун
- Д) Диний эътиқодининг суетлиги учун
- Е) Фақат ўзини, ўз манфаатини ўйлагани учун

ЖАҲОН АДАБИЁТИ НАМОЯНДАЛАРИ

СОФОКЛ

Жаҳон адабиётида трагедия отаси ҳисобланган Эсхидан кейинги иккинчи буюк фожиапанас Софокл милоддан аввалги 496 йилда Афина яқинидаги Колонда таваллуд топган. 28 ёшида драматик адиблар мусобақасида Эсхил устидан галаба қозongan. Нақл қилишларича, Эсхил бунга чидаолмай, Афинани тарк этишга мажбур бўлган экан.

Софокл 60 йиллик ижодий фаолияти давомида 120 дан ортиқ асар яратган, 24 марта адиблар мусобақасида галиб чиққан, бироқ унинг асарларидан фақат еттитаси бизга қадар етиб келган. Адиб Жаҳон адабиётига ўзининг «Шоҳ Эдип», «Эдип Колонда», «Антигона» асарлари билан кирган. «Шоҳ Эдип» асарида драматург тақдири азалдан қочиб қутулиб бўлмагани ва ҳар ким ўз қилмишига яраша жазо олиши муҳаққақдир деган гояларни илгари суради. Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Фива шоҳи Лай қўшни подшоҳ Пелопнинг уйида бир неча кун меҳмон бўлиб, унинг ўгли Хрисипни олиб қочади. Меҳмоннинг бу кўрнамалигидан қаттиқ ранжиган Пелоп маъбудаларга зор-зор йиллаб, Лайни лашнатлайди. Орадан бир неча йиллар ўтса-да, Лай фарзанд кўрмайди. У бу оғир қисматдан нолиб, Аполлон ибодатхонаси қоҳинидан фарзандсизлиги сабабини сўрайди. Қоҳин шундай башорат қилади: *Лай фарзанд кўради, бироқ у ўз отасининг қотили бўлади ва ўз онасига уйланади.*

Орадан кўп ўтмай, чиндан ҳам Лай фарзандлик бўлади. Қоҳиннинг башоратидан кўрққан Лай қақалоқни товонига ништар уриб, қушларидан бирита уни Киферон тоғига элтиб ташлашни буюради. Аммо қул беғуноҳ гўдакка ачиниб, уни тоғда мол боқиб юрган бир чўпонга бериб юборади. Чўпон эса болани ўз подшоҳи-бефарзанд Полибга топширади. Полиб севиниб, қақалоқни ўғил қилиб олади ва унга Эдип (товони тешилан) деб ном қўяди. Эдип ўзини Полиб ва унинг рафиқаси Меропанинг фарзанди эканлигига заррача шубҳа қилмай вояга етади. Бироқ бир куни базмда жўраларининг бири унинг асранди ўғил эканлигини айтиб қўяди. Бундан беҳад изтироб чеккан йнгит Делфа қоҳинидан ўз қисмати ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилади. Қоҳин унинг тақдири ниҳоятда оғир эканлигини, у ўз отасини ўлдириб, онасига уйланажagini ва бу никоҳдан фарзандлар кўражagini айтади, қоҳиннинг айтишича, бу касофат Эдипнинг авлодларига уради. Қоҳин бу сирни айтишга айтади-ю, аммо унинг ҳақиқий ота-онаси қимлиги ҳақида лом-лим демайди. Полиб ва Меропанинг меҳр-муҳаббати билан ўсган Эдип бу даҳшатли қисматни бопдан кечиргандан кўра, уйдан бош олиб чиқиб кетишни афзал кўради.

Эдин қисмат таъқибидан қочинга қапчалик уринмасин, тақдир унинг изидан қувиб бораверади. Фива йўлида икки тоғ орасидаги чорраҳала Эдин бир аравага тўқнаш келади. Арава ичида нуроний мўйсафид ўтирарди. Арава олдида бораётган жарчи Эдинга қамчи билан ўлағайлаб, йўлдан қочишни буюради. Бундан газабланган Эдин бир мушт билан жарчини қулатади, арава ичидаги мўйсафид эса ҳассаси билан Эдиннинг бошига туширади. Бундан баттар газабланган Эдин қўлидаги таёқ билан шундай туширадики, чол тил тортмай ўлади. Бу чол унинг отаси Лай эди.

Эдин йўлида давом этади. У Фива шаҳрига етиб келганда, оғир мусибатнинг устидан чиқади. Бу ерда Сфинке деган, боши одам, танаси арслон бўлган, узкан қанотли махлуқ пайдо бўлган, йўл устида одамларга жумбоқ айтиб, уни ечолмаганларни темир чапғали билан эзиб ўлдирарди. Халқни бу мусибатдан қутқаришга азм этган Эдин унинг ҳузурига келиб, жумбоғини айгишни сўрайди. Сфинке ундан, қандай жонивор эрталаб тўрт оёқлаб, кундузи икки оёқлаб, кечаси эса уч оёқлаб юради деб сўрайди.

«Бу — одам, — дея жавоб берлади Эдин, — эрталаб - гўдақлигида у тўрт оёқлаб, кундузи - навқиронлигида икки оёқлаб, кечаси - қарилгида эса уч оёқлаб, ҳассага таяниб юради». Тўғри жавобни эшитган Сфинке ўзини денгизга ташлаб, гойиб бўлади. Офатдан қутулган халқ Фивада Эдини хушнудлик билан кутиб олади ва Лайнинг тожини унинг бошига кийдиради. Сал ўтмай Эдин Лайнинг хотини — ўз онаси Иокастага уйланади. Ундан икки қиз (Аптегона, Исмена) ва икки ўғил (Этеокл, Полиник) кўради. Эдин юртни шодлик ва осойишталик билан бошқаради, бироқ бу шодлик узоққа чўзилмайди. Фивага ўлат касали — вабо тарқалади, кўчалар одамлар ўлигига тўлиб кетади, уларни дафн қилишга улгурмайдилар, ҳатто. Бутун шаҳарни нолаю фарёдлар босиб кетади. Бу бало-офатнинг сабабини Аполлон қоҳинидан сўраб келиш учун Эдин қайноғаси Креонтни жўнатади. У шундай хабар келтиради: Фивага ёғилган ўлатнинг сабаби шу кунга қадар марҳум подшоҳнинг хуни олинмаганлигида экан, халқ қотилни топиб қатл этмагунча, бу балолардан қутулмас эмиш. Подшоҳни эса йўлда қароқчилар ўлдириб кетган дейишарди. Шу фожиада омон қолган битта чўпон бор экан, у тоғда мол боқиб юрар экан. Эдин шу чўпонга одам юборади ва қотилни аниқлаб, қаттиқ жазолангга қарор қилади. У халқни тўплаб маслаҳат сўрайди. Халқ бу ишда фақат авлиё Тиресий ёрдам бериши мумкинлигини айтади. Кўзлари кўр кекса Тиресийни саройга келтирадилар. У Лайни ким ўлдирганини билади, ammo сирни очипга журъат этолмайди. Унинг иккилашиб тўришидан аччиқланган Эдин унга захрини сочади. Кўнгли озор чеккан Тиресий энди

Ҳамза театрида сахналаштирилган. Эдиш образи машҳур санъаткор Шукр Бурхоновнинг шоҳ ролига айланиб қолди.

АБУ АБДУЛЛО РУДАКИЙ

“Одам-уш шуаро” (Шоирлар Одам Атоси) деб ном олган бу уллуғ шоир тахминан 855-856 йиллар Панжруд қишлоғида (Тожикистоннинг Панжикент тумани) таваллуд топган. Айрим таъкирларда унинг онадан кўр туғилганлиги ҳақида маълумот берилса, баъзиларида Сомонийлар томонидан кўзига мил тортиб кўр қилинганлиги айтилади. Рудакий 8 ёшида Қуръонни тўла ёддан билган, барбатда (музыка асбоби) дилбар куйлар чала олган, Исмоил Сомоний салтанатида у саройга, Бухорога чақирилган, шоирлар орасида унинг обрўи жуда баланд бўлган, бироқ умрининг охирида шоир у ердан четлаштирилган ва 940-941 йиллар она қишлоғида вафот этган.

Рудакий форс адабиётида биринчи бўлиб девон тузган, гўзал қасида, газал, қитъа, рубоийлар ёзган. Муҳаммад Авфий Бухорий “Лубоб ул-албоб” таъкирасида шоирнинг ёзган асарлари юз лафтар бўлганлигини қайд этади. Улар орасида бизга маълумлари ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи “Қариликдан шикоят” маснавийси, “Калила ва Димна”, “Синдбоднома”, “Ароис-уш нафис” достонларидир.

АБУЛҶОСИМ ФИРДАВСИЙ

Абулҷосим Фирдавсий 940 йилда Хуросоннинг Тус шаҳрида туғилган. Маълумотларга кўра ўз даврининг буюк шоири Дақиқий “Шоҳнома”ни ижод қилишга киришган ва 1000 байтгача ёзган чоғда фожиа ҳалок бўлган. Фирдавсий уни давом эттирган ва 35 йил заҳмат чекиб, ўзининг буюк асари “Шоҳнома”ни яратган. Нақл қилишларича, асарнинг ҳар бир байтига тилло билан ҳақ тўлашга ваъда берган Маҳмуд Газнавий достон тугаллангач, шоирга арзимаган қумуш тангалар узатган. Бу настакшликдан ранжиган шоир достонга ўзининг машҳур ҳажвий шеърини илова қилган.

“Шоҳнома” 60 минг байтдан иборат бўлиб, ўз ичига кўплаб афсонавий ва тарихий воқеаларни қамраб олган. Унда тўрт Эрон сулоласининг 4 минг йиллик тарихи 50 шоҳ ҳаёти мисолида ёритилади.

Достоннинг асосий ғояси ватанни чин юракдан севиш, чет эл босқинчиларига қарши курашда элни бирдамликка чақириш, кишиларда қирғинбарот урушларга қарши нафрат уйғотишдан иборат. Бу ғоя Каюмарс, Хушанг, Жамшид, Темирчи Кова тимсоллари орқали ақс эттирилган.

Ёвуз Ахриман қонхўр шоҳ Заҳҳокнинг икки елкасини ўпгач, у ердан икки илон ўсиб чиқади ва шоҳга озор етказа бошлайди. Бу илонларни тиңитиш учун Заҳҳок ҳар куни икки йитиғини мия қатигини бера бошлайди. Темирчи Кованинг 16 нафар ўғли ана шу илонлар қурбони бўлади. Сабр косаси тўлгац халқ исён кўтариб, Заҳҳокни тахтдан улоқтириб ташлайди. Кованинг чарм пешбанди исёгчиларнинг байроғига айланди.

Асарнинг иккинчи қисми қаҳрамонлик эпоси бўлиб, унинг бош қаҳрамони Рустамдир. Рустам дупманлар, девлар, фил ва шерлар билан жанг да миселсиз шижоатлар кўрсатади. Шаҳзодалар Кайковус, Кайқубод, Кайхусрав Рустам каби йитиғга муҳтож эдилар. Чунки у жангларда ўз жасоратини намойиш қила олган эди.

Жангларнинг бирида Рустам ўз ўғли Суҳробни танимай ўлдириб қўяди. Ўлим олдида турган Суҳроб отасини кўролмай қолганидан ўкинади. Тенасида турган Рустамга: “Отам ҳали сендан менинг ўчимни олади”, — деб айтади. “Отанг ким?” — деб сўрайди Рустам. “Рустам” — деб жавоб беради Суҳроб. Ўғлини ўлдириб қўйганини билган Рустам бошларига тупроқ сочиб, фарёд чекади.

Достоннинг учинчи қисми тарихий воқеалар, Аҳмонийлар сулоласи, шу сулоланинг охириги подшоҳи Дороннинг мағлуб бўлиши, Искандар Македонскийнинг Эронни забт этиши билан бошланиб, сосонийларнинг сўнгги шоҳи Яздигард Шнинг араблар истилоси чоғида ўлдирилиб, ҳокимият барҳам топиши билан тугайди.

ШАЙХ МУСЛИҲИДДИН САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ

Адаб мулкисининг султони Саъдий Шерозий тахминан 1208 йилда Хуросоциг гўзал шаҳарларидан бири Шерозда туғилган. Айрим таъкирларда қайд этилишича, шоир 120 йил умр кечириб, унинг асосий қисмини таҳсил ва саёҳатлар билан ўтказган. Умрининг сўнгги 40 йилида ижод билан банд бўлган. Етимларга раҳмлиб бўлиш кераклиги ҳақида ёзган шеърда қайд этилишича, унинг ўзи ҳам отадан анча барвақт етим қолган. Бағдодга бориб, Низомия мадрасасида таҳсил кўрган.

Саъдий ўздан кейинги авлодга 19 бўлимдан иборат насрий ва шеърый “Куллиёт”ни мерос қолдирди. Унга киритилган “Тулистон” ва “Бўстон” пандномалари жаҳон адабиётининг энг подир дурдоналари ҳисобланади.

“Тулистон” 8 бобдан иборат бўлиб, унда шоир жуда кўп мамлакатларни кезиб, орттирган ҳаётий тажрибаларини кичик-кичик ҳикоялар орқали умумлаштириб беради. Бу ҳикояларда ҳалоллик ва покдиллик, меҳнатсеварлик, тўғрисўзлик, илм-маърифатни улуғловчи, жоҳиллик,

мол-дунёга ҳире қўйиш каби иллатларни қораловчи ҳикматларни баён этади. Шоир илм-ҳунарни қайнаб турган булоққа ўхшатади, илм ва бойлик орттириб, ундан фойдалана олмаган кишилардан кўра устига китоб ортилган эшак афзаллигини қайд қилади.

АЗИЗ НЕСИН

Жаҳон ҳажвчилигининг йирик вакилларида бири бўлган Азиз Несин 1915 йилда Истанбулда туғилган. Унинг асл исми Маҳмуд Нусрат бўлиб, Азиз Несин адабий тахаллусидир. Ижодини дастлаб шеърлар ёзиш билан бошлаган адиб кейинчалик ҳажвий ҳикоячиликда жаҳонга танилди. Унинг дастлабки ҳикоялари Азиз Несин тахаллуси билан “Миллат” журналида эълон қилинди.

“Футбол қироли”, “Фаройиб болалар” асарлари билан анча шуҳрат қозонган адиб қалами, айниқса 50-60 йилларда янада ўткирлаша борди. “Демократия шўқори”, “Мушт кетди”, “Даҳшатли туш”, “Минг марта шукр”, “Сигарет кутисигаги арз-додлар”, “Оркестр одам” ва бошқа қатор ҳикояларида жамиятдаги иллатларни кескин фош этди, подон, қўрқоқ, мупофиқ, хушомадгўй, бюрократ, мансабпараст, иккиюзламачи шахсларни қаттиқ кулги остига олди.

Азиз Несинни ўзбек китобхонлари унинг “Мушт кетди”, “Хуштак афанди”, “Кейин ҳурсанд бўласиз”, “Фаройиб болалар” каби китоблари орқали яхши биладилар, бу тўшамлар ўзбек тилида нашр этилган.

ГАБРИЭЛ ГАРСИЯ МАРКЕС

Г. Г. Маркес 1928 йилда Колумбиянинг Аракатука шаҳрида туғилди. Унинг кўнгина асарлари ана шу шаҳарда болалик йилларида кечган фаройиб воқеалар билан боғлиқдир. Отаси доришунос бўлгани учунми, ўғлининг фармацевт бўлишини истар, Габриэл эса адвокат бўлишни орзу қилган эди. Бироқ адвокатлик ўз табиатига тўғри келмаслигини сезган Габриэл журналистика йўлига кириб кетди, кейинчалик эса дунёга машҳур ёзувчи сифатида танилди.

Г. Г. Маркес дастлабки ҳикоясини 17 ёшида ёзган. Шундан буён “Хосиятсиз соат”, “Танҳоликнинг юз йили”, “Оқсоқолнинг кўзи”, “Ошқора қотиллик қиссаси” романлари, “Полковникка ҳеч ким ёзмайди” қиссаси ва ҳикояларини ёзди. Ёзувчи ўз асарларида ватани бошига тушган оғир кулфатлар, жабрдийда халқнинг қисматини ҳаққоний кўрсатиб берди.

1981 йилда яратилган “Ошқора қотиллик қиссаси” да муаллиф Ан-

хела, Сантяго Насар, Байярдо Сан Романлар ўртасида бўлиб ўтган иш-қий можаролар орқали инсон фожиасининг туб сабабларини очиб ташлайди.

Г. Г. Маркес бадиий адабиётдаги юксак санъати ва хизматлари учун 1982 йилда Нобел мукофотиغا сазовор бўлди.

РОБИНДРАНАТ ТҲОКУР

Дунёга «Ҳиндистон виждони» сифатида танилган Р. Тҳокур 1861 йилда Калкутта шаҳрида дунёга келди. Маърифатли оилада камол топган Тҳокур 1878 йилда Англияга ўқишга келади, икки йил ичида инглиз ҳамда жаҳон адабиёти билан танишади. Ўз юртида қашшоқ, хор ва бетадбир халқининг чеккан азоблари, инглиз мустамлакачиларининг зулм-зўравонликлари ва инсон ҳуқуқларининг поймол этилаётганини кўрган адиб миллий озодлик ғояларининг курашчисига айланади. 1881 йилда шоирнинг «Оқшом қўшиқлари» кейинроқ «Гитанжалли» шеърини тўпламлари нашр этилди. Тҳокур шеърларини инглизчага ўзи ўгириб, Лондонда нашр этади. 1913 йилга унга Нобел мукофоти берилади. Р. Тҳокур «Ҳалокат», «Ҳонадон ва жаҳон», «Гора», «Сўнги дoston», «Ғарбга саёҳат кундаликлари» романиларини, «Қурбонлик», «Читрангода» «Кузи байрам», «Малини» пьесаларини яратган.

Адиб ўз ҳикоялари билан ҳинд адабиётида ҳикоячилик мактабига асос солган. Унинг «Нур ва соялар» ҳикоясида инглиз мустабидларининг ҳинд халқи бошига солган азоблари, бедодликлари аке эттирилади. Суд раиси — инглиз амалдори оддий халқни истаганча таҳқирлай олади: итига тўшқ олиб келмаган Хоркумарни халойиқ олдида уриб ҳайдаттиради, кемасини кувиб ўтган ҳинд қайиқчисини отиб ташлайди, қиргоққа чиқиб ўтишга анча узоқдан айланиб ўтишдан эриниб, ҳинд балиқчиларининг тўрини қирқиб ташлайди. Бу адолатсизликларга чидолмаган адвокат Шошибушон жабрдийдаларни суд раиси устидан ариза ёзишга даъват этади. Дастлаб унинг маслаҳати бўйича ариза ёзган Хоркумар, бошлиқнинг таъйири билан аризасини қайтариб олади, балиқчилар ҳам ўз даъволаридан воз кечади, натижада Шошибушон «туҳматчи»га айланиб ноҳақ судланади.

Р.Тҳокурнинг «Жанганамана» шеъри бугунги кунда Ҳиндистоннинг миллий гимнига айланган.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

“XX аср жаҳон адабиётининг энг истеъдодли адиби сифатида тан олинган Чингиз-Айтматов 1928 йилда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида давлат арбоби Тўрақул Айтматов oilасида туғилди. Урундан кейин Азиевотадаги зооветеринария техникумида, Қирғизистон қишлоқ хужалик институтида ўқиди, 1956-58 йилларда эса Москвадаги адабиёт курсида таҳсил кўрди.

Адабиётга “Газетачи Дзюдо”, “Ҳошим”, “Байдамтол соҳилларида” ҳикоялари билан кириб келган Чингиз Айтматов 1958 йилда ёзилган “Жамила” қиссаси билан дунёга танилди. Асарни француз тилига ўтирган Луи Арагон уни “жаҳоннинг энг гўзал севги қиссаси” деб баҳолаган эди. кейинчалик адиб “Бўтакўз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Биринчи муаллим”, “Сомон йўли”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема”, “Эрга қайтган кемалар”, “Соҳил бўйлаб чопаётган оланар”, “Асрга татиғулик кун”, (“Бўронли бекат”), «Қиёмат» қисса ва романиларини, “Фудзиямадаги учрашув” драмасыни яратди.

Ч. Айтматов ҳар бир асарида умумбашариёт миқёсидаги улкан муаммоларни кўтариб чиқади. Унинг асарлари марказида инсон тақдирининг чигал, мураккаб томонлари, инсон ва табиат ўртасидаги фожияли муносабатлар туради. Буни унинг “Оқ кема”, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат” (“Кунда”) асарларида кўришимиз мумкин.

“Асрга татиғулик кун” романида Собитжон, лейтенант Тансийқобов тимсолилари орқали кўтарилган ўз она тили, дини, миллий қадриятларини унутиб бораётган замонавий манкуртлар муаммоси умуминсоний муаммо даражасига кўтарилган. “Қиёмат” романида эса имон ва эътиқоднинг, адолат ва ҳақиқатнинг оёқ ости қилинаётгани, маънавиятнинг ўлиб бораётгани оқибатида у дунёда эмас, шу дунёнинг ўзидаёқ инсоният қиёматга томон яқинлашиб бораётганини ёзувчи ёвуз, тошюрак, ҳар қандай ҳиссиётдан маҳрум, имонсиз Гришан ва Обер-Кандалов, Бозорбой ва Қўчқорбоевлар тимсолида кўрсатиб беради. Покдомон, оқкўнги Авдий Каллистратов, Бўстон кабиларнинг ана шу разиллар билан ёнма-ён яшашини чиндан ҳам қиёматнинг ўзи эмасмиди?

Чингиз Айтматов сўнгги йилларда “Кассандра тамгаси” романини яратди

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАВ КЎРИНИҒ ВА МУСТАҲКАМЛИНИҒ.

1. Форсий адабиётда қайси шоир “Одам-уш шуаро” (“Шоирлар отаси”) номини олган?

- A) Дақиқий
- B) Абу Абдулло Рудакий
- C) Абулқосим Фирдавсий
- D) Саъдий Шерозий
- E) Ҳофиз Шерозий

2. Форсий адабиётда ғазал мулкининг султони ким бўлган?

- A) Умар Ҳайём
- B) Бадриддин Ҳилолий
- C) Жалолиддин Румий
- D) Саъдий Шерозий
- E) Ҳофиз Шерозий

3. Абулқосим Фирдавсий қайси шоирнинг “Шоҳнома”сини давом эттирган?

- A) Масъуди Марвазий
- B) Дақиқий
- C) Абулмуайяд Балхий
- D) Абумансурий
- E) Фаридуддин Аттор

4. “Шоҳнома”да неча йиллик воқеалар акс эттирилган?

- A) 300 йиллик
- B) 1000 йиллик
- C) 2000 йиллик
- D) 3000 йиллик
- E) 4000 йиллик

5. “Шоҳнома”да золим Заҳҳокка қарши бош кўтарган халқ қаҳрамони...

- A) Жамшед
- B) Гершасп
- C) Кова
- D) Сухроб
- E) Рустам

6. “Шоҳнома”да Рустамни жангларга отлантирган шоҳлар кимлар эди?

- A) Жамшед ва Каюмарс
- B) Кайковус ва Кайқубод
- C) Аҳриман ва Ҳурмузд
- D) Кайхусрав ва Заҳҳок
- E) меҳнаткани халқ отлантирган

7. “Шоҳнома” воқеалари қайси шоҳлар сулоласи ҳаёти билан тугайди?

- A) пейшодийлар
- B) анжонийлар
- C) каёнийлар
- D) сосонийлар
- E) аҳмонийлар

8. “Шоҳнома”даги Рустамнинг қайси саргузаштида унинг оти Рахш шер билан жанг қилади?

- A) биринчи саргузаштида
- B) иккинчи саргузаштида
- C) учинчи саргузаштида
- D) тўртинчи саргузаштида
- E) еттинчи саргузаштида

9. Саъдийнинг “Гулистон” аса-рида тарбия қилишнинг сира иложи бўлмаган боланинг отасига: “Углинг одам бўлмади, мени ҳам ақидан оздирди” - дея

хабар беради. Бу такасалтанг бола ким эди?

- A) подшоҳнинг ўғли
- B) вазирининг ўғли
- C) шайхнинг ўғли
- D) деҳқоннинг ўғли
- E) сартарошнинг ўғли

10. Саъдийнинг “Гулистон” асарида нақл қилинишича, бир шайхнинг ўғлига амакиларидан ҳисобсиз мол-дунё қолади. Йигит бу бойликни нима қилади?

- A) камбағалларга бўлиб беради
- B) ҳашаматли уй қуради
- C) судхўрлик мақсадида фойдаланади
- D) айш-ишратга сарфлайди
- E) ота-онаси а катта мақбара қурдиради

11. Азиз Несиннинг болалар ҳаётидан олиб ёзилган машҳур асари қайси?

- A) “Болалик”
- B) “Ғаройиб болалар”
- C) “Гек Финнинг бошидан кечирганлари”
- D) “Том Сойернинг янги саргузантлари”
- E) “Гулливернинг саргузантлари”

12. А. Несиннинг қайси ҳикояси қаҳрамони газетага “Эшак қўзи тугди” деган хабар йўллайди?

- A) “Мушт кетди”
- B) “Сигарет қутисидagi арз-доллар”

- C) “Футбол қироли”
- D) “Демократия шунқори”
- E) “Даҳшатли туш”

13. А. Несиннинг “Даҳшатли туш” ҳикоясининг бош қаҳрамони ...

- A) министр эди
- B) ёзувчи эди
- C) депутат эди
- D) чет эл элчиси эди
- E) ташқи ишлар вазири эди

14. “Хотин киши бўлганимда-ю” ҳикоясида А. Несин қаҳрамони бир йўла котиб, бухгалтер, оғбор мудир, дарвозабон вазифаларини эшлайди. У ким эди?

- A) Маҳмудбей
- B) Аҳмед
- C) Саломат
- D) Салимбей
- E) номи айтилмаган

15. А. Несиннинг оломон руҳиятига хос ожизликни кўрсатувчи ҳикоясини кўрсатинг.

- A) “Кейин хурсанд бўласиз”
- B) “Мушт кетди”
- C) “Минг марта шукур”
- D) “Оркестр одам”
- E) “Сигарет қутисидagi арз-доллар”

16. А. Несиннинг “Демократия шунқори” ҳикоясидаги журналист йигитнинг асл ота касби нима бўлган?

- A) адвокат
- B) журналист

- С) қассоблик
- Д) савдогарлик
- Е) дорифуруш

17. Г. Маркеснинг ромайлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) “Ғаройиб болалар”, “Футбол кироли”, “Нур ва соялар”
- В) “Танҳоликнинг юз йили”, “Маттео Фалконе”
- С) “Оқсоқолнинг кўзи”, “Ошқора қотиллик қиссаси”, “Танҳоликнинг юз йили”
- Д) “Нур ва соялар”, “Даҳшат”, “Қизил ва қора”
- Е) “Хосиятсиз соат”, “Мушт кетди”, “Ошқора қотиллик қиссаси”

18. “Ошқора қотиллик қиссаси”да Сантьяго Насарни ўлдирган ака-укалар...

- А) Пабло ва Перуда
- В) Сан Роман ва Педро
- С) Викарио ва Пабло
- Д) Пабло ва Педро
- Е) Байярдо ва Поло

19. Г. Маркес “Ошқора қотиллик қиссаси”га “Такаббурлик билан ҳам меҳр-муҳаббат қозониш мумкин” деган эпитафия таълаган.

Мазкур эпитафия кимнинг қаламига мансуб?

- А) Сервантес
- В) Волтер
- С) Бомарше
- Д) Жил Висенти
- Е) Бокаччо

20. “Ошқора қотиллик қиссаси” Флора Мигел ким эди?

- А) Пабло Викарионинг қайлиги
- В) Педронинг қайлиги
- С) Байярдо Сан Романнинг қайлиги
- Д) Сантьяго Насарнинг қайлиги
- Е) чегарачининг қайлиги

21. Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасини “муҳаббат ҳақида ёзилган жаҳондаги энг ажойиб қисса” деб баҳолаган ва уни француз тилига ўгирган машҳур адиб ким?

- А) Г. Маркес
- В) Ж. Шаброл
- С) Ж. К. Ренар
- Д) Ж. Арно
- Е) Луи Арагон

22. Чингиз Айтматовнинг “Сомон йўли” қиссасида ҳаётнинг офир машаққатларини ўз бошидан кечирган аёл...

- А) Жамила
- В) Бекей
- С) Тўлганой
- Д) Найман она
- Е) Алиман

23. Ч. Айтматовнинг Инсон ва табиат бир бутунликда тасвирланган машҳур қиссаси...

- А) “Алвидо, Гулсари!”
- В) “Биринчи муаллим”
- С) “Эрта учган турналар”
- Д) “Оқ кема”
- Е) “Асрга татиғулик кун”

24. Чингиз Айтматов қайси асарида инсоннинг ўз-ўзини англаш, ўзлигини билиш муаммосини кўтариб чиқади?

- A) "Юзма-юз"
- B) "Қиёмат"
- C) "Оқ кема"
- D) "Жамила"
- E) "Асрга татиғулик кун"

25. Ч. Айтматовнинг "Оқ кема" қиссасидаги Ўрозқул образи орқали қандай шахслар қиёфаси чизилган?

- A) текинхўр, фақат қорнини ўйлайдиган насткаш шахслар
- B) инсон қадри, табиат, миллий қадриятларга бир пул деб қарайдиган разил шахслар
- C) меҳр-мурувватдан, маънавиятдан маҳрум қорин бандалари, муштумзўр шахслар
- D) фарзандсизлик аламини хотини ва ичкиликдан олувчи муштумзўр шахслар
- E) B ва C

26. Ч. Айтматовнинг "Оқ кема" қиссасидаги Мўмин чол характери нинг асосий қирралари...

- A) ўзгаларга қарам, муте бўлиб яшashi
- B) ҳалоллиги ва самимийлиги
- C) фарзандлари тақдирига лоқайдлиги
- D) меҳнатсеварлиги ва раҳмдиллиги
- E) A ва B

27. Ч. Айтматов "Фудзиямадаги учрашув" драмасидаги воқеалар кечадиган жой қаср?

- A) Япониянинг Фудзияма чўққиси
- B) Сибирнинг Шимолий тайгаларидан бир
- C) Қирғизистон совхози қирларидан бири
- D) Энасой дарёси соҳили
- E) Қозоғистоннинг Саризук чўли

28. Ч. Айтматов "манқурт" атамасини қайси қаҳрамонларига нисбатан қўллаган?

- A) Мўмин чол, Жўломон
- B) Эдигей, Қозонган
- C) Собитжон, лейтенант Тансиқбоев
- D) Дониёр, Эдилбой
- E) Бозорбой, Кандалов

29. "Асрга татиғулик кун" асаридаги югослав партизанлари орасида курашган, оқибатда Сталин қатағонига дуч келган покдил инсон...

- A) Абутолиб Қутибоев
- B) Эдигей Жонгелдин
- C) Дониёр
- D) Дўстберган Мустафоев
- E) Мамбет Абаев

30. Ч. Айтматов романи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) "Асрга татиғулик кун", "Бўронли бекат", "Жамила"
- B) "Сомон йўли", "Момо ер", "Қиёмат"
- C) "Биринчи муаллим", "Эрта қайган турналар", "Жамила"

- D) “Денгиз ёқалаб чопаётган олапар”, “Қиёмат”, “Бўронли бекат”
E) “Асрга татиғулик кун” (“Бўронли бекат”), “Қиёмат” (“Кунда”), “Кассандра тамғаси”

31. Ч. Айтматовнинг “Қиёмат” романидаги “Олтовлон ва еттинчи” балладасида аксилинқилобчи жасур йигит ким?

- A) Сандро
B) Гурам Жохадзе
C) Обер Кандалов
D) Авдий Каллистратов
E) Бўстон

32. Табиат ва жамиятдаги мутаносибликларнинг бузилиши, туфайли рўй бераётган фожиалар Ч. Айтматовнинг қайси асарида ҳаққоний ва тўлақонли ёритиб берилган?

- A) “Оқ кема”
B) “Қиёмат”
C) “Юзма-юз”
D) “Момо ер”
E) “Асрга татиғулик кун”

33. “Қиёмат” романида Исо (а.с) билан баҳслашган Понтий Пилат ким эди?

- A) Рим бош прокурори
B) Рим салтанатининг бош саркардаси
C) Рим салтанатининг Кичик Осиё вилоятидаги ноиб
D) Рим императорининг бош вазир
E) Иерусалимнинг Бош черков бошлиғи

34. “Қиёмат” романидаги одамларни эзгуликка ҳидоят эта туриб, ёвузлик қурбони бўлган покдомон йигит...

- A) Бўстон
B) Герам Жохадзе
C) Авдий Каллистратов
D) Гришан
E) Бозорбой

35. “Мен худо олдида ҳам, ўз олдимда ҳам сизлар учун жавобгарман”.

“Қиёмат” асаридан олинган бу сўзлар ким томонидан кимга қарата айтилган?

- A) Исо Масих(а.с) томонидан Понтий Пилатга
B) Авдий томонидан Гришанга
C) Бўстон томонидан Обер Кандаловга
D) Понтий Пилат томонидан Авдий Каллистратовга
E) Ёзувчи томонидан китобхонларга

36. 120 дан ортиқ асар ёзган, адиблар мусобақасида 24 марта голиб чиққан машҳур трагедиянавис ким?

- A) Шиллер
B) Шекспир
C) Эсхил
D) Софокл
E) Бомарше

37. Софоклнинг «Шоҳ Эдин» асарида қандай гоё илғари сурилади?

- A) тақдир азалдан қочиб қутулолмаслик

- В) ҳар ким ўз қилмиши учун жазо олиши муҳаққақ
 С) инсон ўз тақдирини ўзи яратади
 D) А ва В
 E) А, В ва С
38. Фива шоҳи Лайнинг жазоланишига нима сабаб бўлган?
 A) чет мамлакатларни аёвсиз босганлиги
 B) халққа чексиз зулми
 D) Пелопнинг ўглини ўғирлаб қочгани
 C) ўз ўглининг оёғига наптар уриб, Киферон тоғига элтиб ташлагани
 E) онаси Иокастага уйлангани
39. Фивага нега ўлат касали ёғилди?
 A) Эдишнинг шаҳвоний гуноҳлари ва отасининг қотилига айлангани учун
 B) Лайнинг халқ бошига чексиз зугумлар ўтказгани учун
 D) маъбудаларни ҳақоратлагани учун
 C) бегуноҳ инсонлар шафқатсиз қирилгани учун
 E) Лай Хрисишни ўғирлагани учун
40. Р.Тҳокур қайси асари учун Нобел мукофотига сазовор бўлди?
 A) «Оқшом кўшиқлари»
 B) «Гитанжали»
 D) «Тонг кўшиқлари»
 C) «Ҳалоқат»
 E) «Хонадон ва жаҳон»
41. Р.Тҳокур романдари берилган қаторни тонинг.
 A) «Ошқора қотиллик қиссаси», «Ҳалоқат», «Қизил ва қора»
 B) «Ҳалоқат», «Гора», «Хонадон ва жаҳон»
 D) «Мартин Иден», «Маттео Фалконе», «Инсоният комедияси»
 C) «Комиссар Мегре», «Декамерон», «Парма ибодатхонаси»
 E) «Нур ва соялар», «Гора», «Ҳалоқат»
42. Р.Тҳокурнинг «Нур ва соялар» ҳикоясидаги Шошибушон қиёфасида қандай инсон гавдаланган?
 A) итоан ўй, соддадил
 B) меҳнаткаш, очиқкўнгил
 D) айёр, алдамчи
 C) адолатталаб, ҳақ ўй
 E) маърифатли, олим
43. Р.Тҳокурнинг «Нур ва соялар» ҳикоясидаги Хоркумар нега судя томонидан ҳақоратланади?
 A) дангаса, ёлгончилиги учун
 B) судянинг итига гўшт олиб келмагани учун
 D) судяга таъзим қилмагани учун
 C) судянинг уйига ўғирликка киргани учун
 E) судянинг устидан судга ариза бергани учун
44. Маҳмуд Ғазнавий ҳар бир мисраси учун олтин ваъда қилган, тишчлик, дўстлик, инсон

парварлик гоялариши илгари сурган асар қайси қаторда берилган?

- A) «Худойнома»
- B) «Калила ва Димна»
- D) «Шоҳнома»
- C) «Гулистон»
- E) «Баҳористон»

45. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирланган, елкасидан икки илон ўсиб чиққан золим шоҳ ким эди?

- A) Кайхусрав
- B) Қобус ибни Вушмагир
- D) Гуштосб
- C) Кайқубод
- E) Заҳҳок

46. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирланган, боши инсон қиёфасида, тапасининг иккинчи қисми ҳайвондан иборат бўлган биринчи одам ким эди?

- A) Каюмарс
- B) Хушанг
- D) Гуштосб
- C) Заҳҳок
- E) Кова

47. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида инсон эрки, озодлиги учун кураш гоёси қайси образ орқали берилади?

- A) Сиёвуш
- B) Рустам
- D) Суҳроб
- C) Зол
- E) Манучеҳр

48. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида тасвирланган Афросиёб туркий халқлар орасида ким деб аталган?

- A) Билга Қоон
- B) Али Эр Тўнга
- D) Барсман
- C) Барсган
- E) Элтариш

49. «Шоҳнома»да жасур Рустамнинг севимли оти...

- A) Кўкдўнан
- B) Фиркўк
- D) Раҳш
- C) Бойчибор
- E) Гулгун

50. Жаҳон адабиётидаги машҳур трагедиянавислар номи қайси қаторда берилган?

- A) Сервантес, Навоий, Шота Руставели
- B) Мериме, Мопассан, Шекспир
- D) Лопе де Вега, Шиллер, Арагон
- C) Эсхил, Софокл, Шекспир
- E) Бехбудий, Голсуорси, Балзак

ҚЎЛЛАНМАДА БЕРИЛГАН ТЕСТЛАР КАЛИТИ

УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

1-B	5-B	9-D	13-A	17-C	21-B
2-C	6-A	10-E	14-D	18-D	
3-C	7-D	11-B	15-A	19-B	
4-E	8-E	12-D	16-E	20-A	

ФОНЕТИКА

1- C	8- C	15- A	22- C	29- B	36- B
2- C	9- A	16- B	23- B	30- E	37- C
3- D	10- C	17- B	24- E	31- E	38- A
4- C	11- C	18- A	25- B	32- E	39- E
5- B	12- A	19- B	26- E	33- E	40- C
6- E	13- B	20- E	27- A	34- A	41- A
7- E	14- D	21- E	28- B	35- A	

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

1- C	11- A	21- B	31- D	41- E	51- C
2- E	12- B	22- B	32- C	42- D	52- E
3- A	13- E	23- A	33- C	43- D	53- C
4- C	14- B	24- C	34- D	44- D	54- D
5- E	15- D	25- E	35- E	45- B	55- E
6- B	16- D	26- B	36- A	46- A	56- A
7- D	17- B	27- E	37- E	47- C	57- B
8- A	18- A	28- B	38- D	48- A	58- D
9- B	19- E	29- D	39- D	49- B	
10- C	20- C	30- B	40- B	50- A	

**МОРФОЛОГИЯ.
СЌЗНИНИҢ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ**

1-	Е	8-	В	15-	В	22-	А	29-	Е	36-	Е
2-	А	9-	Е	16-	С	23-	С	30-	В	37-	Д
3-	Е	10-	Д	17-	Е	24-	В	31-	С	38-	Е
4-	А	11-	В	18-	Д	25-	Д	32-	А	39-	Е
5-	А	12-	С	19-	А	26-	С	33-	В	40-	Е
6-	С	13-	В	20-	С	27-	А	34-	Е		
7-	А	14-	Е	21-	В	28	Е	35-	А		

**СЌЗ ТУРКУМЛАРИ.
ОТ**

1-	Е	10-	Е	19-	В	28	Е	37-	С	46-	А
2-	Е	11-	Е	20-	С	29-	С	38-	С	47-	Е
3-	Д	12-	Д	21-	А	30-	А	39-	С	48-	Д
4-	В	13-	Д	22-	В	31-	В	40-	В	49-	Д
5-	А	14-	В	23-	Д	32-	С	41-	С	50-	В
6-	А	15-	С	24-	А	33-	Е	42-	В		
7-	С	16-	С	25-	С	34-	В	43-	Е		
8-	Д	17-	Д	26-	Е	35-	А	44-	С		
9-	В	18-	С	27-	В	36-	Е	45-	Е		

СИФАТ

1-	Д	6-	А	11-	Е	16-	Е	21-	С	26-	Е
2-	В	7-	В	12-	А	17-	А	22-	Д	27-	В
3-	Д	8-	С	13-	Д	18-	С	23-	Е		
4-	С	9-	В	14-	В	19-	В	24-	Е		
5-	Д	10-	В	15-	А	20-	А	25-	Е		

СОИ

1-	A	5-	A	9-	E	13-	A	17-	C	21-	E
2-	E	6-	A	10-	E	14-	B	18-	B		
3-	C	7-	C	11-	E	15-	B	19-	E		
4-	D	8-	B	12-	E	16-	C	20-	D		

ОЛМОШ

1-	B	4-	C	7-	B	10-	A	13-	B	16-	D
2-	D	5-	B	8-	E	11-	B	14-	B	17-	C
3-	A	6-	A	9-	A	12-	C	15-	E	18-	B

ФЕЪЛ

1-	D	11-	C	21-	B	31-	E	41-	B	51-	C
2-	A	12-	E	22-	E	32-	A	42-	D	52-	B
3-	B	13-	B	23-	B	33-	C	43-	B	53-	E
4-	B	14-	A	24-	D	34-	B	44-	A	54-	A
5-	B	15-	E	25-	D	35-	E	45-	D	55-	A
6-	E	16-	B	26-	C	36-	A	46-	C	56-	B
7-	D	17-	E	27-	A	37-	D	47-	E		
8-	B	18-	C	28-	E	38-	E	48-	E		
9-	E	19-	C	29-	E	39-	B	49-	E		
10-	B	20-	D	30-	E	40-	D	50-	D		

РАВИШ

1-	E	5-	B	9-	B	13-	E	17-	B
2-	B	6-	A	10-	E	14-	B	18-	E
3-	C	7-	A	11-	B	15-	A	19-	D
4-	E	8-	C	12-	A	16-	E	20-	E

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

1-	C	8-	A	15-	C	22-	C	29-	E	36-	D
2-	E	9-	D	16-	E	23-	B	30-	E	37-	C
3-	E	10-	A	17-	E	24-	B	31-	C	38-	E
4-	D	11-	B	18-	D	25-	B	32-	B	39-	E
5-	E	12-	C	19-	C	26-	B	33-	B	40-	A
6-	D	13-	E	20-	D	27-	D	34-	C		
7-	B	14-	A	21-	B	28	E	35-	E		

УНДОВ, ТАҚЛИД ВА МОДАЛ СЎЗЛАР

1-	C	4-	E	7-	C	10-	C	13-	E	16-	B
2-	B	5-	D	8-	E	11-	E	14-	E	17-	C
3-	E	6-	E	9-	E	12-	B	15-	A	18-	B

СИНТАКСИС СЎЗ БИРИКМАСИ

1-	E	6-	E	10-	B	14-	A	18-	B	22-	B
2-	E	7-	A	11-	A	15-	C	19-	C	23-	E
3-	C	8-	C	12-	E	16-	B	20-	A	24-	B
4-	D	9-	B	13-	E	17-	A	21-	A	25-	E
5-	A										

ТАШНИНГ МАҚСАДГА КЎРА ТУРЛАРИ

1—D	5—C	9—A	13—C
2—E	6—C	10—A	14—D
3—E	7—B	11—D	15—C
4—D	8—A	12—A	

ГАШНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

1—C	3—C	5—A	7—E	9—D
2—E	4—B	6—B	8—E	10—B

ГАШ БЎЛАКЛАРИ

1- E	8- E	15- D	22- B	29- D
2- D	9- B	16- E	23- B	30- E
3- D	10- A	17- E	24- E	31- A
4- E	11- B	18- E	25- C	32- B
5- A	12- A	19- E	26- D	33- D
6- E	13- B	20- E	27- C	
7- D	14- E	21- E	28- E	

ГАШНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ, АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ. УНДАЛМА. КИРИШ СЎЗ ВА КИРИШ ГАШЛАР

1- D	9- E	17- D	25- E	33- C
2- E	10- C	18- B	26- D	34- E
3- E	11- D	19- D	27- A	35- E
4- C	12- D	20- E	28- B	36- C
5- A	13- A	21- B	29- B	37- B
6- D	14- B	22- C	30- C	38- A
7- D	15- B	23- E	31- E	39- D
8- C	16- E	24- C	32- A	40- E

БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАШЛАР

1—C	4—E	7—C	10—B	13—B
2—A	5—C	8—B	11—A	14—A
3—C	6—A	9—C	12—D	15—B

ҚҰШМА ТАҒЛАР

1—B	10—B	19—E	28—E	37—B	46—D
2—E	11—B	20—E	29—A	38—C	47—E
3—C	12—D	21—A	30—C	39—B	48—D
4—A	13—D	22—B	31—A	40—B	49—A
5—A	14—C	23—D	32—B	41—C	50—C
6—A	15—D	24—E	33—E	42—C	51—E
7—B	16—C	25—C	34—B	43—B	53—D
8—C	17—C	26—B	35—E	44—E	
9—E	18—E	27—C	36—D	45—C	

ҚҰЧИРМА ТАҒЛАР, ДИАЛОГ

1—A	3—D	5—D	7—E	9—B
2—E	4—C	6—B	8—D	

УСТЫҒЫШУОСЛИК

1—C	4—A	7—B	10—C	13—A
2—E	5—D	8—B	11—C	14—D
3—C	6—B	9—E	12—E	15—C

АДАБИЕТ НАЗАРЫЯСИ

1—C	15—D	29—D	43—D	57—A	71—C
2—C	16—B	30—A	44—D	58—E	72—A
3—E	17—A	31—D	45—B	59—B	73—B
4—A	18—D	32—C	46—D	60—A	74—C
5—E	19—D	33—C	47—B	61—B	75—E
6—A	20—A	34—C	48—B	62—D	76—B
7—C	21—C	35—A	49—D	63—E	77—D
8—A	22—A	36—B	50—D	64—D	78—D
9—E	23—D	37—A	51—B	65—D	79—C
10—B	24—B	38—B	52—B	66—B	80—D
11—C	25—C	39—D	53—A	67—A	81—A
12—D	26—B	40—A	54—D	68—B	82—B
13—C	27—C	41—D	55—E	69—D	83—A
14—A	28—B	42—A	56—B	70—E	

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

1-	E	8-	E	15-	B	22-	C	29-	A	36-	B
2-	B	9-	D	16-	B	23-	D	30-	B	37-	C
3-	B	10-	E	17-	E	24-	E	31-	A	38-	E
4-	E	11-	E	18-	A	25-	B	32-	B	39-	B
5-	C	12-	B	19-	C	26-	B	33-	B	40-	D
6-	D	13-	E	20-	B	27-	B	34-	E		
7-	E	14-	A	21-	C	28	B	35-	B		

ЭНГ ҚАДИМГИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР

1-	C	7-	C	13-	C	19-	B	25-	E	31-	E
2-	E	8-	D	14-	A	20-	A	26-	C	32-	B
3-	A	9-	C	15-	E	21-	D	27-	C	33-	D
4-	D	10-	A	16-	A	22-	E	28	E	34-	B
5-	B	11-	D	17-	D	23-	D	29-	A	35-	C
6-	B	12-	E	18-	D	24-	D	30-	B	36-	B
										37-	E

АЛИШЕР НАВОЙЙ

1—E	12—A	23—D	34—A	45—C	56—A
2—B	13—B	24—A	35—D	46—D	57—D
3—E	14—D	25—A	36—B	47—B	
4—C	15—B	26—B	37—C	48—D	
5—E	16—B	27—C	38—C	49—B	
6—B	17—E	28—C	39—C	50—B	
7—A	18—A	29—D	40—A	51—B	
8—E	19—B	30—B	41—D	52—E	
9—B	20—A	31—C	42—E	53—B	
10—D	21—B	32—B	43—B	54—C	
11—B	22—D	33—B	44—C	55—B	

ЗАҲИРИДИН МУҲАММАД БОБУР

1—C	6—D	11—D	16—E	21—C	26—E
2—B	7—D	12—B	17—D	22—E	27—D
3—A	8—B	13—D	18—C	23—D	28—E
4—E	9—E	14—A	19—B	24—B	
5—B	10—D	15—B	20—A	25—E	

XVII - XIX АСР АДАБИЁТИ

1—C	12—A	23—E	34—B	45—B	56—E
2—A	13—B	24—E	35—D	46—A	57—A
3—C	14—D	25—A	36—C	47—C	58—E
4—B	15—B	26—D	37—D	48—C	59—D
5—C	16—D	27—C	38—B	49—D	60—E
6—B	17—B	28—D	39—C	50—D	61—A
7—B	18—B	29—B	40—B	51—B	62—E
8—E	19—D	30—A	41—D	52—A	
9—A	20—A	31—D	42—E	53—C	
10—D	21—A	32—B	43—C	54—D	
11—C	22—D	33—E	44—E	55—B	

ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

1-E	33-D	65-B	97-C	129-A	161-A
2-A	34-E	66-C	98-E	130-A	162-E
3-A	35-E	67-B	99-E	131-B	163-B
4-D	36-B	68-E	100-B	132-C	164-D
5-E	37-C	69-E	101-E	133-B	165-A
6-A	38-D	70-D	102-D	134-C	166-B
7-C	39-E	71-B	103-A	135-A	167-D
8-B	40-A	72-D	104-D	136-C	168-C
9-D	41-E	73-B	105-D	137-D	169-C
10-A	42-E	74-D	106-B	138-A	170-D
11-D	43-C	75-D	107-C	139-E	171-A
12-B	44-A	76-B	108-B	140-C	172-C
13-A	45-D	77-C	109-C	141-E	173-D
14-A	46-D	78-A	110-E	142-B	174-C
15-E	47-B	79-D	111-A	143-C	175-A
16-B	48-D	80-B	112-E	144-D	176-A
17-B	49-C	81-A	113-B	145-B	177-E
18-A	50-E	82-A	114-E	146-E	178-B
19-E	51-D	83-D	115-C	147-D	179-B
20-B	52-B	84-C	116-C	148-A	180-A
21-C	53-C	85-E	117-B	149-A	181-B
22-D	54-E	86-C	118-D	150-B	182-C
23-B	55-D	87-E	119-E	151-A	183-E
24-A	56-A	88-C	120-C	152-C	184-C
25-E	57-B	89-C	121-C	153-E	185-D
26-D	58-C	90-D	122-E	154-A	186-C
27-A	59-C	91-C	123-B	155-D	187-D
28-C	60-A	92-D	124-A	156-A	188-C
29-B	61-E	93-E	125-C	157-D	
30-D	62-D	94-B	126-D	158-C	
31-E	63-C	95-A	127-A	159-B	
32-B	64-A	96-C	128-E	160-B	

ХОРИЖИЙ АДАБИЁТ

1—B	10—D	19—D	28—C	37—D	46—A
2—E	11—B	20—D	29—A	38—D	47—B
3—B	12—D	21—E	30—E	39—A	48—B
4—E	13—B	22—C	31—B	40—B	49—D
5—C	14—C	23—D	32—B	41—B	50—C
6—B	15—C	24—D	33—C	42—C	
7—D	16—D	25—E	34—C	43—B	
8—A	17—C	26—E	35—B	44—D	
9—B	18—D	27—C	36—D	45—E	

МУНДАРИЖА

Умумий масалалар	4
Фонетика	11
Лексикология	24
Морфология	44
Сўзнинг морфологик таркиби	45
Туб ва ясама сўзлар	48
Сўзларнинг тузилишига кўра турлари	49
Сўз туркумлари	56
От	56
Сифат	71
Сон	77
Олмош	83
Феъл	87
Равиш	106
Ёрдамчи сўзлар	111
Ундов, тақрид ва модал сўзлар	120
С интаксис	125
Гапнинг мақсадга кўра турлари	133
Гапнинг тузилишига кўра турлари	138
Гап бўлаклари	141
Гапнинг уюшув бўлаклари	153
Кириш сўз ва кириш гаплар	157
Бир бош бўлакли гаплар	164
Қўшма гаплар	169
Кўчирма гаплар, диалог	187
Услубшunosлик (стилистика)	190
Адабиёт назарияси	196
Халқ оғзаки ижоди (фольклор)	242
Энг қадимги ёзма ёдгорликлар	256
XI – XIV асрлар ўзбек адабиёти	259
Алишер Навоий	273
Заҳириддин Муҳаммад Бобур	297
XVII – XIX асарлар ўзбек адабиёти	304
XIX аср иккинчи ярми адабиёти	312
XX аср ўзбек адабиёти	327
Жаҳон адабиёти намояндалари	385

ЇЗУВ УЧУН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ НАШР

Ҳ. Юсуфий, Т. Рўзибоев, Т. Жўраев.

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.

Олий ўқув юртларига кирувчилар учун
махсус қўлланма

Қайта ишланган ва тўлдирилган наشري.

Муҳаррир: С. Қаҳдор.

Компьютер
макети: А. Холмурзаев.

Тех. муҳаррир: А. Сайдуллаев


Бадий безакчи: А. Мизяев.

Мусаҳҳиҳ: Т. Акбарова.

Босишга рухсат этилди 22.12.2001й.
Ўлчови 60x84 $\frac{1}{16}$. Ҳажми 25,75 б.т. Нусхаси 700.
Буюртма № 6215. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Фарғона” наشريёти, 712014, Фарғона ш.,
Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ.
Қиргули шаҳарчаси, Фарғона кўчаси, 6-уй.





3 330000 675425

122218